

«Алпомишнома» туркум китоблари кадрийларимиз фидойиси, йўлбошчимиз Ислам Абдуғаниевич КАРИМОВга Алпомишнинг алплигини, Гўрўгли бобомизнинг юз йигирма ёшдан зиёд умрини, Рустами Достоннинг оламшумуллигию завоқ топмаслигини Аллохдан сўраган холда бағишланади

*Савоб ишни ҳар кун қилиш керак,
савоб ишни ҳар ким қилиши керак*

Ислом КАРИМОВ

«Меҳнат» нашриётида «Алпомишнома»нинг 5 китоби-ни, «Алпомиш» достони туркумига кирган бир қур анъанавий дostonларни, фольклоршуносларнинг Жанубий Ўзбекистон маънавий-маърифий ва қадимий қадриятларининг долзарб муаммоларига бағишланган кўп жилдли сайланма асарларини, савобталаб ишга қўл уриб, саховатпешалик кўрсатган ҳомийларнинг беғараз кўмагида чоп этиш режалаштирилди.

I. «АЛПОМИШНОМА» ТУРКУМИГА КИРГАН КИТОБЛАР

Биринчи китоб. СУРҲОНДАРЕ ТАЛҚИНИ

Иккинчи китоб. ҚАШҚАДАРЕ ТАЛҚИНИ

Учинчи китоб. САМАРҚАНД ТАЛҚИНИ

*Тўртинчи китоб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ва БУХОРО
ТАЛҚИНИ*

Бешинчи китоб. ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАЛҚИНИ

II. «АЛПОМИШ» ТУРКУМИГА КИРГАН ДОСТОНЛАР

— «Алпомиш» (Қора бахши Умир ўғли, Абдуназар бахши Поён ўғли)

— «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» (Қаҳҳор бахши Қодир ўғли)

— «Ёдгорнинг туғилиши» (Чори бахши Умир ўғли)

— «Ёдгорнинг уйланиши» (Чори бахши Умир ўғли ва Қаҳҳор бахши Қодир ўғли)

— «Шомурод» (Чори бахши Умир ўғли)

— «Худоёр» (Қора бахши ва Чори бахши Умир ўғиллари)

III. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

А. ҚАҲҲОРОВ. «Бахши шоирлар»

Ч. ҲАМРО. «Танланган асарлар»

А. ЭРГАШЕВ. «Бахшичилик маҳорати»

М. МУРОДОВ, Н. ҲАКИМОВ ва б. «Ўзбек қадриятлари»


Б. ҚОДИРОВ, М. МУРОДОВ. «Ўзбек халқ педагогикаси»

*Малик МУРОДОВ
Абдуолим ЭРГАШЕВ*

АЛПОМИШНОМА

Биринчи китоб

СУРХОНДАРЁ ТАЛҚИНИ



Тошкент – “Меҳнат” – 1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Алпомиш» достони барча туркий халкларнинг шоҳ асарларидан бири саналади. Достоннинг қутлуғ тўйи жаҳон миқёсида нишонланиши ҳам фикримиз далилидир. У йиллар, асрлар давомида эллардан элларга ўтиб, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётир. Шак-шубҳа йўқки, «Алпомиш» бундан кейин ҳам халқимиз тафаккурининг мағрур ҳайкали янглиғ қад ростлаб тураверади.

Мазкур китобда «Алпомиш» достонининг Сурхондарё талқини хусусида фикр юритилади. Муаллифлар халқ оғзаки ижодининг энг гўзал ва бетакрор намунасини ўзига хос таҳлил қилишиб, бу борадаги фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлашади, достоннинг бахшилар ижросидаги янги нусхаларини ёзиб олиш жараёни, унинг шеърини хусусиятлари таққослашиб, бир-бирини бойитиши ва тўлдириши таъкидлаб ўтилади.

Масъул муҳаррир: Назар ҲАКИМОВ — фалсафа фанлари доктори, профессор

Муҳаррир: Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

«Алпомишнома» туркум китобларига Ўзбекистон Республикаси Дўн маҳсулотлари корпорациясининг раиси Олим ОТАЕВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректори Азиз ТўРАЕВ, Сурхондарё вилояти Шароф Рашидов номидаги Шўрчи дўн маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси Омонполвон БЕКНАЗАРОВлар маънавий-моддий химмат-саҳоват, ҳомийлик кўрсатишди. Уларга ўзимизнинг самимий ташаккуримизни изҳор этамиз.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг миллатимизнинг улуғ эпоси — «Алпомиш» достонининг катта тўйини нишонлаш тўғрисидаги қарори халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Унда «Алпомиш» достонининг аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқдаги эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини, ушбу достон яратилганлигининг тўйи ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини инobatта олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсади мукамал баён қилинди.

Чунончи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг катта тўйи 1999 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди. Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишга иришиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича

миллий комиссия, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари биргаликда 1999 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзuida халқаро конференция ва Сурхондарё вилоятида тантанали байрам тадбирларини тайёрлаш ишлари таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

«Алпомиш» достони, умуман, халқ ижоди намуналари асосида театр спектакллари, адабий-бадий композициялар яратишни кенгайтириши қайд қилиб ўтилди;

Фанлар академияси ва Бадий академия билан биргаликда етакчи музейларда этнографик кўргазмалар ташкил қилиш мўлжалланди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси, «Ўзтелерадио» ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Термиз шаҳрида 1999 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг мамлакат кўрик-танловини ҳамда халқаро фестивалини ўтказиш, энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида телевидеофильмлар яратиш ишларини ташкил қилиши белгиланди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вилоятнинг ички имкониятлари ҳисобидан Термиз ва Бойсун шаҳарларида замонавий дам олиш иншоотларига ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил қилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Шарқ» нашриёти матбаа концерни 1999 йилдан «Алпомиш» достонининг тўла нашрини ўзбек ва рус тилларида чоп этиш юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Алпомиш» достонининг танланма тўпламларини, жумладан, достоннинг қорақалпоқ тилидаги вариантини, достон ҳақидаги тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисоаларни чоп этишни режалаштириши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси: шунингдек, «Алпомиш» достонининг академик нашрини амалга ошириш ва хорижий тилларда нашр этиш масаласини ҳал этиши уқтирилди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда 100 жилдлик «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» тўпламларини нашрга тайёрлаш ва 2001 йилдан бошлаб уни нашр этишга киришиш таъкидланди.

«Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси «Алпомиш» кўп серияли бадиий фильмини ва болалар учун мультипликацион фильмлар туркумини ҳамда атоқли халқ бахшилари ҳақида ҳужжатли-публицистик фильмлар яратишни режалаштириши белгилаб берилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Алпомиш» дostonи сюжети, умуман халқ ижоди намуналари асосида ишланган суратлар, тасаввури билан боғлиқ рамзлар, халқ бахшиларининг сиймолари акс эттирилган почта маркалари, откриткалар ва конвертлар туркумини чиқариши ҳам алоҳида уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта миллий спорт ўйинлари — Алпомиш ўйинлари фестивали ўтказиши таъкидланди.

«Ўзтелерадио» ва бошқа оммавий ахборот воситалари «Алпомиш» дostonи ва умуман, ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг ёритилиши; Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» «Алпомиш» дostonининг кутлуғ тўйи муносабати билан олиб борилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, жаҳон оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриши уқтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Алпомиш» дostonининг улкан тўйини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳамда Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети, хомийлар ҳисобидан тенг улушларда қопланишини ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратишни на арда тутиши алоҳида вазифа қилиб кўйилди.

* * *

Мухтарам китобхон! Ҳукмингизга ҳавола этилаётган «Алпомишнома» китобининг биринчиси — Сурхондарё талқини «Алпомиш» дostonининг улуғ тўйини нишонлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг тарихий, истиқболга

мўлжалланган қарорига жавобан бир гуруҳ фидойи алпомишшунос ва алпомишхонлар томонидан уч йўналишда ташкил этилган халқаро илмий сафарнинг биринчи «Алпомиш Ватани» деб тан олинган қадимий Сурхондарё, қолаверса, Қашқадарё воҳаси йўналишида олиб борилган изланишларда қўлга киритилган ноёб материаллар асосида яратилди. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, хайрли мақсадлар кўзда тутилиб, ўз вақтида ташкил қилинган ушбу сафар фанга жуда кўп янгиликлар келтирди. Бой ва бетакрор ўзбек халқ оғзаки ижодининг ҳали кўпчиликлари маълум бўлмаган, аммо элимиз бағрида асрлар давомида етилиб, тили ва дилида яшаб келаётган «жонли» саҳифаларни излаб топишга ва уларни ўқишга муваффақ бўлинди. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида «Алпомиш» — бир қанча мустақил дostonлардан ташкил топган мукамал биографик-наслий туркум эканлиги «кашф» этилди. Ваҳоланки, биз шу кунга қадар «Алпомиш» ва унинг фарзанди Ёдгор ҳақидаги икки дostonни ҳамда уларнинг вариантларинигина билардик, холос. Ана шу туркумни ташкил этган «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» (айтувчи: Қаҳҳор баҳши Қодир ўғли), «Ёдгор» (икки вариантда, айтувчилар: Чори баҳши Умир ўғли, Қаҳҳор баҳши), «Йўлчибек (ёхуд Худоёр)» (Алпомишнинг иккинчи ўғли ҳақида, айтувчи: Чори баҳши Умир ўғли), «Шомурод» (Ёдгорнинг қайнотаси, айтувчи: Чори баҳши Умир ўғли) каби дostonлар борлиги илк бор аниқланиб, қаламга олинди ва фанга олиб кирилди.

Музработлик кекса баҳши, машҳур дostonчи Умир Сафар ўғлининг фарзанд-шогирди, истеъдодли баҳши-шоир Қора Умир ўғлидан «Алпомиш» дostonининг Жанубий Ўзбекистон варианты тўлалигича ёзиб олинди. Унинг ҳажми ва бадиияти Фозил шоир Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган дostonнинг Самарқанд вариантдан асло қолишмайди. Эпоснинг Сурхон варианты нафис бадиияти, қадимий асосларни сақлагани, халқимиз удумлари, урф-одатларини кенгрок камраб олиши, тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги каби хусусиятлари билан бошқа воҳа нусхаларидан фарқ қилади, ҳатто анча устун туради. Сафар давомида «Алпомиш» дostonи қаҳрамонлари билан боғлиқ ва фақат Сурхондарё воҳасидагина учрайдиган жой номлари, ер отлари, жуғрофий атамалар, ўзбек уруғлари ҳақидаги қизикарли қайдлар, юздан ортиқ ранг-баранг нақл-ривоятлар, афсоналар, сафар тафсилотлари ҳамда хангомалари ҳам «Кундалик», «Тундалик» ва «Йўл битиклар»га муҳрланади.

Янги номлар, бахшилар аниқланади. Юзлаб алпомиш-севарлар, фидойи дostonхонлар, кадриятларимизнинг кадрловчилари билан учрашилди, улар билан мулоқотларда, қизгин баҳс-мунозараларда бўлинди. Илм-фан, тарих ва халқ педагогикасига, адабиётимиз ва санъатимиз, фольклоримиз ва этнографиямизга оид бебаҳо манбалар, халқимиз маънавияти, маърифати ва ахлоқий-руҳий тарбиясига доир маълумотлар йиғилди. Ҳомийлар саҳоватию ғамхўрликларидан, меҳрибонликларини меҳмоннавозликларидан баҳраманд бўлинди. Кези келганда экспедиция аъзолари республикамиз маънавияти, маърифати ва маданияти, бир сўз билан айтганда, мафқурасида катта воқеа бўлган учта анжуманда фаол иштирок этганликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Икки юздан ортиқ таниқли жаҳон олимлари катнашиб, маърузалар қилган «Зараутсой-98» халқаро илмий симпозиум, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси ташкил этган «Ёш бахши-шоирлар» кўрик-танлови ҳамда «Алпомиш ўйинлари» I республика фестивалини эсга олмоқ лозим. Буларнинг барида «Алпомиш изидан» мунтазам халқаро илмий экспедиция аъзоларидан А. Чориев, М. Нетьматова, Ж. Култоев, Малла Очил ва бошқалар турли мавзуларда, халқ педагогикасининг долзарб муаммолари, шу жумладан «Алпомиш» дostonининг миллий мафқурамызда тутган ўрни ва тарбиявий аҳамияти борасида илмий маърузалар қилишган бўлса, Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб ўтказилган Иккинчи анжуманда ҳайъат аъзолари сифатида фаол иштирок этишди.

Бизни ҳаддан зиёд қувонтиргани ва фахрлантиргани шу бўлдики, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган 41 нафар ёш бахши-шоирлар, жировлар кўрик-танловда иштирок этиб, «Алпомиш» дostonидан нечоғли билишлари, уни қуйлаш борасида маҳоратлари ошиб бораётганлиги, хусусан, Зулхумор, Гулнора каби аёл бахшилар ҳам этишиб чиқаётганлигидир. «Алпомиш изидан» илмий экспедициянинг илк йўналишида яна бир ҳақиқат намён бўлди. Бу — буюк эпос «Алпомиш»сиз ўзбек маънавияти камтик, халқимиз мафқураси саёз, миллий ғуруримиз ва виждонимиз етарли бўлмайди. Ҳа, «Алпомиш»сиз халқимизнинг ўзига хос кадриятлари, миллий ва умумбашарий фазилатлари шукуҳсиз бўлиб қолади.

Аммо шуни тан олиш лозимки, собиқ шўролар даврида халқимизнинг бадий тафаккури бўлган «Алпомиш»ни бир

томонлама ўрганиб келдик. Унинг бир ёхуд икки нусхасини чоп этиш билан чекланган ҳолда, дoston қатларидаги ўзбекона ориятни, фикрлашни, оила шаъни, халқ бирлиги, Ватан тақдири учун курашчанлик ғоялари ўрганилмади, таҳлил қилилмади. Демак, миллий ва руҳий кадриятларимизга, тарихимизга, бугунимизга, келажакимизга бефарқ бўлинди. Агарда грузин кизлари турмушга чиқаётганда Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» китобини табаррук сеп қилиб берилиши тасаввур қилинса, биз ўз қахрамонлик эпосимизга шу пайтгача қандай муносабатда бўлганимизни англаш кийин эмас.

«Алпомиш»нинг қутлуғ тўйини нишонлаш хусусида ҳукумат миқёсида қарор қабул қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Дostonни (бошқа эпос намуналари, халқ оғзаки ижодининг ўзга жанрларини ҳам) чуқурроқ ўрганиш, уларнинг қатига минг йиллар давомида сингдирилган кадриятларни аниқлаб, маънавиятимизни юксалтириш имкониятига эга бўлдик. Биз уюштирган экспедиция ҳам, сафарларда қоғозга туширилган асарлар ҳам, сизга ҳавола этилаётган ушбу китоблар туркуми ҳам шу тарихий ҳужжат туфайлидир. Изланишларда бизга юзлаб кишилар ёрдамлашди, раҳнамолик қилишди, қўлаб-қувватлашди. Бу халқнинг ўз сеvimли дostonига унинг мард, танги, вафодор, садоқатли, оилапарвар, юртсевар, эл бахти учун курашувчи қахрамонларига ҳурмати, эъзози, эътиқоди рамзи эди. Беш марта илмий сафарда бўлиб, ўн минг чақирим атрофида йўл юриб, фольклор материалларини қўлга киритишда, «Алпомиш» туркумига кирувчи дostonларни ёзиб олиш, у билан боғлиқ жойларни ўрганишда оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилган ўз ёрдамини аямаган Қарши ДУ, Термиз ДУ (ректорлари Н.Ҳ. Ҳақимов, Н.Т. Тўраев), Сурхондарё вилоят ҳокимлиги (ҳокими Ж. Норалиев), Деҳқонобод, Қизирик, Музрабод, Денов, Сариосиё туманлари ҳокимлари, Қашқадарё вилоят телерадио маркази (директори А. Абдуллаев), Деҳқонобод туман ички ишлар бўлими (бошлиғи Э.Турдиев) ва бошқаларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

1-фасл

АЛПОМИШНИ
ИЗЛАБ...



*Алпомиш ўзбекнинг ори, номуси,
Апплик, шижоатда нурли қомуси.
Унда жам адолат, эътиқод, имон,
Оила ва элнинг шаъни бегумон*

Олим Бек

ЯХШИ СЎЗНИНГ ҚАНОТИ БОР

«Алпомиш изидан» халқаро илмий экспедицияни уюштириш хусусида республикамизнинг турли жойлари, жумладан, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги юртдошларимиз, дўст-биродарларимизга фикр билдирганимизда, улар бу хайрли ва савобли ишни астойдил маъқуллашиб, ўзларининг моддий ва маънавий ёрдамларини аямасликларини билдиришди. Бу ҳол, айниқса, «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 19 май сонидagi «Менда таклиф бор» рукни остида берилган «Алпомиш изидан» деб номланган чиқишимиздан кейин кучайди ва она-диёримизнинг турли бурчакларидан бу таклифни қўлаб-қувватловчи, мазкур экспедицияда қатнашиш истаги билдирилган ўнлаб мактублар, шошилиночномалар олдик. Сон-саноксиз телефон кўнғироқлари бўлди. Улар ҳозир ҳам келиб турибди.

«Алпомиш» юқорида таъкидланганидек, аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутади. Халқимизнинг нодир дурдонаси бўлмиш бу дostonда ўзбекона феъл-атвор, орият, виждон, иймон-эътиқод, маънавият, миллий руҳ, шунингдек, соф муҳаббат, дўстлик, қаҳрамонлик, эл-юртта садоқат, чуқур инсонийлик каби абадул абад юксак ва гўзал идеаллар улуғлашган. Шу боисдан ҳам жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — ЮНЕСКО ўзининг халқаро тадбирлари режасига ана шу асарнинг катта тўйини кенг, оламшумул тарзда тантана килинишини киритиши умумбашар тарихида муҳим воқеа бўлди (аслида, бу сана нисбий бўлиб, бир неча асрлар илгарийёқ дoston мукамал шаклланиб, аллақачон бир бутун ҳолга келган. «Алпомиш»нинг ўқ илдишларини ўтмиш асрлардан излаш тўғрироқ бўлади). Шунини инобатга олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор

қабул қилди. Тарихий ҳужжатда амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилди. Хусусан, тегишли давлат ташкилотлари, ижодий жамоалар билан биргаликда 1999 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро конференция ўтказиш, «Алпомиш ватани» деб тан олинган Сурхондарё вилоятида тантанали тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш, «Алпомиш» достони, қолаверса, умуман халқ ижоди намуналари асосида сахна асарлари, адабий-бадий композициялар яратишни кенгайтириш, етакчи музейларда этнографик кўргазмалар ташкил қилиш шулар жумласидандир. Термиз шаҳрида келаси йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг мамлакат миқёсидаги кўрик-танлови ҳамда халқаро фестивалини ўтказиш ҳам ана шу вазифалар доирасига киради. Шунингдек, мазкур қарорда халқ оғзаки ижодида фаолият кўрсатувчи энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида телевидеофильмлар яратиш ишларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилиши ҳам бағоят диққатга сазовордир. Ана шу вазифалар ва қарорда кўрсатилган 100 жилдлик «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» тўпламларини 2001 йилдан бошлаб нашр этишга киришиш фольклоршунослар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ижодкор халқимиз орасида, шунингдек, тақдир тақозоси билан хорижий мамлакатларда яшовчи ватандошларимиз орасида сочилиб ётган оғзаки ижод намуналарини йиғиш, бу соҳада мунтазам ва изчил изланишлар олиб боришни давр тақозо этади, албатта. Бу хайрли ва савобли юмуш ҳозирги бозор иқтисодиёти пайтида кўпроқ фидойилик кўрсатиш билан, қолаверса, ҳаммуаллифлик илмий экспедициялари ташкил этиш, жойларда мунтазам бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш билан амалга оширилади. Маълумки, йигирманчи-ўттинчи йилларда устоз фольклоршунослар Ғози Юнус, Ҳоди Зариф, Буюк Каримий, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов ва бошқалар томонидан ташкил этилган илмий фольклор-этнографик сафарларнинг кейинчалик ҳам фаол давом эттирилиши натижасида дунёдаги энг бой ва бетакрор ўзбек фольклори, шу жумладан «Алпомиш» достони архиви юзага келди. Аммо фольклор бамисоли қайнаб, ошиб-тошиб ётувчи мусаффо чашма. Чунки ўзбеклар дунёдаги энг ижодкор, энг зукко халқ. У ижод

қилмай, дoston, кўшиқ яратмай, куй басталамай яшай олмайдн. Бундан англашиладики, ўзбек фольклори яратилишда, ижрода давом этадиган жонли жараён. Шу боис жаҳон фольклоршунослигида учрамаган, «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» юз жилддигини амалга ошириш учун биргина мавжуд архив материалларидангина эмас, балки бизда ва хориждаги ватандошларимиз орасида оғзаки тарзда жонли анъаналарда яшаб келаётган фольклорнинг энг яхши намуналарини ёзиб олиш, ўрганиш ва сараларини нашрга тайёрлаш, улар устида жиддий илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам олдимизда турган долзарб вазибалардандир. Биз ана шу ҳаётини ва зарурий талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, «Алпомиш изидан» халқаро илмий фольклор этнографик экспедиция ташкил этишни режалаштирдик. Мазкур илмий сафарнинг халқаро миқёсда ўтказилишининг бир қатор сабаблари ва катта аҳамияти бор, албатта.

Маълумки, «Алпомиш» достони жуда кўп туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган. Баъзи тадқиқотчилар унинг уч версия — талқини бор дейишса, баъзилар эса тўрт талқинга эга, деб таъкидлашади. Биринчиси — «Кўнғирот» талқини. Бунга ўзбек, қозок, қорақалпоқ туркийлари ўртасида тарқалган ва мукамал ҳолга келган «Алпомиш», «Алпамис» номларидаги дostonлар кирати. Иккинчиси — «Ўғиз» талқини. Бунга туркий халқлар, хусусан, озор, туркман, турк, ўзбек ва бошқа халқлар орасида яшаб келаётган катта-кичик асарлар, хусусан, «Дада Қўрқут дostonи», унинг таркибидаги «Бамси Байрак» дostonидир. Учинчиси — «Қипчоқ» талқини. Бунга татар, бошқирд, абхаз ва уларга яқин бошқа халқлар ижодидаги «Барчин Сулуу» каби асарлардир. Тоғли Олтойда тарқалган «Алип-Манаш» дostonини эса тўртинчи — «Олтой» талқинига киритиш мумкин.

Ўрта Осиёга кўчиб келиб, турғун яшаб қолган араб ва эронийлар ўртасида айтилиб юрилган Алпомишга оид асарлар ҳам мавжуд. Баъзи манбаларда келтирилишича, хитой, эрон, афғон, турк, ҳатто Арабистон ва Ҳабашистонда яшовчи туркийлар, шу жумладан ўзбеклар орасида ҳам бу дoston ёки унга яқин қаҳрамонлар билан боғлиқ асарлар бор. Уларнинг баъзилари, жумладан, Олтойда тарқалган «Алип-Манаш» (Олтой қайчилари, яъни бахшилари уни «Алпомиш» деб ҳам атаганлар), ўрта асарлар ўғуз эпосининг му-

хим ёдгорлиги «Китоби Дада Кўркут» таркибидаги учинчи бўйи «Бамси Байрак» достони ўзининг мазмун-маъноси ва тузилиш-тартибининг баъзи бир жиҳатлари билан ўзбек «Алпомиш»ига яқин туради. Шундай қилиб, «Алпомиш» достони ва унга яқин катта кичик фольклор намуналари ер юзига тарқалиб кетган туркий ва унга яқин халқлар орасида у ёки бу даражада кенг ёйилган ҳамда уларнинг энг сеvimли асарларидан бирига айланган. Бу асарларни мунтазам ўрганиш, қиёсий-типологик таҳлил қилиш қанчалик зарур ва керакли бўлса, шунчалик қийин ва мураккабдир. Шу боисдан ҳам биз кўпчилиги асосан ёшларга таяниб режалаштирилган «Алпомиш изидан» илмий экспедицияси олдида ҳам жуда мураккаб, ўта қийин ва қамрови ниҳоятда кенг, аммо мақсад-ниятлари аниқ-равшан вазифалар турарди. Унинг иш режасига кўра мазкур халқаро экспедициянинг ҳар бири икки-уч ойдан ва уч босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич мамлакатимиз худудида амалга оширилади. Бу асосан Зарафшон воҳаси, Жанубий Ўзбекистон, яъни ҳозирги Сурхондарё билан Қашқадарё вилоятларининг қишлоқлари бўйлаб икки-уч ой давом этади. Айни чоқда кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. «Алпомиш» ва бошқа қахрамонлар номи билан боғлиқ афсонавий жойлар, ерлар ва уруғлар ҳолати, хусусиятлари ва бадиий ижодиётига асосий эътибор қаратилади. Термизнинг шимолида жойлашган ва дostonда мароқ билан қуйланган 64 шахобчали Кўнғирот уруғи ва уларни умумлаштирган беш ота уруғ—кўштамғалилар, Вақтамғали, Хонжигали, Ойинли ва Тортувлиларнинг вакиллари билан учрашув материалларини ёзиб олиш, Жаркўрғон, Бойсун туманларидаги кўҳна «Ойналикўл», «Барчин супаси», «Ховдак кўли», «Кўлқамиш (Кўққамиш) тўқайи», «Товканинг кўрғони», «Товкаойим кўшки», «Алпомиш зиндони» («Сурхайл чоҳи» ҳам деб аталади), «Чилбир чўли», «Боботоғ» (Танга қўйилган жой, яъни Барчинойнинг шартига кўра, минг қаламга танга қўйиб, уни уриб тушириш), Бойсун тови, Кўхитанг, Таллашган (Алпомишнинг оти—Бойчибор билан қалмоқ Кўкалдошнинг оти Кўкдўнон талашган жой), «Арпали чўли», Кўхитанг тоғлари орасидаги Пошкурт қишлоғидаги эски кўрғон ва чоҳ — зиндон вайроналари, Алпомиш оти—

Бойчибор ем еган Сирдарё соҳилларидаги қадимий масканлар, Асқар тоғи, Сирдарё қуйи оқимидаги Задарё, ҳозирги Минг булоқ тумани (Наманган вилояти), қамишзорлар ичидаги Алпомиш мозори (бу ҳақда ушбу китоб муаллифларидан бирининг 1963 йилда «Фан ва турмуш»даги «На алп кўмилган, на авлиё» деб номланган мақоласида илк бор маълумот берилган эди) ва бошқа ерлар, жойлар, жўғрофий атамалар ўрганилади, баҳодирлар ҳақидаги катта-кичик асарлар, халқ хотиралари ёзиб олинади. Халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналари тўпланади. «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Барчин Бека», «Ёдгор», «Шомурод» дostonлари вариантлари билан илк бор ёзиб олинади. Алпомишнинг авлоди бўлган ёш полвонлар аниқланади. Иқтидорли болалар ўрганилади.

«Алпомиш изидан» халқаро илмий экспедициясининг иккинчи йўналишини Ўрта Осиё, Узоқ ва Ўрта Шарқ минтақаларига, хусусан, Мўғулистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркияда ташкил этиш режалаштирилган. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон, шунингдек, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия каби мамлакатларда яшовчи халқлар орасидаги Алпомиш излари изланади. Учинчи йўналиш эса Кавказ олди ва Кавказ орти ҳамда Оврупо, жумладан, Татаристон, Бошқирдистон, Молдова, шунингдек, Мажористон, Руминия ва Тоғли Олтой ўлкалари бўйлаб «Алпомиш»ни ўрганишдир. Узоқ йиллардан буён бу юртларнинг (масалан, Ҳиндистон, Туркия, Мажористон, Тоғли Олтой ва бошқалар) кўпчилигида бўлиб, илмий изланишлар олиб борганимизда ўзбек эпоси билан ҳамоҳанг, уйқаш асарларни кўп эшитганмиз ва ёзиб олганмиз. Ана шу юртларни қайта кезиб, «Алпомиш»га оид кўшимча маълумотлар йиғиш, материаллар тўплаш муҳим илмий аҳамият касб этиши табиий бир ҳолдир.

Шундай қилиб, «Алпомиш», «Алпамыс», «Алип-Манаш», «Барчин сулуу», «Дада Кўрқит» («Бамси Байрак») каби дostonлар, уларда тасвирланган қаҳрамонлар, бебаҳо материални йиғиш, илмий нуқтаи назардан ўрганиш, тадқиқ қилиш умумўзбек, қолаверса, жаҳон фольклоршунослиги учун ҳам беҳад илмий-назарий ҳамда амалий-ташкилий аҳамиятга молик эканлигини инобатга олган ҳолда «Алпо-

миш изидан» экспедициясининг ташкил этилиши ниҳоятда зарур ва ўз вақтида амалга оширилаётган муҳим ишлардандир, деб биламиз.

Мазкур илмий сафар ихтиёрийдир. Дастлабки бадални 10 000 сўм қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Аъзолар танлов асосида бўлади. Ҳомийлар, муассасалар, жамоалар, яъни томирида Алпомиш қони бор, миллат, Ватан мустақиллик, истиқлол туйғулари устувор мард, танти кишилар чиқиб қолади, деган умидда иш бошладик. Бу борала бошимиздан кечган хайрли ишлардан бир-иккитасини эслатиб ўтмоқчимиз. Китобхонларнинг эсида бор, 1991 йили август ойида бир гуруҳ фидойи ёшлар билан Амир Темур бобомиз хотирасига бағишлаб «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция ташкил этган эдик. Ана шу хайрли ва савобли ишнинг бошланиши ҳамда муваффақиятли якунланишида жуда кўп кишилар, жамоалар, ташкилотлар хайрихоҳлик кўрсатишган эди. Танловда қатнашиб, ўзларининг беғараз ёрдамларини аяшмаганди. Жумладан, «Тошшаҳарйўловчитранспорт» акциядорлик жамияти раиси Р. Файзуллаев, Тошкент «Электро-аппарат» заводининг директори А. Алимбоев, кўқонлик Нурулла хожи Абдуллаев бизни астойдил қўллаб-қувватлашди. Керакли нақлиёт, маънавий қўллаб-қувватлашдан ташқари, озик-овқат, ҳатто озми-кўпми маблағ ажратиб, экспедиция сафарини давом эттиришга катта ҳисса қўшишганидан миннатдор бўлинган эди.

Борди-ю, «Алпомиш изидан» халқаро илмий экспедицияси ташкил этилиб, улкан мақсадлар билан иш бошлаб борилса, нафақат «Алпомиш» достони билан боғлиқ, балки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, умуман, туркий халқларга мансуб бахшилар, дostonчи-шоирлар, қайчилар, ўзанлар (Туркия туркчасида халқ бахшиси шу ном билан аталади), соқилар, санновчилар, алпомишхонлар, гўрўғлихонларнинг репертуарлари ҳам жиддий ўрганилишига ишондик. Шунингдек, туркий халқлар оғзаки ижодининг жонли анъаналарда яшаб келаётганлиги сабаблари ва қонун-қоидалари жиддий илмий жиҳатдан кузатилади. Бундан ташқари, халқ дostonлари қаҳрамонларига оид кўргазмалар материаллар, буклетлар, рамзий ва амалий санъат намуналари яратилади. Кинофильмлар, видеофильмлар, ранг-ба-

ранг тасвирий санъат намуналарига асос солинади. Энг асосийси, халқаро сайёҳликнинг олтин ҳалқасида «Алпомиш изидан» йўналиши белгиланади. Шунингдек, экспедицияда қўлга киритилган материаллар, унинг ҳаракатига оид қизиқарли маълумотлар эълон қилинишига шак-шубҳа йўқ. Шуни ҳам алоҳида қайд қилишни истар эдикки, «Алпомиш изидан» экспедициясини ташкил этиш ҳақидаги дастлабки мулоқотлардаёқ саъй-ҳаракатимизни қўллаб-қувватловчилар кўплаб топилди. Мана улардан баъзилари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Мақситов, жаркўрғонлик кекса отахон, ўзбек паҳлавонларининг фидойиси кўнгирот уруғи Хонжиғали шаҳобчасининг Қора бувра тармоғидан Ҳақберди хожи Норбоев, сурхондарёлик Холли баҳши Тошпўлатов, санъатшунослик институти ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Иброҳим Абдураимов, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессорлари Усмон Қорабоев, Мансур Бекмуродов, Эркин Худойбердиевлар, Наманган вилояти Чортоқ, Янгиқўрғон туманларининг бир гуруҳ фуқаролари, жамоа раҳбарлари, Қарши Давлат университетининг ректори, профессор Назар Ҳакимов, доцентлар Камол Очилов, Жўра Култой, машҳур баҳши Қодир Раҳим ўғлининг фарзандшогирдлари Қаҳҳор, Баҳром, Абдумурот Қодир ўғиллари, Қарши маданият техникумининг мураббийси Раҳимжон Ҳакимов, туркиялик кадрдонимиз, Ўзбекистон «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Истамбул бўлимининг бошлиғи Ражаб Шенол ва бошқа ўнлаб томирида Алпомиш қони уфуриб турган миллат ва Ватан фидойилари шулар жумласидандир. Аминмизки, бу ташаббусни сурхондарёлик, қашқадарёлик, самарқандлик ва бошқа вилоят, туманлардаги ўзбек халқ дostonлари шайдолари қўллаб-қувватлаб, ўзларининг хайр-эҳсонларини аяшмади.

Бу илмий сафарнинг даставвал кўнгилли уюштирилгани, ҳаражатларни экспедиция аъзоларининг ўзлари кўтариши ҳисобига ташкил этилаётгани, унда фақат эл-юрт манфаатлари, халқнинг миллий ва умумбашарий кадриятлари учун фидойилар қатнашаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, хайрли ниятимизнинг илк қадамиданок фидойи ҳомийлар учрай бошладики, бу бизга куч-қувват бағишлади.

Дастлаб кўхна Қарши шаҳрига йўл олдик. Қарши Давлат дорилфу., нида бўлганимизда, дорилфунун ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимовнинг халқ оғзаки ижодининг жонкуяри ва етук билимдони эканлигига, ўзбек халқининг илоҳий санъати—дostonчиликнинг ашаддий мухлиси, кадриятларимиз ва бахшиларимиз тарғиботчиси эканлигига, «Алпомиш» достони тўғрисидаги ҳукумат қарорини амалга ошириш соҳасида фаол ташкилотчи эканлигига гувоҳ бўлдик. Ректор оҳанграбо тасмага муҳрланган Бозор бахши Норматов ва Қодир бахши Раҳим ўғли ижросидаги «Алпомиш» достонидан парчалар эшиттирди-да, ўта камтарлик билан: «Биз ҳам бахшиларга озгина мухлис», деб қўшиб қўйди. Сўнг жуда қизиқарли ва мароқли фикрларни баён қилди: Жумладан, АҚШ дорилфунуни кутубхонасида ўтириб, Қодир бахши ҳақида инглиз тилида ёзилган мақолаларни ўқиган пайтидаги ҳайратини айтиб берди. Шу ҳайрат-қизиқиш туфайли Қарши Давлат дорилфунунига ректор бўлиб келгандан бошлабоқ миллатнинг қалб ойнаси, халқ бадий даҳоси бўлмиш — оғзаки ижодга катта эътибор ва ифтихор билан қараб, муҳим ишларни бошлади.

Шу боис 1997 йил 14 мартда улкан санъаткор Қодир бахши Раҳим ўғлининг 60 йиллик таваллудига бағишлаб республика миқёсида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Афсуски, ўша вақт Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номли Адабиёт институти мутасиддилари машҳур бахши юбилейини унутиб қўйишганди.

— Биз,—дейди Назар Ҳакимов,— «Алпомиш» достонининг улуғ тўйини нишонлаш тўғрисидаги ҳукумат қароридан беҳад қувондик. Қувонч бошқа, ишлаш бошқа. Шу боис илмий кенгашимизда халқимизнинг мардлиги, жасорати, ахлоқи, урф-одатлари қомуси бўлган достонни жиддий ўрганиш юзасидан тадбирлар белгиладик. Ҳар бир факультетда «Алпомиш» достони ҳақида илмий-амалий анжуманлар ўтказилади, ҳар қайси гуруҳда 4 соатдан махсус дарс белгиланади, ўзбек филологияси факультети I-V босқич талабалари эса ҳар йили алоҳида 20 соатдан «Алпомиш» ва миллий кадриятлар махсус курсида бу эпосни

чукур ўрганади. Ҳозирда ҳаёт бўлган ўндан ошиқ бахши-шоирлар билан учрашув уюштирилади. «Алпомиш» достонида миллий тарбия», «Алпомиш» эпосини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўрганиш», «Алпомиш» ва «Миллий ўйинлар», «Алпомиш»нинг мустақиллик даврида ўрганилиши» номларида 5 та илмий ва илмий-услубий рисола чоп этилади. Асосийси, халқ оғзаки ижоди бўйича ишларни мунтазам олиб бориш, 1953 йилдан ҳозиргача профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз тўплаган 1000 босма табоқдан ортиқ бебаҳо халқ ижоди намуналарини (уларнинг кўпчилигини халқ дostonлари, кўшиқлари, асотирлари, тахайюлот, маънавий қадриятларга оид асарлар ҳам ташкил этишини айтиб ўтиш жоиздир) жиддий ўрганиб, тадқиқ этиш ва чоп қилиш учун «Фольклор ва маънавият» илмий лабораторияси ташкил этилди. Унга ҳозирча 2 хона ажратганмиз, янги ўқув йилидан яна уч хона топамиз. Тўртта магнитофон, телевизор, видеомагнитофон, диктофон, видеокамера, фотоаппаратлар билан таъминлаймиз. Яқинда компьютер олиб, ходимларни кўпайтирамиз. Икки-уч йилда у халқ оғзаки ижодини ўрганиш илмий ва услубий марказига айланади. Бунинг учун моддий ва илмий имкониятларимиз етарли. Ахир, дostonчилик дунёда асосан ўлиб бўлган, бахтимизга фақат Қашқадарё ва Сурхондарёдагина жонли жараёнда яшаётган бир пайтда бу ишларни бажармай бўладими?! Сизлар бошлаган илмий экспедиция бизнинг ишларимизга жуда ҳам кўмаклашади. Шу боис Наврўз байрами арафасида хўжалик ишларимиздан топган маблағ ҳисобидан олинган «Дамас» енгил автомашинасини хизматларингизга кўшамиз ҳамда бу илмий сафарнинг республикамиздан ташқари ҳудудларга чиқишида ҳам ҳамкорлик ва ҳомийликка тайёрмиз. Зеро, ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш, дунё халқларининг ўзбек фольклори хусусидаги фикрларини ўрганиш, энг яхши термалар, кўшиқлар, дostonлар, афсона ва ривоятларини оламга ёйишга интилиш мен юқорида тилга олган фольклор илмий лабораториясининг вазифаларидан биридир.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳозир ўзбек фи-

дологияси факультетида ташкил этилган мазкур лабораторияда алпомишхонликлар тез-тез ўтказиб турилади. Бир ўтиб шу тадбирни кўрсаларингиз, муҳими, йирик фольклоршунос, дунё кўрган олимлар сифатида лабораторияни жиҳозлаш, ишини йўлга қўйиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни билдирсаларингиз айти муддао бўларди.

«Алпомиш изидан» халқаро экспедицияси аъзолари таклифни бажонидил қабул қилиб, ректорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари, доцент Абдусалом Ўроқов ҳамроҳлигида ўзбек филологияси факультети сари йўл олдиқ. Боғ оралаб юз қадамча юргач, қаршимизда олди ойнаванд бино пайдо бўлди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, «Фольклор ва маънавият» илмий лабораторияси деб ёзилган хона эшигини очсак, ичкарида одам гавжум экан. Проректор А.Ўроқов бизни тўпланган ўқитувчи ва талабаларга таништирди. Айти вақтда ёш тадқиқотчилар Шаҳноза Қаҳҳорова, Насим Очилов, Хулқар Бозорова, Жумақул Ражабов, Шавкат Янгибоев ва талабалар — Чори Аваз номли адабиёт тўгарагининг аъзолари алпомишхонликка бағишланган машғулоти ўтказётган экан. Ш. Қаҳҳорованинг «Алпомиш» достонининг Жанубий Ўзбекистон вариантлари ҳақидаги маърузасини тинглаб, эндигина муҳокама қилган ҳолда шеърхонликка ўтишган экан. Шеърлар ҳам «Алпомиш» эпоси ва у билан боғлиқ кадриятларимизга бағишланганлиги бизни ҳайратга солди. Айтиқса, ёш ўқитувчи Жумақул Ражабовнинг чиқиши қувонтирди. У ўқиган «Мувашшаҳ» мамлакатимизга истиклол келтирган, халқимизни нузли истикбол йўлига олиб чиққан, миллий кадриятларимиз урф-одатларимиз, маънавий юксалишимиз етакчиси, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовга бағишланган эди.

— Мен ушбу шеърни, — деди ёш шоир, — Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонининг катта тўйини нишонлаш тўғрисидаги қарорини ўқиб, қувонганимдан ёзим ва уни юртбошимизнинг ёшларга ғамхўрлигига нисбатан миннатдорчилик туйғуларимнинг ифодаси деб биламан.

Ушбу «Мувашшаҳ»ни Сиз китобхонларга лутфан тақдим этамиз.

МУВАШШАҲ

Истиқлолнинг қўнғироғи жаранглаган ҳур оним,
Интиқ кутган пайтинг келди, бошинг кўтар Туроним,
Истиқболнинг кучоқ очди, кучоқ очди Қуръоним,
Ифтихоринг кулиб боққан ҳур он муборак, юртим,
Ихтиёринг қўлга теккан даврон муборак, юртим.

Соҳибқирон от чоптирган мўъжизавий маъвосан,
Синоати ҳануз тилсим, англаб бўлмас маъносан,
Сайёралар ичра ёруғ нур таратган Зухросан,
Саҳро ичра йўлин топган карвон муборак, юртим,
Сенга азиз қўлин чўзган сарбон муборак, юртим.

Лақма ғаним, ағёрларнинг юрагини босмиш занг,
Лол қолдирмиш етти иқлим—кенг дунёни овозанг,
Ланг очилмиш тўрт томонга тўртта қутлуғ дарвозанг,
Лайлатулқадр кечасидек замон муборак, юртим,
Лабинг узра ҳуш табассум—ҳандон муборак, юртим.

Оқ кабутар, Хумоларинг осмонларни кулдирмиш,
Олтинингдан чиққан ёғду уммонларни тўлдирмиш,
Орзуларинг етмиш йиллик армонларинг ўлдирмиш,
Осмонўпар оппоқ тоғдек хирмон муборак, юртим,
Остонанга қадам қўйган меҳмон муборак, юртим.

Молдек юртни ҳайдамаймиз, чик, паҳтангни тергин, деб,
Меҳнат қилсак тиграмаймиз, «оға»миз не деркин, деб,
Масков сенга қўлин чўзди «ол» эмас, «бер, бергин» деб,
Миннатсиз ош, миннатсиз туз, қозон муборак, юртим,
Миллатнинг ҳар бир дардига дармон муборак, юртим.

Андижоннинг норғул-норғул йигитлари сўзласин,
Алпомишдек от чоптириб, узоқларни кўзласин,
Агар кимга бахт керакдир—шу Ватандан изласин,
Ағёрларинг ололмаган ўлпон муборак, юртим,
Асил фарзанд, асил шоир—Чўлпон муборак, юртим.

Бухоронинг зар ипаги дил ипига бойланди,
Баҳмалнинг кенг яйловлари вужудимга жойланди,
Бир маҳаллар тушда кўрган бахт ўнгимга айланди,

Биёбонда униб чиққан бўстон муборак, юртим,
Бошинг узра беғубор юрт-осмон муборак, юртим.

Дайдиб юрган очкўз, юхо итлар энди йўқ бунда,
Дарёларинг булғаб ётган китлар энди йўқ бунда,
Дил конини сўрган зулук, битлар энди йўқ бунда,
Дунё томи узра қўйган нарвон муборак, юртим,
Дўстларинг жам бўлиб турган айвон муборак, юртим.

Ушалмаган орзуларинг, не тонг, бугун ушалмиш,
Урганчининг пок гиламлари оёғингга тўшалмиш,
Ургут тоғи узоқлардан Ҳимолайга ўхшармиш,
Усмон Носир битиб кетган «Нахшон» муборак, юртим,
Умид отли ифорли гул-райхон муборак, юртим.

Ғаюр дилнинг ширин сўзи шунчаки ҳавас экан,
Ғаним зотнинг кенг кулбаси торгина қафас экан,
Ғафлат ичра ётган Ватан бир уйғонса бас экан,
Ғазалларда битилган бахт, имкон муборак, юртим,
Ғазнанг энди ўзингники, ҳамён муборак, юртим.

Афросиёб... кўҳна тарих, менинг кўҳна дардимсан,
Ағёрларга кўкси билан тикка чиққан мардимсан,
Азобларнинг қийноғидан ранги синиқ, зардимсан,
Афғонларга бардош берган ошён муборак, юртим,
Армиянг бор ва дегайман—қалқон муборак, юртим.

Нечун сенинг тупроғингни кўзларимга сурмайин,
Наманганнинг олмасини юзларимга суртмайин,
Нигоҳингдан нури сафо сочиларкан кун сайин—
Нур муборак, янги илму урфон муборак, юртим,
Нафратлардан туғилган шахд-бўрон муборак, юртим.

Иссиқ бағринг, гар хоҳласа, иситгай кенг дунёни,
Иболи қиз-жувонларинг лол этгай не барнони,
Итқит энди бошингдаги ёлғон-яшиқ, рўёни,
Илм нури билан қурган аркон муборак, юртим,
Илқингдаги қурол-яроғ—пайкон муборак, юртим.

Етимларга кучоқ очиб, силаганинг аёндир,
Еб-ичириб, узоқ умр тилаганинг аёндир,
Енг шимариб, дўстлик ипин улаганинг аёндир,
Ер аҳлига яна хайру эҳсон муборак, юртим,
Етти йилда ошган етти довон муборак, юртим.

Ватанини жондан севган Бобурларинг хали бор,
Водийларинг яёв кезган шоирларинг хали бор,
Ва қўлида дўмбираси Қодирларинг хали бор,
Вақти сахар кишнаётган жийрон муборак, юртим,
Воҳаларинг бўйлаб чопган жаирон муборак, юртим.

Иродаси тошдан қаттиқ, тоғдан буюк Ватансан,
Ибтидоси тарихларда жумбоқ-қуюк тумансан,
Ишқ гуллари ифорларин сочган суюк чамансан,
Ижро энди ўзингники, фармон муборак, юртим,
Ислом Карим қўлин чўзган Қуръон муборак, юртим.

Чўлларинг йўк, Қарши чўли гул очилган чамандир,
Чаманларинг ҳар биттаси ўзича бир чамандир,
Чин Мочин ҳам сенга умид кўзларини тиккандир,
Чимкўрғондан отилган сув-вулқон муборак юртим.
Чуст дўнписи қутлуғ бўлсин, чопон муборак, юртим.

Кечалари ўз-ўзимга Навоийдан сўз очдим,
Кубро, Бедил, Гиждувоний, Атоийдан сўз очдим,
Китоб ўқиб, ухлаб қолсам Нақшбанд деб кўз очдим,
Кўнгилдаги ажиб ҳислар—туғён муборак, юртим,
Коинотта қадам қўйган ўғлон муборак, юртим.

Андуҳларнинг гирдобида қолган эди ҳасратим,
Армонларнинг ҳар сатрини дил қатида асрадим,
Азобларни ёриб чикди бугун нури талъатим,
Асрларга тенглашувчи ҳар он муборак, юртим,
Абдуллонинг ашъорлари, дoston муборак, юртим.

Ранж, машаққат, аламлардан ранги сомон юрт эдинг,
Рус устида «боқиманда» яна «ёмон» юрт эдинг,
Роҳат кўрмай меҳнат қилдинг, бир безабон юрт эдинг,
Рост сўзлашга журъатли дил, забон муборак, юртим,
Рўёлардан нурамаган кўрғон муборак, юртим.

Илминг ила бир маҳаллар сарҳадлардан ошгандинг,
Ирмоқларнинг қуршовида Нилдек тўлиб, тошгандинг,
Илк ойнайи жаҳонни ҳам кашф қилганди Тошкандинг,
Илдам чопган отларингга сурон муборак юртим,
Иқболдан тож кийиб чиққан Турон муборак юртим.

Мавжланади Аму ва Сир, соҳилда из уйғонди,
Марғилонда Кумуш деган сулув бир киз уйғонди,
Мен шеър айтсам юрагимда бир ажиб ҳис уйғонди,
Малик Мурод, битган эллик дoston муборак, юртим,
Мухаммадинг, Хуршид, Азим, Усмон муборак, юртим.

Олчоқларинг ич-этингни еганлари рост экан,
Олғир зотлар олд-кетингни еганлари рост экан,
Оққан дарё окмай қўймас, деганлари рост экан,
Охир оқдинг, бузилган уч тўғон муборак, юртим,
Озорлардан омон чиққан Омон муборак, юртим.

Вақтинг келди, бошинг узра чикди иқбол қуёшинг,
Виждон амри ила ҳар тенг меҳробларга сурт бошинг,
Ватан, сенинг иқболингга омон бўлсин юртбошинг,
Вужудингга жон бахш этган имон муборак, юртим,
Ватанига ғурур берган Султон муборак, юртим.

Гўзал Барчин, Ойсулуви, Тўмариси бор юртим,
Гўрўғлидек алп келбатли, учқур Бойчибор юртим,
Гулдек тоза, сувдек азиз, нурдек беғубор юртим,
Гумонлардан халос бўлган иймон муборак, юртим.
Гумроҳларга отилган тош-исён муборак, юртим,

Алла айтган момоларнинг алласида оҳанг бор,
Амударё соҳилида қолиб кетган ноланг бор,
Ахир, унда Жалолиддин деган қутлуғ боланг бор,
Алпомишга юзин бурган жаҳон муборак, юртим,
Аёлларга баҳшида йил—эхсон муборак, юртим.

Алпомишхонликда V босқич талабаси Дуйнахол Абра-
еванинг «Барчиной Бекачим» шеъри эътиборимизни торт-
ди. Қаҳҳор баҳши Қодир ўғлидан илк бор биз ёзиб олган ва
талабалар эшитган «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» досто-
нига бағишланган эди. Ажабки, республикамизнинг бошқа
худудларидаги мухлислар шундай дoston борлигини ҳам би-
лишмайди-ю, аммо деҳқонободлик талаба унга шеър ба-
ғишлагга улгурибди. Шеър Дуйнахолнинг ажлодларимиз
яратган эпосга, унинг гўзал, садоқатли, мард, алп, вафодор қаҳ-
рамонига самимий мухаббати сифатида жаранглайди. Сиз
ҳам ўқиб кўрсангиз, фикримизга ишонасиз, деб ўйлаймиз:

Кувончлар бахш этиб оқшоми нахор
Достон куйлар бугун али оғам Қаххор,
Кўнғирот элидан сенга дил изҳор,
Қабул айла, ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман сенга бу кун эгачим.

Кўнғиротнинг, Бойсарининг кизисан,
Муҳаббатнинг, садоқатнинг ўзисан,
Эл-юртимнинг ҳар дам айтар сўзисан,
Муҳтарамсан, ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман, сенга бу кун эгачим.

Алпомишдек ўқ ўтмас қалқонинг бор,
Бойбўри деб аталмиш ҳоконинг бор,
Фурурлисан Ёдгордек ўғлонинг бор,
Мағруримсан, ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман, сенга бу кун эгачим.

Дуои жонингда Кунтуғмиш мунглинг,
Жонинга орадир Қалдирғоч синглинг,
Сенинг маслаҳатчинг бокира кўнглинг,
Муқаррамсан, ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман сенга бу кун эгачим.

Бойсун-Кўнғирот эли номус, ор бўлдинг,
Ултонтоз чун сароб бўлдинг, дор бўлдинг,
Алплар алпи Алпомишга ёр бўлдинг,
Мўътабарсан, ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман сенга бу кун эгачим.

Сен туфайли машҳур бўлди Кўнғирот,
Алпомишу учқур йўлдош Чибор от,
Қалбимизда қолди нурли хотирот,
Фаҳримизсан ой Барчиной бекачим,
Таъзимдаман сенга ҳар дам эгачим.

Университетдаги шу биргина тўгарак доирасида ўтказилган алпомишхонликдан қалбимиз нурга тўлиб, олий ўқув юртлари орасида илк бор ташкил қилинган «Фольклор ва маънавият» илмий лабораторияси ишлари билан танишдик. Хона шинам безатилган, фольклоршунослар А. Қахҳоров, А.Эргашев ва бошқалар томонидан узоқ изланишлар

натижасида тузилган Сурхондарё, Қашқадарёда дostonчилик мактабларининг устоз-шогирдчилик анъанасини акс эттирувчи 12 та шажара тартиб берилган. Унда икки вилоятдаги бешта—Шеробод, Бешқўтон, Каприн, Чирокчи ва Қамай поэтик мактабларининг XVII асрнинг охиридан XX аср сўнгигача яшаб ижод қилган ва ҳозирда барҳаёт 250 дан ортиқ бахши-шоирлар номи, яшаш жойи, қайси мактабга мансублиги акс этган. Ўзбек фольклоршунослигига оид илмий адабиётлар, халқ оғзаки ижодига доир бадиий асарлар, факультетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан узоқ йиллар Қашқадарё, Сурхондаре ва бошқа вилоятларидан тўпланган кўлёзма материаллари изчиллик билан жойлаштирилган.

— Бу лабораторияни ташкил этиш анча қийин кечди, — дейди ўзбек тили ва адабиёти кафедраси муdiri, доцент Турсун Бозоров. — Бир неча марта марҳум фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров билан лаборатория очишга интилик, бўлмади. Яхшиям, ректоримиз Назар Ҳакимович миллий қадриятларимиз, маданиятимизни атрофлича би тадилар. У кишининг ёрдами билан лаборатория янги ўқув йилида иш бошлади. Ҳозир унга фольклоршунос Камол Очилов мудирлик қилмоқда. Ишларни лабораториянинг кичик илмий ходими Тожиддин Қоржовов билан ҳамкорликда олиб боришяпти. Ҳали қиладиган ишлар кўп. Лаборатория икки воҳа фольклоридан тўпланган бой маънавий меросни тасниф этиши, нашрга тайёрлаши ва таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳа, ишлар кўп, ниятлар улуғ. Қани ҳамма жойда халқ ижодига шундай юракдан ёндошилса, деган истак билан, ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ишига омад тилаб, бир дунё таассуротлар билан дастлабки сафарга қадам қўйдик. Ҳали Қаршидан чиқмай туриб «Алпомиш»нинг ихлосмандлари, чинакам мухлислари бўлган Қашқадарё вилоят телерадио маркази бошлиғи Алланазар Абдуллаев, шоир Амир Худойберди, адиб Темирпўлат Тиллаев, олимлар Камол Очилов, Поён Равшанов, Шўҳрат Муродов, Абдушукур Чориев, Бахтиёр Ризаев, Файрат Соатов, Дамин Тўраев, Тўра Нафасов, иқтисодчи Йўлдош Аноров сингари турли касб эгаларига дуч келдик, улар билан мулоқотга киришиб, фикр-мулохазаларини эшитдик.

Кейинрок уларнинг ҳар бири сафар учун кўрсатган моддий ва маънавий кўмаклари ва ёрдамларига алоҳида тўхта-ламиз.

ХАЙРЛИ НИЯТЛАР ЙЎЛДОШ

Гумбирлар тоғнинг дараси,
Топилар ҳар иш чораси,
Алпомиш дoston сараси,
Шу дostonни айтар Сизга,
Умир бахшининг Қораси
(Қора бахши)

Қадимий ва ҳамиша навқирон Қаршидан жўнар эканмиз, дастлаб етти авлоди алвон-алвон сўйлаган, дostonларни ойлаб куйлаган, дўмбирага меҳрини бойлаган, бадихағўйликда кўпларни ортга тайлаган, ўзбек халқининг машҳур бахши-шоири Умир Сафар ўғлининг фарзанд-шоғирдлари Қора бахши ва Чори бахшиларга учрашмоқни режалаштирдик. Бунинг яна бир боиси, биз «Алпомиш» туркум дostonлари таркибидаги —Алпомишнинг фарзанди Ёдгор ҳақидаги «Ёдгор» дostonини Чори бахшидан мукамал ҳолда ёзиб олмоқчи, 1996 йилдан бошлаб эса Қора бахшидан «Алпомиш»нинг Жанубий Ўзбекистон вариантини тўла ёзиб олаётган эдик. Ҳозирга қадар Қашқадарё-Сурхондарё бахшиларидан «Алпомиш»нинг ўн варианты ёзиб олинган бўлиб, Мардонакул Авлиёқул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир Сафар ўғли, Бўри Аҳмад ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Ҳамро Эргаш ўғли, Зоҳир Кўчкор ўғли, Қодир Раҳим ўғли нухаларини ёзишда бир камчилик шу бўлганки, дoston туркум сифатида тўлиқ тарзда изчил қоғозга тушмаган. Бу ижодкор ва ёзиб олувчининг руҳиятидаги мосликнинг бўлмаслиги, шунингдек, вақтнинг қисқалиги билан юзага келган. Дарвоқе, буюк дostonчи Қодир Раҳим ўғли: «Имкон ва вақт бўлиб ижро этсанг, «Алпомиш» 1000 кечалик дoston», дегани бежиз эмас. Ёки Бухоро амири Насрулло хузурида асли деҳқонободлик бўлган Эрназар Қобон «Алпомиш»ни олти ой айтганини, аммо шунда ҳам тугамаганини ривоят қилишади. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган донгдор халқ дostonчиси Амин бахши (Самарқанднинг шимолидаги Ной-

арик тумани Кампир ўлди қишлоғидан). «Алпомиш» достонини бир сафар уч ой давомида тингловчиларни сира зериктирмай, ўзи ҳам толиқмай куйлаган. Ҳар қандай кишини хайратга солувчи, фавқулодда бадиҳагўйлик хусусиятига эга бўлган, илоҳий қобилиятли бундай ўзбек халқ бахшилари номларини яна кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар ҳолда биз бу дostonлар туркумининг Қашқадарё-Сурхондарё вариантларини тўлиқ ёзишга киришганимизда бир қатор қийинчиликларни ҳис этган, Қора бахшидан эса «Алпомиш»ни 2—3 марта эшитиб, унинг бадииятини яхши билганимиз боис танлаган эдик. Бахши манзили эса Қаршидан 280—290 чақиримлик масофада эди. Шу боис Фузордан ўтиб, 60—80-йиллардан ўзбек бахшичилиги санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган беназир дostonчи, буюк бахши-шоир Қодир Раҳимов юрти Деҳқонобод сари юрарканмиз, гурунгимиз ҳаётдан эрта кўз юмган бу улуғ бахшидаги Аллоҳ юқтирган илоҳий фазилатлар, дoston айтишдаги мўъжизавий хусусиятлар ҳақида борарди. Кимдир уни улкан тоққа, яна кимдир ҳаётбахш булоққа, бошқамиз нур сочувчи юлдузга менгзардик. Яна кимдир унинг дoston айтиш санъати, маҳорати, дўмбирасини ҳаддан зиёд завқ-шавқ билан сайратиб, учиб кетаётган булбулни унга кўндирганини эслатди. Алпомишдай савлатли, шижоатли, ғайратли, самимиятли, юртини ва элини алоҳида меҳр билан севган, репертуарида 70 дан ошиқ дoston орасида «Алпомиш» туркум дostonларини, уларнинг вариантларини энг кўп куйлаган Қодир бахшидек истеъдоддан буюк эпосимиз ёзиб олинмай қолганига минг бор афсусландик.

Бир пайтлар бахшидан «Алпомиш» дostonини эшитганмиз. Икки кеча-ю икки кундуз айтганди. Биз бевосита эшитган-нетган ёхуд дostonларини бевосита тинглаган ўнлаб бахшиларнинг ҳеч бири хотира, қувваий ҳофизаси-ю, дўмбирани сайрата олиш, дostonни қойилмақом куйлашда, қисқаси, тингловчини ўзига ағдариб олишда Қодир бахшининг олдига туша олмас эди. Унга дoston ва термалар куйлашни Худонинг ўзи юқтирганди. Ҳа, Қодир бахши Раҳим ўғли XX асрнинг буюк дostonчиси, беназир бахши-сию такрорланмас созандаси, фавқулодда бетакрор бадиий сўз санъаткори ва ижрочиси эди десак, муболага бўлмайди. Бахши айниқса «Алпомиш» ва бу туркумга кирган «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека», «Ёдгорнинг уйланиши» каби

достонларини жўшиб тошиб куйларди. Бахши кадрдон дўмбирасини қўлига олиб, бир-икки «хир-хир» қилиб, тингловчиларни ўзига қаратиб, диққат-эътиборини тортиб олди, бас, куй ҳам қуюлиб келаверар эди, сўз ҳам. Унинг ижросида «Алпомиш»ни тинглар экансиз, ундаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар қиёфаси, жонли манзаралар кўз олдингизда гавдаланар, бамисоли кино тасмасидай ўтарди. Худди достон воқеаларига аралашиб юргандай, қаҳрамонлар билан учрашиб тургандай тасаввурга эга бўлардингиз. Бойчиборнинг кишнаши-ю Қалдирғочойимнинг йиғи-сигиси, туяларнинг бўзлашию баҳодирлар олишувиде кўтарилган чанг-гўзонни кўриб тургандай бўлардингиз, отларнинг дупир-дупирларию қилич-найзаларнинг бир бирларига тегиб, шакир шуқур қилишларини эшитардингиз гўё!

Қарши Давлат университетининг доценти, филология фанлари номзоди, Кодир Раҳимов билан узоқ йиллар бирга бўлиб, бахшидан кўплаб достонлар ва термалар тинглаган Камол Очиқнинг бу фикрларини эшитгач, ҳеч биримиз таажжубланмадик, асло. Чунки биз ҳам бахши билан узлуксиз йигирма йилга яқин вақт доимий алоқада бўлиб кўп марта ундан достон ва термалар тинглаган, дўмбира куйларини беҳисоб эшитган эдик-да! Рухлар ҳар доим уйғоқ дейишади. Шу боисдан йўлда кетиб борар эканмиз, кулоқларимиз остида суюкли ва ардоқли юртдошимизнинг янғроқ саси жаранлагандай, жўшқин овоз таралгандай, алп Алпомиш ҳайқиргандай, Ойбарчин Бойчиборни қурей-ҳайтлагандай, Қоражон ишқиргандай, Бойбўри туя боқиб зор қақшаган, Қалдирғоч бўзлагандай, Ёдгоржон кўзда ёши, отасини чирқираб излагандай бўларди. Аммо афсуслар бўлсинки, энди ўн, балким юз бора эшитган бахши овозини дўмбирасининг сеҳрли сасини, бадий юксак «Алпомиш» матнини қайта тиклашнинг иложи йўқ эди.

Ўрта бўйли, миктидан келган, ҳали ўттизга бориб-бормаган ҳайдовчимиз «Алпомиш» достони ва унга аталган афсона-ривоятларнинг жуда билағони, бахшиларни беҳад ҳурматловчи, қаерда достончи чиқибди деса излаб топиб, уларнинг хонишини жонқулоғи билан эшитадиган йигит бўлиб чиқди. У йўл бўйи Алпомишдан сўзлаб келди. Биз салкам қирқ йил ичида огоҳ бўлмаган бебаҳо маълумотларни айтиб берарди. (Дарвоқе, Жанубий

Ўзбекистонда яшовчи етти ёшдан юз ёшгача Алпомишни яхши билишади, бу дostonни ҳаддан зиёд севиб тинглашади ва нашр этилганларини қўймай ўқишади, десак, муболаға қилмаган бўламиз). Ҳайдовчининг бағоят қизиқарли ҳикояларини эшитиб, анча-мунча йўлни босиб ўтганимизни ҳам сезмай қолдик.

Яшиллик билан қопланган Дехқонобод қир-адирларидан ўтиб, унга туташ Бойсун тоғларига етганимизда чинакамига мўъжиза рўй берди. Катта йўлда шамолдек учиб бораётган енгил машинамиз бирдан бир-икки силкиндида, йўлнинг қоқ ўртасида тўхтаб, мотори ўчиб қолди. Бехосдан силкиниб тушдик ва «тунда йўлда қолиб кетсак-а», деб хавотирлана бошладик. Тажрибаси етарли ҳайдовчи бизга қараб шундай деди: «Кўз ўнгимда хозиргина отларига миниб олган Алпомиш билан Барчиной ўтиб, йўлимни кесиб қўйди». Бу мўъжизани биз ҳам кўриб турган эдик. Саман отда Алпомиш, оқ отда Барчиной, қора отда Қоражон йўлни кесиб ўтишаётган эди. Улардан бири Мурод тепага кўтарилиди. Иккинчиси, яъни Алпомиш пастга энарди. Барчиной ўртада... Ҳайратдан ёқа тутиб савол-жавоб бўлиб турганда, машина қайта ўт олиб, ўз-ўзидан юриб кетди. Орқа ўриндикдагилар гафлат уйқусида бўлганларидан бу фаройиб мўъжизадан беҳабар қолиб, айтиб берсак, жуда афсусланишди. Бир зумда улар ҳам зийрак тортишиб, суҳбатга аралашинди. Мулоқот мавзуи яна Алпомишни куйлаган бахши-шоирларнинг дoston айтиш санъати, улар ҳаётида бўлиб ўтган фаройиб воқеалар, мўъжизавий ҳолатлар ҳамда Жийдали Бойсун, Таллашган, Калламосор, Халгунчак тепа, Барчин тепа, Арпали чўли, Ховдак кўли сингари жой номлари билан боғлиқ афсона ва нақл-ривоятларга кўчди. Шу қизиқарли мунозара билан Музрабод туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигига етиб келганимизда соат тунги ўн икки ярим эди. Ҳазил-мутойиба, дoston ва термалар айтишлар бошланиб кетди. Қора бахши созни қўлга олиб сайрата бошлади:

Овлай десам кўлда ғозим бўлмаса,
Бахши бўлиб кўлда созим бўлмаса,
Мен шўрликнинг кўрар кўзим бўлмаса,
Суйлай десам ўли-қизим бўлмаса,

Шул сабабдан бекам кўзим ёшланди...
Баланд товнинг билгин боши қояди,
Ҳаво жовса нор туялар тояди,
Бефарзанднинг йиққан моли зояди,
Яратганим бир тирноқдан аяди,
Шул сабабдан хумор кўзим ёшланди...

Бойбўрининг ноласига диллар титрайди, тингловчилар киприги намланади. Улар ҳам яратганга илтижо қилиб Бойбўрига фарзанд тилайди. Ниҳоят, мурожаатлар беҳуда кетмайди. Бойбўри ҳам суюнчи деган қутлуғ сўзни тинглашга муяссар бўлди:

...Булбул сайрар гул билан,
Ёмон куйдирар тил билан,
Айрилмагинда эл билан,
Ўралашма биздай «гўл» билан,
Суюнчи бергин, Бойбўри,
Қутлашга келдик ул билан...

...Бахши куйлашда давом этади, биз эса хаёлан бу вариантни чоп этилган Фозил шоир варианты билан қиёслаймиз. Ўхшаш жиҳатлар билан бирга ихтилофнинг юзага келишида, қадимий урф-одатлар, расм-русумларни ифодалашда, тарбиявий йўналишнинг баёнида фарқлар бисёрлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Қўнғирот уруғининг 64 та катта-кичик бўлимлар ва шаҳобчаларга бўлинишини санъаткорлик билан назмда берилиши, қадимий тушунчалар, эътиқодлар, тўрт унсур, қисқаси, ибтидоий тузум, зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ урф-одатлар, фарзанд тарбиясига доир ўринлар, бешиккerti, ном кўйиш, суннат тўй, никоҳ тўй билан боғлиқ расм-русумлар алоҳида бўртиб туради. Достон, хусусан, ундаги образлар номи, курашига алоқадор ривоятлар, афсоналар янада жозибadorлиги билан ҳайратга солади...

Туни билан бахшилардан Алпомишни тинглаб, гоҳ қувонч-шодликларга тўлиб, гоҳ эса қайғу-алам, дардга ботиб, тонг оттирдик. Кун чошгоҳ бўлганда эса бахши хонадонига Термиздан янги меҳмонлар — «Сурхон тонги» газетаси масъул котиби, шоир Сафар Омон раҳбарлигида бир гуруҳ ижодкорлар, вилоят ойнаи жаҳони, рўзномалари, радиоси ходимлари келиб қолишди. Улар «Алпомиш» достони ҳақида махсус кўрсатув ва туркум эшиттиришлар тайёрлашни ният

қилишган экан. Бизнинг дostonни ёзиб олишимиз бир кун ортга сурилди. Чунки ака-ука Қора ва Чори бахшилар, Абдурасул ва Абдукаҳҳор Қора ўғиллари «Алпомиш»ни ташқарида, очик ҳавода тўпланган аҳоли даврасида айтиши лозим эди. Тўрт бахши — ака-ука, ота-бола ижодкорлар «Алпомиш» эпосини куйлар экан, Сурхон шамоллари уларнинг сасини узоқ-узоқларга олиб учарди...

ЎКТАМ КИШИЛАР ДАВРАСИДА

«Алпомиш изидан» илмий сафарининг дастлабки кунларида режалаштирилган ишларни бажариб, орқамизга қайтар эканмиз, навбатдаги вазибаларни аниқлашга киришдик. Машҳур Шеробод дostonчилик мактабининг истеъдодли вакиллари яшаётган Қизириқ тумани кейинги тадқиқотлар учун кўзланган янги материаллар бериши лозим эди. Хушвақт бахши Мардонақулов, Абдуназар Поёнов, Абдусалом Эргашевлар репертуаридаги «Алпомиш» туркум дostonларини аниқлаш, қоғозга ёхуд оҳанрабо тасмага тушириш муаммоларини ўрганиш мақсадида Қизириққа йўл олдик. Бу ерда ўз ўтмишини кадрловчи, бугунини эъзозлаб эл-юрт ободончилиги, фаровонлиги учун астойдил тер тўкаётган кўплаб Алпомишдек шижоатли, ўктам кишиларга дуч келдик. Бош энергетик, Алпомиш ва умуман халқ оғзаки ижодининг фидойиси, воҳа бахши-шоирларнинг кадрдон дўсти, раҳнамоси Эшбўри Махсумов хонадонида чинакамига алпомишхонлик бир кечаю бир кундуз давом этди.

Туман ҳокими Йўлдош Шойматов: «Бу йил баҳор яхши келди, мана экин-тикинни ҳам яқунладик. Буғдойнинг чўғи баланд, чигит ялпи ўсиб чиқди. «Алпомиш» дostonининг улуг тўйи арафасида Алпомиш бобомиз руҳи мададкор бўлаяпти чоғи», деб суҳбатни биз истаган йўналишга бурди. Қашқадарё-Сурхондарё бахши-шоирлари куйлаган дostonлар кам чоп этилаётганини таъкидлади. Биз: «Мана, «Алпомиш» дostonининг мукаммад Жанубий Ўзбекистон вариантыни ёзиб олдик. Аввал ҳам ёзилган эди, энди уни чоп этиш учун ҳомийлар керак», дейишимиз билан ҳоким: «Алпомиш» юртида «Алпомиш»га ҳомий топилмайдими? Мана, биз ҳомийлик қиламиз», деди. Биз унинг сўзларидан шу қадар қувондикки, асти қўяверасиз. Ҳоким ўринбосарлари Норсаид Қаландаров, Эшонқул Холиқов, бош энергетик

Эшбўри Махсумов, жамоа хўжалиги раиси Ҳақим Эшоновлар билан бўлган икки-уч соатлик суҳбат чоғи тўртта ривоятни қайд этдик, бахшилардан қачон ва нималар ёзиб олиш белгилаб олинди. Дафъатан Сурхондарёда ёшу қари, мансабдору мансабсиз, эркагу аёлнинг «Алпомиш» достонига бу қадар қизиқиши боиси уларнинг ўз эпик қахрамонини севишдагина эмас, балки Президентимиз жонкуярлиги, узокни кўра билиши, халқимизнинг руҳий ва миллий қадриятларини эъозлаш акс этган Вазирлар Маҳкамасининг қарорини имзолашига бўлган ҳурмат-эътиқоди ва қолаверса, шу ҳужжат асосида вилоят ҳокимлиги 1998 йил 13 февралда чиқарган махсус қарорни бажаришга киришгани туфайлидир.

Йўлда хилма-хил воқеа-ҳодисаларга дуч келиб, очик-кўнгил, бағри кенг, саховатли, олижаноб, турфа инсонлар билан учрашиб, улар билан «Алпомиш» юбилеи ва бошқа мавзуларда қизиқарли суҳбатлар қуриб, тоғли қадрдон Дехқонободга кириб келар эканмиз, машҳур Қодир бахшини билганлар билан яна учрашиб кетишни ният қилдик. Оқрабодта Хушвақт Исломов, Чашмаиобзонда Абдурахмон Бўриев ва бошқалардан Қодир бахши хусусида қизиқарли хотираларини ҳамда «Алпомиш» достонини тинглаб ёзиб олдик. Ўз-ўзидан от ўрнини босаётган тойларни, яъни бугунги кунда ота созини ерга туширмай, довуғ қозонаётган Қаҳҳор бахши, Абдумурод бахши, Баҳром бахшидек Қодир бахшининг фарзанд-шогирдларини кўриш, айтиш усуллари тинглаш ҳисси босиб келаверди. Бу ерда (умуман, Қашқадарё-Сурхондарёда) бахшининг қаерда бўлишини халқ билади. Чунки элнинг кўз-қулоғи, айтар сўзи ва жангдор овози. Шу боис уни доимо ёдида тутати, бир нафас бўлса-да, назар-эътиборидан четда қолдиrolмайди.

—Бир нарсадан жуда хурсанд бўламан, —деган эди, бахшилар сардори раҳматли Қодир шоир Раҳим ўғли, —қаерда бўлмай, узок Туркманистондами ёхуд Тожикистонда, барибир юртдошларим билиб, кўриб, ҳатто дўмбирам созини эшитиб тургандай бўлади. Бу менга илҳом бағишлар, кучимга куч, овозимга овоз кўшади.

Айниқса, осойишталик посбонлари бахшиларнинг қардалигини аниқ-таниқ билишади. Шу боис, 20 чақиримга овора бўлиб юрмаслик учун туман ички ишлар бўлимига бурилдик. Милиция подполковниги, достонлар ихлосман-

ди, кўпқари ва кураш каби миллий кадриятларни ардоқловчи ўта зийрак инсон Эгамберди Турдиев саволимизга ҳазил аралаш, аммо шундай тўғри жавоб қайтарди:

— Узр энди. Ҳозирча мендан озроқ эшитасизлар. Чунки Қаххор бахши Туркменистондаги қариндошларига «Алпомиш»ни айтиш учун кеча Куйтанг товидан ошиб, «Нева»да йўл босиб Чоржуйга кетувди. Абдумуродни тожикистонлик қариндошлари бугун олиб кетди. Бахром ҳам Сурхондарёнинг бир бурчагида от суриб ётибди.

Сўнг бизнинг мақсадимизни билгач, сафар ҳомийлари сафига кўшилди. Кўлдан келганча ёрдам беришини таъкидлаб, биз ҳали билмаган ёш Даврон бахшидан яқинда «Алпомиш»нинг иккинчи қисмини эшитганини айтди. Туманга «Алпомиш изидан» халқаро илмий сафар қатнашчилари келганини эшитиб, дарров етиб келган Дехқонобод туман ҳокимининг ўринбосари Эшкелди Махсумов эса «Дехқонобод овози» газетасида яқинда чоп этилган «Алпомиш»нинг бойкўрғонлик куйчиси Файзулла бахши ҳақидаги бир саҳифалик материал билан таништириб, айтувчи мероси ва унинг устозлари, шогирдлари шажарасини ҳам ўрганишга эътиборни қаратди. Демак, яна бир бахши, «Алпомиш» куйчиси маълум бўлди!

Шу ўринда, азиз китобхон, кичик лирик чекиниш қилмоқчимиз. Бунга «Алпомиш» ҳаёт бўлиб, эл-юрт дардида ёниб-куйиб қадрдон дўмбираларини бўзлатиб, дostonлару термалар куйлаб юрган катта-кичик Жанубий Ўзбекистонлик бахши-шоирларимиз халқимизнинг буюк бадий даҳоси, қолаверса, томирларида Алпомиш, Барчин қонлари уфуриб турган дили пок, тили ширин, танти, мард, жангари ўз аждодлари кадриятларини авайлаб эъзозловчи, мустақилликни, истиқлолни кадрлаб, элим, юртим деб яшаётган юзлаб кишиларга дуч келганимиздан бошимиз осмонга етди. «Алпомиш изидан» илмий сафарини бошлаб, ниҳоятда фойдали ва керакли ишга қўл урганимизни англадик.

Хўш, сафаримизнинг биринчи йўналишининг дастлабки қўлга киритган ютуқлари, фольклоршунослик фанига кўшилган янгиликлари, хулосаларимиз нималардан иборат?

1. Жанубий Ўзбекистон қадимий маданият ўчоқларидан бири. Дарҳақиқат, худди шу худудда инсоният маданияти ва фанининг дастлабки куртаклари жуда қадимги даврда — ибтидоий жамоа тузумининг мезолит даврларидаёқ шакл-

ланганлиги жаҳон олимлари томонидан тан олинган. «Ал-помиш изидан» сафари қатнашчилари Кўхитанг тоғи этақларидаги қадимий Хўжа Анқо ва Қизилолма қишлоқлари орасида жойлашган кўҳна Зараутсой санъат, адабиёт, халқ педагогикаси, тафаккури ва маънавият-маърифатнинг ўзига хос бетакрор қомусий тадқиқоти — ёдгорлигига бағишланган «Зараутсой-98» халқаро илмий симпозиумида асосий қатнашчилардан бўлишганда, бунга яна бир бор гувоҳ бўлишди.

Дарвоқе, илмий сафаримиз аъзолари билан 1998 йил 12-14 май кунлари қадимий обидалар масканида бўлиб, икки юздан зиёд ватандош ва хорижлик илм кишилари билан қизгин мулоқотлар, баҳс-мунозараларга тушиб, тоғ бағирларидаги кўрган ҳар қандай кишини ҳайратга солувчи 270 га яқин мўъжиза ва сиру синбатларга тўла, ҳар бири ҳали ўқилмаган китоб деб қарашга арзигудек суратларни жиддий кўздан кечирганда, бир фараз қалбларимизни чўлғаб, бизга тинчлик бермай қолди. Бу фаразимизни термизлик изланувчан олимлардан бири, доцент Шариф Ёқубовнинг улуғ бобокалонимиз, адаб мулкининг бетакрор султони Алишер Навоий 1466-1469 йиллар орасида бу табаррук заминга қадам ранжида қилиб, Зараутсой тоғ бағридан жой олган тасвирий санъат мактабини, ота-боболаримизнинг буюк даҳоси яратган қоя суратларини кўргач, бу ҳақда ўз таассуротларини машхур «Хамса»га кирган «Сабъаи Сайёр» достонида акс эттирганликлари ҳақидаги изланишлари* билан танишганимизда янада кучайди.

Ажабо, шеърият султонининг узоқ Ҳиротдан Самарқандга келиб, ўқиш чоғи Зараутсойда бўлиб, ота-боболарининг қадимий санъатларидан олам-олам завқ-шавқ олганга илҳомланиб, ўз асарларида акс-садо бергани, наҳотки, умргузаронлари тоғу тошлар, чўпон-чўликлар орасида ўтиб, дoston-термалар куйлаб юрган халқ бахши-шоирларимиз, наҳотки, Зараутсойдек маданият, маърифат ва маънавият мактабидан беҳабар қолган бўлсалар? Ундаги ранг-тасвир, тошларга муҳрланган қахрамонлик, эпиклик, баҳодирлик, жангарилик оҳангларидан, шунингдек, ов, кийик шохли

* «Халқ педагогикаси», «Зараутсой-98» халқаро симпозиумининг илмий маърузалар тўплами. Т., «Университет», 1998, 18-бет.

хўкизлар, узун думли ва узункулок итлар, этаги кенг куйлак-ли одамлар, қандайдир дарахтлар устида араб ёзувлари, яна қанчадан-қанча белгилар, чизгилар, аломатлар бахши-шоирларимизга ҳам илҳом бермаган бўлса?! Маълумки, ўзбек бахши-шоирларига Аллоҳ ўта зехн, кучли хотира ва қуввайи ҳофиза, кузатувчанлик, воқеа-ҳодисалар кўрган-кечирганларни тез қабул қилиш ва идрок эта олиш, зукколик каби фазилатларни бошқаларга нисбатан кўпроқ беради. Шу боис бахши-шоирларимиз кўрган-билганларини, тарих ва бошдан кечирганларининг маъно-мантиқини халқ ҳаёти ва қаҳрамонликларини чуқур идрок этган ҳолда, уларни қўшиқ-достонларга кўчиришган. Шу ақидадан келиб чиқадиган бўлсак, зукко бахши-шоирларимизнинг Зараутсой каби халқ бадийи даҳоси, ақл-заковати билан яратилган ва асру асрлар тўфонларию ур-сурларига бардош бериб келган ёдгорликлардан беҳабар қолишлари мумкин эмас, албатта.

Демоқчимизки, Алпомиш ва бошқа қаҳрамонлик, ишқий-романтик ва тарихий достонларида ҳаёт ҳақиқати, ҳаёлот лавҳалари ҳамда қаҳрамонлар ана шундай обидалардан ҳам таъсирланган ва улардан фойдаланишган деб фараз қилиш мумкин. Бу ҳол «Алпомиш» каби илк қаҳрамонлик эпосига асос бўлган ўқ илдизларни тарих қаърининг энг қадимги нуқталаридан излаш керакмикин, дея мулоҳаза юритишга олиб келади. Дарвоқе, илм-фаннинг, шу жумладан, қадимий фольклоршунослигимизнинг ҳали эътиборга тушмаган ўқишга улгуролмаган саҳифалари, кўз ташлай олмаган сўқмоқлари, кашф қилолмаган кирралари, қўл уролмаган саҳифалари бисёрдир.

Моддий ва маънавий маданиятимиз шу қадар бой ва ранг-барангки, унинг илдизлари шунчалик чуқур ва теранки, уларни нафақат биз ва бизнинг авлод, балки келгуси авлодлар ҳам ўқиб-ўрганиб ниҳоясига ета олмасликлари аниқ. Халқ достончилиги санъати, бахши-шоирлар мероси, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби туркум достонларимиз ҳақида ҳам худди шундай фикрларни дадил айтиш мумкин.

2. Алпомиш изларини Сурхон воҳасидаги дастлабки изланишларимизда қўлга киритган ютуқларимиз қаторига бундан қарийб ўттиз йил аввал Тошкент ва Қарши Давлат дорилфунуни олимлари асос солган сафарларимизни ҳамкорликда олиб бориш, илмий ва устоз-мураббийлик фао-

лиятларида ҳамкорлик қилиш билан якунлаб, бу воҳада «Алпомиш»нинг бир қанча дostonларни бирлаштирувчи туркум, яъни генеалогик силсила сифатида узил-кесил шакланганлигини инкишоф қилдик. Натижада «Алпомиш», «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека», «Ёдгор», «Шомурод» ҳақидаги дostonларни Қора баҳши, Чори баҳши Умиров, Қаҳҳор баҳши Қодир ўғлидан мукамал ҳолда ёзиб олишга ва нашрга тайёрлашга киришдик. Тез орада дostonсевар халқимиз уларни ўқиш баҳтига мушарраф бўлишади.

Шундай қилиб, бир гуруҳ қадриятшунослар, алпомиш-севарлар, дostonхонлар — олимлару баҳши-шоирлар, мураббийлару талабалардан иборат фидойилар Алпомишни деб унинг излари изига тушиб, эзгу ниятли, юксак мақсадли сафарни бошладик. Ҳар қадамда янгиликлар, кутилмаган далиллар, мánбаларга дуч келмоқдамиз. Шу боис тошларни ёстик, ўт-алафларни кўрпа-ёстик қилиб, замонавий машиналарнинг турли-туманларида, ҳатто от-улов ва эшакларда қанчалар қийинчиликлар, тўсиқлар ва ғовларни енгиб ўтиб, минглаб чақирим йўлнинг тенгсиз азоб-уқубатларини жазирама иссиқ, қаҳратон совуқларга чидаб, кечани-кеча, кундузни кундуз демай, қор-ёмғир, жала-бўронларга қарамай, сабр-бардош, матонат ва мардонаворлик билан босиб ўтар эканмиз, бизга боболаримиз руҳи, яхшилар меҳроқибати, муруввати мадад берар эди. На чарчаш, на толиқиш, на ҳоришни билардик. Аксинча, умри азизларнинг эътибори, иззат-ҳурмати, меҳроқибатларию илиқ гап-сўзлари, ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларига қарамай, еяётган-ичаётганларидан ажратишлари бизнинг ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч, илҳомимизга илҳом кўшарди. Олдинда ҳали кезмаган ўлкалар, юрмаган сўқмоқлар, учрашолмаган ижодкорлар, қолаверса, яхши инсонлар кўп.

Шундай қилиб, эзгу умид ва ишонч билан бошланган дастлабки сафар ҳали Жанубий Ўзбекистонда дostonчилик жонли жараёнда кучли давом этаётганига, устоз-шогирдчилик анъанаси сўнмаганига, халқ баҳшиларни ҳамон севиб тинглашига, «Алпомиш»дек буюк дostonнинг ҳам нашр вариантлари ўқилиб, ҳам оғзаки тарзда тингланиб ёшлар томонидан ўзлаштирилаётганини яна бир бор кўрсатди. «Алпомиш»нинг бу ҳудудда кенг тарқалган Товка ойимга уйланиши, ундан фарзанд кўриш вариантини, шунингдек, ҳар бир парчани ёзиб олиш, дўмбира чертиб термлю

достонлар айтишга киришган Зулхумор Шерназарова ва Гулнора Чори бахши қизидек истеъдодларни махсус ўрганиш кун тартибига киритилди.

Асрлар давомида халқнинг рухий-маънавий озиқ манбаи бўлиб келган ҳаётбахш чашмани, қайнарбулоқни авлодларга асраб-авайлаб етказиш, бирон асар, бирон мисранинг изсиз йўқолишига йўл қўймаслик учун экспедиция аъзолари сафини янада кенгайтириш, тўпловчилик ишига кенг жамоатчиликни жалб этиш, экспедицияни Ватанимизда ва хорижий ўлкаларда, яъни жаҳонга сочилиб кетган туркий халқлар орасида ҳам мунтазам йўлга қўйиш шарт, деган қатъий хулосага келдик. Ҳа, сафар давом этаверади, Алпомиш излари изланаверади.

«ЙЎЛ БЕРГИН, ОҚСУВ ЎТАЙИН»

«Қалб кўзи» рўзномасида «Алпомиш йўлга чиқди» мақоласи чоп этилиши билан биз — муаллифлар республикамизнинг турли бурчақларида яшовчи алпомишсеварлардан кўплаб мактублар олдик. Улардан бирини келтиришни жоиз деб биламиз. У Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги кўхна Кофрун қишлоғида яшовчи бир гуруҳ кекса отахонлардан келган. Хатда шундай сатрлар бор: «Биз кофрунлик пенсионерлар «Қалб кўзи» газетасида «Алпомиш йўлга чиқди» сарлавҳали мақоладан «Алпомиш» номли экспедиция тузилганини, у сафарга чиққанини ўқиб жуда қувондик. Бироқ бу экспедиция нега Бойсунга — Алпомиш юртига келмаганини ўйлаб охирига ета олмадик. Бунинг устига «Алпомиш» дейишади-ю, олимлар, мухбирлар нега Алпомиш юртини эмас, Қалмоқ юртини, Алпомишнинг қалмоқдаги пайти билан боғлиқ жой номларини тарғиб қилишади. Масалан, республика ойнаи жаҳонидан август ойининг иккинчи ярмида намоиш этилган кўрсатувда ҳам Алпомишнинг чоғи, Товканинг кўрғони ва шу қабила тасвирга туширилган. Биз бунга қарши эмасмиз, кўрсатув ҳам ёмон тайёрланмаган. Бироқ Алпомишнинг ёшлиги ўтган, Алпомиш Ватан деб билган, унинг осойишталиги, ободлиги учун курашган Бойсундаги жой номлари, Бойсундаги афсоналар, ривоятлар қачон ўрганилади? Ҳозир шусиз ҳам англашилмовчилик юз бера бошлади. Жумладан, Алпомиш билан боғлиқ жой номлари Кўлкамиш атрофида сақлангани ҳолда айрим раҳбарлар Сарикамиш Алпомиш билан

боғлиқ деб ҳисоблашмоқда. Бу муаммога аниқлик кири-тиш учун экспедиция аъзолари Бойсуннинг Кофрун қиш-лоғига келишини, унинг яқинидаги Қўлқамишни, Бойса-рининг яйловини, Алпомиш авлодлари дафн этилган кўҳна қабристонни кўришни сўраймиз. Бу ерда Алпомиш ва унинг авлодлари ҳақида афсона-ривоятлар ҳамон сақланмоқда.

Мактубни ўқиб, ўйга толдик. Албатта, отахонлар фикри-га кўшилиб, Алпомишга Қўлқамиш ёки Сарикамиш яқин, Алпомишни кофрунликлар ёхуд пулҳакимликлар кўпроқ эъзозлашади, дейиш мумкин эмас. Қолаверса, машҳур Фо-зил шоир куйлаган ва бир неча бор чоп этилган «Алпо-миш» достонида ҳам, унинг биз томонимиздан тўлиқ, му-камал ва парча ҳолида ёзиб олинган Қора бахши Умиров, Қодир бахши Раҳимов, Чори бахши Умиров вариантлари-да ҳам Сарикамиш эмас, Қўлқамиш /Қўқамиш/ атамаси кўп учрайди. Бу далилни кофрунликлар 1969-1972 йиллар-да олиб борилган тадқиқотлар пайтида ҳам «Алпомиш» дос-тонининг нашр вариантини ўқиш, бахшилар ижросида кўп тинглаганини айтишган эди. Биз фольклоршунослар эса эпосда эпик замон ва эпик макон доимо нисбий деб бил-ганимиздан бунга кўп ҳам эътибор бермаган эканмиз. Оқ-соқоллар йўллаган хат туртки бўлди-ю, фотоаппарат, ви-деокамераларсиз, аввал масаланинг моҳиятига етиш учун телефон орқали бир-биримиз билан боғланиб, яна машақ-қатли, оғир ва узоқ сафарга отландик.

... Йўл азобини кунига бир неча юзлаб километр юрган-лар яхши билади. Соат 8 да автостанцияга келсак, бахтимизга қарши Тошкент—Қарши автобуси аллақачон жўнаган экан. Кутишга эса фурсат йўқ. Жиззахгача микроавтобусда, Самар-қандгача «Дамас»да, Қаршигача автобусда, Дехқонободгача так-сида етдик. Бу ерда эса ДАН ходимларининг, хусусан, дастлаб-ки сафаримизда ҳомийлик қилган туман ички ишлар бўли-мининг бошлиғи, Алпомишнинг ўта ишқибози, у ҳақда кўтлаб ривоятлар ва хотираларни биладиган подполковник Эгам-берди Турдиевнинг ёрдами билан «Москвич» машинаси на-сиб этди. Ангор чоррахасидан Музрабодгача «ГАЗ-53» ҳай-довчиси ҳиммат кўрсатиб, Акмал Икромов номли жамоа хўжа-лигидаги Қора бахши Умиров хонадонига машина устига яширинча ўтирғизиб етказганда тунги уйку вақти бўлган эди-ю, аммо Чори бахши Умировнинг 60 йиллигига тараддуд кўрилаётгани учун одамлар гавжум экан.

Бахшилардан термалару дostonлар тинглаб йўл азобидан фориф бўлдиқ. Тонггача Қора бахшининг фарзандшоғирди, отасининг созини олиб, авлодлар анъанасини давом эттираётган Расул бахши амакиси Неъматнинг эски «Москвич»ини созлаб сафарга ҳозирлаган эди. Бойсунга икки йўл—Сайроб ёхуд Бандихон орқали боришни таклиф қилишди. Шунда асли кофрунлик бўлган Асад маҳсум Бандихон йўли яқинлигини, лекин бузуклигини, Сайроб йўли узoқ, бироқ текис ва юришга қулайлигини айтиб қолди. Биз Бандихон йўлини маъқул топганимизда, Бандихон йўлида Оқсув дарёга, Оқтош тоғига, Кўлкамишга, Алпомиш авлодларининг қабрига дуч келишимизни таъкидлади. Қариялар айтган жойларни тезроқ кўриш туйғусидан Бандихон орқали юришни лозим топдиқ. Неъматбек ҳам: «Трактор ўтадиган йўл бўлса, машинани ҳайдайвераман», деб бизга далда берди ва бобоси Қора бахши Умир ўғлини эш қилиб йўлга тушди. Шерободнинг кўз илғамас кенгликлари, Қизирикнинг пахтазору боғзорларидан ўта бошладиқ. Хаёлда Алпомишга боғлиқ илоҳий ва муқаддас жойларни кўриш, у ҳақда янғидан-янғи афсонаю латифалар эшитиш илинжи, умиди чарх уради. Кун эса роса қиздира бошлади. Сурхондарё иссиғи одамни тез лоҳас қилади. Ҳаво намлигидан нафас олиш қийинлашади. Бандихонга яқинлашганда машина баллони ёрилиб кетди. Бутун ғилдиракни эса унутиб қолдирибди. Ноилож ҳайдовчи камерани яматиб келиш учун Бандихон тумани марказига йўл олди. Бахтимизга ёнимизда бахшимиз бор эди. Қора бахши қўлига кадрдон дўмбрасини олиб «Алпомиш»дан куйлай бошлади. «Ўтда ёнмас, сувда чўкмас, ўқ-ёй ўтмас» баҳодир бизга мадад берарди гўё. Машина созланганда соат 12 дан ошгач, иссиқдан тинка қуриган эди.

Бойсун томон бурилиб, Бандихон дарасига кирар эканмиз, яқиндагина жала ёғиб, сел олиб кетган жойлардан ўтиш осон бўлмади. Айниқса икки жойда тупроқ йўлдан кўтарилишда машина ботиб қолгач, уни чиқариш оғир кечди. Ноилож ҳаммамиз пастга тушганда, тупроқ туфлиларни кўмиб тўпикдан ошди. «Москвич»ни зўр бериб олдинга итарар эканмиз, ғилдиракнинг жойида айланишидан кўтарилган чанг юзимизгача ёпишди. Юз-кўзимиз, усти-бошимиз, шунчалар чангга ботдики, ҳатто бир-бирларимизни таний олмай ҳам қолдиқ. Шунда бир нафас тўхтаб Қора

бахшига: «Алпомиш» Оксувдан ўтолмай ялинарди, биз оқ-тупроқдан ўта олай шошяпмиз-ку», десак, дostonдаги «Йўл бергин, Оксув ўтайин»га мослаб, ушбу сатрларни ўқиди:

Алпомиш деб жоним сўтдим,
Эски «Москвич»ни чоттим,
Чангта ботиб қанча кутдим,
Йўл бергин, тупирок, ўтайик,
Сувсадим, сувга етайик.
Топган тулпорим шул бўлди,
Икки олим ҳам сил бўлди,
Ютган чанглари мўл бўлди,
Йўл бергин, тупирок ўтайик,
Бойсун элига етайик.

Ҳар ҳолда шу далда бўлдими, ё Алпомиш руҳи ёрдам бердими, яна бир чанг ботиб, машинани итарин билан тупроқдан ҳам ошиб, тош йўлга тушдик. Атрофдаги тоғларга сеҳрланиб Бандихон дараси тугайдиган жойдаги Оксувдарёга ҳам етдик. Аввалги тўлиб-тошган Оксув йўқ. У энди пишқириб оқмас, йўлни тўсолмайдиган ҳолатда милдирабгина турар эди. Биз унинг ўртасига тўхтаб, юз-қўлимизни ювдик, чанқокни босмоқчи бўлсак, сув шўр экан. Ҳар ҳолда, ичиб чанқокни боса олмасамиз ҳам сув-сувда! У бир оз ҳовуримизни туширди. Бахшидан дostonнинг худди шу ўрнини айтиб беришни сўраддик. Бахши ҳар ҳолда илтимосимизни бежавоб қолдирмади.

«Алпомиш» Оксув дарёсига келиб, аввал манмансираган ҳолда оқаётган сувга дўқ-пўпсиза қилади. Бирок дарё камаймай оқа бошлагач, унга илтижо билан, мурувват қилишни сўрайди:

Оксувдарё, дарёлигинг бил энди,
Мусофирга раҳм-шафқат қил энди,
Етти йиллаб заҳмат чекдим зиндонда,
Сувинг тўхтаб менга бергил йўл энди.

Ота-она, юрт соғинчи шоширди,
Душманларим жабр-зулмин оширди,
Оксувдарё, ўзинг нажот бер қани,
Алпомишинг келиб сенга бош урди.

Ёрил, ёрил сувларингни бўла қол,
Бир болангга раҳм-шафқат қила қол,

Бир мартага сиғиндимда, Оқдарё,
Тангри гувоҳ сўзларимни ола қол.

Илтижода Бойбўрининг боласи,
Етиб борди Аллоҳимга ноласи.
Оқсувдарё қоқ иккига бўлинди,
Ризо бўлди Алпомиш дил қалъаси.

Бағоят ҳаяжонли, ҳар қандай киши қалбини ларзага солувчи бундай илоҳий мисралардан таъсирланган ҳолда жўнамоқчи бўлиб турганда, Бойсун тарафдан бир «ПАЗ» автобуси келиб олдимизда тўхтади. Ундан тўрт йигит тушиб саломлашиб, қалин ҳол-аҳвол сўрашди. Вазиятни билишгач, сув бериб тўйдиришди, мақсадимизни эшитгач: «Сиз сўраган элнинг фозили Раҳмат Махсум ҳозиргина Бойсун тарафдан сафарга кетди, мактаб директори Хуррам Танги-ровга учрашсаларинг, керакли жойларни ва кишиларни кўрсатади», деб хайрлашишди.

Ниҳоят, дарадан кўтарилар эканмиз, ажиб манзарага дуч келдик. Ҳамма томон ясси тоғлар, паст-баланд тепаликлар билан ўралган ўртада бир парча текислик ястаниб ётар, узоқда дарахтларнинг учи ям-яшил бўлиб кўринар эди. Биз эса сувсизликдан қонган бўлсак-да, иссиқлик ва очликдан ланж бўлиб ўша яшилликка, қишлоққа кўз тикардик. Етти-саккиз чақирим, етмиш-саксон чақиримдек туюлар, йўл унмас эди... Бунинг устига, бир пасда ҳавони қора булут бутунлай қоплади-да, қибла томондан қаттиқ шамол туриб, чор-атрофни чанг-тўзон, хас-хашақларга тўлдириб ташлади. Қадам босиш у ёқда турсин, кўз очишга имконият қолмади. Экспедиция аъзолари турган жойларига чўкишди. Нима қилиш, қандай чора топишни билмай ҳамма хайрон эди. Фақат Аллоҳдан мадад кутишдан бошқа илож йўқ. Шу пайт негадир яна Алпомишни эсладик. Дарвоқе, дастлабки экспедициямиз даврида Дехқонободдан Туркманистонга қараб йўлга чиққанимизда шунга ўхшаш бўрон турганда экспедиция аъзоларидан бири — раҳматли Қодир бахши Раҳим ўғли Алпомиш тилидан шамолга шундай мурожаат-илтижо қилганди:

«... Алпомиш тутқунлик ва талашда қолган суюкли ёри Барчинойга жўнаб кетаётганида чўлда бирдан турган шамол-бўрондан кўп азият чекканлиги, хатто Бойчибордай

тулпори бардош беролмай ётиб олгани тасвирланади. Бундан қаҳри чиллала совукдай бўлиб, ҳар туки найзадай-найзадай бўлиб чакмонини тешиб чиққан, қаҳр-ғазабга келган алп Шамолга шундай деб мурожаат қилади:

Ушбу дамдан ўзга дамни дам дема,
Давлатимни ўзгалардан кам дема.
Шамол бобо, қаҳрингни бас қил энди,
Мард йигитман, кўрқади деб ғам ема.

Ёр деб узоқ йўлга кетиб бораман,
Номус-ор деб, елдай учиб бораман.
Жоним бобо, шамолинг бас қил энди,
Ёрим деб яшиндай кўчиб бораман.

Шамол бобо, шаштингдан қайтгин энди,
Мард болангман, мардлигим билгин энди,
Ҳой Шамол, йўлим тўсма, ёлбораман,
Қаҳрим турса, ғазабим кўргин энди.

Юқорида ҳаётда, табиатда биз унча-бунчада англаб етмайдиган ва етолмайдиган фавқуллодда ҳолатлар, мўъжизалар, ажойиб жумбоқлар, сир-асрорли ғаройиботлар рўй бериб туришини ёзган эдик. Яратган эгамданми, ё Алпомиш ва Қодир бахши руҳиданми ўша пайтда шамол-бўрон тиниб, ҳаво очилиб, йўлимизда давом этган эдик...

ЎЗИНГ ҚЎЛЛА, УЛУҒЛАР РУҲИ!

Кўз ўнгимизда қишлоқ бор бўйи билан намоён бўла бошлаганда, ҳамроҳларимиздан бирининг аҳволи ёмонлаша бошлади. Юрак ўйноқлар, ўқчир, аммо қайд қила олмас эди. Бунга иссиқ таъсиридан кўрдик-да, ўзимизга таниш бўлган Раҳмат маҳсум Абдукаримовнинг хонадонига етдик. Ёшгина, Барчиндай гўзал бир келин қарши олди. Маҳсум акани сўраб, ўзимизни таништиргунча ҳам бўлмади кўнғирот келинларига хос илтифот билан уй ичига таклиф қилди. Хушҳаво, салқин хонага киргач, қатик, чалоб келтирди. Тавозе билан уйда ҳеч ким йўқлигини, бизни бир неча кундан буён кутган қайнотаси Р. Абдукаримов зарурият юзасидан Қашқадарёга кетганини айтди. Бемор қатикни ичиб, яна қайт қилиб келди. Икки соат чамаси дам олиш ҳам фойда бермади. Бахтга қарши қишлоқ шифокори ҳам ўша

дамда йўқ, қаергадир тўйга кетган экан, ўзини қаттиқликка олишга уринган, хаста йигит амаллаб чидаб турар эди. Келин мактаб директори Хуррам Тангировни чақириб келди. Узун бўйли, буғдойранг, чўзиқ юзли, қирқ беш-эллик ёшлардаги мураббий дастлабки учрашувдаёқ муомаласи, самимийлиги билан яхши таассурот қолдирди. Алпомиш учун хизматга тайёрлигини билдирди. Яна кўзғалдик. Дастлаб 84 ёшли Ҳофиз бобо Тангиркулов, 94 ёшли Сари бобо Фаффоровдан «Қўрғозов», «Дортош», «Аждартепа», «Бештепа», «Майкатнинг кўрғони», «Жийдали ота» ҳақидаги ривоятларни ёзиб олди. Аммо бемор ҳамроҳимиз бир амаллаб ўтирар, ётар, бироқ бир ушоқ ҳам тортмас, кўйилган мева-чеваларга асло қўл узатмасди. Мезбонлар эса қистар, экспедициянинг бошқа аъзолари унинг руҳиятидан ташвишда эди.

Маҳалла кўмитаси ёнида юқорида эсланган хатни ёзганлардан бири — Оллоберди Шойимқуловга дуч келдик. Кимлигимизни ва нима мақсадда кезиб юрганимизни билган собиқ ўқитувчи, ҳозирги кунда нафақадаги оқсоқол бирданига изимизга—Кўлқамишга қайтишни буюрди. Йўлда кетар эканмиз, хасталанган ҳамроҳимизга қараб: «Нима, меҳмон болам, гўнгмисиз, ё димоғи баланд чўнгмисиз? Ўйнамайсиз-кулмайсиз, хатто сўрашувни билмайсиз», деди. Биз воқеани айтгач, «Ҳа, шундай бўлиб туради. Алпомиш авлодларининг қабристонини ёнидан ўтсаларинг, энг катта Дастор қоя ва Хўжасангроз сингари авлиёлар орасидан қарамай кетсаларинг ҳазиллашади-да», деб кўйди. Дарвоқе, хасталанган ушбу китоб муаллифларидан бирининг етти пушти шу ерда ўтган бўлиб, бу жойдаги авлиёлар, пирлар, шаҳидлар унга дахлдор эди. Дастлаб ўн ёшли бола Қашқадарёнинг Фузор туманидан амакилари, тоғалари, бўлаларини кўрмоқ учун келиб, Дастор қоя авлиёни, бобоси Ҳасан шайидни зиёрат этмай кетганда ўн кеча-кундуз ўқчиган, ҳар ўқчиганда тухумнинг бадбўй ҳиди роса меъдага теккан, ҳақимлар ҳам чора топа олмагач, бола отасининг ўғити билан шу қишлоққа келиб, авлиёга ва шаҳид бобоси номига исичироқ қилгач, тузалиб кетган эди. Руҳларнинг иккинчи «ҳазили» орадан ўн йиллар ўтиб содир бўлди. Энди навқирон йигит ухлай олмаслик дардига чалинганди. Яна ниҳоят ота-она дуоси билан Яратганга, аждодларига ихлоси туфайли сўнгги ишларга, кашфиётларга қўл урди. Бироқ Бандихон

дарасидан ўтиб келишда авлиёга эътиборсизлик, улуғлар руҳини унут қилиш, улуғлар қабристонини ободонлаштириш, кексалар дуоси, ҳомийлар (40 чилтон, Хўжаи Хидир* кабилар)ни ёддан чиқариш юқоридаги ҳолатнинг рўй беришига сабаб бўлган эди. Зеро, булар реал ҳолда воқеликни ҳаётий ҳодисаларми ёхуд илоҳий мўъжизаларми? Бу ҳолни изоҳлашга ожизликни тан олган ҳолда Аллоҳнинг қароматларига, мўъжизаларига тан бермасликнинг иложи йўқ.

Биз боя келган йўлимиздан қайтиб, Бандихон дарасига яқинлашганимизда, ўнг томондаги панжара олдига тўхтадик. Панжара ичида «Оқтош» бўлиб, унинг ўзи ҳам қабр шаклида ясалган, узунлиги 70-80 см, баландлиги 35-40 см, эни ҳам тахминан шу атрофда эди. Оллоберди ота шу ерда қадим қабристон борлигини, унга Алпомиш авлодлари қўйилганини, бу панжара ва оқтош (оппоқ тош) Оқтош ота қабристони ўтган-кетганга кўрсатиш учун қўйилганини айтди. Ўтириб дуои фотиҳа қилди. Бемор ҳамроҳимизга ҳам оят ўқишни таклиф қилди. Сўнг тошнинг бир неча бор йўқолиб қолиш ва топилиш сиру асрорларини айтиб берди. Кимдир уни олиб кетиб яқин кишиси қабрига қўйган экан, ўша кундан ухлай олмайдиган, кўзини юмди дегунча, гулдир-гулдирлару шовқин-суронларни эшитадиган бўлибди. Бир қўй худойи қилса ҳам бўлмабди, ўғли уч кундан сўнг вафот этибди ва тошни жойига олиб бориб қўйибди. Иккинчи бор олиб кетган киши ўзи бандаликни бажо келтирибди. Учинчи бор маҳаллий музейлардан бирига олиб борса, яна зиён етибди. Ҳар уч ҳолда олиб кетганларнинг қариндошлари оқ тошни келтириб жойига қўйишга мажбур бўлишибди.

Учинчи йўқолишдан сўнг одамлар, бу тошнинг ўрнига бошқа бир оқ тошни белги сифатида қўйишибдики, бунинг боиси қабристон турган жой йўловчилар, авлодлар ёдидан чиқмасин деган ўтинч экан. Бироқ учинчи бор анча узоқроқ муддатдан сўнг бўлса-да, ёнига Аллоҳ деб ёзилган асли оқ тош келтирилгач, панжара ичига жойлаштирилгач, сўнгги тош четга олиб қўйилибди. Зеро, шу яқин орадаги аҳоли, бу қадим мазористонга Бойбўри билан Бойсарининг пири, сўнг ўзлари, авлодлари қўйилган деб билишгач, унга эътиқод қўйишган, сифинишган. Ҳозир ҳам шундай фикрда. Айтишларича, яқин-яқингача қабристон ёнига келганда йўловчилар уловдан (от, эшак, туя кабидан) тушиб, унинг

* Сурхондарёда Хўжаи Хизир шундай деб аталади.

ёнидан пиёда ўтишар, албатта, дуои фотиҳа қилишар экан. Ажабки, бу воқеаларни эшитиш давомида аста-секин беморнинг юзига қон югура бошлади. Кўнгили айниши қолди. Қилинган дуо, ўқилган оят бежиз кетмади, бемор дадиллашди. Кўлқамишни кўришда, Бойсари яйловини кузатишда аввалги фаоллигига қайтди.

БОЙСАРИНИНГ ЯЙЛОВИ ЁХУД КЎЛҚАМИШ АФСОНАСИ

Буюк аждодларимиз қабри, ҳозиргача Алпомиш авлодлари ҳоки шу ерда деб билган маҳаллий аҳоли муқаддас жой—Оқтош отага алоҳида ҳурмат, диққат-эътибор ва эътиқод билан қарашини кўриб, ҳайратимиз янада ошди. Ҳақиқатан бу жойда қадимий қабристон борлиги диққат билан қаралса, билинар, ёввойи ўтлар, ўсимликларнинг ғайритабиий ҳолатда туриши ҳам бу фикрни тасдиқларди. Лекин биронта сезилиб-сезилмай турган қабрни очиб кўришнинг иложи йўқ. Гарчи орамизда кимдир шундай ўйга борган бўлса ҳам, ҳамкорларимиздан бирининг тўрт соат мобайнида кечган аҳволи сўзлашга йўл қўймасди. Биз муқаддас макондан кўзғалиб, йўлнинг бу томонида яна бир сирли синбатли жой—Кўлқамишга ўтдик. Қирқ-эллиқ қадам юргач, пастликда кўз ўнгимизда кўл эмас, чамаси, эллик гектарли яшиллик пайдо бўлди. Бу турган еримиздан 6-7 метр пастликда бўлиб, ўша қадим Кўлқамишнинг ўрни эди. Нариги томонда эса кўл қирғоғи — ўтмишдаги сув излари кўзга ташланарди. Кўл қуриб, унинг ўрнига полиз экинлари экилган, янги ўтқазилган ёш ниҳоллар яшнаб турарди. Кўлқамиш кўли хусусида шу ерда улғайиб, бу борадаги афсона ва ривоятларни кўп тинглаб юрган Оллоберди Шойимқулов яна ҳикоясини бошлади:

— Кўл «Алпомиш» достонида куйланган, кўнғирот юртида жойлашган Кўлқамишдир. Мен 30-йилларда лотин имлосида чоп этилган Фозил шоирнинг «Алпомиш» достонида Кўлқамиш Кофрун қишлоғидан 7-8 км узоқликда жойлашганлигини ўқиганман. Шундан сўнг дoston билан боғлиқ ривоятлар, афсоналар, гурунларни жўғрофий атамалар ва ер номларини кўп эшитганман. У вақтлар қишлоғимизда Тошмурод юзбоши, Улаш юзбоши, Исмоил юзбоши, Ҳасан Қораев каби таниқли бахшилар яшарди. Қишлоғимизда мунтазам дostonчилик кечалари бўлиб, уларда

«Алпомиш» достони кўп айтиларди. Тўйлардаги асосий томоша дoston тинглаш, кўпқари чопиш ва курашлардан иборат эди.

Дарвоқе, шу ерда бир оз чекиниш қилсак. Бизнинг узок йиллик изланишларимиздан сўнг ҳозирги Сурхондарё вилоятида учта дostonчилик мактаби бўлиб, унинг бири Кофрун эканлиги аниқланган. Кофрун дostonчилик мактабининг устози Абдурасул юзбоши Шеробод дostonчилик мактабининг устози Шерназар Бердиназар ўғли, Бешкўтон дostonчилик мактабининг устози Алим юзбошилардан ҳам 10-15 ёш катта бўлган. Унинг Шердан Мардонкул ўғли, Мирза Хўжамурод ўғли, Исмоил Тўра ўғли, Норбой юзбоши, Очилди шоир, Ҳасан Қора ўғли каби шогирдлари бўлган. Бу поэтик мактаб бахшиларининг сўнгги вакиллари Улаш Ҳозиев, Эшмурод Шердан ўғли, Исмоил Тўра ўғли, Тошмурод Тўра ўғли асримизнинг 60—80-йилларида вафот этиши билан дostonчиликнинг сўниш жараёни юз берди. Улар ҳақида кейинроқ алоҳида тўхталамиз. Ҳозирча яна Оллоберди акани тинглашга ўтайлик.

— Ўшанда ёш йигит бўлганимдан ўқиган ва эшитган дostonимдаги жой номларини топишга, уларнинг сир-асрорлари ва маъноларини ўрганишга жуда қизиқардим. «Алпомиш» дostonидаги қахрамонлар руҳияти билан яшардим. Шундан бошлаб **Кўлқамиш**, **Аждартепа**, **Бештепа**, **Қўрғонзов**, **Жийдали ота**, **Жийдали Бойсун**, **Каттакамар**, **Туякамар**, **Бужуркамар**, **Кичкина камар**, **Терская камар**, **Туйник камар** сингари жой номлари, **Дасторқоя авлиё**, **Оқтош ота қабристон** билан боғлиқ афсона ва ривоятларни тинглай бошладим. Биз турган ҳудуд Алпомишнинг эмас, амакиси Бойсарибийнинг яйлови бўлган. Бойсари баҳор келиши билан ўзининг чорва молларини шу ерга олиб чиқиб, кўлнинг уч тарафига жойлаштирган. Нариги томонда, кўлнинг устки қисмида бой ва унинг одамлари ўтов тикилган. Ўша вақтда кўлда қамишлар кўп бўлгани боис **Кўлқамиш** деб аталган. Қамишларнинг кўм-кўклиги туфайли айримлар **Кўкқамиш** ҳам дейишади. Ана у ғарб томондаги камар Туякамар ҳисобланади. У ерда Бойсарининг туялари боқилган. Камарга бир йўла мингдан ошиқ туя жойлашган. Яна бир қизиқ томони шундаки Бойсун, Шеробод, Бандихон, Қизириқ ва бошқа жойлардан қачон туя адашиб қолса, шу камар атрофига келиб, бошқа ҳеч жойга кетиб қолмас экан.

Эгалари шу ердан топиб кетишарди. Маҳаллий аҳоли эса уларга тегинмай, омонатга хиёнат қилмасди. Бундан ҳамма хайратланса-да, лекин бу ҳолнинг сирини шу чоққача ҳеч ким билмайди.

Яна бир лирик чекиниш. Биз ўтиб кетаётганимизда йўлнинг чап томонида узоқ-узоқлардаги тоғ ёнбағирларида ўтлаб юрган икки-уч туяга кўзимиз тушган ва уларга аҳамият бермай сафаримизни давом эттирган эдик. Оллоберди отанинг туялар ҳақидаги ҳикоясини тинглар эканмиз, хайратдан ёқа ушлардик. Дарвоқе, «Алпомиш»нинг Фозил шоир вариантыда ўқиймиз:

«...Қалдирғочойимнинг туя боқиб юрган нори бор эди, етти йилдан бери чўқиб, аза тутиб ётар эди, бекнинг келаётганини билиб галадан чиқиб, йўлга равона бўлди...

Яқинлаб келгандир Ҳакимбек шунқор,
Алпомиш олдига чиққан қора нор,
Келаётган эди шундай валломат,
Эли ҳалқим кўрсам дейди саломат.
Етти марта бу қора нор айланиб,
Бўзлаб қилди бек ҳакимни зиёрат
Ҳайвоннинг меҳрини шунқор кўради.

Худди шундай ҳолат Алпомишнинг сут эмишган, эмчақдош туяси Кўгалчанинг Алпомишнинг келаётганини билиб жўнаши, туябоқар Бойбўрининг (Фозил шоирда Қалдирғоч) Кўгалча изидан бориши, Кўгалча ва Алпомиш топишуви Қора бахши Умиров вариантыда қуйидагича берилади:

... Бир вақт Кўгалча жойидан туриб, боши оққан томонга жўнаб кетди. Шунда Бойбўрининг «Хала» деб изидан келаётган жойи:

Хала дейман, хала дейман ҳалия,
Бедарак кетгандир ёлғиз бола-я,
Хала дейман, ёлғизимнинг туяси,
Орқангда қолдику сабил чала-я.

Баланд бўлар Бойсун товнинг қояси,
Тушмади-да Ҳакимбекнинг сояси,
Сағона дейишга тилим бормайди,
Хала дейман ёлғизимнинг туяси.

Бир гап бўлди жониворим ўзинга,
Ёки кўриндимми эганг кўзинга,
Хала дейман, хала дейман, Кўгалча,
Етолмадим, сен қайтгинда изинга.

Учқир эдим, қанотимдан қайрилдим,
Тулпор эдим, туёғимдан тойрилдим,
Хала дейман, хала дейман, жонивор,
Ҳам боламдан, ҳам молимдан айрилдим.

Мен билмадим кимни излаб кетасан,
Не сабабдан буйтиб бўзлаб кетасан,
Бесойиб дейишга тилим бормайди,
Нега менинг ярам тузлаб кетасан.

Аламларнинг бари бирга жийилсин,
Дунё келиб бу бошима ўйилсин,
Хала дейман Алпомишнинг туяси,
Бесойиб дейдиган тилим қийилсин.

Вой аттанг-а, ёлғизлигим билинди,
Жандаларим тиканларга жулинди,
Жетиб қайтарайин десам дармон йўқ,
Тобонларим қирра тошга шилинди.

Тақдир мени бу чўлларга хор этди,
Тузли экан пешонамни шўр этди,
Хала дейман, манглайимдан кун ўтди,
Олло мени бир ёлғизга зор этди.

Болам дейман мен йиғлайман зору-зор,
Сени билан бўлолмасам баробар,
Изингга қайт, хала дейман, Кўгалнор,
Йўлларига телмираман интизор.

Кўрмади мен афтодани худоси,
Кўринмайди бу азобнинг адоси,
Хала дейман, Алпомишнинг нидоси,
Умр бўйи бўлдим фарзанд гадоси.

Парво қилмай Бойбўрининг сўзидан,
Ёш оқади жониворнинг кўзидан,
Ихтиёри кетгандай-да ўзидан,
Хала дейди, мункиб келар изидан.

Узоқлашар Бойбўриман ораси,
Жонгирдима, билмам юрак яраси,
Келгандайда бу ҳайвоннинг жўраси,
Кўринмайди Кўгалчанинг қораси.

Бир нарсани тинглаб борар, Кўгалча,
Гулдирайди бўзлаб борар, Кўгалча,
Тўхтамайди хезлаб борар, Кўгалча,
Ширхўрасин излаб борар, Кўгалча.

Интиқ бўлиб бу йўлларда уринар,
Бойчиборман мол эгаси кўринар,
Кўзда ёши ҳидлаб борар ҳавони,
Мадор кетиб мункиб, мункиб суринар.

Бу ҳайвоннинг юрак гўшти поради,
Мулла Ҳаким назар солиб қаради,
Келаётган нортуюни кўради,
Жилов сақлаб ҳайрон қолиб туради.

Етти йилдир кеча-кундуз ўйланди,
Кела солиб бўй-бўйига бўйланди
Эси борда безабоннинг жонивор,
Ширхўрасин етти марта айланди.

Жониворнинг ихтиёри ўзидан,
Қатор-қатор ёш тўкилиб кўзидан,
Эгасини етти марта айланиб,
Чолпиллатиб жалай берди юзидан.

Эгасидан ўлимини тилайди,
Ҳакимбек ҳам манглайдан силайди,
Тўйиб-тўйиб искаётир жонивор,
Кўзда ёши жимма-жимма жилайди.

Худодан бефармон давлат тоймайди,
Олдин ўраб юргизгани қўймайди,
Қайта-қайта искаётир Кўгалча,
Ҳакимбекнинг дийдорига тўймайди.

Аранг келган экан жони узилиб,
Жилаётир Ҳаким кўнгли бузилиб,
Сени кўрдим, ўлсам майли дегандай,
Қибла қараб ётиб олди чўзилиб.

Кўринг энди Ҳакимбекдай гуччоқни,
Отдан ташлаб ёзаётир кучоқни,
Ҳалол молим ҳаромга чикмасин деб,
Торта берди бўғизига пичоқни.

Етти йилдир бунча чеккан оху-зор,
Ўз кўлимда қазо топди энги нор,
Изгин тортиб жилаётир Ҳакимбек,
Менинг учун жон сақлаган жонивор.

Шул эканда, Аллоҳ-ҳақнинг фармони,
Бир кўргунча аранг етган дармони,
Етти йилда ўлолмади эгасиз,
Ширхўрасин кўрмоқ экан армони.

Ҳаким кетган қалмоқ элга орланиб,
Кетганига падар йиғлар хўрланиб,
Қазо қилган Кўгал туя изидан.
Бойбўри ҳам келиб қолди зорланиб...

Айни шундай ўринларда дoston асосларининг, яъни Бобо воқеасининг жуда қадимийлиги, инсон билан ҳайвонот дунёси орасидаги илоҳий, мўъжизали боғланишлар ва ҳолатлар фавқулодда таъсирли акс этганлигини кўраимиз. Бундай ҳолат эпосда бўлаверади-да, дерсиз. Аммо йўқолган туяларнинг 100-150 чақирим йўл босиб, Кўгалча эгасини кутгани ёхуд Бойсарининг туяларга нисбат берилган яйловидагина туриб қолиш сабабини қандай изоҳлаш керак? Бундай ҳолатлар, воқеа-ҳодисаларнинг боиси нима? Одатий кўринишлар, ҳолатлар, воқеа-ҳодисаларми? Сиз билан биз англаб етолмайдиган қандайдир илоҳий мўъжизаларми? Ёки шунчаки халқона тасаввурларми? Нима бўлганда ҳам изланишларимиз ана шундай ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар ва мўъжизалар замирида онг-шууримизга сиғдира олмаган сирлар яширинган жойлар тез-тез учраб турарди.

Энг ажабланарли жойи шунда эдики, биз уларга нисбатан қандайдир руҳий-илоҳий ҳолатларга тушардик. Маҳаллий аҳоли ҳам уларга нисбатан лоқайд ва беларводай кўринишарди-ю, аммо қалбларида, саъй-ҳаракатлари ва гап-сўзларида бошқачароқ, яъни илоҳийликни сезиб олиш қийин эмасди. Дарҳақиқат, теварак-атрофимиздаги ҳар бир ҳолат, ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳар бир кўриниш ва атама нимадандир дарак бераётгандай, нималаргадир имо-ишора ёки

белги-вазифаларни англатиб тургандай бўларди. Бу ҳолат бизни ҳайратга солар ва оламда сиру синбати очилмаган, тилсимларига етолмаган воқеа-ҳодисалар, атамалар бисёр эканлигини англатиб, уларни билишга ундар эди.

— Ана у кўринаётган Бужиркамарда сурув-сурув қўйлар, — сўзида давом этди Оллоберди ота, — Терскай камарда эса эчкилар, Қолоқда тўда-тўда қорамоллар, Туйник камарда серкалар бўлган. Кўрғонзорда бўлса қанчадан-қанча учкур отлар — тулпорлар юган-жабдуғи билан доимо сафарга, жангу жадалга тайёр ҳолатда тутиб турилган.

Биз ҳамроҳимизнинг суҳбатига маҳлиё бўлган ҳолда узоқларга нигоҳ ташлаймизда яна бир ажиб сирли манзарага гувоҳ бўламиз. Туякамар атрофи туяларнинг эгри-бугри ўркакларини эслатса, Бужиркамар чўкқилари бужур-бужур, гижимланган Терскай камарга эса кун бўйи қуёш тушмайди. Яъни қуёш нурларига, ёғдусига тескари жойлашган. Туйник камар эса ҳар томондан ўралган, унинг ичкари қисмига фақат бир жойдан кириш мумкин. Сатҳи анча ерни эгаллаган бу камарга кирган моллар ҳеч жойдан чиқиб кета олмайди. Чўпон фақат камарга киришда бемалол ётавериши мумкин. Серкалар ўзлари билган, ўрганган пайтдагина шу орадаги қўлдан сув ичишга чиқиб келади. Қорамолларнинг Қолоқда боқилиши сабаби улар баҳор вақти сўна чақиб қатқалок тутганда қолоқлар соясида соялар экан. Хуллас, чорва молларини жойлаштиришда уларнинг физиологик анатомик хусусиятларидан, ўсимликларнинг ўсишидан келиб чиқиб шундай жойлаштирилган. Жойларга бундай табиий ном берилганига қойил қолмай илож йўқ. Бу халқ донишмандлиги, тафаккури, яшаш шароитига, табиатга мослаша олиш қобилиятига гувоҳдир. Бойсарининг яйловига чиқиб Кўлқамиш ёнида чор атрофга назар солган киши юракдан халқ кудратига, қобилиятига, чорвадор элнинг ўзларига мос жой танлаганига тан беради.

Таассуротларимиздан лол бўлиб, халқ ўзининг баркамол қаҳрамонини нечоғлик дилга жо қилиб келаётганлигидан қувониб қайтар эканмиз, йўлбошчимиз: «Энди меҳмонлар, Алпомишнинг авлоди-аждоди сиғинган ва сиғиниб келаётган авлиёни зиёрат қилмай кетмасак бўлмас, юки босар», деб қолди. Ҳайдовчи машинани ўнқир-чўнқир тупроқ йўллардан чапга бурди. Кўлқамишдан Кофрунга томон 2-3 чақирим узоқликдаги алоҳида ажралиб турган қатқатлардан 20-25 метр баландликка кўтарилиб бир жойга

бошлади. Бу Дастор қоя номли машҳур авлиёнинг табаррук маскани эди. Унга чиқиш учун илон изи йўлдан юқорига кўтарилиш керак экан. Зиёрат қиладиган жойга етганимизда яна бир фавқулодда ҳолатга дуч келдик. Айланаси 80-90 метрлар атрофида алоҳида ажралиб турган, худди моҳир усталар кўли билан тарашланган каби улкан тошлар табиий ҳолда қаланиб чиққан. Бир тош ярим метр ажралиб олдин чиққан бўлса, бошқа жойда ичкарига кириб кетган. Сатҳи 35-40, баландлиги 10-15 метр атрофида. Уттриб дуо ўқидик.

— Бу ерда, — деди йўлбошчимиз, — ўн-ўн беш, ҳар бири одамдай-одамдай илон бор. Улар баҳор келиши билан ҳар куни ўзини қуёш тафтига ёйиб, яна инларига кириб кетишади. Лекин ҳеч қандай зиёратчига зиён етказмайди. Айтишларича, уларнинг асли макони Аждартепада бўлган. Нақл қилишларича, Алпомишнинг Қалмоқ юртига кетаётганини эшитиб, уни йўлдан қайтармоқчи бўлишибди. Қаҳрамон рози бўлмагач, ундан аввалроқ келишиб, шу авлиёга, «Алпомиш сафар олдидан, албатта, зиёратга келиб кетади. Сен унга йўл кўйма», дейишибди. Бироқ Алпомиш илтижо қилиб қўллашини сўрагач, авлиё ҳам унга оқ йўл тилабди. Шунда илонлар, эндику айтганимизни қилмади, қайтишида кутиб олайлик, деб шу ердан макон топишибди. Алпомиш етти йилдан сўнг қайтса ҳам илонлар Дасторқоя отада қолиб кетибди. Шундан буён илонлар Аждартепада яшамас, авлиёни макон тутишган экан...

Бу афсонани тинглаб бўлгач, Оллоберди ака йўлга чиқишга рухсат бермай: «Энди қишлоққа қайтамиз, бир пиёла чой устида Хуррам домла йиғиб турган бўлса, боболардан яна кўплаб «Алпомиш» авлодлари ҳақидаги нақл-ривоятларни эшитасизлар», деди. Қора бахши эса дўмбирани кўлига олиб, аста-секин йўлга солиб, бир оз ўйга толиб, қуйлай кетди.

Кўлга олиб дўмбирани жўшайлик,
Бир майдонга созга сўзни кўшайик,
Алпомиш ва илонлар дўстлигидан
Кофурин элга боргунча айтишайик.

Алл олдини ўраб олиб кўп илон,
Борма дея қилишар эди нолон,
Айримлари паридайин нозланса,
Айримлари чийилиб қилар фиғон.

Сен мард дейди, кетма асло элингдан,
Бегона бўларсан бунда хилингдан,
Биз биламиз бошингда кўп бало бор,
Шунқор тепиб озор берар белингдан.

Бахши кўз ўнгимизда сир-синбатли жойда бадиҳа йўли
билан тўқиётган терма бизни ақл-хушимизни бутунлай
ўғирлаб олган эди...

ХУШВАҚТ БОБО РИВОЯТЛАРИ

Биз тарихи минг йилларга туташ Кофрун қишлоғига етиб келганимизда куёш бота бошлаган пайт бўлиб, Хуррам Тангиров ёнида яна икки-уч киши кўчада кутиб ўтиришган экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач, хонадонга таклиф этишди. Биз улар ҳар қанча уринмасин уйга киришни рад этиб, аввал Хушвақт бобо ривоятларини тинглашни лозим топдик. Чунки Музрабод туманига етиб боришимиз, эртаси Товка ойим ва Алпомиш билан боғлиқ жойларни кўришимиз бир сабаб бўлса, иккинчиси бу ерда яшовчи истаган кишининг уйига кирсангиз оёғингиз остига бир қўйни думалатиб аввал гўшт қовуриб, кейин қайнатма қилиб, охирида тандир қабоб билан сийлашларини билар эдик. Бу деган сўз гарчи биз ривоятларни ёзиб олган тақдирда ҳам, беш-ўн соат вақтни кетказиш, эртанги ишни қолдириш дегани эди. Ҳеч вақт меҳмонларни қуруқ қузатмайдиган қишлоқ оқсоқолига, мактаб директорига бошқа сафар албатта келишимизни, бугун эса фақат «Узанги босдига» розилигимизни айтиб кўндирдикда, катта кўча қўйидаги тошнинг устига ўрнашиб олиб, Кўнғиротнинг ривоятларини тинглашга киришдик.

Ўрни келганда шуни айтиб қўйликки, бу қишлоқда фақат тортувлилар яшайди. Улар гоҳ ўзларини Алпомишнинг ота авлоди, гоҳ она авлоди деб билишади. Агар Алпомишнинг туғилишини ўн олти уруғ Кўнғирот элида деб таърифлашга ишонсак, унинг тоғаси тортувли бўлади. Чунки ота уруғи давридан уруғ отага қараб белгиланган, яъни Қўштамғалидан бўлган Бойбўри тортувли уруғидан бўлган Кунтуғмиш ойимга уйланган. Шу ўринда бир уруғнинг ўз уруғидан эмас, ўзга уруғдан уйланиши ҳам дostonнинг қадимийлигини, унга асос бўлган «Бобосюжет» илдизларини жуда узоқ йиллар наридан излаш лозимлигини кўрсатади. Алпомишнинг тортувли деб аталиши боиси, бу ерда яшаган (биз уларни юқорида қисман эслаган эдик) бахши-

шоирлар «Бойбўри ва Бойсари 6 уруғ тортувлида туғилди» деб куйлашган. Шу боис ерли аҳоли ҳозирги кунда Алпомишни ўз уруғидан деб билишади. Кўпчилик вариантларда Алпомишнинг отаси кўштамғали (ўн олти уруғ), онаси тортувли (6 уруғ) қайд этилади. Айтганимиздек, ҳар уруғнинг ўз доирасида қиз олиб-қиз бермаслиги қадимий анъаналардан бўлиб, бу ёзиб олиниб нашрга тайёрланган «Алпомиш»нинг ўғли «Ёдгор» (Чори бахши ва Қаҳҳор бахшининг икки варианты) достонида ҳам ўз аксини топган. Ҳар ҳолда бизнинг суҳбатдошимиз Хушвақт ота Алпомишни тортувли ҳисоблаб, ундан фахрланади, элнинг тарихий шахслар ҳақидаги ривоятларни, тенгсиз зеболарни, кучли алпларни, моҳир чавандозларни Алпомишнинг давомчилари деб билади ва шунга ишонади. Ишонмасангиз марҳамат, тинглаб кўринг:

Шаҳан йўлбарс. Алпомиш Кўлкамиш ёқасида туғилиб, Бойсун-Кўнғирот элини сўраган тортувлиларнинг зўри. Зўрдан зўр дунёга келади. Алпомишнинг авлодлари яқин-яқингача яшаб зўр бўлиб ўтди, кейинчалик уруғлар кўшилиб кетди. Алпомишнинг даврасини Шаҳан йўлбарс дер экан. Шаҳан йўлбарснинг ака-укаси кўп бўлиб, Кўлкамишни тутган чорва моли бор экан. Ака-укалар ҳар йили бири-киб, йилига минг кўй-эчки, минг қорамолни Бухоро бозорига ёхуд Ғузор бозорига ҳайдар, уларни сотиб бир йиллик кийим-кечак ва бошқа зарур нарсаларни олиб қайтар экан. Шаҳан йўлбарс ва укалари бир йили Бухорога борса, Бухоро подшоси элга катта тўй бераётган экан. Турли-туман томошалар билан бирга бир томонда кураш ҳам кетаётган экан. Бойсун элида курашиб юрган Шаҳан йўлбарс ҳам курашга тушибди. У шоҳнинг ҳамма полвонларини йиқитибди. Мулзам бўлган шоҳ Шаҳанга ҳўкизнинг калласини айиришни буюрибди. Шунда Шаҳан бир уринишда ҳўкизнинг калласини иккига бўлиб ташлабди. Четдан келган полвонни мот қилиш учун айна чоқда қасос олиш мақсадида Шаҳанга қафасда кутуриб ётган баҳайбат йўлбарсни кўйиб юборибди. Қонсираган йўлбарс унга ҳамла билан ташланган дамда Шаҳан чап берибди-ю, бир ҳамла билан йўлбарснинг боши ва куйруғидан думи аралаш ушлаб олиб боши узра даст кўтарибди-да, ерга урибди.

Йўлбарс инграганча қочиб кетгач, тўй тарқабди. Шаҳан ва ака-укалари ўша кечада Бухорода қолмоқчи бўлишган экан, унинг мардлигига, алплигига қойил қолган мулозимлардан бири келиб, шу кеча Бухородан қочиб кетмаса шоҳнинг мулзам бўлган одамлари уни ўлдиришини айтибди.

Улар эҳтиёт чорасини кўриб тунда ўз юртига қайтишибди-ю, лекин Шаҳан шундан кейин «Шаҳан йўлбарс» номи шуҳрат қозонибди. Алпомиш авлодидан эмасми, шу-шу унга ҳеч қайси одам, дунёдаги «ман-ман» деган паҳлавонлар ҳам бас келолмабди.

Келинчакка озор етибди-я! Бандихонда «Ашурхоннинг кудуғи» деган жой бор. Шу ердаги энг кучли бир бойга Шаҳан йўлбарснинг қизи келин бўлиб тушибди. Ҳали келинлик вақти экан, бир куни қудуққа улкан бир нор туя тушиб кетибди. Бундан хабар топган бойнинг одамларидан ўн-ўн беши йиғилиб ҳар қанча уринса ҳам туяни чиқара олмабди. Буни Қора уй (ўтов)нинг чийидан кузатиб турган келинчак қайнонасига: «Эркаклар менга кўзи тушмайди-ган жойга кетсин. Сиз эса бир мустаҳкам қил арқон топиб беринг», дебди. Қайнона ҳам ўғлидан қўрққанидан келинга майишса-да, рози бўлибди. Келинчак қудуқ ёнига борибди-да, арқоннинг бир учини туянинг бўйнидан, бир учини думининг тагидан илдириб бўйнига бойлаб ипни бошига илдирибди. Сўнг туянинг икки ўркачидан ушлабдида, ҳеч бир қийналмасдан, ҳатто кучанмасдан қудуқдан чиқариб қўйибди. Кечқурун бой келганда хизматкорлар воқеани айтиб беришибди. Бой хурсанд бўлиш ўрнига ўтириб роса йиғлабди. Эркакка йиғлаш ориятлигини билган яқинлари ундан бунинг боисини сўраганларида: «Мен Шаҳан йўлбарснинг қизидан тулуп (зот) оламан, боболари куч-қудратини сақлаб қоламан деб ўйлаган эдим. Ўйлаганим бўлмади. Афсус унга зарба ўтибди. Энди Алпомишдай, ҳатто Шаҳан йўлбарсдай полвон туғилмайди. Мен энди бошқа алп туғилмаслигига йиғлаяпман. Бундан ортиқ бахтсизлик, қайғу-алам борми?» дебди...

* * *

Биз Хушвақт отадан Алпомиш авлодига нисбат берилган Нормат полвон, Норкенжа ҳақида ва бошқа кўплаб ривоятларни ҳам ёзиб олдик. Улар ҳам мардлик, шижоат, куч-қудрат, эпчиллик ва зукколикни тарғиб этувчи ҳақиқат ва хаёлот қўшилмаси бўлса-да, «Келинчак» ҳақидаги ривоят фикримизни тортаверди. Шу боис қолган афсоналар мазмуни ҳақида сўзлашдан кўра халқнинг ижодий даҳосидан ва халқона тафаккури меваларидан хайратимизни айта қоламиз.

Яъни, халқда «Тулпор биядан, ўғил онадан», деган нақд бор. Шунингдек, етти пуштдан кейин бегоналик бошланади, дейишади. Худди шу икки ҳақиқат ривоятда ўз аксини топган, дейиш мумкин. Ғой Алломиш авлодини давом эттирмоқчи эди, келин оғир юк кўтариб озорланиб қўйди, қаеридир лат еди, демак, ундан соғлом фарзанд, алл йигит туғилмайди. Худди шу еттинчи пуштдан сўнг бегоналик бошланди. Биргина шу ривоятда нега ҳозир ўтда ёнмас, қилич кесмас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас паҳлавонлар туғилмаётгани асослаб берилган. Унинг мазмунига назар ташлаб, мустақил республикамизда соғлом оналар учун, соғлом авлод учун кураш бежиз бошланмаганини янада чуқурроқ ҳис қиласан ва бу борадаги юртбошимизнинг саъй-ҳаракатларига минг бора тасаннолар айтасан, киши.

Биз юқоридаги ривоятларни катта, марказий кўча бўйида машина ёлдузида ёзгунча, шу ернинг ўзига дастурхон ёзилди, нон-чой, мева-чева, қатик-сузма, қовун-тарвуз қўйилди. Қовуриб қўйилган гўшт келтирилди. Тик турган ҳолда тамадди қилдик. Бошингда юлдузлар ғужғон ўйнайди, енгил машина устига қаршидаги «ЗИЛ» машинасининг чироғи нур сочиб турибди. Қўлга киритилган манбалардан шодланиш, меҳмондўст кофрунликлардан миннатдорчилик, беғубор тунги шабада иштаҳага-иштаҳа қўшади. Ҳар ҳолда сафар олдидаги ярим соатлик бу меҳмондорчиликни кофрунликлар, Қўнғирот уруғига мансуб кишилар «Узанги босди»* дейишади. Дарвоқе, узанги босилиб, унга оёқ қўйилдими қисқа муддатда эгарга минилади ва тулпор илгарига елади. Биз ҳам бу ажойиб, олижаноб инсонлар — янги кадрдонлар билан куюқ хайр-хўшлашиб, Товка элига қараб жўнадик.

Кўлкамишда кўриб бийнинг яйловларини,
Кофрунлик тортувлилар сийловларини,
Шойимкулов, Хушвақт Ғаффор, Хуррам Тангирлар,
Алломишдан фахрланган ўйловларини.
Ва ярим тун жўнаб кетдик Товка элига,
Чори бахши «Оқ бўзи»нинг миниб белига,
Малик Мурод, Қора бахши ҳамда Олимбек,
Елаяпмиз, жилов бериб Неъмат қўлига...

* «Узанги босди» — Жанубий Ўзбекистонга хос меҳмон кузатишнинг кизиқарли, ўзига хос бир тури бўлиб, қардош қирғизларнинг «Атган туруув» анъанасига ўхшайди. Бу меҳмонни кузатишдан олдин ташқарида, очик ҳавода газак билан қиттай-қиттай қадаҳ кўтаришдир.

ОЙТОВКАНИНГ ЭЛИ

Товкаойим эли деганда қалмоқ элини тушунамиз. Аслида бу нисбий тушунча. Қалмоқ эли Қўнғирот уруғига, Бойсарига, Алпомиш ва Барчинга душман эл эмас. Балки ўз акасидан ноўрин хафа бўлиб, жиззакилик билан кетиб қолган Бойсарининг ўн минг уйли элига, беҳисоб мол-дунёсига жой берган эл. Шунингдек, Товка эли — Қалмоқ юрти, отда чопганда уч ойлик йўл ҳам эмас. Агар ҳозирги кунда қалмоқларга макон деб англашилган, Алпомиш номи билан боғлиқ жойларни рост деб қабул қилсак, Бойсун эли билан Товка юрти ораси отда тахминан бир кеча, бир кундузлик йўл. Бахшилар маҳорати шундаки, улар кўзга кўришиб турган жойни минг-минг чақиримга суриб қўйиши ё аксинча чексиз узоқликни икки қош ораси қадар қисқартириши мумкин. Масалан, Қодир бахши дoston айтаётиб шундай тўртликни ишлатганди:

Қарши билан Фузора,
Орада мингта гузара,
Ўн ой юриб орада,
Неча мукки тузара.

Муболагани қаранги, 45 чақирим масофага мингта гузар жойлашди ва икки жой орасидаги узоқлик ўн ойга чўзилди. Камашилик бир бахши эса шу туман ўртасидан кесиб ўтган йўлнинг у томонидан бу томони оралиғидаги масофани олти ойлик йўл деб таърифлар экан. Шу орада тинимсиз юришлардан неча муккилар (қорамолнинг терисидан тикилган оёқ кийими) тўзиб кетди. Худди шундай «Алпомиш» изидан юрар эканмиз, биз Қўнғирот ва Қалмоқ эли орасидаги масофани отда олти ой эмас, «Москвич»да икки соатда босиб ўтдик. Машҳур халқ дostonчиси Умир шоир Сафар ўғлининг фарзанд-шогирдлари, давримизнинг таниқли бахшилари Қора бахши ва Чори бахши Умировлар бизни ҳозирги Музрабод тумани худудига «Алпомиш» эпоси билан боғлиқ жойларни кўришга бошлади. Бир томон Музрабод кенгликлари, жанубий томон қардош Туркменистон худуди, ғарбда машҳур Боботоғ тизмалари, шимолда Шеробод худуди.

Боботоғ. Ойбарчиннинг биринчи шarti:

«Бобоҳон тоғидан нойга қилганга, от ўздириб, энг аввало келганга» тегиш эди...

Лирик чекиниш. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиниб, қайта-қайта чоп этилган «Алпомиш»даги мана бу қуйма мисраларга эътибор беринг:

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кун йўл Бобохоннинг ораси,
Бобохон тоғидан пойга қиламан.
Кўздан ёшин мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини суздирса,
Бобохондан пойга қилиб ўздирса,
Оти илдам бойваччага тегаман...

Халқ пойга бошланган жой шу Боботоғ деб билади. Бир кам тўқсон алп Алпомишнинг тулпори Бойчиборни азоблаб, оёқларига гулмихлар уриб, калта қантариб ташлагандан сўнг роса озор чеккан Бойчибор барча отдан ўтиб Кўкалдошнинг тулпори Кўкдўнондан ўза олмайди. Бир тулпор иккинчисини, иккинчиси биринчисини тишлаб орқа отиб йўл талашиб чопган ҳудуд Таллашган деб аталади. Ҳозир шу жойда «Таллашган» жамоа хўжалиги бор ва бу ерда яшовчи аҳолининг етти ёшидан етмиш ёшигача ҳудудлари Алпомиш билан боғлиқлигидан қалби ғурурланиб сўзлайдилар.

Муҳтарам ўқувчи ёдида йўл талашиб келаётган отларни кўрган Алпомишнинг беҳол бўлгани, дўрбинда Барчинойнинг:

Қурру-ёз — қур, хайт-а, тўрамнинг оти
Оқ тўшинг — яйловим, сочим — шипиртки.
Оқ айил пуштондир белда бойловинг,
Жароҳатинг бордай оёқ тайловинг,
Кўпдир сенинг жониворим, ўйловинг,
Қурру-ё, қур, ҳайде, бегимнинг оти.
Бойчиборнинг хаёллари бузилиб,
Гоҳо жойда оёқ ердан узилиб,
Туёғидан тақир ерлар қазилиб,
Барчинойнинг товушини эшитиб,
Кўкдўнондан ўтиб кетди чўзилиб, —

деб чақириси, отга илтимоси бўлса керак. Бир тепалик отга илтижо орқали ўз тилагини сўргани боис ТИЛОВТЕПА деб аталади.

Яна Фозил Йўлдош ўғлининг «Алпомиш»ига бир фасл қайтайлик. Достонда шундай жумлаларга дуч келамиз. Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасидан отланиб кетаётиб эди. Тойча вилоятда, қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган жой бор эди, ҳаддили баланд тепа эди, устидан қанотли қуш учиб ўтолмас эди. Шу тепани кўриб, Алпомиш ирим қилиб: «Шу тепага отимни солайин, иркилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ердан синаб кўраман», деди. Отни тепага тўғри қилди, туёғидан қирқ минг отнинг дубири пайдо бўлди. Алпомиш кўнглида ёрини олмаса ҳам олганча бўлди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг уйли Кўнғиротнинг эли кўриниб турибди...

Муродтепа. Алпомиш достонининг Фозил шоир вариантыда бу тепа яна Алпомиш ва Қоражоннинг дўстлашган жойи ҳам. Аммо Сурхондарё-Қашқадарё вариантыда орзуниятга, мурод-мақсадга етмай юрганларни ниютига етказадиган, истаган нарсасини берадиган жой. Масалан, ака-ука Бойбўри ва Бойсари фарзандсизликдан изза бўлиб (уялиб), яратганга сажда қилиб сафарга жўнаганда шу Муродтепага келиб ухлаб қолади ва тушида уларнинг илтижоси ижобат бўлгач, изига қайтади. Яъни муродига етади. Муродтепа қалмоқ юртига ўтиш чегараси...

Булар Алпомишнинг дастлабки, Барчинни олиб келиш сафари билан боғлиқ илоҳий, айна чокда халқона жойлар. Ҳозирги Музrabод туманидаги кўпчилик жой номлари ва улар билан боғлиқ афсонаю ривоятлар эпик қахрамоннинг иккинчи сафарига алоқадордир. Зеро, бунинг боиси эпик вақт билан ҳам изоҳланади. Биринчи сафар қисқа фурсатда рўй берган бўлса, иккинчи гал Алпомиш қалмоқ элида етти йил қолиб кетади. Бу муддатда достон қахрамонлари турлитуман воқеаларни, ҳар хил руҳий ҳолатларни бошдан кечиришади. Ўрни келганда «Алпомиш» достонининг иккинчи қисми Жанубий Ўзбекистон бахшилари томонидан нисбатан кўпроқ айtilган ва шунинг оқибатида «Бева Барчин» номли алоҳида мустақил достон ҳам ажралиб чиққан*.

* «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» (айтувчи: Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, ёзиб олувчилар : Малик Мурод, Абдуолим Эргаш).

Достоннинг иккинчи қисмида эпик қаҳрамонларнинг турли рухий ҳолатларда берилиши ҳам унинг кенгрок ҳудудда тарқалишига ва тез-тез куйланишига сабаб бўлган. Айни дамда доимий куйлайвериш ҳам жой номларининг илоҳий «муқаддас» тарзда сақланишига олиб келган. Бизнингча, бу ерда дастлаб қалмоқ юртида бўлган қўнғиротлар кўчиб келишган ва ўзлари дастлаб яшаган жойлардаги номларни қайта тиклаганлар. Нима бўлганда ҳам ҳозирги Музрабоднинг даштларида, чўлларида, тоғ ён бағирларида «Алпомиш» эпосининг Қўнғирот версиясига доир барча вариантларида учрайдиган куйидаги жой номлари сақланиб қолгани боис маҳаллий халқ ҳозиргача уларни илоҳийлаштириб, заминдаги муқаддас нуқталар, бемисоли очиқ табиатдаги музейлар каби илоҳийлаштириб келаётгани рост.

Алпомиш чоҳи. Бу тенгсиз қудратга эга бўлган алпнинг етти йил ётган зиндони. Унинг тубига назар ташлар экансиз, қулоқларингизга ярадор ғозни даволаб, зиндондан озодликка учириб чиқараётган Алпомиш нидолари илтижолари эшитилади:

... Юрагимда қалмоқлардан ситам бор,
Худойим кечирсин, қилган хатом бор,
Қўнғирот элда Бойбўридай отам бор,
Шул отамга қалбим етар, эна ғоз...

... Қалмоқлардан олар менинг орим бор,
Бул қўнғилда сенга айтар зорим бор,
Тўл бўб қолган Ойбарчиндай ёрим бор,
Шул бевага арзим еткар, эна ғоз.

Юқоридаги бахши созидан чиқаятган аламли садоларга қўшилиб, сўниқ овозда янграётган сўнгсиз муножот тўқсон икки томирингда қонни тўхтатиб, карахт бир аҳволга келтириб, вужудингни музлатиб, кўз ёшларинг тезлатиб, инсон қисматининг оғирлигини кўз ўнгингда жонлантираверади. Ва яна хаёллар, аламли ўйлар бағрингни қон қилади, дилингни вайрон қилади, дунё иши ҳайрон қилади. Энди боягина зотга илтижо қилаётган қаҳрамоннинг дўсти келиб, чиқариб оламан деганда, бунга рози бўлиб зиндон ярмига кўтарилганда яна **ўзбекона орияти кўзғалиб**, миннатни ҳазм қилолмаслигидан арқонни узиб юбориб, чоҳ тубига тушиб кетганини, миннат эшитиб яшагандан чоҳ тубида ўлишни афзал кўрганини ўйлаб ор-номус ҳиссини

вужудга туясан: «Тирикликда эгим чириб юргандан, зиндонда суюгим чириб кетгани яхшироқ», дея икки оёғини зиндон бетига тиради, икки зўр арқоннинг икки учидан тортиб турди. Алпомишнинг кўнгли бузилди, арқон кучининг зарбидан чўзилди, охири ўртасидан шартга узилди.

... Сени кўриб бу хаёлим бузилди,
Менинг учун ушбу зиндон қазилди,
Жип*ни кўриб яна кўнглим бузилди,
Кетавергин, дўстим, сендан розиман,
Жипинг чирик экан шартга узилди...

Қоражон ҳам мард эди, ҳаттоки жўмард эди. Шу боис дўстини тушунди. Тушуниб: «Жипинг чирик дегунча, кўнглим ирик десанг-чи», деб чор-ночор қайтди. Мардларнинг орият учун кураши ҳақида ўйлаб юз-юз эллик метр юрарканмиз, Чори бахши: «Эҳтиёт бўлинг, Ойтовканинг лаҳими, яқинлашиб қолдик», деб қолди. Ҳақиқатан дoston матнида тасвирланганидек қиялаб кетган чуқурлик мавжуд эди. Худди шу ерда Товкаойим кўрғони ҳам бор экан. Шу сабабли Товка қазган лаҳим эмас, бу Товкаойнинг кўрғони деб аталаркан.

Яна хаёллар тиним бермайди, ўтмиш тиним бермайди. Сўнгсиз хаёллар мозийга кўчаверади. Инсонни яратганда Аллоҳ унинг қалбига севги деган ҳисни жойлаган экану уни тўқсон икки томирдан бутун вужудга оқизган экан. Шу боис севиб қолган кўзда ҳадсиз мунг, ўкинч ва ўтинч, тилда сукут, бошқа ўй ўрнашиб қоларкан. Бу ишқнинг қудрати инсонни чексиз олам қадар юксалтириб, яратган ҳузурига олиб бораркан. Ишқ йўлида инсон зоти ёшидан, жинсидан қатъи назар шундай улуғвор ишлар қиларканки, ҳатто само фаришталари ҳам шу куч, қудратни орзу қилиб, ўзлигидан кечишни, инсонга айланишни ўйлаб қоларкан. Не ажабки, қалмоқ шохининг тўнғич қизи, кўрар кўзи Ойтовкаойим Алпомишни тушида кўриб ошиқ бўлади. Аммо ўзбек қизларига хос орият билан дардини ҳеч кимга айта олмайди, қобиниб (сиқилиб) кетаверади. Шох қизи эмасми, қирқин қизини олиб, кўнгил ёзиб келиш учун Муродтепага чиқишади. Гала қиз қикирлашиб кулишиб, бир-бирига тегишиб, «Оқсуяк»** ўйнашга киришади. Канизакларини алдаб, Ойтовканинг отган иккинчи суюғи Алпомиш чоҳи ёнига ту-

* Жип — арқон, ип.

** «Оқсуяк» — қадимги ўзбек халқ анъанавий ўйинларидан бири бўлиб, одатда тунда ўйналган.

шади. У оқсуякни олиб кетаётганга: «чукурдан зорланган бир товушни эшитди». Тушидаги манзарани кўриб тор зиндондаги Алпомишга қарата айтади:

Отим Товка айтар гапим шул бўлди:
Алпомиш деб гулдай танам кул бўлди:
Ростин айтиб жавоб бергин, бегижон,
Ётганингга бу йил қанча йил бўлди?
... Зардин рўмол ҳилпирайди бошимда,
Қирқин қизим ҳозир йўқдир қошимда,
Тор зиндонда Сизни кўрдим ҳушимда,
Ошиқ бўлган эдим кўриб тушимда,
Зиндондан чиқарсам кимим бўласиз?

Алпомиш унинг илтижоларини эшитиб «...Умид билан келибди, чиқариш-ку қўлидан келмас, насия қилмайин нақд қилайин, димоғини чоқ қилайин», деб, дастлаб тиринг, сўнг норинг, бу иккисига Ойтовка қўнмагач, охирида ёринг бўламан дейди. Бу гапдан мойдай пориган Ойтовка боғига қайтиб, кўрғонидан Муродтепага қадар пинҳона тарзда лаҳим қаздирди. Бироқ «ўзгалар тик туриб келадиган лаҳимга Алпомишнинг боши ҳам сиғмади». Худди шу лаҳим қазииш воқеаси ҳам севгининг қудратини кўрсатувчи бир далилдир. Товка кўрғони, лаҳим эса унинг севги рамзи сифатида илоҳийлик, муқаддаслик касб этиб тиллардан-тилларга, қалблардан-қалбларга ўтиб келмоқда.

Ҳамиша кўра олмаслик, ҳасад яхшилар бағрини тилиб келган, аммо ҳақиқат шундаки, мардлар ёмонлик устидан ғолиб келган. Холдор каниз Ойтовка билан Алпомиш муносабатларини Сурхайил мастонга етказгач, Мастон кампир Тойчахонга қизининг ишларидан хабар беради ва шу тариқа шоҳ билан Алпомишни ўлдириш режасини ишлаб чиқади. Беш юз арава тошни ҳозирги Ичаксойдан олиб, зиндон сари жўнайди. Сурхайил ҳам ҳасад уламан билан: «Буларнинг беш юз арава тоши нима бўлади. Менинг этагимга кетган тошча беш юз аравага кетмайди, зиндонни тўлғизишга бу аравадаги тош етмайди. Ўзим бориб яна шунча тошни этагимга солиб келмасам бўлмайди», деб этагига 500 аравадагидан зиёд тошни ташлаб этагининг икки учини бўйнига бойлаб, катта-катта қадам ташлаб зиндонга қараб келаётган эди... зиндон бошида Алпомиш билан Бойчиборни кўрди, юраги гупиллаб урди. Этагидаги тошни тўкиб ташлаб, ишқирғини ушлаб: «Аввал ўлмасак ҳам энди ўлдик», деб ер мушлаб қочаверди. Ичаксой билан Алпомиш чоҳи орасида ҳозир мавжуд бўлган катта уюм тошни Сур-

хайил Масто́н этагидан тўкилган тош дейишади. Кичи < кичик тўдалар эса аравалардан тўкилган тошлар экан.

Шу ўринда сўзни ажойиб олим Шариф Ёқубовга берайлик:

—... 1955 йилнинг кузи. Отам билан тоғли Кампиртепа қишлоғидан охириги юқларимизни олиб, деҳқончилик учун қулай бўлган янги юртимиз — Хўжақиёга томон йўлга тушдик. Кун бўйи йўл юриб, Лойиқ қишлоғига етиб келганимизда, йўлни қисқартириш мақсадида жануб томондаги баланд қирларга «тирмашиб» кета бошладик. Бироз юрганнимиздан кейин довоннинг белига чиқиб олдик. У ер-бу ерда қадим-қадимлардан қолган эски йўл борга ўхшаш кўринди. Борган сари бу илон изи йўл аниқ билиниб қолди. Қирнинг энг баланд жойига чиқиб олиб яна жануб томон юрдик. Бирданига йўл йўқолиб, қотиб қолган улкан филга ўхшаш тупроқ уюмларининг орасидан ўта бошладик. Мени бу ажойиб манзара қизиқтириб, у ҳақда отамдан сўрадим. Отам шундай жавоб берди:

— Бу ернинг номини Яшинурди дейишади. Жуда кўп замонлар илгари кунботардан келган баҳайбат қора булут тепанинг энг юқори қисми билан тўқнашиб, уни тортиб олган ва 80-100 метрлар ғарб томонга кўтариб бориб, ташлаб юборган...

Йўлда бир оз давом этдик. Қадимги йўл ёқасида улкан тош уюмлари учрай бошлади. Ҳар бир тош уюмини кўрганда ҳайратдан ёқамни ушлар эдим. Отамдан ҳар бири баҳайбат туядай-туядай тошлар тарихини сўрадим. Отам «Алпомиш» достонини жуда яхши билгувчи эди. Бу алп баҳодир номи ва бошқа қаҳрамонлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни, жой номларини ёддан билар ва уларнинг тарихи, изоҳлари ва афсона-ривоятларини ёддан айтиб юрувчи эди. Саволимга жавоб берар экан, отам ўшанда шундай деган эди:

— Ўғлим, сен «Алпомиш» достонини биласан-а?! Ана сиз баҳшиларимиз оғзидан эшитган, босилиб чиққан ва ўқиган дoston воқеалари асосан шу ерларда бўлиб ўтган. Бу йўл жуда кўҳна. Алпомиш замонидан қолган. Алпомиш Бойсундан Қалмоқ юртига шу йўлдан келган. Ёвуз Масто́н кампир Алпомишнинг келишини кутиб, шу тошларни йўл бўйларига тўплаган. Ҳар бир тош уюми Масто́н кампирнинг бир этаги. У тошларни этаклаб териб, йўл ёқасига тўкиб қўйган...

Мен яна ва яна ҳайратга тушдим. Ҳар бир тош уюмига дуч келганимизда, уни ёшлик қизиққонлиги билан кузатдим. Гўё кўз ўнгимда баҳайбат Масто́н кампир — Сурхайил жонланар, ғазабга тўлиб, алланималар деб, туялардай

лабларини титратиб, бўкирар эди. Бироқ Алпомишдай халқнинг суюкли ва ардоқли қаҳрамонни, Аллоҳ паноҳ бериб, бало-қазолардан қутилиб кетганлигини билишим қалбимга таскин берарди.

Йиллар ўтди... Лекин бу ажойиботларни ҳеч унута олмадим. Кўп йиллар ушбу қадимий йўл, баҳайбат тош уюмлари ва Яшинурди ҳодисасини яна ва яна кузатдим. 1997 йил илмий хулосаларимни вилоят рўзномаси «Сурхон тонги»да эълон қилдим. Тош уюмлари 14 та бўлиб, энг кичигининг диаметри 1 метр бўлса, энг каттасининг диаметри 24 метр, баландлиги эса 1,5-2 метр. Яшинурди ўйигининг ҳажми 100х60х22 бўлиб, 422 400 тонна тупроқ чиқариб ташланган (тупроқ ишларини «Сурхонқурилиш» трести бажарган), бу тупроқни юқорида баҳайбат қора булут кўтариб олиб келиб ташлаган...

Тарнов деган жойни кўрсатар экан, «Алпомиш» достонининг ҳозиргача ёзиб олинган вариантлари орасида нисбатан энг мукаммалини айтган Қора баҳши шундай деди: «Бойчибор худди шу ерда сақланган. Алпомишга Товқаойим шу жойда тутқунликда сақланаётган Бойчибор ҳақида қуйидагича хабар беради:

Оёғига темир кишан урилган,
Ул бўйнига чўяндан ғул қурилган,
Мен билмайман сабабини бек тўрам,
Бир хайвонга бунча азоб берилган.

Алпомиш кийимидан берилган жандани Товқаой тутатганда, эгаси тириклигини билган Бойчибор:

Ўзин отди чирқираб,
Кишан узилди ширқираб,
Бадан ғўши сирқираб,
Ғўла кетди тирқираб,—

ва икки оралиғи анча-мунча бўлган шу Тирновдан сақраб ўтиб, зиндонга етган экан.

Қайкубатнинг камари. Достонда чўпонларнинг умумлашма образи Қайкубат тимсолида берилган. У асли қўнғиротлардан бўлиб, Бойсундан Бойсарига қўшилиб келиб қолган ва Бойсарининг моллари Тойчахон қўлига ўтгач, унинг чўпонига, аниқроғи, қулига айланган. Ойтовканинг бир саркасини йўқотган Қайкубат шундай оғир руҳий ҳолатга тушадики, у орқали қуллар тутқунлигини ҳис этиш қийинмас:

Оёқ кўли музлаб борар Қайкубат,
Юрагини тузлаб борар Қайкубат,
Чопқилайди хезлаб борар Қайкубат,
Шу тепани кўзлаб борар Қайкубат,
Оқ саркани излаб борар Қайкубат...

Халқ даҳоси ва хотирасини кўрингки, шу чўпони — Қайкубати номини, хизматларини ҳам ёддан чиқармай, бир камарни унинг номига кўйган. Ҳамон Қайкубатнинг камарида кўй-эчкилар боқилади. Алпга садоқати туфайли чўпонликдан подшоликка кўтарилгач, Тойчахоннинг иккинчи қизи Оловкага уйланиб, мурод-мақсадига эришгач, Қайкубат ҳар куни ёдга олинади. Эпосда **Чилвир чўли**, **Арпали чўли** деб аталган ҳудудлар эса замонлар ўтиши билан, аниқроғи, асримизнинг 60—80-йилларида Алпомиш авлодларининг шижоати, куч-ғайрати билан ўзлаштирилиб, уларнинг ўрнида бағрида боғ-роғлар, гулзорлар, пахтазорлар пайдо бўлди, ўнлаб қишлоқлар барпо этилди.

Қадим Сурхон воҳасида «Алпомиш» достони ва ундаги қаҳрамонлар образлари билан боғлиқ ҳодисалару жой номлари шулардангина иборат эмас. Балки бутун Бойсун, Шеробод, Музрабод ҳудудларидан бу илк қаҳрамонлик эпоси билан алоқадор жой номлари сочма тарзда ҳам ёйилиб кетган. Катта ўзбек трассасида, Шеробод дарёсининг Термизга боришда сўл томонида **Калламозор деган** қишлоқ бор. Ерли халқнинг ҳикоя қилишича, Алпомиш қалмоқларга қилган дастлабки сафаридан сўнг сеvimли ёрини олиб қайтаётганда, душман изидан қувиб, шу ерда ётибди ва баҳодирларни, унинг севган ёри — Барчинойни, дўсти—Қоражонни маҳв этмоқчи бўлибди, Алпомишнинг: «Бизни тинч кўйинглар, ўз йўлимизга кетайлик, сизлар эса изингизга жўнанглар», дейишига қарамай, қалмоқлар ҳамлага ташланибди. Бундан ғазабга келган Алпомиш ва Қоражон душманларнинг калласини танидан жудо қилиб, голиб бўлган ҳолда Бойсунга қайтишибди. Улар кетгач, қалмоқлар қарашса, кўп лашкарлар боши юлинган, бош бир ён, тани бир ён қонга қорилиб ётибди. Қариндош уруғлар танасидан жудо қилинган каллаларидан ўзига тегишли мурдаларни топибди. Лекин қайси бош қайси тананики эканини билишмабди. Шу сабабли улар фақат бошларнигина дафн этибдилар. Кейинчалик бу жой номи Калламозор бўлиб кетган экан...

Ҳалгунчактепа эса Барчинойнинг дўғоналари билан сайрга чиқиб ҳолгунчак учадиган, ҳолгунчак учиб, «оҳува» айтадиган жой бўлган. Эҳ-ҳе, шу биргина ҳолгунчак билан

боғлиқ «Алпомиш» достонининг Сурхон вариантыда йи-гит-қизларга оид қанчадан-қанча қадимий ақидалар, одатлар, тушунчалар, удумлар, анъаналар бор-а?! Бундай номлар ҳали кўп, уларни излаш, топиш, ўқ илдизларини ўрганиш кўп мунтазам сафарларни тақозо этади ҳали.

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Бундан роса ўттиз йил бурун Қарши Давлат университети (собик педагогика институти) профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номи Адабиёт институти илмий ходимлари ҳамкорликда уюштирган ва қарийб бир ярим ой давом этган, минг-минг чақирим масофани босиб ўтган фольклор этнографик-диалектологик комплекс экспедициясида «Алпомиш» достонида тилга олинган жой номларига, улар билан боғлиқ ривоятларга дуч келган ва айримларини ёзиб олгандик. Аммо ўша пайтда ҳозиргидек эпос воқеалари ва қаҳрамонлари афсоналару жой номларини мукамалроқ ўрганишга шароит бўлмаганди, уч-тўрт ривоят билан чекланган эдик. Аслида, бизгина эмас, фольклоршуносларнинг аксарияти «Алпомиш» достонининг Фозил шоир вариантыни чала-чулпа ўрганиб, қисман тадқиқ этиб, қаҳрамонлик эпосимиз шу экан-да, деб мудраб юраверган эканмиз... Мана, юртимиздаги истиқлол боис «Алпомиш» достонининг улуғ тўйини ўтказиш ҳақида келажакка мўлжалланган беқиёс тарихий қарор қабул қилинди. Мазкур ҳужжат миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз тарихий, ахлоқий-руҳий, маънавий меросимизни ўрганиш, тиклаш жиҳатидан мислсиз аҳамиятга моликдир. У кўзларимиздаги мудроқликни чекинтирди, ижодкор халқимиз онгига янада кенгроқ ва чуқурроқ кириб бориб, машхур эпосимизнинг ўқ илдизларини теранроқ излаш имконини берди, афсоналар қатида ҳақиқат ётади, деган нақлнинг ростлигини исботлади. Бу ҳол биз — фольклоршуносларни уйғонишга мажбур этди. Эндиликда «Алпомиш» эпоси ҳақида ёзувчилар кўпайди, гоҳо зўраки алпомишшунослар ҳам юзага келди, аммо асосийси — «Алпомиш» достонининг кўнғирот версияси билан боғлиқ яхши мақолалар, тадқиқотлар яратила бошлади.

Шу ўринда изланишларимизга ҳамоҳанг бўлган фольклоршунос Сайёра Холмирзаеванинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1998 йил 13 февраль сониди

чо́п этилган «Алпомишдан қолган излар» мақоласини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Ёш олима гарчи Қўнғирот уруғлари шажараси, Алпомишнинг уруғи тўғрисида баъзан чалқаш фикрлар баён қилса-да, аммо эпик қаҳрамон билан боғлиқ жой номлари мавжудлигини, Булунғир дostonчилик мактабида дostonнинг куйланиши Сурхондарё бахшилари таъсиридан эканлигини академик В.М. Жирмунский фикрларига суянган ҳолда тўғри асослайди.

Олиманинг: «...Тошқурт қишлоғидаги эски қўрғон вайроналари учрайди. Қўрғон яқинида эски зиндон ҳам бор. Буларнинг номлари ҳам «Алпомиш» дostonидагининг худди ўзи: «Товканинг қўрғони», «Алпомишнинг чоҳи», дейлиши бизни хушёр торттиради. Қаранг, олима биз юқорида таъкидлагандан унча узоқ бўлмаган бир жойда яна Алпомишнинг чоҳи, Товканинг қўрғони борлигини таъкидламоқда. Демак, халқ ўзи суйган, эътиқод қўйган, сифинган, ўзига ҳомий билган алпларини, авлиёларини, ҳукмдорларини асло унутмайди, уларнинг номини ҳар бир уруғ ўзи яшаган худудда абадийлаштиради. Тарихда бунга мисоллар кўп. Ҳазрати Алпнинг, Шоҳимардон пирнинг, Ҳазрати Адҳам, Ҳазрати Баширнинг, Султон Мирҳайдар Кулолнинг, ҳатто Насриддин Афандининг қабри бир неча жойда мавжудлиги, ўша худуд аҳолиси бундай буюк шахслар билан фахрланиши фикримизнинг далилидир. Тарихий шахслар ҳақида бундай илоҳийлаштиришлар кўп экан, халқ орзу-умидлари, кураш ва интилишлари ҳомийси бўлган эпик қаҳрамонлар тўғрисида ундан-да зиёдроқ бўлиши табиий. Зеро, буларнинг барчаси халқ идеали, ундан туғилган тафаккури, тафаккурдан юзага келган ишонч-эътиқодидир. Ишончу эътиқодга эса бефарк, беписанд муносабат қилиб бўлмайди. Балки, улар ўрганилади, тадқиқ этилади ва аждождлардан авлодларга етказилади. Шу билан инсон комиллик сари интилади. Бу йўл эса узоқ, сермашаққат, азобли, бироқ охири хайрли. Биз шундай ўй-хаёллар, орзу-умидлар билан «Алпомиш» изидан тулдик ва дастлабки қўрган-кечирганларимизни баҳоли-қудра баён этдик. Ҳали изланишлар, сафарлар давом этади. Азиз китобхон шу йўлда сиздан мадад кутамиз ҳамда навбатдаги саҳифаларда сафарларимиз даврида гувоҳи бўлган «Алпомиш» эпоси билан боғлиқ айрим тadbирлар ҳақида хабар беришга ўзимизни бурчли деб биламиз.

Кўхна тарихи, қадимий маданияти билан жаҳонга донг таратган Сурхондарё башарияти «Алпомиш»дек бетакрор қахрамонлик дostonини берганлиги билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Ҳа, халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналаридан бўлиши «Алпомиш» дostonи, яъни соф мухаббат, дўстлик, қахрамонлик, мардлик ва шижоат, оилавий бирдамлик, эл-юртга садоқат, меҳру оқибат, орият ва инсон шаъни каби гўзал инсоний идеаллар улуглашган, нафис бадиияти билан ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган ушбу эпос цивилизациянинг олтин бешиги бўлган шу диёрда шаклланган, бахшиларнинг бадиий тафаккури билан юксак даражага кўтарилган. Шу боис сурхондарёликларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача уни севади, ардоқлайди. Кимки тўй-томоша қилса, бир ёнда бахшиларга «Алпомиш» ни куйлатса, иккинчи ёнда «Алпомиш» авлодларини курашга туширади. Бу воҳада кураш, кўпқари ҳам эпос қадар қадимий ва эпос қадар ҳамон барҳаёт, завқ-шавқ уйғотувчи, чиниқтирувчи, камолга етказувчи миллий ўйинлардир. Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonи улуг тўйи тўғрисидаги қарорида бехудага: «Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта миллий спорт ўйинлари—Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказсин», деб кўрсатилмаган. Шу қарорда таъкидланган вазифани бажаришга киришиш Сурхондарё вилоятидан бошланди. 1998 йил 13-14 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги биргаликда «Алпомиш ўйинлари»нинг 1-республика фестивалини ўтказди. Унга «Эколот» қўшма корхонаси, Сурхондарё вилоят пахта саноат сотиш ҳиссадорлик жамияти, вилоят «Камолот» жамғармаси, вилоят нефть маҳсулотлари идораси, Термиз шаҳар маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхонаси жамоаси каби ташкилотлар ҳомийлик қилишди.

Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи икки кун мобайнида Ватанимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган спортчилар, алпомишшунос ва халқ анъанавий ўйинлари тадқиқотчилари, эл севган бахши-шоирлар, фестивал қатнашчилари, шунингдек, ўн мингларча алпомишсевар, миллий ўйинларимизни қадрловчилар билан гавжум бўлди. Ўзига хос бу фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиев ва Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, унинг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, жумҳуриятимизнинг етакчи олимлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қасаба уюшмалари раҳбарлари қатнашдилар. Шундан сўнг «Алпомиш» қаҳрамонлик дostonидан ўрин олган қадимий халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобақалар бошланди. Республикаимизнинг турли жойларидан келган уч юзга яқин спортчилар миллатимизнинг «Тортишмачок», «Фарғонача ва Бухороча кураш», «Тирандозлик», «Камондан ёй тортиш», «Елкада кураш», «Минди-минди», «Бўрон», «Куч синаш», «Тош кўтариш» сингари миллий халқ ўйинларида ўзаро беллашишди.

Фестивалда вилоят санъаткорлари, халқ бахши-шоирлари иштирокида театрлаштирилган катта томоша бўлиб ўтди. Айниқса Шоберди бахши, Абдуназар бахши, Холли бахши ва Шодмон бахшиларнинг дostonлардан мароқ билан куйлаши фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. «Алпомиш»га бағишланган фестивал ўйинлари маъно-мазмуни билан йиғилганларни ҳайратга солди. «Мен «Алпомиш» дostonини ўқимаганман, билмайману, аммо унга бағишланган мана бундай тадбирларни дунё халқи ҳар қанча ўрганса арзийди», дейди биз билан суҳбатда англиялик қасаба уюшма ходими Питер Майкал Аьюстон. Эрининг фикрига қўшилган рассом Королейн Хьюс хоним ҳам юртимиз, юртбошимиз, миллий ўйинларимиз ҳақида илик фикрлар билдирди.

«Алпомиш ўйинлари» фестивалининг иккинчи куни «Дostonда тасвирланган миллий қаҳрамонлик, спорт ва халқ ўйинлари» мавзуида назарий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари, «Ўзбеккино» ҳиссадорлик жамиятининг раиси

Темурмалик Юнусов, Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти ректори Абдухамид Ҳамроқулов, фан докторлари, профессорлар Усмон Қорабоев, Талъат Усмонхўжаев, Холмирза Холиёров, Ҳамроқул Рафиев, шунингдек, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидан келган қадриятшунос, фольклоршунос, спортшунос олимлар, катта тажриба мактабини ўтаган мураббийлар қизиқарли маърузалар билан чиқишди. Уларда дostonнинг ёш авлод миллий ғурур, орият ва ўзлигини англаш, жисмоний бақувват, ақлан камол топтиришдаги тарбиявий аҳамиятига, ҳали иншо этилмаган ва халқ бахшилари томонидан куйлаб келинаётган янги талқинларига эътибор қаратилди.

«Алпомиш изидан» илмий экспедициясининг биринчи йўналишида қўлга киритилган янги, ҳали фанга маълум бўлмаган фольклор асарлари, Сурхондарёда «Алпомиш»нинг туркум дostonлар сифатида шакллангани ва мукамаллашуви ҳақидаги қайдларни эълон қилдик. Фестивалнинг умумжамоалар бўйича якуний натижаларига кўра, сурхондарёликлар биринчи, андижонликлар иккинчи ва Тошкент шаҳри учинчи ўринни эгаллади. Бухороча миллий кураш мусобақасида қашқадарёлик таниқли полвон Баҳром Авазов биринчи, Фарғонача курашда наманганлик полвон Бахтиёр Бозоров, «Турон» яккакурашида Махмуджон Ҳамроқулов биринчи ўринни эгаллади. «Тортишмачок» халқ миллий ўйинида Андижон вилояти барчиноёлари ғолиблар шохсупасига кўтарилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Холли бахши ижросида дўмбира садолари остида ғолибларга совринлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Мукофотланганлар орасида илм-фан кишилари олимлар, профессорлар ҳамда «Алпомиш ўйинлари» ташкилотчиларининг бўлиши ҳам кўпчиликни қувонтирди.

Фестивал тугади, аммо кези келганда баъзи бир мулоҳаза истакларни айтиб ўтишни лозим топдик. «Алпомиш ўйинлари» жаҳон андозалари даражасида ташкил қилингани ва ўтказилганини тан олган ҳолда, унда дostonларда тасвирланган миллий ўйинлар — алплар кураши, пойга, ок суяк, олтин қабок, Боболам така, тош улоқтириш, Тикма, халгунчак учиш, зувиллатиш ва ҳоказо кабилардан кенгроқ фойдаланган ҳолда, миллий либосларга янада яхшироқ аҳамият берилса, от билан боғлиқ ўйинларга алоҳида эътибор қаратилса, афсонавий ўйинларга диққат қилинса, янада яхши бўларди. Илк бор ўтказилган ушбу фестивалда рамзий санъ-

атлардан, тасвирий, маънавий-маърифий тадбирлардан ҳам кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АЁЛЛАР ҲАМ КУЙЛАЙДИ ДОСТОН

Халқ анъанавий достонларининг пайдо бўлиши ва тарққиёти, кенг тарқалиши ва оммавийлашуви бир қанча етакчи бахши-шоирлар номлари билан боғлиқ. Демак, достонларни авлоддан-авлодга етказишда, олтин мерос сифатида бизгача етиб келишида бахши-шоирларнинг роли ва ўрни беқиёс. Улар орасида аёл бахши-шоирлар ҳам алоҳида иззат-икром ва мавқега эга бўлишган.

Ҳа, ўзбек халқ достончилигининг оламга кўз-кўз қиладиган анъаналаридан бири оқила она, момоларимизнинг, ~~зукко-эга-боболаримиз қаторларида туриб, қўлларига дўмбира ва дутор, фикжак ва гармон тутиб, халқимизнинг буюк эпоси—қахрамонлик, ишқий-романтик, саргузашт, тарихий~~ достонларни зўр завқ-шавқ билан куйлаб, эл-юртни хушнуд этганликларидир. Қадимда тўй-маъракалар, турли-туман дам олиб, ҳордиқ чиқариш маросимлари, гап-гаштаклар, аёллар базмлари ва бошқалар аёл бахшиларсиз ўтмаган. Улар достон, терма ва кўшиқларни маҳорат билан айтишлари, ёқимли овозлари, мусиқа асбобларини маҳорат ила чалишлари ва хушхулқ, хушсуратлари билан йиғинларга айрича файз киритганлар, тароват бағишлаганлар. Аёл бахшилар, созандалар иштирок этган базм-йиғинлар ўзгача мазмун, ўзгача шукуҳга эга бўлган. Кўпни кўрган кексаларнинг ҳикоя қилишларича, ўтмишда аёл бахшилар эркак бахши-шоирлар билан достон айтиш, терма тўқиш ва дўмбира чалишда баб-баравар беллашганлар, ҳатто кўпинча ғолиб чиқиб, маросим қатнашчиларини лол қолдиришган.

~~Айтишларича. Сурхондарё достончилигининг асосчиларидан бўлган Бобо шоир беҳад обрў-эътибор, шоҳ-шуҳратга эга экан. У отда юришни, ов қилишни ҳали кўрар экан.~~ Овда юрган кунларининг бирида қаршисидан от минган бир кўзи ожиз аёлга дуч келибди. У салом бериб, Бобо шоирни кўрмоқ учун келаётганини айтибди. Аммо Бобо шоир ўзини танитмай, юраверинг, учраштираман, деб йўл бошлабди. Бобо шоирнинг уйига келгач, аёл ўзининг камашилик эканини, Бобо шоир билан созда ва сўзда беллашмоқ-қа келганини баён қилибди. Иккаласи йиғилганлар олдида бир кеча-кундуз айтишибди. Енгилишига кўзи етган Бобо шоир одоб доирасидан чиқиб,

бепарда сўзлар айта бошлабди. Шунда йиғилган одамлар: «Шоиримиз чидай олмай, чирга қўйди», дейишган экан. Гарчи бу ривоят бўлса-да, гарчи Камай бахшилари ҳам асли сурхондарёлик бўлсалар-да, ушбу далил бир юртда эркак бахшилар билан беллаша оладиган аёл бахшилар ҳам яшаганини кўрсатади.

Худди шундай бир ривоят Самарқанд дostonчилик мактабида ҳам учрайди. Яъни, қозоқ оқини ўзбек бахшилари билан айтишмоққа келибди. Шундай қараса, бир кампир кўзада ариқдан сув олаётган экан. Қозоқ оқини унга қараб: «Ху турган зайип муна турган товлар неча жашар?» деса, кампир шундай жавоб қайтарибди.

Худойимнинг ишин кўр,
Фалакнинг гардишин кўр,
Мен билмайман ёшини,
Оғзин оч-да, тишин кўр.

Бу жавобни эшитган қозоқ «кампири шундай бўлса, эркакига дуч келмаган маъқул», деб изига қайтиб кетган экан. Уша кампир машхур шоир Эргаш Жуманбулбулнинг моноси бўлган экан. Бу ривоятлар ҳаётий заминга эга. Биз билган Қодир бахшининг онаси Норхол момога дуч келсангиз, 90 ёшдан ошган бу онахоннинг сажъ йўлидаги сўзларини тинглаб, аёллардан бахши чиқиши мумкинлигига ишонасиз. Зеро, бахшининг иккинчи кизи ҳам турмушга чиққунча, дўмбира чертиб дostonлар айтарди. Кейинчалик рўзгор, одамларнинг гап-сўзи давом эттиришга имкон бермади чоғи.

Аммо афсуслар бўлсинки, ўзбек аёл бахши-шоирлари ҳақидаги маълумотлар ва улар айтган дoston, терма, қўшиқлар, чертган куйлари, бошқача айтганда, уларнинг ижро маҳоратлари, услублари ва асарлари ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида ёзиб олинмаганидан унутилиб кетган. Шунга қарамай, аёл бахшичилик санъатига оид айрим қайдлар, лавҳалар учраб туради. Чунончи, Қўрғон дostonчилик мактабига мансуб Султон кампир, Тилла кампир каби машхур бахши-шоирларнинг дostonларни кўп билишлари, куйма кулоқликлари ва бадиҳағўйлик йўли билан терма тўқиб ташлашлари эл орасида жуда машхур, бахши-шоирлар дoврасида иззат-ҳурматлари ҳам беқиёс бўлган. Ўзбек аёл бахши-шоирчилиги узоқ вақт давом этиб келган. Аммо кейинчалик сўнган эди.

«Алпомиш» достони катта тўйи олдида Қарши шаҳрида ўтказилган ёш бахши-шоирлар кўрик-танловида (бу кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси томонидан ташкил этилди) ана шу анъана, яъни аёллар дostonчилиги анъанаси қайта тикланиб, дostonсеварларга хизмат қилиши мумкинлиги исботланди. Бу мамлакатимизнинг турли бурчақларидан келиб, ўз истеъдодини намойиш қилган 41 нафар ёши 35 га етмаган бахши-шоирлар билан «Алпомиш» дostonини куйлаш, дўмбира чертиш бўйича беллашиб, ғолиб чиққан ва фахрли иккинчи ўринни эгаллаган сурхондарёлик, ҳозирча Ўзбекистонда ягона аёл бахши Зулхумор Шерназаровадир.

Зулхуморнинг бу журъати 1969 йил фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров ёзиб олган бир ривоятни эслатди. Ҳикоя қилишича, чўпон йигит бир қизни яхши кўриб қолибди. Йигит дўмбира чертиб, қиз чанқовуз чалиб, ўз туйғуларини баён қилишар экан. Бир куни қиз тариқ экилган анҳорнинг ёқасида сув ичаётган экан, чўпон келиб қолибди. Шунда иккаласи қуйидагича ўлан айтишибди:

— Ётиб-ётиб гап отсам,
Қулоқлар солгин чўпонжон,
Қанорда тариқ мен бўлиб,
Сочишиб кетсам, қайтасан?

— Сочилган тариқ сен бўлсанг,
Жўжали каклик мен бўлиб,
Териблар есам, қайтасан?

— Жўжали қушлар сен бўлиб,
Олғир қушлар мен бўлиб,
Олиблар есам, қайтасан?

— Олғир қушлар сен бўлсанг,
Беаёв овчи мен бўлиб,
Тўрга туширсам, қайтасан?

— Беаёв овчи сен бўлсанг,
Кўркаламуш мен бўлиб,
Тўрингни кессам, қайтасан?

— Кўркаламуш сен бўлиб,
Топғир пишак мен бўлиб,
Олиблар есам, қайтасан?

— Талғир пишак сен бўлиб,
Қоралар кўппак мен бўлиб,
Бир кунлар солсам, қайтасан?

— Қоралар кўппак сен бўлсанг,
Сорилар қоплон мен бўлиб,
Олиблар есам, қайтасан?

— Сорилар қоплон сен бўлсанг,
Чайир мерганлар мен бўлиб,
Отиблар олсам, қайтасан?

— Чайирлар мерган сен бўлсанг,
Кулча илон мен бўлиб,
Чақиблар олсам, қайтасан?

— Кулча илон сен бўлиб,
Мургага марбон мен бўлиб,
Авраблар олсам, қайтасан?

— Азроилим сен бўлиб,
Аллоҳ таоло ёр бўлиб,
Буйруқ қилмаса, қайтасан?

Ҳар нима бўлганда ҳам чўпон йигит билан айтишувга чиққан гўзал қиздек йигитлар билан созда ва сўзда беллашиш мумкин эканлигини узоқ танаффусдан сўнг хотин-қизлар номидан Зулхумор бошлаб берди. У кўрик танловда ўзбек халқ дostonчилиги анъаналарига кўра ички овозда, қадрдон дўмбирасини бўзлатиб, «Алпомиш» дostonини маҳорат билан куйлаган ёш бахши-шоир Зулхуморнинг дўмбира чертиши, қадимий эпосни юксак маҳорат билан айтиши, дoston куйларини яхши ўзлаштириб олгани, қуввайи ҳофизасининг кучлилиги, ижро усули, аудитория олдида ўзини дадил ва эркин тутиши юзлаб тингловчиларни лол қолдирди. Замонамизнинг етакчи бахши-шоирлари бўлмиш Қора бахши Умир бахши ўғли, Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли каби дostonчилар, таниқли фольклоршунос олимлар ва масъул ходимлардан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари Зулхуморнинг ижрочилик ва ижодкорлик салоҳиятини юксак баҳоладилар.

Зулхумор Шерназарова 1971 йил 14 июнда Алпомиш ватани деб тан олинган Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманида туғилган. 1988 йили Қумкўрғон туманидаги Бобур номли ўрта мактабни тугатган. Ҳозирги пайтда мак-

табда ўқитувчилик қилади. 1980 йилдан қўлига дўмбира олиб, бахшичилик сирларини ўрганмоқда.

— Менинг дostonчи бахши-шоир бўлишга кўнглим тушиб қолди, — дейди Зулхумор. — Бу истак, мени ҳеч ҳам тарк этмай қўйди. Қаерда бўлмай ич-ичимдан кимдир: «Кўлингга дўмбира ол, чал, дoston айт», деяверди. 80- йиллар эди, таваккал деб қўлимга дўмбира олиб, черта бошладим. Овозим ўзим кўрган ва овозларини эшитган бахши-шоирларники каби чиқа бошлади. Аввалига босилиб чиққан «Алпомиш»дан парчалар куйлай бошладим. Кейинчалик машҳур кашқадарёлик бахши Қодир бахшидан, ўзимизнинг вилоятдан акам Омон бахши, Шоберди Болта ўғли, Қора бахши Умир ўғли ва бошқалардан дostonчилик-бахшичиликдан таълим олдим. Бора-бора қаерда бахши бўлса, излаб топдим, улардан дoston-термалар ўргандим. Яқинда Термизнинг бош ўйингоҳида минг-минглаб томошабинлар иштирокида ўтган «Алпомиш» дostonининг улуғ тўйи олдидан ўтказилган кўрик-танловда совриндор бўлдим. Орзуим — машҳур онахон бахши-шоирларимиз Тилла кампир, Султон кампир сингари эл-юрт олқишига сазовор дostonчи бўлиб етишиш. Аммо шуни биламанки, эл-юрт ардоғидаги бахши шоир бўлиш учун жуда катта меҳнат машқ керак. «Алпомиш»нинг Жанубий Ўзбекистон нусхасидан Қора бахши ўргатган қисмини ўзига хос ички овозда шундай куйлайди:

Тулпор, билсанг, қолишмайди югуриқдан,
Чўчиманглар закот деган буйруқдан,
Ўзга юртда кимса берган куйруқдан,
Ўз юртингда есанг ўпка яхшироқ.
Одамлар яхшилик кўрсин сиз-биздан,
Тотиб кўрманг миннати бўлган туздан,
Ўзга юртда ярқираган чироқдан,
Хонангга тушган ой нури яхшироқ.
...Оша юртда донгдор подшоҳ бўлгандан,
Ўз элингда гадо бўлган яхшироқ...

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ—ҲОМИЙЛАРИМИЗ

Сурхон воҳасининг қайси шаҳри, тумани ёхуд қишлоғида бўлиб, «Алпомиш» дostonи ҳақида сўз бошласангиз суҳбатдошингиз кўзи нурланганига, қадди янада тикланганига, фурури, орияти кўзгалганига гувоҳ бўласиз. Вилоят

хокимидан то оддий деҳқон, захматкаш чорвадор, фидойи зиёлигача «Алпомиш» билан фахрланади, мағрурланади, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Сизга улар «Алпомиш» достони қаҳрамонлари ёки дoston воқеалари билан боғлиқ жой номлари, ашъвий далиллар тўғрисида бирон ҳодисани айтиб беришади, «Алпомиш» юбилейнинг асосий тадбирларини Сурхондарёда ўтказишдан шодланиб сўзлашади. Улар миллий кадриятлари тикланаётгани, халқ қаҳрамони — Алпомиш ўз юртига истиқлол туфайли қайтганидан ҳаяжонларини яшира олишмайди. Шу боис эпос қаҳрамонининг давомчиси эканликларини, ўзлари Алпомишнинг, Ойбарчиннинг авлодлари эканликларини ифтихор билан таъкидлашади. Бу ҳол эса бизни янада ҳайратга солади. Зеро, афсонавий алпнинг, эпик қаҳрамоннинг шажарасига ўзини боғлаган, ҳаёлотни ҳақиқий ҳаётга уйғунлаштирган халқни кўриб ҳайратланмай бўладими?! Улар дастлаб Алпомишнинг ўққа учмаслиги, сувда чўкмаслиги, ўтда ёнмаслиги, қилич кесмаслиги, курашда мислсиз паҳлавонлиги, кўпкарида тенгсиз чавандозлиги, мерганликда бетимсоллиги элнинг орияти, номуси, оила шаънини ҳимоя қилишдаги ҳадсиз баҳодирлиги, алплиги, ёрга садоқатлилиги, юртга вафодорлиги, душманга шафқатсизлиги, кўзлаган мақсадга эришишдаги ўта қатъиятлилиги, ваъдасида туришдаги субутлилиги, ахлоқий баркамоллиги, ақлий етуклиги, жисмоний камолоти ҳақида соатлаб гапирадилар-да, аста суҳбатни унинг Сурхондарёда яшаётган авлодларига буришади. Яна, улар воҳанинг доврўф қозонган полвонларини, оти кўпкарида соврунни бермаган чавандозларни, меҳнатда юксак натижага эришаётган захматкашларни, барно қизлар, гўзал келинларни Алпомиш ва Барчинойнинг авлоди деб таништиришади ҳамда уларнинг зафарларини, ютуқларини эпос қаҳрамонларининг авлодларидан эканлиги билан изоҳлашади ва сизни ишонтиради. Ишонмай кўрингчи, унда сиз билан муомала қилмай қўя қолишади.

Экспедиция қатнашчилари эса воҳадаги паҳлавон йигитларни, ёвқур чавандозларни, тулпор отларни, алп аёлларни, қизларни кўриб, чиндан Алпомишнинг, Ойбарчиннинг авлодлари эканликларига ишонамиз. Ҳозирги кунда ҳам оиласи, қишлоғи, тумани, вилояти шаъни, обрўси, ори, номуси деб курашга тушиб елкаси ерга тегмаган, кўпкарида улоқни ушлаб ҳеч маҳал олдирмаган полвонлару чавандозларни кўриб, улар ҳақида ривоятга айланган, афсона бўлиб кетган ҳикояларни тинглаб ишончимиз ортади.

Булар ҳақида алоҳида ҳикоя қилишни дилга тугиб, навбатдаги экспедициядан қайтар эканмиз, Сариосиё туманидан самолётга ўтириб, Тошкентга йўл олдик. Қўлимизда ҳозиргина Сариосиёдан олган истеъдодли шоир Сирожиддин Саййиднинг «Ватанни ўрганиш» шеърий тўпламини йўл-йўлакай варақлай берамиз. Самолёт бир оз парвоз этгач, олдинда ўтирган ажойиб журналист Мурод Абдуллаев: «Зерикиш бошланди, у ёқ-бу ёқдан гапириб турунлар, қандай борганимизни билмай қоламиз», деб қўйди. Шунда унга Сирожиддиннинг Алпомиш авлодлари ҳақидаги, ҳозирги Алпомишлар тўғрисидаги қуйидаги шеърини ўқиб бердик:

Бу дунёни марду майдон фараз қилдим,
Гоҳида ўз қисматимдан араз қилдим,
Шундай дамда полвонларга ҳавас қилдим,
Қўш елкаси тоғу саҳро, Омон полвон.

Ҳар кимга ҳам бундай келбат бермас Худо,
Қадам босса, Алпомишлар қилгай нидо,
Сойлар тинар, тоғу тошлар бергай садо,
Бирон тўйдан қилса садо Омон полвон.

Кўзлари ҳам икки тулпор-тулуғ шиддат,
Мард зотларга Аллоҳ ўзи қилгай мадад,
Асли сизга раво доврўғ, шону шавкат,
Бизга эса қалам асо, Омон полвон.

Полвон деган номус ори бут асрагай,
Номус ори бут полвонни юрт асрагай,
Номардларнинг бутларидан ўт сачрагай,
Фирромликни сезса гоҳо Омон полвон.

Гарчи бугун қирғоқларда қирғовул йўқ,
Номин билмас бирор шаҳар ё овул йўқ,
Тўй ҳашамда унинг каби баковул йўқ,
Элу юртдош бўлмас айро Омон полвон.

Насиб этса борғум бир кун Шўрчиларга,
Донғин сўйлаб борғум йўлда йўлчиларга,
Ука бўлиб қолғум буткул шул чинорга,
Бошим узра айлар дуо Омон полвон.

Майли гоҳо зору гоҳи маюс бўлсам,
Гоҳо майса, гоҳо эса майиз бўлсам,
Ўзим ўғил тўйларида райис бўлсам,
Қўшиқ бўлгай Сурхондарё, Омон полвон.

Ухлар бунда не султонлар, не валилар,
Шерлар юрган юртдан чиққай Шералилар,
Ранжимасин Рустам полвон, Эралилар,
Ҳар полвонга жони фидо Омон полвон.

Она халқим, топган ризқинг ҳалолингдир,
Мунофиқлар, ғаразғўйлар заволингдир,
Эй, она юрт, мард полвонлар, камолингдир,
Эмас асло якка танҳо Омон полвон.

Шеър ниҳояланиши билан: «Яшасин, Сирожиддин, қотирибди», деди Мурод Абдуллаев. Шу баҳона гурунг Омон полвон кимлигини муҳокама қилишга ўтилган эди, ён томонимизда ўтирган барваста, қадди-қомати келишган, юзларидан нур ёғилиб турган, чекка сочларига оқ оралаган 35-40 ёшлардаги (кейинчалик билсак, 46 ёшда экан) йигит: «Омон полвонни танийсизларми?» деб сўраб қолди. Биз бу номни кўп эшитганимизни, аммо полвонни кўрмаганимизни, ғойибона мардлигини, мохир чавандозлигини, елкаси ерга тегмаган полвонлигини тўққиз йил олдин деҳқонободлик Абдурахмон Бўриев деган кишидан эшитиб, «Миллионер чавандоз» сарлавҳали мақола ёзиб, «От—инсонга қанот» номли китобга киритганимизни айтдик. Шунда суҳбатдошимиз ўзининг Омон полвон эканлигини маълум қилди. Бизнинг «Алпомиш» достони бўйича экспедицияда бўлиб қайтаётганимизни эшитиб, қувониб кетди. Гап мазмуни яна Алпомишга бурилди. Суҳбатдошимиз «Алпомиш» достони воқеаларинигина эмас Сурхондарёда у билан боғлиқ жойлар, улар ҳақидаги афсона ва ривоятларни мукамал билар экан. Гурунг айни қизиган пайтда самолёт ерга қўнди. Омон полвон бизга Шўрчи тумани дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви райси бўлиб ишлашини айтди, кейинги сафарги экспедиция Шўрчига боришини тайинлади, «Алпомиш»дек буюк достон билан боғлиқ китобга ҳомийлик қилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб, биз билан хайрлашди.

...Экспедиция аъзоларининг бир қисми аслида 4 январда Тошкентда учрашмоқчи эдик, режа ўзгарди. Шу боис биз муаллифлар 31 декабрь тунда боғланиб, 1 январь куни Қаршида учрашишга келишдик. Ишлар яхши кетаётган, обиҳаво ҳам дуруст эди. Аммо янги йилнинг биринчи куни тунда Қашқадарё-Сурхондарёга қалин қор тушди, об-ҳаво кескин совиди, табиат бутунлай тундлашиб олди. Шу ҳоис 2 январ куни Қарши-Термиз, Самарқанд-Термиз йўналишида автобус қатнамади. Аммо биз ваъдалашгандик, бормасак бўлмас эди, субутсиз бўлиб қолардик. Полвонлар эса ваъдабозликни, субутсизликни ёқтиришмайди. Шу сабабли Қаршидан Дехқонободга етиб келганимизда соат 11 дан ошган эди. Шу ерда узоғимизни енгил қилишга доимий кўмаклашиб турувчи давлат автомобил назорати ходимларига учрашдик. ДАН вакили Норбоев Чакчақда қор қалинлиги сабабли қатнов камлигини айтгач, мадад сўраб туман ички ишлар бўлими бошлиғи Эгамберди Турдиевга сим қокдик. Э.Турдиев «Алпомишнинг изкуварлари чекиниш мумкинмас, албатта Шўрчига етасизлар», деб кўнглимизни кўтарди, қандай транспорт воситасида кетишимизни сўради. Кун совуқ, кутишга фурсат йўқ эди. Шу боис нима бўлса, қандай машина ё автобус бўлишидан қатъи назар жўнашга розилигимизни билдирдик. Бошлиқ ДАН ходими билан телефонда боғланди ва ярим соатлардан сўнг «КамАЗ» машинасининг кабинасида эдик. Дехқонободдан чиқиб янги қишлоқ сари борар эканмиз қор қалинлаша борганини, йўл тозаланмай музлаб қолганини кўриб ҳайдовчи Чори Қўшоқов ташвишланарди. Ташвиши ўринли эканлигини Чашмаиобзондан ошиб машина Оқработга тирмашаётганда ҳис этдик. Ҳайдовчи тезликни алмаштираётганда, тошбақа юриш билан олдинга интилаётган машина орқага силжий бошлади. У тормозни босди-ю, пастга тушиб орқа филдиракка тош қўйишимизни илтимос қилди. Тушиб қарасак, ҳайдовчи машинани йўл четидан ҳайдагани ва боя озроқ силжиганидан устига 16,5 тонна картошка ортилган «КамАЗ» жарликнинг ёқасига келиб қолган, яна ярим метр силжиса, офир юкнинг ўзи ортга тортиб кетиши аниқ эди. Биз тошларни қўйгач, ҳайдовчи тушди-да, қўли билан, сўнг пақир билан тупроқ ташиб филдираклар тагига сепа бошлади, аммо яна бўлмади. Биз совуқда ташқарида туролмай машинага кириб олдик. Ҳайдовчи яна тупроқ сепди, 2-3 соат музни бол-

ғалаб йўлнинг 15-20 метрча қисмини тозалади, бу орада бизни қалтироқ босди. Ҳайрият, машина зўриқиб-зўриқиб юра бошлади, ҳайдовчи эса вақтида йўлни қордан тозаламаган йўлсозларни бўралаб сўкарди. Оғиз очар пайти Дарбандга етдик ва хусусий ошхонадан бир хил овқат билан ифторлик қилиб яна отландик. Борида икки-икки деганларидек, тағин бир азоб бор эканки, Бойсунга етмай, кўнгилайни бошланди. Бу овқатнинг ҳар учаламизга ёқмаганидан эди. Бойсунда яхшиям минерал сув бор экан, ўша билан ошқозонни тозалашга тўғри келди. Чарчаш, совуқ, қайт қилиш силлани қуритган. Минг бир машаққат, минг бир ўй билан Олтинсой туманига етсак, бутун туманда электр чироклари йўқ. Ҳамишагидек Олтинсой тумани ДАН ходимлари ҳузурига бориб Шўрчигача бўлган 15 чақирим йўлда кўмаклашувни илтимос қилдик. Аммо беш марталиқ экспедициямиз даврида илк марта бу ердагилар бизни эшитишни истамади. Ҳатто ДАН ходими хонасидан чиқмади, қоровуллик бўлиmidан қўйилган йигит билан мулоқотда бўлдик. Гарчи олтинсойлик ДАНчилар ёрдамидан аясалар ҳам бошқа бир олтинсойлик йигит, «КамаЗ» ҳайдовчиси Чорибой бизни кутиб турган эди. У билан тунги соат ўн бирда Денов шаҳрига етиб келдик-да, танишлар, ёру биродарларни безовта қилмай, меҳмонхонадан жой олиб ҳолсиз чўзилдик.

Эрталаб Шўрчига, жўнар эканмиз, бугун якшанба дам олиш куни бўлса ҳам Денов тумани ҳокимлигига кириб чиқаётганларни кўриб, ҳамкасбимиз экспедициямизнинг Сурхондарёдаги фаол ҳомийларидан—Денов тумани ҳокими Тилла Менглиев, ҳоким ўринбосари Тоштемир Турдиев ишга келган бўлса саломлашиб, ҳоллашиб кетишни лозим топдик. Омадимиз келиб ҳар икки раҳбар ишда экан. Дийдорлашдик. Тоштемир Турдиевнинг Хушвақт баҳши Мардонақуловдан «Алпомиш» достонини қандай уқубатлар билан видеомагнитофонга, видеомагнитофондан қозға ёзиб олгани, нашрга тайёрлагани ва чоп этилаётгани ҳақидаги суҳбатини тингладик.

Ўрни келганда Термизда, Деновда, Бойсунда, Шерободу Шўрчида Алпомиш боғлари яратилаётганини таъкидлаб ўтайлик. Денов туманидаги Алпомиш боғини Т. Менглиев барпо эттирди. Йигирма беш гектарлик янги боққа сарв ва

санобар, хурмолар экишди, оромгоҳ ташкил этишди. Боғ марказида бир пиёла чой устида марокли суҳбат қуриб, халқ бахшилари ижросида «Алпомиш» ва ўзга дostonларни тинглайдиган майдончалар бунёд этилди. Икки раҳбар адабиётни, санъатни яхши кўрганидан Сурхондарёга келган адиблар, шоирлар, санъаткорлар, илм-фан арбобларини кўрмай, суҳбатлашмай, уларнинг санъати, ижодидан баҳраманд бўлмай қолмайди. Вилоят марказига келиб, ўша ердан қайтиб кетмоқчи бўлган олимлару адиблар, шоирлару санъаткорларни ҳам амаллаб йўлдан уради-да, Деновга жўнатади. Улардан қутулмоқнинг иложи йўқ. Термиздан самолётда учаман десангиз, Сариосиёда ҳам аэропорт бор дейди, поездда кетаман десангиз, поезд Деновдан жўнайди, Термизгача жой тугаши мумкин дейди, автомашинада жўнайман десангиз, Деновдан Бойсун орқали йўл яқин бўлади, дейишади. Биз ҳам шундай кишилар хузуридан тезда қутулмоқчи эдик, ниятимизни, сафаримизнинг йўналишини билган Тилла ака: «Аввал Омон полвон бор-йўқлигини билайлик, кўп шошманг чой-пой қилайлик, сўнг машина тайёрлаб жўнатамиз», деб Шўрчига телефон қилди. Полвон ишда эканлигини билгач: «Сурхондарё катта вилоят, кўп эл бўлса ҳам ҳокимлари, раҳбарлари қаердалигини билмас билмайдик, орияти учун курашган полвонларининг, от сурган чавандозларининг, элни ботир қилган бахшиларининг қаердалигини билади. Омон полвон Сурхоннинг ори, номуси, шуҳрати учун курашиб элга танилган полвон. Унинг қаердалигини аввал билмасак, бўладими?» деди. Шу аснода суҳбат полвонларга, уларнинг ҳайратомуз куч-қудратига, полвонлик ҳам худо берган кишига насиб этишига томон бурилди.

— Бизда полвонлар ва чавандозлар ҳамон кадрланади, — дея суҳбатни давом эттирди Т. Турдиев. — «Алпомиш» дostonида айтилганидек, оталар ўз ўлимини жуда ёшлиқдан, мард, кучли бўлишга ундашади. Ҳозиргача тўйларимиз курашсиз, кўпкаримиз, бахшисиз ўтмаганидан Сурхондарёда шу уч жиҳат республикамизнинг бошқа жойларидагига қараганда кучли тарзда сақланиб қолган. Тўйларда, томошаларда, байрам, сайлларда полвонлар тарафма-тараф бўлиб кураш тушганидан, у ёки бу полвон ўзи мансуб бўлган қишлоқ, туманнинг шуҳратини, номини ёйган. Шу сабабли ҳар қишлоқ, ҳар туман ўзининг мард ва танти полвонларини чиқа-

ришга, тарбиялашга интилан. Омон полвон ҳам дастлаб қишлоғининг, сўнгра Шўрчининг шухратини ёйган бўлса, кучга тўлган пайтда бутун Сурхоннинг, собиқ Иттифок даврида Ўзбекистоннинг фахри бўлиб майдонга чиқди, кўзга кўринди. Яна энг яхши томони ўзини салбий ҳолатлардан асраб, худо берган куч-қудратни, ақл-идрокни беҳуда сарфламади. Айрим полвонлар маълум чўққига чиққач ё курашдан сал бойлик орттиргач, босар-тусарини билмай қолади. Фақат Омон полвондек ақлли йигитларгина кучини ҳам, ақл-идроқини ҳам, топган бойлигини ҳам ўринли ишлатиб, курашмай қўйган даврларда ҳам ўз шон-шухратини асраб қола оладилар.

Ҳа, полвонликни ҳам худо берган бўлиши керак, яъни полвонлик наслида ҳам бўлмоғи ва уни тинимсиз машқлар (қишлоқларда бу машқлар кўпроқ доимий суратда тўйларда давом этадиган курашларда намоён бўлади) орқали камол топтириш лозим. Полвонларнинг биринчи устози ҳам, уларнинг куч-қувватию, фаҳм-фаросати ва одоб-ахлоқининг баҳоловчиси ҳам халқ. Эл-юрт курашда полвоннинг ўзини тутиши, рақибга муносабати, куч-қудратига қараб севади, кадрлайди, ардоқлайди. Сурхонда Омон полвон, Тўра полвон, Шерали полвон, Эрали полвон, Рустам полвон каби ўнлаб воҳа шухрати, ўзбекнинг қадрияти учун курашганлар, курашаётганлар қўп.

Сурхондарёдаги энг йирик Ш.Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти идорасига етиб келганимизда бош иқтисодчи Оқбўта Тиловов кутиб олди. Оқбўта аканинг йирик гавдасига боқиб: «Сиз ҳам Алпомиш» авлодидан эмасмисиз?» десак, «Сурхонда фақат Алпомиш авлоди яшайди», дейди. Тезда ҳиссадорлик жамиятининг шинамгина меҳмонхонасига жойлашдик. Бир оз ўтгач, Омон полвон кириб келди.

— Мана, яхши кунлар келиб, ниятларимиз рўёбга чиқадиган бўлди, — дея сўз бошлади Омон полвон. — Улуғ бобомиз Алпомиш, момомиз Ойбарчиннинг руҳлари шод бўлиб, ўзимизни уларга мослашга, қадриятларимизни англаш, ананаларимизни тиклашга киришдик. Сизлар билан танишишга имкон туғилди. Бахшиларнинг дўмбира садолари баландроқ жаранглай бошлади.

— Ҳа, Омон полвон кимки полвон, чавандоз, мерган бўлса, унда Алпомишнинг қони бор деб билади. Эътиқодда мустаҳкам, ҳалолликни, покликни тўғри сўзлилиқни муқаддас билади. Илоҳий кучларга ишонади. Ўзининг туғилишини шундай изоҳлайди. Ақаси тўрт ёшга кирганда, отаси онасига: «Энди сен фарзанд кўрмас экансан», — дебди. Бу сўздан аччиқланган она фарзандини кўтариб йиғлаганча уйдан чиқибди-да, яланг оёқ, тиканзорни оралаб Бўтабўзлар деган муқаддас жойга келибди. Оёқларига тиканлар кириб қонаган она бу ерни тавоф қилиб, фарзанд тилаб бўзлаб-бўзлаб йиғлабди. Сўнг шу ерда ўтирган бобога дуч келибди. Бобо аёлнинг дардини эшитгач, «Аллоҳ сенга яна бир ўғил беради. Бу ўғил қўлингдаги ҳозиргина худодан ука тилаган ўғлингдан зўр бўлади, сен унинг иззат-ҳурматини кўрасан, эл-юрт сени ўғлинг учун ҳам улуғлайди», деб дуо қилибди. Шундан кейин Омон полвон туғилган экан...

Полвон ўзи эришган ютуқларни аввало Аллоҳдан, сўнгра бандасидан, хусусан, ота-онасининг дуосидан деб билади. Етти пушти машҳур полвон, донгдор чавандозлар бўлган Омон полвон зарурият билан бир жойга кетаётганини, ҳозир Қора бахши Умиров ва Абдуназар Поёнов етиб келишини, биз бемалол бахшилар билан ижодий ишимизни давом эттиришимизни айтиб, узр сўради.

Кечқурун полвон юборган машина Музрабоддан Қора бахшини, Қизирикдан Абдуназар Поёновни олиб келди. Ҳозирги барҳаёт бахшиларнинг истеъдодли икки вакили гоҳ терма, гоҳ «Алпомиш», гоҳ «Гўрўғли»дан айтиб баҳслашдилар. Бадиҳа йўли билан термалар куйладилар. Мана, Абдуназар бахшининг бир лаҳзада тўқиган ва биз қоғозга туширган терма:

Асли жойи бўлар айтсам Шеробод,
Бир томон Қизирик, бир ён Музрабод,
Эли халқи қўлидан чўллари обод,
Ёронлар ўтганда қилинг зиёрат,
Имом Термизийи бордир Сурхоннинг.

Тинглаб шайхлар уни пир деб тутибди,
Тўрт юздан ортиқроқ китоб битибди,
Ҳазинага ихлос қилган ботибди,
Бу тупроқда улуғ инсон ётибди.
Ҳаким Термизийи бордир Сурхоннинг.

Тоғлар орасида турар тонг юлдуз,
Бошда шуъла сочиб кеча-ю кундуз,
Айта берсам сўзим келар изма-из,
Оқтош, Хўжайкондан етиштирган туз,
Эл-юртга совғаси бордир Сурхоннинг.

Алпомишлар отин сурган бу макон,
Бобо шоир ўйнаб ўсган Бешқўтон,
У бўлгандир сўзнинг мулкига султон,
Достонлар тинглаган ҳар қайси инсон,
Шундай бахшилари бордир Сурхоннинг.

Кўрганларнинг келар доим хаваси,
Тоғларидан келар каклик навоси,
Эртақ, достон айтар момо, бовоси,
Бойсун товда бордир Омонхонаси,
Шифобахш сувлари бордир Сурхоннинг.

Чўбир ўтолмайди чопса бедовдан,
Йигитлар қайтмагай келганда ёвдан,
Кўрган кўз қувонар ху Боботовдан
Ҳайдарқул ҳожиси ўтган Деновдан,
Шундай улуғлари бордир Сурхоннинг.

Айтайин яхшини мен унутолмай,
Нечовлар кетгандир унга етолмай,
Минг шайхи олдида бир сўз айтолмай,
Темирийўлда поезд қолган тортолмай,
Ҳайдарқул ҳожиси ўтган Сурхоннинг.

Кенг майдонда юрт ортини олгани,
Дарёдаин тошиб ҳамда тўлгани,
Сахийликдан олқиш, дуо олгани,
Шўрчида яшайди Омон полвони,
Паҳлавон мардлари бордир Сурхоннинг.

Ҳалолликман Омон полвон курашган,
Тўйларда енг туриб майдонга тушган,
Зарбидан рақиблар талпиниб шошган,
Манман деган алплар билан беллашган,
Алпомишдай шунқори бор Сурхоннинг.

Элатнинг бошлиғи, сахий сардори,
Яратганнинг ўзи бир мададкори,
Аллоҳнинг пиридир раҳбари, пири,

Ҳар ишнинг доно зўр тадбиркори,
Йилдан-йил борари бордир Сурхоннинг.

Бекназар ҳожининг асил фарзанди,
Ҳурмат қилар ўйнаб ўсган эл-юрти,
Ўзар Бойчибордай пойгада оти,
Ростдан Алпомишнинг шудир авлоди,
Ҳормас-толмас Омони бор Сурхоннинг.

Мард йигитда номус билан ор бўлсин,
Кўролмаган Кўкалдошдай хор бўлсин,
Омон полвон эл баҳшига бор бўлсин,
Алпомишнинг руҳи мададкор бўлсин,
Саховатли сардори бор Сурхоннинг.

Бу термани мириқиб тинглар эканмиз, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тўрт юздан ортиқ китоб битгани ҳақида тушлик пайтида Омон полвон айтган куйидаги ривоятни яна, ёдга солди: «Эмишки, Термизийнинг яна икки биродари (оғайниси) бўлиб, улар ўқишга кетибди-ю, ота-онасининг ўқитишга имконияти бўлмаганидан Термизий бо-ролмай қолибди. У илмсиз қолаётганидан кўп қайғуриб, йиғлаб юрибди. Мен ўқий олмадим, деб Яратганга нола қилиб юрган кунларнинг бирида унга оппоқ кийинган бобо дуч келиб: «Ўқийсизми, болам?» деб сўрабди. «Ҳа!» дегач, шу бобо уни уч йил ўқитибди. Термизийни ўқитган қария дунёда энг илмли Хўжаи Хидир экан. Хўжаи Хидирдан таҳсил олган Термизий ҳам оғайниларидагина эмас, балки ўз давридаги барчадан илмли бўлиб етишибди-да, эришган билимларни танлабди. Унинг ёзган тўрт юздан ошиқ китоби бор бўлиб, шулардан бирини умрбод ёзган экан. Тўрт юз китобдан сўнг шу бир китоб умрининг охирида ниҳоясига етибди. Китоб тамом бўлгач, шогирдини чақирибди-да, олиб бориб дарёга ташлаб келишни буюрибди. Шогирднинг эса китобни дарёга ташлашга кўзи қиймай: «Билиб ўтирибди-ми, ташладим, деб қўя қоламан», дея ўйлаб, қайтиб келибди. Термизий: «Айтганимни бажардингми?» деган экан, шогирд: «Ҳа, устоз!» деб жавоб берибди. Шунда устоз яна сўрабди: «Дарёга китобни ташлаганингда, не сиру синоат кўрдинг?». Шогирд ҳеч нарса кўрмаганини айтгач, Термизий: «Сен айтганини бажармай келибсан. Бор, китобни қўйган

жойингдан олиб, дарёга ташла!» деб қайта жўнатибди. Шогирд китобни дарёнинг ўртасига улоқтирган экан, сувда бир олтин сандиқ ва қўл пайдо бўлибди. Қўл китобни сандиққа солибди-ю, сандиқ ҳам, қўл ҳам сув остига ғойиб бўлибди. Айтишларича, бу сўнгги китоб Термизий ёзган 400 китобнинг хулосаси, олиб кетган эса Хўжаи Хидир экан. Кимки, Термизийнинг ҳамма китобини ўқиб, унда ёзилганларни ўқиб, тушуниб шарҳлай олса, ўша хулоса китобга муяссар бўларкан».

Абдуназар Поёнов ўз термасида Алпомиш авлодидан деб Омон полвонни мактагани Қора бахшига ҳам таъсир қилди-да, дўмбирани олиб, ҳар нағмага солиб, бўлмоқчидай ғолиб, бир зум ўйга толиб: «Омон, дейди ўзини, кўргандим нурли юзини, бир еганман тузини, созим торин эшайин, мен ҳам кўшиққа кўшайин, илҳом келса, жўшайин, бўлмаса, Абдуназар, олдигинангга тушайин, Музрабод томон ошайин», деб куйидаги термани бошлади:

Алпомишга ўхшар ўзи савлати,
Шундай полвон Қўнғиротнинг давлати,
Шўроб элдир унинг яйлов, сувлати.
Омон полвон — Алпомишнинг авлоди.

Бахши чертар дўмбиранинг торини,
Боқиб ётар тўртта-бешта норини,
Кураш бўлса, олар ўзбек орини,
Омон полвон — Алпомишнинг авлоди.

Ушлаганнинг бувинлари бўшайди,
Туя чилни берса, суяк шовшайди,
Тулпорлари Бойчиборга ўхшайди,
Омон полвон — Алпомишнинг авлоди.

Душманини айтганига кўндирар,
Кураш пайти қайирмани кўндирар,
Силкиб тортса, қобирғани синдирар,
Омон полвон — Алпомишнинг авлоди.

Омон полвон Сурхон элнинг зўридир,
Ҳазрати Султон Валий пиридир,
Яхшиликда Чори полвон тиридир,
Омон экан — Алпомишнинг авлоди.

Омон дейди бу полвоннинг ўзини,
Таркатади элнинг ризқи-рўзини,

Ҳақимбекка ўхшатдим ҳар сўзини,
Омон полвон экан Алпон авлоди...

Ориятга фидо қилар жонини,
Улашади элу юртга донини,
Кўтаради Ватан шуҳрат-шонини,
Омон полвон — Алпомишнинг авлоди...

Давраимизда Омон полвон бўлмаса ҳам, бахшиларнинг у ҳақда куйлаши халқ ўзининг мард ва танги паҳлавонларини дилдан ардоқлашига, олқишлашига бир далил эди. Дўмбира куйларига қулоқ тутиш, термалар эшитиш, достонлардан парчалар тинглаш билан қанча вақт ўтганини ҳам сезмай қолибмиз. Эрталаб Омон полвон Бекназаров раислик қилаётган Ш. Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан таниша бошладик. Ушбу корхона Шўрчи дон маҳсулотлари заводи сифатида 1979 йил декабрда иш бошлаган, ҳозирги кунда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. 1997 йил августда қарийб бир миллиард сўм қарзи бўлган жамоага Омон Бекназаров раис этиб тайинланади. Янги раҳбар ишни технологияни янгилашдан бошлайди. Эски жиҳозлар ўрнига Швейцариядан янги, замонавий жиҳозларни келтиради. Қайта таъмирлаш бир кеча-кундузда 70 тонна буғдойни унга айлантириш имконини берди, бир йилда завод аввалги катта миқдордаги қарздан қутулди. Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, полиз маҳсулотларидан консерва ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик бўйича ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Россиядан 28 хилдаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган жиҳоз олиб келингач, иш янада юришиб кетди. Ҳозир халқ эҳтиёжига зарур бўлган макарон маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишчилар учун махсус кийим-кечак тикишга киришилди. Тадбиркор раҳбарнинг ташаббуслари ишчи-хизматчиларнинг фидойилиги ўз самарасини бера бошлади. Заводда меҳнат қилаётган 1200 ишчи 1997 йилда ўртача 3,5 минг сўм маош олган бўлса, 1998 йилнинг иккинчи ярмида ойлик маош 6,5 минг сўмни ташкил этди.

— Бу корхона энг муқаддас, энг қутлуғ даргоҳ ҳисобланади, — дейди Омон полвон Бекназаров, — чунки бу ерда дунёдаги энг олий неъмат, ризқ-рўзимиз бўлган ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Нон етиштириладиган жой

пок бўлмоғи, бу ерда ишлайдиган ҳар бир ходим ҳалол бўлиши, хиёнат, юзакичилик қилмаслиги, худодан кўрқиши зарур. Юртбошимиз бот-бот уқтираётганидек, элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак. Биз шу халқ, шу юрт равнақи учун курашмасак, ўз манфаатимизнигина ўйласак, бандаси ҳам, Яратган ҳам кечирмайди. Заводимиз аҳолини ун билан таъминлайдиган энг йирик ва асосий корхона бўлиб, унинг қайта жиҳозланишида республика дон маҳсулотлари корпорацияси раҳбарларининг алоҳида хизматлари бор.

Ишчиларга ҳақ вақтида берилса, меҳнат қилишга шариит яратилса, ғамхўрлик кўрсатилса, асло иш тўхтамайди. Завод қошида 280 ўринли 2 та боғча ишлаб турибди, 50 ўринли санаторий-профилакторий ишчилари хизматида, ўн минг китоб фондига эга кутубхона ишлаб турибди. «Кушон» бадий ҳаваскорлик дастаси ишчиларнинг тўйларида, байрамларда, учрашувларда беминнат хизмат қилиб келмоқда. О. Бекназаров раҳбарликка тайинланган дастлабки ойдаёқ музейни ташкил этди. Тарихий шахслар ҳаёти ва ижодига доир нодир суратлар Бобоқул Абдурасулов томонидан тўпланди. Шунингдек, музейда заводнинг тарихи ўз аксини топди.

Спорт саломатлик асоси эканлигини яхши билган Омон полвон ишчиларни жисмоний чиниқтиришга алоҳида эътибор бераётган. Президентимиз Фармонларини бажара бориб 2 та теннис корди курдирди, эндиликда 5 минг ўринга эга футбол ўйингоҳи ишлаб турибди. Миллий кураш секцияси иш бошлади. Спортнинг барча турлари бўйича тўғрақлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳиссдорлик жамияти ҳомийлигида республика биринчилигида тўп сураётган «Шўрчи» командаси мавсумни 5-ўрин билан якунлагани қувончли бўлди. Тош кўтаришда Бобоҳон полвон Қорабоев Алпомиш ўйинлари фестивали ғолиблигини эгаллади.

Халқда: «Йиғолмаган қилолмайди саховат», деган нақл бор. Яъни сахийлик қилиб ўзгаларга бериш учун бойлик бўлиши лозим. Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссдорлик жамияти ҳам қаддини тиклаб олгач, саховат кўрсата бошлади. Ўтган йили жами 1 миллион сўм хайрия қилинди. Бу каби хайрли ишларнинг охири кўринмайди.

Дарҳақиқат, юртбошимиз И.А.Каримовнинг ҳар бир одам: «Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима иш қилдим», деб ўз-ўзидан сўрайди. Шу са-

волларга бемалол жавоб бермоқ учун, у умри давомида савоб ишларни кўпроқ қилмоққа шошилмоғи керак, деган пурмаъно фикри Омон полвонга мос келади. Чунки ҳамisha савобга шошади, савоб иш қилиб дуо олишга интилади.

Муаммолар ҳақида гап кетганда Омон полвон шундай дейди: муаммоларни ўзимиз ҳал қиламиз. Арз-шикоят қилган билан ҳеч ким бизга келиб камчилигимизни тузатиб бермайди. Истиклол бизга имконият берган, тадбиркорликка йўл очган экан, муаммолар ҳам ҳал бўлади. Яна биз полвонларнинг феъл-атворида арз қилиш, шикоятланиш, мадад кутиш йўқ. Биз хатоларимизни ўзимиз англаб, тузатишга ва фақат Худодан, пирларимиздан қувват сўрашга ўрганиб қолганмиз.

Биз замонавий жиҳозланган завод клубига кириб борамиз. Одам тирбанд. Йиғилишнинг биринчи қисми ўтган йил яқунларига бағишланди. Иккинчи қисмда ушбу китоб муаллифлари сифатида биз қисқача мақсадимизни баён қилгач, Абдуназар баҳши ва Қора баҳши «Алпомиш» дostonидан парчалар айтишди. Шу ўринда Қора баҳши «Алпомиш»дан ижро этган бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«...Бойбўрихон ҳам Барчиннинг олдига кўнғиротнинг қўштамғали уругидан Нурали Элбегини чиқарди. Нурали Элбегининг аёли Холдона, Худо берган эди қизу улдан. Холдона у ёқ, бу ёқ чопди, Барчиндай яна бир қиз топди. «Келин кўрсатар» қиламиз деб, Кўнғиротнинг сап муйсафидларини бир ўтовга жийдириб, олдига мучалаб гўшни кўйдириб, қорнини роса тўйдириб, келиннинг сепидан деб биттадан жеплак кийдириб, «Келин кўрсатар»ни бошлаётган эди:

Оқ ўтов кирган хонаси,
Гулдон нозиқдир танаси,
Бўлмасин элнинг гинаси,
Келинни олиб чиқди,
Олдига чиққан энаси.

Ўсмани кўйиб қошига,
Курига ёпиниб бошига,
Ҳапамат тақиб гўшига,
Таъзим бериб эна қиз,
Чиқди ўтовнинг дашига.

Чап кўлтиққа супра ушлаб,
Сарпо бериб кўнглин хушлаб,
Елкасига кўлин ташлаб,
Келин билан кўришишни.
Қайнанаси берди бошлаб.

Хотин-халаж туришади,
Супирани беришади,
Келин томон юришади,
Навбат келган кайвонилар,
Келин билан кўришади.

Хотинлар урфин қилади,
Навбатма-навбат келади,
Бошига сарпо солади,
Келин бошидан сарпони,
Холдонабегим олади.

Қаранг, хотинлар ишига,
Келинни кўймай хушига,
Сарпо тайлайди бошига,
«Келин кўришар» саф бўлиб,
Бошлади ўчоқ қошига.

Икболи баланд бўлсин деб,
Келинга ўтин қалатди.
Юзлари иссиқ бўлсин деб,
Ўчган оловни пилатди.
Бола-чақали бўлсин деб,

Чимчиб гўдакни жилади.
Келин таҳамни билсин деб,
Туздондан тузни жилади.
Кўзу суклар кирмасин деб,
Қора қозонни силади.

Келин пазанда бўлсин деб,
Қўлига хамир булатди.
Юзи оқ бўлиб юрсин деб,
Супрага унни элатди.
Нони ширин бўлсин деб.

Хамир ийлатиб бўқтирди.
Насиба бутун бўлсин деб,

Тутқич четини тиктирди
Ўчоғи мойли бўлсин деб,
Ўчоққа мойни тўктирди...

Бахшилар тўйда жўшади,
Созни сўзига кўшади,
Келин ўчоқдан бўшади,
Кўйдан ювош бўлсин деб.
Кўй терисини тўшади.

Қизлар қилади базимда,
Аллоҳ берсин тузимда,
Урфини қилмоқ лозимди,
Чоллар олдида Барчиной.
Бажо келтирди таъзимди...

Бахшилар селдай тошар, тингловчилар хайрати ошар, ҳеч ким зерикишни билмас, дoston тинглаб толмас, Қора бахши ҳам тўхтай қолмас эди. Ниҳоят, имо-ишорани англади-ю, Алпомиш ва Барчин тўйини яқунлаб, келин-куёвни чимилдикқа киритиш билан тўхтади. Шунда Омон полвон йиғилганларга «Алпомиш» ҳақидаги китобга ҳомийлик қилиш фикрини билдирганда, залдагилар қарсақлар билан қувватлашди.

Аъло кайфиятда ризқ-рўзимиз бунёдкори ҳузуридан чиқар эканмиз, ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Омон Чўтовдан ўз меҳнати билан ўрнак бўлаётганларни сўраймиз. Муҳандис илғорлар номларини санай кетди: Файзулла Қорақулов, Қурбонмурод Хидиров, Хушвақт Файзуллаев, Собир Остонақулов, Қобил Сатторов, Зулфия Ҳасанова, Наби Муҳаммадиев, Мамаражаб Юсупов, Гулбой полвон ва Норбой полвон, Ўрол Эшқобилов, Холикул Донишов, Эргаш Жулинов, Тўлқин Мамасоатов, Дилфуза Эсонова, Сағдия Ўрозалиева, Юлдуз Норқулова, Ойгул Оқбўтаева, Гулбахор Қаюмова, Норкул Мейликулов, Омон Янгибоев, Туроб Мингбоев, Мардон Холмўминов, Умир Маматкулов, Ўктам Чориев, Менгсулув Усмонова, Дилфуза Исанова, Насиба Усмонова, Саодат Бобохонова, Мўмин Маматалиев, Қурбон Абдумўминов, Йўлдош Бўриев, Нурали Абраев, Мамаюсуф Холмуродов, Амиркул Қурбоннов, Акмал Соатов, Бекмурод Бобомуродов, Зулфия Ҳасанова, Тўтихон Алиева, Ҳасан Нурматов, Азамат Турдиалиев, Эркин Эшматов, Бобохон Қорабоев, Раъно Худойбердиева, Рашид Алиев, Қо-

бил Сатторов, Исмоил Абдурахимов, Гулмурод Очилов, Абил Турдиалиев, Шарофат Сатторова, Хосият ва Шоирахон Қурбонова, Тўраҳон Турдиев, Бахтиёр Беккамов, Хадича Раҳмонова, Эркин Соатов, Аваз Аҳмедов, Йўлдош Қодиров, Қурбон Тошбоев, Норхол Эшматова, Гулсум Пардаева, Хушвақт Файзуллаев, Ўрозхол Умрзоқова, Файзулла Қорақулов, Венера Галиева, Хурсаной Эшонқулова, Дилбар Алижонова, Муҳаббат Тўрахонова, Гулсара Холмўминова, Норсулув Бобонова, Ҳиммат Хошимова, Санобар Аҳмедова, Хосият Нуралиева, Дилором Холтўраева, Санобар Хўжақулова, Менгсулув Шодиева, Абдуғани Муҳаммадиев, Абдухолиқ Каримов, Саули Ўзағалиева, Гулсун Тангилова, Ойбарчин Эргашева, Саодат Қаршиева, Сафаргул Алиева, Майрам Ғозиева, Ҳалима Ғозиева, Собир Файзуллаев, Эшпўлат Мўминов, Ҳанифа Сайдуллаева, Абдусамад Бобомуродов, Исмат Тўраев, Мустафо Раҳматов, Адҳам Алиев, Гулсара Тошбоева, Улдо-на Абдуназарова...

Йирик жамоанинг зафарларидан,
Шарафли меҳнатта тасанно айтдик.
Алпомиш, Барчиной авлодларидан,
Минг бор рози бўлиб сафардан қайтдик.
Мезбоннинг сўзини қилолмай икки,
Олтинсойда кирдик бир хонадонга.
Хонадон соҳиби Бекназар ҳожи,
Сухбати етаклар ростлик, имонга.

Ҳар жойнинг ўз меҳмондорчилик удумлари, одатлари, расм-русумлари бор. Агар Фарғона водийсида меҳмонни чойхонага олиб чиқиб шодлантириш, кадрлаш одат бўлса, Сурхондарё, Қашқадарёда бир муддат бўлса-да уйга олиб кириб, дуосини олиш, сухбатини эшитиш муқаддас. Уларнинг бу расм-русумини бузиш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам Омон полвоннинг отаси — Бекназар ҳожининг уйига кириб, Ҳожи бобо ва Ҳожи момодан дуо олмай кета олмадик. Ҳовлига қадам қўйганимизда Ҳожи бобо ташқарида экан. Бизни самимий қарши олди, эски танишлардек кучоқ очиб кўришди ва бирданига ҳали сўрашмасдан (дарвоқе, Сурхондарёда ичкари уйга кириб ўтиргандан сўнг сўрашади) меҳмонлар қадамига қўй сўйишни буюрди.

Кўй сўйилди, биз ичкари тортдик, жойлашиб олгач, Ҳожи бобо дуога қўл кўтарди, кўшилдик. Сўнг: «Сўранг, меҳмон», деди Ҳожи ёши улугроғимизга мурожаат қилиб. «Йўк, ота-

хон, сиздан бўлсин, ёшингиз улуғ», деймиз. «Меҳмон азиз, сўраш меҳмондан бўлади», деди Ҳожи бобо. Биз ҳам бўш келмаймиз: «Сиз табаррук одамсиз, дуоингизни олгани келдик, биз ҳам меҳмон бўлсак-да фарзандингизмиз», деймиз. Ниҳоят, хожи бобо сўрашиш, ҳоллашишни бошлайди (сўрашишнинг Сурхондарёга хос бу усулида одоб-ахлоқнинг нодир қоидалари—ёши каттани улуғлаш, меҳмонни қадрлаш кабилар бор фазилатки, бу ҳудудда ёшни, мавқени, касб-корни эътиборга олмай, сўрашиб кетавериш беодоблик, бефаросатлик ҳисобланади).

Алп қоматли, юзларида биронта ҳам ажини бўлмаган, оппоқ соқолли отахонни (шу оппоқ соқолни ҳисобламаганда) кўрган одам етмиш тўққизга кирган демайди. Тишлар бутун, арабча, кириллча, лотинча ёзувдаги китобларнинг барчасини кўзойнаксиз ўқийди. Кунига ўртача 5-6 соат китоб ўқиш билан шуғулланаркан. Ҳожи бобо бизнинг сафаримиз ҳақида билгач, яна юртбошимизни дуо қилиб, сўзга тушиб кетди:

— Аллоҳга бизга Ислоҳ Каримовдек Президентимизни бергани учун беадад шукурлар бўлсин ва юртбошимизнинг умрини узоқ қилсин. Аллоҳдан астойдил нимани тилаб, нимани сўрасаларинг, албатта беради. Фақат икки нарсани сўраб олиш мумкин эмас. Бу пайғамбарлик ва подшоҳлик. Худо бу икковини ўзи севган бандасига беради. Каримов Президент бўлган экан, демак, Худо у кишини севади. Худо севган кишига қарши бориш, фикрларига қўшилмаслик эса гумроҳликдир... Мустақиллик даврида биз дину имонимизни тикладик, эътиқодимизни тикладик. Азиз авлиёларимиз, пирларимиз, улуғларимизни қайтардик. Шулар учун шукрона қилиш керак. Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Ҳазрати Ясавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амур Темур ва яна ўнлаб аждодларимиз руҳларини шод қилдик-ку. Бўлаётган қурилишларни айтмайсизми?! Дунё бизни тан олишини-чи?! Мен мустақиллик эълон қилинган йили ҳажга борганимдан бир умр фахрланаман. Яна Аллоҳга шукур қиламанки, Арофат тоғига чиқиб, ҳамма ҳожилар тўпланган жойда, Саудия Арабистони уламоларининг илтимосига биноан, микрофонда Куръон оятларидан тиловат қилишим фақат яратганнинг менга карами туфайлидир.

Ҳа, Бекназар хожи ҳозир кеча-кундуз юрт осойишталиги, ободлиги, халқ хотиржамлиги ҳақида дуода, турли китоблар ўқиш, невараларни тарбиялаш билан, одамлар қал-

бида эзгулик уруғини ўстириш билан банд. Оилавий шажараси минг йиллик тарихини яхши билади. Оилавий шажара авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бутун аждоди ё чавандозликда шуҳрат қозонган.

— Бизнинг аждодимиздан ном қозонган полвонлар, таниқли чавандозлар кўп чиққан, — дея яна суҳбатни давом эттиради Бекназар бобо, — лекин Алпомиш бобомиздек алп чиқмаган. Чунки алп бўлиш учун фақат жисмоний кучқудрат, қувват етарли эмас. Полвонлик, чавандозлик, мерганлик илм билан кўшилсагина алп бўлади. Ҳақимбек бобомизга худо полвонликни ҳам, билимни ҳам кўшиб берган ва алп бўлган. Илмли бўлганидан оқ-қорани, яхши-ёмонни фарқлаган. Элни бириктириш, юртнинг тинчлигини асраш, оилани мустаҳкам сақлаш, адолат, диёнат, имон-эътиқод ҳақидаги билимларни чуқур билганидан Алпомишни кўрганлар унга пешвоз чиқишган. Унинг кучигина эмас, илмидан ҳам кўрқишган. Биз, унинг авлодлари эса курашда елкамиз ерга тегмагани ё улоқни кўпкарида ҳеч кимга бермаганимиз билан мактаниб ўтаверганмиз. Ўзим ҳам зўр чавандозман, деб юраверибману, ўқишни унутиб кўйибман, эндиги мутолаа кеч. Аммо нолимайман, ёшлиқда билмаганларни энди ўрганипман.

Дарвоқе, Бекназар Абдусаломов 23 ёшидан танилган чавандоз бўлиб элда шуҳрат топган. 55 ёшигача хасталанмаган. Шу ёшда офир хасталикка чалиниб шифокорлар даволай олмагач, Худога илтижо қилиб, соғлигини сўраган, кўзимни оч деб ёлворган. Хаста ҳолида намозни ўрганган ва ўқий бошлаган. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз араб ёзувидаги китоблардан ёзиш ва ўқишни ўрганган. Дин таъқибга учраган, катағон қилинган бир пайтда диний китоблар ўқиб, дуоларни айтиб шифо тилаган. Бу ҳол пири Аҳмадхон эшоннинг тушида намоён бўлиб, Аҳмадхон эшон ўғли Икромхонга: «Бекназарга бориб айт, дуони тўхтатмасин, китоблар («Куръон», «Ҳадис» ва бошқа диний китоблар назарда тутилмоқда — М.М., А.Э.) ни ўқишда давом этсин», дейди. Икромхон кечаси келиб отасининг гапини унга етказган ва дуони берган. Шундан сўнг тезда тузалиб кетган ва тазйиқларга учраганда ҳам исломий эътиқоддан қайтмаган. Шўроларнинг кўп сўроқларига дуч келгани боис ҳам, истиқлол даврини, у берган барча имкониятларни, хусусан, виждон эркинлигини алқаб, юртбошимизга омонлик, зафар тилаб дуо қилишдан сира чарчамайди. Ҳозирги кунда ҳам диний, адабий, илмий китобларни тинимсиз ўқийди.

Гап айланиб китобга келганда, биз ўгли Омон полвон «Ал-помиш» ҳақидаги бир китобга ҳомийлик қилаётганини айтдик. Бобо қувониб кетиб шундай деди:

— Раҳмат, болам. Бу дунёда уй қурасан бузилади, кўприк қурасан янгиланади, ариқ қазийсан кўмилиб кетади. Аммо яхши китоб, яхши сўз минг йилларда ҳам ўлмайди, дунё тургунча туради. Яхши китобга қанча бойлик кетса куймайди, ким раҳнамолик қилса номи ўчмайди...

Бекназар ҳожи чавандоз бўлганидан отни ғоятда яхши кўради. От бор жойда ёвуз кучлар бўлмайди, от йигитнинг қаноти, от оила тўкинчилигининг асоси, инсоннинг энг яқин дўсти эканлигидан, шунингдек от чопиб, чавандозлик туфайли элда шуҳрат топганидан ҳам отсиз тура олмайди. Ҳозир ҳам Сурхондарёдагина эмас, қўшни вилоятларда, Туркменистон, Тожикистондаги чавандозлар орзу қиладиган, «Чил», «Тўриқ ракета», «Жийрон» номли учта улсқчи оти бор. Ҳожи уларнинг ҳар учаласини Бойчиборнинг авлоди деб билади ва шунга ишонади.

— Одамга отдай вафодор ҳайвон йўқ, — дейди Ҳожи бобо. — У эгасининг кайфиятини билиб туради. Бизнинг авлодимизда отни кадрлаш, отга суяниш, отга эътиқод бор. Шунингдек, яхши от эгаси бўлиш учун кучли, чапдаст ҳам бўлиш лозим. Буёғи полвонмизми, чавандозмизми билак кучимизга ишонган кишилармиз. Мен топган бойлик, мол-дунёнинг бир сабабчиси от. Худо берган ҳунар билан элнинг тўй-томошасида бўлдим. Кўпқариларда от ҳам, туя ҳам, ҳўкиз ҳам, мотоцикл, машиналар ҳам айирдим. Шулар мени бадавлат қилди. Отлар ўзини ҳам боқди, оиламизни ҳам... Аммо исрофгарчиликка, манманликка асло йўл қўймас эдим. Чунки бунга йўл қўйганни Худо кечирмайди. Шу иккисига йўл қўйган кишидан Яратган берган ҳунарини қайтариб олади, ҳор қилади. Яна бир жиҳати — полвону чавандозда ҳалоллик, поклик бўлиши шарт. Сурхондарёнинг барча туманларида, шунингдек, Шўрчида ҳам улоққа, қурашга ишқивоз ғайратли йигитлар кўп чиқяпти-ю, озгина ютуқдан манмансираб ёки харом-хариж ишларга араллашиб, гоҳида ароққа ботиб ўзини хароб қиляётир. Билмайдики, полвон ва чавандозга поклик, камтарлик, ҳунарга эътиқод, тинимсиз машқдан бошқа ҳурмат келтирадиган нарса йўқ.

Гурунги-гурунг қўшилиб, гоҳ бахшилар, гоҳ полвонлар, гоҳ чавандозлар, гоҳ Ўзбекистоннинг дунёга чиқиши, гоҳ «Алпомиш», гоҳ «Гўрўғли» ҳақида гапни гапга улаб, пешин-

да бошланган суҳбатни саҳарга етказибмиз. Ҳеч кимнинг уйқуси келмади, ҳеч ким даврани тарк қилмади.

Шунда Бекназар ҳожи бободан, Фотима ҳожи момодан дуо сўрадик. «Энди гурунг қизиётганда-я?» дея ҳожи бобо қўлини дуога очди...

Тошкентдан — Қаршига, Қаршидан—Сурхондарёга қилинган бешинчи экспедициянинг яқунларидан қувончимиз чексиз эди. Бойсун тоғларидан ўтар эканмиз, мард ва танти Сурхон халқига Қора бахши Умировдан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonидаги қуйидаги тилакларни айтиб, ғойибона хайрлашдикки, бунга неча минг йилларни кўрган Бойсун тоғлари гувоҳ! Сурхон элининг:

Ризқилари мўл бўлсин,
Насибаси кўл бўлсин,
Тинчлик, омон йил бўлсин.
Келин-куёв кўш қариб,
Суйгани қиз-ул бўлсин.
Чўпоннинг таёғидан,
Келиннинг оёғидан.
Йигит бевақт ўлмасин,
Келин бева қолмасин.
Эркаклар йиқилмасин,
Аёллар букилмасин.
Еримиз ёрилмасин,
Юзимиз сорилмасин,
Ёшларга омон берсин,
Қарига имон берсин.
Элда тўйу маърака,
Тангри берсин барака.
Душман юзи қора бўлсин,
Дўстларимиз сара бўлсин.
Яхшилар хўп кўпайсин,
Ёмонлар-чи, камайсин.
Куёвлар айтсин ялла,
Келинлар айтсин алла.
Оғиз қошиқда бўлсин,
Чақа* бешиқда бўлсин.
Эркаклар тўйда бўлсин,
Аёллар уйда бўлсин.
Сахий одам кўп бўлсин,

*Чақа — чақалоқ.

Бахил куриб чўп бўлсин.
Ботирлар хўп шер бўлсин,
Қўрқоқ қора ер бўлсин.
Чопсин улу қизимиз,
Қуримасин изимиз.
Рўзғорда хотин бўлсин,
Оила бутун бўлсин.
Ҳеч ким қолмасин якка,
Ҳамма етсин тилакка.
Юртбоши омон бўлсин,
Зафар биз томон бўлсин.
Элнинг ёшу қарисин
Юртга Хидир дорисин.
Барисина — барисин,
Овмин, Аллоҳ асрасин.

«КУНДАЛИКЛАР», «ТУНДАЛИКЛАР», «ЙЎЛ БИТИКЛАР» ДАН

Фольклоршуноснинг ажралмас мулки ён дафтар ва қалам. У кунда ҳам, тунда ҳам, ёзда ҳам, қишда ҳам, ишда ҳам, уйда ҳам, меҳмондорчилигу шифохонада ҳам, дам олишу сафарда ҳам, шу икки мулкани ўзи билан ҳамиша олиб юради. Сухбатлашганда, гурунгда, тўйда, маъракада—одамлар бор жойда гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона ишга киришади. Одамлар оғзидан чиққан, ўзгалар эътибор бермаган ё хаёлига келмаган ибора, топишмоқ, мақол, киноя, қочирим, иккилик, тўртлик, кўшиқ, ривоятни эшитса дарҳол ёзиб кўяди. Шу билан ўзини омадли санайди.

Фольклоршуноснинг сеvimли, ардоқли иши, машғулотли бунёдкор, яратувчи халқ орасига, халқнинг доно, топқир, зукко, билимдон ижодкорлари, ижрочилар хузурига сафар қилиш. Ўшанда ҳам «жондан суйган» икки мулки ёнида. У ижодкорга гоҳ тўғри сўз билан, гоҳ мақтаб, гоҳ алдаб-сўйлаб, гоҳ алқаб гапга солади-ю, ўзи ёзаверади, ёзаверади... Дилрабо кўшиқлар, ҳикматта бой ривоятлар, сеҳрли эртақлар, ҳайратомуз дostonлар саҳифама-саҳифа муҳрланаверади. Ушанда фольклоршунос роҳатланади, ўшанда дам олади. У лаззатбахш (кимларгадир азоб, машаққат) шу лаҳзалар учун уйдаги роҳатни ҳам унутади, дам олишни ҳам ёддан чиқаради. Узоқ сафарларда ҳаётни бир неча бор хавф остида қолган бўлса-да, янги кўшиқчи, эртақчи, дostonчи номини эшитганда, у тубканинг тагида бўлса ҳам яна йўлга чиқади.

Гоҳ машинада, гоҳ отда, гоҳ эшакда, гоҳ яёв манзилга етиб боради. Халқ ижодкоридан нимадир ундирса ҳам, ундир-маса ҳам ёзади. Бирида қувончдан, иккинчисид аламдан ёзади. Йўлда кўрганларни, эшитганларни, чеккан заҳмату азобларини ҳам, шодон лаҳзаларини ҳам ёзади. Дуч келган жойда — бекатдами, чойхонадами, чўлдами, даштдами, бўш қолса, нимадир дафтарга битиб кўяди. Кундузи вақт топмаса, тунда имкон топади. Шу тарзда «Кундаликлар», «Тундаликлар», «Йўл битиклар» яратилади.

Фольклоршунослар «кундаликлари» ёхуд «йўл битиклари» шунчаки қайдлар эмас. У шу фольклоршуноснинг дарди, қувончи, ўйи, мулоҳазаси. У тадқиқотчи учрашган шахснинг ақли, донишмандлиги, бадий тафаккури, ахлоқи, феъл-атвори, фазилати. У халқ оғзаки ижодининг заррача бўлса-да, бир хазиnasi. Битилган ёзувлар бари тўғри бўлмаслиги, хатолар учраши, иккиланишларни акс эттириши мумкин. Нима бўлганда ҳам фольклоршуносларнинг «кундаликлари», «йўл битиклари» ўрганилиши керак. Қани Ф.О. Юнусов, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, А.Қаҳҳоров, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Саидов ва ушбу сатрлар муаллифлари сингари фольклоршуносларнинг экспедиция кундалиги ўз ҳолича чоп этилса. Ўшанда эл оралаб, ижодкорни саралаб кўрмаган ёшлар, гоҳо бу касб машаққатини билмаган, ҳатто «эртакчи», «чўпчакчи», «қўшиқчи» дегувчилар буюк халқнинг асрлар мобайнида яратилган ўлмас асарларини тўпловчилар изланишидан хабардор бўлар, уларни англаб етарди.

Куйида эса «Алпомиш изидан» экспедицияси давридаги «Кундаликларимиздан айрим саҳифаларни ҳавола этамиз:

Халқ орасига кўпроқ кириш керак. Бахши-шоирлар билан фаол ишлаш, улар репертуарини мукамалроқ ўрганиш, ёзиб олиш ва чоп эттириш энг долзарб вазифаларимиздандир. Хўш, «Алпомиш»ни кимлар билади? Қора бахши, Чори Умиров, Хушвақт Мардонакулов, Чоршанби Раҳматуллаев, Қаҳҳор Қодир ўғли, Абдуназар Поёнов, Рўзи Култўраев, Шоберди Болтаев, Жовли Тангиров, Шодмон Хўжамбердиев, Боборайим бахши, Хуррам бахши ва бошқалар.

* * *

Байрам кунларида, хусусан, Янги йилда ҳамма ўз уйида бўлади. Мен (М. Муродов «Кундаликлар»идан — *муҳаррир изоҳи*) эса сафарга тараддуд кўра бошлайман зимдан. Ҳаракатимни зимдан кузатиб сезиб қолган турмуш ўртоғим — Марҳаматхоним: «Ҳа, бирон жойга борасизми?» дейди. Дардимни айтаман. «Сизни онангиз, кўчага, сафарларда юришга тукқанми дейман. Ақалли, Янги йилнинг киришини уйда қутсангиз бўлмайдими? Ҳали ўн куң ҳам бўлмади-ку, «Алпомиш»ни излаб келганингизга», — деб норозилигини баён этади. Мен 1999 йил кирган куни соат 1 да Қашқадарёдан келган Алланазар Абдуллаевнинг машинасида сафарга Алпомиш изларини излаб кетар эканман Марҳаматхоним баҳона бўлиб, фольклоршуносларнинг хотинига, уларнинг бардошига тўзим тилайман. Аёллар йилида эрлари мақсадини тўғри тушунган аёллар яшасин!..

* * *

... Сиз инсон қайси касб, ҳунар эгаси бўлмасин, оламнинг чексизлигини, ёруғ дунё барчага етиши ва қолиб кетишини ҳис этмайсиз. Озгина иш қилиб даҳоликни талаб қиламиз, заминни унга биз ҳукмдордай виқор билан босамиз, айтган оддий сўзимизни ҳукм деб, хулоса деб биламиз. Бу барча соҳа кишиларидек биз, фольклоршуносларга ҳам тегишли, албатта. Минг дostonдан бирини, унинг ҳам мингдан бир хусусиятини ўрганиб, олимликни даъво қилиб қоламиз, шу соҳанинг биздан зўр билимдони топилмайди деб ўйлаймиз. Шундай хулосалардан бири «Алпомиш» дostonи мисолида ҳам рўй берди. Унинг Фозил шоир варианты чоп этилгач, шу вариантни тўлиқ ва мукамал деб эълон қилдик, энди ўзгалар бу қадар айта олмайди, деган даъво, билан 60-йиллардан то 90-йиллар биринчи ярмида яшаган бахшилардан унинг бирон вариантыни тўлиқ ёзиб олмадик. Бу орада «Алпомиш»нинг неча ўнлаб куйчилари оламдан ўтди, билганларини олиб кетди. Биз эса бу ёқда буюк эпоснинг буюк нусхасига эгамиз, деб ўзимизни оувтдик, бошқаларни ҳам шу соҳада ишлашдан совутдик...

Бироқ истиқлол буюк эпосимизнинг буюк тўйи арафасида халқ ичига кириб борсак, бахшиларга яқинлашсак, жуда кўп нарса билмаслигимиз, фанга ҳали «Алпомиш» ноаёнлиги маълум бўлди.

* * *

... Қайси бир халқ биргина кўшиқ, мақол ёхуд афсона-сининг ўнлаб вариантларини ёзиб олиб, таҳлил қилади, тадқиқ этади, бир ҳарф ёхуд тиниш белгисидаги зғаришларнинг сабабини, мақсадини ўрганади. Биз эса унда энг бой бадиий эстетик тафаккурга эга халқимиз дostonларини ақалли бир бор ёзиб ололмаймиз, халққа қайтара олмаймиз. Сен амаллаб ёза бошласанг, ўзга бир ёши, ё унвони, ё илмий даражаси улуғроқ: «Кўй, бефойда. У аллақачон ёзилган ёхуд фалончи асарнинг бузилган нусхаси», деб белингни совутади. Аммо яхши ҳам ўжарлик билан Яссавий, Амир Темур ҳақидаги афсонаю дostonларни, «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Бева Барчин»ни, «Ёдгор»нинг икки варианты ва бошқаларни ёзиб олган эканмиз...

* * *

Узоқ йиллик изланишларимиз бир хулоса берди: халқда нима бўлса — қанотли иборами, мақолми, маталми, топишмоқми, кўшиқми, эртақми, афсонами, ривоятми, дostonми — ёзиш, ёзавериш, қоғозга туширавериш керак экан. Вақти келиб у дунё юзини кўради. Гап фақат ҳалол кишиларнинг қўлига тушишида. Шу умид билан яшаган устоз фольклоршунослардан иккитасини — Чори Ҳамро ва Абдумўмин Қаҳҳоровни биламиз. Аммо улар тўплаган бир неча ўн жилдлик материал, манбалар ҳозирча ҳаракатсиз турибди.

* * *

Бир қанча ўзбек фольклоршунослари халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, нашр этиш ва тадқиқ этиш билан кўп ва хўп шуғулланишган. Бироқ кейинги йилларда яратилаётган тадқиқотлар муаллифи кўпроқ хонанишин бўлиб қолаётгани, оғзаки ижод намуналарини тўплашдан батамом айри қолиб, устозлар тўплаб, архивга топширган материаллар асосидагина илмий иш олиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бу, биринчидан, ёш тадқиқотчиларнинг халқ ижодкори, санъаткорини англамасликка, ик-

кинчидан, тўпловчилик меҳнатига менсимаслик назари билан қарашга, учинчидан, халқ ижоди манбаларини тўплашга ҳисса қўшмасликка, яъни архивни бойитишни таъминламасликка, тўртинчидан, тадқиқотининг юзаки бўлишига олиб келмоқда.

* * *

Давлат кўплаб сарф-харажат учун пул ажратганда фольклор, фольклор-этнографик экспедициялар уюштирувчилар кўп эди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса улар тўхтади. Манаман деган фольклоршунослар ҳам халқ орасига юришни, ижодкорлар билан мулоқотда бўлиб, асарлар ёзиб олишни тўхтатиб қўйишди... Айни дамда биз халқ, халқнинг дostonсевар, кўшиқсевар кўплаб вакиллари кўллашини сезмаганимизда, фақат ихлос билан бир йилда 5 марта «Алпомиш» экспедициясини уюштира олмас эдик.

* * *

Қадимда ҳар ким ўз санамига сиғинган, ўзича ниманидир муқаддас билиб, унга илтижо қилган. Ажаб, шунга ўхшаш ҳолат бугун ҳам учрайди. Тилчи маълум бир сўз ёки иборани, адабиётшунос ўзи севган шоир ёки адибни, фольклоршунос ихлос қўйган бахши-шоири ёки жанрини улуғлай-вериб, ўзгасини унутади, тан олмайди. Масалан, ўзбек дostonчилигида тўрт буюк сиймо — Эргаш Жуманбулбул ўели, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Ислom шоир ёнига 70-йилдан буён ҳеч кимни яқинлаштирмаймиз. Гўё яна бир буюк бор десак, уларнинг шуҳрати камайдигандек...

* * *

Машҳур Омон полвоннинг: «Домла сизлар 1 ам зўр, кураги ерга тегмаган полвонсизлар. Шу совуқда, қсзда, аёзда «Алпомиш» деб бир кеча-кундуздан зиёд вақтда машинадан машинага алмашиб, минг чақиримдан ошиқ йўл юриш ҳам қайси қаҳрамонликдан кам. Мен турли илмий даража, унвонлар олган кўплаб олимларни яхши биламан. Улар ётибди-ку, фидойиликни уйдан, ишхонадан чиқмаслик деб. Шу ёшда, шу оби ҳавода «Алпомиш изидан» экспедициясида Алпомиш деб юрган экансиз, мен Алпомиш бобомиз

ҳақидаги зўр бир китобингизга ҳомийлик қиламан, деганини эшитиб чарчоқларимиз тарқаб кетди, олам янада ёрқинлашди, полвоннинг тантилигига, жумардлигига тасанно айтдик.

* * *

Бу замонда ёзиш, манбаларни ўрганиш, материалларни тўплаш, таҳлил этишмас, чоп қилиш қийин? Мана «Алпомиш изидан» экспедицияси даврида Қора бахши Умировдан «Алпомиш», Чори бахши Умировдан «Ёдгор», Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан «Ёдигар», «Аҳмад Яссавий» дostonларини, юздан ортиқ ривоят, афсонани, бир талай мақол, кўшиқ, эртақларни ёзиб олдик. Олтмиш босма табоқ ҳажмдаги материалларга эга бўлдик. Аммо улар қачон чоп этилади, қачон халққа қайтарилади...

* * *

Бугун Шўрчи заминига қадам қўяр эканмиз, илк бор бу ерга ўттиз йил муқаддам устоз фольклоршунос, Қашқадарё, Сурхондарё кишлок, овулларини қадамма-қадам кезиб чиққан фидойи, ўта ҳокисор, камтарин, самимий ва саҳоватли Абдумўмин Қаҳҳоров бошлаб келганини эсладик. Ўшанда худди келишилгандек экспедиция аъзоларининг бир йўла учтаси тиш оғриғига дучор бўлган, бир йўла уч киши тиш олдирган, улардан бири ушбу сатрлар муаллифларидан бири эди. Асосийси — ўша куни биз Мўмин ака деган ўта меҳмондўст кишининг уйида Шеробод дostonчилик мактаби вакили Қодир бахши ва Бешкўтон поэтик мактаби вакили Аваз шоирга тонг отгунча дўмбира черттириб, бир куйни иккинчиси қайтармаганидан, дўмбира оҳанглари-нинг бу қадар кўплигидан, сеҳрлилигидан ҳайратланган эдик. Айни вақтда Абдумўмин Қаҳҳоровни ниҳоятда ҳурматлайдиган Мўмин ака биз — йигирма беш экспедиция аъзосига уйдан жой бериш, овқатлантириш билан кифояланмай, яна барчамизга беш кун бирга юриб, ҳомийлик қилди. Душанбегача бўлган худудда ҳамроҳ бўлиб емоқичмоқ, кечаси ётмоқ харажатларини кўтарди. Дарвоқе, ўша йили биз Сурхондарёнинг қай жойида бўлсак, аввало, Абдумўмин аканинг иззат-ҳурмат билан кутиб олинганига,

улкан меҳр-муҳаббатга сазовор эканлигига гувоҳ бўлдик. Домла туфайли экспедициянинг бошқа аъзоларига ҳам эътиборда бўлишди, албатта.

* * *

Мана, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек жамғармасининг ташаббуси билан «Алпомиш»нинг катта тўйига бағишланган 35 ёшгача бўлган бахши-шоирларнинг кўрик танлови ҳам ниҳоясига етди. Унда республикамиз вилоятларидан келган 41 ижодкор иштирок этди. Бироқ, бу ҳаваскорлардан нечта бадиҳагўй ижодкор чиқаркан? Ахир, уларнинг бир қисми ҳатто буюк эпоземиз «Алпомиш» дан парча айтишолмайди-я! Аммо ака-ука Абдумурод ва Баҳром Қодир ўғиллари, ака-ука Расул ва Қаҳҳор Умировлар, Исмоил Анваров, Мусурмон Келдиёров, Маҳматмурод Ражабовлар дўмбира чертишда, айтиш усулида, ижрода анъаналарга риоя қилишда умидворлик уйғотади. Гап уларнинг устозлар этагини маҳкам тутиб изланишида.

Айниқса, хотин-қиз бахшилардан жарқўрғонлик Зулфизар Шерназарова, қорақалпоғистонлик Зулфия Арзимбетованинг чиқишлари барчада қизиқиш уйғотди. Хайрият, Тилла кампир, Султон кампирлар руҳи ёр бўлиб, хотин-қиз бахшиларимиз кўпайса, давраларга кирса, зўр бўларди-да!

* * *

Гапга қўйсанг, зўр бахши, етмиш дoston биламан, мен билганларни ҳеч ким билмайди, деб соатлаб қулоқни қоқиб беради. Энг ёмони — ўтганларни ҳам яшаётган бахши шоирларни ҳам қоралайди, устидан мағзава тўқади. Ўзи эса бир дostonни ҳам эплаб айта олмайди. Эй худо, ҳар соҳада шундай кишиларинг бор экан-да...

* * *

Гоҳо вужуддаги шайтон жунбишга келганда тоғма-тоғ чўлма-чўл, овулма-овул азоб чекиб, қийналиб юриш шартми, деймиз ўзимизга, ўзимиз. Айримларга ўхшаб, уйда маза қилиб ётсак, чойхоналарга чиқиб, ёнбошлаб гап сотсак, бўлади-ку, деймиз. Яхшиям бу каби хаёллар тезда чекинади ва яна сафарга отланамиз. Бугун гўё Омон полвон кеча қий-

налганимизда ўйлаган юқоридаги ўйимизни англагандек, шайтон ҳақидаги бир афсона айтиб берди. Яъни, Одам ота ва Момо ҳаво ерга тушиб тинч ва осойишта яшашни бошлабди. Бир куни Одам ота ташвишлар, кундалик юмушлар билан кетса, шайтон Момо ҳавонинг олдига келибдида, ўгли Ханносга қараб туришини илтимос қилиб қолдириб кетибди. Одам ота қайтса уйида Шайтоннинг ўгли ўйнаб юрганмиш. Воқеани Момо ҳаводан эшитгач, хотинига танбех берибди. Ханносни ушлаб бурдалабди-да, этларини дарахтларга осиб қўйибди. Шайтон эртасига келиб ўглини сўраса, Момо ҳаво: «Ўғлингни бурдалаб осиб қўйди», дебди. Шайтон шу пайт «Ханнос!» деб чақирган экан, ўша дам ўгли «Лаббай ота!», деб қаршисида пайдо бўлибди ва отасига эргашиб кетаверибди. Орадан икки-уч кун ўтгач, Шайтон яна Ханносни етаклаб келиб Момо ҳавонинг рўд этишига қарамай, алдаб-сулдаб қараб туринг деб, қолдириб кетибди. Одам ота келса, Ханнос яна у ёқни ўйиб, бу ёқни бузиб юрган эмиш. Бу ҳолни кўриб хотинини хўп тергабди, ҳақоратлабди. Момо ҳаво: «Нима қалай онаманда, кўнглим бўлмади, шайтоннинг аврашлари, болага бўлган меҳр олиб қолишга мажбур қилди», дебди. Одам ота аччиқланиб Ханносни оловга ёқибди-да, кулининг ярмини кирга, ярмини сойга сочиб юборибди.

Шайтон ўглини олиб кетишга келса, Ханнос кўринмасмиш. «Чақириб кўрайчи», деб «Ханнос!» деса, «Лаббай ота», дебди-ю ўгли қаршисида пайдо бўлибди. Яна бир неча кун орадан ўтибди, Шайтон учинчи бор Момо ҳаво ҳузурда пайдо бўлибди. Момо ҳаво Одам отадан эшитган ҳақоратлари, сўқинишларини айтиб Ханносга қараб туришдан бош тортибди. Аммо шайтон у ёғидан ўтиб ялинибди, бу ёғидан ўтиб ёлворибди, ёлғондакам кўз ёши қилибди ва охири боласига қараб туришга кўндирибди-да, ташлаб кетибди. Одам ота келиб хотини учинчи марта ҳам айтганини қилмаганидан қаттиқ ғазабланибди. Момо ҳавони калтаклабди ҳам, сўнг Ханносни сўйибди-да, пишириб ярмини ўзи ебди, ярмини Момо ҳавога едирибди. Шайтон келиб боласини сўраганда, Момо ҳаво воқеани айтибди. Шунда шайтон: «Ана энди ниятимга етдим, асли шунинг учун ташлаб кетаётган эдим. Ўзим эса Одам отани ғазабга келтириб, шу жазоларни бердираётган эдим. Энди одамзот мендан айри яшай олмайди», дебди-да, кетибди. Шундан буён шай-

тон кўзга кўринмас, ичимизга жойлашиб олган экан. Кимки унинг куткусига учса, гуноҳ қилаверар, йўлдан адашар, оқибат ҳалокатга йўлиқар экан. Бу бир ривоят, аммо нақадар ишончли, ҳаётий шайтоннинг куткусидан асрасин.

* * *

Бир пайт устозимиз, ўзбек адабиётининг улкан вакили Максуд Шайхзода: «Имконият топиб Самарқандга кира беришдаги азим тоғ чўққисига Алпомишнинг ҳайкалини қўйишни орзу қилган эди. Орадан йиллар ўтиб, бизга хомийлик қилаётган Омон полвон: «Имкони бўлганда Бойсун тоғининг улкан бир чўққисини йўндириб, ўша ерда абадий турадиган қилиб Алпомишнинг ҳайкалини ясагирдим. У асрлардан асрларга ўзбек халқининг ор-номуси, шаъни ва қудрати тимсоли бўлиб қоларди», деди. Қаранг-а, элнинг ардоқли шоири ва эъзозли полвонининг орзу-умиди бир чиқиб қолди. Бу бизнинг ҳам орзу, эҳтимол, миллионлар умидидир. Кошкн шундай бўлса...

Экспедицияда гоҳ «Йўл битиклар» ёхуд «Кундаликлар» ҳамроҳинг ёхуд мезбонлар қўлига тушиб қолганда, уларнинг ҳам нимадир ёзиб қолдириш ҳоллари учрайди. Мана, истеъдодли шоир Йўлдош Эшбекнинг шундай бир битигини таҳрирсиз келтирамиз:

Атоқли олим Малик Мурод(ов)нинг фольклор илмига, қўшган, қўшаётган ишларини айтиб тугатиш қийин. 1978 йил бўлса керак, унинг катта қўлёзмасидан мен (муҳаррир сифатида) чиройли китоб ҳозирладим. Бўлим бошлиғи директорга айтиб, бу китобни каттароқ тайёрлаган, ё муҳаррирдан бирор манфаат кўрган, ё ... хуллас, нашриётдан қувилдим. Ҳа, мен манфаат кўрдим: ажойиб юртимиз, элимиз удумлари билан танишдим. Малик Мурод китоби туфайли. Кейин билсам, мен қандайдир, «қора» рўйхатда бўлиб, бу бир баҳона экан. Ҳайрият, Мустақиллик бўлиб, М.Муроднинг ҳам, менинг ҳам, фольклоршуносликнинг ҳам фаолияти яна яхшиланди. Алпомиш—бу халқ тимсолидир. Халқ, албатта голиб. Алпомиш халқимиздан чиққан даҳолар умумлашмаси, одил ҳукмдор даражасига кўтарилди. Мен Алим баҳши, Ислон ота, Пўлкан ота, Эргаш ота, Фозил ота, Қодир акадан илҳомланиб халқ оғзаки ижоди йўлида шеърлар битдим. Улар ўқувчилар, олимлар томонидан, худога шукурки, яхши кутиб олинди. Фольклор ривожига М. Мурод ишлари улкан.

Таажжуб! Мана, ҳеч қандай спиртли ичимликсиз ҳам ажойиб тўй ўтказса бўларкан-ку?! Бугун, 1998 йил 23 августда Сурхондарёнинг Музрабод туманидаги А.Набиев номли жамоа ҳўжалигига тўйга бориб, ҳам тўйни, ҳам тўйдаги удумларни, ҳам бахшиларнинг тўйдаги айтишини кузатмоқчи эдик. Давра жуда катта, тўй эгаси Асад Абдукаримов эгиз фарзандлари Хусан ва Фотиманинг ўғилларига, яъни неваларарига суннат тўйи қилаётган экан. Давранинг «Г» шаклидаги бир қисмига стол-стуллар қўйилган, яна бир томонда қур, яъни ерга чордона қуриб ўтириш учун жой қилинган. Стол стулда ёшлар, қурда ўрта ёшлар ва кексалар (Бу даврада улар ёнбошлаб ёхуд оёқни узатиб ўтириши ҳам мумкин), дастурхонда нозу неъматлар мўлу, фақат на ароқ, на вино, на ўзга спиртли ичимлик бор. Бизга таниш домла тўй бўлаётган болаларнинг тоғаси Абдусалим Хўжаназаровдан таажжуб билан бунинг боисини сўрадик. «Асад махсум (бу ерда диний илмларни яхши биладиган, эскича ўқимишли одамни махсум дейишар экан) одамларни спиртли ичимликларсиз тўйга ўргатиб ташлаган. Ҳеч ким у кишига бу ҳақда гапира олмайди, аммо, қанчалик нозу неъмат бўлса аямайди», деди Абдусалим ака. Ҳамма жойда олинг-олингларни, қадах уриштиришларни кўриб, ўрганиб, кўникиб қолган биз: «Тўй қизирмикан?» деб кузатдик. Қутлов учун навбатма-навбат сўзлар ҳам бўлди, ўйин ҳам, ашула ҳам, термалару дoston айтиш ҳам. Ака-ука Қора ва Чори Умировлар «Алпомиш» дostonидан Алпомиш ва Барчинлар тўйи акс этган ўринни, «Ёдгор» дostonидан суннат тўйи акс эттирилган қисмини айтишди. Халқ замонавий созда кўшиқ айтувчилардан кўра бахшиларни кўпроқ тинглашди. Ҳеч ким ланжиб қолмади, қийшаймади, сурунмади, йиқилмади, пул сочмади, ўйнаётган хотин-қизларга шилқимлик қилмади. Бу тўйда ичкилик бўлмаслигининг шарофати эди. Базм тугади, аммо бизнинг хаёлимизда ёшу кекса бирдек ўтириб томоша қила оладиган, спирли ичимликларсиз ҳам қизиқарли ўтадиган, бахшилару санъаткорлар биргалликда шодлик, қувонч бахш этадиган, оқсоқоллар дуоси билан бошланиб улар дуоси билан тугайдиган тўйлар қилса бўларкан-ку, деган таассурот ўрнашиб қолди.

* * *

Нафасхон Номозхон ўғиллари ёшлигида қишлоғида кўп бор дoston эшитганини, «Алпомиш»ни кўп айтади-

ган бахшининг кимлигини отаси билишини айтиб қолди. Демак, 60—70-йилларда Ғузурда ҳам «Алпомиш»нинг куйчилари бўлган. Аниқлаш лозим. Эҳтимол, Номозхон эшон бобо билар...

Учинчи сафар чоғида ҚаршиДУ ректори, профессор Н. Ҳақимов Тошкентга йиғилишга кетгани боис машинасиз қолдик. Машинадан машинага ўтиб жўнамоқчи бўлиб, университет дарвозасига етишимиз билан қаршимиздан вилоят телерадио эшиттириш марказининг бошлиғи Алланазар Абдуллаев чиқиб қолди. «Шунчаки аҳвол сўраб қўймоқчи бўлиб, уйга телефон қилсам, Моҳира келин сизларни сафарга кетяпти, деб айтди-ю, сўрашиб қолай деб келаяпман», деганча ҳоллаша кетди. (Ҳамиша мийиғида жилмайиб турувчи Алпомиш келбатли бу киши марҳум Қодир бахшининг яқин, сирдош укаларидан бўлиб, бахшининг кенжа қизини келин қилган). Алланазар ака уловсизлигимизни билгач, Шерободгача қўйиб келишини айтди. Йўлда суҳбатимиз фақат Қодир бахши, унинг фазилатлари, дoston куйлаш маҳорати ҳақида бўлди. Ҳамроҳимиз бир вақт Қодир бахшидан «Алпомиш» достонини 12 та магнитофон тасмасига ёзиб олганини, лекин ҳар ким олиб кетаверганини айтиб афсусланди. Дехқонобод туманига етгач: «Улуғларни зиёрат қилмай кетсак бўлмас», деб машинани Хўжамаҳмудга томон бурди. Қодир бахши қабрини зиёрат қилиб, оғир руҳиятда изимизга қайтдик. Алланазар ака бахши куйлаган сатрларни такрорлайди:

Қизик экан бу дунёнинг ишлари,
Кузда кетиб баҳор қайтар қушлари.
Навбат кутиб турмас қари-ёшлари,
Ёш қарига, қари ёшга меҳмондир...

Ҳа, ҳаммамиз бу ёруғ дунёга меҳмонмиз. Қайсимиз кўпроқ, қайсимиз озроқ меҳмон бўламиз. Аммо шу фурсатда кадримизни биламизми, эзгулик, яхшилик билан яшаш қўлимиздан келадими? Билмадик. Мана, шу ҳамроҳимиз халқ ижодини, бахшиларни, дostonни севганидан хизматда. Яхшиям шундай одамлар бор...

Бирни кўриб фикр қилдик... ёхуд 1-фаслга хулоса

«Алпомиш» эпоси тўйини эшитганда нималар қилиш лозимлиги, ҳукумат қарсрига қандай амалий жавоб қайтариш ҳақида ўйладик ва янгидан изланиш лозим бугунги кунда, дostonчилик, хусусан, «Алпомиш» жонли ижрода яшаётган Сурхондарё, Қашқадарёга экспедиция уюштириш керак, деган хулосага келдик. Экспедиция учун ҳомий йўқ, шунингдек, бизга иш жойимиздан ҳам руҳсат беришмас эди. Ҳадиксираб бўлса-да, «Алпомиш» халқаро экспедицияси уюштирилаётгани ҳақида хабар бердик. Дастлаб аъзо бўлувчилар кўпайди, аммо харажатлар иштирокчиларнинг ўзидан бўлишини эшитгач, «мардлар» камайиб, бир неча киши қолди. Биз барибир сафарга чикдик ва гувоҳ бўлдикки, тўғри йўл танлаган эканмиз. Таътилларимиз ҳисобидан, гоҳо иш жойидаги раҳбарларимизнинг саховати, Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришимиздаги кўмаги туфайли Қашқадарё, Сурхондарёнинг барча туманларида бўлиб, бахшилар, эртақчилар, кўшиқчилар, элнинг донолари билан учрашиб бир талай бебаҳо бойлик — халқ ижоди дурдоналарини қўлга киритдик.

Қаерда бўлмайлик, халқнинг «Алпомиш» юбилейини кўтаринки кайфиятда кутиб олаётганига дуч келдик. Кексалардан тортиб болаларгача бизнинг мақсадимизни тўғри тушуниб, кўмагини аямади. Гоҳо қийналганда рағбатлантирди, хориганда дам олдирди. Элимизнинг меҳр-шафқати, тангилиги, қўллаб-қувватлаши бизга қанот бўлди-ю, режалаштирган ишимизнинг дебочасини муваффақиятли яқунладик. Сиз эса ҳозиргина шу сафарлар ҳақидаги саҳифаларни ўқиб чикдингиз. Яхшиларнинг кўмагига, «Алпомиш» дostonига бўлган диққат-эътиборига, гурурига гувоҳ бўлдингиз. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил», деганларидек, биз юзлаб кишилар билан учрашдик. Уларнинг истиқлолни шарафлаётганликларига, миллий қадриятларни эъзозлаётганликларига, истиқболга ишонаётганликларига амин бўлдик. Шу азизлар билан ҳали яна кўришиш умидида Сиз, мухтарам китобхонларни 2-фаслда учрашишга таклиф этамиз.

2-қисм

АЛПОМИШНИНГ
СУРХОН
ТАЛҚИНИ



*Алломишлар отин сурган бу макон,
Бобо шоир ўйнаб-ўсган Бешкўтон,
У бўлгандир сўзнинг мулкига султон,
Достонлар тинглаган ҳар қайси инсон,
Шундай бахшилари бордир Сурхоннинг*

Абдуназар бахши Поён ўғли

ВОҲА ДОСТОНЧИЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА БИР НАЗАР

• Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг катта бир қисмини достончилик санъати ташкил этади. Достончилик бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхондарёда ҳам қадимийдир, у неча-неча асрлардан буён яратувчи, бунёдкор халқимизнинг идеал орзу-умидлари, кураш ва интилишлари, урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқий, руҳий ва миллий қадриятларнинг ифодаси сифатида яшаб келмоқда. Воҳа достончилигини кейинги етмиш йилда ўрганиш, ёзиб олиш, хилма-хил достон версиялари ва вариантларини таққослаш, илмий тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, анъанавий достончиликнинг яшаш тарзи, авлоддан-авлодга ўтиб бизгача етиб келиши асосан чорвачилик билан шуғулланган Қўнғирот уруғи билан боғлиқдир. Гарчи, асримизнинг 20-йилларидан бошлаб бизда халқ оғзаки ижодини ўрганиш, тўплаш, нашр этиш, тадқиқотлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган бўлса-да, афсуски, Сурхондарё достончилигини ўрганишга нисбатан кеч киришилган. Дастлаб йирик фольклоршунос Ходи Зариф 1929 йилда бойсунлик Холиёр Абдукарим ўғлидан «Амир қочди» достонини ёзиб олиб, дарсликка киритди, ўзи кўрган бахши-шоирлар маҳорати хусусида фикр билдирди.

Умумўзбек достончилигида алоҳида ўрин эгаллаган Шеробод достончилик мактаби тўғрисида яна бир янги маълумот берган олим Мансур Афзалов бўлди. 1945 йилда Сурхондарёда ўтказилган фольклор-этнографик экспедициясидан сўнг М. Афзалов қуйидагиларни қайд этади: «Шерна ўз даврининг энг чечан, сўзга бой санъаткор шоирларидан бўлиб, шогирд етиштиришда ҳам Шернага тенг-лашадиган устоз бўлмаган. Шерназар шоир Сурхондарё ва Қашқадарё, ҳатто Туркменистоннинг айрим шаҳар ва кишлоқларига бориб достон айттириб, тингловчиларни хайратда қолдирган. Халқ орасида ўз достонлари билан маълум ва

машхур бўлган. Масалан, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирза ўғли ва бошқа истеъдодли халқ шоирларини тарбиялаб етиштирган Шерназар Бердиназар ўғлидир».

Сурхондарё фольклорини, хусусан, дostonчилигини комплекс (умумий) тарзда тўплаш ва ўрганиш, жонли жараёни изчил кузатиш 1953 йилдан бошланди. Бу вазифани бажаришда фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров (1928—1997) раҳбарлигида Қарши ДУ (собик педагогика институти) ўқитувчилари ва талабалари катта ишларни амалга оширадilar. 1953—1998 йиллардаги узлуксиз фольклор-этнографик экспедициялари натижасида XVIII асрнинг охиридан ҳозиргача яшаб, ижод қилган ва дostonчилик анъанасини давом эттирган 250 дан ортиқ турли савиядаги ва хилма-хил касб эгаси бўлган бахшилар аниқланди.

Жанубий Ўзбекистон фольклорини, жумладан, дostonчилигини ўрганишда 1969 йил ЎзР Фанлар академиясининг А. Навоий номли Адабиёт институти ва Қарши Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультети ўқитувчи ва талабаларининг ҳамкорликда уюштирган ўттиз беш кунлик экспедицияси алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу китоб муаллифлари ҳам илк бор қатнашган ва Сурхондарё-Қашқадарё дostonчилигининг умрбод мухлисига айлантирган бу экспедиция: а) Қарши-Ғузор-Дехқонобод-Бойсун-Шеробод-Ангор-Термиз-Жарқўрғон-Кумқўрғон-Шўрчи-Денов-Сариосиё-Тожикистон; б) Дехқонобод-Куйтан-Чоршанги-Чоржуй-Таллимаржон-Қарши; в) Қарши-Қамаши-Чироқчи-Яккабоғ-Шаҳрисабз-Китоб йўналишларидаги жуда катта ҳудудда изланиш олиб бордилар. Ёш ва иқтидорли бахши Қодир Раҳимов экспедициянинг аъзоси сифатида иштирок этди. Экспедиция аъзолари турли жанрдаги асарларни ёзиб олиш, шу ҳудудлардаги дostonчилик мактабларини аниқлаш, фанга номаълум бахшиларни излаб топиш, барҳаёт бахшиларнинг репертуарини ўрганиш билан шуғулланди. Сурхон воҳасининг иқтидорли бахшилари Юсуф қори Ўтаган ўғли, Тангир бахши Сафаров, Маматрайим юзбоши, Чори бахши Қиём ўғли, Тошмурод шоир Тўра ўғли, Эшмурод юзбоши Шердон ўғли, Нормурод Поён ўғли, Ғойим шоир, Хушвақт бахши Мардонақулов, Эшқобил Қўшок ўғли, Ҳайинназар Алисаид ўғли, Қора бахши ва Чори бахши Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев, Хушбахт Сафаров сингари ўттизга яқин иқтидорли халқ

ижодкорлари билан мулоқотда бўлишди. Улардан «Ойсанам», «Нуралининг ёшлиги», «Нурали ва Семурғ», «Алпомиш», «Шаҳиднома», «Келиной», «Гўрўғлининг туғилиши», «Ойчинор», «Гуппоной», «Эшқора билан Дўстқора», «Жархун мастон» дostonлари ёзиб олинди.

Сурхондарё дostonчилари репертуари, бахшиларнинг бадий маҳорати соҳасида Ҳ. Зариф, М. Афзалов, М. Алавия, М. Саидов, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, О. Собиров каби олимларнинг илмий мақолаларидан ташқари монографик тадқиқотлар яратишга киришилди. Шу ўринда Абдумўмин Қаҳҳоровнинг «Келиной дostonининг ўзига хос хусусиятлари», Қаям Мамашуқуровнинг «Нурали» туркум дostonининг гоъвий, бадий хусусиятлари, А. Эргашевнинг «Шеробод дostonчилиқ мактаби» мавзуидаги номзодлик диссертацияларини, ушбу сатрлар муаллифларидан бири (профессор М. Муродов) нинг «Сарчашмадан томчилар», «Гўрўғли эпоси халқ калбининг ойнаси», А. Қаҳҳоровнинг «Янги дostonлар», А. Эргашевнинг «Жанубий Ўзбекистон бахшилари бадий маҳорати» каби китоблари юзага келди. Аммо булар ҳали жуда оз бўлиб, ҳозиргача Сурхондарё бахшиларидан ёзиб олинган 200 дан зиёд дostonни туркумлаш, гоъвий йўналишини аниқлаш, бадииятини ўрганиш соҳасида уммондан катради.

СУРХОНДАРЁ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБЛАРИ

Сурхондарё дostonчилиги изчил равишда синчиқлаб ўрганиш, навбатдаги изланишлар, монографик тадқиқотлар воҳада учта дostonчилиқ мактаби борлигини кўрсатади. Булар Шеробод, Бешқўтон ва Кофрун (Бойсун) бахшичилиқ марказларидир. Ҳозирги кунда дostonчилиқ жонли жараёнда фақат Сурхондарё-Қашқадарё худудларида яшаётган экан, бунинг асосини Шеробод дostonчилиқ мактабида устоз-шогирдчилиқ анъанасининг кучли сақлангани, бу поэтик мактаб вакилларининг ижро усуллари халққа яқинлиги, тушунарлилиги, соз ва сўзда моликликни сақлай олиши ташкил этади, десак хато бўлмас. Оғзаки сўров-суриштиришлар, барҳаёт бахшиларнинг хотиралари асосида Шеробод бахшилари мактабининг шажарасини илк бор фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров 1969 йилда тузган. Шу шажарани биз ана шу табаррук инсон ва олим раҳбарлигида ўз кузатувларимиз асосида тўлдириб бордик. Бугунги кунда аниқланган Шеробод поэтик мактабига хос йўлда

ва усулда куйловчи бахшилар 150 дан ошади Шажаранинг бошида Бобо шоир бўлиб (XIX асрнинг биринчи ярми) унинг Қосимкўр деган шогирди (XIX аср ўрталари) Шерназар Бердиназар ўғли, Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбошларни тайёрлаган.

Шеробод дostonчилик мактабининг асосчиси сифатида эътироф этилган Шерназар Бердиназар ўғлининг отаси Бердиназар Алибой ўғли, бобоси Алибойлар ҳам машхур юзбоши бўлишган. Бироқ одатга кўра Бердиназар юзбоши ўғлига ўзи устозлик қилмай, Қосимкўр юзбошига шогирдликка топширган. Ривоятларга кўра тўрт ёшидан термалар куйлаган Шерназар Бердиназар (1855—1915) ўғлининг тенгсиз иқтидорга эга бўлгани ва энг кўп дostonчи етиштиргани маълум. Ҳозиргача Шернанинг Ражаб Нормурод ўғли, Жўра Эшмирза ўғли, Муҳаммадраҳимхўжа юзбоши, Олтибой юзбоши, Саодат юзбоши, Худайбадал юзбоши, Умир шоир Сафаров, Чори юзбоши, Эсон юзбоши, Аҳмад юзбоши Норбой ўғли, Нормурод Шерна ўғли, Тўкли Шерна ўғли, Ҳожи Шерна ўғли, Қаршибой Шерна ўғли, Шотўра юзбоши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Эрка лўли, Маманиёз лўли, Омониёз лўли, Кенжа лўли, Бўрон лўли, Жўра лўли, Уста Норқобил Авлиёкул ўғли сингари 23 шогирди аниқланди.

Ўзига хос томони шундаки, Шернанинг гарчи 23 шогирди бўлса-да, бугунги Шеробод дostonчилигига мансуб бахшилар асосан унинг икки шогирди—Мардонакул Авлиёкул ўғли ва Умир бахши Сафаровга бориб тақалади. Мардонакул бахши Шернанинг оилавий бахшичилик шажарасига мансубдир. Яъни, у — Шернанинг жияни ва қизи Шарбатойга уйланган, куёви. Шунингдек, Авлиёкул юзбоши, Норбой юзбоши, Аҳмад юзбоши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Қодир Бўриев, Чоршанби Раҳматуллаев, Юсуфқори Ўтаганов, Хушвақт Мардонакулов, Саид Хушвақтов каби Шернанинг 25 дан ошиқ бахшилар оилавий дostonчилик илдизлари давомийлигини аниқлашга имкон беради. Оилавий шажарага кўра Саид Хушвақтов, Қодир Бўриев, Аваз шоирлар олтинчи авлод бахшилар ҳисобланадилар. Биз ушбу далилни бахшичилик ҳам наслда бўлгандагина суяк суриб сўнгги авлодга ўтишини таъкидлаш учун келтирдик. Ака-ука Қора ва Чори Умиров, машхур Қодир бахши Раҳимов сингари Шеробод поэтик мактабига мансуб бахшилар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Қосимкўр юзбошининг яна бир шогирди Алим юзбоши (XIX асрнинг иккинчи ярми — 1920) бешқўтонлик бўлиб, у Эшмурод Шердон ўғли, Нормурод Поён ўғли, Холиёр Аб-

дукарим ўғли, Холиёр Алим ўғли, Боймурод Боймат ўғли каби шогирдларни етиштирган. Гарчи у, Шерна билан бир устознинг шогирди бўлса-да, ижро йўли, усулида, дўмбира оҳанглирида ўзига хосликка эга. Ҳар икки устоз бахшининг невара шогирдлари Қодир бахши ва шўрчилик Аваз шоирга 1969 йилда бир кеча дўмбира черттирдик. Ҳар иккаласи созни тонгача сайратиб, бирининг куйини иккинчиси так-рорламагани ҳайратга солди. Алим бахши шогирдларидан Холиёр Абдукарим жуда машҳур бўлган. У янги шўролар тузумига қарши қурашган. Халқ орасида Холиёр тўқсоба номи билан машҳур. Айтишларича, «Амир қочди» достони-ни айтиб жон сақламоқчи бўлган. Бироқ бу дoston Ҳоди Зариф томонидан ёзиб олинди, дарсликларга киритилган бўлса-да, 1938 йилда шўролар томонидан йўққа чиқарилган. Шундан сўнг истеъдодли шогирди мулла Эрмамаат Бадалов (1887-1981) айтмай қўйган, жиян шогирди Эшқобил Қўшоқов Деновга кўчиб кетган. Тузумнинг зарбаси, тазйиқи билан бу мактабнинг иқтидорли вакиллари дoston куйлашни тўхтатишган. Фақат Эшқобил Қўшоқов барҳаёт ва самарали ижод қилмоқда.

Бойсуннинг Кофрун қишлоғида яшаб ижод қилган Абдурасул бахши (1827—1902) Шерна шоир ва Алим юзбошидан ёши улугроқ бўлган. Унинг Шердан Мардонакул ўғли (вафоти 1907 йил), Мирза Хўжамурод ўғли (1875—1913), Ислому Тўра ўғли (1878—1964), Норбой юзбоши (вафоти 1918 йил), Очилди шоир, Ҳасан Қора ўғли (1886—1946) каби шогирдлари бўлган. Холиёр Абдукарим бошига тушган фожиадан сўнг, унга яқин қишлоқдан бўлган. Кофрунлик бахшилар ҳам куйламай қўйган ёхуд пинҳона ижод қилишган. Эшмурод Шердан ўғли, Тошмурод Тўра ўғли Деновга, Исмоил Тўра ўғли Қашқаларё вилоятининг Ғузор туманидаги Каприн қишлоғига кўчиб кетган. Сўнгги вакиллари Исмоил Тўра ўғли ва Улаш Ғозиевнинг 1969 йилда вафот этиши билан бу мактаб тугаган.

Бешкўтон ва Кофрун дostonчилик мактаби вакиллари ҳам Шеробод поэтик мактаби вакиллари билан яқин алоқада бўлганлар. Воҳа бахшилари доимий ҳолда бир-бирлари билан баҳслашганлар, бири иккинчисининг репертуарини ўзлаштирганлар. Воҳанинг барча худудида аҳоли дostonларни мириқиб тинглаган ва ҳамон Сурхон аҳолиси бахшиларни мароқ билан эшитди. Фақат шу худудда тўйлар, томошалар, байрамлар бахшисиз ўтмайди. Айни дамда сурхондарёлик бахшилар Қашқаларё, Самарқанд, Туркманис-

тон ва Тожикистон бахши-шоирлари билан яқин муносабатда бўлишган. Ҳатто Қашқадарёнинг Дехқонобод, Камаш, Кўкбулоқ туманида ижод қилган бахшилар ҳам Шеробод дostonчилик мактабига мансуб эканлиги воҳа дostonчилигининг тарқалиш доираси гоят кенглигини кўрсатади. Ҳатто Тожикистонда яшовчи бахшилар, хусусан, лақай бахшилари репертуарида учрайдиган «Алпомиш», «Гўрўғли» туркум дostonлари Сурхондарёда яшовчи бахшилар таъсирида шаклланганки, буни илмий далиллар тасдиқлайди.

Ўзига хос жиҳати яна шундаки, Сурхондарё вилояти бахшилари репертуарида мамлакатимизнинг бошқа дostonчилик мактабларида учрамайдиган, умумўзбек ва умумтуркий эпосни бойитувчи қатор дostonлар ва алоҳида туркумлар мавжуд. Жумладан, «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека», бахши этиқодини акс эттирувчи «Олланазар Олчинбек», Гўрўғли силсилавий дostonларини мукаммаллаштирувчи «Ғарибнома», «Шаҳиднома», «Қасамёд», «Авазнинг туғилиши», «Ота-она дуоси», «Малла савдогар», «Нурали ва Семурғ», «Амиркул», «Шералининг банди бўлиши», «Соқибулбул», «Сулувхон», «Зулфиддин», «Жархун мастон», «Нурали ва 500 муллабачча», «Сув париси», «Таркибадахшон» дostonлари Сурхондарё-Қашқадарё бахшиларигагина хосдир.

Яна бир далил шуки, Сурхондарёнинг Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари Ўрта Осиё ва дунё ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида ўчмас из қолдирган улуғ алломалар, тарихий шахслар ҳақида ҳам дostonлар тўқиб куйлаб келишган. Биз ва марҳум фольклоршунос А.Қаҳҳоров ёзиб олган «Соҳибқироннинг туғилиши», «Амир Темурнинг ёшлиги», «Темур ва Боязид», «Маҳтумқули», «Аҳмад Яссавий», «Самарқанд таровоти», «Улуғ соҳибқирон», дostonларининг куйчилари Қодир Раҳим ўғли, Қаҳҳор Қодир ўғли, Чори Умиров, Рўзи Қултўраевлар Шеробод дostonчиларининг истеъдодли вакиллариандир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар, устоз-шогирдчилик анъанасига риоя қилмаслик оқибатида 70-йилларга келиб воҳадаги Бешқўтон ва Кофрун поэтик мактаблари сўнган бўлса-да, аммо Шеробод поэтик мактаби Қодир бахши Раҳимов, Хушвақт бахши Мардонакулов, ака-ука Қора ва Чори Умиров, Чоршанби Раҳматуллаевларнинг фидойилиги, устозлик анъанасини қатъий давом эттириши туфайли сақлаб қолиндиғина эмас, янги сифат ўзгаришларига учраган ҳолда ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда сози, янг-

роқ овози билан дostonлар куйлаётган истeъдодли бахшилар—Қаххор Раҳимов, Абдуназар Поёнов, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Хуррам бахши, Рўзи Қултўраев, Абдусалом Эргашев, Шодмон бахши, Холли бахши, Гулбой Мирзаев, Асад бахши, Боймурод бахши, Жовли Тангиров, Мурод бахши, Абдурасул Умиров, Абдуқаххор Умиров, Абдумурод Қодир ўғли, Панжи бахши, Саид Хушвақт ўғли, Мусурмон бахши, Омон бахши, Муҳаммади бахши, Абдурашид бахши, Бойкул бахши, Норпўлат бахши, Холмўмин бахши, Зулхумор бахши, Гулнора бахши, Чори қизи, Йўлдош бахши, Бахшикул бахши, Абдурасул бахши, Рашид бахши, Ҳамза бахши, Сафар бахши, Шойдилла бахши, Ўрол бахши, Мамарасул бахши ва бошқалар шу устозлар таълимини олиб, давраларга кириб келди ва эл назарига тушди. Шубҳасиз, қадимий Сурхон дostonчилиги довруғини ёйиш энди шуларнинг изланиши, ўрганиши, интилиши, устозлар анъанасига амал қилишига боғлиқдир.

«АЛПОМИШ» КУЙЧИЛАРИ

Сурхондарё бахшилари репертуарида «Алпомиш» дostonи мустақкам ўрин олган бўлиб, улар бу дostonни алоҳида завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат ва мароқ билан, айна вақтда ўта масъулият билан куйлашади. Чунки бу ҳудудда бахшилар ҳам, ерли аҳоли ҳам Алпомишни айна шу ҳудудда яшган тарихий шахс, ўзларининг узоқ ажлоди деб билишади ва уни ниҳоятда самимият билан тилга олишади.

Бу вилоятда яшовчи қўнғирот уруғига мансуб аҳолини «Алпомиш» халқ бадий тафаккури маҳсули дея ишонтириб бўлмайди. Шу сабабли ерли халқ асрлардан буён бахшиларидан ҳар бир тўйда, ўтиришда, даврада, байрам-сайилларда «Алпомиш»ни куйлашни сўрашади, эшитиб хорилмайди, балки руҳланиб янгидан-янги зафарларга интилинади.

Зеро, «Алпомиш» дostonи жисмоний жиҳатдан бақувват, маънавий, ахлоқий ва руҳий жиҳатдан етук, мукаммал идеал қаҳрамонларни тараннум этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу дostonда Ватан ва ватанпарварлик, дўстлик ва аҳиллик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, яхши сўз ва эзгулик, мардлик, ботирлик ва жасурлик, тўғрилиқ ва туғрисўзлик, сахийлик ва адолат, қадр-қиммат ва иззат-ҳурмат, муҳаббат ва садоқат, оила ва фарзанд, қариндош-уруғ ва меҳр-оқибат, тақдир ва омад, эпчиллик ва уддабуронлик, вақт ва фурсат қадри, фаросат ва ғурур, ор-номус ва мил-

лий виждон, тўй ва тантана, байрам-сайиллар, ёшлик, тенглик каби барча халқлар учун муштарак бўлган юксак ва гўзал умумбашарий фазилатлар, одамийлик хусусиятлари ва кадриятлар ифода этилиши, ҳамма вақт, ҳамма замон учун хос инсоний идеаллар улуғланиши билан барча талқинлар бир бирига яқин ва ҳамоҳангдир. Шу боис ҳам «Алпомиш» туркий дунё халқларининг ўлмас эпоси даражасига кўтарилган.

Салоҳияти, бадиияти, ақс эттирган умуминсоний ғоялари билан жаҳон халқларининг буюк эпослари «Маҳобҳорат», «Рамаяна» билан беллаша оладиган «Алпомиш» достонини ёзиб олиш, чоп этиш, тадқиқ ва таҳлил этиш, айнан Сурхондарё мисолида олиб қаралганда анча кеч бошланди. Гарчи рус ориенталисти Е. Ф. Каль 1890 йилдаёқ Термиз яқинидаги Солиҳобод қишлоғида кўнғирот уруғининг айинли шаҳобчасига мансуб Омонназар бахшидан уч соат давомида тўловсиз дoston эшитганини ёзган, бу дoston «Алпомиш» эканлиги аниқланган бўлса-да, ўзбек фольклоршунослари бу ҳудудда яшовчи бахши-шоирлардан «Алпомиш» достонини ёзиб олишга эътибор беришмади. Йил бос «Алпомиш» достонини Сурхондарё бахшиларидан ёзиб олиш 1945 йилдан бошланди. Дастлаб шу йили Қ. Э. Муҳамедов ва Ҳ. Зарифлар томонидан Шеробод туманининг Чигатой қишлоғида яшовчи истеъдодли бахши Мардонакул Авлиёқул ўғлидан «Алпомиш» достонининг иккинчи қисми ёзиб олинган. Шундан сўнг фольклоршунос О. Собиров 1958 йилда Умур бахши Сафаровдан, фольклоршунос М. Афзалов шу йили Мамадрайим бахшидан, фольклоршунос Т. Мирзаев Бўри бахши Аҳмедовдан «Алпомиш» достонини ёзиб олишган. Профессор Т. Мирзаевнинг «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» монографияси да юқорида ҳар тўрт вариантга хос ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар Фозил шоир Иўлдош ўғли вариантыга қиёсан таҳлил этилган. Бахшилар маҳоратига баҳо берилган ва улар орасида нисбатан мукамали ҳамда бадиий жиҳатдан етук Умир бахши Сафаров куйлаган вариант эканлиги таъкидланган.

1969 йилги фольклор-этнографик экспедицияси даврида Мамадрайим ва Қодир Умировдан «Алпомиш» достонидан парча ёзиб олганимизни, Қодир бахши Раҳимовдан оҳанглар тасмасига «Алпомиш»нинг 2-қисмини ёзди-

*Т. Мирзаев. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари, Т., «Фан», 1968.

риб олганимизни мустасно этганда, 1958 йилдан 1998 йилгача ўтган муддатда «Алпомиш» достони бу воҳа бахшиларидан ёзиб олинмади. Бу Фозил шоир варианты энг мукаммал, энди ҳеч ким Фозил шоирдек маромига етказиб, айта олмайди ва ёзиб олсанг-да, чоп этилмайди, деган хато фикр бир ёқлама қарашнинг натижаси эди. Оқибатда «Алпомиш»ни сурхонча усулда маҳорат билан куйлайдиган кўплаб кекса бахшилардан ажралиб қолдик. Ҳатто, Қодир бахшидек даҳо дostonчидан ҳам бу дostonни тўлиқ ёзиб ололмадик. Ҳолбуки, у «Имконинг, вақтинг бўлиб айтсанг, «Алпомиш» минг кечаларда тамом бўлар-да», — дердики, бу гап беҳуда эмаслигига мисоллар кўп. Жумладан, Шеробод дostonчилиқ мактабининг вакили Эрназар Қобон Бухоро амири Насрулло хузурида «Алпомиш»ни олти ой айтиб ҳам тугата олмаган экан. Ёки биз Қора бахши Умуровдан 1996 йилда «Алпомиш» дostonини ёзиб олишга киришиб, ҳеч тугатавермагач, Қора бахши: «Алпомиш»ни тўлиқ ёзаман десаларинг, етти йилда ҳам тугамайди. Сизларни ҳам чарчатдим. Ўзим ҳам хоридим», деб кўп ўринларини қисқартириб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonининг катта тўйини нишонлаш тўғрисидаги тарихий қарори мазкур дostonни қайта ўрганишга, ёзиб олишга, дostonдаги умумбашарий ғояларни қайта кашф этишга имкон берди. Биз «Алпомиш»ни Фозил шоир варианты доирасида чегаралаб, «музлатиб» кўйган эдик. Ҳайриятки, юқоридаги ҳукумат қарори музларни эритди, тадқиқотларни, нашр ишларини қайта жонлантиришга, унинг хилма-хил вариантларининг юзага келишига омил бўлди. Ҳали ажлодлардан ўрганиб, унутмаган, ёдида сақлаб келган авлодлардан «Алпомиш»ни қайта ёзиб олишга киришилди. Бу соҳада бир асрлик ишдан зиёдроғи бир йилда қилинди. Фольклоршунос Тоштемир Турдиев Хушвақт бахши Мирдонақуловдан «Алпомиш» дostonини дастлаб ёзиб олди, сўнг қоғозга кўчирди ва нашр эттирди. Фольклоршунос Рўзиқул Мустафоқулов Чоршанби бахши Раҳматуллаевдан дostonни тўлиқ ёзиб олиб, нашрга тайёрлади. Ушбу сатрлар муаллифлари Қора бахши Умировдан «Алпомиш», Чори бахши ва Қаҳҳор бахшидан «Ёдгор» дostonининг икки вариантини ёзиб олиб, нашрга тайёрладилар. Ҳозирги кунда Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор бахши вариантлари қоғозга тушмоқда. Сурхондарё телевидениеси ходимлари Шоберди Болтаев вариантини видеомагнитофонга ёзиб олишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз матбуоти, радиоси, ойнаи жаҳони, Сурхондарёнинг барча матбуот воситалари «Алпомиш» дostonини таҳлил этувчи мақолалар, эшиттиришлар, кўрсатувларни мунтазам бериб бормоқда. Уларнинг аксарияти ҳозирги барҳаёт бахшилардан ёзиб олинган, олинаётган «Алпомиш» дostonининг вариантлари бадий-ғоявий жиҳатдан Фозил шоир вариантдан устун бўлса устунки, асло орқада эмас. Шу ўринда фольклоршунос Рўзиқул Мустофакуловнинг куйидаги фикрини келтиришни лозим топдик. Олим Чоршанби Раҳматуллаевдан «Алпомиш»ни ёзиб олиб, нашрга тайёрлар экан, куйидагича хулосага келади: «Бу дoston Фозил Йўлдош ўғли вариантдан ҳажм жиҳатдан анча катта. Иккинчидан, воқеа қизиқарли тафсилотларга жуда бой. Учинчидан, дoston воқеалари вилоятимиздаги мавжуд номлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Тўртинчидан, тили ширали, бадий куввати баланд» («Сурхон тонги» газетаси). Аммо ҳали бундай фикрларга қўшилиб бўлмайди. Қачонки, ўша вариантлар тўлиқ чоп этилса ва «Алпомиш»нинг илк бор мукамал нашр қилинган «Алпомиш» варианты билан қиёсий таҳлил этилса, тўғри, аниқ, қатъий хулоса айтиш мумкин бўлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: неча 40—60-йилларда Сурхондарё бахшиларидан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonининг вариантлари бадий саъз, ғоявий қашшоқ, нотугал-у, 90-йилларда ёзилган вариантлар анча мукамал? Хушвақт баҳши ва Қора бахшилар оталари Мардонакул юзбоши ва Умир шоирдан, Чоршанби баҳши устозидан саз чертишда, бадиҳада, қўйма кулоқлик хогирада, овозда устунми? Асло! Маҳаллий халқ орасида бўлсангиз, суҳбатлашсангиз, уларни тингласангиз, кекса авлод Мардонакул юзбошини ўғли Хушвақт ва шогирди Чоршанби бахшилардан, Умир шоирнинг фарзандлари Қора ва Чори бахшилардан юз бор устун қўяди, оталари зўр эди, улардай баҳши энди чиқмайди, дейишади. Хўш, унда нима учун эл зўр деб баҳолаган бахшилардан бадий мукамал дostonлар ёзиб олинмади? Бизнингча, бунинг сабаби куйидагилар билан изоҳланади:

1. Бошқа худудни билмади-гу, аммо Сурхондарё, Қашқадарёда 20—30-йилларда, бахшиларга бўлган нотўғри муносабатлар, тазйиқлар уларни дostonчиликдан, бегоналар ҳузурда юракдан куйлашдан бездириб қўйганди. Бойсунлик Холиёр Абдукарим ўғлининг, деҳқонободлик Қурбонпўлатнинг қатл этилиши, Мардонакул Авлиёкул ўғлининг юзбоши, яъни амалдор деб олти ой ҳибсда сақланиши, То-

гай шоир ва Бобоназар шоирнинг Сибирга сургун қилиниши каби воқеалардан бахшилар юрак олдириб қўйишган эди.

2. Сурхондарё-Қашқадарё бахшиларининг ҳеч бирига махсус котиб тайинланиб, маълум бир дoston шошилмасдан ёзиб олинган эмас. Балки маълум фурсатга — бир-икки кунга келган тадқиқотчи, ёзиб олувчи бахши руҳияти вақти билан ҳисоблашмай ўзининг имкониятидан келиб чиқиб иш тутган. Натижада бахши матни тикилинч вазиятда ёзиб олувчидан қутилиш учун ижрс этган.

Шу сингари ҳолатлар, ижрочи ва ўрганувчи ўртасида руҳий мутаносибликнинг бузилиши, ёзиб олувчига ишонқирамаслик, нега ёзилаётганини англаб етмаслик, шошма-шошарлик, дастлаб замонавий мавзудаги асарларни сураб, ижодкорни шошириб қўйиш натижасида 40—60-йиллардаги бахшилар илҳом билан куйламаганлар, 90-йилларда эса манзара бутунлай ўзгарди, истиқлол боис 50-йилларда қаттиқ қатағонга учраб, яна омон қолган «Алпомиш»ни кадрлашга имкон берилди. Ёзиб олувчи фидойилар маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққани боис бахши вақти, руҳияти билан ҳисоблаша олди. Шунингдек, «Алпомиш»нинг кейинги куйчилари устозларидан ўзларининг саводхонлиги, қўпчилиги шеърый қонун-қоидаларни илмий жиҳатдан билиши билан ҳам ажралиб турадики, бу улар куйлаган дoston бадииятига албатта таъсир қилмай қолмайди.

Сурхондарёда ёш бахшиларни камол топшириш, «Алпомиш», «Гўрўели», «Авазхон», «Нурали», «Рустамхон» сингари халқ эпосининг иқтидорли ва маънавий мадади ҳам, устоз-шогирдчилик анъанаси тажрибалари ҳам етарли. «Алпомиш» юбилейини ўтказишни фахр-ифтихор билан қаршилаган вилоят ҳокимлиги, туман ҳокимликлари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, бунёдкор, бағри кенг, танги ва меҳнатқаш, субутли ва диёнатли Сурхон халқи минг йиллик дostonчиликни, қонида бўлган алпомишхонликни учинчи минг йилликдаги авлодларига ҳам етказишига ишончимиз комил.

«АЛПОМИШ» ТУРКУМИ

Ўзбек бахши-шоирларининг шоирлик бешиги бўлган «Алпомиш» илк қаҳрамонлик эпоси ҳақида кўп назарий ҳамда амалий ишлар, тадқиқотлар амалга оширилди. Биринчидан, дostonнинг ўзбек халқи орасида тарқалган икки-

уч тури қарийб қирк дostonчидан ёзиб олинди. Хусусан, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Бўри Содиқ ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Мирдонакул Авлиёқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир Сафар ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Абдуқаҳҳор Қодир ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли каби чечан бахшилардан ёзиб олинган нусхалар халқ оғзаки ижодининг ҳақиқий олтин меросидир. Иккинчидан, «Алпомиш» дostonининг яратилиш даври, ғоявий мазмуни, асосий гимсоллари, бадиияти ҳақида барча ўзбек фольклоршунослари, хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Натижада рўзнама ва ойномаларда катта-кичик мақолалар эълон қилинди, тўпламларда тадқиқотлар босилди. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари» (1968), «Об эпосе Алпомыш» (1959) каби бир қатор рисоалар, илмий тўпламлар чоп этилди ва ҳозир ҳам давом этмокда. Учинчидан, «Алпомиш» ва шу туркумга кирган «Ёдгор» дostonлари, алоҳида олган ҳолда ва «Ўзбек халқ дostonлари» (1-2- жилдлар, 1956—1957) «Ўзбек халқ ижодида кўп жилдлиги» (1979), «Жаҳон болалар адабиёти» туркумларида қайта-қайта босилиб чикди. Алоҳида китоб ҳолида ўзбек ва рус тилларида эса Тошкент, Москва ва Санкт-Петербургда нашр этилди. «Алпомиш» дostonи асосида мусиқали драмалар яратилди. Дoston номзодлик ва докторлик диссертацияларига мавзу қилиб олинди. Шундай қилиб, «Алпомиш» дostonи қарийб 75 йилдан буён ўрганилиб, ёзиб олинди, нашр этилиб, тадқиқот манбаи бўлиб келмокда. Аммо ачинарлиси шундаки, машҳур бу қаҳрамонлик эпосининг узвий давоми бўлган «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» дostonи гўғрисида фольклоршуносликда шу кунга қадар фикр-мулоҳазалар юритилган эмас. Бунинг боиси, биринчидан, «Бева Барчин» дostonи фақат Жанубий Ўзбекистонда шаклланиб, донг таратган Шеробод бахшилар поэтик мактаби вакиллари дастурларидагина мавжудлигини, иккинчидан, жумҳуриятимизнинг бошқа худудларида куйланмаслиги, демак, бутун ўзбек дostonчилигида кенг тарқалмагани, учинчидан, Жанубий Ўзбекистон бахши-шоирларининг дostonчилик анъаналарига кўра унга суяниб, янгидан-янги сюжетларга дадил қўл уриб, бирор дostonни яратиш қобилиятлари ва маҳоратларининг оқибат натижаси, тўртинчидан, 90-йилларга қадар бу дoston матнининг тўлиқ ёзиб олинмаганлигидир. Биз қашқадарё-

лик машхур фольклошунос, мархум Абдумўмин Қахҳоров билан ҳамкорликда бундан роппа-роса ўттиз йил аввал (Қарши Давлат педагогика институти билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳамкорликда) ташкил этган 35 кунлик машхур халқ оғзаки ижоди, элшунослик, қадимшунослик илмий сафарида ана шу дostonнинг изига тушган эдик. Шу йиллар ичида тиним билмай изланишларимиз натижасида «Бева Барчин»нинг мукамал матнини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Даставвал дoston ота-бола бахшилар — устоз Қодир Раҳим ўғли ва унинг фарзанди — шогирди Абдуқахҳор Қодир ўғлидан парча тарзда магнитофон тасмасига туширилди. Бу 80-йилларда бўлган эди. 1993 йилда эса Абдуқахҳор Қодир ўғлидан (Бахши бу нухани тўла ҳолда отаси Қодир Раҳим ўғлидан ўрганиб олиб қолган ва эл орасида мароқ билан куйлаб юрган. Афсуски, Қодир Раҳим ўғли бевақт орамиздан кетганлиги сабабли «Бева Барчин» дostonини унинг оғзидан ёзиб олиб қолинмаган эди) тўлалигича қоғозга туширишга эришдик. Уни сўзбоши, илмий изоҳлар ва луғат билан нашрга тайёрладик.

Хўш, «Бева Барчин» дostonи қандай асар? Унинг асосий хусусиятлари, қаҳрамонлари, маъно-мазмуну-ю бадийяти нечоғлик? Ўзбек дostonчилиги, хусусан, Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида тутган ўрни қандай?

Биз қўлга киритган нухага кўра, «Бева Барчин» дostonи 10214 насрий ва назмий мисрадан ташкил топган бўлиб, Алпомиш қалмоқларга асирликдан қутулиб она-юртига, ўз уруғига қайтгунча ўтган етти йиллик муддатда Бойсун—Кўнғирот элида юз берган воқеаларни акс эттиради. «Бева Барчин» дostonида ҳам уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг юзага кела бошлаши тасвирланса-да, унинг мустақил дoston бўлиб шаклланишида «Алпомиш»нинг мазмунига асос бўлган Олтойдаги қипчоқларнинг ёхуд Аму бўйлари ва Орол денгизи атрофидаги Кўнғирот қабилаларининг ўрни йўқ, дейиш мумкин. Балки Жанубий Ўзбекистон бахшилари, хусусан, Шеробод дostonчилик поэтик мактаби вакиллари «Алпомиш» дostonининг иккинчи қисмини кўпроқ ижро этиш, ҳар ижрода ниманидир (ўзларининг бадихағўй ижодкорликлари ва тингловчилар талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда) қўшиқлари, машхур файласуф шоир, ўзбек эпосининг катта билимдони Мақсуд Шайхзоданинг ташбеҳи билан айтганда, бир «ижодкаш»лик воситасида бора-бора «Бева Барчин»ни

алоҳида, мустақил дoston сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлгандир. Аёлларнинг беқиёс садоқати, фидойилиги, оилапарварлиги, алплиги, марду майдонликлари «Бева Барчин»нинг асосидир.

«Ўз уйи» учун кураш ботирликнинг қадимий талқинларидан бўлиб, қахрамонлик эпосининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади, унда («Алпомиш» дostonида — М. М. А. Э.) эндигина юзага келаётган давлатчилик ғояси — янги ижтимоий ҳодисага ижобий муносабат эмас, балки кўп асрлар давомида халқнинг қон-қонига сингиб кетган уруғчилик муносабатларини ҳимоя қилиш масаласи илгари сурилган», деган фикр тўлиғича «Бева Барчин» дostonига ҳам тааллуқлидир»*.

«Бева Барчин» дostonи баҳодир Алпомишнинг ўғли Ёдгорнинг туғилиши, унга бешик тўйи ўтказиш, Алпомишнинг узок ўлкада ўлди, деб эшитган Ултонтознинг Барчин бекача, Қоралочиннинг—баҳодирнинг синглиси Қалдирғочга уйланиш учун зимдан олиб борган курашлари, сазъ-ҳаракатлари, Ултонтознинг Қоражонга қарши иғво уюштириб, Бойбўридан уруғ ҳукмронлигини олиши, Бойбўрини туябоқар, Қалдирғоч ва Ёдгорни йилқибоқар, Кунтуғмушойимни эса чўри қилиб азоблаши, турли йўллар билан Барчинга уйланишга интилиши ҳамда Барчиннинг уйланишга ақл-заковати, зукколик, фаҳм-фаросат ва мардлик билан ўзининг, оиласининг ор-номусини, эътиқодини, иймонини, шайини ҳимоя қилиш воқеаларини қизиқарли тарзда акс эттиради. Дostonда Алпомиш зиндон қилингандан кейин Барчиной турли маломатларга, иғвою бўҳтонларга, алдов ва риёкорликларга сабр-бардош, талбиркорлик ва матонат билан курашар экан, бу билан ўзинигина эмас, ўз уйи, ўз оиласи, уруғаймоғини, ор-номусини, эътиқодини, қолаверса, ўз эли, диёрини ҳимоя қилаётгани яққол акс этади. Фозил Йўлдош нусхаси—«Алпомиш» дostonида Барчиннинг алплик хусусияти Кўкоман алпнинг оғзи-бурнидан лахта-лахта қон кеттизганида, тенгсиз баҳодир Кўкалдошни курашда йиқита олмай турганда:

Йиқилмасанг, тўрам, навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин,
Бор кучимни билагима жияйин,

*Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари, Т., «Фан», 1981, 45-бет.

Бу қолмоқни пора-пора қилайин...
Мардлар бўлса иш кўрсатиб кетади...
Қиз бола деб мени номард билмагин,
Бу сўзимни, хоним оғир олмагин,
Навбат бергин, сира гина қилмагин,
Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин,
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,
Ушласам қалмоқни нобуд қилайин,
Оғир олма, тўрам, навбат сурайин, —

деб Алпомишга далда бериши ва бошқаларда кўринса, «Бева Барчин» достонида Барчиннинг алплиги турли ифволарни баргараф этиши, Ултонтознинг пинҳона ва ошқора хужумларини даъф этиши ва ҳоказоларда намоён бўлади. Оилада, севган ёрига садоқат, фарзандга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббат унга куч-қувват бағишлайди. Тунда бостириб келган Ултонтозни Барчин, «Белидан маҳкам ушлаб, ердан даст кўтариб келган йўлига отди. Ултонтоз йигирма қадамча отилиб кетди. Бир чуқурга гупиллаб етди. Итнинг жалоғига чалқармон тушган экан, анча туролмай ётди. Барчинойнинг бу жазоси суягига ботди» («Бсва Барчин» достони, қўлёзма, 132-бет). Пинҳона йўл билан ҳам, совчи кўйиши билан ҳам ниятига эриша олмаган Ултонтоз Барчинни саройга таклиф этиб, розилигини сўрайди. Барчиной унинг дўқ-пўписалари, аврашларига, мағрур турган ҳолда мардона жавоб бериб, ўз шаъни, ориятини дадил химоя қилади:

Шоҳим, айтинг, нима ишни қилайин,
Лозим бўлса тоғни икки бўлайин.
Тўрт-беш кунлик салтанатда меҳмонсиз,
Ё камарни нозик белга голайин...
Зулм қилсанг Бойсун элдан кетарман,
Йўл бермасанг, бошингдан жутарман,
Гул танамни бойувлига бергунча,
Майда қилиб ўлик итга отарман.

(Ўша дoston қўлёзмаси, 176-бет). Қодир бахши Раҳим ўғли нусхасида эса Барчин фикрини: «Бургут кўнган тушима қаргани кўндирмайман», деб ниҳоятда нозик, айни чокда баҳодирона ташбеҳ ила баён этади...

«Бева Барчин» достонида ҳам бош ғоя — мақсад ёр, оила уруғнинг бирлиги экан, буни мазмундан холи тарзда таҳлил этиш тўғри эмас. Афсуски, қизил империя тазйиқи,

комфирқанинг зўравон сиёсати туфайли «Алпомиш» достонининг айрим тадқиқотчилари эпосдаги баъзи бир воқеаларни изоҳлашда, тимсолларни таҳлил қилишда бир ёқлама фикр юритиб, ислом билан боғлашдан онгли равишда чекиндилар. Шу ўринда Қоражон ва Бойбўри тимсоллари таҳлиliga назар ташлаш кифоя. Кўпгина дарсликларда, ўқув қўлланмаларида Бойбўри золим, бойликка ўч шахс сифатида қораланиб, Қоражон садоқатли дўст тарзида улуғланади*.

Муаллифларга асос бўлган Фозил шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш» достони матнига теранроқ назар солсак, юқоридаги тимсолларни баҳолашда бир томонламалик кўзга ташланади. Жумладан, Бойбўри Алпомишга китоб ўқитиб: «Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Улар закот бермаса, бул ҳам бахил экан»,—деган сўзларни эшитиб: «Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсарини бахилга чиқиб кетмасин»,—деб закот сўрайди. Кўринадики, аканинг нияти ёмон эмас ва бу уни қоралашга имкон бермайди. Балки у мусулмончиликнинг беш асосий фарзларидан бири — закот беришга ундаб, укасини ёмон гап-сўздан қутқазмоқчи бўлгани учун шарафланиши керак.

Ёки Қоражонни садоқатли дўст сифатида мақтар эканмиз, унинг мардлигини улуғлаган ҳолда ўз акаларини ўлдиргани, онаси ва эл-юртидан воз кечгани боисини асосламай мадҳу санолар ўқиймиз. Аммо ҳар ким, қайси уруғ, қабила ёхуд миллатга мансублигидан қатъи назар, ўз биродарларини ўлдирса, оқ сут берган онадан кечса, яхши инсон бўладими, деган савол қўйилса, жавоб бериш машкул. Бу ерда ислом динини, Худонинг сифатларини ва номларини эсламасак, Қоражон тимсоли талқини чала, ишончсиз бўлиб қолаверади. Гап шундаки, Қоражон тушида Алпомишни қирқ чилтон ва қавму қариндошларини кўриб, Алпомиш билан дўст бўлиб, намоз вақти калима айтиб турди». Энди у тилида калимаи шаҳодатни такрорлаб, Алпомиш билан дўстлашиб турган экан, ундан воз кечиб бўлмайди. Дўст фақат инсон, Алпомиш эмас, у Аллоҳнинг номи. Ислонда дўст—Аллоҳ, Аллоҳ эса дўстдир. Шу сабабли Қоражон мусулмон бўлгач, дўст—Аллоҳ учун дастлабки эътиқодлардан чекинади, қариндош уруғлари, эл-юрт манфаатларини эмас, Алпомишни ҳимоя қилади. Чунки диний эътиқод юзасидан Аллоҳ йўлида, яратган Парвардигор учун ўзга ҳамма

*Ўзбек адабиёти тарихи, 8-синф дарслиги, Т., «Ўқитувчи», 1985, 33—35-бетлар.

нарсадан кечиш мумкин. Шу ўринда биргина Иброҳим пайғамбарнинг Худо йўлида яккаю ягона ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлганини эслаш кифоя. (Демак, халқ анъанавий дostonлари ғояси, тимсоллари талқинига янгича тафаккур, янгича муносабатлар асосида ёндашиш ва ёри-тишнинг вақти келди!).

«Бева Барчин» достонида эса «Алпомиш»даги дўст Худонинг номи, деб садоқат кўрсатиш оҳанги янада кучайтирилади. Алпомиш қалмоқлар юртида ўлик-тириклиги номаълум бўлиб қолганда ҳам Қоражон: «Дўст Худонинг номи экан, султоним», - деб Бойсун Кўнғиротдан кетолмай Бойбўрига ўғил сифатида хизмат қилаверади. Унга Ултонтоз тўхматлар уюштирганда, ҳатто бу маломатларга Бойбўри ишона бошлаганда, Қоражон гоҳо пушаймон ҳам бўлади: «Бир оғиз сўз менинг учун армондир. Дўст Худонинг номи дерлар ёронлар!» Қоражон Қалдирғочойимга ошиқлигидан юрибди, деган гап-сўзнинг рост-ёлғонлигини синаб кўрмоқчи бўлган Бойбўрига шундай дейди: «Агар синглимга ола қарасам, икки дунёим ҳам қуяди-ку. Менинг ҳам охиратдан умидим бор. Агар ақлим чалғиса, Тангрининг олдида жавоб беришим бор... Боқий дунёда айбим учун ўтда ёнмайин». Кўринадики, гарчи қадимги замонда ака-ука туғиниш ўша оилага мансуб бўлишни билдириб, оила орқали уруққа қабул қилинган бўлса-да*, у «Бева Барчин» ва «Алпомиш» достонида бу одат исломий маъно билан йўғрилган куйи берилган. Шу боис мазкур дostonлардаги воқеаларни шарҳлаш, тимсоллар муносабатларини ўрганиш ва баҳолашда, албатта, ислом дини таълимотини ёдда тутиш зарур.

Дарвоқе, «Алпомиш» достонининг X—XII асрларда шаклланиши ҳам (агар буни қабул қиладиган бўлсак) шуни тақозо этади. «Бева Барчин» эса бевосита «Алпомиш» достонини асрлар давомида куйлаш таъсирида, юқорида ҳам шаъма қилганимиздек, XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида ажралиб чиққан. Шу боис ҳам унда зиддиятлар, ҳокимият учун кураш феодал давлат тузиш даражасида ривожланиш, диний оҳанглар «Бева Барчин» достонида кўпроқ ўрин эгаллаган.

Жанубий Ўзбекистонда «Алпомиш» достони умумхалқ эпосининг янги тарихий шароитда ривожланиши, маҳаллий халқ эҳтиёжи, истак-талаби каби бир қанча сабаблар натижасида ўз бошидан, ҳатто сифат ўзгаришларни кечирди-

*Х.Т. Зарипов. Основные мотивы эпоса «Алпомыш», сб. «Об эпосе «Алпомыш», Т., 1959, 22-бет.

ки*, булар оқибатида «Бева Барчин»дек алоҳида мазмунга яхлит тузилмага эга дoston юзага келди ва у анъана доира-сида шаклланди. Энди бу дostonнинг ғоявий асосларини, бадииятини, ундаги Барчин, Қалдирғоч, Ёдгор, Бойбўри, Қо-ражон, Алпомиш, Кунтуғмишойим, Қултой, Ултонтоз, Қо-ралочин, Омон, мулла Холийёр, мулла Холмат, Сарон момо, Қо-рон момо сингари тимсолларнинг асар воқеалари риво-жидаги ўрнини, уларда халқ омонлиги (идеаллиги) акс этишини ўрганиш асосий вазифалар сифатида туради.

Ана шу «Бева Барчин» дostonи таржимаи ҳол «Алпо-миш» дostonи билан бирикиб, «Алпомиш» туркумини таш-кил этади. «Бева Барчин» республикамизнинг таржимаи ҳолларида айтилмаганидан «Алпомиш»нинг биографик тур-кумида тарқалишига ҳам дуч келмаймиз. Сурхондарё бах-шилари репертуарида ҳам бошқа худудларда тарқалган «Ёдгор» дostonи мавжуд. Аммо у «Алпомиш» ёхуд «Бева Барчин» қадар кўп айтилмайди, машҳур эмас. Ушбу асар муаллифлари унинг Чори бахши Умиров (Музрабод тумани «Навбахор» жамоа хўжалиги) дан ва Қашқор бахши Қо-дир ўғли (Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Чалка қишлоғи) дан икки вариантини ёзиб олди. Шунингдек, Сур-хондарё вилоятида Алпомишнинг Ойтовкага иккинчи бор уйланишидан туғилган «Йўлчибой» («Худоёр») дostonи ҳам мавжудлиги Чори бахши репертуарида қайд этилади. Гарчи, алоҳида дoston тарзида айтган-айтмагани номаълум бўлса-да, Мардонқул Авлиёқул ўғли қуйлаган «Алпомиш» дostonида ҳам Алпомишнинг Ойтовкадан ўғли борлиги қайд қилинади. «Алпомиш», «Бева Барчин», «Ёдгор», «Йўлчибой» дostonлари биргаликда «Алпомиш» наслий туркумини юзага келтиради. Хали ёзиб олинмаган «Шомурод» дostonи ҳам борки, бу ҳам «Алпомиш»нинг катта бир туркум сифатида Жанубий Ўзбекистонда кенг тарқалганини кўрсатади.

«Алпомиш» туркумидаги ҳар бир дostonда, ҳар қайси вариантда уни ижро этган бахшининг истеъдоди, қобилия-ти, бадиҳагўйлик ва ижро маҳорати анъанага амал қилиши ижодқорлиги, шунингдек, халқ ҳаёти ва бадиий даҳосини, дунёқараши ва фалсафасини, қадриятлари ва анъаналари-ни нечоғли ўзлаштиргани, хотира кучи, қувваи ҳофизаси қанчалик кучлилиги намойён бўлади. Фикримизнинг исбо-

* Т. Мирзаев., Б. Саримсоқов. Дoston, унинг турлари ва тарихий та-раққиёти. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари, Т., «Фан» 1981, 49-бет.

ти учун ҳозирда ҳаёт бўлган бахши-шоирлар томонидан айтилиб, жонли жараёнда яшаб келаётган «Алпомиш» туркум дostonларининг айримларидан парчаларни ҳукмин-гизга ҳавола этамиз.

Қора бахши Умир ўғли

АЛПОМИШ*

(парча)

Дўмбирам қўлга олайин,
Созлаб куйга солайин,
Ҳар алвонда чалайин,
Мадат тилаб Аллоҳдан,
Юртга хизмат қилайин.

Созим қўлга ушлайин,
Термани энди ташлайин,
«Алпомиш»ни бошлайин,
Достон айтиб ёронлар,
Эл қўнглини ҳушлайин.

Бахшилар созга ўч бўлган,
Билакка келган куч бўлган,
Номардлар ўйи пуч бўлган,
Отасидан тинглаб, Қора,
Бахшилиқларга дуч бўлган.

Катта шоир эди отам,
Ҳам устозим, белда пўтам,
Достон айтса кунлар тутам,
Ўтар эдим, қўп ўрганмай -
Қолиб кетдим, шулдир хотам.

«Алпомиш»ни айтса ойлар,
Тинглаб ҳатто тўлин ойлар,
Эшитганлар дилга жойлар,
Сўзи созга мос келганда,
Мавжланарди тошқин сойлар.

Ҳаёт келмас, шахси (й) бўлиб,
Етти пушти бахши бўлиб,

*Ушбу вариантни китоб муаллифлари ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган.

Обрўлари яхши бўлиб,
Устоз Шерна улгайтирган,
Бахши шоир нахши бўлиб.

Отамдан бир илдиз бўлиб,
Тонгда балққан юлдуз бўлиб,
Кеча эмас, кундуз бўлиб,
«Алпомиш»ни куйлай тошиб,
Тингланг қани сиз-биз бўлиб.

Гумбурлар тоғнинг дараси,
Топилар ҳар иш чораси,
«Алпомиш» дoston сараси,
Шу дostonни куйламоққа
Киришди Умир Қораси.

Омон, омон, омонда, қадим ўтган замонда, кунлар чиқар томонда, Бойсун-Қўнғирот элида, мардлар ўнги-сўлида, дoston, кўшиқ тилида, эътиқоди дилида, туркий деган эл ўтди, озрок эмас, мўл ўтди, ботирларга кўл ўтди. Одамлар уруғ-уруғ, ҳар уруғда бир йўриғ, ўзларича бор бўлди, яратгани ёр бўлди, душманлари хор бўлди. Шу уруғлар каттасини Қўнғирот дер эди, қўнғиротлар ҳаддили, зўр эди, яшаш жойи дала-қир эди, ниятлари бир эди, ҳамиша чорва ғамини ер эди. Қўнғирот элда сурув-сурув той ўтди, сонсиз кўзи кўй ўтди, манман деган бой ўтди, қанча ҳотамтой ўтди. Созда қилсак баёнин, шулдир бизга аёни:

Қадим ўтган замонда,
Бобо товдан туманда,
Қўнғирот деган эл бўлган,
Бойсун деган томонда.

Қўнғирот зўр эл бўлган,
Яйлови кенг чўл бўлган,
Шўра-янтоқ мўл бўлган,
Олтмиш тўртта хил бўлган.

Севганлари от бўлган,
Отлар тулпор зот бўлган,
Отга қараб ном олган,
Шунга Қўнғирот бўлган.

Изласанг из илинар,
Ботир жангда билинар,
Кўнғиротдай катта эл,
Беш бобога бўлинар.

Бош бобо: Қўштамғали,
Оқтамғали, Ойинли,
Хонжиғали, Тортувли,
Олтмиш тўртта урувли.

Қизлар ўчдир матога,
Мен кетмайин хатога,
Қўштамғали бўлинди
Ўн олгита отага.

Бешта тўни кенг бўлди,
Бири ёқа женг бўлди,
Оқ тамғали отаман,
Қўштамғали тенг бўлди.

Бўгажили, Обокли,
Чўмичли ҳам Ирғокли,
Қайчили, Қозоёқли,
Қоракаш ва Баймоқли.

Қорақўнғирот, Чангчили,
Уйувли ва Хондоқли,
Ишқили, Очамайли
Ҳамда Қоратамғали.

Бешта бобо жам бўлди,
Бир-бирига малҳам бўлди,
Хонжиғали Оқтамғадан
Икки ота кам бўлди.

Қўлдовли ҳам Молтака,
Жолқиллоқ, Қора, Дўска,
Қоракурсоқ, Тўпқора,
Кўртўғай, Қора бувра.

Гала, Қуюн ном олғай,
Улус, Чўллақ ҳам Нуғай,
Хонжиғали бобога
Ўн тўрт ота ул бўғай.

Яйлови ҳам чўл бўлган,
Ирисқиси мўл бўлган,
Ойиннидай бободан
Ўн иккита ул бўлган.

Қорақалпоқ, Бешбола,
Чурон, Қочай ҳам Қовда
Ойтамғали, Оқтана,
Ҳожибачча, Кал, Тупор.

Туркман ойинни ҳам бор.
Тортувли ҳам шунқор эл,
Айиби оз бўлмаса,
Шунқорлиги билинмас.

Олтови соз бўлмаса.
Каттасидир Тўғиз, Ўр,
Чўпак, Мўнка асил шер,
Хуросону Обокли.

Ҳаммасини ботир дер,
Қанча аср, ой ўтди,
Сувлар оқиб сой ўтди,
Қўштамғали уруғдан
Добонбийдай бой ўтди.

Бошга кийган пўтадан,
Қарз сўраманг чўтадан,
Мен билмадим, ёронлар,
Добон қайси отадан.

Тулан итми ё Бармоқ,
Тиловат ё Қорақасмоқ
Ўтроқи ё Оқпичоқ
Зомбири, Қорақалпоқ?

Саврибузар ё Чалика,
Кўсами, Кал Чолбачча,
Мавлишми, Банди Кучук,
Кўчаҳўри энг кичик.

Қўлқамишдай кўл қолди,
Қарвон ўтди, йўл қолди,
Добонбийдан, ёронлар,
Алпинбийдан тул қолди.

Элас-элас бел қолди,
Хотин эрта тул қолди,
Алпин бийдай беклардан
Икки бирдай ул қолди.

Каттасига Бойбўри,
Кичигига Бойсари,
Деган асил ном кўйди,
Иккиси ҳам эл зўри.

Алқисса, шундай қилиб, Кўнғирот элда Добонбийдай бой ўтди. Добонбийнинг хотини, Санамгул дер отини, Санамгул эрта тул қолди, Добонбийдан Алпинбий деган ул қолди. Алпинбий икки ўғил кўрди, ўғилларига катта тўй берди, тепадан ўчоқ ўйди, сурув-сурув кўй сўйди, ўғилларининг каттасига Бойбўри, кичигига Бойсари деб ном кўйди. Энаси катта ўелига тўлғоқ тутиб турган кечаси эшик олдидаги кўтонга бўри оралаб, бир неча кўйни жоралаб кетгандан кейин туғилгани учун Бойбўри деб, кичик ўғлининг ранги сап-сарик бўлгани учун Бойсари деб от кўйди.

Икки фарзанд улғайиб, Бойбўриси шоҳ бўлди, Бойсариси катта бой бўлди. Кунлардан бир куни олтмиш тўрт уруф Кўнғирот элида бир катта чупоран тўй бўлди. Тўйга элу халқ қатори Бойбўри билан Бойсари ҳам келди. Лекин ҳеч ким буларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, тагига кўрпача ташламади, ошнинг устига гўштни чошламади. Шунда икки оға-ини баковулларнинг бу ишига ҳайрон бўлиб: «Биздан нима ўтдики, илгаригидай иззат-икромимизга етмадинглар?» - деб сўраганда, бир четда ўтирган бетта чопар бир киши шундай деди: «Эй Бойбўри билан Бойсари, сеникидир мол-дунёнинг бари. Бу дунё қайтар дунёдир. Кўй берсанг кўйда қайтади, бўй берсанг бўйда қайтади, тўй берсанг тўйда қайтади. Ўғиллининг ўелидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг кимингдан қайтади?» деди. Шунда бойларнинг жураги ғалт уриб, жойидан ирғиб туриб, дармони қуриб, лабини суриб, от-отиға миниб, уй-уйига кетди. Чунки Бойбўри билан Бойсари ёши бир ерни қоралаганда ҳам, соқоқолига оқ оралаганда ҳам бефарзанд эди.

Алқисса, Бойбўрининг ирисқиси қийилиб, алам журакка жийилиб, устига дунё ўйилиб, кўзидан ёши қуйилиб, уйига келиб таппа отдан ташлади. Хотини Кунтуғмиш оғим отини ушлади, тўрасини нохуш кўриб, уйга бошлади, қалин қилиб кўрпачани ташлади. Шунда Кунтуғмишойим эрига

қараб: «Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг?», деб бир сўз айтиб турган экан:

Душман кўрсанг бирин куймай лошладинг,
Сағир кўрсанг кўнглин доим хушладинг,
Салтанатни адолатман ушладинг,
Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг.

Сизни кўриб юрак-бағрим эзилди,
Мен найлайн нозик кўнглим бузилди,
Оқ гардандан ширин жонлар узилди,
Не сабабдан, бегим, кўзинг ёшладинг?

Хулкар бориб қибла бетга ботдима,
Ажал келиб, ё ёқадан тутдима,
Бир номарддан таъна гаплар ўтдима,
Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг?

Бирор сотқин давлатингни сотдима,
Қизил қонга бирон хешинг ботдима,
Ё бўлмаса, давлат бошдан кетдима,
Не сабабдан, бегим, кўзинг ёшладинг?

Мен ҳайронман кўздан оққан ёшингдан,
Сенга отган балким таъна тошингдан,
Тожи давлат кетдими, ё бошингдан?
Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг?

Боғда гуллар хазон бўлмай сўлдима,
Қиёмат кун бул бошингга келдима,
Ё бўлмаса, ёлғиз оғанг ўлдима,
Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг?

Ойна олиб гул юзимга қарайман,
Тароқ, билан сунбул сочим тарайман,
Кўз ёшингнинг сабабини сўрайман,
Не сабабдан, тўрам, кўзинг ёшладинг?

Ана шунда хон Бойбўри севган ёри Кунтуғмишга нима деярини билмай, хафа бўлиб, кулмай: Тириклайн мен ўлайин хон бўлмай, хонлик сўққабошимга на керак? Фарзандсиз шоҳ бўлгунча, фарзандли гадо бўлганим минг чандон яхши эди», деб кўз ёшининг сабабини баён айлаб турган ери эди:

Севар ёрим, кулоқ солгин сўзима,
Бу дунё гор кўринда кўзима,
Кайғу билан ўтди кишу ёзим -а,
Бефарзандга билгин ўлим лозима,
Шул сабабдан, бекам кўзим ёшланди.

Овлай десам, кўлда фозим бўлмаса,
Бахши бўлиб, кўлда созим бўлмаса,
Мен шўрликнинг кўрар кўзим бўлмаса,
Суйай десам ўғил-қизим бўлмаса,
Шул сабабдан, бекам, кўзим ёшланди.

Душман тани ер остида чирисин,
Олсин Худо, тожу давлат барисин,
Катта тўйга йиғиб ёшу қарисин,
Фарзандининг гапи элга парисин,
Шул сабабдан, бекам, кўзим ёшланди.

Баланд тоғнинг боши билгин қояди,
Ҳаво жовса, нор туялар тояди,
Бефарзанднинг йиққан моли зояди,
Яратганим бир тирноқдан аяди,
Шул сабабдан хумор кўзим ёшланди.

Терай десам, боғда гулим бўлмаса,
Сўзлай десам, сўзлар тилим бўлмаса,
Турай десам, асло ҳолим бўлмаса,
Тўй қилгали бирор улим бўлмаса,
Шул сабабдан хира кўзим ёшланди.

Мен ўлгансан ўчар сайиб дарагим,
Фарзанд бўлар чопадиган пироғим,
Орқамда қолмади бирон қароғим,
Изимда ким ёқар иси-чироғим,
Шул сабабдан хийра кўзим ёшланди.

Тожу давлат кетар бўлди-да, хайиб,
Мен шўрликман, йиғлайман-да, мунғайиб,
Бургут тепди белим бўлди-да, майиб,
Икки мурда қолар бўлди бесойиб,
Шул сабабдан сўқир кўзим ёшланди.

Куриган ёғочман, савла
Кўй-кўзим бўлди - керак,

Мен шўрлик ғарибга авлад на керак,
Натовон бошимга давлат на керак,
Шул сабабдан нурсиз кўзим ёшланди.

Нурар бўлди, қалаб чиққан қалогим,
Ошсиз бўлди тилла қуйган жалогим,
Курир бўлди шарқираган булоғим,
Ота сўзин эшитмади кулогим,
Шул сабабдан ногирон кўз ёшланди.

Фарзанд деган падарига сояди,
Фарзандли уй билсанг мисли уяди,
Ахир бир кун давлат бошдан тояди,
Бефарзанднинг йиққан моли зояди,
Шул сабабдан, бекам кўзим ёшланди.

Бойбўри шундай деб оҳ уриб, йўлбарсдай бўлиб нуради,
манглайини ерга тиради, ярим кечагача илондай тўлғаниб,
ўкириб жилаб, Аллохдан бир фарзанд тилаб, қуйиб-пишиб
йиғидан кўзи шишиб; кўзига уйқу келмай ётди, тонг ҳам
отди, укаси Бойсарининг олдига жетди. Инисига қараб бир
сўз деб турган ери:

Мен чертаман, юрак парда торини,
Сен эшитгин, шу юракнинг зорини,
Ҳадя этиб, манглайимда борини,
Мен кетаман, Макка сари юзланиб,
Тарк этаман, тожу давлат барини.

Бу дунёдан йиғлаб-сиқтаб ўтарман,
Ахир бир кун қуёш каби ботарман,
Бойсин элдан бошим олиб кетарман,
Ҳаққа қараб, бул юзимни тутарман,
Бефарзандман, мол-дунёни нетарман.

Тирикликда ким чопади орима,
Қулоқ солгин меҳрибоним зорима,
Эгасиздир, чўлда юрган норим-а,
Бир бел тупроқ менга ато қилмади.
Ким ташлайди, ўлганимда гўрима.

Эл олдида сўзлар тилим бўлмаса,
Боғ бўлса-ю, унда гулим бўлмаса,

Яйлов бўлиб, ўтлар молим бўлмаса,
Нима керак тожим билан давлатим,
Эга бўлар, бирор улим бўлмаса.

Қанотим йўқ, парвоз қилиб учқудай,
Бу фонийдан мендай оғанг кечгудай,
Фунча бору боғбон йўқдир очгудай,
Ўлим бору йўқдир кафан бичгудай,
Гўрим бўлар, фарзанд йўқдир қучқидай.

Оғажоним, эшит, менинг тилимни,
Ҳар бандага Худо солар ўлимни,
Биз шўрликка баңда берди зулмни,
Кўп экан-да, менинг қилган гунойим,
Ҳақ уйига бурар бўлдим йўлимни.

Энди билдим, қолмас мендан зурриёт,
Ҳақ йўлига чекиб кетайин фарёд,
Фарзандсизлик элда бўлди орият,
Тирикликдан энди менга фойда йўқ,
Худо уйин бориб қилай зиёрат.

Эгасиздир, мол-мулкимни нетаман,
Ҳақ йўлинда ширин жоним сотаман,
Бир кун келиб, бу фонийдан ўтаман,
Бу дунёда ёлғиз сенсан қароғим,
Рози бўлгин, оғам, Макка кетаман.

Тирикликда сенсан менинг пирогим,
Ҳам элимга, ҳам молимга қароғим,
Ёлғончида йўқдир, сайиб зирагим,
Кетар бўлдим, Ҳақ уйига юзланиб,
Ўлар бўлсам, ёққин ису чирогим.

Бу дунёга кепман, аттанг, кераксиз,
Ул равзага кетар бўлдим пироксиз,
Кетар бўлдим, Мунавварга сўроқсиз,
Сендан бошқа менинг оғам кимим бор,
Келмасам қолмайин, ису чироксиз.

Қўнғиротда эрқаланган кўзи бўл,
Элда қолиб, Бойбўрининг кўзи бўл,
Кўп бўлмагин элатимнинг ози бўл,
Қазом тўлиб Мунаввардан қайтмасам,
Эмақдошим, оғажоним, рози бўл.

Бойсари оғасидан бул сўзларни эшитиб, акаси Бойбўрига караб бир сўз деб турган ери экан:

Ёлғиз оғам, буйтиб чекма оху зор,
Фоний дунё сента бўлди жуда тор,
Иккимизни яратгандир баробар,
Ҳақ йўлини бугун қипсан ихтиёр,
Ўйлаб кўргин, сендан бошқа кимим бор.

Фарзандлига бу дунё оромдир,
Қизинг бўлса, сочи тўққиз буромдур,
Сен ҳам менинг юрагимда арамдир,
Кетар бўлсанг, Макка сари юзланиб,
Якка мозор бўлиш менга ҳаромдур.

Нега бунча зор йиғлайсан оға бек,
Бу оламда сенсан менга кўнгил тўқ
Юрагимга отма, ака тиели ўқ,
Кетар бўлсанг, Макка сари юзланиб,
Бул орқангда қолар мендай ука йўқ.

Бир эмчакни эмдик, сабил талашиб,
Бирга ўсдик, бир-биримиз силашиб,
Битта нонни еймиз бирга тилашиб,
Кетар бўлсанг, Ҳақ йўлига юзланиб,
Бирга ўлмоқ фарздир, ака, қолашиб.

Фарзандсиздан элинг қилди, бил, ҳазар,
Яратганим агар қилса, бир назар,
Билиб қўйгин ёмон шоҳдан эл безар,
Сендай акам якка мозор бўлгунча,
Сени билан мен бўлайин қўшмозор.

Сеңсан менинг миниб юрган пироғим,
Сен кетгансан, учар уйда чироғим,
Ўнг қўлимда ушлаб турган яроғим,
Бирга келдик, бирга-бирга кетамиз,
Сен бўлмасанг, элга йўқдир керагим.

Қайси йўлни тутсанг, мен ҳам тутаман,
Қайси сойдан ўтсанг, бирга ўтаман,
Ҳақ йўлига таңда жоним сутаман,
Мени билан розилашиб турмагин,
Сени билан Ҳақ уйига кетаман.

Бойбўри Бойсаридан бу сўзларни эшитиб, билдики, Бойсари ҳам элда қолмай: «Тири бўлсанг тириман, ўлик бўлсанг ўлиман», деб туриб олди. Алқисса, ака-ука дўст-душманни кулдирмай, элу халққа билдирмай Худонинг бешинчи фарзини адо қилиш учун пойу пиёда йўлга равона бўлди. Ака-уканинг алами ортди, пиёда қирқ кеча-кундуз йўл тортди. Охири ейдиган нони, ичадиган суви қолмай, Бойбури Бойсарига қараб: «Шу кетаётган ёлғиз оёқ йўлимиз кийик юрадиган йўлга ўхшайди. Чунки кийикнинг изи бор. Кийик дегани бир йўлдан бориб, бир йўлдан қайтади. Йўлни кессак, чуқур қилиб қазсак, устига шох-шаббани қўйсак, устига хас-хусни уйсак, овимиз барор олиб, бирон кийик чуқурга тушса, гўшига тўйсак», деди. Бойсари маъқул кўрди. Йўлни жуда чуқур қилиб ўйди, устига омонат қилиб, хас-хусни уйиб қўйди. Ўзлари ҳолис ерга бориб жотди, эртаси тонг отди, ака-ука қозган чуқурига кетди. Ака-ука чуқурга энқайиб қараса, хас-хуслар ичкарига ботибди, чуқурнинг ичида бир кийик типирчилаб ётибди. Зиёратчилар чуқурдаги кийикни ушлаб, кўнглини хушлаб, шундай қараса, кийик эрта-индин туғадиган. Жордай бўғоз ҳам чўлоқ экан. Шунда Бойбўри кийикни ушлаб турган укаси Бойсарига қараб бир сўз деб тургани:

Сен эшитгин мендай аканг сўзини,
Кўриб қўйгин жавдираган кўзини,
Қорни жордай бўвоз экан жонивор,
Қўйиб юбор, ёриб олсин кўзини.

Вайрон қилма бу ҳайвоннинг қалъасин,
Топиб олсин, ўйнаб юрган галасин,
Қўйиб юбор, Бойсарибек, бандини,
Эсон-омон тувиб олсин боласин.

Шул бўлгандир, юрар йўлнинг тутаси,
Тузоклигин билмагандир, хатоси,
Жониворни қуйиб юбор, Бойсари,
Йиғламасин биздай бўлиб отаси.

Қуйиб юбор, югиришдан толмасин,
Бир томоққа учта жонзод ўлмасин,
Озод айла, жониворни пичоқдан,
Бола излаб биздек сарсон бўлмасин.

Болам дебон, бағрин тузлаб юргандир,
Олислардан биз ёвузни кўргандир,
Ормон билан иккимизга бергандир,
Сени мендай қаддин букиб тургандир.

Чопа-чопа ахир изга қайрилар,
Туёқлари балчиқ лойга тойрилар,
Қўйиб юбор, қўлингдаги бандини,
Ҳам жуфтидан, ҳам боладан айрилар.

Биров юрар бола излаб йўлларда,
Бола қолар хазон бўлиб қўлларда,
Ҳам боладан, ҳам ёридан айрилиб,
Сарсон бўлмасин-да ота чўлларда.

Қўйиб юбор, бола қўлда ўлмасин,
Номард банди хундор бўлиб қолмасин,
Сенинг, менинг куним унга солмасин,
Якка қолиб, чўлда сарсон бўлмасин.

Жонзод борки, фарзанд дейди, тилайди,
Фарзанд кетса, бошдан давлат қулайди,
Мехр билан боласини жолайди,
Бул ҳайвон ҳам, сени мендай жилайди.

Бу сўзлардан сўнг Бойсари ўйланиб, очликдан боши айланиб, бир тамшаниб, бўйланиб кийикни қўйиб юборди. Ака-ука беҳол бўлиб ўзларича уришиб, бузук йўлда суришиб, бир тепага етди, хоригандан таппа-таппа ётди, бемажол уйқуга кетди. Бойбўри айни сахар туш кўрди. Бу тушини ҳар нарсадан пеш кўрди, хира кўнглини хуш кўрди. Тушида кийимлари оқ бўлган, ниятлари пок бўлган, насия эмас, нақ бўлган, оқ соқолли, қизил юзли қария кўринди. Қария: «Бугун улуғ иш қилдинг, юрагингни тош қилмадинг, кийикнинг кўзин ёш қилмадинг, хаёлингни чош қилмадинг, ғазабингни фош қилмадинг. Очликдан силланг қуриб турса ҳам, шафқатинг ошиб турди, мехринг тошиб турди, она кийикни озод қилишинг билан ноланг яраттанга етди, энди дилингдан ғубор кетди. Энди изингга қайт», деб қўлига бир камчи бир узук бериб кетди.

Бойсари ҳам худди шундай туш кўрди, аммо бобо унга камчи бермади, биргина узук берди, дуони тузук берди. Ака-ука бир пайтда сачраб уйғонса, тонг ҳам отиб қолибди, билмайди кеча шу тепада ётиб қолибди. Кўрганлари туш экан,

бошдан учган хуш экан, шодлигидан ҳар иккиси кўзида ёш экан. Ака-ука бир-бирига кўнглини ёриб, тушларини ўзича уйириб, худога минг бир шукроналар айтиб, жойидан туриб, секин-секин юриб «Яратган эгам муродимизни шу тепада берди, бу тепани унутмай Муродтепа деб юрайлик, энди изимизга қайтайик, хотинларимизга бор гапни айттайлик, тезроқ фарзанд кўриб орзумизга етайик», дейишиб, яна қирқ кунда Бойсунга қайтиб келдилар.

Шундай қилиб, Бойбўри билан Бойсари бир неча ойлар хотинларининг қорнига кўз остида қараб юрди. Уч ой ўтгандан икки овсиннинг бўйида хомиласи борлиги билиниб қолди. Алқисса, ойдан-ой ўтиб, кундан кун ўтиб тўққиз ой бўлганда Бойбўри билан Бойсари маслаҳатлашди: «Овга чиқсак, бир ўн кун ов қилсак, бойбичалар фарзанд топса, олдимизга суюнчига чопса, суюнчига тилла танга берсак», деб ният қилишиб овга чиқиб кетди. Кетганидан тўққиз кун ўтди, бойбичаларни тўлғоқ тутди, доя кампирлар ҳар томондан жетди. Икки овсин икки уйда бир вақтда фарзанд топди. Бойбўри улли бўлди, Бойсари қизли бўлди. Шунда икки уйдан икки шойдам отли йигитларнинг бойларга суюнчига кетаётган ери:

Яратган жонга понади,
Номард гапидан тонади,
Тов бетлаб ўчган сўнади,
Сувсаса қўлга кўнади,
Икки уйдан шойдам от,
Суюнчига жўнади.

Қаранг, икки кишига,
Кўймайди отнинг хушига,
Иргитиб товнинг тошига,
Чикди Кўлқамиш дашига,
Етти бойларнинг қошига,
Бирдан тайланди бошига.

Туёқдан ерлар қазилди,
Бадандан терлар сизилди,
Чопарлар кўнгли бузилди,
Маслаҳат шундай тузилди,
«Суюнчи», дейди чопарлар,
Саллага қараб чўзилди.

Қаранг, чопарлар тилига,
Бойларни қўймай ҳолига,

Кўнмайди туя, молига,
Энди кўшилди хилига,
«Суюнчи», дейди чопарлар,
Саллани олди кўлига.

Булбул сайрар гул билан,
Ёмон куйдирар тил билан
Айрилмагинда эл билан,
Урлашма биздай «гўл» билан,
Суюнчи бергин, Бойбўри,
Кутлаймизда ул билан.

Ўрдак учади ғоз билан,
Бахши кўйлайди соз билан,
Ҳазиллашмагин биз билан,
Гаплашмайлик сиз билан,
Суюнчи бергин, Бойсари,
Сени кутлаймиз қиз билан.

Тўккиз сурувдан кўй олди,
Икки сурувдан той олди,
Қирқ кадокдан чой олди,
Олтмиш мешдан мой олди,
Бу молларни боқишга,
Катта жайлов жой олди.

Суюнчининг таъмили шу бўлади, оғзига сикқанини олади, агар айтганини бермаса, бошяланг қолади. Бошяланг қолиш эса ор бўлади. Шунинг учун ҳам бойлар: «Мол кетса кетсин, ор кетмасин», деб юқоридагини суюнчига беришга мажбур бўлди.

Алқисса, бойларнинг насия пули нақ бўлиб, димоғи жуда чоқ бўлиб, овдан қайтиб уйига келди. Олтмиш тўрт уруғли Кўнғирот элининг ёшу қариси, катта-кичик бариси, «Кулли бўлсин»га келиб-кетиб турди. Бешик тўйига бойлар тараддуд кўрди, тўй тараддисиди пишди, етти кунда болаларнинг киндиги тушди. Чақалоқларнинг бешик тўйи қирқ кун давом этди. Тўйга Кўнғирот элининг ҳаммаси қатнашиб, ейиш-ичиш билан бирга кўпқари, олиш, турли ўйин кулгиларни ҳам томоша қилдилар. Тўйнинг тарқайдиган куни кутилмаганда бир қаландарсифат киши оралаб, одамларни саралаб, эмин-ғамин тўйхонага келаётир. Фаришта юзли, тийрон кўзли, одоб сўзли, қаландар ким бўлди экан, деб ҳамма

караётир, бир-биридан имо билан сўраётир. Алқисса, бу қаландарни Бойбўри билан Бойсари ҳам кўриб, жойидан туриб, мийиғида кулиб, тушида кўрган ғойибона пири эканлигини билиб, иккиси икки ийнидан тавоб қилиб, меҳмонхонага бошлади, фарзандларнинг икковини ҳам пирнинг этағига ташлади. Пири Бойбўрининг ўғлига Ҳақимбек деб, Бойсарининг қизига Барчиной деб от қўйди. Ҳақимбекнинг ийнига шаппат билан бир урди, беш панжанинг изи доғ бўлиб қолди, икки гўдакни икки тиззасига олиб, иккисига белги солди. Ҳақимбек билан Барчинойнинг орқа этағини бирга ушлаб йиртди. Икковини «этак йиртиш» қилиб унаштириб қўйди ва «Ҳақимбекнинг жоврини ерга тегмасин, иккови вояга етиб эри-хотин бўлсин, овмин аллоҳиакбар», деб дуо қилиб, туриб кетди, тўй ҳам охирига етди. Бу қаландарсифат киши одамларга доим яхшилиқ келтирувчи Хўжаи Хидир бобо эди.

Шундай қилиб, болалар кундан-кунга улғайиб бирга, бирдан иккига, иккидан учга ўтиб, тили чиқиб қолди. Шунда бойлар болаларининг ўткир зехнини кўриб мактабга берди. Ҳақимбек билан Ойбарчин бирга етти ёшгача мактабда ўқиди. Кунлардан бир кун бола эмасми, Ҳақимбек билан Барчинойнинг гапи чап тушди, униси у деди, буниси бу деди, иккови урушиб кетди. Ҳақимбек ўғил бола-да, Барчинойнинг сочидан тортиб йиқитди. Энди гап пишди, «Барчиннинг калласи тошга тийиб шишди. Барчин войвойлаб уйига кетди, энаси Олтинойнинг олдига жетди, ўлдим, деб ўзини жерга отди, кийими тупроққа ботди, эрка қиз эмасми анча вақт йиғлаб ётди. Олтиной қизини бул аҳволда кўриб, лабини буриб, тез-тез юриб Барчиннинг олдига келди. Қизини жойидан турғизиб усти-бошини қокди, қизига қараб шундай бокди. Барчиной йиғлаб туради. «Нима бўлди?» деб Олтиной сўради. Барчин: «Ҳақим сочимни бурди, бошимга урди», деб жавоб беради. Ана шунда Олтинойнинг ҳаҳри келиб, илондай ҳаҳри келиб, ёмон кўнгила бошлаб, Барчиннинг қўлидан ушлаб, «жувармак» деб, ер муштлаб, йўлини туталаб, қизини жсталаб, гапиролмай тутилиб, оғзидан тупирик отилиб, Бойбўрининг уйига келди. Ана шунда Ҳақимбекка қараб, қўлини белга тираб: «Нега қизимни урасан?», деб сўраб турган ери:

Билдим элга тўрасан,
Менга жавоб берасан,
Тўра бўлмай ўлгин, сен,
Нега қизимни урасан?

Эшит жувармак сўзимди,
Олтиной дейди, ўзимди,
Қорасондан қон қусқир,
Нега урасан қизимни.

Арча шохи ҳачча-ҳачча,
Берман қара, бойвачча,
Нега қизимни урасан,
Жувармак ўлгир хунопча.

Қизим сочини тутарсан,
Ялт этарсан, ботарсан,
Ҳалтгиндан буйтиб шошмагин,
Жувармақдан кетарсан.

Капангинангни пичайин,
Қўймасанг, бундан кўчайин,
Нега қизимни урасан,
Оғзигинангта чичайин.

Олтин жанжални бошлади,
Ҳақимга қараб ташлади,
Ҳой Овсин, деб Кунтуғмуш,
Олтинойни ушлади.

Олтиной шундай қаради,
Ёқага кўлин тиради,
—Қўйиб юбор мегажин,
Нега қизимни уради.

Суғираман тилингни,
Синдираман белингни,
Нега қизимни уради,
Тийиб қўйгинда улингни.

Қаранг, хотинлар ишига,
Энди келмайди хушига,
Қулочкашлаб солаётир,
Бир-бирининг бошига.

Бир-бирига душ бўлди,
Айрилиш қийин иш бўлди,
Чапараста олишди,
Каллага тушган муш бўлди.

Хотинликлари билинди,
Қора сочлари жулинди,
Чанг солади товукдай,
Тўлим бадани шилинди.

Ирисқилари қийилди,
Алам журакка жийилди,
Қанчиқ итдай олишди,
Тирноқлаб бетлар сўйилди.

Ёқалашди дикка-дикка,
Хез қилади тикка-тикка,
Қаранг, икки овсинга,
Олишади олчи-чикка.

Ҳис қилади тўрача,
Бурам сочи қорача,
Ҳаким билан Барчиной,
Аранг қилди орача.

Ана шундай қилиб, икки овсин бир-бирини жулиб, даханаки жанг қилиб, оғзидан келганича бир-бирини қарғашиб, уй-уйига кетишди. Бойсари уйига келиб қараса, хотини Олтинойнинг тўлим бадани жулинган, қош қабоғи шилинган. Шунда Бойсари: «Нима бўлди сенга, гапириб бергин менга», деди. Олтиной қабоғини уйиб, кўнглига бир ёмонликни туйиб, оташ ўтида куйиб, шундай деди: «Чечажонингиз дўст йиғлатиб, душманимни кулдирди, улсизлигимни билдирди, ичимни қора қонга тўлдирди. Ули қизимни уриб бошини шиширди, ўзи мени шу аҳволга туширди. Ёмондан қочда қутил ёки кўчда қутил деганларидек, бу мегажиндан қочиб қутилмасак, улини таъна қилиб, бизни қўймайди», деди. Бу гаплар Бойсарининг юрагига тошдай ботди, ўзини аранг тутди, миниб тўриқ отга, жайловга, Қўлқамишга кетди.

Бойсари Қўлқамишга кетаверсин, гапни Бойбўридан эшитинг. Кунлардан бир кун Бойбўри қараса ўғли етти ёшга тўлибди, саводи чиқиб мулла бўлибди. Шунча «Илми жетар», энди отда чопиш, қилич уриш, найза санчиш, камон тортиш, кураш тушиш ишларини ўргатайин деб, мактабдан олиб Қўнғиротнинг ботир бекларига топширди. Акасининг бу ишини кўрган Бойсари ҳам Бойбўрига аччиқ қилиб, Барчинойни «Қўлқамиш қўлида қўй соғишни, куби

пишишни, қурит қуритишни, жун титишни, ип ийиришни, кийиз қилишни ўргатайин», деб ўқишдан чиқариб олди, ўзига қарашли ўн минг уйли Қўнғирот билан «Акамдан нарироқ юрмасам бўлмас», деб яйловга кўчиб кетди.

Кунлардан бир куни Бойбўри Ҳақимбекнинг ботирлигини синамоқчи бўлиб, Қўнғирот элини жийдирди, сурув-сурув қўйдан сўйдирди, мучалаб гўшни қўйдирди, сагир-суғурнинг қорнини роса тўйдирди. Ҳақимбекнинг Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйи бор эди, Алпинбийдан сўнг ҳеч ким кўтаролмай хор эди. Етти ёшли Ҳақимбек ана шу ўн тўрт ботмон парли ёйни қўлига ушлаб, димоғини хушлаб, «Ё худо», деб кўтариб осмонга пишлаб, ёйни тортиб қўйиб юборди. Ўқ яшиндай бўлиб ўтди. Асқар товга жетди, Асқар товнинг бир чўққисини жулиб кетди. Йиғилган халқнинг бариси, ёшу қариси, Ҳақимбекнинг кучига хайрон бўлиб, тасаннолар ўкиди. Қўнғиротнинг мўйсафидлари кўп бўлиб, бир ерга тўп бўлиб: «Дунёда бир кам тўқсон алп ўтган, алпларнинг зўри Рустами достон бўлган, охиргиси Ҳақимбек алп бўлсин, Алпомиш бўлсин деб, Ҳақимбекка қўлларини очиб дуо қилдилар. Шундай қилиб, Ҳақимбек етти ёшида Алпомиш алп деган номни олди, элга кўп гап бўлиб қолди.

Бир куни Алпомиш китоб ўқиб, увол-савобдан тўқиб ўтирганда, отаси Бойбўри келиб, ўғлининг китоб ўқиётганини билиб: «Ўғлим, мана ботиру мулла бўлдинг. Нима яхши, нима ёмон, нима фарзу нима суннат, нима ҳалолу нима ҳаром, ким сахию ким бахил эканини билган бўлсанг, шулардан айтсанг» деб сўраб қолди. Алпомиш отасига қараб: «Аллоҳга иймон келтириш, беш вақт намоз ўқиш, йилда бир ой рўза тутиш, моли закотга етса, закот бериш, иложи етса, Маккаи мунавварани зиёрат қилиш фарзидир. Кишининг кўнгли нимани тортса, ҳаром бўлса ҳам ҳалолдир, кишининг кўнгли тортмаган нарса ҳалол бўлса ҳам ҳаромдир. Кимдир мол дунёсини одамлар билан баҳам кўрса сахийдир, топганини қизғаниб босиб еса, бахилдир», деб жавоб берди. Бойбўри бу сўзларни эшитиб ўйлади: «Ёлғиз укам Бойсарини номоз ўқийди, рўза тутади, аммо молига закот бермайди, Худонинг бир фарзини бажармайди. Мол дунёсини босиб еб бахилга дахилдор бўлибди. Мен Бойсаридан закот олиб, бу йўлдан қайтармасам бўлмас» деб ўйлади. Бойбўри ўн тўрт маҳрамни Бойсаридан закот олиб келиш учун жўнатди.

Бойсари ўн минг уйли Кўнғиротнинг сап ақрабо ва бойваччалари билан бир баҳмал ёпилган ўтовда қимиз ичишиб, кайфи-сафо қилиб ўтирган эди. Бир маҳал ўн тўрт маҳрам муритини буриб, оёғини узангига тираб, Бойсари бойди сўраб, бир сўз деб турган ери:

Кўлкамишни жойлаган,
Сурувлаб кўйни ҳайдаган,
Қозикқа бедов байлаган,
Меҳмон келса уйига,
Заррин кўрпа тайлаган,
Бойсарибой уйдама?

Бўй-бўйлашган бўйдама,
Чўпонлари кўйдама,
Адир-қир сойдама,
Ё бўлмаса туйдама,
Ёки бирон уйдама,
Бойсарибой уйдама?

Шарқираган сойлари,
Боқиб юрган кўйлари,
Чўпон чалган найлари,
Кишнаб чопар тойлари,
Овулнинг эли бойлари,
Бойсарибой уйдама?

Ойлар неча-нечалар,
Ҳолин билмас бир нечалар,
Чопқиллаб юрган бачалар,
Кубини пишган чечалар,
Қурит сузган байбичалар,
Бойсарибой уйдама?

Кўлкамиш деган кўллари,
Очилсин жайлов гуллари,
Ширин суҳандон тиллари,
Пиру бадавлат чоллари,
Овулнинг қизу уллари,
Бойсарибой уйдама?

Йиғилган ёшу қари,
Чўкибди туя-нори,
Бойсарининг чўпонлари,

Катта-кичик хизматкори,
Шулдир маҳрамлар зори,
Бойсарибой уйдама?

Огни майдонда желамиз,
Югуриб хизмат қиламиз,
Душман бағрини тиламиз,
Кўнғирот элдан келамиз,
Бойбўридан бўламиз,
Бойсарибой уйдама?

Шунда Бойсарининг хизматкорлари маҳрамларни отдан тушириб, отларини қозикқа бойлаб, Бойсари ўтирган уйга бошлаб боришди. Бойсари меҳмонларга тўрдан жой берди, гўшг оралаш мой берди, боз устидан чой берди, «Қани йигитлар Бойбўридан келган бўлсаларингиз нима хизмат билан келдинглар», деб сўради. Шунда маҳрамлар: «Биз Бойбўридан закотчи бўламиз, молингизни закот қиламиз, закот берсангиз оламиз, Бойбўри акангизнинг буйруғи шул бўлди», дейишди. Бойсари маҳрамлардан бу гапларни эшитиб, тепа сочи тикка бўлди, ирғиб туриб олчи-пикка бўлди, сергақланди, ҳаққа бўлди. Қажри келиб, Олғиной билан Кунтуғмишой чечасининг ёқалашгани эсига тушиб захри келиб, қош-қовоғини уйирди, маҳрамларни «ушланглар» деб буйирди. Хизматкорлар маҳрамларни таппа-таппа ушлади, бошига камчи тайлади, оёқ кўлини бойлади. Бойсари маҳрамларнинг ҳаммасини бир ерга тикдириб, еттовининг қорнига қозик қоқтирди, маҳрамларнинг шўрини қистириб, еттовининг кулоқ бурнини кестириб, айтганига кўндириб, отига чаппа миндириб, эгарга маҳкам байлаб, «Мана Бойбўрига закот» деб отларни совришга беш-олти камчи тайлаб, келган йўлига қаратиб ҳайдаб юборди. Бойсарининг кўнгли ғаш бўлиб юраги тош бўлиб ўйлади: «Акамни худо урибди, ихтиёрни ўзига берибди, хотинининг гапига кирибди, ул-сизлигимни билибди, шунинг учун закот қилибди», деб йиғилганларга маслаҳат сўраб бир сўз деб турган экан:

Мен найлайин, кўнглим бўлди бугун ғаш,
Акам курсин, отди менга таъна тош,
Бу таънага беролмадим ҳаргиз дош,
Бойбўридан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Дўст йиғлатиб, душманимни кулдириб,
Юрак бағрим пора қилиб тилдириб,
Вой аттанга ! Улсизлигим билдириб,
Закот дебди, маҳрамларни елдириб,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Ҳакимбеги билинг мулла бўлибди,
Закотсиз молларни харом қилибди,
Мен шўрликнинг улсизлигим билибди,
Шул сабабдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Ҳакимига ихтиёрни берибди,
Кунтуғмишнинг гапларига кирибди,
Улсизманда, менинг шўрим қурибди,
Шул сабабдан закот дейди турибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Келтирмоқчи элу халқнинг ғашини,
Едирмоқчи кузғунларга лошини,
Эмчакдошим отди таъна тошини,
Қайга урсин, Бойсарибой бошини?
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Миннат қилди, акам улу қизини,
Амал қилди, хотиннинг сўзини,
Ҳурмат қилинг, мен нотовсен тузини,
Қайга урсин, Бойсарибой ўзини?
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Адир, кирда гул очилар баҳорда,
Булбул қушлар маст бўб сайрар саҳарда,
Закотлар келди эрта наҳорда,
Бойсарининг ичган оши заҳар-да,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Устима кийганим яшил кўк эди,
Ўз оғамга билинг кўнглим тўк эди,
Тиркаганим қора нору лўк эди,
Закот деган бу эллатда йўк эди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.

Ана шундай йиғилган халойиқдан ҳеч бир садо чикмади.
Ҳар бир йиғинда тўрдан жой тиймай, бир пиёла чой

тиймай, бўсағада жандасига ўраниб, тирсагига тираниб, тирсагига ер ботган эди, Ёртибой деган оқсоқол кавишларга оралашиб ётган эди. Тўрда ўтирган манман деган оқсоқоллардан ҳеч гап сўз чикмагандан кейин, Ёртибой ўрнидан туриб, кавишларини бир томонга суриб, юзини Бойсарига буриб, бир сўз деб турган экан:

Яратгандан бепормон иш бўлама,
Хозон бўлмай боғда гуллар сўлама,
Қазо тўлмай қашқа чивин ўлама,
Оға-ини, беклар, сендай бўлама?
Маслаҳатни бегим ўзинг биласан.

Шукр қилгин, Барчинойинг қаламқош,
Кўзгинангдан оқизмагин селаб ёш,
Бойбўридан отилибди таъна тош,
Биринг ака, биринг ука, қариндош,
Маслаҳатни, бегим ўзинг биласан.

Бойбўридан элга закот келибди,
Закот дебди, беодоблик қилибди,
Йиғилганлар бунинг барин билибди,
Закот дебди, юрак бағринг тилибди,
Маслаҳатни, шоҳим ўзинг биласан.

Мард йигитлар чопар элнинг орига,
Қулоқ солгин Ёртибойнинг зорига,
Савдогарлар ортар юкин норига,
Маслаҳат бермаймиз Бойсарибойга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига.

Маслаҳатга йиғиб шунча кишини,
Биз билмадик Бойбўрининг ишини,
Ғожирларга едиради лошини,
Кимки сенга берса бугун маслаҳат,
Аканг жудо қилар тандан бошини.

Ханжар санчиб, юрак-бағрин тилдирар,
Хазон қилиб, ранги-рўйин сўлдирар,
Хон Бойбўри зўрлигини билдирар,
Ичак-қорнин қора қонга тўлдирар,
Ким маслаҳат берса тайин ўлдирар.

Йиғилгандир бу мажлисга дўсти-ёр,
Бир Худойим ҳаммамизга мадаткор,

Шукр қилгин, ул бўлмаса қизинг бор,
Мана элда ўйнаб ўссин бахтиёр,
Нима қилсанг ўзингдадир, ихтиёр.

Ёмғир жовса, дағар ерлар ҳўл бўлар,
Молни боқса, эгиз-эгиз тўл бўлар,
Қиз демагин, ул ўрнида ул бўлар,
Маслаҳатни бегим ўзинг биласан,
Яртибойнинг айтган гапи шул бўлар...

Бойбўри Яртибойдан бу гапларни эшитиб, кўнглида ҳар хил гапни пишитиб, йиғилган халойиққа қараб бир сўз деб турган экан:

Кулоқ солинг, Бойсарининг тилига,
Дайди турна кўшилади хилига,
Тушар бўлдим бу Кашалнинг йўлига,
Қариндошлар менда бўлса ихтиёр,
Кўчар бўлдим мен ҳам Қалмоқ элига.

Давлат кўнса бир чивиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Чидолмадим ака таъна тошига,
Агар менда бўлса бугун ихтиёр,
Кўчар бўлдим Чилбир деган дашига.

Билдингизлар Бойсарининг ҳолини,
Тутар бўлдим айрилиқнинг йўлини,
Миннат қилди, акам, менга улини,
Қариндошлар, менда бўлса ихтиёр,
Сабил қилиб кетай Кўнғирот элини.

Таъна қилди, юрак бағрим эзилди,
Мунчок бўлиб кўздан ёшим тизилди,
Бу жудолик манглаймга ёзилди,
Шул сабабдан кўчар бўлдим Қалмоққа,
Ўз акамдан менинг кўнглим бузилди.

Ўз элимда сиғинди бўб юргунча,
Ўз акамдан бундай зулм кўргунча,
Ўз молимга ака эга тургунча,
Қалмоқ бориб, жузья бериб юраман,
Ўз оғамга ўзим закот бергунча.

Қанотим йўқ, қандай қилиб учаман,
Миннат қилди, ширхўрадан кечаман,

Закот деса, ҳам ёнаман, ўчаман,
Агар менда бўлса бугун ихтиёр,
Закотни бермайман, Кашал кўчаман.

Қалмоқ бориб майли қонлар ютайин,
Ёлғизликда юрак-бағрим сўтайин,
Улсизманда, ғариб бошим нетайин,
Оқ кўнгилман жавоб берсин элатим,
Бошим олиб, Қалмоқ юртга кетайин.

Элу халқим эшит, айтган сўзимни,
Хизмат қилиб единг ошу тузимни,
Улсизманда, таъна қилди қизимни,
Жавоб беринг, энди менга, қариндош,
Танҳо олиб қочай, бундан ўзимни.

Ана шунда йиғилган халойиқ Бойсаридан бу сўзларни эшитиб, нима деярини билмай, ғамгин туришди. Кулмай, Ёртибой оқсоқол халойиқдан ҳеч қандай садо чиқмагандан кейин, Бойсарига қараб яна бир сўз деб турибди:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсан давлатингни кам дема,
Қалмоқ борсанг яйловини кум дема,
Мен айтайин, Ёртибойни шум дема,
Кетар бўлсанг бундан қочиб Қалмоққа,
Бул элатни қолар дебон, ғам ема.

Қайга борсанг бирга-бирга борамиз,
Қалмоқ бориб куда билиш бўламиз,
Қазо тулса оша юртда ўламиз,
Бориш-келиш қариндош бўб қоламиз,
Бойбўридан инсоф кетди билдим, мен,
Сендан қолиб, бунда нима қиламиз.

Хазон бўлмай, қизил гулин сўлдирар,
Закот дебди, айтганини қилдирар,
Ёмон одам золимлигин билдирар,
Қорин ёриб ичак-бағрин тилдирар,
Кетар бўлсанг Қалмоқ элга бош олиб,
Қолганларни билгин, тайин ўлдирар.

Бойбўрибой айтганини қилади,
Қиёмат кун бошимизга солади,
Закот дебди, ул шумликни билади,
Мирғазаблар устимизга келади,

Кетар бұлсанг, Қалмоқ элни ахтариб,
Қолганларнинг молин териб олади.

Нима десанг, айтганингни тугамиз,
Молни хайдаб, тоғу тошдан ўтамиз,
Насиб бўлса, Қалмоқ элга жетамиз,
Қимиз ичиб, маза қилиб жотамиз,
Закот дебди Бойбўрини нетамиз,
Юртни кўрнамакка ташлаб кетамиз.

Закот дейсан, ғамгин бўлиб турасан,
Бундан кўчиб, Катал элга борасан,
Жойлов олиб, эркин бўлиб турасан,
Барчинойни яхши жойга берасан,
Қарабсанки, Қалмоқ юртда тўрасан,
Бойбўридан шунда оринг оласан.

Ёртибойдан турган халойиқ, бу гапларни эшитиб, Ёртибойнинг гапи тўғри деб кўнглида пишитиб, Бойбўрининг инсофи кетибди, зулми ҳаммага ўтибди, бирга кўчамиз дейишиб ётибди. Шунда ўн минг уйли Қўнғирот элининг ичида Зокир, Бакир, Шокир деган уч оғайни ўртача бой бор эди. Уч оға-инининг тўнғичи Зокирбой йиғилган халойиқ ва Ёртибойга қараб: «Ҳой, нега халқни бузаётибсан, Ёртибой айёр, қаерда сенга яйлов тайёр, ўзинг-ку, ўласи хайёр, закот дебди Бойбўри ҳақ, чанга ботибди устингни қоқ, гапимга қулоқ солиб берман бок, сўзларимнинг мағзини чоқ», деб турган ери:

Тулпор отлар қолишмайди жуйрукдан,
Кўркмагинда закот деган буйрукдан,
Олисдаги бетайинли куйрукдан,
Яқиндаги есанг, ўпка яхшироқ.

Сайлаб минсанг сурувдаги пирокдан,
Етказади, сабил, йувиқ-йирокдан,
Олисдаги ярқираган чирокдан,
Уйга тушган ой шуъласи яхшироқ.

Дунё ўтар, талашманглар сиз-биздан,
Сира еманг миллатли бўлган туздан,
Дигар юртда айтилган катта сўздан,
Ўз уйингда индамасанг, яхшироқ.

Юрт қадрин сўранг, ғариб бўлгандан,
Эл қадрин сўранг, йиғлаб тургандан,

Оша юртда подшоҳ бўлиб юргандан,
Ўз элингда гадо бўлсанг яхшироқ.

Бошқа юртда очилмайди гулгунча,
Сарсон бўлар юртга қайтиб келгунча,
Миннат бўлиб, қанду асал егунча,
Уйингдаги қаттиқ нонинг яхшироқ.

Тойтолашманг, асло номард шерикдан,
Яхшилиқни кутманг, кўнгли ириқдан,
Фариб бўлиб, мозори йўқ тириқдан,
Ўз юртида ўлган ўлик яхшироқ.

Фариб қуллар зор йиғлайди куйгандан,
Биров фарзандини қучиб суйгандан,
Қалмоқ бориб, нугай этик кийгандан,
Бунда қолиб, чориқ тортган яхшироқ.

Фариб бўлиб, кўзин ёшлаб тургунча,
Еган ошга заҳар солиб берганча,
Кашал бориб мусофир бўб юргунча,
Бунда қолиб, закот берган яхшироқ.

Қалмоқ бориб куннинг йиғлаб ўтара,
Бегона қўл бул ёқандан тутара,
Қачфаҳимлик қилмагинда Ёртибой,
Мусофирлик юрак-бағринг сўтара.

Олло ҳақдир, бир худога жилайин,
Риски-рўзим яратгандан тилайин,
Мен бормайман Қалмоқ элни ахтариб,
Майли ўлсам, ватанимда ўлайин.

Аввал ўйлаб, ўнг-сўлингга боқиб ол,
Кетар бўлсанг, яроғингни тақиб ол,
Зокир айтди буни билгин Ёртибой,
Айтган гапим мағизини чақиб ол.

Ана шунда Зокирбойдан ушбу гапларни эли бойлар эшитиб, Зокирбойни номаъкул билиб, уни порасатсизга чиқаришди. Ёртибой оқсоқолнинг айтган сўзи ўн минг уйли Қўнғиротнинг катта-кичиги барига маъкул тушди. Бойсари қаерда бўлса, биз ҳам шу ерда бўламиз», дейишади. Ўн минг уйли Қўнғиротнинг бойлари шундай бой эдики, молларининг сонини билмас эди. Қўйларини сурувлаб, йилқилари-

ни уорлаб, туяларини галалаб санар эдилар. Палончининг кирк сурув кўйи, ўн бир йилқиси, беш гала туяси бор дейишиб гапиришар эди. Ўн минг уйли кўнғиротнинг қазокалонлари молининг ҳисобини ўзлари билмасалар-да, Бойбўридан келган закотни ситам деб билдилар, кўнгилларига олдилар. Ана энди кўринг томошани, Қалмоқ юртга кўчамиз деб, чўпону чўлиқларга, сайису мирахўрларга, сарбону туякашларга, хизматкорларини чоптириб, чапараста от чоптириб, хабар юбора бошлади. Кўч-кўчдан хабар келди, кўзлардан уйқу ўчди, Бойсун-Кўнғиротдан кечди, душ-душдан кўчди. Туяларини чўктириб, айронларини тўктириб, ўтовларини буздириб, қатикларини суздириб, туя-отларга ортиб, жуқларни маҳкам тортиб, қий-қийлашиб чувлашиб, бир-бирини қувлашиб, бир хиллари куйиниб, бир хиллари суйиниб, айтганига кўндириб, бола-чақани от-уловга миндириб, толатўп бўлиб, оз эмас, кўп бўлиб, якка эмас, жуп бўлиб чапараста кўча бошлади. Кўча-кўч деб кун тувиб, чўпонлар молларни олдига солиб қувиб ҳай-ҳайлаб ҳайдай бошлади.

Ана шунда Барчиннинг энаси Олтиной ҳам сайисларга бир тўриқ отни сошлаб, Барчинни кўзлаб, жиловидан ушлаб, тилло эгарнинг устига пар кўрпачаларни ташлаб, кўнглини хушлаб, қирқин-қизни бошлаб, йўлини тўталаб, тўриқ отни жеталаб, Барчиннинг олдига келди. Ана шунда Барчиной чини билан Қалмоқ кетарини билиб, кўздан ёши сел бўлиб, ёқалари ҳўл бўлиб энасига қараб бир сўз деб турган экан:

Энажоним, эшит, айтган сўзимни,
Эгарлаб келибсан тўриқ бўзимни,
Сарғайтириб ойдаи бўлган юзимни,
Термилтирдинг икки бирдай кўзимни,
Бой отамман, бий бобомга не бўлди?

Хит билибди, бий бобомнинг сўзини,
Хурмат қилмай Кўнғиротнинг тузини,
Қалмоқ бориб кейин билар ўзини,
Бой отамга нима бўлди, энажон,
Той талашга қўяр бўлди қизини.

Энажоним, эшит менинг зоримди,
Сенга айтай, юрагимда боримди,
Абзаллаб келтирдинг йўрға тўримди,
Бой отамга нима бўлди, меҳрибон,
Бу кўчишинг, эна, менинг шўримди.

Муштипарман, мен кўрқаман бўзингдан,
Қизинг айлансин-да қошу кўзингдан,
Ихтиёринг кетар билгин, ўзингдан
Ғарибликда кўп пушаймон бўларсан,
Қалмоқ бориб, айриласан қизингдан.

Учқир эдим қанотимдан қайрилиб,
Тўлпор эдим туёғимдан тойрилиб,
Кетар бўлдим элу халқдан айрилиб,
Муштипарман, не иш келар кўлимдан,
Яна кўрар куним борми қайрилиб?

Бунда турмай, қалмоқ элга борарсан,
Қалмоқлардан кўп зулмни кўрарсан,
Ана шунда эл қадрини биларсан,
Унда бориб, ёлғиз қиздан айрилиб,
Бориб сўнгра кўп пушаймон қиларсан.

Ана шунда Олтиной қизидан бу гапларни эшитиб, Бар-
чиннинг кўнгли ғамгин эканлигини билиб, бунга тасалли
бериб, бир сўз деб турган экан:

Не сабабдан болам кўнглинг бўласан,
Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб куласан,
Озроқ вақт Қалмоқ элда бўласан,
Ундай дёма, энанг сендан айлансин,
Насиб бўлса ўз элинга келасан.

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Ғунча гулсан, хазон бўлиб сўлмагин,
Илоҳим ҳеч Қалмоқ элда қолмагин,
Насиб бўлса яна қайтиб келасан,
Лодон кўнглинг ҳар томонга бўлмагин.

Кўлдан кетмасинда бугун номуслар,
Мен найлайин, энанг қурғир муштипар,
Мунгайиб йиғлама, болам зулфакдор,
Насиб бўлса элга қайтиб келарсан,
Ҳадди борми зулм қилиб қалмоқлар.

Қизим эшит энанг айтган тилини,
Учиб-учиб турна топар хилини
Бугун сабил қилдик Кўнғирот элини,
Кўчиб кетар бўлди, отанг эл билан,
Эсдан чиқар, бобонг тентак улини.

Олтиной дейди, болам, ўзимди,
Қулоқ солиб, эшит айтган сўзимди,
Хафа қилдим, сендай сулув қизимди,
Бутун элат кўчар, Қалмоқ элига,
Элат билан бирга кўчмоқ лозимди.

Элат билан бирга-бирга борасан,
Қизлар билан айқанглашиб юрасан,
Тақдирингда нима бўлса кўрсан,
Насиб бўлса яна қайтиб келасан,
Ўз юртингда ўйнаб даврон сурасан.

Сенинг кўнглинг отанг қурғир билмади,
Кўп гапирдим, назарига илмади,
Шунча сўзни отанг қабул қилмади,
Ўн минг уйли элат кўчиб боради,
Жоним қизим, отланмасанг бўлмади...

Султон Ислон тутди халқнинг қўлидан,
Бошлаб борди Истиқлолнинг йўлидан.
Малик, Олим ёзди бахши тилидан,
Совға бўлсин Сурхондарё элидан.

Хушвақт бахши Мардонакул ўғли

АЛПОМИШ*

(Достондан парчалар)

Дўмбирам қўлга ушлайин,
Дўстлар кўнглин хушлайин,
Арзимни тингланг халойиқ,
«Алпомиш»ни бошлайин.

Хўў, азизлар, айтмоқ биздан, эшитмоқ сиздан, айтадиган бўлдик: Ўн минг уйли Кўнғирот элдан, ҳозирги Сурхон воҳасининг дили Бойсун туманининг бундан минг йил илгариги номи Хўжаиканд эди, янтоқлари шакарқанд эди. Шунинг учун Хўжаиканд аталган. Кейинчалик у Хўжанд бўлиб кетди. Алпомиш шундай юртда даврон суриб ўтди.

* Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Т. Турдиев (достондан парча қандай эълон қилинган бўлса, шундай келтирилди).

Алпомишнинг авлодини айтадиган бўлсак, бош бобосини Добонбий дейишар, Добонбийнинг Олпинбий деган ўғли бор эди. Олпинбийдан иккита ўғил бўлиб, бирови Бойбўри, иккинчиси Бойсариди. Бойбўри Хўжаикандда бек бўлди. Бойсариди эса беш минг кўйли бой бўлди.

Бойсарихон акасининг қошига келиб, ху Бойбўри, менин кўйларимни томоша қил, серкаларимни томоша қил, кўнгли изза бўлмасин, деб Бойбўрибек айтиб қолди:

Сўм-сўм тилла, сўм тилла,
Сувга солса ботмасин.
Худо берган давлатинг,
Тепкиласа кетмасин.
Кўшоғининг бошига,
От чоптирса етмасин.
Кўйинг кўйни жойласин,
Карсон кўйруқ бойласин.
Эгиз-эгиз, эгиз тув,
Эринмасанг учов тув.
Бировини Ҳасан кўй,
Бировини Ҳусан кўй.
Бировини Ёқуб кўй,
Бўйнига мунчоқ тақиб кўй.

Шуйтиб, булар бек экан, бой экан; битта айби бор экан: икковиям бефарзанд — афгор экан.

Бир куни Бойбўрининг кўнгли изза бўлиб, алами тоза бўлиб, фалақдан шикоят қилиб, Бойсарининг қошига борайин, Олло таолодан бир фарзанд тилайин деб яна кўздан қатор-қатор ёш тизилди, кўнгли бузилди, эй дунё, сенга келиб кимнинг кўнгли шод бўлди, кимники ношод бўлди? Менга шунча мол-давлат, бахт бердинг, тожу тахт бердинг: ўлар вақтимда орқамда қоладиган бир зурриётим бўлмаса, тобутимни сояси, ўлигимнинг эгаси бўлмаса, бу дунёнинг, бу ташвишнинг менга нима кераги бор? Эгам мени қайларга отдинг, мунча йиғлатдинг деб фалақдан шикоят қилиб, бедов отининг белига миниб, Бойсарининг уйига бораётган жойи экан:

Ерда қолар бўлди жасад,
Мен қилдим маккора касофат.
Йиғлайман, зор-зор найлайн,
Ҳаққа етсин бул муножот.

Кўрган кунларимиз зиёда,
Қолдим дунёда пиёда.
Кўзимга дунё тор эди,
Нима гуноҳим бор эди...
Бўшади бекни уяси,
Кимга тегади сояси,
Бир зурриётим бўлмай,
Охиратга юзлансам,
Ким ўлигим эгаси...
Бир хиллар келди-я, дунёга,
Олам эски кимлар яшар,
Яйловга сифмас от билан.
Кимларда ул, қиз — давлат,
Кимлар — хур, паризод билан.
Кимларда кўра-кўра мол,
Сурув-сурув қўй билан.
Кимлар овунишиб ўтар,
Маърака-тўй, обрўй билан.
Мен шўрликни адо этдинг,
Жилатиб охир вой билан.

Дод деганча Бойбўри,
Дардга дармон тилайди.
Кўзларида шашқатор,
Тўйиб тўйиб жилайди.
Қийғир леган қушлар бор,
Кўринмайди қиёда.
У шўрликнинг дардлари,
Аламлар бўлди зиёда.
Бу нимадан ёронлар,
Савдо тушди бошига.
Шуйтиб борганин билмас,
Бойсарибек қошига.

Ана шунда Бойбўри қаддини букиб, зор-зор ёш тўкиб, укаси Бойсарининг ўтовига тушиб, «У оғама, бу дунё менга торлик қилди. Ошинг ҳам керагамас, гўшинг ҳам керагамас, Кўнғирот отинг ҳам керагамас, хайр десанг тулпор отингни минасан, мен билан шикорга инасан, қуш овлаб, кийик овлаб юрагимиздан бир черни чиқармасак, нима деган киши бўламиз. Сендаям бир зурриёт бўлмаса, мендаям бир зурриёт бўлмаса. ким бўлиб ўтамиз бу ноқис дунёдан. Оллодан тилайлик: Хизр юрган чўлларга гапг қилайлик», деди.

Анда Бойсари ҳам шундай зорланган эмасми, хайр ака, менга ҳам беш минг қўй бергунча битта қиз берса бўлмасмиди, деган гап оғзидан чиқди. Шунда иккови иккита тулпор отни миниб, отларга мамиз* бериб, Туркан дарёсидан кечиб, Хужайконга етди. Сўнасуқсур овлаб, бир тубанинг устига чиқиб, иккаласи ҳам ерга таппа-таппа тайлади, отларини гулмихга бойлади. Шуйтиб, ўзлари тубанинг устига чиқиб ётганида, Бойбўрининг кўзи уйқуга кетди. Тушида уч киши келиб: «Тургин, Бойбўри, оҳинг Худога етди. Сенга Олло бир ўғил, бир қиз берди, уканг Бойсарига бир қиз берди. У ёғини Олло биледи, жойингдан тур, хушхабарни ол», дегандай бўлди. Бойбўри чориллаб жойидан туркалиб, кўзидан қатор-қатор ёш тизилиб, қўнгли бузилиб, тур, Бойсари, оҳимиз Худога етди, деб Бойсарига айтаётган сўзи:

Ўзи эди мени зор-зор йиғлатган,
Ўзи эди мендин зурриёт тилатган.
Ўзи эди қатта тоғни қўлатган,
Ўзи эди тоғлардан ҳам йўл очган.
Ўзи эди Одам Ҳаво қратган,
Ўзи бўлди оғам мени юпатган.
Шоирларда бийрон-бийрон тил бўлар,
Бир худонинг зикрин айтса авлиё,
Мен шўрликка битта қизу ул бўлар,
Меҳмонингнинг еган оши туз бўлар,
Дунёнинг зийнати сизу биз бўлар,
Овмин дегин қўлинг ечгин оғажон,
Сен оғамга зар каклик қиз бўлар.
Хурсанд қилай қувнаб ўсган элимни,
Хизр бобом боғлагандир белимни.
Берганига шукр қилай оғажон,
Ҳақ йўлига қурбон қилай молимни.

Бойсари ҳам бу гапни эшитгандан кейин кўзидан қатор-қатор ёш келиб, иккаласи кучоқлашиб қўришиб, отларига қайта миниб, мамлакатига келиб, Бойбўри тахтига ўтириб, кўрган тушининг таъбирини айтиб, олти ой тўй бериб, деди:

Фидо айладим жонимни,
Олло берди армонимни.
Арзим эшит, Хўжанд эли,
Айтай энди имконимни.

*Мамиз — рағбат, ҳа баракалла, ҳу барақалла, деган маънода.

Шоирлардайин куйладим,
Ажаб сўзларни ўйладим.
Учта зурриётинг хурмати,
Зиндонда ётгана кулларни,
Барисин озод айладим.
Дуолар билан чечилсин,
Мард одамнинг кишани.
Фарзанд бўлади, бўйингдан,
Ота-энангнинг нишони.
Кўлинг очиб дуо қилгин,
Гала ўзбекнинг-а, эшони.
Куйди совурнинг жоласи,
Ҳаққа етгандир ноласи.
Кўлин очиб дуо қилди,
Жажжи Ҳакимнинг холаси.
Ботир бўлади оғалар,
Одамзотнинг ғайири.
Отларга чап бермайди,
Оққан дарёнинг айири.
Кўлинг очиб, дуо қила,
Тоштемирдайин шоири,
Ошпаз ошингни пиширгин,
Тушмай ароба устидан.
Гўшпаз гўштингни пиширгин,
Тушмай ароба устидан.
Бу дунёда мен кўрмадим,
Одамнинг бағри бутунини.
Қозонни кўйгин чўлларга,
Чиксина осмонга тутуни.
Ҳалоллаб бергана тузлари,
Шундай бошланди сўзлари.
Энди келсинда қошига,
Олло берган Бойбўрига,
Уллари билан қизлари.
Даврага чикқин ўйинга,
Кўнғирот элининг қизлари.
Осмонда ёруғ ойи бор,
Яратган Худойи бор.
Қорин қоринда мойи бор,
Яна олдига кўйгали.
Хум чойнакларда чойи бор,
Курашга чикқан полвонга,
Тўқсон сурувда кўйи бор.

Ола бергин борлиқни,
Устига ортган зари бор.
Яхши қизларни танлайвер,
Сизга боргининг зўри бор.

Ана шунда, ху қаранг раста-раста одам тўлиб кетди баланд-пастда, кўй сўйилаяпди, сурнай чалиняпди, қозон қуйилаяпди, полопон дудилляяпди. Қўнғирот — Жуз бутун ўзбек мамлақати Чилвир чўлини; Ховдак кўлини босиб кетди. Шундай адолатли пошшога ҳам худо фарзанд берсин-а! Хушхабарига олти ой тўй берса, зурриётлари дунёга келса, яна олти ой тўй беради. Етим-есирларнинг бари тўйиб қолади. Худоё яхшига берсин дейишиб, баччағар, ҳамма даштга чиқиб кетди. Қозон қўйилган, кўй сўйилган, одамлар гала-гала келаяпди, товоқлар тўртов ора қўйилаяпди, нафси ёмоннинг ўрти куйаяпди. Жувонмарг ўлгур калвачча, нарирок тур, деб тумшуғига туртаяпди, энажон, билмасам, деб оғзини дастурхонга суртаяпди. Ана шунда Бойбўри билан Бойсари: бирови курашга бойлик берса, бирови кўпқарига бойлик бераяпди, бойликнинг олдида нима. Мана шундай қилиб, тўй ўтаверсин, Олло таолонинг карами билан тўққиз ойки тўққиз кун ўтиб, Бойбўрига биттагина фарзанд ато этди. Бойсари хонадонида ҳам шу куни фарзанд туғилди — бир қизгина! Шунда қаранг, саҳар-саҳар тушида бир одам келиб, ху-у, Бойбўри, тилаган мақсадингни худо берди, отини Ҳақимбек қўй, деди. Ул мамлақатингга бек бўлади. Бойсарига айтди: «Қизингнинг отини Барчин қўйгин, икковинг куда бўлгин» — деди. Ана шунда Бойсарибой хотини билан қизини йўргаклаб олиб келиб, тахтда ўтирган Бойбўрига берди. Шунда қиз фарзанднинг юзини очиб кўриб, Бойбўрининг кўзидан қатор-қатор ёш тизилиб, кўнгли бузилиб, устихони эзилиб, бунинг боиси бор эдики, икковини Олло таоло жуфт қилиб, яратибди-да. Ана энди Ҳақимбекни ҳам кўтариб келиб, қўлига берди, шунда Бойбўри билан Бойсарини таърифлаб, уларга деди: Қани, кўшиб айтадиган созандаларим, бир кўшиқ айтиб, халқнинг кўнглини хушла-саларинг бўлмайдами, деб энди, созандалар гиринг-пиринг қилиб, у ёғини чертиб, бу ёғини тортиб тайёрлаётувди, менга ўхшаган бир бахши созанда айтди, эй тўхта, сен тайёр бўлгунча «мен қуллуқ бўлсин»ни берайин деб дўмбирасини дарров қўлига олиб, Бойбўрибекнинг саройида икковига қуллуқ бўлсин қилаётган жойи экан:

Курбон бўлайин бегимжон,
Сенинг бир қадди бўйинга.
Такдир қилиб меҳмон бўлдик,
Олти ой берган тўйинга.
Хизр бобода-я, бойлаган,
Билдим, Султоним, белингиз,
Куллуқ бўлсин бегижон,
Ҳақимбек деган улингиз.
Тонг юлдуздай порлайди,
Бегижон, икки кўзингиз.
Хўжанд элга ош берасиз,
Бош бўлиб бегим ўзингиз.
Куллуқ бўлсин-ай, Бойбобо,
Ойбарчиндайн қизингиз.
Осмондаги ёрқин ойи,
Иноят қилди худойи.
Энди Жаннатдай бўлади,
Бойбўрининг ўсган жойи.
Фарзандига дуо қилсин-а,
Ҳақимбекнинг қиблагойи.
Танага сифмас сийнаси,
Сира бўлмасин гуноси.
Ҳақимбекни дуо қилсин,
Кунтуғмушдайн энаси.
Обод бўлсин-да, рўзғори,
Янаям обод бўлсин-да,
Хўжанд Қўнғирот шахари,
Хизр бордир назари.
Гавҳарлар бордир-а, тилингда,
Муҳринг бордир-а, кўлингда.
Саломат яша Бойбўри,
Ўсиб Қўнғирот элингда.
Минг йилларгача ўлмагин,
Хўжанддай ўсгана элингда.

Мана, азизлар, ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди. Ҳақим-бек билан Барчиной тўрт ёшга етганда Бойбўрибек Ҳақим-нинг кўлидан ушлади. Бойсари ҳам қизининг кўлидан ушлади. Домуллани чақриб келиш бизга тўғри келмайди. Устозни чақриш мумкин эмас. Одамлар қатори бизам мадрасага борайлик, деб беклик тахтидан тушиб, Ҳақим-нинг кўлидан отаси Бойбўри ушлаб, Бойсари қизининг кўлидан ушлаб, иккови домланинг қошига бориб, ху дом-

лажон, мана, фарзандларни сизга топширдик, деб домлани хушлаб қараб, икки оғиз сўз дейишди:

Энди сизга бўлар фарзанд хизмати,
Ҳаққа етган бу лофининг фарёди.
Ҳақим болам Қўнғиротнинг авлоди,
Қошингизда ақли мўмин зурриёти,
Зурриётимни энди сизга топширдим.
Ўзбек, дейди асли зоти,
Ёзгин, дейди Ҳақим оти.
Боламни сенга топширдим,
Бўлсин Пайғамбар уммати.
Одам бўкмас бугдой нондан,
Айро тушмасин макондан.
Боламни сизга топширдим,
Сабоқ беринг ҳар томондан.
Ўлсам бошга пано бўлсин,
Элга — ота-она бўлсин.
Бўшади бекнинг хонаси,
Ўзи аёллар доноси.
Боламни кучовлайди,
Кунтуғмушдайин онаси.
Гап келди ота тилига,
Худо қарашсин ҳолига.
Ҳақимбекни қабул қил, деб,
Топширяпти қўлига.

Бойсарибек билан Бойбўрибек фарзандларига тоза кийимларни кийдириб, домланинг қўлига топширди. Ҳақимбек илмлар билан чегараланиб қолмас, камон отиш, найза санчиш, кураш тушиш амалларини донғи кетган устозлардан ўрганди.

Ҳақимбек олти ёшда эди. Қосим деган мерган Ҳақимбекка ёй тортишни олти ой ўргатди. Ҳақимбекнинг алп бобосидан қолган ўн тўрт ярим ботмонлик парли ёйи бор эди. Уни фақат Қосим отар, ундан бошқа ҳеч ким жойидан кўтара олмас эди. Кўк қамишнинг қўлида, баланд тубада Ҳақимбек шу ёйнинг устидан чиқиб қолди. Хуу, устози табар ук, шу ёйни нимага менинг қўлимга бермадингиз, оттирмадингиз, деди. Ў-ў, болам, ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ, кетар ақлинг келгани йўқ, билақда гўштинг тўлгани йўқ, болам, буни бериб сени майиб қилайинми, отанг сени менга омонат топширган, насиб бўлса билақ гўштинг тўлсин, кетар ақлинг келсин, буни албатта сен отасан, кўнглим етади, деди.

— Устоз, агар хайр десангиз шу ёйга кўнглим кетаяпти, отмасам ҳам кўлимга олсам қайтади? — деди.

— Агар бирон жойинг шикаст топса отангдан балога қоламан, деди. — Эй устоз, ўзим жавоб бераман, бобо, кўнглим кетди, табаррук ёйга ўхшайди, бир кўрсам қайтади? — деди.

— Майли, кўрсанг кўр, — деди.

Ҳақимбек чошиб келиб, худди бир таёқни олгандай ёйни кўлга олиб, ўқни солди.

— Тўхта, тўхта болам, — деди.

— Эй бобо, товга қаратиб отаман, — деди.

Ичига ўқни солиб, товга қаратиб отди, ўқ кўринмай кетди. Ўшанда Боботовнинг бир чўққисини жулиб кетган экан. Бу Ҳақимбекнинг олти ёшда отган ўқи эди.

Шунда устоз айтди: ё раб, бул бекорга назаркарда эмас экан. Гап шундай, — буни отанга айтма, мен ҳам айтмайман, ҳали сен ёшсан, дунё бехислат эмас, кўзи борлар бор, суқи борлар бор. Ёш умринг хазон бўлмасин, болам. Бугун олдинг бу ёйни, иккинчи кўлингга олмайсан, деди. Агар олсанг, мен устоз эмасман, агар олмайман десанг, устозлик қиламан, бўлмаса, йўқ. деди.

Бўлди, отганим шул деди, энди сиз рухсат қилган куни отаман, деди. Шундай гаплар билан бу ўртада Ҳақимбек овози ҳам дўриллаб, вояга етиб қолди. Бойсарибойнинг хотини: Хуу, болам, бизнинг Кўнғирот ўзбекимининг орномуси бўлади, қиз билан ўғил вояга еткандан кейин ажралиб юради. Кўй болам, ҳали сизлар бир-бирларингизга номаҳрамсизлар, қачон маҳрам бўлсаларинг худонинг карамии билан бўлади, деди.

Бойбўрихоннинг беш минг кўйи, ўнта кўтони бор эди. 500—500 дан бўлиб боқарди. Унинг олтита хонандаси, олтита созандаси бор эди. Ҳар ўтовига битта-битта созанда кўйиб эди. Бойбўрининг аскарлари, амалдорлари Бойсариникидан келишиб овқатланар, созандани эшитар эдилар. Кунларнинг бир куни: Ў, созандалар, сизлар ҳам қуруқ дoston айтиб чорасизлар, баланддан айтасизлар, пастдан айтасизлар, қани шу Бойсарининг кўйини, жойини, амалларини бир мактаб беринглар, деб бир мўйсафид бахшига илтимос қилди. Шунда айтдики, биз бахшилар кишини ноҳақдан мактамаймиз, фақат кўзимиз билан кўрганимизни айтамеиз холос, унга кўшишимиз мумкин эмас, деди.

Ҳай майли, айтдингиз, келинг, айтганингизни қилайин, деб кўлига созини олиб, Бойсарихоннинг молини, жойини барчасини бир тўда қилиб, айтиб турган жойи экан:

Олтмишлар чўпон боқади,
Бойсарибойнинг кўйини.
Тўқсонлар чўри шипирар,
Кўтондаги қийини.
Баланд жойларга тикади,
Оқ ўтовлардан уйини.
Ҳавдак кўлдан кесиб келар,
Оқ ўтовининг чийини.
Тўқсон норларга ортади,
Қорнида сори мойини.
Чўпонлари чолади,
Қамишдан бўлган найини.
Кайванилари сизла-ров,
Капа бўлсаям жойини.
Яхши одам қайтармас,
Ёш болалар райини.
Қўнғирот тулпори чопади,
Бойбўрининг тўйини.
Сарбозорилар беомайди,
Оққан дарёнинг бўйини.
Кайвониси пилаб ичар,
Совисаям чойини.
Шогирдлари чертарканда,
Хушбоқ бахшининг кўйини.
Тўрасини қаритмайди,
Яхши хотиннинг ўйини.

Бахши шу гапни айтиб, мақтагандан сўнг, Бойбўрибойнинг хотини Кунтуғмуш ойим айтди: Бойсарининг кўтонига мен қий супуриб келишга чўриларимни юбордим. Бойсарининг чўрилари сенинг чўриларингни урибди. Бу ерга айланма, дебди. Бу гап қандай гап бўлди? Кунтуғмуш ойим тўрасининг қошига келиб, бўлган гапни айтиб турган жойи экан:

Бугун келди сўзнинг моси,
Ўзинг одамнинг доноси.
Арзимни эшит, Бойбўри,
Хўжанд элининг эгаси.

Номаъкул эмас сўзларим,
Бойбичаман-да ўзларим.
Бойсарибойнинг қийига,
Эркинлаб борди қизларим.

Беклар даврини сурибди,
Бориб кўтўнгга кирибди.
Бектўрам, сизни ўйламай,
Чўри қизларни урибди.

Хотин зоти бўлар хуноб,
Ошқовоқлар тортар таноб.
Хурсанд бўлиб кетган эди,
Икки бети келди қонаб.

Одамларга қози эдим,
Бахшиларнинг сози эдим.
Бир зурриётим бўлмаганда,
Даштда юрган кўзи элим.
Бегона чўрини урганда,
Икки дунёда рози эдим.

Тулпор отининг желгани,
Кунлар қиёмат бўлгани.
Суякдан ўтиб боради,
Бойсарибойнинг қилгани.
Журакларим жора бўлди,
Оқ кўнглим қора бўлди.
Мени тинглагин, бек тўрам,
Қалбим пора-пора бўлди.
Қора кунларга қолади,
Бу сўзим қандай бўлади.
Яна борса чўриларим,
Аниқ бирови ўлади.
Ҳайалга гаплар олмайсан,
Бирам жилмайиб кулмайсан.
Бесонов кўйли укангдан,
Сираям закот олмайсан.

Шундайин ёзинг, сўйлайди,
Айрилиқ мени қийнайди.
Закот олмайсан укангдан,
Фуқаро нима ўйлайди?
Сўзлаяпти шул паризод,
Ёйдай эгилгандир жасад.
Билганлар қилсин ҳикоят,
Закот олсанг укангдан,
Бек тўрам, бергин маслаҳат.

Отга таққан ойил бўлай,
Доим сенга мойил бўлай.
Закот олсанг Бойсаридан,
Тўра, сенга қойил бўлай.

Кунтуғмуш ойим тўрасининг қошига келиб, тиз букиб, нордай чўкиб, чўриларининг таёқ еб келганлигини айтди. Бойбўрининг қошида муҳрдорлар номидан тождор ясовуллар ўтирган эди.

Шунда ясовуллардан бири туриб айтди:

— Хў, Бойбўрибек, адолатли султони бокара, Кунтуғмуш ойим бу гапларни тўғри айтди. Сени ким айтади адолатли султон деб. Етим есирлардан солиқ олсанг, беш молли бўлсаям солиқ олсанг, ўн молли бўлсаям солиқ олсанг. Дехқоннинг еридан солиқ оласан. Беш минг қўйли Бойсаридан солиқ — закот олмайсанми?... Бу гап тўғри эмас, ахир. Безакот ҳам дунёда мол бўлама? Нима учун Бойсарибойдан закот олмайсан?

Бу гаплар ҳаммага маъқул келгандан кейин Бойбўри айтди: тўғри эса. Бефарзандлар моли майид, илгари-ку, зурриёти йўқ эди, ўғил давлатнинг боши, қиз дунёнинг зийнати. Бойсаригаям фарзанд ато қилди, закот олмоқ энди вожиб бўлди, деди.

Шунда иккита оқсоқолларни юборди.

— Ху оқсоқоллар, акобирлар, илгари-ку, зурриёти — фарзанди йўқ, деб закот олмас эдим. Оллонинг каломида ҳам бефарзанддан закот олинмайди, дейилган. Бойсарига Олло таоло фарзанд берди. Мана энди закот бермоқ вожиб бўлди. Бойсарига айтинг, ҳар қирқ қўйига бир тўқлидан закот берсин, муҳрланган қоғозимни етказинг, деб иккита оқсоқолни юборди. Шунда булар от ўйнатиб, сувлик чайнатиб, Бойсарибекнинг қошига келиб, тиз букиб, сизга мана султони бокарамнинг берган хати. Шундай қиласиз экан, деб қўлига тутди. Шунда Бойсарибой хатни ўкиб кўриб, ҳар туки чопонидан тешиб ўтиб, баччағар, деди. Бу қандай гап бўлди? Тор қориндан талашиб тушган бўлсак, эмчакдошим бўса, дунёда шундан бошқа яна ҳеч кимим йўқ эди. Ўлигимнинг лояси, тобутимнинг сояси, деб эдим. Бегона султони бокарам бўлгандаям, молимнинг ярмини олганда кўнглимга келмас эди. Тор қориндан талашиб чиққан оғам мендан закот олма, бу қандай гап бўлди, деб кўзидан қатор-қатор ёш тизилиб, кўнгли бузилиб, устихони эзилиб, Саййид Боққол деган бир донишмандга Бойбўрининг шу гаплари ростми, деб икки оғиз айтиб турган жойи экан:

Сўрай берса, менинг қўйим, оқсоқол,
Беш минг қўйим, Бойбўрининг қўйидир.
Тўйлар берса элатига, айланайин,
Ҳа, деганда, Бойбўрининг тўйидир.
Миниб юрган тулпор билан тойларим,
Зурриётсизман, Бойбўрининг тойидир.
Ўзим келиб, ўзим кетсам дунёдан,
Бу жойлар ҳам Ҳақимбекнинг жойидир.
Бир худою бўлсин бошимга пано,
Хўжанд элда ўзим бўлдим-да доно.
Бойбўридан хатни олдим, айланай,
Бошимгами тушгандай бўлди гуноҳ.
Ойбарчиним, оға, кишан бандаси,
Охир бир кун бўлар кўзимдан пано.
Ажал етмай энди ота ўлмайди,
Бу ишлардан менинг кўнглим тўлмайди.
Барчиним киши бандаси, айланай,
Ўлиб кетсам бул юртимда қолмайди.
Сўйлайберсам доноларнинг тилидир,
Ойбарчиним Ҳақимбекнинг гулидир.
Ўғлим йўқдир сира менинг, оғалар,
Жийган молим Ҳақимбекнинг молидир.
Насиб қилса, булар Ҳақим қўйидир,
Адолатли, дер элим мен хонимни,
Бир худойим олса энди жонимни.
Тилинг бўлса жавоб бергин, оқсоқол-а,
Ханжар отиб тўккин, майли, конимни...
Ажал етиб мендай султон ўлмади,
Бу сўзлари менга маъқул бўлмади.
Маслаҳат бер, оқсоқолим, айланай,
Ёлғончида юргилигим қолмади:
Оқ оролаш кўрдим тулпор жолида,
Кўр кўзини кўрдим молим тўлида.
Шайтон кўрдим Хизр юрган жўлида,
Закот олса мендан Бойбўри акам.
Мен турмайман, қўйинг, Хужанд элида,
Бобо товдан эсдаликка тош олиб,
Хумор кўзга халқа-халқа ёш олиб.
Закот олса ширхўрадан Бойбўри,
Ўзга юртга мен кетаман бош олиб.

Шундай дегандан кейин оқсоқол айтди: Қани тўхтанг,
биродар бойим, менинг ҳам оқсоқол акобирларим бор, бу

сўзларни нотўғри айтдингиз, кўпнинг гапи кўл, деган. Ҳа, Бойбўри ҳам кўпнинг гапига кириб айтса айтгандир-да, ё фикр хатолик қилгандир, ё шароб ичиб, маст бўлиб ўтиргандир. Буларни билиб келайин, инобатга ажалим етса, шу ёқда ўлиб келайин, кўнглингиз чўкмасин, хафа бўлмасин, бориб оқсоқолларим билан маслаҳат қилайин деб, оқсоқол ақобирларининг қошига келиб, Бойбўри бундай дебди: Бойсари шундай деяпти, қани Бойсарибекка қандай маслаҳат берамиз, қани оқсоқоллар, деди. Оқсоқолларнинг бирови туриб айтди: Э оқсоқоллар султони, бекнинг сўзи бир бўлади, унинг олдига тушгувчи бўлмайди. Оллонинг юзини, изини кўрмаса бек бўлмайди, қандай қилиб, Бойбўрига қилган ишингиз хато деймиз. Хўжанд деган шахари бор, кўлида кирди-кори бор, осадиган дори бор, йўл бермайдиган нори бор, норига юклаб қўядиган зари бор, қошида жаллод мирғазаблари бор. Бойсари деб, биз Бойбўрининг дорига тортиламизми? Бойсарига маслаҳат бермаймиз. Қаёққа кетса-кета-версин, деб иккови бир-бирига гапириб турган жойи экан:

Ёмон жойларда турмаймиз,
Бизлар ҳеч жойга бормаймиз.
Бизларни чала демагин,
Сенга маслаҳат бермаймиз.
Хизмат буюрай чўрини,
Манглайингнинг шўрини.
Бордир чўпонлар далада,
Бўрига бермас кўйини.
Кетсанг бундан нарига,
Қулоқ сол айтган зорига.
Маслаҳат бермаймиз Бойсарига,
Осиламиз Бойбўрининг дорига.
Қаторда юрса нори бор,
Билакларида зўри бор.
Тўқсон жойларда дори бор,
Хўжанддай улкан шаҳри бор.
Олдида суйган ёри бор —,
Қошида зурриётлари бор.
Қахрланса олар Бойбўри,
Осадиган баланд дори бор.
Бундай зўрга, оқсоқол,
Ким бўлади-я баробар.
Маслаҳат бериб, бой ота,
Тагин бўлмайлик гуноҳкор.

Шунда, Бойсарибой оқсоқолининг келмаганидан кейин айтди. Э баччағар, буларнинг гапи бир экан-да. Бойсарихон тубал қўйни сўйди, тепадан учокни уйди. Узининг оқсоқол ақобирларини чақириб, ху халойиқ, мана қориндан талашиб чиққан акам мендан закот сўради. Ўз акамга закот бергунча, ўзга мамлакатга бориб, ҳамма қўйимни олса ҳам рози бўламан, кетдик. Хўжанд ери бизга ҳаром, туякаш туянгни торт, чўпонлар қўйингни ҳайда, чўриларни эргаштир, Хўжанднинг элидан ўзга мамлакатга кетамиз, деб хабар берди. Туяларни тортаяпти — бир томонда қўйлар, бир томонда йилқилар... Бойсарининг кўппак итлари ҳам хуришиб, жойидан туркаб, боб мамлакатни бузиб, қайдасан Туркан дарё деб, молларини тортиб, жўнаётган жойи экан:

Бежоғим тортди шогирдлар,
Созимнинг торлари узилди.
Фармон берди Бойсари,
Тикилган ўтовлар бузилди.
Ёзилди юрак хонаси,
Ўтмай Бойбўри жоласи.
Фармон берди бузилди,
Чўриларининг капаси.
Бойсарибойга ботади,
Аканинг закот оғани.
Ботиб боради қўлига,
Тулпор отнинг жугани.
Эндиликда лозим бўлмайди,
Бу шаҳарда Бойсарининг қоғани.
Тулпор отларнинг-га жугани,
Қаттиқ ботди-я, шу бойга.
Закотчиларнинг-га келгани,
Фармон берди-я, бўшалди.
Бузилди бойлар уяси,
Мажнунтолларнинг сояси.
Фармон берилди кўзғолди,
Бойсари беш минг туяси.
Полвон бўлар, оғалар,
Одамзотнинг чайири.
Туяга жўл бермайди,
Дарёларнинг ғайири.
Шу дostonни айтаётир,
Сурхондарёнинг шоири.
Фармон бўлди, кўзғолди.

Тоналар билан сийири,
Тарқади бекнинг тўйлари.
Кўнглида қолди ўйлари,
Энди кимга қолади.
Бойсарибойнинг-га жойлари,
Фармон берди, жойидан турди.
Оқ-қора бошли қўйлари,
Хумор кўзлари ёш бўлиб,
Эриган юрак тош бўлиб.
Қўйлар кўзғолди жойидан.
Кўсам серкалар бош бўлиб,
Фармон берди Бойсари.
Ҳайрон қолди ёши-қари,
Бўкириб жойидан кўзғолди.
Оғзи қора лукча пари,
Шундай бўлди хизматлари,
Кишнаб ўйнайди отлари.
Сезиб кўзғолди жойидан,
Чўпоннинг сиртлон итлари.
Ортилиб норга ўтинлар,
Қолмади бағри бутунлар.
Қора норларга жугун ортди,
Зор инграниб хотинлар.
Осмонда ой адо бўлди,
Жуги жоби тўда бўлди.
Бек захридан зода бўлди,
Бу йиғламай, ким йиғласин.
Элатидан жудо бўлди,
Болалар чопар зириллаб.
Итлар хуради увиллаб,
Бойсари қучиб жўнади,
Жойлари қолди хувиллаб.

Мана шундай қилиб фармон берди. Бойсарихон беш минг қўй билан, туя тойи билан, нор-зари билан, чўри чўпораси билан, қуллари билан, бир фармон билан, лекин Хўжанд халқи даштидан, қайдасан ота жўрт, Туркан дарё деб, Туркан дарё томон жўнайберди. Бу хабарни эшитгандан сўнг, Ҳақимбекларни ўқитиб юрган домулласи, ҳу баччағар, бу қандай бўлди, юрт бузилди, подшодин адолат кетди.

Ҳақимбек, қатордан норинг кетди, нор устида доринг кетди, Ойбарчин ёринг кетди, вафодоринг кетди. Оталар кетди, бу қандай кўргулик бўлди.

Эшитганлар, хонлар, беклар нима дейди? Икки ширхў-

ра ҳам бир-биридан айриладими, ҳалиям, юр, Ҳакимбек, отангинг қошига борайлик. Айб қилган бўлса, гуноҳини ювайлик, ҳалиям Бойсарининг қошига борсин, ўзининг арзини қилсин. Бойсарини йўлидан қайтармаса, ёлғончидай юргилигимиз қолмади, деб Қосимбек Бойбўрининг қошига келиб, тиз чўкиб, нордай чўкиб: «Ҳалиям шаштингдан қайт, Бойбўри, бу қандай қилган ишларинг бўлди?» — деб икки оғиз гапираётган жойи экан:

Хизматингда бўлар беҳисоб чўри,
Ўзингсан одамлар ичида зўри.
Уқа бўлар акасининг мадори,
Ўзингсан-да, Ҳакимбекнинг падари.
Бойсарибой нима деди Бойбўри,
Сени номард деди элларнинг бари.
Бу дунёнинг нашъасини кўрайин,
Ўлмасам дунёда даврон сурайин.
Ҳалиям укангни қайтар, Бойбўри:
Пул сўрасанг, майли, ўзим берайин.

Қосим полвон бу сўзларни Бойбўрига айтгандан кейин, Бойбўри хаёлга чўмди. Ҳу ўзининг хатосига иқроор бўлди. Бир майдон сукутга боргандан сўнг, Бойбўри бошини кўтариб, ҳу, Қосим полвон, қилмишим шул бўлди, айтганинг чин бўлди. Элдан эл кетса, элнинг бахти кетгани, элга эл кўшилса, элнинг насибаси, деган гап бор. Аввали ширхўранг бўлса, элни бузиб кетса. Элдан давлат қайтгани, бахтимнинг қайтгани, майли бундан олган закотима нима берарди? Ҳалиям Қосимжон, мана фармонни қайта ёздирайин, муҳримни босайин, сендан бошқа унинг қошига борадиган одам йўқ, мана зурриётимни — Ҳакимжонни сенга топширайин, икковинг от ўйнатиб, Бойсарининг олдига боринглар, фармонимни кўрсатинглар, икковингдан бошқа қайтариб олиб келолмайди. Мен борсам яхши-ёмон деймиз, яна ўртада жанжал бўлмасин, мени кўргандан кейин аччиғи келади, ўртага тушгин, оға, ширхўрамни қайтариб келгин, деб Қосимбекнинг қўлига фармонини берди. Ҳакимбек билан иккови от ўйнатиб, сувлик чайнатиб, Бойсарига фармонни кўрсатиб, қайтинг, элнинг оғаси, Бойбўри чақираяпти, деб икки оғиз айтиб турган жойи экан:

Ўчмасин одамнинг қораси,
Сенсан йигитнинг сараси.
Бекор бўлди-да, хон фармони,

Қайтгин, Бойбўри жўраси.
Эгасиз қилма элини,
Сувсиз қилмагин чўлини,
Билгин одамнинг ҳолини.
Тўхтатиб тургин, чўпонлар,
Бойсарибойнинг молини.
Ўйнатиб лайли отини,
Босиб тоғларнинг ўтини.
Эшит чопарнинг додини,
Хон фармони бекор бўлди.
Қулоқ сол, бойнинг хотини,
Сўзимга ишон, Бойсари.
Ҳалиям қайтгин изингга,
Қамчи бермагин молингга.
Бир қарагин аҳволингга,
Бекор айлади фармонни.
Бойсари қайтган элингга,
Эшит чопарнинг зорини.
Тўхтатгин молнинг барини,
Ўзга юртларда йиғлатма.
Ҳақимнинг Барчин ёрини,
Ғариблик бошга тушганда,
Шумлигини билади.
Мард одамлар ҳамиша,
Доно сўзин олади.
Ўз элинг тарк айлама, Бойсари,
Бегоналар билиб биздан кулади.
Ойга улашмай адо бўл,
Бойбўри билан куда бўл.
Замонлардан зода бўл.
Ўзга юртда хон бўлгунча,
Ўз юртингда гадо бўл.
Нодон бўлма доно бўлгин,
Мардларнинг ишини қилгин.
Маслаҳатим қулоқ солгин,
Ҳалиям элингга қолгин.

Шундай дегандан кейин Бойсари айтди: Ху, Қосимбек полвон, мард одам тупурган тупугини ютмайди, номард айтмайди, айтганидан қайтмайди. Хўжанд эли менга харом, дедим. Энди тоқайгача харом бўла бўлсин! Энди мен кетаман, йўлимни тўсма, деди. Шунда Қосимбекнинг кўнгли изза бўлиб, ороми тоза бўлиб, қандай юз билан борамиз, деб усто-зи Ҳақимжонга қараб икки оғиз айтиб турган жойи экан:

Ойдаи тўлғон экан одам жасади,
Зоя кетди бир одамнинг хизмати.
Қандай қилиб борамиз-да, Ҳақимжон?
Қулоқ солгин Бойбўрининг зурриёти,
Майли, қўйгин болам менинг ҳолима.
Гап келади суйлайберсам тилима,
Булбул кўнмай қолди чаман-гулима.
Бойсарибой гар қайтмаса элига,
Мен ҳам кетай ўзим ўсган элима.

Оқ билагинг ўраб ташла бўйнима,
Ола жилон кирди найдай қўйнима.
Икки дунё рози бўлдим, Ҳақимжон,
Қиличингни солгин болам бўйнимга.
Ўзим устод Ҳақимбекка пир бўлай,
Қилич солгин мен ўлайин, Ҳақимбек.
Мендай устоз арвоҳларга пир бўлай,
Мени ўлтир рози бўлдим, шогирдим.
Эшитгин-ай, мендай устоз сўзини,
Қўп егайман Бойбўрининг тузини.
Соғинасан Бойсарининг қизини,
Тири бориб мен кўргунча, ўлдиргин.
Қандай кўрай Бойбўрининг кўзини,
Бефарзандлар тангридан фарзанд тилайди.
Ёлғиз кўрса манглайини силайди,
Икки дунё рози бўлдим, шогирдим, —
Кучоклайди Ҳақимбекни, жилайди.

Ҳақим туриб айтди: Ҳу устоз, бундай кунларни мард кўради, номард нимани кўради. Фарзандни дунёга келтиришдан олдин отанинг белидан энанинг қорнига ўтганда, тақдири азалига шу нарсаларни ёзади, дейилган. Мумкин. Манглайимизга айрилиқ ёзилгандир. Шунинг учун юртлар бузилгандир, ҳар ким тақдирида борини кўради-да, энди қандай қиламиз, отамиз Бойбўри бўлса-ю, кишига бир нарсаси деёлмайсан. Бек-да, унинг фармони вожибдур. Бекнинг фармонига ким қарши боради, тақдирда борини кўра-миз. Бундан полвон хафа бўлманг, — деди. Шу боланинг сўзи юракка тасалли бўлиб, Қосим полвон бориб, Бойбўрига шу хабарларни қилди. Шунла Бойбўри айтди: Ҳай қани, нари-бери бориб ўйла, бирон жойни бориб жойла, борди-қолди қиламиз Тўйи маърака. ҳайр худойига чакира-миз, фотиҳа доғида бўлар. Улар ўлиям балки келар, оқсоқол ақобир-

лар бир нима деяр, бир инсофга келар, иншоллох, ўзи қай-тиб келар, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Қосимполвон хафа бўлманг, энди бўлар иш бўлди, фишт қолипдан кўчди, деди. Ана энди бу гаплар бўлаберсин, Бойсарихон беш минг қўй билан уч кечаю кундуз йўл тортди. Туркан дарёсидан, Шеробод дарёсидан ўтиб, мана ҳозирги Беш қўтонда, Бойсарининг қўтони бор эди. Беш минг қўй билан қўтонга жойлашди. Мана у ерлар: Туркан дарёнинг нарёғини Қорақалпоқдан келган Қалмоқлар эгаллаган эди, Туркан дарёнинг нарёғи, то Хоразмгача Амударёни ёқалаб, Қалмоқлар яшар эди. Мана бул хабар Қалмоқнинг подшоси Тойчахонга етди. Ўзбек Қўнғиротининг бекларидан бири Бойсарибек беш минг қўйи билан келиб жойлашибди, мақсадини билмадик, шунча қўйи бор, моли бор, дунёси бор одам ҳам ўзга мамлакатга келама, бунинг бир балоси бор, бир гапи бор, дўстмикан, душманмикан, билайлик, дўст бўлса ҳолидан хабар олайлик, ҳу, ясовуллар, бориб Бойсаридан хабар олинглар, не сабабдан келганини билинглар, деб Тойчахон ўнта ясовулни юборди. Тойчахоннинг ясовуллари Бойсарининг қўтонига жўнади. Узангига оёғини тираб, бойингни ким дейди, деб Бойсарихонни чақириб, элчилар гапираётган жойи экан:

Пиринг бўлса мададкор,
 Қўлингда бордир ихтиёр.
 Бул дунёни сўрасанг,
 Келмоқ бордир, кетмоқ бор.
 Куйган қулларга, бўйингдан,
 Кенг дунёлар бўлар тор.
 Донг кўтарган, бой бобо,
 Элчиларнинг дарди бор.
 Кечалар кўргана тушимни,
 Кундузлар куни сўраймиз.
 Кўзимиз лочин, бой бобо,
 Кенг дунёга қараймиз.
 Мергандайин чўлларда,
 Жўлбарсдай бўпон талаймиз.
 Қандай элнинг сен зурриёти,
 Бой бобо, исмингиз сўраймиз.
 Сўйлатгин менга тилингни,
 Санаганмисан молингни?
 Биласанми ахволингни.
 Баён айлагин, бой бобо,
 Ўйнаблар ўстаг элингни.

Ҳақларга етган-а додингни,
Ойдаи тўлганда жасадингни,
Айтгин бизга-я мақсадингни.
Хабар бергинда-я, бой бобо,
Отинг қўйган, отингни.
Боғда гулларни терайлик,
Эллар оралаб-а журайлик,
Ўлмасак даврини сурайлик.
Мақсадинг айтгин-а, бой бобо,
Подшога хабара берайлик.

Мана шундай деб элчилар бақира бергандан кейин, тўқсон бошли оқ ўтови бор Бойсарихон ўтовдан чиқиб, ху подшоликдан келган тақсири оламлар, бизни ўзбек қўнғирот дейди, ўзбек қўнғирот бундай гаплашмайди, ахир бир кун бўлсаям, бир майдон бўлсаям, сизлар бизга меҳмонсизлар, ху ясавулларнинг отини бойланглар, олдига кўп нарса тайланглар, ўзларини сийланглар. Оқ ўтовга олиб киринглар, олдиларига ош-анжом қўяйлик, қора қўйлардан сўяйлик, тепадан ўчоқни ўяйлик, меҳмонликни жойига қўяйлик, мақсадимизни, журишимизни, туришимизни кейин айтайлик-да! Сизларда урфи-таомил қандай бўлади?...

Шунда яна айтди: Ҳақиқатда, биродар, бизларда ҳам урфи-таомил шундай. Ахир азиз меҳмонимсиз, отдан тушингизлар, дегандан кейин ҳаммаси: «Бой тўғри айтди, но-тўғри иш қилибмиз-да, салом-алиқдан бошламай бу гаплардан бошлапмиз, кечиринг бизни, бой бобо», деб отларидан таппа-таппа тайлашди, отларни ясавулларнинг гулмихига бойлашди. Шунда меҳмони тўқсон бошли уйга ўн тўртта ясовул эди, хизматкорларига Бойсарихон буюрди, тиззадан кўрпача, белдан болиш тайлади, меҳмонни сийлайсан, деди, ҳаммасини обдаста билан қўлини ювиб, тоза қилиб, тўқсон бошли уйга жойлади. Бойсарихон хизматкорларига имо-ишора қилиб шунда хизматкорлар меҳмонларнинг олдига таом келтираётган жойи экан:

Ўтди дунё, чиқди жон,
Ҳар гиёҳлардан-а тердим дон.
Худойим берса ўғил-қиз,
Ўлмай қилгин-да саводхон.
Меҳмонларига ташлади,
Аввал бошдан дастурхон.
Ҳурмат қилиб меҳмонин,

Фидо қилди-да жонини.
То'паяпди имконини,
Дастурхонларига тайлади.
Оқ буғдой ширмой нонини,
Хизматкор қўлида тилла жом.
Опкел, деяпти дам-бадам,
Азизим деди, келтирди.
Таксимчада писта бодом,
Худонинг нури сизу биз.
Сарғаймасин-да, қизил юз,
Хизмат қилади қирқин қиз.
Қайта-қайта олиб келди,
Олиб келди кишмиш-майиз.
Бир худо қилсин-а адолат,
Хизматкор бўлди серғайрат.
Дастурхонларга келтирди,
Турли хил новвот-қандолат.
Ҳар ризқи келгана кишини,
Меҳмонга йиди бошини,
Дамлаб келди ошпазлар.
Девзира гуручдан ошини,
Устига яна келтирди.
Ширбоз қўйларнинг гўштини,
Осмонда ёрқин ойини,
Сийлаяпди меҳмонини,
Ёга олиб яна айтай,
Яратганини, худойини.
Хум чойнакларгая дамлади,
Боз устига дамлаб келди,
Хум чойнакка чойини.
Танглайни қакратадиган чойини,
Меҳмон таомни еб бўлди.
Ҳақларига дуо қилди,
Дастурхонни жийиб олди.
Амру маъруфга гурунг бўлди,
Бойсари келган ёронлар,
Ўзбек қўнғирот эл билан.
Сўна-суқсурлар хурсанддир,
Очилган қизил гул билан.
Бойбобо доимо хурсанддир,
Сиртини босган қўй билан.
Бақовулар хурсанд бўлар,
Ҳар куни жеса-я тўй билан.

Ёмон одам ўтар экан,
Даштларда қайғую ўй билан.
Хушбоқ бахши-я дoston айтар,
Қўлида сумбул соз билан.
Тоштемиржон ёзиб олар,
Қўлида қалам, қоғоз билан.

Бекларнинг ҳақиға тенг дуо қилиб, дастурхонни жийиб олиб, гурунг бўлди, энди гурунгни биздан эшитинг, деди Бойсарихон. Шунда қўлиға созини олиб, шу нағмага солиб, бориб, Тойчахонингизга шундай денг, бизлар юртингизга мусофирмиз, жой талаб, юрт талаб бўлиб келдик, агар адолат қилса, бизга қўниб ўтирган жойимизни берса. Ҳақнинг закотини берамиз, хизмат буюрса хизматини қиламиз, элнинг хайр-худойиси, тўйи маракасида хизматда бўламиз. Юрта-юрт қўшилса, элнинг насибаси деган экан. Мана биз сизларга келиб қўшилдик. Шу гапларни бориб, хонингизга етказасиз, деб ясавулларга икки оғиз айтаётган жойи экан:

Норлари бордир зору зор,
Номардларда йўқдир қарор.
Пиринг бўлса-да мадаккор,
Яна қайтиб кетади.
Бу дунёга бир келганлар,
Султондан келган элчилар.
Бир майдон тингла арзим бор,
Фидо бўлайин жонинга.
Шерик бўлдим-да нонингга,
Арзимни айтинглар, элчилар.
Тойчахон деган хонингга,
Сувнинг боши тарам-тарам.
Олдингда учсин қорам,
Рози бўлса султонинг.
Шу элларда юрсам-а эркалаб,
Сувнинг боши дўлаб-дўлаб.
Марднинг кўнгли истар талаб,
Элингга юрсама эркалаб.
Арзимни айтинг элчилар,
Келдим юртингга эл талаб.
Чўпонлар бўлиб боқайин.
Агар берсанг-да қўйингни,
Бирга-бирга ўтказайин.
Қилсанг яхши тўйингни,

Шоирларим бирга куйласин.
Чалар бўлса куйингни,
Чўриларим тикиб берсин.
Ок ўтовли уйингни,
Рози бўлса Тойчахонинг.
Сўрадим ўтирган жойимни,
Агар сўрасанг берайин.
Беш мингдан ошган кўйимни,
Дарёдай тошиб тўламан.
Хизматларингни қиламан,
Ажалим етса мен банда.
Охири бир кун ўламан,
Мени сўрасанг, элчилар.
Кўнғирот ўзбекдан бўламан,
Осмонда ёрқин ойингни.
Сана айтиб олқишлай,
Яратганимни, худойингни.
Саховатли қулимни,
Сўйлатаман тилимни.
Ҳақ йўлига топширдим,
Қанча даштда молимни.
Булбуллар кўнсин толингга,
Хизрлар юрсин йўлингга.
Янада моллар қўшилсин,
Далада юрган молингга.
Яна барака берсин-да,
Баҳорда тушган тулингга.
Юрт сўраб келдим, элчилар,
Қалмоқдайин элингга.

Ху, бу гапларни айтгандан сўнг элчилар, ҳа, айтганларингизни, албатта, Тойчахонга етказамиз, деб, отларига ми-нишаётганди, иттифоқо Сайрибокқа чиқиб кетган Барчин канизлари билан ёниб-товланиб, гулдай ороланиб, аммо ўзи ҳам билибми-билмай, уларга яқинлашиб қолса бўладим-а?

Бу оламда бир ўзи,
Олло суйиб яратган.
Атрофда қирқ канизи,
Ҳуснин яна таратган.
Товусдай соллониши,
Тўрт томонни қаратган.
Хайла Барчин — хур нигор,

Кўзлари хумор-хумор.
Дуо бериб юборган,
Оқ сут берган энаси.
Яқин келган одамнинг,
Тўкилади гуноси.
Зар куйлакка ярашиқ,
Қўш мугизли сийнаси.
Ўзи гул, парирухсор,
Кўзлари хумор-хумор,
Мана келар Барчин ёр.

Кўриб қолган одамнинг,
Олти ой бўлар озиғи.
Кўрмай қолган йигитнинг,
Ўлим тақдир ёзиғи.
Бир кўрганга белгили,
Кўлидаги узуги.
Келаётир дилафгор,
Кўзлари хумор-хумор.

Зулфни тоблаб қўйдилар,
Кўрганларни куйдирар.
Кўкрагидан искасанг,
Қирқ кунгача тўйдирар.
Бир жилмайиб боқиши,
Қайлиғингни куйдирар.
Кимларга насиб бу ёр,
Кўзлари хумор-хумор.

Босган ери миннатдор,
Босмагани гинадор.
Ўкчасини ўпмокқа,
Не маконлар зор-зор.
Бизга ҳам етсин қадам,
Деган жойлар бор-бор.
Кимга шайдо Барчин ёр?
Кўзлари хумор-хумор.

Рўян тусанг келига,
Шохи белбоғ белига.
Бугун оро хуснда,
Ўзбекларнинг элига.
Ман-ман деган парилар,
Сув қуёлмас қўлига.

Зор тикилди жигитлар,
Мақтаб кетган йўлига.
Хавас қилганчалик бор,
Кўзлари хумор-хумор.

Майлис қилди йигитлар,
Халгинчак учган толига.
Чўпон бўлайин дейдилар,
Далада юрган молига.
Ўлиб кетсанг рози бўл,
Бир қўлинг тегса белига.
Мана келар Барчин ёр,
Кўзлари хумор-хумор.

Қорли товлар газаси,
Сочма милтиқ дазаси.
Ҳайла келаётирлар,
Сулувларнинг тозаси.
Битта кучиб ўпсангиз,
Ҳафта кетмас мазаси.
Чин ошиқ бўп айрилсанг,
Сира кетмас иззаси.
Мана келар Барчин ёр,
Кўзлари хумор-хумор.

Барчинни сулув дейишади,
Орқадан тушган қора соч,
Ерларга чулғошади.
Чеккадан тушган какули.
Шамол билан ўйнашади,
Бўйнига таққан мунчоғи.
Гарданига ёпишади,
Икки олма сийнаси.
Юганда тўқнашади,
Нафсиятинг нақтаро.
Қийқиллашиб кетаро,
Доғда қолган жазманлар,
Кундан кунга баттаро:
Оқ суягини отиб,
Кўкса тошга етаро.
Шундай бу Лайли ишор,
Кўзлари хумор-хумор.
Мана боради Барчин ёр,
Кўзлари хумор-хумор.

Гапнинг созин қидирсак,
Сози йўқдир ростидан.
Таниб оқар жилғалар,
Оқ қорларнинг остидан:
Бизнинг ўша Барчиной,
Осмонимизда чин ой.
Келиб қолди-ку хай-хай,
Ясовуллар устидан.
Қизларини ўйнатиб,
Келиб қолди Барчин ёр.
Не тонг, шуйтиб тўқнашди,
Бойсарининг хур қизи.
Бир зум каловлаб шашти,
Юзи бўлди қирмизи.
Энди ёри қўлласин,
Тўғри йўлга йўлласин.
Қочмоққа осмон — ер тор,
Кўзлари хумор-хумор,

Ўрдак учар ғоз билан,
Қанча нағма соз билан,
Энди қирқин қиз билан,
Кокил силаб кеп қолди,
Барчин гўзал ноз билан.

Ў, мана шунда ясовуллар Барчинни кўриб, ақлдан бе-
гона бўлди. Шунда айтди: баччағар ўзбек кўн-иротнинг
шундай сулувлари бор экан-а, булам бировнинг шўрида.
Бизнинг Тойчакон мамлакатада тўқсонга алп бор, агар шу-
нинг таърифини шу алплар эшитса ақлдан адашади, бир-
бири билан талашади. Агар қўйиб берсанг, савашади. Алп-
ларга айтамызми, кимлардан суюнчи оламиз, дейишиб бир-
бирлари билан йўлда гаплашиб, Барчиннинг таърифини
қилиб, кимга муносиб ёр бўлар экан, дейишиб, бир-бирла-
ри билан гаплашиб бораётган жойи экан:

Эшитдик бойнинг сўзини,
Билмадим нима ўзини.
Тонг юлдузига ўхшатдим,
Хуморнинг икки кўзини.

Ўлиб кетсам бир розиман,
Бир еб ўлсамда тузини.
Сўзлар эшитсам тилидан,
Хабар олиб турсам-а ҳолидан.
Ўлиб кетсам-а розиман,
Бўсалар олиб-а лабидан.
Юрагим қолди тешилиб,
Ўпкалар симдай эшилиб.
Эндилар қандай бораман,
Қолдинг кўзидай чошилиб.
Ҳозир бир ўлсам розиман,
Кетсам шу нозга қўшилиб.
Қобурғаларим қакшайди,
Суякларим ҳам қловшайди.
Кўз ўнга кетса-я шу кўзлар,
Барча бовирим-а бўшайди.
Таъриф қилсам-а ўзбек қизи,
Жаннат ҳурига ўхшайди.
Иккита куни-я ўтгандир,
Намойишларга-я сийнадан.
Бир гаплашган билан одамзот,
Кутилади-я гунодан.
Қандай туғилди-я жувонмарг,
Оқ сутлар берган-а энадан.
Белбов бордира Моҳи белда,
Гадой бўлара юрган йўлда.
Ҳуснига безага беради,
Чаккасидаги дон холия.
Бундай сулува йўқдир оғая,
Тойчахоннинг қалмоқ элида.
Мақтайин ўзбекнинг қизини,
Билмай едикда-я тузини.
Эндия юрагимов ёрилар,
Агар қилса бирон нозини.
Қимға айтамиза ясавуллар,
Ўзбек кўнфиротнинг қизини.
Айтмас бўлди-я бизга гумон,
Охир бўлади-да охир замон.
Зор жилашувди-да ясавуллар,
Кетаяптида-я эли тамон...

АЛПОМИШ*

(Парча)

... Бурунги ўтган замонда, элу юрти омонда, ўн олти уруф Кўнғирот, кенг кучокли орқа юртда ўн тўққиз бийлар оғанини, ака-укалар мамлакатнинг шоҳи бўлиб, улар сафида Довонбий хожи, унинг наслларидан, Арконбий, Урконбий, Тўғонбий, Қувонбий, Бобонбий, Алпинбий, Бобинбийдан Қултой Қирон, Алпинбийдан Бойбўри ва Бойсари исмли ўғиллар дунёга келди.

Бойбўри ва Бойсари улғайиб, униб, вақти вояга етиб Бойбўри ота тожини кийиб, боболар меросини ардоқлаб, мамлакат подшоси бўлди. Бойсари ёшлигидан чорвага қизиқиб яшил яйловлар сеҳрига тўймас эди. Унинг туя, йилқи, сиғири, қўй-эчкиси беҳисоб эди. Орқа Кўнғирот элида ўн минг уйли моли мулки мўл, энг донгдор давлатли бойлар бор эди. Улар ҳаммаси довруғдор, шавкатли бойлар эди.

Бойсарини чорвадор бойлар доvon бегиси қилиб юборди. Эл-юртга, ҳамма бойларга жар солиб таништирди. Чорвадорлар саркардаси бўлиб акаси шоҳ Бойбўридан хурсанд бўлиб, бойлар билан танишиб, ҳар бирига ўз молига яраша яхши яйловларни бериб, даврини суриб, ўзига ёққан бойлардан саралаб мингтасини, минг уйли бойлар билан тоғнинг ён бағридаги Кўқкамиш тўқайзорини ёқалаб қўниш олмоқчи бўлди.

Энди икки калима сўзди Қултой бободан эшитинг. Қултой Бойбўрининг Бобонбий бобосининг ўғли эди. Бойбўридан икки ярим ёш катта эди. Унинг отаси катта улуғвор чорвадор, сердавлат бой эди, оти, йилқиси жуда-жуда қўп, халдан зиёд эди. Қултой Қирон ҳам чин дилидан отга меҳр қўйган отбоқар эди. Бошқа молларига қарамасаям от деганда ўлгудай парвона бўлиб юрар эди. Ул Оқсултон исмли қизга уйланиб Кўқкамиш, Оққамиш тўқайзорларини жойлаб қўниш олиб ётган эди. Шоҳ Бойбўри ҳам ўзининг хоназот отларидан: Жийранбўз, Тўрик, Сомон, Олачибор зотли югурик бедовларидан бир галасини унга қўшиб қўйган эди.

*Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Рўзиқул Мустафоқулов.

Култой Бойсарининг минг уйли бойи билан Кўкқамишга келишини эшитиб, хаёли қочиб, кайпи учиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, ҳар қадами беш қулоч чўзилиб, кўп ўйлаб, танага гапни жойлаб, қулай чора-тадбирларни пойлаб, қулай йўлга қадам тайлаб ҳай аттанг-а, бу қандай оғир мусибат бўлди. Агар улар кўчиб келса, ҳар бирининг бир сурув эмас, ўн сурувдан моли бор. Кўкқамишни икки кунда шип-шийдон қилиб ҳаворлаб кетади. Бунинг йўлини тўсмасанг чаток. Кўк йўталнинг олдини олмасанг ўпкани суғуриб отади.

Бу дарднинг йўлини тўсайин, темирни иссиғида босайин, бойларнинг кўкайини кесайин, фақат Кўкқамиш тўғайда ўзим яшаб-яйраб ўсайин. Тез Бойбўрига борайин, бу хабарди берайин. Ундан ҳам иш битмаса, йўлга тушиб, газлардан ошиб, ғам-ҳасрати тошиб, отга қамчи кўшиб оқ қасрга борди. Етишиб, отдан тушиб, хизматкорлар отини ушлаб, якка миҳқа бойлаб, олдига беда ташлаб қўйдилар. Култой Бойбўри ҳузурига бориб, кўлини кўксига қўйиб, таъзим қилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, салом-алиқдан сўнг ўз дардини айтиб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ошно-дўстлар билан базм қиламан,
Яйлов кезиб юришга жазм қиламан,
Ҳар даврани гулгун нозим қиламан,
Бир арз билан, оға, келдим олдинга,
Султон иним, сенга таъзим қиламан.

Пир-хизрлар олиб юрар гирдимди,
Кимга тўкай юракдаги зардамди,
Нечов чиқармоқчи менинг бурдимди,
Қулоқ солинг, мақсадимни айтайин,
Баён айлай ичимдаги дардимди.

Олқор кийик қувишади, тов билан,
Мерган кўрса қочади шиддат билан,
Яраланса, ингранар фарёд билан,
Сенинг отанг менинг отам эмақдош.
Оға сенга келдим бир мақсад билан.

Шул сабабдан шоҳим мунда келганман,
Эшит иним, ғам кулфатда қолганман,
Бойсаридан қаттиқ хафа бўлганман,
Кўкқамишга кўчадиммиш мингта бой,
Шул дард минан ҳузурингга келганман.

Бойсарининг қанча оти, тойи бор,
Келадиган яна мингта бойи бор,
Ҳар бирининг уч-тўрт мингдан қўйи бор,
Икки кунда Кўкқамишни йўқ қилар,
Оро чўлда мен бўламан дарбадор,
Сўзимди англадинг оға бек сардор,
Очдан ўлиб адо бўлар жилқилар.

Айрилмайин ўтлок, яшил жойимдан,
Ўйласам қоним қочар ранг-рўйимдан,
Агар кўрса дев қўрқади бўйимдан,
Ажралиб қолмайин жилқи-тойимдан,
Бойсарига бошқа жайлов тобилар,
Нажот излаб келдим, сиздай бойимдан.

Кейин бўлмас менда ҳузур-ҳаловат,
Айрилиқ, жудолик билсанг ёмон дарт,
Мен шўрликка бўлар даври-қиёмат,
Отлар қирилиб бўлар қора-зулмат,
Бойсарига бошқа жайловди кўрсат.

Қўлдан кетмасин иним қулай фурсат,
Чақириб қилинг унга панди-насихат,
Ҳар кишининг ками-кўсти бўлади,
Боз устига душман, дўсти бўлади,
Айтганларим гапнинг рости бўлади,

Бирон бойдинг менда қаси бўлади.
Шул бойларинг кўчиб борса Бойбўри,
Икки тўқай оёқ ости бўлади,
Сурув-сурув жилқинг очдан ўлади,
Ўйлаб кўр, охири ёмон бўлади.

Агар билсанг жисми-жоним сеники,
Жигарим, суягим, қоним сеники,
Ризки-рўз неъматим, ноним сеники,
Ибодатим ҳам иймоним сеники,
Шул мушкулди осон қилинг улуғ шох,
Бокиб юрган ҳамма молим сеники.

Шуйтиб Бойбўри акасида бу гапни эшитиб Бойсаридан хижолат бўлиб, Қултойнинг қўнглини кўтариб шундай деди: «Бойсарининг овули у ерга жой бўлмайди. Унинг чорва галасига торлик қилади. У жой асли от, жилқининг жойи. Бойсари нега ўзбошимча иш қилиб, мендан берухсат билган ишини қилиб, мендан бемаслаҳат юради. Унинг ўйла-

ган фикр-ниятлари бўлмайди. Сиз хафа бўлманг, уни бугуноқ чақиртириб бошқа томонга кўчадиган қиламан. Кўнглини бўлманг, менинг маслаҳатимдан қолманг, узок яшанг, ўлманг, Оқ тўғай, Кўк тўғай барининг соҳибсиз деб Қултойга далда бериб, кўнглини овлаб яхши йўллари пойлаб бир сўз айтиб турган экан:

Кулоқ солинг оғам бери Бойсари,
Ўзинг чўпонларнинг зўри сардори,
Сеникидир тўғайнинг бори,
Ақлдан озганди Бойсари,
Ул ерга сизмайди пода-кўйлари.

Эл шоҳиман ўз сўзимда тураман,
Худо насиб қилғонини кўраман,
Сизга тегинганга жазо бераман,
Уни бугун қасрга чақиртираман,
Парво қилмай бораверинг, акажон,
Унинг йўлин бошқа томон бураман.

Поёни йўқ тангрининг кенг даласи,
Уни йўлдан урган бойнинг иғвоси,
Ул овулда кўп нокас, ичи қароси,
Айланганми Бойсарининг қалласи,
Яёв ётган саҳронинг поёни йўқ,
Кўкқамишга бормас унинг галаси.

Ўйламасдан ўзи ўлчаб-бичади,
Писанд қилмай раҳбаридан қочади,
Дўст деб душманга сирич очади,
Манманликдан аҳволи не кечади,
Айтсам унга борадиган яйлов кўп,
Оқ биё даштига улар кўчади.

Бир иғвогарнинг гапига кирганда,
Шайтонлик қилиб, уни йўлдан урганда,
Нима деса айтганига юрганда,
Шуйтиб Кўкқамишди қулай кўрганда,
Нокас бойлар Бойсарига борганда,
Гапга учиб уни худо урганда,
Ҳеч ким бормас менинг молим турганда.

Одам қариб бир кун дарвеш чол бўлар,
Ёмғир ёғса тоқир жойлар қўл бўлар,
Насиб бизлардаям қизи-ул бўлар,
Фунчалар очилиб, чаман гул бўлар,
Йилдан йилга мол йилқингиз мўл бўлар,
Парво қилмай бораверинг, акажон,
Кўккамиш сиздики гапим шул бўлар.

Алқисса, Бойбўри сўзини тугатиб, ширин, тотли сўзлар айтиб Қултойдинг қалбини ёритиб, ғам-ғуборини дилдан аритиб, иззати-хурмат этиб, катта зиёфат қилиб, тўкин дастурхон тортиб, шоду хуррамлик билан акасини жўнатди. Қултой кирон Бойбўридан кўнгли тўлиб қалбида қувонч чайқалиб уйига қайтди, нордай ирғалиб.

Ана Бойбўри чопар юбориб Бойсарини чақиртириб, қулоч очиб, кутиб олиб, қуюқ сўрашиб, меҳмон қилиб, ҳолаҳвол сўрашиб, ишларингиз омадими? Бойларингиз тинч-омонми, деб укасининг қалбига севинч солди. Бойсари, оға, мени чақиртирибсиз. Нима юмуш бор, деб сўз айтаётир:

Одам ўғли ўтиб боради навбатма-навбат,
Тирикликда дўслар билан қуриб суҳбат,
Шоди қувонч билан ўтсин ҳар соат,
Ҳар ўтган кунга шукур қилинг ғанимат,
От чоптириб чақирибсиз акажон,
Айтинг биза нима бўлса маслаҳат.

Омон бўлсин оға азиз бошингиз,
Сербарақа, унумли бўлсин ишингиз,
Ўнгидан келсин ҳар кўрган тушингиз,
Иқбол келиб қўнсин давлат кушингиз,
Бизга хизмат бўлса сўзланг бек оға,
Бажарайин менда бўлса ишингиз.

Дарёдай мавжланиб тошиб тўламан,
Қачон куним битса шунда ўламан,
Оға сўзласангиз қулоқ соламан,
Оҳ десангиз дардингизни оламан,
Эли халқим учун югуриб еламан,
Бизга хизмат бўлса айтинг акажон,
Жон дилимни аямасдан қиламан.

Олло менинг ақли-хушим олдима,
Тухмат фалокатга бошим чалдима,

Иғво-бухтон ёки гап-сўз бўлдима,
Ёнингизга бирон кимса келдима,
Юртимизда бузғунчи одамлар кўп,
Бир галомус нохушхабар қилдима.

Тулпор миниб мен кўзлайман узокди,
Кўриқчилар кушга кўяр тузокди,
Чўпонлар ёқади чолмо-тезакди,
Дўс демайман ёмон турки бузиқди,
Ганчу хазинага бой қилинг юртди,
Айтинг оға мени сизга ким чоқди.

Алқисса, Бойбўри бу сўзни эшитиб, Бойсарига қараб, кулиб кўнглин овлаб, Қултойдинг келганини айтиб, бўлган воқеанинг ҳаммасини баён этиб, ширинсуханлик билан ҳазил-хузул сўзлар билан Бойсарини кулдириб, уни Бўзбия жойловига кўчишга кўндириб, бунга Бойсари ҳам рози бўлиб, Қултой ақаси устидан гурунг қилишиб, ҳазил-хузул қилишиб, кайпи чоғ бўлиб, кўнгли оқ бўлиб, Бойсари улусига қайтиб бойлар овулига етиб, Бойбўрининг маслаҳатини айтиб, бу сўз бойларга ҳам маъқул бўлиб Кўккўл, Бўзбия жайловига кўчиб, кўниш олишиб, минг уйли бойлар даврини суриб, Бойбўридан хурсанд бўлиб, Бойсаридан маслаҳат сўраб, иш тутиб, моли-мулкани кўпайтириб, зиётини бўйиб-ютиб кайпини чоғ этиб ётаберди.

Бойбўри ҳам йиғлаганди юпатиб, оч қолганди тўйдириб, бўйдоқларга сулув суйдириб, етим-есирлардинг бошини силаб, элу юртга омонлик, тинчлик, риски давлат тилаб, меҳр, адолат билан юртни сўраб юраберди. Эл кўнглини чоғ этиб, аркони давлатни титратиб ётар эди. Хузур роҳатда, айш-ишратда Қултой қирон ҳам ишнинг ўнгидан келганига суюниб, кўкрак кериб шоҳ укасидан миннатдор бўлиб, нордай тебраниб Кўкқамиш тўқайни айланиб юраберди, ҳар жилқим икков, учовдан тугсин деб ният қилиб, ўйланиб. Минг уйли бойлар ҳам борган жойидан севиниб кенг жайлов ўтлисувли серқовзон, ўтин шибоғи кўп. Ҳар томонлама қулайлиги ёқиб, завқи-шавқи сурур билан ётаберди.

Шундай қилиб замоннинг зайли билан, от чиройли, ёли билан даврдинг оқим майли билан орадан кунлар, ойлар, йиллар қувишиб ўтаберди. Бойбўри, Бойсари шоҳ султонлар бой давлатли бўлса ҳам йиллар оқимида ёши кетиб, бекфарзандлигидан ич-ичидан инграниб, ғам-ҳасратда ўртаниб, дардини ҳеч кимга айтмай, қовжираб қоврилиб юрар

эди. Кунларнинг бирида элнинг давлатли кишиларидан бири Тумонбой тўй қилиб, элу улусни чақириб эл шоҳи Бойбўри, Бойсари бойларни ҳам айтиб чақирди.

Қаҳҳор бахши Қодир ўғли

БЕВА БАРЧИН

(Шу номли достондан парча)

Кўнглидагини топиб гапиргани учун Тўқбойга Ултонтоз хазиначисига буюриб, зар тўн ёптирди. Шу бугун Ултонтоз кутирди, кудукқа қармоқ ташлаб Бойбўрининг кўзини ёшлаб Чилбирнинг чўлига, Давлатқулнинг кўлига бия боқишга жўнатди. Қалдирғочни Ойнанинг кўлига туя боққани жўнатаётган эди, Ёдигар ҳам кўшилди. Шунда Барчиной: «Болам, мени ташлаб кетаяпсанма?» деганда, «Энажон, сизнинг олдингизда Кунтуғмуш момом бор. Ҳар қалай кўз бўлиб туради. Қалдирғочнинг бир ўзи кетмасин, нима бўлса ҳам, қийналсам ҳам қаботида бўлайин. Қалдирғоч аммам нима бўлганда ҳам муштипарда, энажон», деб кўшилиб жўнай берди. Қалдирғоч билан Ёдигарни Ойнанинг кўлига олиб бориб, бир гала туяни санаб берди. Ёдигарнинг кетиши Ултонтоз учун яна бир ютуқ бўлди. Шу куни Ултонтоз Бойбўрининг гапга етарларини барини тарқатди. Бундай пайтда қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканини тушунган жамоат бек буюрган томонга ноилож кетдилар. Саройда Барчиной билан касалманд бўлиб қолган Алпомишнинг энаси Кунтуғмуш чеча қолди. Ултонтознинг ўйлаганлари энди амалга ошадиган бўлди. Шундай қилиб Ултонтоз бир кечаси таваккал худо деб Барчинойнинг ўтовига жўнади. Жуда эҳтиёткорлик билан ўтовга кириб, Барчинойнинг оёқ учидан тўшагига ўрмалаб бораётган пайтда сездиғиб кўйди. Барчиной жаҳл билан жойидан туриб, Ултонтозни ушлади, бикинига беш-олти марта муштлиди, учтасига тўрт-беш тепиб ташлади. Ултонтоз кўрққанидан кўзини номакам қилиб ёшлади. Шунда Барчиной Ултонтознинг жоғасидан гиппа буғиб олиб: «Не сабабдан сўроқсиз кириб келдинг нормода?», деб сўзлаётган жойи:

Ўйлаганда ўйинг йўк,
Бўйлағали бўйинг йўк,
Нега келдинг бостириб.
Элга берар чойинг йўк

Ой нечага, нечага,
Ҳайронман қулбаччага,
Шундай ҳазил қилама,
Тунда келиб чечага.

Чечангнинг бир зўри бор,
Эшони бор, пири бор,
Қандай келдинг кечаси,
Алпомишдай эри бор.

Мени бева билдингма,
Ғар деб фикр қилдингма.
Ўз гунаиғ, ўзинг билан,
Паймонадан тўлдингма.

Туя йўлнинг ярови,
Бунинг ҳеч йўқ гарови,
Сўроқсиз келишингнинг,
Бир кун йўқма сўрови.

Ёрим келса отланиб,
Душманларга зитланиб.
Сен ҳам чиқсанг кўшилиб,
Қарайсанма бетланиб.

Эсни йиғиб Ултонтоз,
Яна ўйлагин бир оз.
Қалмоқ юртдан келмайма,
Алпомишдай бир хўроз.

Тожингни қонатмайма,
Думпарингни отмайма,
Ғар чўқиса бошингдан,
Туёғинга етмайма?

Ҳар ким билсанг ҳолича,
Данганахўр пулича,
Қадам ташласа маъқул,
Азоб тортмай белича.

Эгалига келмайди,
Йигит сендай бўлмайди,
Бу ишингни Ултонтоз,
Ҳатто ҳайвон қилмайди.

Ёруғда кел зўр бўлсанг,
Кўнғиротда шер бўлсанг,
Юзма-юз гаплашдилик,
Йигитларга тир бўлсанг,

деб, Барчиной Ултонтозни буғиб-буғиб, ҳар силкиганда подшонинг оёғи ердан бир қарич, икки қарич кўтарилиб кета берди. Шунда Барчиной Ултонтозга қараб: «Сен ҳам бир иш қилибсан, мен ҳам бир иш қилайин» деб, подшони судраб ўтовдан ташқарига чиқарди. Белидан маҳкам ушлаб, ердан даст кўтариб, келган йўлига қаратиб отди, Ултонтоз йигирма қадамга отилиб кетди, бир чуқурга гупиллаб етди. Итнинг жолоғига чалқораман тушган экан, анча туролмай ётди. Барчинойнинг бу жазоси суягига ботди. Бир амаллаб жойидан туриб, этак-бошини қоқиб, уриб қароргоҳига жўнади. Анча вақтга қадар ухлай олмай, қаҳр устига қаҳри келиб: «Қандай қилиб бўлса ҳам Барчинойни олмасам, шу қилиғини ўн баробар қайтармасам, Ултонтоз деган отимни бошқа қўяман», деб сахар-сахар қасам ичди. Барчинойга ва унинг қариндошларига бўлган таъқибини юз баробар оширди. Юртда олғов-далғов кунлар, нотинч кечалар оғир қарвон сингари бир-бир одим ташлаб ўтаберсин, энди гапни Қалдирғоч билан Ёдигардан эшитинг.

Кунлардан бир кун Ёдигар етим аммасига қараб: «Мана, амма, туяларни боққанимизга йигирма кундан ошди. Шу пайтгача изимиздан на нон келди, на сув келди. Мен ҳам сизга қараб чидаб боқдим. Бугун эса жуда очқадим, кўзларим хиралашиб, тиззаларим дириллаб, ичак-қорним шариллаб дармоним кетаяпти. Шу кетиш бўлса мендан айрилиб қоласиз. Жси амма, мен сағирга бир овуз егилик нарса топиб берсангиз бўлмайдими?», деб бўзлаётган жойи:

Аммажоним, кулоқ солинг сузи га,
Хўрлигимдан ёш келади кўзима.
Ойна кўлда ўлиб кетсам бир кунни,
Ер талашиб ким чопади изима.

Ҳозир ўлсам кўп бўлади армоним,
Кунма кунга кетиб борар дармоним,
Суягали менинг отам бўлмаса,
Яратгандан шундаймикан фармоним.

Ичакларим чинқиради эшилиб,
Ўпка боврим зор қақшайди кўшилиб,
Чидай олмай сари хасни чайнайман,
Юролмайман учаларим тешилиб.

Чўпонлар бир сири раҳим қилмайди,
Мен сағирни кўрса кўзга илмайди,
Қандай ўтни есам, амма, тўяман,
Бир нарсани жутамасам бўлмайди.

Томоқларим чанқаб борар қақираб,
Ҳавасим бор туя сийса шарқираб,
Аммажоним, менга бергин маслаҳат,
Кўз ёшларим оқмай қолди тирқираб.

Ёшлигимдан найлай ўтиб бораман,
Хулқар мисол, амма, боғиб бораман,
Агар ўлсам бир армоним қолади,
Жон отамни кўрмай кетиб боражан.

Ўйнамадим елкасига осилиб,
Жайнамадим иссиқ ҳоврим босилиб,
Ҳатто юзин кўрмадим-да, найлайн,
Чирқирайман кўкайларим кесилиб.

Шундай кунда худо қилсин адолат,
Ёлғиз бошга солмасинда қабоҳат,
Босган изин менга кўрсат, аммажон,
Ҳеч қуриса бир қилайин зиёрат.

Бу дунёдан сира кўнглим тўлмади,
Кетган отам, амма, қайтиб келмади,
Дармонсизма бир кун кетсам жиғилиб,
Акам деб йиғловчи укам бўлмади.

Бек отамнинг кетганига куяман,
Ёлғизликдан пешонамни ўяман,
Барчигар энам қолди ёвнинг қўлида,
Бир гап бўлса, амма, кимни суяман.

Йигит бўлсам яхши кунга ярайман,
Султон бўлиб Кўнғиротим сўрайман,
Қорним очқаб кўзим тиниб боради,
Амма, сенга мен термулиб қарайман.

Ёдигар шу сўзларни айтиб, силаси кетиб йиқилди. Ам-маси чопа келиб оғасини суяди, Ёдигарга нима беришни билмай Қалдирғочнинг суяклари қуяди. Ёдигарнинг лаб-лари қотган, томирдан дармон кетган, териси қақшаб суя-гига етган. Гапиришга ҳам ҳафсаласи етмай, кўзи олариб, тили айланиб ғулдирай берди. Бир пасдан кейин Ёдигар-нинг ороми келди, кўз олди қоронғилашди. Шу пайтдан кўз олдида сонсиз юлдузлар пайдо бўлди, кимдир сув тут-гандай, кимдир нон бергандай гадалана берди, лекин Ёдигар шунча ҳаракат қилиб бировини ҳам ололмас, фақат қўлла-рини узатиб жон-жаҳди билан чўзилар, ҳар чўзилганда нон-нинг ораси узилар эди, энди етдим деганда хаёли бузилар эди. Ёдигар бу манзара билан анча курашди, лекин ҳеч би-рига етолмади. Охири чарчаб қолиб танасидаги бор дармо-ни ҳам баданига тер бўлиб ёйилди, сув бадани шўр бўлиб, жаннат боғида ором олгандек, анча вақт ором топди. Оғир фурсатдан кейин томиридаги дармонлар бир жойга тўпла-ниб, умид занжирига таъзим қилиб, унинг амирини бажар-ишга киришди, лекин полвон суякни тебрата олмай, бутун баданни айланиб чиқиб, охири кўз ва киприкларига кучи етди, холос. Шунда юмилиб ётган равшан кўзлар очилиб, олам мунаввар бўлди ва бошини суяб йиғлаб ўтирган ам-маизорини кўрди, лекин томирдаги куч ва ширин тилни айлантиришга кучи етмади. Оқибат бу куч фақат икки кўзлардан жўра ёшни томизишга қурби етди. Ёдигарнинг кўзини очганини кўрган Қалдирғоч: «Сенга нима бўлди, оғам», деб кичкираётган жойи:

Пойгачи от довуш берсанг чўпчийди,
Баҳор келса ернинг бети кўпчийди,
Юрагимни эзма дейман, Ёдигар,
Довушингга жигар бағрим санчийди.

Қоза тўлмай қашқа чивин ўлмайди,
Баҳор келса очилган гул сўлмайди,
Ҳар нарсани гапирмагин Ёдигар,
Йигит одам, оғам, сендай бўлмайди.

Бир худойим кечирсинда хатонгни,
Ёшлигингда қовжиратма питангни,
Ёмон гапни такрорлаб Ёдигар,
Уялтириб қўймайсанми отангни.

Хар алвонда сўзлаяпсан сўзингни,
Ўлдим десанг ким бошқарар дўзингни,
Муштипарни зор қақшатмай, Ёдигар,
Бир пасилга очгин деймани кўзингни.

Тупроқларга тенг қилма-да танангни,
Йигит бўлиб озод қилгин хонангни,
Кўзинг очиб менга қара, Ёдигар,
Ёнган ўтга ташлаб кетма энангни.

Худо десанг тоғлар эгар бошини,
Санг сайноқлар сув қиб эзар тошини,
Ё пирим, деб жойингдан тур, Ёдигар,
Сен қилмагин нармодалар ишини.

Берай десам оғам ноним бўлмаса,
Сув деганда сувлар оқиб келмаса,
Отажонинг эслаб тургин жойингдан,
Нима берай тандан жоним олмасанг.

Сен ўлгунча аввали мен ўлайин,
Сочим ёйиб сенга соя қилайин,
Мард-йигитнинг боласисан, Ёдигар,
Нима бўлса дардингни мен олайин.

Сабр қилсанг ҳалво пишар йўлингдан,
Худойимни ташламагин тилингдан,
Оғам бўлсанг зор қақшатиб аммангни,
Тургин, оғам, кўтарайин кўлингдан.

Алҳисса, Ёдигар отасини эсга олиб, «Ё, пирим!» дея гавдасини кўтарди. Қалдирғоч Ёдигарнинг кўкрагини адоқдан тўраётган яхтай шамолга хавола қилди. Кўкрагига яхтай шамол тийган Ёдигар анча тетиклашди, кўзлари равшанлашиб, аммасини энди аниқ кўрди. Қараса, аммаси ҳам беҳила азоб тортган, кўзидан анча ёш кетган. Азобда ётган бўлса ҳам Ёдигар муштипар аммасининг кўнглини кўтармоқчи бўлиб: «Эй аммажон, сиз бунча эзилиб, кўз ёшларингизни тўкманг, кўз ёши ҳеч қачон, ҳеч қаерда ёрда бермаган. Сиз мени илтижолар билан худога топширинг. Агар худога менинг бирор фазилатим ёққан бўлса, у мени ёнаётган ўт ичида ҳам асрайди. Мана, мен тирикманки, демак худойимга ёққан томоним бор», деб аранг жилмайди. Шунда аммаси: «Ёдигаржон, оғам, фарзанд ёшлигида нимани

ўрганса, қариганда ҳам шу қилиғини қиламан деб эл-юртга кулги бўлади. Сен ҳам ешлигингдан вой-дод ўламан, деган совуқ гапларга ўрганма, охири ёмон бўлади. Сен ёнбошлаб ётиб, галаларни кўздан кечириб тур. Мана ошувда отангинг Омон деган дўсти чагана боқади. Агар Омон отангни хурмат қилса, сени болам, мени синглим деса бир туйир нон беради. Шундан сен учун нон ва сув сўраб кўрайин. Бергандан ҳам, бермагандан ҳам бир сўра, деган гаплар бор. Шотикарим, отангни ўйлаб сўраганимизни берса», деб Ёдигардан ружсат олиб, Омоннинг қўшига қараб, бир қўлига таёқ олиб, газа бовурлаб жўнади. Қалдирғоч бир дам юрибди, Омоннинг қўйлари туш ётоқда уялаб ётган экан. Омоннинг ўзи эса шаппатига тикилган чодирда қорнини жалонғочлаб, чалсбга тўйиб олиб, носкадининг пўпаги билан ўйнаб, ёнбошлаган экан, Бўрибосар итлари эса ҳоликлаб, тили бир қарич осилиб, чодирнинг соясида сурувни кузатиб турган экан. Яқинлашиб қолган Қалдирғоч: «Омон оға, Омон оға» деб товуш қила берди. Сесканиб кетган Омон жойидан ирчиб туриб, ёқасига туфлаб, ҳуккисини жуфтлаб, қўлига таёғини олиб, эшикка равона бўлди. Олғир итлар эса куйган танани куйдирмайлик, Омонга худо инсоф берсин, деб бу томонига овдарилиб олиб, ҳатто хурмай ёта берди. Шунда Омоннинг кўзи олчи-чикка бўлиб: «Худо бизга ҳам берибди-ку, энди гап ийамталашда», деб тавур-тавур бўлиб, қўшнинг олдида ҳиласлана берди. Қалдирғоч келиб қараса, Омоннинг қўши анча обод, ҳачча чўпларда чаккили халта осилган, кўй қорнига қавурдоқ гўштлар босилган, тандир нонлар дастурхонга ўралган, тулуплар катикни кўтара олмай буралган, тоботошлар ўчоқ бошига тиралган, мешларда сувлар сузгиларда таралган. Хуллас, Омоннинг қўши обод. Шунда Қалдирғоч «Нима бўлса ҳам очлигимни Омонга билдирмайин, Ёдигар учун деб сўраб кўрайин, мусурмон бўлса берав», деб Омонга қараб икки овуз қичқираётган жойи:

Бу дунёга, ака, мен ҳам бўлдим лол,
Мардлар ўлиб номард юрар бемалол,
Алпомишнинг хурматига келдим мен,
Хурмат қилсанг бир пасилга кулоқ сол.

Бемуродлар элдан кетар дарбадар,
Шунинг билан вайрон бўлар кирдикор,
Бир вақтлар оғам билан дўст эдинг,
Шул сабабдан сенга айтар арзим бор.

Насиб бўлса қайтиб келар зўравор,
Қайта бошидан обод бўлар бу шаҳар,
Элим бўлса аҳролимни билсин деб,
Бир парча нон сўраётир Ёдигар.

Баланд бўлса донсларнинг қиммати,
Ҳар даврада ошиб борар қиммати,
Нонинг борда аямай бер, Омонжон,
Ҳарна бўлса Алпон дўстинг хурмати.

Неча кундир оғам ушоқ тотмади,
Тамоғидан бир қултум сув ўтмади,
Бугун чашка тоқатлари қолмайин,
Қўшга келиб бир пасил ҳам ётмади.

Мусурмонсан, иймонингдан кечмагин,
Ҳақни қўйиб, шайтон йўлга қочмагин,
Бир парча нон сўраб келдим, Омонбой,
Гул бўйима ёлғондан тўн пичмагин.

Оғам келса яхшилигинг билади,
Не хизматинг бўлса қайтмай қилади,
Бир парча нон берар бўлсанг, Омонжон,
Ёдигар ҳам хурсан бўлиб кулади.

Остонадан ҳамма қилар тавобди,
Йигит бўлсанг дадил сўйла жавобди,
Ёдигарга агар берсанг парча нон,
Тоғдай қилиб олар эдинг савобди.

Муштипарман, сенга келдим эгилиб,
Бор андишам халқумимга тиғилиб,
Парча нонни аямагин, Омонжон
Гап бўлмасин Ёдигар оғам жиғилиб.

Шундай кунга раво кўрди худойим,
Қўлдан кетди Бойсун-Қўнғирот жойим,
Бир парча нон сўраб келдим, Омонжон,
Яратганга етсинда қилган войим.

Шу сўзларни сўзлаб, Қалдирғоч охири йиғлаб юбориб,
Омонга ёш аралаш умид кўзлари билан боқди. Бу ажиб кўри-
ниш Омоннинг қалбига ўт ёқди. Қалдирғоч қанча йиғлама,
қанча хўрсинса, кийиз бўлиб кетган сочларини сийпаб қан-

ча тўғриласа, уят кучидан қанча қимтинса ва қанча ёлворса шунча гўзллашиб бораверди. Омон эса Қалдирғочни шунча ялинтириб ушлаб тургиси келар, ўзича завқланар, олдидаги мўъжизанинг бағамом эгаси бўлишга ошиқар эди. Шу пайтда хаёлидан не фикрлар кечмади дейсиз. Қараса ҳамма томон кенгиш чўл, ҳа дейдиган одам йўқ. Кенг саҳрода фақат иккови бир-бирига қараб турибди. Бахтга қарши жувон мардонадан ёлвориб, ялиниб бепоён чўлда нон, сув сўраётир. Омоннинг ёрдамчиси ҳам бугун бойларниқига энчи учун кетган. Омоннинг ўзи хон, кўланкаси майдон. Тарпа ушлагиси, лабидан тишлагиси, дарров кўнглини хушлагиси, бор азобни яна Қалдирғочга ташлагиси, бўш жойларига ҳазиллашиб мушлагиси кела берди. Лекин Омон чўпончилигига бориб, гапни нимадан бошлашни билмай, «Кел-э, ёлғондан бир сўзлаб кўрайин», деб таваққалига гап бошлади:

Қалдирғоч, жон Қалдирғоч,
Сочинг тарабсан қийғоч,
Менман юртнинг эгаси,
Кучоғингни менга оч.

Жаннатингни оралай,
Чоллар каби мўралай,
Ўзинг келдинг сўроқлаб,
Қош-қабоғинг қуралай.

Сенсан менинг мадорим,
Ёлғончидаги борим,
Тўранг бўлай тўрланиб,
Шундай бўлар қарорим.

Шундай кунга ярайман,
Ой юзингга қарайман,
Майли десанг, Қалдирғоч,
Жаннатдан жой сўрайман.

Ўлганларни излама,
Оғам бор деб бўзлама,
Мен турганда, Қалдирғоч,
Бектемирни кўзлама.

Чўпонларнинг зўриман,
Шу ўрада бўриман,
Ултонтоздан кам дема,
Алпомишнинг бириман.

Қўшга қара тўладир:
Ҳали яна келадир.
Майли десанг, Қалдирғоч,
Иккимизга бўладир.

Кайвони бўл қўшима,
Вафодор бўл бошима,
Маликадай керилиб,
Сулув бўлгин дашима.

Оға десанг тоғ бўлай,
Чўл изласанг боғ бўлай,
Ойдаи жамолгинангдан,
Мехрланиб чоғ бўлай.

Майли бўлай йўлдошинг,
Оғир кунда белдошинг,
Кечалари сўзласанг,
Мен бўлайин тилдошинг.

Ўлганларга куйинма,
Аравасига тийинма,
Мен турганда, Қалдирғоч,
Ултон бек деб суюнма.

Соя бўлай бошинга,
Қўл солайин тўшинга,
Ўзим бўлай парвона,
Кўзи билан қошинга.

Сийналаринг силайин,
Тўшинга бек бўлайин,
Бир йигитнинг ишини,
Майли десанг қилайин.

Қоши ҳилолим бўлгин,
Лаби зилолим бўлгин,
Ўтар-кетар дунёда,
Менинг малагим бўлгин.

Чўпонсан деб хўрлама,
Эркаласам тўрлама,
Мендан зиёд тўра йўқ,
Бошқасини борлама.

Кел энди кўришайлик,
Гул бўлиб сўришайлик,
Морқа келинчагим бўл,
Бир кўшда туришайлик.

Алқисса, бу сўзларни эшитган Қалдирғоч тахта бўлиб қолди. Фурсат ўтиб, Омон чўпонга қараб: «Эй Омон ака, мен сизни оғам ўрнида оғам деб, умид билан олдингизга келган эдим. Мен сиздан нонни ўзим учун эмас, Алпомиш бўйинсангизнинг боласи Ёдигар учун сўраб эдим. Лекин мен сизнинг бунчаликка боришингизни билганимда, ўлсам ҳам келмас эдим», деди кўнгли хира тортиб. Шунда Омон чўпон: «Эй Қалдирғоч, эскида бир гап бор, кимнинг арава-сида бўлсанг, шунинг қўшиғини айт деган. Тўғри, бир пайтлар Алпомиш менга: «Омонжон, кел, иккимиз дўст бўламиз, душманларга қасд бўламиз», дея ялиниб юрар эди. Шунда ҳам мен унга розилик берганим йўқ. Мана бугун Алпомиш ўлиб кетиб, ўрнига Ултонтоз бек бўлди. Энди, Қалдирғоч, ўлганларнинг арвоҳини безовта қилиб нима қиласан. Кел иккимиз қўшилайлик, менинг қўшимда яшайлик, майли десанг Ёдигар етимга ҳам қарайман, қўшимнинг ихтиёрини сенга бераман, йўқ десанг майли дала-дашт, у ёғини ўзинг биласан», деб қашина берди. Бу гапга яна Қалдирғочнинг капалаги учиб, бошидан хаёли кўчиб, Омонга қараб: «Эй, Омон ака, энангизнинг қорнидан туғилиб, яна фурсат яшаб, ернинг қорнига ўлик бўлиб кирасиз. Дўст номини унутиб, ўз синглингизга ола қараб сўйлаётган бу тилларингиз, бу беўхшов танангиз ерга кирганингизда илонларга, эшак куртларга озуқа бўлади. Лекин ширин жонингиз шу гапларингиз учун худойимнинг олдида жавоб беради. Омон ака, худодан кўркиб гапиринг», деди-да, Қалдирғоч ўзича ўйлади: «Бу аҳмоқ акам Алпомишни билмади, оғам Ёдигарни билмади. Кел-э, худони ўртага қўйиб, сўраб кўрайин қани, балки меҳри бўшаса, бир парча нон берса», деб «Омон ака, худойжоннинг хурмати, бир парча нон бер», деб сўраётган жойи:

Мард йигитнинг тоғдан баланд ўйи бор,
Ҳар даврада белгиланган жойи бор,
Тилим бор деб гапирасиз, Омонбой,
Вақти келса бу гапларнинг войи бор.

Дунё деган ака шундай айланар,
Ёмон одам ёмон ҳисга бойланар,

Бошпанамиз келиб қолса бир куни,
Тенангизга аччиқ камчи тайланар.

Мана бугун биздан кетди салтанат,
Шул сабабдан ҳар кунимиз доду дод,
Эрта бир кун Ултондан ҳам кетади,
Бегингизга қайтиб тушар қиёмат.

Ака бўлиб бугун менга тийинманг,
Оламан деб бир умрга куйинманг,
Омонатнинг сира тегмас фойдаси,
Ултонтознинг давлатига суйинманг.

Ёдигарим ўлмай юрса мард бўлар,
Фанимларга, Ултонтозга дард бўлар,
Ҳар нарсани ўйлаб юринг, Омонжон,
Мард боласи ака доим дард бўлар.

Чечан одам гапни гапга улайди,
Куйган одам ҳар бир гапга жилайди,
Алпомишни ўлган деманг, акажон,
Қайтиб келса бошингизни силайди.

Нокас одам қимматини йўқотар,
Сўзи билан мард одамга ўқ отар,
Оғам келиб Бойсун деган бу элни,
Адолатни тутқа қилиб тебратар.

Ёмон гапни энди тайланг, Омонжон,
Акадайин менга бўлинг қадирдон,
Лозим бўлса худойимнинг сифати,
Ёдигарга беринг ака парча нон.

Йигит ўлса вайрон бўлар кирдикор,
Ўз элини қумсаб ўлар дарбадар,
Худойимнинг ҳурматига сўрайман,
Парча нонни аямангда зўравор.

Қалдирғоч яна Омон чўпонга умид билан боқди. Омон чўпон эса ёмон сўзлардан Қалдирғочнинг бўйнига марваридлар такди. Шунда Омон чўпон: «Эй Қалдирғоч, нима қиласан Алпомишни ўртага қўшиб, у банда ўлган бўлса, салтанати Ултонтозга қолган бўлса, шу пайт давр менга келган бўлса, кел иккимиз ўйнаб қулайлик, худони ҳам тинч кўяйлик, бу дунёда мендан, сендан шу қолади-да», деб Омон-

нинг вужудида табиий бир куч пайдо бўлиб Қалдирғоч сари талпинтирди. Қалдирғоч эса: «Омон ака кўнглингизни ва тилингизни кучли ирода, ақл-заковат билан жиловланг. Йўкса ёлғиз бошингизга гуноҳ ёмғири савр жаласидай ёғади. Ўзингизни кўлга олинг», деб Омонни жеркиди. Шунда Омон: «Қалдирғочой, жувонларнинг кўнглини топсанг, улар дарёга ўхшайди. Дарёдан эса от ҳам, эшак ҳам, ит ҳам, одам ҳам ичади, лекин у харом бўлмайди. Шунингдек сен ҳам менга биргина кучоқлатсанг ҳеч жойинг камаймайди. Бу саҳрода ким билиб ўтирибди. Бу ишингга мен хурсанд бўламан, Ёдигарга нон олиб сен ҳам шодланиб очиласан», деб яқинлаша берди, аммо Қалдирғочнинг важоҳатига бетлай олмай тэмшаниб, югиниб тура берди. «Омон ака куш учади қаноти билан, кўнгли дум-пари билан», деган экан эскилар. Агар менинг ҳам қанотим синмаганда бу гапларни гапира олмас эдингиз. Майли бу кунлар ўтар кетар, лекин мендан қутиларсиз, аммо амал бадалингиздан қўтила олмайсиз», деб Қалдирғочнинг сўнги умиди узилиб изига қайтиб жўнади. Шунда Омон Қалдирғочнинг орқасидан чақириб, тўхтатиб, «Агар нон керак бўлса гапимга қулоқ сол», деб кичкираётган жойи:

Қизлар чиндан гўзалдир,
Ҳар бир қоши ғазалдир,
Омонни куйдирувчи
Қандолату асалдир.

Қизлар асли баҳордир,
Самбул сочи наҳордир,
Бир қимтинса Қалдирғоч,
Ҳар боқиши заҳардир.

Қизлар мисли лоладир,
Куйдирмоққа балодир,
Сал чиройи очилса,
Ёнар ўтга соладир.

Қизлар чиндан жаннатдир,
Ҳар бир сўзи қимматдир,
Тилини топмасанг гар,
Яшин мисол офатдир.

Қизлар асли оҳудир,
Ёки олтин моҳидир,

Лаблари қандолатдан,
Тили эса беҳдир.

Қизлар мисли жайрондир,
Қиё боқса даврондир,
Қалдирғоч жамолинга,
Хатто ойлар хайрондир.

Қизлар чиндан зебодир,
Гулдан улгу топадир,
Ташлаб кетса Омонни,
Сени қайдан топадир.

Қизлар асли олмадир,
Сочи бўлма-бўлмадир,
Тиклайбериб Омонда,
Сира тоқат қолмади.

Қизлар мисли ёқутдир,
Кийими гул барқутдир,
Омон яқинлашганда,
Қалдирғочи кўрқитдир.

Қизлар чиндан анордир,
Ўпсанг меҳринг қонадир,
Тополмай қолса Омон,
Ўлгунича ёнадир.

Қизлар асли какликдир,
Кокиллари пиликдир,
Етолмай қолса, Омон,
Бир умрга ўликдир.

Қизлар мисли гул эди,
Омони булбул эди.
Чўпоннинг излагани,
Бекнинг қизи шул эди.

Омон шундай сайраётибди, шунда Қалдирғоч: «Омон ака, нега мени йўлдан қайтариб, иягингизни қайраб қолдингиз? Нима Ёдигарга бир парча нон бермоқчимиз?», деди изига қараб, Омон чўпон: «Сиздан угина, биздан бугина. Қури тобоққа фотиҳа юрмайди. Лекин шунча айтдим, сен биргина кучоқлатмадинг. Агар Ёдигар ўлмасин десанг, етимга амма бўлсанг, қаботима гулдай бўлиб келсанг, ўнг бетинг-

дан бир ўптирсанг ёки бир бўса берсанг, майли мендан кетса ҳам ярим нон бераман», деб чакчайиб тура берди. Шунда Қалдирғоч ўзича ўйлади: «Мен бунга бир ўптирсам, ундан ярим нон олсам, Ёдигарга берсам, менинг қизлик иффатим қаёққа кетади, уруғ-авлодимга доғ тушмайдами? Алпомишнинг синглиси ярим нон учун Омон чўпонга ўптирибди деса, менинг икки дунём ҳам куйиб, элга исноти бўлман-ку! Бундан кўра Ёдигар билан очдан ўлганимиз яхши эмасма?! Кетар вақтимда нима бўлса бўлсин, бир бошлаб кетайин» деб: «Ҳой Омон ака, агар мени ўпмоқчи бўлсангиз икки кўзингизни ҳам қаттиқ юмиб туринг. Мен олдингизга бораман», деб ўзини дадилликка олди. Омон ҳам чўпонлигига бориб, хурсанд бўлиб: «Бир ўпсам-ку у ёғига йўл очилади», деб икки кўзини чирта юмиб кутиб тура берди. Шунда Қалдирғоч Омонга яқинлашиб бориб, қулоғининг остини кўзлаб шундай қаттиқ урдики, Омон чўпон худди яшин ургандай тарпа йиқилиб тушди. Сачраб турмоқчи эди, яна ёнбошига овнаб кетди. Омон чўпон энадан тувма бўлиб, ҳатто бойлардан ҳам бундай таёқ емаган экан, эсини бир оз йиғиштириб олиб, бу зарбани Қалдирғоч урганини ҳам, девлар келиб уриб кетганини ҳам англолмай қолди, анча туролмай ётди. Тепасига келиб қараб турган Қалдирғоч: «Кўнғирот қизларининг муччиси шундай аччиқ бўлади. Омон ака, яна бир муччи берайинма?», деди жаҳл билан. «Қалдирғочжон, кечир. Мен Алпомиш билан дўст эдим, шунинг ҳурматига урмагин, кўшимдаги нон, сувимдан қанча олсанг розиман», деб хўнграй берди. Шунда Қалдирғоч: «Сенинг Алпомиш учун айтган ҳар бир сўзинг жафо белгисидир, менга айтган қилмишларинг эса кўнғирот уруғига бевафоликдир. Шундай экан сенинг кўшингдаги барча кирдикорларинг кўнғиротлар учун сазҳардир. Энди Омон ака, ҳамма топган-тутган нарсаларинг ўзингдек ҳаромиларга ато қилсин», деб изига кўнгли вайрон бўлиб эйнаси эзилиб, эрзуумидлари тошқолоқдай бузилиб, ушбу ҳам бир ҳол бўлиб қайтиб келди. Аммажоннинг курук қайтиб келаётганини кўрган Ёдигар: «Аммажон, Омон сўзим, берган нон қани ёки нафсинг гулгула қилиб ўзинг еб қўйдими?» деб бўзлаётган жойи:

Бу кетишинг амма ойга тенг бўлди,
Тиклай-тиклай томоқларим кенг бўлди,
Ёдигарнинг бугун иши ўнг бўлди,
Жон аммажон, Омон берган нон қани?

Ушоқ тотсам томирларим жўшайди,
Қотган дийдам кўз ёшима бўшайди,
Йўқ деб айтсанг мендай сағир қақшайди,
Аммажоним, Омон берган нон қани?

Куйган оғанг дармон кетиб суйлабди,
Гул тенани тупроққа тайлабди,
Омон акам отажоним ўйлабди,
Аммажоним, чўпон берган нон қани?

Кировканинг ҳар жойида банди бор,
Чўпоннинг ҳам орасида танти бор,
Чўл нонини есанг, амма, қанти бор,
Аммажоним, бобом берган нон қани?

Ҳазиллашиб яширасан кейнинга,
Ё бўлмаса соб келдингма кўйнинга,
Тезда бермай гуноҳ олма бўйнинга,
Аммажоним, Омон берган нон қани?

Йиғит бўлсам мен ҳам даврон сураин,
Элатима шод-хуррамлик бераин,
Ҳеч бўлмаса нон рангини кўраин,
Аммажоним, Омон берган нон қани?

Яхши фарзанд йиғиб олар эсини,
Доншумандлар хафа қилмас дўстини,
Бир искайин, амма, ноннинг исини,
Қалдирғочим, Омон берган нон қани?

Ақл бўлсанг кулоқ бергин сўзима,
Кенг дунё тор бўб борар ўзима,
Ҳеч бўлмаса бир сўраин кўзима,
Қалдирғочим, Омон берган нон қани?

Қаҳринг келиб амма тоғни кор қилма,
Чўпон нонин емайди деб ор қилма,
Нонни берсанг, мен сағирини зор қилма,
Қалдирғочим, Омон берган нон қани?

Алқисса, Қалдирғоч Ёдигарнинг бу сўзларига, ёшга
тўлган кўзларига, тупроққа қорилиб қолган ўзларига тик-
лаб қолди, қарай-қарай кўзлари толди, худо шу пайтда муш-
типарнинг оғзига шу сўзларни солди: «Ёдигаржоним, қа-

нотим, орқа товимсан. Сен марднинг боласисан. Худо саклайман деса икки тошнинг орасида ҳам саклайди. Сен хафа бўлма, Омон бобонг ўлган экан, кўши эгасиз бўлиб қолган экан, барча нону сувига итлар эгалик қилган экан, шунинг учун амманг захар нон-сувни олмай, қури қайтиб келган экан», деб ҳамма воқеани ипидан-игнасигача гапириб берди. Ёдигар эса: «Воҳ, дариға, кўзи йилтиллаб турган ҳеч бир бандага ишониб бўлмас экан-да, чўпони шундай бўлса, беги нима иш қилаётган экан?» деб оху-фигон чекди. Шунда аммаси: «Хафа бўлма Ёдигаржон, бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон. Сен билан мен ҳам бўрига ўхшаб, ёмон отликқа чиққанмиз. Кел энди бир иш қиламиз. Галадаги семиз бўталардан бировини овдарамиз. Отанг келгунча бўтанинг гўшини тамадди қилиб турамиз. Насиб бўлиб, отанг келса кўй гўштларига тўямиз», деб иккови гапни бир жойга қўйиб, кечки салқин галани бир камарга тўдалаб қамадилар. Ёдигарда ҳам умид учкунлари порлаб, жисми кучкуватни чорлаб, бўтани суямиз деганига анча дадилланиб, бу ҳам бир томондан ҳа-ҳалашиб, тош отиб қайтариб турди. Шунда Қалдирғоч ўзини галанинг ичига урди, гала муштипарни тўлқиндай у ёқ-бу ёққа сурди. Қалдирғочнинг ҳам суяги полвон эмасма, кемадай қалқиб кетиб, бўталардан биронтасини ҳам ушлай олмай алами зиёда бўлди, бир пасил шўрқиллади, ичидаги аламлар кўз ёшига айланиб сел бўлди. Ёдигар ҳам баттар эзилиб тупроққа жиғилди. Шунда Қалдирғоч нима қиларини билмай хайрон бўлиб турганда, тупиروқда ётган Ёдигар: «Аммажон, одамзод одамзоднинг тилигаки тушунмади, Омон бобом хайвонлик қилибди. Омонга айтган дардингни шу галага қичқириб айт қайни, шоятқарим шу хайвонлар тушиниб олдинга келса», деди инграниб. «Тўғри айтасан, болам, одамзоддан умид бўлмади, кел-э, шу хайвонлар дардимизни тушунар», деб галаларга қараб, «Ёдигар учун галалар, қонжалокқа келиб бошни кўйинглар», деб Қалдирғочнинг бўзлаб чақираётган жойи:

Зилзилада ернинг бағри тилинар,
Ҳатто тошлар қарс иккига бўлинар,
Эсли хайвон шундай кунда билинар,
Ёдигар учун биринг келин, галалар,
Ёдигар эса лаби қотиб, ҳалалар.

Омон чўпон зардоб қилди гўшимни,
Парча нонга айлангирди бошимни,

Инсон бўлиб жаврайберди ҳушимни,
Шўр етимга раҳим қилгин, галалар,
Ўдигар эса ётиб олиб ҳалалар.

Сизлар учун майли берай танимни,
Сув қиб ичинг томирдаги қонимни,
Омон кўрмасинда йиғлаганимни,
Шул сағирга раҳим қилинг, галалар,
Ўдигар эса қумда ётиб ҳалалар.

Ўлғизимнинг ҳеч бўлмади дараги,
Мен бўлайин дев-парининг хўраги,
Шундай бўлди муштипарнинг сўроғи,
Инсон учун раҳим қилинг галалар,
Ўдигар эса дармон кетиб ҳалалар.

Раҳим қилинг Алпон оғам ҳурмати
Рози бўлинг отажоним ҳурмати,
Авваласи ўлғиз худом ҳурмати,
Шул гўдакка раҳим қилинг, галалар,
Ўдигар эса қумни титиб ҳалалар

Гапларимни фикр қилиб туйинглар,
Бошқа гапни оғам учун қўйинглар,
Қонжалокқа келиб бошни қўйинглар,
Шу оғамга раҳим қилинг, галалар,
Ўдигар эса йиғлаб-йиғлаб ҳалалар.

Одамзоддан бугун эсли бўлинглар,
Хайвон бўлиб инсон ишин қилинглар,
Бек ўлмаган бўлса майли келинглар,
Тирик бўлса раҳим қилинг, галалар,
Ўдигар эса ёниб-ёниб ҳалалар.

Алқисса, галалар изига чаппа қайтди. Шунда галаларнинг ичидан қора рангли говмиш туя чиқиб, Ўдигарнинг ёнига келди. Икки орқа путини олчанглатиб, эмчагини ийдириб, эмчак учини Ўдигарнинг овзига тийдириб тута берди. Шу пайтда Ўдигар анча дармондан кетиб бўлган эди. Туянинг эмчагини билиб-билмай оғзига олиб сўрий берди. Фурсат ўтиб туя оёқларини йиғиштириб галага қўшилиб кетди. Шунда Қалдирғоч хайвоннинг бу ишини кўриб: «Воҳ, дариға, хайвон бўлса ҳам Омондан эсли экан», деб Ўдигарнинг ёнига етиб келса, Ўдигар анча ўзини тутиб олган, танага дар-

мон келган, кўзлар равшан, тиллар разон, аммасини кўриб жойидан ирғиб турди ва туянинг ишига қойил қолди, рангига қон югурди. Шунда Қалдирғоч Ёдигарга қараб: «Оғам, мана қорнинг ҳам бир оз узига келди. Менинг куним эса шул. Энди сен Бойсунга бориб, энангдан хабар олиб келсанг қандай бўлади?» деб маслаҳат солаётган жойи:

Доно одам муродига еткарар,
Яхши мардум ишинг тушса питкарар,
Ширин сўз ҳам қалбдан дардинг кеткарар,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Бир хил ҳайвон энасини тепади,
Азоб тушса юрмас эшак чопади,
Яхши фарзанд юртига нур сепади,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Пойга бўлса учкир отлар ўтмасин,
Қамаб қувсанг учар қушга етмасин,
Шўр энангнинг шул азоби етмасин,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Суянгали Ҳаким ёри бўлмаса,
Чақирганда ёлғиз фарзанд келмаса,
Чой ичганда дастурхони тўлмаса,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Ҳар банданинг тилидандир гунолар,
Мард одамлар ёмон кунда синалар,
Ёлғизига зор қақшаса эналар,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Ултонтоздан фикр кетса йиғлатар,
Шўр энангнинг сийнасини доғлатар,
Мажбур бўлса қўл-оёғин боғлатар,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Мен муштипар йиғлаб-йиғлаб ўтарман,
У дунёга, балки, куйиб кетарман,
Бойсун кетсанг суйиб-суйиб ётарман,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Шаън булганса, муштипардан зар кетар,
Покизадан номус билан ор кетар,
Тоғ бошидан ҳатто бўқтар қор кетар,
Оғам бўлсанг, энангдан ол хабарни.

Покизадир Кўнғиротнинг қизлари,
Шул сабабдан олтинга тенг сўзлари,
Ойга менгзалади элим нозлари,
Мени десанг, юртингдан ол хабарни...

* * *

Мен ҳам отам Қодирдан,
Зўр бахши—баходирдан.
Ўрганиб айтдим Сизга,
Азиз дўсту қадрдон.
Устозим Қаҳҳоров:
«Абдуолим ёз!» — деди.
Малик Мурад ҳам «Соз!» — деди.
Достонни ўқиганлар,
Сурсин даври давронлар,
Ҳамма етсин ниятга,
Ҳамда мурад мақсадга.

Чори бахши Умиров

ЁДГОР

... Ху, қадим ўтган замонда, кун чиқар томонда, гули очилган чаманда, Бойсун-Кўнғирот деган мамлакат бўлиб, унда Бойбўри деган подшолик қилар, элатининг қадрини билар, яратган Эгамдан юртининг тинч-тотувлигини тилар, халқи ҳам бой-бадавлат шодликда ўйнаб кулар эди. Бойбўрининг элати чорвадор бўлиб, чорва билан гузаронлик қилар, кунини кўрар, тоғ-чўл, яхши яйловни эгаллаб юрар, уларни уруғнинг алп йигитлари кўриклаб турар эди.

Бойбўрининг ёши бир жойга борганда тилаб олган Алпомиш деган ўғли бўлиб, кундан кунга кучга тўлиб, устозлардан таълим олиб, курашмоқ, от чопмоқ, ёй тортмоқни машқ қилиб, у яйловдан бу яйловдаги бойларнинг уйига бориб, бойлар ҳам уни ҳурмат қилиб, элатга бош бўлишини билиб юрар эди. Бойсунда Кўнғиротнинг бир неча уруғи бўлиб, унинг тортувли деган шахобчасидан Пармонбой деган бойи кўп пўли борли, элда номус-орли оқсоқоли бор эди. Пармонбойнинг Шомурод деган ўғли бўлиб, ёши Ҳакимбек билан тенг эди, феъли аъбори кенг эди, қил-ч иччи ўнг эди. Ҳакимбек ва Шомурод бир ёқа бўлса, бири енг эди, иккаласи қа-

лин ошна тутиниб, йиғинларда ҳам, овда ҳам доим бирга бўлар, бир-бирини иззат қилар, кадр-қимматини билар бир-бирига кўнгли тўлар, бир нима деса, иккинчиси қилар эди. Кунларнинг бирида, иккиси овда юрганида Шомурод Ал-помишга қараб: «Ҳой Ҳақимбек ошнам, кўп орзу-истак уйланмасдан ёшлиқда бўлса, яхши ниятинг худога маъқул келса, у юракда муҳрланиб қолади ва албатта вожиб бўлади. Шу сабаб сенга айтадиган бир ўйим бор, орзу-ниятим бор. Мана иккимиз худони ўртага солиб, тўн ёпишиб дўст бўлмадик, лекин худога шукурки, дўстлардан, ака-укалардан зиёдмиз, бир-биримизни хурмат қиламиз, кадр-қимматимизни биламиз, душман бағрини тиламиз. Аммо улғайгач ошначилиқни қандай асраб қоламиз? Шу ҳақда ўйлаб қилган орзу-тилагимни эшитгин» деб сўзлаб турган экан:

Булбул ошно бўлар боғнинг гулига,
Шу фикрни туйди ошнанг дилига,
Обрўли бўлайлик кўнғирот элига,
Яратгандан бир ниятни тиласак,
Қулоқ солгин Шомуроднинг тилига.

Инсоф берсин ҳар банданинг ўзига,
Душман келса даъф этармиз изига,
Қулоқ солиб зўр пирларнинг сўзига,
Яратгандан бир истакни тиласак,
Разим солиб боққил ошнанг кўзига.

Қурьонда битилган қанчалар оят,
Ҳаммасини ўқиб қилдик зикриёт,
Шукур этай бирга кечар бу ҳаёт,
Яратгандан бир нарсани тилайлик.
Ошна бўлиб сўнг қолайлик умрбод.

Осмон аёз бўлса бугун юлдуз кўк,
Мерган бўлиб тирданларга солдик ўк,
Яқдилликда бўлар доим кўнғил тўк.
Яратгандан бир орзулик сўрайлик,
Сўраганга ҳали бермай қўйган йўк.

Ошноликнинг қадрини билайлик,
Вақти келса бир вақтда уйланайлик,
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Сўзларимга қулоқ солгин жон ошна,
Худо берса бирга фарзанд кўрайлик.

Севган ёрман ҳаётимиз гул бўлсин,
Аҳду паймон, ошнажоним, шул бўлсин,
Яратганнинг каромати мўл бўлсин,
Шу нарсани бир худодан тилайлик,
Фарзандимиз иккиси ҳам ул бўлсин.

Душман кўрса оч бўридай қасд бўлсин,
Иккисини кўрган душман паст бўлсин,
Оёгин остида чириб хас бўлсин,
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Иккаласи бир умрга дўст бўлсин.

Бу дунёда барча тўғри сўз бўлса,
Орқамизда қолар фарзанд из бўлса,
Бир-бирига доим ёруғ юз бўлса,
Яратгандан шу истакни тилайлик,
Фарзандимиз иккаласи қиз бўлса.

Иккимиздир шу тилакни деган-а,
Йигит сўзи бўлсин, ошнам, ягона,
Фарзанд зоти бўлмас тани бегона,
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Қиз кўрсак гар бўлсин қалин дугона.

Шу сўзни қилмасак адо бўламиз,
Яратганим ўзи гувоҳ биламиз,
Ошнолик узилса сарсон қоламиз,
Бири ўғил бўлса, бири агар қиз,
Мени десанг икков куда бўламиз.

Эзгу умид билан ҳар ким маст бўлсин,
Субутсиз бандага эгам қасд бўлсин,
Яратган олдида ҳар ким рост бўлсин,
Кимда ким сўзидан қайтса ҳар қачон,
Элатдан ажралиб мохов, пес бўлсин.

Ҳакимбек Шомурод ошносидан бу сўзларни эшитиб, унга қараб, янги сабза урган муритини бураб, узангига оёгини тираб: «Шомурод бу фикрлар ўзингдан чиқдимми ё тушингда аён бердимми?» деб сўраб: «Ху, укафарнинг ули, тамакининг гули, бутбулдай сайрайди тили, худони шохид қилдинг, яйради ошнангнинг дили, гапларинг рост бўлса, фотиҳага кўтарилсин Шомуроднинг қўли», деб фотиҳага қўлини очиб, иккаласи бир бўлиб, улуғ ниятлар қилиб юзига тортди.

Алқисса, шундан сўнг кундан-кун ўтиб, Алпомиш билан Шомурод дўст-биродарлари, қавми-қариндошлари билан даврини суриб юрганда Қалмоқ мамлакатидан Алпомишга нома келди. Унда Ойбарчинга совчилар тўкилиб, 90 алп қўнғиротлар устига от солиб, қиёматни қилиб, ҳар қуни келиб, Ойбарчинга хоҳласанг биримизга, хоҳлмасанг баримизга тегасан дегач, Ойбарчин иложсиз олти ойга муҳлат олгани айтилган, Алпомишдан Ойбарчинни олиб кетиш ёки жавобини бериши битилган эди. Алпомиш бундан хабар топгач, қалмоқ юртига бориб, тўрт шартни бажариб, алпларга қиёматни солиб, қанча қийинчиликлар билан Ойбарчинни олиб келган эди.

Орадан анча ўтгач, яна Бойсаридан Алпомишга хабар келади. Унда: «Алпомиш болам, қўлим осмондан оёғим ердан узилган, ҳеч кимга етмас нолам, душман етказди алам. Қалмоқлар беш минг уйли Қўнғиротнинг устига от солиб, зулм кўрсатиб ётибди, роса силамиз қотибди, ўтмас кун бошимизга тушиб ётибди, нечовни қалмоқлар отибди, болачақасига сағирлик ғами етибди, қайнотангнинг дармони кетибди. Бекор айтганингни қилиб, элимга кетмаган эканман. Тезда етиб келмасанг, бирор чора қилмасанг, қариндошлар аҳволини билмасанг, душман душманлигин билдирар, юрак бағримизни қон-зардобга тўлдирар, этимизни сихга илдирар, тайин қийнаб ўлдирар», дебди. Алпомиш бундан огоҳ бўлгач, Қалмоққа жўнаш олдидан Ойбарчиннинг олдига келиб, севган ёрига қараб: «Баланд товда буктар қорим, сенсан менинг номус-орим, хазинада олтин-зарим. қалмоқ элга жўнаш олдидан бир гап айтайин қулоқ солгин севган ёрим. Ёшлиқда ошнам Шомурод билан иккимиз уйлансак, хотинларимиз ўғил туғса худони ўртага қўйиб дўст қиламиз, қиз топишса айрилмас дугона бўлади, биримиз қизлик, биримиз ўғиллик бўлсак қуда киришамиз деб аҳд-паймон қилганмиз. Аввал яхшини айт, кейин ёмонни деган гап бор. Агарда мен фалакнинг гардиши билан қалмоқдан келмай қолсам, худо олдида қилган қасамёдларим ерда қолмасин», деб тайинлаб, ота-онаси, элатидан дуо олиб қирқ йигити билан иккинчи бир сафарга кетган эди. Мана орадан анча вақт ўтган эди, аммо Алпомиш ва йигитларидан хабар бўлмади. Бу орада Барчинойнинг бўйида қолган хомиласи туғилиш пайти келган эди, дард бошланиб ранги сўлган эди, қайнона момоси Кунтуғмуш тўлғоқ бошланишини сезиб ёнида қолган эди. Ана энди фурсати етиб, оғриқ суяқдан ўтиб Ойбарчиннинг кўзи ёраётган жойи:

Холсидайди қаранг лаби қотади,
Ширин жонин шу Ойбарчин сотади,
Оғрик келиб энди тўлғоқ тутади.
Бу дардларга чидай олмай Ойбарчин,
Моможон, деб ўзин ҳар ён отади.

Оғрик зўрдир ширин жонин сўтади,
Ажал қистаб келди, энди нетади.
Чидай олмас тоза жондан ўтади,
Моможон, деб йиғлаётир Ойбарчин,
Кунтуғмушдай момоси ҳам жетади.

Тов бошини туман келиб чалмади,
Ажал келиб, момо, мени жолмади.
Бу азобга гул танам чидай олмади,
Бежаллар ўлар бўлдим, моможон,
Шу паллада йўлбарс тўрам бўлмади.

Дард давосин яратганим билади,
Кўп куйинма дардинг осон бўлади,
Сен йиғласанг мендай момонг сўлади,
Ҳафа бўлиб йиғламагин, жон болам,
Насиб этса йўлбарс тўранг келади.

Гарданига жони гўё тифилар,
Ёқасин бўшатар, Барчин бўғилар,
Танга оғрик найзадайн суғилар,
Бир пас чида, жоним болам, Ойбарчин,
Қўркмагинда қизим, фарзанд туғилар.

Ҳайрон бўлиб яратганнинг ишидан,
Ёқаси ҳўл кўзда оққан ёшидан,
Ихтиёри уча берди бошидан.
Момосининг кўлин ушлаб йиғлайди,
Ойбарчин ҳам кета берди ҳушидан.

Оғрик келиб юрагига тифилди,
Нафас чиқмас терга ботиб бўғилди.
Шердай бўлиб битта гўдак туғилди,
Ерга тушиб бифиллайди чақалок,
Кунтуғмушой боқса бола ўғилди(р).

Фаришталар гувоҳ кўкнинг остида,
Чархи фалак, момоси ҳам устида,
Ўғил бола дейди, кўнгли ўсин,

Аждаҳодай чориллайди, чақалок,
Ўз момоси киндигини кесди-да.

Ҳолсизланиб Ойбарчин ҳам туради,
Ўз момоси жўрбагига ўради,
Йўлбарсининг боласини кўради,
Шу гўдакнинг йиғисини эшитиб,
Қишлоклагги итнинг бари хуради.

Завқи келар товнинг сайроқ қушига,
Оғир гурзи урилгандай бошига,
Сумбул сочи жойлангандир тўшига,
Боласининг ингалаш товушига,
Ойбарчин ҳам келаберди хушига.

Сарғайган, оқарган нурли юзига,
Қайнонаси боқиб келин-қизига.
Шукур айтиб яратганнинг ўзига,
Болагинанг кўргин дея, Кунтуғмуш,
Чақалокни кўрсатади кўзига.

Ўқиганнинг ҳамма қойил зийнига,
Мерганларнинг қашқа паранг ийнига,
Шукур қилгин, дардинг кетсин кейнига.
Шер ўғлингни олгин, деб-ку момоси,
Чақалогин сола берди кўйнига.

Алқисса, Кунтуғмушой келинининг эсон-омон кўзи ёриганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, жилмайиб кулиб, Ойбарчиннинг хушига келганини билиб, шодликдан юраги тўлиб, унга қараб, ахволини сўраб: «Жоним болам, ўзинг-санда кўрғон қалъам, яратганга етди-да нолам, юрагимдан кетди алам, қалмоқ элдан келиб қолар шунқор болам. Энди лочин қизим ўзингга келган бўлсанг, ёнингга бировни кўя-йин, боланг билан ётиб тургин. Мен у ён, бу ён желайин, кўй ёғидан аталанинг тараддусини қилайин, яна султон бобонга учраб келайин, ҳазиллашиб биқинига туртиб қолайин, неvara суюнчисига кўп нарсани олайин, кўрманани кўпроқ қилсин физиллаб бориб келайин», деб кўп гапни айтиб, яна изига қайтиб, Барчиннинг боши тагига пиёз, қалампир, пичоқ, тош кўйиб, она-болага исириқ тутатиб, уч марта айлантриб, кўшни кампирни чақиртириб Барчин ва чақалокни олдига қолдириб чиқиб кетди.

Ана-мана дегунча икки кампир бир шафтолини жегунча Бойбўрининг олдига жетди. Хотин зотини биласиз,

ҳазилима, чинима, эркалаганима — билмайсиз, бирдан эрини кўргансан ўдағайлаб кетади. Кунтуғмуш ойим ҳам Султон Бойбўрини кўргансан, ҳе йўк, бе йўк: «Қанақа одамсиз, мен Ойбарчин билан юрагимни ховучлаб ётибман билмайсиз, ош тайёр, нон тайёр пинагингизни бузмайсиз, хотин шўрлиларни назарингизга ҳам илмайсиз, ҳеч куриса ташқаридан бўлса ҳам хабар олмайсиз, тирикликда иззат-ҳурматни қилмайсиз, эркак зогининг бошига туғиш насиб қилмаган, шунинг учун хотинлар жаҳаннам овзидан қайтишини билмайсиз», деб удағайлай кетди. Бойбўри Кунтуғмуш ойимга қараб: «Ху бекам, сен менга нимани таъна қилаётибсан, ҳеч нарсадан хабарим йўқлигини билаётибсан, бегуноҳ кишига озор бериб, юрак бағримни тилаётибсан, тушунтириб айт бир нарсага шаъма қилаётибсан. Дамингга зоғора пишади, сабабини айт», деди. Кунтуғмуш ойим: «Ҳали сиз ҳеч нарса билмайдиган бегуноҳмисиз? Одам деганда фаҳми фаросат бўлади, кулоқ солинг бегуноҳлигингизни билдирайин, шинангимга илдирайин, кўнглингизни тўлдирайин, аччиқланманг сизни бир кулдирайин», деб кулиб, эрининг хаёлини бўлиб, тўрасига қараб сўзлаётган экан:

Аллоҳ нур бахш этган ойдин юзимди,
Кунтуғмушой бека дейди ўзимди,
Азиз тўрам, кўтарингда нозимди,
Жасатингдан мендай ёринг айлансин,
Эшитингда ҳукмдорим сўзимди.

Ўйламангки, ой Кунтуғмуш қариди,
Бу қувончлар тақдирида бориди,
Хазинада занглаб ётган зариди,
Жасатингдан мендай ёринг айлансин,
Эрка ёринг, тўрам, ҳали парди(р).

Ҳеч бўлмасин гапнинг бетга тобаси,
Қоплондайин чикди унинг собаси,
Суюнчини бера бергин бобоси,
Болам келгунча қалмоқ элидан,
Туғилди-да айдахорнинг габаси.

Баланд товда бўктирилган оппоқ қор,
Эғалилар бўлди Бойсун кирдикор,
Суюнчидан, тўрам, бўлдинг қарздор,
Суюнчини бера бергин бобоси,
Қаторингга кўшилди-да қора нор.

Қолмасинда орзу-ният чаласи,
Бовин маҳкам қилсин олло толаси,
Эгасиз, бўлмади Бойсун қаъласи,
Суюнчини бера бергин бобоси,
Туғилди-да бек Ҳақимнинг боласи.

Дилдан кетди тана гапнинг таммаси,
Даво бўлар кўк чойнакнинг шамаси,
Келавергин оғайнининг ҳаммаси,
Туғилди-да йўлбарсимнинг боласи,
Суюнчини келтиравер аммаси.

Етмади ҳеч душманларим хиласи,
Кела бергин ёр-биродар бўласи,
Эгалидир Алпомишнинг даласи,
Суюнчини бера бергин, Қалдирғоч,
Туғилди-да ёлғиз оғанг боласи.

Омон бўлсин элатида бошлари,
Тўкилмасин тани кўздан ёшлари,
Кела бер бек Ҳақим хили-хешлари,
Туғилди-да ёлғизимнинг авлоди,
Суюнчи бера бер қариндошлари.

Осмон бетнинг ёруғ бўлган ойдан,
Қувонди-да бу ушалган ўйдан,
Амманг ўлсин, деди, турди жойидан,
Суюнчини эшитгансан Қалдирғоч,
Чопиб чикди ўз ўтирган уйдан.

Қарамади тани ўнги-сўлига,
Қувват бўлсин Қалдирғочнинг белига,
Курмалади гап келмайди тилига,
Чопиб бориб, чечасининг қўлидан,
Чақалоқни ола берди қўлига.

Бойбўри севган ёри Қунтуғмуш оймидан шу сўзларни эшитгансан, сакраб ўрнидан туриб, юраги ғалт-ғалт уриб, сўлини кўтариб яратганга ҳамду санолар ўқиб: «Ху бекам, димоғимни чоғладиңг, хира кўнглимни оқладиңг. Кўнглиңг тўқлигидан вошқираётган экансан-да! Ўдағайламасдан суюнчи бер, десанг бўлмасмидим. Сенга суюнчига бисотимдаги борини бердим», деди. Кунтуғмушой кечирим сўраб, иккаласи кўкка қараб, Аллоҳга илтижо қилиб кашал кетган

ёлғизининг келишини сўраб, юзларига фотиҳа тортди. Шундан сўнг Кунтуғмушой: «Энди неварангизнинг отини қўйиш керак. Одатга кўра бобоси қўяди, бунга нима дейсиз?» деди. «Момоси, неварангни оти ўзи-ўзидан маълум. Ўтган ота-боболаримиз отаси вафот этган, ёхуд бедарак ўтган, ёки кашал кетгандан сўнг туғилган болага Ёдигар деб от қўйишган. Боланинг қулоғига эса сенинг отинг Ёдигар бўлди, отангни оти «палончи» эди деб айтишган. Бунинг сабаби бола ҳар куни отасини ёд этиб, яратган эгамдан бедарак кетган ёки кашал кетган отам келсин, пушти камаридан бўлганимни билсин, мен ҳам қандай зотдан пайдо бўлганман жасадини кўрайин, деб илтижо қилиб сўрар, худо гўдакнинг илтижосини қабул этиб, отаси бало-қазолардан омон қолиб келар, ҳеч бўлмаса руҳи намоён бўлар, ўзини маълум қилар, гўдак руҳ орқали отасини таниб олар экан. Шу урф-удумга риоя қилиб, биз ҳам отини Ёдигаржон қўямиз-да», деди Бойбўри. Бу гап Кунтуғмушойга ҳам маъқул келиб, Ёдигар қўйса Алпомиш кашалдан келгандай бўлиб, бир гапириб икки кулиб: «Неварамнинг оти Ёдигар бўлди, энди Ойбарчиндан боламга, саврда жовган жоламга бориб айттайин», деб кетаётган эди Бойбўри: «Келинга айтсанг айтгину, бешик тўйига ҳам тараддуни бошла. Дўст йиғлаб, душман кулмасин, Алпомиш кетиб Бойбўрининг қалди букилиб, суяклари сўкилиб қолди, неvara кўрганда ҳам қалдини тутолмади, бешик тўйи ўтказиб элга зиёфат этолмади демасин. Мен ҳам элатимни йиғим Ёдигарга дуо тилайин, худодан ёлғизимни қайтаришни илтижо қилайин. Кўпнинг дуоси кўл бўлса, дуо берган мунов эл бўлса, Алпомиш тирик келса, яратган эгам раҳим қилса бу оламда армонсиз ўтардим», деб юзига фотиҳа тортиб қола берди.

Алқисса, Бойбўри хили-хешини, ёру-биродарларини, оғайни қариндошларини чақириб Ёдигарнинг бешик тўйи маслаҳатини қилиб, Шомуродга қараб: «Шомурод, сен Ҳақимбек билан қалин ошна эдинг. Энди ошнангнинг йўқлигини билдирмайсан, яхши хизмат қилсан, бош баковул ўзинг бўласан. Курашда ҳам, кўпқарида ҳам орқашлик деб фирромлик билан жанжал чиқарадиганларни босди-босди қиласан. Элда эътиборинг бор, ҳаммасини иззат-хурмат қилади, куч-қудратингни биллади», деди. Шомурод рози бўлиб: «Тўғри айтдингиз, Ёдигар менинг ҳам ўғлим, тўйида хизмат қиламан», тўйнинг расм-русумини биламан, келган меҳмонни кўнглини оламан, бузғунчиларни тўғри йўлга соламан», деди. Бойбўри: «Бўлмаса чақирувчиларни барча уруққа жўнат, элдаги бар-

ча сағир-суғур, жетим-жесир, қарри-қартангларни алоҳида айтдир, алоҳида инъом қил, тўй чиқимларини ўйламай сарфлайвер, кўпкари ва курашга катта-катта зотни танлайвер, бу ёғини ўзинг билганингдай қилавер», деб тўйга рухсатни берди. Ана энди Шомурод хизматга керакли одамларни қаботига олиб, зарур маслаҳатларни қилиб, чақирувчиларни белгилаб, тўсатма-тўсаг, қишлоқма-қишлоқ, элатма-элат, яйловма-яйлов жўнатилгаётган жойи экан:

Алвон-алвон дўнади,
Яратган бошга понади.
Эл оралаб жарчилар,
Тўсатма-тўсат жўнади.
От чопмоқдир булар иши,
Чақириллар тенги-туши.
Турнадай бўлиб тизилиб,
Қаранг жўнади қирқ киши.
Хат берилгандир ўзига,
Қарамайди ҳеч изига.
Тулпор отлари етказмас,
Издан қувган тозига.
Йигит хизматда билинар,
Юрак-бағирлар тилинар.
Жўнаган қирқта жарчилар,
Қишлоқдан чиқиб бўлинар.
Осмоннинг ёруғ ойига,
Ҳар ким етсинда ўйига.
Бора бер, элат, отланиб,
Бойбўри султон тўйига.
Очилган боғнинг гулига,
Тўйни беради элига.
Тўй қилар элат бобоси,
Мулла Ҳақимнинг улига.
Демайин тағин қари-ёш,
Элатларига бўлган бош.
Қўнғирот элда тўй бўлар,
Бора бер, гала қариндош.
Минганинг эшак, той бўлар,
Еган гўшгинанг қўй бўлар.
Бора бер дейди, жарчилар,
Уч кўнлик манзил жой бўлар.
Пишди-да юз хил патирлар,

Бўлади юзи хатирлар.
Тўйдан қолмагин бора бер,
Тикилди юзта чолларлар.
Бўлади катта жийинлар,
Бормаганингга қийинлар.
Тўйга бора бер, чақирдим,
Бўлади минг бир ўйинлар.
Осмонда учади торчи,
Бири-бирига хабарчи.
Қишлоқма-қишлоқ жўнади,
Тўйга деб чақирар жарчи.
Чақирув хати қўлига,
Минган бедовнинг белига.
Тўйга деб жарчи чақирар,
Кўнғиротларнинг элига.
Кийик гўшини жоралаб,
Мерган отади оралаб.
Тўйга айтади хабарчи,
Қишлоқма-қишлоқ оралаб.
Ойлар нечадан нечага,
Сон тийган гала баччага.
Товуш борича бақириб,
Чопар кўчаман-кўчага.
Уч кунлик манзил жойига,
Гала кўнғирот бойига.
Чақиради-да жарчилар,
Ёдигар шунқор тўйига.
Қабоқ бошингди уясан,
Ёмон қилигинг қўясан.
Жарчи чақирар тўйга бор,
Қуйруқ гўшлардан тўясан.
Себалайди, ҳаво жовар,
Томчиси бир-бирин қувар.
Қишлоқма-қишлоқ чопишар,
Бедов отларга кун тувар.
Тикилган чодир алвонлар,
Ярқиллаб урар жавлонлар.
Кураш бўлади бора бер,
Билага тўла полвонлар.
Тўй бўлар энди жуда соз,
Бўлмайди отли мингдан оз.
Кўпкари бўлар бора бер,
От боққан гала чавандоз.

Илон ўйнатар морбозлар,
Туяни тортган сарбозлар.
Тўйга чақирдим бора бер,
Ўйин кўрсатар дорбозлар.
Элида кўпдир яхшилар,
Чевар, уста ҳам нахшилар.
Тўйга чорладим бора бер,
Созин кўтарган бахшилар.
Элатда бўлсин шови шув,
Номардлик бўлар қайтишув.
Ҳар жойдан бахши жийилган,
Бўлади катта айтишув.
Тойни минган тойчилар,
Жувоз ҳайдаган мойчилар.
Ҳаммагни айтдим бора бер,
Сибизикчи ҳам найчилар.
Оёқ қўллари чаққонлар,
Қилган ишлари ҳаққонлар.
Барингни айтдим бора бер,
Дала-даштдаги деҳқонлар.
Тўйга кийилар чопонлар,
Адир-қирдаги чобонлар.
Чўлиққа ташлаб молингди,
Тўйга боринглар чўпонлар.
Айтмаган одам қолмади,
Айгилмагани бўлмади.
Чақириб чиқди ҳаммани,
Отлар чопишдан толмади.

Мана тўй ҳам бошланиб, одамлар селов-селов кела берди, келгани қурга ўта берди, тўй куллуқ бўлсинини бериб, дастурхондаги таомлардан тота берди, келган меҳмонларга лали-лали сшни торта берди. Бойбўри неварасининг тўйига беш юз чори, панжи қўйларни сўйдира берди, юзта чодирдаги меҳмонга қайнатма шўрвани қўйдира берди, гўш(т)ларни ҳар кимга мучалаб уйдира берди, ўн беш ошпаз тинмай қозон қайната берди, келганлар шоду-хуррам турли-туман овқатдан тўя берди, ўйин-кулги авжига чиқа берди, ҳар қурда ҳар бахши айта берди, иши зариллар қорнини тўйдириб кета берди, кўпкари ва курашда голиб чиққанлар катта-катта соврунни олиб кўнгли ўса берди, мағлублари бир томонга писа берди, ийнини кўтармай қиса берди. Алқисса, тўйнинг уч кунлик муҳлати битта берди, меҳ-

монларнинг олди кета берди. Шунда Бойбўри элатининг олдига келиб, маст бўлган лўкдай бўлиб, хулқаси тўлиб: «Йиғилган халойиқ, кунғирот элатим, сизлар менинг тожи давлатим, бир йилдан буён букилди савлатим, бу азоб-укубат ҳам менинг меҳнатим. Биласизлар, кашал кетган йўлбарсим келмаётир. Худога шукурки, Ҳакимбекка худо бир ўғил берди, отини урф-одатга кўра Ёдигар қўйдим. Сизлардан илтимосим шуки, кўпнинг дуоси қўл, ҳосияти мўл бўлганидан дуо берсаларингиз. Дуоларингиз мустажо бўлиб Ҳаким болам, келса, неварам Ёдигаржон отасидай зўр бўлса», деди. Йиғилган халойиқ Бойбўри истагандай дуо қилиб, тўй ҳам тарқалди. Шомурод Ойбарчиннинг олдига келиб, ул қуллуқ бўлсин қилиб, кўрманани кўпроқ бериб, хотини Ойжамолнинг ой-куни яқинлашганини айтиб, Алпомишнинг, албатта келишини таъкидлаб, сўнг Бойбўридан рухсат олиб, бу ҳам уйига кетди.

Алқисса, Бойбўри Ёдигарнинг бешик тўйини ўтказиб, элдан дуо олиб бергансан Кунтуғмуш момоси Ёдигарни қўлига олиб: «Момогинанг қолсинда ўлиб, неварам йиғлашдан қолибди толиб, бир озгина ранги сўлиб, бешикка берайин солиб», деб отаси бўланган бешикни олиб келтирди, зиён-заҳмат кетсин деб бешикни ўтдан уч марта айлантирди, янги жиҳозлар билан сошлаб, боланинг бошига нон, пиёз, қалампир, пичоқ, тош қўйди, бошқа ирим-сиримларни ҳам ўринлатди. Ёдигарни қўлига олиб, ўнгми-чапми қилиб: «Гапи элатига порисин, шу бешикдан зиён-заҳмат арисин, бешигингта Хўжаи Ҳизр дорисин, отасидай айдахор бўлсин, душманлар зарбасидан ўлсин, адолатли ҳукмдор бўлсин, отаси қалмоқдан келсин, Аллоҳ доим паноҳига олсин», деб бешикка бўлади. Кўрпасини бешикка тайлаб тебратиб, алла айтиб Барчинга кўрсатди. Сўнг: «Болам, энди ўзинг эмизиб, тебратиб ухлатгин», деб ташқарига юмушлар билан чиқиб кетди. Ана шунда Ойбарчин Ёдигарини эмизиб, кўзини уйнинг шиғига тизиб, бошдан ўтган воқеаларни эслаб, кашал кетган ёридан хавотирда бўлиб, хўрлиги келиб, кўзига ёш тўлиб, бешикни тебратиб ўзича шу сўзларни алла деб айтиб турган экан:

Алла болэм-а, ол бўлсин,
Кўзингда уйқунг мўл булсин,
Сен севганлар эл бўлсин,
Меҳрлари ҳам қўл бўлсин,
Алла болам-а, алла-ё.

Савирда жовади жала,
Ўзинг ҳозир мурғак бола,
Сақласинда олло тола,
Ҳозир ухлайдиган палла,
Алла болам-а, алла-ё.

Чопганда толмас пирогим,
Ақда тенгсиз зирагим,
Айланай қоплон юрагим,
Шу кунларимга керагим,
Алла болам-а, алла-ё.

Номуслар билан оримсан,
Манглайимдаги боримсан,
Ҳазинамдаги заримсан,
Шерим ўрнида шеримсан,
Алла болам-а, алла-ё.

Таянчимсан ёлғиз улим,
Сўлмасинда қизил гулим,
Сенсиз қандай бўлар холим,
Отангни тарк этсин ўлим,
Алла болам-а, алла-ё.

Сарғаймади нурли юзим,
Қўрмади, шукур, изим,
Омон бўлсинда ёлғизим.
Ширин-шакар, ширбоз қўзим,
Алла болам-а, алла-ё.

Элларни кезар савдогар,
Қаторлар қилиб қора нор.
Дўстим десинда чориёр,
Яратган бўлсин мадаккор,
Алла болам-а, алла-ё.

Мадад бергин, эшон, пирлар,
Салом берсин ҳатто шерлар,
Бўйин эгин манман зўрлар,
Ёринг бўлсин эркин хурлар,
Алла болам-а, алла-ё.

Қушдай эркин учар бўлгин,
Доимо бахт кучар бўлгин,
Омадларга дучор бўлган,
Душман қонин ичар бўлгин,
Алла болам-а, алла-ё.

Елканг қояли қир бўлгин,
Жанг майдонларда шер бўлгин,
Рустам мисоли зўр бўлгин,
Бир ўзинг мингта тир бўлгин,
Алла болам-а, алла-ё.

Сайрар боғларнинг булбули,
Ардоқласин ўсган эли,
Раво бўлсин юрган йўли,
Кўрса кетсин душман сўли,
Алла болам-а, алла-ё.

Осмонда қушлар сайрасин,
Кўнглинг тўлғониб яйрасин,
Душман тишини қайрасин,
Қилич зарбангдан жайрасин,
Алла болам-а, алла-ё.

Омон қилсинда танини,
Яратган сақла жонини,
Сақлагин отанг шаънини,
Ичгинда душман қонини,
Алла болам-а, алла-ё.

Туёқларимдан тайрилдим,
Қанотларимдан қайрилдим.
Бир йилдан бери шер болам,
Отагинангдан айрилдим,
Алла болам-а, алла-ё.

Айтган гапларим келсинда,
Душман зоти ҳам ўлсинда,
Ажали қистаб сўлсинда,
Ё насиб отанг келсинда,
Алла болам-а, алла-ё.

Душман дегани қурисин,
Хаммаси ўлиб чирисин,
Бошидан кулфат арисин,
Бойсун элатга дорисин,
Алла болам-а, алла-ё.

Отанг ишини қилгинда,
Душман боврини тилгинда,
Иккаламиз бахтимизга,
Йўлбарс отанг келсинда,
Алла болам-а, алла-ё.

Алқисса, Барчиной Ёдигарни аллалаб, кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди, бир зум хаёлга толди, яна уч ой орқада қолди. Ёдигар ҳам куладиган, бошини тутадиган, энасини бошқалардан фарқ этадиган бўлди. Аммо Алпомишнинг келмаётгани, ундан бирон хабар бўлмаётганидан Ойбарчин қон зардоб ютди, Алпомиш қалмоққа жўнаётганида айтган гапи хаёлидан ўтди, «фалакнинг зулми билан мабода келмай қолсам...» Барчиннинг ҳиқилдоғидан тутди, юрак-бовурини сўтди. Алпомиш билан Шомуроднинг худони шоҳид қилиб ичган қасамёдини эслади, сўнг ўйга толди: «Шомурод ҳам фарзандли бўлган эди, Ёдигарнинг бешик тўйидан сўнг Ойжамол қиз кўрган эди. Тўрамнинг гапи рост бўлса, ахдлашув Шомуроднинг ҳам ёдида бордир. Тўрам келар, келгунча Шомуродникига борсам, этак йиртиш қилиб қўйсам, келгандан сўнг шод бўлар. Шу фикримни айтсам Шомурод ва Ойжамол ҳам рози бўлар ёки Алпомиш келмади деб сўзидан қайтар, барибир бораин қани, бир гап айтар», деб қатъий қарорга келди. Эрталаб Ёдигарни Қалдирғочойга қолдириб, кўлига бир супургини олиб Шомуроднинг ҳовлисига етди. Қараса, ҳали ҳеч ким уйқудан тургани йўқ, биронтаси Ойбарчинни кўргани йўқ. Шу сабаб кўнгли тўқ бўлиб ҳовлини супира берди. Шомурод таҳорат қилиш учун турса биров ҳовлига сувни сепган, ҳа деб супираётди. «Бугун Ойжамол эрта турибди-да», деб ғира-ширада эътибор бермай, таҳоратини олиб, намозини ўқиб, ташқарига чиқса ичкаридан Ойжамолнинг товуши эшитилди. Бу сирисавдога ақли етмай, кимлигини билай деб, шундай яқин бориб қараса, Ойбарчин. «Қани, Барчиной, келинг, эрга тонгдан ҳовлини супираётисиз. Ойжамолга ёрдамга келдингизми?» деди. Шунда Барчиной Шомуродга салом бериб, бир оз кўрқиб, супургини ушлаб, бир сўз айтиб гурган жойи:

Очилганда боғнинг қизил гулини,
Бир гап олган Ойбарчиннинг сулини,
Бойсун-Кўнғирот дейди ўсган элини,
Нима гап деб, ака, мендан сўраддинг,
Эшитгинда келган меҳмон тилини.

Тов бетини туман келиб чалмади,
Бу бошимга яхши кунлар солмади,
Зиндон бўлди ёки алплар жолмади,
Эшитгинда Барчинойнинг сўзини,
Кашал кетган йўлбарс тўрам келмади.

Алам бори келган бугун жийилиб,
Такдир билан насибалар қийилиб,
Бу бошимга осмон келган ўйилиб,
Эшитгинда акажоним сўзимди,
Ўйлаганда ёшлар келар қуйилиб.

Тақдиримда не борини билмадим,
Орқасида қолгунича ўлмадим,
Зананаман қаботида бўлмадим,
Эшитгинда, акажоним, сўзимди,
Душманларга қиёматни солмадим.

Юракни ўртайди ошнангиз сўзи,
Яратгандан ҳамиша бўлдим рози.
Сизда қиз бор, менда тўрам ёлғизи,
Эшитгинда, акажоним сўзимди,
Овунчоқ энага ўғил ё қизи.

Тўрам билан қалин ошна бўлсангиз,
Кўнгилларни доим бирга олгансиз,
Бўлар гапчи билиб қулоқ солгансиз,
Эшитингда акажоним сўзимди,
Ёшлиқда нимани ваъда қилгансиз.

Ҳеч қисмасин ёлғиз Аллоҳ гадони,
Ёшлик вақти бергансизлар ваъдани,
Олмай туриб биздай ёр-у шадони,
Эшитингда акажоним сўзимди,
Шаҳид айлаб не дегансиз худони.

Кўп сўзладим оғзим қолди кўпириб,
Бўлиб ўтган ваъдалардан гапириб,
Об кетишга келдим энди жопириб,
Эшитингда акажоним сўзимди,
Ҳовлингизни турибманда супуриб.

Шомурод бу сўзни эшитгач бўғинма-бўғини бўшади,
суяклари шовшади, ёши кўзда жўшади, Алпомишни кўрганга
ўхшади, ўсмирлик орзулари эсига тушиб, Барчинойга қараб
сўзлаб турган жойи:

Алпомишман доим бирга юрганман,
Қизик-қизик суҳбатларни қурганман,
Не иш қилса қаботида турганман,

Жасадингдан айланайин, Ойбарчин,
Бирга-бирга даври-даврон сурганман.

Душман кўрсак бағрин қон қиб тилганмиз,
Танасидан калласини жулганмиз,
Кураш, кўпкарида ғолиб бўлганмиз,
Ҳа сизларга уйланмасдан, Ойбарчин,
Аллоҳ гувоҳликда ваъда қилганмиз.

Яхшиликка жўраб кўрай тушимди,
Мен биларман ўзим қилар ишимди,
Алпомиш деб кўздан тўкай ёшимди,
Айтган гапдан қайтар бўлсам Ойбарчин,
Яратганим олмайдима бошимди?!

Яхшини кўргансан меҳринг қонади,
Адир сойлар бети доим жонади,
Худойжоним бир меҳрибон донади,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Ёлғиз ўзи бошимизга понади(р).

Шомурод Барчинойга шу сўзларни айтаётганда Ойжамол эшитиб, ташқарига чиқиб кўришиб, сўрашиб, бир-бирига қарашиб, сўнг ичкари киришди. Шомурод хотинига ҳамма воқеани бир бошдан айтиб: «Энди гап шундай бўлади, аҳду-паймонимизни эл билади, урф-одатимизга кўра Ёдигар билан Ойдинойни этак йиртиш қилиб қўямиз, зўр бир панжи кўйни сўямиз, қариндошларни жиямиз, шу билан ваъдаларимиз бажарилади», деб Ойжамол билан Ойбарчинга қараб сўзлаб турган жойи шу экан...

Абдуназар бахши Поён ўғли

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН БИР МАЙДОН*

Еру кўк нурли куёшдан,
Кўшиқ айтдим етти ёшдан,
Суюгим енгил олқишдан,
Меҳмонлар келган дўш-душдан.
Сўраяпман ҳамма кишидан,
Илҳом олиб учар қушдан,
Айтиб берайми бир бошдан,
Бошлайинма Алпомишдан.

* Достон ушбу китоб муаллифлари томонидан тўлалигича ёзиб олинди ва нашрга тайёрланди.

Ху, оқ тов, кўк тов, ологов минган оти бедов кийик пой-
лаб қилади ов, юртга келолмас ёв номини эшитган минг-
минг дев, йўлига келолмас гов, бир томони ўзбек, қирғиз,
туркман дўстлар билан ёнма-ён, зўрлигидан топган хурмат
шон, савашли кун ялангтўш марду майдон оти ўзиб улоқ
чопқон тўйдан молу дунё ўлжа олган борган жойдан, бир
оти Ҳақимбек, бир оти Алпомишхон қалмоқ элидан Бар-
чин ёрини олиб келиб айшу роҳатда, тўй, суҳбатда, иззат-
хурматда, адолатли шоҳ бўлиб юртда кайфи чоқ бўлиб
кўнгли оқ бўлиб, ғами-ғуссаси йўқ бўлиб, отасига қанот
бўлиб Кўнғирот юртига доно, адолатли сахий бўлиб ёмон-
нинг жазосини бериб, росттўй ҳақ бўлиб, сағир-суғур, етим-
есирнинг ҳол-аҳволини сўраб шоду қувончда даврон сура-
берди, ҳар синовда чоқ бўлиб ёри Барчиной ҳам мақсадга
етиб, уйғоқ бўлиб, яйраб-яшнаб кўнгли чаман боғ бўлиб,
ҳомиладор бўлиб қолғониди қорни тўлиб, тикка бўб юра-
риди чайқалиб, гоҳи-гоҳида ота-онасини соғиниб, сергак
бўлиб кунларнинг бирида ғамгин бўлиб кўзларидан гавҳар
ёшлари оқиб ёт элда ота-онасининг қолиб кетганига ич-
ичидан инграниб йиғлаб ўтирганида Ҳақимбек келди.

Ойбарчиннинг бу аҳволда турганини кўриб, сенга нима
бўлди, ким хафа қилди, деб арзи ҳолини сўраб, ёрига қараб
бир сўз айтиб турган экан:

Завқ билан ўтказгин баҳор ёзингди,
Оллоҳ менга қўшгандир юлдузингди,
Ёшли кўрдим икки чўлпон кўзингди,
Эшитайин айтгин арзи сўзингди,
Ким хафа қилди вафодорим ўзингди.

Тезроқ айтгин қочирай мазасини,
Берайин ёмонларнинг жазосини,
Кийдирайин кўкини азасини,
Ким хафа қилди суяр ёрим ўзингди,
Тўлдирайин ундайнинг қазосини.

Қулатай суянч тоғини,
Хазон қилайин боғини,
Синдирай икки жоғини,
Ким хафа қилди сўзлагин,
Суғуриб олай юрагини.

Ўйнаб юргин соғ-омона,
Мен бўлдим кўриб ҳайрона,

Алам ўти ёна-ёна,
Хоҳ дўст бўлсин, хоҳ бегона,
Мулкин қиламан вайрона.

Ёки яхшима ёмона,
Эшон, хўжа ё имомма,
Ё камбағал ё султонма,
Тезроқ сўзла Барчиним.

Ё, ҳайвон ёки инсонма,
Танинг-жонинг омонма.
Қалмоқ элдан олиб келиб,
Юртингда йиғлатаманма?

Гавҳар панжали қўлингдан,
Ҳайрон қолдим аҳволингдан,
Тотайин шакар болингдан.
Кучайин марол белингдан,
Ақлли сулув суйругим,
Гап эшитайин тилингдан.

Алқисса, Барчиной Ҳакимбекдан бу сўзди эшитиб, кўз
ёшларини рўмолининг учи билан артиб, ўпкаси тўлиб
хўрсиниб, шул жавоб сўзларни айтиб турган экан:

Сунбул сочим эшилгандир толу тол,
Оқ юзимга ярашади қора хол,
Сизинг учун сўзим тотли лабим бол,
Ким мени хафа қилар ўз юртимда,
Арслон тўрам сўзларимга кулоқ сол.

Энди етдим мен ўн олти ёшимга,
Соғу омон келдим эли дошимга,
Айрилиқ савдоси тушиб бошимга,
Юрак сирим айтай сиздай кишимга,
Кўзимда ёш дилим вайрон найлайин,
Ота-онам ҳар кеч кирар тушимга.

Олатоғнинг боши қоя-қояма,
Тошларидан кийик юрса тояма,
Фарзандсизнинг ўтган умри зояма,
Дунёнинг аршига одати тўяма,
Кўп талофат кўриб қолган қалмоқлар,
Ота-онамни соғу омон қўяма.

Бошида кўп экан кулфат аянчи,
Ул шўрларнинг йўқдир бирон таянчи,
Бир мен эдим кўнгилтоғи суянчи,
Овунчоғи суяр ўгли бўлмаса,
Қалбидан қочгандай шодлик қувончи.

Ўйласам юрагим бўлади яра,
Жигар-боврим бўлади пора-пора,
Ёт элда қолди бесайиб беқора,
Йўлимизга ҳамиша интизора,
Борай десам иложим йўқ начора.

Ўйлаб турсам куч мадорим кетади,
Жудолик ханжари боврим йиртади,
Файри юртда йиғлаб қонлар ютади,
Соғинади қадримиз ўтади,
Қанча азоб кулфат бўлса тортади,
Аҳволидан хабар олсак қайтади.

Ботир юрса тўсиқ йўллар очилар,
Қасд қилган душманнинг қони сочилар,
Ёвузларга кафан тўни бичилар,
Мулки вайрон бўлиб боши янчилар,
Қалмоқ бориб хабарлашинг бек тўрам,
Қалбимни банд қилган тугун ечилар.

Ўзинг бор десангиз йўлга чоқлиман,
Ота-онам излашга ҳам ҳақлиман,
Борай десам боғловли сиртмоқлиман,
Минг шукрки сиздай шунқор беклиман,
Иложим йўқ ичим ёниб боради,
На қилайин бошим оғир юклиман.

Ёлғизлик, ночорлик дунёда ёмон,
Бошини чулғаган зулумат туман,
Ёвуз қолмоқлардан қиламан гумон,
Ўйлаб турсам сира қўймайди омон,
Ота-онам ҳол-аҳволи на бўлди,
Кўз ёшларим дарё бўлди тўрамжон.

Ҳеч ким шафқат қилмас ота-онамга,
Бесоябон қолган меҳрибонимга,
Еган-ичганларим юқмас тенамга,
Ким қулоқ солади оху ноламга,
Гулдай юзим сомон бўлди султоним,
Ғам-ғуссада ичим тўлди султоним.

Ана шунда Алпомишхон бу сўзларди эшитиб ёрининг кўз ёшларига ачиниб ёт элда қолган Бойсари акасига ичи ачиб раҳми келиб, дарди алами кўзғалиб, Барчинга далда бериб, кўнглини кўтариб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Нозли ёрим тингладим мен сўзингди,
Доно қизсан маҳкам тутгин ўзингди,
Омон келиб кўрдинг тоғу тўзингди,
Ота-онанг соғу омон юргандир,
Бекорга ёшлама хумор кўзингди.

Худо раҳм қилсин улар ҳолига,
Насиб қилса об қайтаман элига,
Кеб қўшилар қариндошнинг мўлига,
Эртага минарман чибор белига,
Шодон кулиб яйраб юргин Барчиной,
Бедов қистаб тушай қалмоқ йўлига.

Беҳуда қийнама гулдай тенангди,
Фам чекиб сира букмагин синангди,
Ардоқлаб силаб юрай пешонангди,
Хафа бўлма қалмоқ элга кетарман,
Саломат кўрарсан ота энангди.

Олмос қилич найза қалқон осарман,
Савашли кун чинордай бўб ўсарман,
Бошин кесиб душман йўлин тўсарман,
Худо мадад берсин ўзим қайсарман,
Ўн беш кунда хабарин об келарман,
Уч кунда уч ойлик йўлни босарман.

Чин сўзимни сенга яна айтаман,
Насиб бўлса эртага жўнаб кетарман,
Қистаб юриб қалмоқ бориб старман,
Узоқ йўлнинг танобини тортарман,
Йиғлаганда овутиб юпатарман,
Ота-онанг рози бўлса гул Барчин,
Ўзим билан бирга олиб қайтарман.

Сиё сочингди ўрарсан,
Ўзингга оро берарсан,
Завку кувончда юрарсан,
Орзу ниятинг кўрарсан,
Эл-юртга тўйлар берарсан.

Армонсиз даврон суларсан,
Насиб қилса Худойим,
Ўғил қизли бўларсан.
Хафа бўлмагин сулув ёр,
Ота-онангни кўрарсан.

Алпомиш дер менинг отим,
Тошқиндир кучу ғайратим,
Ҳар ишга етар қувватим,
Учар қушдан ўтар отим,
Парвозда бўлар қанотим,
Обод бўлар Қўнғиротим,
Севинч қувончинг чайқалар,
Яйраб юргин сен дилбандим.

Ором олгин тоза гулим,
Сиё қош сочи сунбулим,
Сенсан менинг кўнғил дилим,
Кенг тормоқли обод элим,
Тоғлардай залворли белим,
Кетар бўлдим қалмоқ юртга,
Нурли равон бўлсин йўлим.

Алпомишдан бу сўзларди эшитиб Барчиной ором олиб,
таскин топиб, кайфи чоқ бўлиб, дарёдай уйғоқ бўлиб, Ҳақим-
бекдан кўнгли тўлиб, нозланиб, солланиб, қолди ота-онаси-
ни кўргандай бўлиб. Шу кеча ётди, кечаси қувончли ўтди.
Тун ёришиб тонг отди, муллалар азон айтди, азон қулоққа
етди, номозхонлар мачитга кетди, беномоз ухлаб ётди. Кун
ёришиб чошгоҳга етди. Ана шунда Ҳақимбек йўл тарадду-
сини кўриб, бемаслаҳат кетмайин, деб отасига бориб бор
гапни, мақсадини тушунтириб, дуо тилаб, жавоб сўраб тур-
ган вақти экан:

Борган жойдан олдим инъом,
Бўлса кечиринг айб гуном,
Падаримиз улуғ донам.
Ой нурли бўлсин пешонам,
Отажоним ассалом.

Созанда юрар соз билан,
Кўллар чиройли роз билан.
Иш битказаман тез билан,

Таомлар ширин туз билан,
Қулоқ солинг отажоним,
Сизга келдим бир арз билан.

Бошида бўлмасин ғубор,
Уларга бўлгандай жабр,
У ёқда йўқ яхши табар,
Остимда ўйнайди чибор,
Дуо беринг отажоним,
Бойсарибойдан олай хабар.

Қоронғи бўлиб ойдин тун,
Ечилсин боғланган тугун,
Сафарга бел боғлаб бугун.
Бормасам бўлмайди энди,
Барчиной йиғлайди ҳар кун.

Белимга олмос чотарман,
Йўллар танобин тортарман,
Яшиндай оқиб кетарман,
Уч кунда қалмоқ етарман,
Дуч келган душман ютарман,
Силтаб осмонга отарман.
Дуо беринг меҳрибоним,
Шу бугун жўнаб кетарман,
Бойсарибойдан хабар об,
Бир ой муддатла қайтарман.

Денгиздай чайқалиб тўлдим,
Боришимни ният қилдим,
Рози бўб бўйнимга олдим,
Ўйлаб турсам чарчаб толдим,
Кетмасам бўлмайди зинҳор,
Барчинга мен ваъда қилдим.

Бўлмасин айб хато,
Орзу ниятларим катта,
Дуо беринг жоним ота,
Ният қилиб бел боғладим,
Кетаман бугун албатта,
Алпомишман сўзим битта.

Йўлимдан чалғитиш йўқ,
Авраб ҳеч овутиш йўқ,

Кетмасам менда хуш йўқ,
Сабри бардошим ҳам йўқ,
Кетиш мақсадим бугун,
Энди изга қайтиш йўқ.

Мард йигитнинг бордир ори,
Ўзида бўлар ихтиёри,
Падаримсиз юрт сардори,
Қолмоқда қолган жигари,
Бесойиб ўлмасин отажон,
Сизнинг укангиз Бойсари.

Бошини кулфат чолмасин,
Ҳасратда йиғлаб ўлмасин,
Айрилиқ ханжар тилмасин,
Мусофир бўлиб қолмасин,
Беқаро ўлса қолмоқда,
Тани бесойиб қолмасин.

Тулпор юлдузни кўзлайди,
Мусофирлар бўзлайди,
Юракларим жизиллайди,
Ҳақимбек ишни тезлайди,
Ачинмайсизми отажон,
Биздан бошқа ёт юртларда,
Акамни кимлар излайди?!

Баланд товлардан отажон,
Энди кетишга шошаман,
Учар қушга от қўшаман,
Мақсадимга етишаман,
Рухсат беринг бузрукворим,
Бугун мен йўлга тушаман.

Алқисса, ўғлидан бу хабарди эшитиб, кайфи қочиб ичи ачиб, ранги ўчиб, бир чайқалиб чўчиб, калласи кўчиб, ич-ичидан инграниб, ҳай оттанг кўзимнинг оқу қораси, эл-юртимнинг сараси, мендай шохнинг ёлғиз боласи суянч тоғим кетса, от кистаб бориб етса, қанча алплари қирилиб азият чекиб, талофат кўрган ғайридин қалмоқ қасос ўтида қоврилиб ётган пойлаб хийла-найранг билан йўлини тутса, илондай авраб олиб жонига озор етса, мендай шўрли ғам-ғуссада қонлар ютса, лочин қанотим қайрилиб синмайма бул мунча шайланиб йўлга равон бўбди, қайтмаса керак,

аввал кетганда ҳам берухсат кетиб қолганида энди Бар-
чинди олиб келиб кўнгли тинчиди, деб юрган эдим. Қани
насихат қилиб йўлдан қайтариб кўрайин бахтимга кетмай
қолса, ажаб эмас, деб ўғлига бир сўз деб турган экан:

Товларнинг қори эрисин,
Душманнинг тани чирисин,
Қалмоққа офат дорисин,
Бошимдан кулфат арисин,
Юртини тарк этиб кетган,
Дарбадар укам қурисин.

Илондай захрин сочама,
Ўсган элидан қочама,
Ташналик сувин ичама,
Сирини ўзи очама,
Зикна нокас бўлмай ўлсин,
Яхшиликка закот бермай,
Юртидан дайдиб кўчама.

Сени билан обод қалъам,
Сендан бошқа йўқдир хилам.
Сеникидир моли галам,
Қалбимга солмагин алам,
Ўзи қилди кўрсин энди,
Уни излаб борма болам.

Отангни ўтга ёндирма,
Бошимга зулмат дўндирма,
Мулким бесойиб қолдирма,
Ханжарга бошим чалдирма,
Ўлдириб кетгин отангни.
Лочин қанотим синдирма.

Борганинг қалмоқ билмайма,
Маккорлик ишлар қилмайма,
Йўлингга тўғон солмайма,
Қонсираб ётган қалмоқлар,
Қасос ўчини олмайма,
Бу йўлдан қайтгин ёлғизим,
Отанг бечироқ ўлмайма.

Тун ойдин осмон ойидан,
Ҳар ким тилар худойидан,
Ўзи кетди ўскан жойидан,
Айрилиб тенги жойидан,
Уни биров ҳайдаган йўқ,
Кўраберсин манглайидан.

Отасидан бу жавобни эшитиб, кайфи бузилиб, отасига
шу гапларни айтиб турган экан:

Йўлим тўсмас қора туман,
Менга дуч келолмас душман,
Кетишга мен аҳду паймон,
Ёвуз келолмас мен томон,
Қасдлашса қўймасман омон,
Якка ёлғизлик кўп ёмон,
Бугун кетиш арзи ният,
Мени қайтарманг отажон,
Бориб келарман соғ-омон.

Менга тан берган қалмоқлар,
Ҳеч қайси бўлмас баробар,
Отим Алпомиш зўравор,
Кўз олайтса улар зинҳор,
Минг-мингги бўлмас баробар,
Оқ дуо беринг бузрук-падар.

Бўлингиз бақувват бардам,
Сира чекмангиз қайғу ҳам,
Ташлай беринг дадил қадам,
Бир ойда бориб келаман,
Отажон бўлинг хотиржам,
Нодон эмасман мен ҳам,
Об қайтаман ўлжа инъом.

Шердай билагим толмайди,
Йўлим тўсиб келолмайди,
Оғам қалмоқда қолмайди,
Қалмоқлар тенг келолмайди,
Ҳийла найранг қилолмайди,
Ажал етмай жон ўлмайди,
Мардлар йўлидан қолмайди.

Завку қувончга қонайин,
Бургутдай бўлиб дўнайин,
Қалмоқ дашига қўнайин,
Оқ дуо беринг падарим,
Кун кечикмай жўнайман.

Шунда Бойбўри ўелининг йўлдан қайтмаслигини би-
либ, бахтимга омон бўлсин, эсон бориб, эсон қайтсин, деб
худога нола қилиб, ўелига дуо бериб турган экан:

Нотинч бўлмасин юрагим,
Қувончли бўлсин ҳар чоғим,
Кўнгил хушим чаман боғим,
Кўзим нури суянч тоғим,
Бориб об қайтгин акангни,
Худо ёр бўлсин гўччоғим.

Бошимнинг ўзинг сояси,
Тахти тожимнинг эгаси,
Тобутимнинг сен пояси,
Ўлсам мурдамнинг мулласи,
Озор кўрмай омон қайтгин,
Кўзимнинг оқу-қораси.

Худо берсин иқбол омад,
Ҳар бир сўзинг менга нажот,
Пирлар берсин кучу мадад,
Ҳузурингда кўрай роҳат,
Сени Оллоҳга топширдим,
Бориб қайт соғу-саломат.

Ҳар бир кўрган кун ғанимат,
Не бўлар гашти оқибат,
Ишни битказиб эрта қайт,
Отани кўмсинда фарзанд,
Интизорлик ҳам ёмон дард,
Танамда жоним омонат,
Бориб келгин соғ-саломат.

Эга бўл тоғу тўзингга,
Доғ тушмасинда юзингга,
Қараб тўймайман кўзингга,
Минибсан чибор бўзингга,

Аллоҳ ёр бўлсин қўзима,
Пирлар жиловдор бўб доим,
Мадад берсинда ўзинга,
Отангни интизор қилмай,
Тезроқ қайтгин изинга.

Азиз бошинг бўлсин омон,
Кетар бўлдинг қалмоқ томон,
Кўзимга кўринмас осмон,
Эсон қайтгинда Ҳакимжон,
Қолмасин дилимда армон,
Жиловдор бўлсин қирк чилтон.

Элда бордир шоҳи гадо,
Ҳеч кимни қилмасин жудо,
Сенга бўлсин жоним фидо,
Шўр отангни қилма адо,
Саломат қайтгин ёлғизим,
Раҳбар бўлсин қодир худо.

Гапни-гапларга улайман,
Юрт хизматига қўлайман,
Пешонангди силайман,
Фарзанд йўлига гадойман,
Тезда қайтмасанг қулайман,
Сени худога топширдим,
Иқбол умрингни тилайман.

Ҳеч кўрмагин хавфу хатар,
Мардлар мақсадига етар,
Сўзим тингла бошинг кўтар,
Найлайин иложим йўқдир,
Бу кетишинг мени ўртар.
Шоҳмардон пирим қўлласин,
Йўлларинг бўлсин бехатар.

Сувдай суюлиб бораман,
Лойдай жойилиб бораман,
Жонимга тўйиб бораман,
Чарчаб койиниб бораман,
Яратган сени сақласин,
Ҳолимдан тойиб бораман.

Кўрмайин бало батарди,
Ғаму кулфатди хатарди,
Олиб қайтгин олтин зарди,
Бойсаридай ул қайсарди,
Соғи-омон кел элингга,
Омин деб қўлин кўтарди.

Кўп сўзларди ота айтди,
Қилдида яхши ниятди,
Пирлардан сўраб нажотди,
Эллоҳ қилсин иноятди,
Осон қилсин деб ҳожатди,
Бердим болам ижозатди,
Бошимга солма кулфатди,
Шод қилгин дўсту улфатди,
Олғанинг олтин бўлсин, деб,
Юзига фотиҳа тортди.

Алқисса, Бойбўри чор-ночор юрак боври идираб эзи-
либ, кўз ёшлари тизилиб, кўнгли бузилиб, беором бўлиб, бир
аҳволда ўғлига дуо берди. Худо ўзи асрасин хавфли йўлга
кетди, бахтимга омон қайтсин, деб ўғлига болам ёлғиз кет-
ма, ёнингга бир-икки ҳамроҳ олгин деди, унда Алпомиш
айтди: «Эй отажон! Якканинг ёри парвардигор ўзи пано-
ҳида сақласин. Мен ёлғиз кетиб қолмоқ алпларини қон
қақшатиб, ер тишлатиб, зўрлигимни кўрсатиб, соғ-омон
Барчин ёримни олиб қайтган эдим. Менга йўлдошнинг ҳеч
кераги йўқ. Қалмоқдан келган бало қазога даф айтаман. Агар
қасд қилса ҳаммасини молдай қириб қайтаман. Олоғда
бўлманг, ғам чекманг», деб йўлга шай бўлиб, ёв-яроғини олиб
ҳамма қариндош-уруғлари билан хушлашиб, уйга бориб
Қалдирғоч синглиси, Барчин ёри билан ҳам хайрлашиб,
Ойбарчин отам-онамга салом айтинг, иложи бўлса, бирга
олиб қайтинг, деб тайинлаб, ёри билан синглиси оқ йўл
тилаб, Ҳакимбек от бошини йўлга солиб чайқалиб тўлғо-
ниб, «Ё раббим» деб йўлга тушиб, тоғу тошлардан ошиб
кетиб бораётган чоғи экан:

Севиниб минган отига,
Тошқин кучу ғайратига,
Ният қиб қолмоқ юртига,
Бойсаридай зурриётига,
Калла чайқаб Бойчибор,
Ирғиди товнинг бетига.

Мамиз бериб тойчокка,
Ҳакимбекдай гўчокка,
От хайдайди якка-якка,
Кар жилов ўраб билакка,
Обруй берсин шундай бекка,
Гоҳи кўтарилиб кўкка,
Қушдайин учиб боради,
Етказмайди отқон ўкка.

Қушдайин балқиб боради,
Чайқалиб силқиб боради,
Ерлар қалқиб боради,
Шовиллаб кетиб боради,
Қувғонди етиб боради,
Гоҳ осмонда гоҳ ерда,
Яшиндай оқиб боради.

Йўл чангитиб боради,
Тўзон тутиб боради,
Нафасин ютиб боради,
Добил қоқиб боради,
Оловдай ёқиб боради,
Тоғларди гумбирлатиб,
Тошини чақиб боради.

Бўз тупроқлар суюлиб,
От боради қуйилиб,
Долвон тошлар туюлиб,
Тесларнинг бели қийилиб,
Босиб ўтган жойлари,
Арна бўб қолар ўйилиб,
Юришин тезлаб боради,
Бузукни созлаб боради.

Тўхтовсиз физлаб боради,
Кўкка парвозлаб боради,
Акасин излаб боради,
Какул силқиб Бойчибор,
Юлдузни кўзлаб боради.

Ўкдай ўзини отиб,
Бўйнин беш газ узатиб,
Юришини тезлатиб,
Йўлнинг танобин тортиб,

Дараларди гумбирлатиб,
Арчаларни қарсиллатиб,
Ўтганлаб ўтиб боради,
Тоғу тошларни қулатиб.

Қайсар Ҳаким кетади,
Бойчиборни ўйнатади,
Ўрда ўтганлатади,
Қирда қиялатади,
Туёғи ерга ботади,
Тўлғониб ўзин отади,
Ширин жонин сотади,
Дала даштни титратади.

Дарё оққандай бўлиб,
Довул қоққандай бўлиб,
Гулхан ёққандай бўлиб,
Куёш чиққандай бўлиб,
Ялтиллади кетиб боради,
Чакмоқ чакқандай бўлиб,
Оёғидан тош титилиб,
Сочмадай бўб отилиб,
Учар қушлардан қутулиб,
Қирлар қолар дўғишиб,
Жойидан нормон ситилиб,
Оғзини очиб боради,
Аждаҳодай ютиниб.

Булутдай кўчиб боради,
Қирларга чўпчиб боради,
Кийикдай қочиб боради,
Тоғдан йўл очиб боради,
Дарёдан кечиб боради,
Чайқалиб урчиб боради,
Ўзини олға суради,
Лочиндай учиб боради.

Жипакдай бўб чўзилиб,
Босган жойи қазилиб,
Харсанг тошлар эзилиб,
Қир адирлар бузилиб,
Шамолига арчалар,
Осмонга учар узилиб.

Икки кўзи ойнадай,
Кулоғи тўти Байнадай,
Киприклари игнадай,
Ҳар тиззаси ғўладай,
Калласи кўрғон қалғадай,
Тумшуғи худди мўладай,
Жутуниб борар Бойчибор,
Ғойибдан келган балодай.

Овсираган тозидай,
Осмоннинг юлдузидай,
Ирғалиб дўккан кўзидай,
Чорқиллаб ўрдак ғозидай,
Оғзи Сартнинг жувозидай,
Ҳар муқомда ўйнаб борар,
Лўлининг эрка қизидай.
Ўйнаб юриши ярашиб,
Бахшиларнинг созидай.

Юришини тезлаган,
Аста юрмай хезлаган,
Қалмоқ элди кўзлаган,
Душман боврин тузлаган,
Қолмоқлар из-излаган,
Бурнидан чиққан дамига,
Тўксон дарё музлаган.

Толмас назари отди,
Йўлнинг танобин тортди,
Бедов қарсоқдай қотди,
Қар жилов қўлни қабартди,
Уйқу қабокқа қотди,
Қаранг Ҳаким валлакатди,
Добилини донқиллатди,
Найза ўқин ширқиллатди,
Тов бетида пирқиллатди,
Кийикдай дирқиллатди,
Тол хивчиндай сўлқиллатди,
Мармар ёлини силқитди,
Тоғ хайвонини кўрқитди,
Қалмоқ элга яқин етди.

Бордир ҳар ишнинг чораси,
Қайтмас Бойсун тўраси,

Остида тулпор сараси,
Қалбида йўқ ҳеч яраси,
Кеча кундуз йўл тортди,
Кўринди қалмоқ қораси.

Дуч келган жойдан от солди,
Бузуқ жойларди жўл қилди,
Олтмиш тов орқада қолди,
Дили яшнаб хушчоғ бўлди,
Чилбир чўлга яқин келди.

Алқисса, Алпомиш от кистаб уч ойлик йўлди 15 кеча-кундуз йўл юриб, қалмоқ юртига етиб келди. Муродтепага келиб, дамини олиб ётаберсин, энди икки калима сўзди қалмоқдан эшитинг. Қанча зўр алпларидан, жигар банди фарзандларидан ажраб қолган Сурхайл мастон қасос олиш йўлида беқарор бўлиб, Алпомиш келса, маккорлик йўлини қилиб, хийла билан қасос олмасам, уни майдонда ҳеч ким энголмайди, деб ўйлаб юарди.

Куръасини ташлаб Алпомиш келаётганини билиб, қанча тилла танга бериб, гапига кўндириб ўн саккиз қизди йиғди. Ана қизларни кийдириб безаб, барини тузаб, мақсадини айтиб: «Мени эна момо дейсизлар, Қўнғиротнинг Алпомиши келади, мен бир мусофир беқаро соябонсиз ўғилларидан айрилиб, невара қизлари билан қолган кампир бўламан, ҳар хил хийла билан олиб меҳмон қиламан. Мен тайёрлаган қирқ кўзадаги шаробни қуйиб узатиб, нози муқом билан ақлини олиб, маҳлиё қилиб, қалбини банд қилинлар, унинг устига шароб қуйиб беринлар, мен шаробга беҳуш қиладиган дори солдим, ўзларинг ичманлар», деб гапни қизларга тушунтириб, Муродтепанинг чап томонига икки ўтовди тикдириб, айтганининг барини жам қилиб, кўлига дурбинини олиб, Ҳакимнинг келар вақти бўлди, деб узоқ-узоқларга қарай берди. Алпомишнинг Муродтепага яқин келганини кўриб, кайфи чоғ бўлиб, қизларга барча гапти тайинлаб, жанда кийиб, сочини жойиб, ялангоёк, ялангбош бўлиб, 5—6 сигир ва 30 чоғли қўйди ҳайдаб, белини чилвир ип билан боғлаб, ёмонликни ўйлаб, «ўч олганда ўпка йўқ» ўғилларимнинг қасосини олайин, деб шул сўзларди ўзича айтиб, чўпон кампир киёфасида кетиб бораётган экан:

Сурхайл дейди ўзимди,
Кўрган кўрқади юзимди,

Ўлсам ким босар изимди,
Бу иш менга лозимди,
Йўқ қилди етти кўзимди,
Ҳақлайин айтган сўзимди,
Кўлга об Ҳаким ўзингди,
Ўяйин икки кўзингди,
Қора қилайин юзингди,
Кесарманда бўғзингди,
Вайрон қилайин дўзингди,
Йиғлатиб ўғил қизингди,
Йиғлатмасам менга лаънат.

Билмайсан қилган хатоингди,
Унутгин кичик каттангди,
Энди кўрмайсан юртингди,
Йиртаман икки уртингди,
Бўзлатаман бўтангди,
Белдан узаман путингди,
Энди аҳволинг тангди,
Момонгнинг иши ўнгди,
Қон қақшатаман отангди,
Қақшатмасам менга лаънат.

Энди қиларман корингди,
Қазарман уч газ гўрингди,
Кўрсатай сенга зўримди,
Қайнатаман шўрингди,
Тул қиб йиғлатаман насиб,
Барчиндай сулув ёрингди,
Қилолмасам менга лаънат.

Тушдим маккорлик йўлимга,
Арқон боғлаб белимга,
Қилиғим аён элимга,
Ўзинг келаяпсан ўлимга,
Тушарсан энди кўлимга,
Қолдинг қора зулмга,
Дуч бўлдинг мендай золимга,
Қасд олмасам менга лаънат.

Тандан юларман бошингди,
Қоқиб оларман тишингди,
Олиб ақлим хушингди,
Яхши қибсан юришингди,

Захар қиларман ошингди,
Қўзғунлар жесин гўшингди,
Жедирмасам менга лаънат.

Юрай десам дармоним йўқ,
Бошқа аҳду паймоним йўқ,
Ибо ҳаё имоним йўқ,
Шундан бўлак фармоним йўқ,
Бир амаллаб қасос олсам,
Бу дунёдан армоним йўқ.

Масгон шу сўзларди айтиб молларини ҳайдаб, Ҳакимбекнинг олдига келиб яқинлашди. Ҳакимбекнинг бу устбоши абгор кампирга кўзи тушди. Кампир дод-фарёд чекиб, бўзлаб йиғлаб, Ҳакимбек томонга келаберди.

«Дод бедол ҳеч ким мендай беқора, бесоя дала-даштда қолмасин, ҳеч бир киши мендай бўлмасин» деб, сочини ёйиб, мунғайиб, энкайиб момонгни ўлдириб кет паҳлавон деб, дод-фарёд қалмоқ шохининг дастидан кун кўрмадим, оғир мусибатда қолдим, қурисин Тойчахон қанотимни қайирди, тириклай теримни сийирди, ишимни, чапга буюрди тўққиз ўғлимдан айирди, мусофирнинг бошига мушкул мусибат солиб, болаларимни ўлдирди, деб оҳ чекиб, Ҳакимбекнинг ёнига келиб шул сўзларни айтиб турган экан:

Мулким қолди бесойиб,
Давлатим кетди тойиб,
Қолдим ўлиб мунғайиб,
Болаларим қилди ғойиб,
Гулдай юзим сарғайиб,
Ўлдириб кетгин момонгни,
Қолдим сочимди ёйиб.

Афғондан кўчиб келбедик,
Биз мусофир бўлбедик,
Бошимиз силар дебедик,
Ҳолимиз сўрар дебедик,
Шу юртдан қўниш обедик,
Ниятлар билан қобедик,
Нонимиз ором жесбедик.

Туялар гала саф эди,
Дунёмиз тўп-тўп эди,
Олтину гавҳар кумушлар,

Ҳаммаси кофу коф эди,
Қўйи эчкию йилқилар,
Ҳисобсиз жуда кўп эди.

Курисин қалмоқ шоҳ Тойча,
Солиқ закот солди анча,
Жабру-жафо солди қанча,
Бизга тор бўлди кенг кўча,
Ярим мулкимизни олди,
Яланғоч қиб шилдинг пойча.

Кийганим парча зар эди,
Ҳамма нарса бисёр эди,
Гала-гала лўк нор эди,
Ҳам обод кирдикор эди,
Шер билакли паҳлавон,
Тўққизта ўғлим бор эди.

Закотчилар кела берди,
Ҳар кун талаб олаберди,
Босқинчилик қила берди,
Шовқин сурон солаберди,
Ҳазна бўшаб қолаберди,
Ўғилларим қаҳри келиб,
Закотчини боғлаб урди.
Иккитаси майиб бўлди,
Учов мажруҳ бўб қолди.

Закотчилар шоҳга кетди,
Арзи додларини айтди,
Тойчахон имонин ютди,
Бепадарнинг феъли кетди,
Тўққиз ўғлимни зиндон қиб,
Уйинг куйгур дорга тортди,
Дала даштда мендай шўрли,
Беқаро бўб қолиб кетди.

Ер юзида довруқ тутгин,
Мурод мақсадга етгин,
Йиғлаган шўрни юпатгин,
Кўз ёшларим тўхтатгин,
Меҳрибонлик кўрсатгин,
Давлатли шунқор умидимсан,
Бизни юртингга об кетгин.

Сендан катта умидим бор,
Бир олам қудратинг бор,
Жаҳонда танҳо зўравор,
Ҳеч ким бўлолмас баробар,
Пишқирсанг мисли айдахар,
Оғир мушкулим осон қил,
Садағанг бўлай бек сардор.

Кўриб нурафшон юзингди,
Уйга юр тотгин тузимди,
Кўргин ўн саккиз қизимди,
Сарвар қиз сенга лозимди,
Уларман кургин базмди,
Худо берсин парвозингди,
Ўз элингга олиб кетгин,
Қизларим билан ўзимди.

Ер юзида биров бўл,
Душман йўлига ғов бўл,
Бизларга суянч тов бўл,
Бахтимизга омон сов бўл,
Момонгнинг нияти шулдир,
Ҳам ўғил менга куёв бўл.

Дунё тургунча тургин,
Беармон даврон сургин,
Мурод мақсадингни кўргин,
Шунқорим уйга юргин,
Сағир қизларим кўргин,
Тузим тотиб меҳмон бўлгин.

Бахт қуши қўнсин сенга,
Иқбол файз дўнсин сенга,
Ишларинг авжлансин ўннга,
Дуч келдим сен паҳлавонга,
Кимлигинг ҳали билмайман,
Ўзингни танитгин менга.

Шунда, момо сўзини тугатиб, бўйнини узатиб, ёлвориб айланиб, танимаган киши бўлиб: «Эй қаддингдан момонг садаға бўлсин, Худо сени етказди кимлигингни менга аён айла, биздай ночор мусофирга эгалик қил», деди. Шунда Алпомиш кампирнинг сўзларига лаққа ишониб, ичи ачиб шўрлик қариганда ночор аҳволга тушибди, боши ганг тақ-

дири танг 9 ўғилдан айрилиб, қаноти қайрилиб иши чапга уйрулиб қолибди. Фариб кўнглини овлаш савоб, деган нима бўлса буни олиб кетайин, неvara қизлари ўз бахтини товиб кетади, деб ўзини танитиб нима сабабдан келганини айтиб, ҳаммасини момога баён айлади. Шунда Мастон чапга қараб бир илжайиб худога шукур, мени танимади ё насиб энди қўлга олдим деб кўнглидан ўтказди. Ана бу гапдан кейин Мастон гирдикапалак бўлиб, айланиб энди танидим шункорим, бу ноинсоф Тойчахон мусофирга кун кўрсатмайди, сен мардлигингни, зўрлигингни ўтказиб қойил қилиб ёрингни олиб кетган эдинг. Энди менинг ўчимни олиб берсанг, энди тузимни тотгин болам ўғлимнинг ўрнига ўғлим бўлгин, деб ҳийла билан уйига бошлаб бориб қизларига қичқириб, хў қизларим аканг келди отини ушланглар, деб чақириб турган жойи экан:

Ёркин бўлди юзларим,
Равшанлашди кўзларим,
Насиб қилиб тузларим,
Бир меҳрибон аканг келди,
Пешвоз чикқин қизларим.

Куч-ғайрати тошиб тўлиб,
Тойчадан ўчимни олиб,
Ер юзида ўзи ғолиб,
Душманига қиргин солиб,
Соя солди бизга келиб,
Менга ул, сизга ака бўлиб,
Соҳибқирон султон келди.

Топилди жумбоқнинг учи,
Оламга етар қулочи,
Тоғди талқон қилар кучи,
Кетсин юракнинг аянчи,
Келди момонинг таянчи,
Қизларим беринг суюнчи,
Марди майдон аканг келди.

Қулочи осмонга етган,
Зарбаси қалмоққа ўтган,
Зўр алпларни қулатган,
Силтаб осмонга отган,
Зўрлик билан иш кўрсатган,
Барчин ёрин олиб кетган,

Тўрт шартни бажариб ўтган,
Тўқсон алпни яқсон этган,
Толмас полвон аканг келди.

Оч кўзингни бошинг кўтар,
Қалмоқ шоҳи бўлсин батар,
Бизга йўқ энди хавф-хатар,
Майдонли кун иш кўрсатар,
Ҳаммасини жамлаб ютар,
Қарвон бўб бизди тортар,
Ўз юртига олиб кетар,
Дардимизга дармон келди.

Шукр қилиб кулиб яшна,
Бўб қолбедик муҳтож ташна,
Кучоқ ёзиб уйга бошла,
Зарин кўрпачалар ташла,
Таъзим қилиб отин ушла,
Асли арслон аканг келди.

Етиб келган узоқ жойдан,
Ўтиб қанча дара сойдан,
Юзи нурли тўлган айдан,
Айланай қодир Худойдан,
Қулочинг очиб қизларим,
Тезроқ чиқинглар уйдан.

Тол хивичдан ирғаласан,
Югуриб хизмат қиласан,
Қалбига қувонч соласан,
Кўнглидан жой оласан,
Чанқовуз, кубиз чаласан,
Ҳар муқомда ўйин қилиб,
Марднинг кўнглин шод қиласан.

Ўнг келди момоннинг иши,
Чакконлашди юриши,
Оёқдан тушиб кавуши,
Қизларим деган хониши,
Қизларга етди товуши.

Хумор кўзлари сузилиб,
Оёғи ердан узилиб,
Дол бўйни бир газ чўзилиб,

Фикр хаёли бузилиб,
Уйдан чикди маккор кизлар,
Изма-из бўлиб тизилиб.

Келаётир хурдай бўлиб,
Оқ бадани қордай бўлиб,
Ўн саккизи бирдай бўлиб,
Садаф тиши дурдай бўлиб,
Шуъла сочиб нурдай бўлиб,
Завқ қувончи тошиб тўлиб,
Кокилин силкиб келади.
Ушланмаган шордай бўлиб.

Лабин тишлаб қошин кериб,
Сочларини майда ўриб,
Нозланади оро бериб,
Сўзларида маҳкам туриб,
Кўзин сузиб хаёл суриб,
Қуллуқ дейди таъзим қилиб,
Ҳақимбекка салом бериб.
Силкинади зулфак ташлаб,
Гулгун либослари яшнаб,
Жилваланиб лабин тишлаб,
Меҳмонининг кўнглин хушлаб,
Бир-бирини юр деб мушглаб,
Қуллуқ ака хуш келибсиз,
Ҳақимбекнинг отин ушлаб.

Саккизтаси бу ёнидан,
Саккизтаси у ёнидан,
Иккови ушлаб жиловидан,
Қўркмай чибор асовидан,
Тушинг ака дейишади,
Ушлаб олтин узангидан.
Сайис бўлди атингизга,
Етайин хурматингизга,
Кеб қолдингиз бахтимизга,
Олиб кетинг юртингизга.
Қўшилаин зотингизга,
Қора кунда қолган эдик,
Тайёрмиз хизматингизга.

Кенг дунёмиз тор бўлиб,
Нотинч ҳам бекарор бўлиб,

Куйиб пишиб хўр бўлиб,
Равшан кўзлар кўр бўлиб,
Қулоқларимиз кар бўлиб,
Дала даштларда қолбедик,
Бир нажоткорга зор бўлиб.

Зўр билагингиз толмасин,
Ғаму қайғунгиз бўлмасин,
Душманларингиз қолмасин,
Бошимиз туман чолмасин,
Соянгизга олинг бизларди,
Сиздай меҳрибон ўлмасин.

Мурод мақсадга етишинг,
Ака-сингил тутишинг,
Юрак сўзларни айтишинг,
Уйга киринг меҳмон бўлинг,
Қуллук ака отдан тушинг.

Акам деб меҳр берайин,
Энди беозор юрайин,
Беташвиш кунлар кўрайин,
Тойчадан ўчди олайин,
Бир умр бирга бўлайин,
Хурматли меҳмон қилайин.

Ғам қулфатдан озод айланг,
Сиз билан даврон сурайин,
Эл юртингизга борайин,
Сизга чўри бўб қолайик,
Кўнглингиздан жой олайик,
Отдан тушинг меҳрибон,
Бизлар хизматга лойик.

Қалмоқдан жабр кўрганмиз,
Бошимиз эгиб юрганмиз,
Урса зор йиғлаб турганмиз,
Жонсарак бўлиб қолганмиз,
Не азоб укубатларни кўрган,
Бу турган шўрли энамиз,
Худойим сизни етказди,
Бирга кетишга кўнамиз,
Сиз бўлиб соҳиб донамиз.

Хизматга ўзини шайлаб,
Уйга бошлайди ҳай-ҳайлаб,

Ўн саккиз қиз гулфак тайлаб,
Жилоланиб кўз-қош ўйнаб,
Садаф тишлари ярқиллаб,
Қарсиллатиб сақич чайнаб,
Отни якка михга бойлаб,
Гулгун ёниб яшнаб жайнаб,
Ҳар ким уйга қираётир,
Боради юраги қайнаб,
Атрофида қизлар ўйнаб,
Кўз қисишиб авайлаб,
Уй тўрига кўрпа тайлаб.

Ойдин қилиб кечани,
Равон қилиб кўчани...
Гапни гапга улайди,
Одамзотнинг чечани,
Айтиб бердим Алпомишдан,
Гурунгда бир парчани.

Абдуназар менинг отим,
Озод обод мамлакатим,
Гуллаб яшнасин юртим,
Қалбимда қолмасин лотим,
Ушласин орзу ниятим,
Аждодлардан мерос қолган,
Достон айтмоқлик одатим.

Истиклол нурини сочиб,
Эркин озоддир бошим,
Чарақлаб турсин доим,
Осмонимда қуёшим,
Эл бахтига омон бўлсин,
Исломотам юртбошим,
Яна минг йиллаб яшасин,
Алп ботирим Алпомишим.

Айтдим неча гап тузиб,
Юрдим элимни кезиб,
Лочиндай қанот ёзиб,
Дўстлар билан суҳбат қизиб,
Илм сирин билиб, сезиб,
Бир майдон айтдим, ёронлар,
Малик, Олим олди ёзиб...
Эшитганлар ҳавас қилди,
Достон элга мерос қолди...

«АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ» туркумидан
 «ТУРСУН МЕРГАН» замонавий достонидан
 айрим парчалар

...Эндиги гап Турсун мерган кимнинг асл зоти, кимнинг фарзанди, зурриёти, авлоди, қаер ўйнаб ўскан юрти, айтаберсак, асли Кўнғиротнинг Алпомиш авлодидан, тортувли шохидан, ота бобоси ўтган жами аждодлари, етти пушти алп паҳлавон, чобоғон, бой-бадавлат бўлиб келган, юрти Бойсуннинг Кофрун қишлоғида Алпомишлар даврида жийдали Бойсун деб айтилар эди. Турсун мерганнинг отасини Маматкул чобоғон дер эди, чобоғонликда етти иқлимга донғи кетган, мард чобоғон бўлиб ўтган, ҳам сурув-сурув қўй, гала-гала йилқи ҳайдаган бой-бадавлат, ҳам сахий-саҳоватли бўлиб ўтган. Турсун мерган ҳам ўтган аждодларидай, отасидай саҳоватли бой эди. Ёзги яйлови Бойсундай нари Соритоғ, қишки баҳорги яйловлари эса Бандихон, Улоқли, Эгизак, Ҳайвондунг, Бужуркамар деган жойлар эди...

Ана яқиндан-йироқдан, олисдан-берақдан, кечалар равшан чирокдан, гуркираб тўй бошланиб, одам келиб ҳар ёқдан, олиш, кўпқари, карнай-сурнай базм авжига чиқиб, чанқовуз, қўбиз, ҳамма нарса серфайз сози суҳбат гуркираб диркиллаб ўйнаб ётибди ўғил-қиз, тўй бўлади уч кеча-кундуз, ялангтуш бўб от чопиб Алп чавандоз, Тангрикул жевачи, Рамазон чобоғонлар ҳам от солиб изма-из олган зотларини яна қайта қўйиб тўйни ўтказаётир. Бир томонда пиёда пойга ким ўзарга чопишяпти. Болалар пойгаси, йигитлар пойгаси, эркаклар пойгаси, аёллар пойгаси, олдин келгани баргини олаётир, хуржунга солаётир. Ана хотин-қизлар пойгасида Тангрикул жевачининг хотини Турсуной ҳам иштирақ қиляпти. Нечовлари чопяпти диркиллаб, семизлари орқада қолаётир иркиллаб, қиз-жувонлар чопади, узун сочи селкиллаб, бир қизик иш бўлаётир, кўп орқада қолаётир, қаранг, Турсуной пойганинг олдини олаётир, нечовлар пойгада ҳам тўйнинг эгаси биринчи бўлаётир, дейишиб, гурунг қилаётир. Ана, хотин-қизлар пойгасида ҳам Тангрикул жевачининг хотини Турсуной бош боргини қўй, олти танга, бош-оёқ сарпони олиб, яна шу боргини қайта пойгага ташлаб, тўйни қизитаётир. Кофрун қишлоғидан тутун қуюқ тарқаб, тоққа ўрлаб кир-адирларни, дараларни губорсиб ётиб ётибди. Бойсун-Кўнғирот элидан Кофрун қишлоғи-

дан, Алпомиш авлодидан бўлган полвонлик, чобоғонлик, мерганликда, табибликда етти иқлимга жар солган Турсун мерганнинг катта ўғли Тангиркул жевачи саккиз дахани чақириб, ўғиллари Бозор билан Назарга тўй бериб ётир. Қатор-қатор дошқозонлар осилган, узун дастурхонлар тўкин-сочин, ноз-неъматга безалган, ўтовларда икки жойда юзбошилар жўшиб куйлаётир, бийрон-бийрон сўйлаётир. Ўтовнинг бирида тортувли тўғизидан Холиёр бахши, бирида қора Пирман деган бахши. Ўтовлар ичида одамлар тикилиб олишган. Ўтовлар ташқарисида худди қирнинг лақизғалдоғидай киз-келинлар айланиб олган, меҳр билан кулоқ солган. Холиёр бахши куйлаётир:

Чўпонлар юрар қўйида,
Ўтинчи кўзи қийида,
Ўтириб ўтов уйида,
Адрас кўрпали жойида,
Чайқалиб жўшиб айтайин,
Тангиркулжоннинг тўйида.

Сирдош созимни ушлайин,
Меҳрим даврага ташлайин,
Кўнглимдан кувнаб яшнайн,
Эл-юрт кўнглини хушлайин,
Айтинг ўтирган донолар,
Қайси достондан бошлайин?

Ойлар нечадан-нечадан,
Ойсиз қоронғи кечадан,
Булбул сайрар гул ғунчадан,
Каклик сайрайди арчадан,
Сўраяпман барчадан,
Айтайин қайси шохчадан,
Бошлайинма Ойпарчадан?

Еру кўк офтоб куёшдан,
Достон айтдим етти ёшдан,
Суягим қотди олқишдан,
Меҳмонлар келгин душ-душдан,
Сўрайман ўлтирган кишидан,
Илҳом олиб учар қушдан,
Айтиб берайинми бир бошдан,
Қўшиқ айтиб Алпомишдан.

...Одам улғаяр бўбакдан,
Қорни тўяди тобоқдан,
Илм олади сабоқдан,
Сўраяпман ҳамма ёқдан,
Бир пасл бошлай қаёқдан,
Айтайинма «Олтин қобок»дан?

Теракдан айтайма, толдан,
Тикандан айтайма, гулдан,
Бузукдан айтайма, йўлдан,
Жуйрукдан айтайма, лолдан,
Асалдан айтайма, болдан,
Кўтирдан айтайма, калдан,
Сўраяпман ҳамма элдан,
Кампирдан айтайма, чолдан?

Алқисса, гуриллаб кулги кўтарилди. Иккинчи ўтовда айтаётган қора Пирман ҳам нечовни кулдириб, гоҳ йиғлатиб, «Алпомиш» достонидан айтаяпти: Қоражон дўсти Бойсун Кўнғиротдан келиб ҳолидан хабар олгани отини бир панага бойлаб, пиёдалаб ўзи авайлаб, қолмоқлар кўрса мени кўймайди, деб узоқ-узоқларга қараб пойлаб, чак бошига келди секин кадам тайлаб, гоҳ тикка бўб, гоҳ ётиб у ёқ бу ёғидан қарай берди. Чох бечоқ чуқур Алпомишнинг кўзига бир одамнинг калласининг сояси кўрина берди: «Етти йил бўлди, хабар олмаган қолмоқ эли бугун биров келдимикан» деб, яна ўзича ўйлаб бу қалмоқ эмас, албатта, Бойсун-Кўнғирот элимдан қариндош-хишим, ё бир улфат яқин кишим келдимикан, ўз элимдан келган бўлса керак, чак бошидан соя солган ким бўлди», деб сўраб турган жойини айтаётган экан:

Кўзидан ёши тўкилган,
Қадди ёйдай букилган,
Ранги кирдай сиқилган,
Тол хивичдай эгилган,
Фам кулфатдан йиқилган,
Тахт бахтидан айрилган,
Лочин қаноти қайрилган,
Чох бошидан қараган,
Ғариб ҳолин сўраган,
Бойбўри отаммисан?

Юракда дарди олам деб,
Сел бўлди кўзда жолом деб,

Кулади кўрғон калъам деб,
Чўл бўлиб қолди далам деб,
Излаб келдингма болам деб,
Падари бузрук сенмисан?

Мурғаклигимдан ардоқлаб,
Оқ шойига жўрғаклаб,
Мени ўздан баланд чоқлаб,
Топган тутганин сақлаб,
Бағрига босиб кучоқлаб,
Той-той қилиб турдирган,
Шифо лаззат сўрдирган,
Кунбубиш энаммисан?

Етти йилдан бери ғойиб,
Кўзин ёшлаб сочин ёйиб,
Давлат иқболинг тойиб,
Нурли юзларинг сарғайиб,
Топган тутганинг туйиб,
Излаб кебсан мунғайиб,
Меҳрибон энам сенмисан?

Оқ бўлди қора сочим,
Бўшаган йўқ ғайрат-кучим,
Қалбимда йўқ ғубор берчим,
Кўкларга етсин қулочим,
Жигардошим эгачим,
Қалдирғоч шўрли сенмисан?

Кетди сабру қарорим,
Бир кун оларман орим,
Яна гуркирар норим,
Обод бўлар кирдикорим,
Сулув сарфар гажакдорим,
Мени излаб беқарорим,
Худо қўшган вафодорим,
Ойбарчин ёриммисан?

Гоҳ тўкилиб, гоҳи тўлган,
Парча нонга муҳтож бўлган,
Қора зулмат кунда қолган,
Чанг туманлар бошин чалган,
Йўлимга интизор бўлган,
Отасини кўрмай қолган,
Ёдгаржон кўзиммисан?

Яшиндай бўлиб оққан,
Юришлари енгил чаққон,
Укам деб меҳрини тўккан,
Хизмати отамга ёққан,
Кўк қамишда йилқи боққан,
Қултойчол бобоммисан?

Душманларга қасд бўлган,
Мени учун рост бўлган,
Ният қилиб ҳавас бўлган,
Гоҳ баланд, гоҳ паст бўлган,
Қиёматли дўст бўлган,
Қоражон дўстиммисан?

Ана шундай қилиб, бахшилар кеча-кундуз айтишиб ётди.
Гургумали тўй уч кун давом этди...

Турсун мерган айикни курди. Қўйларга тош отяпти.
Минган отини тайлаб, бир арчага бойлаб, яроғини шайлаб,
пилтасини жойлаб, жилғалардан, қиялардан авайлаб, айик
йўлини пойлаб, баланд, пастларга қараб оёғини тираб, нор-
дай гуркираб, арча заранглардан оралаб, бораверди. Айикқа
яқинлаб, сергакланиб, яроғини ушлаб, ул томонга ростла-
ниб, қўйларга тош отаётган айикни нишонга олиб, бу турки
курғурни тез бир ёқли қилайин, деб пешонасидан кўзлаб
турган вақти экан:

Турки бузук ҳамда ёвуз ордона,
Ҳайқиради икки кўзлари ёна,
Қутургандай одамга бўб равона,
Бир нохушлик бошламасинда яна,
Манглайдан олаётир нишона.

Қўрқиш ҳайиқишни тани билмайди,
Ёвуз ниятидан энди қолмайди,
Бу бахайбат курашсаям толмайди,
Наъра тортиб, ўкиради хароми,
Одамзотни сира писанд қилмайди.

Гурсиллатиб битга ўқни бўшатай,
Юрак боври танасини қақшатай,
Калла бўйни сўягини ушатай,
Тезда ўлмаса, олиб тош отай,
Йиртқич молхўрди ер тишлатай.

Танадан бошин қияйин,
Талқондай қилиб туяйин,
Қорнин ёриб суяйин,
Терисини шилиб об,
Пўстин қилиб кияйин.

Жойида тил тортмай ўлсин,
Қарсиллатиб суяги синсин,
Мараз ҳайвон гумдон бўлсин,
Чоғир кўзи қонга тўлсин,
Бир ўқ билан қулатайин,
Гўштини қузғунлар есин.

Ғайрат ғайратга етди,
Шердай бўлиб наъра тортди,
Ўтдай туташиб кетди,
Милтиғини маҳкам тутди,
Пилтасини тутатди,
Ё, раббим деб беркитди,
Манглайдан қўзлаб ростлайди,
Пир ҳазратларни эслади,
Ёвуз айиқни қасдлади,
Дол қаддини ростлади,
Ранги ўзгариб туслади.

Мўлжаллаб баланд пасти,
Ардоқлаб бобо меросни,
Тез йўқ қилай бу песни,
Ё, пирим деб тебраниб,
Тўлғониб чакмоқни босди.

Тепки босди ҳа демай,
Отдим дейди ғам емай,
Ҳисоби қолди чўтга келмай,
Оҳ уради мерган оға,
Милтиғи қолди ўт жемай.

Қўзғалиб кўнгил ситаси,
Чотқол бўб ишнинг хатоси,
Бўшади умид халтаси,
Аттанг деб мерган хўрсинди,
Ўчибди милтиқ пилтаси.

Мерганнинг кўнгли тозади,
Наъра бўб қулоч ёзади,

Яна пилтани кўйгунча,
Йирткич ишни бузади,
Мерганнинг бу сирини,
Ёвуз айиқ сезади.

Ўлмаё омон қолдим деб,
Куч-қудратга тўлдим деб,
Пилтаси ўчди билдим деб,
Мерган томонга ташланди,
Энди буни олдим деб,
Чайқалади силкиниб,
Мажақлаб ичин тилдим деб.

Қаранг ёвуз хилига,
Тушунмайсан тилига,
Тош отиб ўлдириб олган,
Қирғин солган молига,
Тош кўтариб қўлига.
Келди мерганнинг йўлига.

Алқисса, мерган иши пуч бўлиб вақт кетади кеч бўлиб,
душман турибди ўч бўлиб, мени пойлаб дуч бўлиб, ё, Олло-
ҳим қувват берсин, билагимга куч тўлиб, ташланди ҳайвон
менга қора ниятда рўж қилиб, энди олишувдан бўлак илож
йўқ, деб ирғиб жойидан туриб, нордай ирғилиб, шердай теб-
раниб, кўзлари ловуллаб ёниб, қаҳр-ғазаби келиб, дарёдай
тўлғониб, айдахордай шишиниб, қоплондай чириниб қўли-
га катта тошни олиб, ёвузнинг тошини тош билан қайта-
рай деб аввало Худодан сўнгра пири Ҳазратларидан мадад
сўраб шайланиб турган чоғи экан:

Жумлаи жаҳонни яратган,
Ёр осмонни мунаввар этган,
Ўн саккиз минг оламини ҳал этган,
Сарвари олам қудратли султон,
Ё, тангрим сендан мадад тилайман.

Яратганим шу тенамга жон берган,
Ризқу-неъмат ҳамда суву-нон берган,
Ақл-фикрим, эркинлик, имкон берган,
Кўзимга нур тилга калима, имон берган,
Худойим ёр бўлгин, иқбол тилайман.

Қуръонда ўқидим неча оят,
Ҳар биттаси қалбимга пайванд,

Худо сақлаб берсин бу кунда омад,
Барча мўминлар сизга уммат,
Оллоҳнинг дўстисиз Муҳаммад,
Хақ расули сиздан мадад тилайман.

Китобларда қолган қанчалар қисса,
Тушунади кимлар уни ўқиса,
Қўлларида тутиб олгиндан васса,
Олтиламчи осмондаги эй Исо,
Ё ҳазрат сиздан мадад тилайман...

Ўт бўб ёнар икки кўз,
Сарғаймасин нурли юз,
Қанча қолган ризку рўз,
Айиқ келди ҳайқириб,
Бўлаётир юзма-юз.

Кўринг йиртқич ишига,
Яқин келиб қошига,
Ўқириб ҳайқиришига,
Силтади келиб бошига,
Айикнинг тоши урилди,
Мерган тутган тошига.

Мерган ҳам тошни отди,
Айикқа тегиб ўтди,
Тап тортмай яқин етди,
Ширин жонини сотди,
Тикка бўлиб ташланди,
Писанд қилмас одамзоти.

Камтар бўлиб пок бўлиб,
Қалби дили оқ бўлиб,
Кўркув хазари йўқ бўлиб,
Қадини ростлаб тик бўлиб,
Турсун мерган наъра тортди.

Олишувга чоқ бўлиб,
Дадил шижоат қилиб
Яхшиларни ёд қилиб,
Худога фарёд қилиб,
Шердай жасорат қилиб,
Айиқ томон ташланди.

Олай деб бўйнин жулиб,
Айиқ ҳам келар айқириб,
Турсун мерган рад бериб,
Гегирдакдан олди илиб,
Файрат-файратга етди.

Шердай тебраниб кетди,
Ё, раб, деб гарданан тутди,
Маҳкам қилиб беркитди,
Забардаст пўлат панжалар,
Гарданга тигдай ботди,
Бир кўли билан беркитиб,
Зинч қиб тумшукдан тутди.

Билмай хавфу-хатарди,
Билагида кучи борди,
Зўрлигин мерган ўткарди,
Бўғиб тумшугин қайтарди,
Тулғониб, ингранар хайвон
Куч мажолдан кеткарди.

Йиртқич ёвуз хониш тортиб,
Тебраниб кўкракман туртиб,
Аста-секин ҳолдан кетиб,
Мерган ўзин қаттиқ тутиб,
Бўйнин қисиб қисирлатиб,
Бир чирпиниб наъра тортиб,
Ерга урди гурсиллатиб.

Қайтмай қилди шиддатни,
Зур жасорат кўрсатди,
Айиқ қулаб ўздан кетди,
Итариб зовга кулатди,
Армон билан зўр айиқ,
Чинқириб оламдан ўтди.
Турсун мерган тебраниб,
Шундай доно сўзлар айтди:
«Минг шукр, ишим битди»,
Текинхўрни ер тишлатди.

Ўздан-ўзи қувониб,
Бошига давлат қуш кўниб,
Ҳаёт лаззатига қониб,
Нордай бўлиб ирғалиб,

Шу сўзларни айтаётир,
Қалби қувончга тўлиб.

Бу душманни фош қилдим,
Ўткир кўзин ёш қилдим,
Қузғунларга гўшт қилдим,
Қашқирларга лош қилдим,
Жинхўрлар кўнглин хуш қилдим,
Худойим ўзи қўллади,
Бугун шундай иш қилдим.

Қайрилди айиқ бошлари,
Тўкилди ўткир тишлари,
Йўқ бўлсинда, сафдошлари,
Яна бормикан хишлари,
Дуо қилиб еб ётабер,
Соритовимнинг қушлари.

Темир пўлатдан қаноти,
Ундан кўрқар ҳайвон зоти,
Селдай тошқин сиёсати,
Кўзидан чакнаб ўти,
Мослиқ есанг келабер,
Соритовнинг бургути.

Қулади маҳлуқнинг зўри,
Кетиб мажол, гурури,
Қўп эди унинг сири,
Барбод бўлди охири,
Мослиқ есанг келабер,
Соритовнинг ғажири.

Қиё қотлар эгири,
Бир томони бугури,
Тоғнинг чолқуш чоғири,
Озиқ олсанг келабер,
Илгир билан қийғири.

Оқ ўтовнинг иргаси,
Ой келиннинг сирғаси,
Чўлпон кўзда сурмаси,
Куйлагада бурмаси,
Тоғнинг барча йўрғаси,
Мослиқ есанг келабер,
Соритовнинг қарғаси.

Есанг тугамас хар қанча,
Адо бўлмас қирқ йилгача,
Сенга озиқ кундуз кеча,
Истасанг бордир шунча,
Мослиқ есанг келабер,
Қизил иштон кўк пойча.

Тоғнинг баланд шотиси,
Йўқ сўзимнинг хатоси,
Лош бўлди йиртқич каттаси,
Тоғнинг кумри кўтоси,
Мослиқ есанг келабер,
Каклик, чили, тўтиси.

Сенга кўниш тоғ ирғайи,
Лош кўпайди бинойи,
Кўп эди душман гунайи,
Мажоқланди мангнойи,
Мослиқ есанг келабер,
Тоғнинг чумчук тўрғайи.

Йиқилди айиқ буқаси,
Ҳайвонларнинг соқоси,
Кезган тоғда яккаси,
Симдай эгилиб тиккаси,
Мослиқ есанг келабер,
Олашақшақ ҳақкаси.

Келабер қашқирлар бари,
Бу ерда емишнинг зўри,
Тулки, шохол, оч бўри,
Пойлаб юрган қоплонлари,
Мослиқ есанг келабер,
Колдурчи байналари.

Дуо қилинглар мени,
Ором олсин деб тани,
Омон бўлсин деб жони,
Тоғ сайроқи ғазалхони,
Дўлта турли ҳайвонлари,
Мослиқ есанг келабер,
Наъра тортган арслонлари.

Қолмасин юрак доғлари,
Бўлсин завқли чоғлари,
Нурли бўб чироғлари,
Жаннатмакон тоғлари,
Кўз яшнатар ҳар ёқлари,
Дуо қилиб еб ётабер,
Соритовнинг зоғлари.

Гала-гала тўпи қушлар,
Узун қанот гуппи қушлар,
Қалта думли пўпи қушлар,
Мерган аканг кўнглин хушлар,
Мослиқ есанг келабер,
Олапови сўпи қушлар.

Чўпон оллович кўк ияк,
Зумрад кўз сариқ оёқ,
Суксур, товус пари бўёқ,
Семруғ, сергак, жайра жабоқ,
Мослиқ есанг келабер,
Жиблажибон дувол гаяк.

Типратикан, тошбақа,
Ин қўяр шубоқ, пашмак,
Қолиб кетманглар якка,
Тез етинглар гўштли ёққа,
Чиллада маст бўлар норлар,
Мадад берсин чилтон пирлар,
Тоғ бошида турар қорлар,
Ўтиб кетар бу даврлар,
Дуо қилиб еб ётабер,
Жами жинхўр жониворлар...

... Алқисса, Турсун мерганнинг ғам-ҳасрати ошиб, фарзанди Тангиркул жевачининг доғида куйиб-пишиб, юрак боври сўтилиб, сўм этлари титилиб, айрилиқ, жудолик, интизорлик ўқиға отилиб, кундан-кун ғам изтироб оламида ҳолсизланиб, қалби конталаб, дарду ҳасрати тошиб, кўзлари хиралашиб, аҳволи оғирлашиб, ёстикқа бош қўйди. «Оҳ, нуридийдам, жигарбандим Тангиркул, мени йикитдинг болам, изларингга зор қилиб кетдинг, ўпка юрагимни юлиб кетдинг, укаларингга бош бўлиб отангни кўммадингга кўзим», деб тўшақда ётиб қолди. Кунлардан бир куни келин Тур-

сунойни олдига чақириб: «Болам берман кел, гапларимга кулоқ сол, Тангиркул қайтиб келмади, менинг аҳволим оғирлашяпти, энди неча кунлик умрим бор, Худо билади, шу сўзларимни эшитиб ол», деб насихат қилиб турган жойи экан:

Обод бўлиб яшнар яна ўскан жой,
Давр деган ўтиб борар пойма-пой,
Ҳаётнинг оқими мисли асов той,
Мадад бериб ёрлақасин бир Худой,
Сўзларимга кулоқ солгин мен айтай,
Шунқоримнинг вафодори Турсуной.

Худо ўчирмасин нурли чироғин,
Баркамол қилсинда изи қароғин,
Ардоқлаб асрагин болам яроғин,
Кўп жойлардан излаб қилдим сўроғин,
Садоқатли соҳиба бўл келиним,
Бир кимса билмади болам дарагин.

Дилимни куйдириб оху ўтим бор,
Ох ураман бу қалбимда дутим бор,
Бу дунёда қандай бағри бутун бор,
Бева бор, сағир-суғур етим бор,
Дадил бўлиб ўзингни тут келиним,
Ўғил-қизинг суянчинг, фарзандинг бор.

Кулоқингда қолсин айтган азоним,
Тўқилмасин тўлиб тошсин қозоним,
Кавуш маҳси кўпдир игна сўзоним,
Насиб бўлса оқар ариқ ўзаним,
Болаларинг пешонасин силайди,
Ардоқлайди фарзандим Рамазоним.

Унутмагин бобонг айтган сўзини,
Зор айлама сағир қолган кўзини,
Шунқоримнинг пешона юлдузини,
Бағринга бос хафа қилма ўзини,
Обод қилиб юргин ҳовли дўзини,
Яхши инсон оқлар еган тузини,
Тангиркулим жигарбандим ўлмайди,
Фарзандлари босар ота изини.
Уриб-сўкиб сира қоча-қоч қилма,
Интизорлик, ночорликка дуч қилма,
Йиғлатма, ўкситма, қорнин оч қилма,

Ғам-ғуссада юрагини берч қилма,
Бир кун бор чинор соя салади,
Хор-зор қилиб кишига муҳтож қилма.

Изда фарзанд бўлса одам ўлмайди,
Аслзода шунқор чарчаб толмайди,
Яшнаб турган ниҳол сира сўлмайди,
Давлатли кул молга муҳтож бўлмайди,
Болаларга хорлик-зорлик кўрсатма,
Оққан ариқ оқар, қуриб қолмайди.

Кукларга ёзилсин лочин қанотинг,
Кунгил ҳушинг суянч тоғинг фарзандинг,
Улардан қайтади ҳузур роҳатинг,
Болаларинг кўз нуринг куч-қувватинг,
Оқар дарё мавжланади тўлғониб,
Яна тошқин бўлар ризқи давлатинг.

Ёмон йўлдан юрмагин, қайтгин,
Мурод-мақсадингга бир қуни етгин,
Сўзларим доимо ёдингда тутгин,
Ул-қизингга яхши ширин сўз айтгин,
Тўйлар қилиб келинлар ол, қиз узатгин,
Намойишга оппоқ ўтовлар тикиб,
Оқ баргак қиб чимилдоқ безатгин.

Бора обод қилгин ҳовли юртингди,
Худо боқсин жами авлод зотингни,
Оллоҳ берсин истагу ниятингни,
Хор-зор қилиб қийнама фарзандингни,
Бу кунларинг яна завқли бўлади.
Унутмагин айтган васиятимни.

Сир-асроринг нокасларга билдирма,
Энди ҳасрат қора кунларни кўрма,
Фарзандларинг тани кўнглин қолдирма,
Юрак боврин қайғу ғамга тўлдирма,
Отасининг йўқлигини билдирма,
Отанг йўқ деб қарғаб-сўкиб гапирма.

Турмас тўшагида бобонг ётади,
Кундан-кунга елкамга ер ботади,
Ҳеч қайғурма қора кунлар ўтади,
Хур, озодлик яхши кунлар етади,
Дадил бўлиб белинг боғлажон болам,
Бобо мерос замон яна қайтади.

Заррача кўрмагин хавфу хатарни,
Хат тир деб бўлмайди бу итларни,
Молин талаб элнинг шаштин қайтарди,
Боскинчи ёвларнинг куни битарди,
Озодлик фаровон замонлар келар,
Бир дуо берай деб кўлин кўтарди.

Синмасин фарзандим сози,
Омон бўлсин ўғил қизи,
Чаман бўб яшнасин изи,
Ўткир бўлсин равшан кўзи,
Шундай бобонг ният сўзи,
Фарзандларинг бахтинг бўлсин,
Мўл-кўл бўлсин нони тузи,
Лочиндай қанот ёзсин,
Невараларим парвози,
Муродингни Худо берсин,
Бобонгнинг шул охир сўзи.
Болаларинг қанот бўлсин,
Бобонг сендан минг рози.

Сўйлайди ширин тилини,
Худойим очсин йўлини,
Айтди юрак хилини,
Сенга топширдим Турсуной,
Боламнинг қизу улини,
Дуо берди омин деб,
Юзига тортиб кўлини.

Ана, мерганнинг бу васият гапларини эшитиб, келини Турсуной кўзини ёшлаб, бобосига ўзини ташлаб, бўғини бўшаб, суяги шовшаб, яна ўзини маҳкам тутиб ушлаб, «Жевачи ер остида чириса, мен ер устида чирийман», деб икки оғиз гапириб турган чоғи экан:

Ишонинг бобожон ўзимга,
Кулоқ соб айтган сўзимга,
Кувонаман ўғил-қизимга,
Олоғда бўлманг изимга,
Айтганингиз келиб бобожон,
Этайин ният-орзумга.
Арғумоқ бўлиб от чопди,
Отига бахмаллар ёпди,
Элда хурмат-обрўй топди,
Қойил қилиб йиғин сафди,

Ҳеч айтмади ёлғон гапди,
Шу кунда монғнойга собди.
Мен ҳам биламан ҳар тобди,
Иложим қанча бобожон,
Қайғули қора иш бўпди.
Шунқор тўрам келмаяпти.
Оҳ уриб, куйиб ёнаман,
Ўксиниб ҳам ўртанаман,
Ўйлаб иш қилсам донаман.
Илож йўқ нима қиламан,
Соғ бўлсин кўзичоқларим,
Худо ишига кўнаман.
Тулпор туёқдан тойрилди,
Бургут қаноти қайрилди,
Тобон гўштларим сийрилди.
Ичак чавоғим жийрилди,
Ишлар чапига уйрилди,
Қайғули дамлар буйрулди,
Омон бўлсин болалари,
Отадан бевақт айрилди.
Кўзичоқларим қўй бўлар,
Қулунчоқларим той бўлар,
Ҳайқирган тошқин сой бўлар.
Осмонда тўлин ой бўлар,
Юрт юмушига шай бўлар,
Насиб бўлса фарзандлари,
Боболаридай бой бўлар.
Қора кунлар изда қолар,
Фарзанд ота ўрнин олар,
Тўкилганлар шу кун тўлар.
Фарзанди борнинг изи бор,
Фарзанди борнинг ўзи бор,
Қишнинг баҳори ёзи бор.
Сурувда улоқ кўзи бор,
Кўлида ўрдақ ғози бор,
Унут бўб кетар бу кунлар,
Орқада ўғил-қизи бор.
Обод бўлсин шул макон,
Юрган йўллар бўлсин равон,
Яхшилар яшасин омон,
Бердингиз қанча тузу нон.
Ҳамроҳ бўлсин ишонч, имон,
Омонатдир тандаги жон,
Рози бўлинг тузингизга,
Мен-ку розиман бобожон...

Ана, Рамазон чобогон яна Кофрун қишлоғида. Неча йиллар шўролар кулоқ қилганда узоқлаб кетиб, неча овул, даҳаларда яшаб, кеча-кундуз тинчлик ороми бузулиб, юрак-боври эзилиб, муҳтож мусофирлиги сезилиб, хушхаво, дардига даво Бойсун гўшаси жаннатмакон Кофрун қишлоғи ақлушини чулғаб, кел Рамазон кучоғимга, деб меҳрини тортаётгандай, унинг бутун фикри ҳаётини ўткинчи орзу-ниятларини ёт элларга берган меҳр-муҳаббатини парчалаб Бойсун шамоли уни етаклаб бағрига тортди. Киндик қони томган бобо юрт. Рамазон чобогон бугун дадил сергак қисқа вақт ичида бошдан кечирган қайғу аламлари, ғаму кулфатларини, жудолик мусибатларини орқага ташлаб, баъзан инграниб кўзини ёшлаб, учар қаноти, қаср, работи, фарзанди Панжини ерга ташлаб, Менглимурод исмли яна бир ўғилли бўлиб, Оллоҳ фармонига шукр қилиб, бирини олди, бирини берди, деб яна кўкрак кериб, тезда оёғи ҳам тузалиб, Кофрун қишлоғида юраберди. Ўтган қора кунларини эслаб, шубоқли сойда йилқи боқиб, ҳар бир кунига шукр қилиб, Бойсуннинг шифобахш ҳавосидан тўйиб нафас олиб, ўтган дамларини, ташвиш-қувончларини эслаб, Хўжамуродбой деган йилқичи ош-насиға: «Дўстим инсон бошида ҳар хил тушқунлик бўлар экан», деб ўтган кунларини айтиб турган экан:

Ўзимни ишга шайлайин,
 Белимга чилбир бойлайин,
 Энди беозор ўйнайин,
 Дадил қадамлар тайлайин,
 Кулоқ солгин жон дўстим,
 Кўрганим баён айлайин.
 Тоғларнинг қори эрисин,
 Ҳар ким беармон қарисин,
 Айтсам кўп гапнинг борисин,
 Худо урсин босқинчи ўрисин,
 Тухматдан бўлдим дарбадар,
 Ғаламис, ғаним қурисин.
 Юриб кўрдим тоғу тошга,
 Ғам аламлар тушди бошга,
 Қорним тўймай нону ошга,
 Йўлиқмай яхши йўлдошга,
 Ўхшадим қанотсиз қушга,

Худойимга минг шукур,
Кеб кўшилдим қариндошга.
Кўздан ёшим тирқираб,
Бошимга осмон нураб,
Устихонларим тирқираб,
Пешонам билмас экан,
Ёруғ бўларма ёрқираб,
Ишладим тинмай гурқираб,
Мухтожлигим бўлди сероб.
Ер ағдардим, жўяк тортдим,
Қовун-тарвуз гия экдим,
Ҳолсирадим, терга ботдим,
Кўпкариларни унутдим,
Изматимдан доврुक тутдим,
Ғарқ пишди қовун-тарвузим,
Зиёдини бозор сотдим,
Жаннат юртимни соғиниб,
Охири Бойсунга қайтдим.
Қора тўзон бошим чалди,
Ақл ихтиёрим олди,
Ўйласам юрагим толди,
Ҳеч ўйловсиз ишлар бўлди,
Чўлпон кўзлар ёшга тўлди,
Бош фарзандим юрак этим,
Панжи улим вафот қилди,
Шу узоқ юртларда қолди,
Жойига бир ўғил берди,
Оллоҳимга минг шукур,
Тўкилган сув жойи тўлди,
Табаррук юртимга келиб,
Яна кўзим равшан бўлди...

* * *

Эшитганлар топсин мурод,
Ушбу дostonни бир бошдан,
Ёзиб олган Малик Мурод,
Толиққанда навбат-навбат,
Ёзиб турди иним Аҳмад*...

* «Турсун мерган» достони Малик Муродов, Аҳмад Эшқурбонов томонидан тўла ёзиб олинди ва эндиликда нашрга тайёрланмоқда.

САЙРОҶИ СОЗ САДОЛАРИ

Чолғу асбоблари шодлик ва қувонч ёки қайғую ғамни ўзига хос оҳанг, куй, нағма воситасида инсон қалбига етказди. Кўнгил торларини чертиб, кишида ё дилхун ёки шодон кайфиятни вужудга келтиради. Чолғу асбобларининг таъсир кучи шу қадар қудратлики, унинг олдида ҳатто ўлим ҳам баргараф бўлади. Буни яхши англаган халқимиз уд, фижжак, тор, дутор, доира, дўмбира, сибзик, чанқовуз, шувиллик сингари чолғу асбобларини ясаганлар ва улар орқали тилда айта олмаган туйғуларини, кечинмаларини, ҳиссиётларини баён қилишган. Бу жиҳатдан халқ орасида, айниқса, дўмбиранинг алоҳида ўрни, аҳамияти бор Унинг сеҳрли садолари алоҳида руҳий таъсир қилишдан ташқари, сўзнинг қудратини оширишга ҳам хизмат қилган. Халқнинг бадий тафаккури акс этган термалари, кўшиқлари, дostonлари дўмбира жўрлигида дилрабо куй билан кўшиб айтилса борми, ҳар қандай қалб тугёнга келмай қолмайди.

Дарҳақиқат, дўмбира қандай асбоб? Халқимизнинг бу созни шу қадар эъозлаши, уни кўқларга кўтариб мадҳ этувчи афсоналарга буркаши, қадимий дostonчилик санъатининг дўмбирасиз яшай олмаганлиги ва яшай олмаслигини қандай тушуниш керак? Дўмбира жуда қадим замонларда одамзот чорвачилик билан шуғуллана бошлаган асрлардаёқ халқнинг меҳнат жараёнида мусиқага бўлган эҳтиёжи туфайли келиб чиққан, инсоннинг маънавий, руҳий-эстетик талабини қондирган, демак, оддий меҳнатқашлар ҳаётида жуда катта рол ўйнаган. Айниқса, кўчманчилар орасида ҳеч бир мусиқий асбоб дўмбирачалик эътибор қозонмаган, десак муболаға бўлмайди. Шу кунларда ҳам Сурхондарёнинг бутун ҳудудида, Қашқадарёнинг бир қисмида яшовчи аҳоли ҳаётини миллий чолғу асбобисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Зеро, юқорида таъкидланганидек, дўмбира энг қадимий мусиқа асбобларидан бири саналиб, неча асрлардан буён халқнинг доимий ҳамроҳи, яхши ва ёмон кунлардаги, оиладаги, меҳнатда ва жамиятдаги йўлдоши бўлган. Унинг бошқа мусиқий асбобларидан қадимийроқ эканлигини тузилишидаги соддалик, ясалишидаги нисбатан осонлик ва у ҳақда яратилган афсоналар, ривоятлар ҳам гувоҳлик бериб турибди. Дўмбира қачон, ким томонидан яратилгани маълум бўлмаса-да, лекин унинг узоқ асрлардан буён инсоннинг доимий ҳамроҳи сифатида келгани, кўпроқ чорвадор

аҳоли орасида кенг тарқалгани, ҳар бир чўпон дўмбира чертиш санъатига эга бўлгани ва бу анъана бизнинг кунларимизгача етиб келгани аён. Ҳатто сурувларни чўпон мусиқа, яъни дўмбира куйи билан бошқарган, қўй-қўзиларни яйловга ҳайдаши, сувлаш, овқатлантириш, соғиш ва яна қайтариш каби турли юмушларгача дўмбира ёрдам берганини эсласак, у инсоннинг беминнат қўмакчиси эканлиги маълум бўлади.

...Дехқонободнинг Тарқопчиғат деган жойидаги арчазорда кизик воқеа бўлиб ўтди. Тоғ ён бағридаги майсазорга жой қилиб олиб «Зевархон» достонини Қодир бахшидан эшитаётган эдик. Бахшини тинглаб шу ён атрофдаги сурувда юрган қўйчивон: «Эй бор экансиз-ку, бахши бобо?» деб келиб қолди. Орадан бир неча вақт ўтгач, қўйлар ҳам ўтлаганларича бизнинг ён атрофимизга тўплана бошлади. Шунда Қодир бахши ўзига хос вазминлик билан: «Домла, бизда қўй-эчкилар ҳам нағмаларни тушунади. Шу қўйларни дўмбира куйи билан пастдаги сойга эндириб, суғориб, яна олдимизга қайтариб чиқарайми?» деб қолди. Бундай пайтларда бахшига терс гап айтиш, унга ишонмаслик гуноҳ эканлигини, айтиш дамда далда бериш зарурлигини англаган ҳолда: «Қани, кўрамиз, дўмбиранинг мўъжизаси-ю, ўзингизнинг сеҳри-қудратингиз қай даражада экан?» деб жавоб қилдик. Шу пайт бахши дўмбирасида «Қўй суғориш нағмасини черта бошлади. Шу пайт ҳақиқатан ҳам мўъжиза рўй берди, қўйлар бирин-кетин маърашганича пастдаги сойга қараб эна бошлади. Бахши чалишдан тўхтади. Қўйлар сойдаги сувдан ичиб бўлишгач, бахши дўмбирасини қўлига олиб, энди «Қўй қайтариш» нағмасини бошлади. Қўйлар маърашганича изларига қайтиб, тоғ ён бағрига кўтарила бошлади...

Халқдаги афсона ва ривоятлар дўмбиранинг Одам Ато билан бирга яратилганидан ҳикоя қилади.

Нақл: Худо Одам Атони лойдан яратгандан кейин унга жон киритмоқчи бўлибди. Лекин ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам унга жон кирмас эмиш. Шунда шайтон Худодан кулиб дебди: «Худоман дейсану, шу одамзодга жон киритишни ҳам уддалай олмадинг?». Шайтон шундай деб, ердан бир чўп олиб унга берибди-да, шуни чертсанг, одамга жон киради, дебди. Худо шундай қилган экан, Одам Ато жисмига жон кириб юра бошлабди.

Нақл: Худо Одам Атони яратгандан сўнг, у қисиниб кетаверибди. Сўнг Худо бу ҳолни кўриб, дунёни кўрса

сикилиши йўқолар деб икки кўз ато этибди. Одам дунёни яхшилаб кўриб, кўзи тўйгач, яна сиқилаверибди. Худо Одам эркин нафас олиб, ҳар хил хидлардан баҳра олсин учун бурун, хилма-хил оҳангларни, турли-туман садоларни эшитсин учун кулоқни яратибди. Аммо яна бўлмабди, энди ер юзидаги нозу неъматлардан еб баҳраманд бўлса, балки овунар, деб оғиз берибди... Дунёни кўриш, нафас олиш, эшитиш, ейишни таъминлаган билан инсонни тинчлантира олмагач, Момо Ҳавони яратибди-ю икки жинсни кўшибди. Аммо Одам Ато тагин қисиниб кетаверибди. Одам Атога охирги чора сифатида бир калтак берибди-да: «Мана буни чалиб, ўз шодлигинг, ғаминг, хиссиётинг, орзу-умидингни ифода эт. Соз чертсанг армонинг қолмайди, қайғу-зоринг, ғам-аламинг озаяди, юрагингнинг чери чиқади» дебди. Бироқ Одам Ато минг уринмасин, дўмбиранинг овози чиқмасмиш. Шунда шайтон дўмбирага чўпдан эшак қўйиб бергач, у «сайрайдиган» бўлибди.

Шундан бўлса керакки, дўмбира ҳақидаги барча термаларда, афсоналарда, ривоятларда дўмбиранинг Одам Атодан қолганлиги айтилиб, чўп-эшагини шайтон қўшганлиги таъкидланади:

Одам Ато торин эшган дўмбирам,
Эшагини шайтон қўшган, дўмбирам.

Шундай қилиб, дўмбира энг қадимий мусиқий асбоб бўлиб, эрамиздан анча бурун дунёга келган дейиш мумкин. Лекин мазкур асбобда чертиладиган куйнинг нечталигини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Моҳир созчилар 80-100 дан ошиқ нағмаларни черта оладилар.

Сурхондарё ва Қашқадарё бахшилари ва дўмбирақашлари орасида «Хонимой», «Келинойнинг юриши», «Келинойнинг ўтовга кириши», «Келинойнинг ўтовдан чиқиши», «Оҳ-воҳ», «Охува», «Кўй қайтариш», «Кўй ҳайдаш», «Кўй суғориш», «Жангнома», «От ҳайдаш», «Қаҳрамоннинг сафари», «Тўрғай», «От чоптириш», «Иззатой», «Лақайи», «Лақай йиғлаш», «Давра чертиш», «Дўмбирақуй» ва бошқалар кўпроқ учрайди. Шуниси аҳамиятлики, бу воҳада ўтмишда яшаб ижод қилган халқ дostonчи бахшилари, чунончи, машҳур Шеробод бахшилари поэтик мактабининг асосчиси Шерна, шунингдек, Жиян бахши, Шобо бахши, Алим шоир, Холиёр юзбоши, Умир Сафар ўғли, Мадонақул юзбоши, Хушвақт бахши, Қодир бахши, Қўлдош дўмбирақаш, Сайхан дўмби-

ракаш, Алихон дўмбиракаш, Бекмурод дўмбиракаш, Ҳаким дўмбиракаш:.. Тожинор дўмбиракаш номи билан боғлиқ дўмбира куйлари ҳам учрайдики, улар ижодкорнинг (бас-такорнинг) исми билан хозирги авлодга ўтган.

Кези келганда Сурхондарё-Қашқадарёда дўмбира куйларини кўпини доирада чалувчи, кўбизда тортувчи, сибизикда ижро қилувчилар ҳам учрайдики, бу фольклор мусикаси асбоблари борасида бой ва қизиқарли маълумотлари бериши аниқ. Дўмбира хусусида сўз борар экан, эл орасида шуҳрат қозонган машҳур дўмбиракашлар, уларнинг соз чертиш маҳоратлари борасида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Дарҳақиқат, халқ орасида дўмбирани қойилмақом қилиб чертадиган, ўнлаб куйларни биладиган, кўлига бу мусиқий асбобни олдим, тингловчини сел қилиб юборадиганлари аёллар ўртасида ҳам, эркаклар ўртасида ҳам кўп бўлган. Илмий сафар чоғи бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Кухитанг тоғининг қуйи этақларида Иззатой деган бир дўмбиракаш аёл ўтган экан. У авваллари дўмбира чертишини эрига айтмай, уни сурувга жўнатиб ёхуд ухлаганда, қизлигида ўрганган нағмаларни эсдан чиқармайин деб чалиб машқни бўшаштирмаган. Чалишни роса қиёмига етказгач, эри билан беллашадиган, кўпинча дўмбира тили билан «сўзлашадиган» бўлибди. Дўмбирада эри: «Сурувга кетаяпман», деб чалса, Иззатой суюқлисига жавоб бериб, дўмбира куйида: «Яхши бориб келинг», деб чаларкан. «Босмачилар»га қарши кураш чоғида сурувдаги кўйдан бермагани учун қизиллар унинг кўз олдида эрини отиб ташлашган. Иззатойнинг дўмбира чертишини эшитган қизил кўшин бошлиғи уни беллашувга чорлаб, мабодо ютқизса, унга уйланишини айтган. Иззатой рози бўлган, лекин борди-ю, ютиб чиқса, эрининг хунини олишлигини шарт қилиб кўйган. Беллашув бошланган. Иззатой голиб чиқиб, қасосини олган. Кейинчалик у ўзининг бошидан кечирганларини дўмбира тили билан ҳикоя қилиб юрган. «Иззатой» куйи бахшиларнинг алоҳида меҳр ва ўта масъулият билан ижро этилишининг боиси шуки, у ёшлигидаёқ умри хазон бўлган жувоннинг қалб нидосидир.

Чертмагайман дўмбира,
Шунчаки эрмак учун,
Мадҳ этиб золимларни,
Кўкрагим кермоқ учун.

Дўмбиракашлар куйни шунчаки эрмак учун чертиб, фақат ўзларигина завқ-шавқ олишни ўйлашмайди. Улар дўмбирани ғоявий курул, оҳанглари дил дарди деб билишади. Дўмбиракаш ўйноқи, шўх, сеҳрли дўмбира оҳанглари билан кишилар қалбида оламжаҳон шодлик, қувонч, ифтихор ва ҳаётга муҳаббат туйғуларини камол топтиради. Шу боисдан ҳам халқ уларни эъзозлайди, қадрлайди, давралар тўридан жой беради. Зеро, дўмбиракашлик ҳам моҳирона санъат. Халқ ҳар қандай дўмбира чертувчини дўмбиракаш деявермайди. Бу номга лойиқ чолғувчи эл дилини мусиқада ифодалай олиши лозим.

Шу ўринда бир нарсани, яъни дўмбиракаш атамасини қабул қилиш заруриятини уқтириш керак. Шунингдек, дўмбира, сибизға, қўбиз кабилар анча эски мусиқа асбоби бўлишига қарамадан, уларга етарли эътибор берилмаяпти. Биз дўмбира ва сибизға, чанқовуз ва шувиллак куйларини ўзбек миллий чолғу асбоблари орасида мутлақо кўрмаётирмиз. Ҳўш, нега? Ахир уларда инсон қалбини қитиклайдиган, ҳиссиётини уйғотадиган оҳанглар йўқми? Йўқ бўлса, нега халқимиз ардоқлайди, нега ҳозир ҳам кўнғирот уруғига кирувчиларнинг ҳар бири уйида дўмбира бор. Ҳамон кекса авлод ва ҳатто, қишлоқ ёшлари бошқа мусиқа асбобларини рад этмаган ҳолда, дўмбира куйларини алоҳида чанқоқлик билан қабул қилишди.

Дўмбира ва шунга ўхшаган бошқа миллий мусиқа асбобларини сақлаб қолиш учун жойлардаги истеъдодли дўмбиракашларни излаб топиб, чолғу асбоблари оркестрига тортиш, куйларни нотага олдириб, уларнинг умумбоқийлигини таъминлаш, шунингдек, радио ва телевидениеда, грампластинкаларда кенг фойдаланиш зарур. Дўмбира мусиқа асбобларининг оддий ва содда тузилишига эга. Уни ясашда ёғочнинг бўш-қаттиқлигига, табиий ун чиқаришига, мустаҳкамлигига, қуёшда товланишига эътибор берилади. Шунинг учун маҳаллий аҳоли уни кўпроқ ўрик (зардоли), арча, тут дарахтидан ясайди. Чунки бу дарахтлардан ясалган дўмбира чидамлилиги, жарангдорлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли дўмбира ҳақидаги термаларда:

Арчаларнинг тагидан,
Арчиб олган, дўмбирам,
Ўрикларнинг тагидан,
Бичиб олган, дўмбирам, —

деб куйланади. Дўмбира тузилиши жиҳатидан даста ва бош (қорин) қисмдан иборат бўлиб, узун-қискалиги билан фарқланади. Бош қисми (қорин) юпка қилиб ўйилса, қорин қопқоғи нафис ишланса ва қўш тори ипак пардасидан ёки майда молнинг ичагидан қўйилса, дўмбира овози баланд ва жарангдор чиқади. Бунда даста қисмининг ҳам яхши ишланиши, ушлашга, қўлнинг ҳаракатига халақит бермайдиган бўлиши муҳим. Бу ҳол дўмбира ва дўмбиракашлар устида мунтазам ва қунт билан иш олиб боришни талаб қилади, албатта. Чунки дўмбира чертиш санъати айрим кишилар ўйлагандек осон эмас. Айтайлик, рубоб, аккордион, дутор, танбур каби мусиқа асбоблари ноталар асосида иш кўради, демак, ноталар кўришиб туради ёхуд бу асбоблар қўйи ноталарга бўлинган. Лекин дўмбирадаги «ноталар»-да бармоқлар сезгирлиги, хотира кучи ҳал этувчи рол ўйнайди. Айни дамда дўмбира тирноқнинг алоҳида ишловини талаб этадики, дўмбиракаш ва бахшиларнинг «тирноғимнинг шўри бўлган дўмбирам» дейишлари бежиз эмас, албатта. Давраларда аввал ҳам, ҳозир ҳам дўмбира 5-10 минут чалиниб, 2-3 куй ижро этилиб қолмаган, балки камида узлуксиз 4-5 соатдан бир неча кеча-кундузгача чертилган. Айниқса, ҳафталаб ҳам чертиб, ҳам дoston айтиб давраларни боғлаган бахшилар меҳнатини кўз олдимишга келтирайлик-а? Бунинг натижасида тирноқлар ейилиб кетган, бармоқлар бир-бирига ёпишиб қолган.

Дўмбира алоҳида чертилишдан ташқари асрлар давомида дostonчи-бахшиларнинг эпос воқеаларини ҳикоя қилишдаги бирламчи мусиқа асбобига айланган. Ҳатто, республикамизнинг кўпгина ерларида хусусан, Қашқадарё-Сурхондарё вилоятларида дўмбира чертишни билмаган, сўз ва мусиқани бирга ифодалай олмаган дostonчини дostonчи деб тан олишмаган ва ҳозир ҳам шундай. Зеро, эпос куйлаш, дostonчиликнинг энг муҳим бир шarti дўмбира черта олиш қобилиятидир. Хуллас, дўмбира асрлар мобайнида инсоннинг доимий йўлдоши бўлган, яратувчи халқ қалбига қувонч бахш этган, дўмбиракашни кийинтирган, бахшини яшатган ва асосийси, уларни эл ичида обрўсини, нуфусини оширган.

Дўмбира сеҳри, унинг садолари таъсирида кўп эзгу ишлар қилинган. Ҳатто, у қушларни ов қилишдан тортиб, ҳайвонларни боқишгача қўмаклашган. Дўмбира чертганда каклик ва булбуллар яширинган жойидан чиқиб, тузоққа ўз оёқлари билан кириб борган. Бунинг учун «Дўмбирада

каклик овлаш», «Дўмбиракаш ўғри» афсоналарини эслаш кифоя. Дўмбиранинг кадри ҳамиша юксак баҳоланган. Ҳар бир дўмбиракаш ширали овоз чиқарадиган «бедов от» — дўмбирага эга бўлишни орзу қилган, унинг дарагини эшитиб қолса, дарров қўлга киритишга ҳаракат қилган. Яхши дўмбирага эга бўлган дўмбиракаш уни турли нағмаларда сайрата олиши ҳам керак бўлган. Сурхон воҳасида эса моҳир дўмбиракашлар беҳад кўп бўлиб, улар ўзаро баҳслар, дўстона мусобақалар асосида аниқланиб, элнинг назарига тушган. Мана, ушбу ривоятга қулоқ тутинг-а:

...Бир дўмбиракаш бахши ўтган экан. Дўмбира чертишда бу бахшининг олдига тушадиган киши бўлмабди. У шундай чертарканки, куй оҳангини эшитган сурувдаги қўй-эчкилар ўтламай қоларкан, тоғдаги булбуллар сайрашдан тўхтаркан. Шу дўмбиракаш бахшининг бир шогирди бўлиб, у ҳам созни қойил-мақом қилиб чаларкан. Бир куни куйчи бахши: «Шеробод чўлида гўзал бир қиз бўлиб, у ҳеч кимни хоҳламасмиш. Кимда-ким дўмбира чертиб шартини бажарса, ўшанга тегармиш», деган хабарни эшитибди-да, шогирдини олиб сафарга отланибди. У сўраб-суриштириб Шеробод чўлида қўй боқиб юрган бир гала қизларга дуч келибди. Қизларнинг бири улардан чўлга келиш сабабларини сўраган экан, дўмбиракаш: «Куй чалиб, шартимни бажарганга тегаман, деган сулувни излаб келдик», деб жавоб берибди. «Сен ахтарган мен бўламан», деб қизларнинг энг соҳибжамоли ўртага чиқибди, гўзалнинг кўнғироқдай жарангдор овози булбул хонишидай ёқимли эмиш. «Шартингни айт, санам, узоқ жойдан бажаргани келдим», дебди куйчи. Қиз ҳеч нарса демасдан чанқовуз куйида шартларини айта бошлабди. Қиз чанқовуз чалаётса, осмонда учиб юрган кушлар таппа-таппа ерга тушармиш. Дўмбиракаш ҳам бу сеҳргар куйдан эриб отдан йиқилишига оз қолибди. Аммо шогирди қизнинг шартини чанқовуз билан айтганига тан берибдию, шу ҳам куй бўлдим, дегандай эснаб-эснаб от устида қакқайиб ўтираверибди. Қиз куйни тамомлаб дўмбиракашга қараб: «Узоқ йўл тортиб келибсан, майли, ноумид қайтма. Шартни бажарсанг, сеникиман. Чанқовузда айтсам, унчалик тушунмадинг, қизил тил билан айта қолай. Шартим шуки, йилқиларим ичида бир бия бор. У бир марта бола-лаб, сўнг етти йил туғмай кетди. Бияни олдинга келтираман. Дўмбира чалиб унинг елинидан сут келтира олсанг ютиб чиққанинг», дебди. Қиз бияни олиб келиб, елинига идиш тутиб ўтираверибди. Бахши дўмбирасини чала бош-

лабди. Куй авжига келганда биянинг елини тўла бошлабди. Куй қирқ иккинчи нағмада давом этаётганда биянинг елинидан сут келиб, қиз соғса бир-икки томчилабди, холос. Сохибжамол идишни ушлаб туравериб чарчабди-да ва сўнгра: «Бўлмади, маҳорат билан чала олмадинг. Биянинг сутини томчилата олдинг-у, шов-шув оқиздира билмадинг», дебди. Дўмбиракаш афсусланиб, созини синдирмоқчи бўлганда, шогирди: «Устоз, дўмбирани менга беринг. Қани, мен ҳам чертиб кўрай», дея илтимос қилибди. «Мен шартни бажариш уддасидан чиқаолмадим-у, сенга йўл бўлсин», дебди созчи бахши. Қачонки, қизнинг йигит кўнглини қолдирмай дўмбирасини беришни айтгандагина, бахши созни ноилож йигитга тутибди. Йигит дўмбирани чунонам авж билан чертибдики, маҳорат ва юксак иқтидор билан чертилаётган мусиқа қиёмига етганда, қиз кўл тегизмаса ҳам биянинг елинидан шовуллаб сув оқибди. Йигитнинг куй ижро этиш санъатига, қобилиятига тан берган қиз унга тегишга рози бўлибди...

Соз тингловчиларгагина эмас, ҳайвонот дунёси, қушлар оламига таъсир этиш билан бирга бахшиларнинг ўзларига ҳам астойдил хизмат қилади. У фақат бахши-шоирнинг юрак черини ёзиб қолмайди, балки дўмбиранинг куйи келганда, бахши хотирасига термалар ёхуд айтаётган, айтмоқчи бўлган дostonнинг сўзлари ҳам ёдга тушади. Шунинг учун бахшилар созни гоҳ у, гоҳ бу нағмага солиб чалиб кўрадилар, агар соз дилига мос оҳанг чиқарса, дoston айтишни бошлайди. Бахши дастлаб дўмбирани йўлга солиб олгач, кўзни хиёл юмган ҳолда воқеалар баёнига созга сўзни мослаб ўтади. Шу боис дўмбира бахши учун дostonга воқеаларини бошлаш калити, илҳом париси. Сурхондарё-Қашқадарё бахшилари шу очкич бўлмаса, шу илҳом париси бўлмаса дoston куйлай олмайди, куйламайди. Куйлаганда ҳам уни тинглашмайди, бахши деб тан олишмайди. Дostonчиликдек машаққатли санъатда дўмбирадек кўмакчининг хизмати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шу боис бахшилар ўз дўмбираларига ўта меҳр билан қараб, унга бўлган муҳаббатларини, ҳурматларини назмда баён қиладилар:

Сени кўрсам кўнглим гулдай яйрайди,
Кўшша торинг кўшилгандай сайрайди...

Шу тариқа ўзбек халқ оғзаки ижодида дўмбирани мадҳ қилувчи термалар силсиласи вужудга келади. Чунки дўмбира

айтувчи билан тўйда ҳам, йиғинда ҳам, меҳнатда ҳам доимо бирга бўлади. Шу боис халқ: «Бахши сози билан туғилиб, сози билан ўлади», деб бежиз айтмайди. Зеро, бахшичилик санъати мусиқий асбоб билан шаклланиб камолот босқичига кўтарилади. Достоннинг тингловчиларга манзур бўлиши, энг аввало, дўмбирага, уни чалиш маҳоратига, соз оҳангларининг сўз мазмунига мос келишига, яъни бахши маҳоратига боғлиқдир. Дўмбира тобида экан, бахшининг завқи ҳам авжида, достон ҳам қизиқарли бўлиши тингловчига самарали таъсир этиши шубҳасиз. Дўмбира достон воқеаларини бахши ўз хотирасида тиклаб олишда, уни узоқ вақт куйлашда, дастлабки кўмакчи, ҳамроҳ ва синалган йўлдошдир. Шунинг учун ҳам бахши:

Сени олиб қўлимга,
Терма айтиб жўшарман,
Завқим келиб, дўмбирам,
Достон куйлаб тошарман.

Бахшига ҳамроҳ бўлган дўмбира қадимий чолғу асбобларидан биридир. Ўтмиш маданиятимизнинг қадимий обидаси, осмон ости бебаҳо музей ҳисобланмиш Зараутсойдаги суратлар орасида дўмбирага ўхшаш чолғу асбобини кўриш мумкин. Ёки Тупроққалъани текширган машҳур археолог С.П.Толстов шундай ёзади: «1947 йили «Арфа чалувчи аёл» хонасининг тагидаги уюмлар орасидан шу уйнинг тепасидан узилиб тушган нақшнинг бир бўлаги топилди. Унда дўмбира типига қўшторли асбобнинг дастасидан ушлаб турган қўл тасвирланган»*. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида чалинадиган яна бир чолғу асбоби — кўбиз ҳақида профессор С.М.Муталлибов Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» китобининг иккинчи жилдига ёзган изоҳида бундай дейди: «Кўбиз уриб, чертиб чалинадиган чолғулардан бири бўлиб, туркий халқларда энг машҳур, энг эски чолғудир. Ҳатто, унинг илгаридан ким томонидан ва қандай яратилгани ҳақида халқда ҳар хил нақллар ҳам юзага келган. Уни халқда «руҳи физо» деб юқори баҳоланганидан Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берадилар. «Девон»да бу сўзнинг кўп қайта такрорланиши унинг ўша даврда ёқимли чолғу асбоби эканидан, кўп тарқалганидан дарак беради.

* С.П.Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948, стр.178.

Кўринадики, халқ чолғу асбобларининг яратилиш тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Бахши кўлига ана шундай давр доволари оша бизгача етиб келган чолғуни кўлига олар экан, уни албатта мадҳ қилади. Шундан кейингина термага, сўнг дostonга ўтади. Дўмбира ҳам бора-бора тобига келиб, чунонам тилга кирадики, тонг отиб, кўёш заррин нурларини соча бошласа ҳам «сайраш»дан тўхтамайди. Бахши эса дўмбиранинг сеҳрли товуши таъсирида «қайнаб-тошади». Бу жараён «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси»да куйидагича баён қилинади: «Аста-секин бахши илҳомланиб, завққа тўлиб боради, у «қайнайди» («қайнамоқ» сўзи бу ўринда қизишмоқ, завқ билан куйламоқ маъносида қўлланади). Бахшининг ўзи бундай вақтда «Бедовни миниб ҳайдадим», дейди... Бахшининг завққа тўлган ҳолатини кўрсатувчи жисмоний белгиларидан бири, бошни бир меъёрда бир томонга буриш бўлиб, бунда у ҳар бош бурганда, бир шеърий қаторни «чиқариб ташлайди». У қизиб терлаб кетади ва эгнидаги чопонларни бирин-кетин еча бошлайди. Шунга қарамай яхши дostonчи ўз санъатининг устаси, дoston ижро қилинаётган пайтда ҳам диққат ва эътибор билан ўз ижросига муносабатни кузатиб боришга имкон топади.

Бундай бахшининг ижроси ва сеҳрли соз чалишида дostonдаги мисралар ранго-ранг товланади, тасвирланаётган воқеалар кишилар кўз ўнгида тўлиғича гавдаланади. Халқнинг: «Куйи куйига қўшилмаса, одамларни ўзига ағдариб олмаса, у шоир эмас», дейишида жон бор. Шунга кўра халқ: «Нағмаси ёқарди, ашуласи порирди, айтган дostonларини тингласа мумдай эрирди», дейди. Дарҳақиқат, халқнинг бунга ўхшаш сўзларини эпосда матн билан куй бир бутунликда деб билишлигининг ифодаси деб тушунмоқ зарур. Дўмбирага бунчалик аҳамият берилиши, унинг ҳаддан зиёд таъриф-тавсиф этилиши ҳам эпосга бўлган талабдан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Халқ дostonни куйсиз тасаввур эта олмайди, доимо ҳар иккисини мантиқан бирликда кўради. Профессор М. Саидов ёзганидек, «дostonнинг мусиқаси бўлмаса, у дoston бўла олмайди, балки эртак ёки афсона шаклида бўлиб қолиб, у ишни эса халқ ижодига қизикқан ҳар бир киши қила олади». Халқ эса бундай дейди: «сози борнинг — сўзи бор», «соз сайролмаса, бахши қайдин олсин сўзини...». Шундай қилиб эпос куй билан айтилади, куй эса дostonни юксак бадиий, айна чокда, мураккаб санъат асари даражасига кўтаради. Бу, албатта, дўмбиранинг дилрабо навосига жўр бўлган

бахшининг ёқимли овози, хатти-ҳаракати, имо-ишораси, қўл ҳамда гавдани ҳар муқомга солиши ва ҳоказолар билан бўлади.

Маълумки, дoston айтишга киришиш—аввалига дўмбирани созлаш, бирон-бир куйни чалиш, термалардан айтиш («Дўмбирам» ва «Нима айтай?»), сўнгра дostonни бошлаш қандайдир ўзгача бир рухий ҳолатни келтириб чиқаради. Ана шу рухий ҳолат дoston бошланишидаёқ пайдо бўлиб, у тугагунча сақланади. Сурхондарёда дostonгача бўлган жараёнда дастлаб дўмбирани уч нағмада чертиш, юқоридаги икки термани айтиш шарт. Биринчидан, сознинг қай тарзда бахши қўлида сайрай олиши, иккинчидан, бахшининг дўмбирига муносабати ва бадиҳағўйлиги, учинчидан эса, репертуаридаги эпик бойлик аниқланади. Шу уч шартни бажариш жараёнида бахши ё мухлислар эътиборини қозонади ёки уларнинг ихлоси қайтади. Тингловчиларда дастлабки қизиқишни уйғотиш, диққат-эътиборини қўчайтириш ва уларни бутунлай «ром» қилиб олиш, аввало, «Дўмбирам» термасидан бошланади, десак муболаға қилмаймиз. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, истеъдодли бахшилар ўзларининг доимий ҳамроҳлари— дўмбираларига атаб махсус терма-мадҳия яратишган. Халқ оғзаки ижодига хос анострофанинг айрим намуналарини ўзбек фольклоршунослари ёзиб олишган.

Абдулла шоир Нурали ўғли ўз дўмбирасига мурожаат қилиб:

Ўйнаб-кулган, дўмбирам,
Суйлаб кулган, дўмбирам,
Қайга кетди шоир деб,
Излаб келган, дўмбирам.

Мендан авват келасоб,
Хуржунга кирган дўмбирам,
Ҳар қасққа ҳайдай берсам,
Ҳамроҳим бўлган, дўмбирам,—

деса, машҳур Қодир бахши Раҳимовнинг «Дўмбирам» термасида шундай мисралар учрайди:

Қўшша торинг бир-бирига эшилар,
Товушингга қўш булбуллар қўшилар,
Сени билан булоқ қўзи очилар;
Бўлса қишдан ёз чиқарган, дўмбирам.

Ёзиб олинган хилма-хил «Дўмбирам» термалари орасида бир-бирига ўхшамайдиган, ғоявий ва бадийий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлганлари кўп учрайди:

Эркалатдинг тўнғич тукқан қизингдай,
Термултирдинг етим қолган қўзингдай,
Мени ҳам саргардон қилдинг ўзингдай,
Ўлмайсан деб даъво қилган, дўмбирам,
То ўлгунча ҳамроҳимсан, дўмбирам.

Ёки:

Хар даврада маст қиласан бизларни,
Бир мен эмас, бизларни ҳам сизларни,
Оқ билакли, қора қошли қизларни,
Сунбул сочин сийпаб ўтдинг дўмбирам.

«Дўмбирам» термасининг бир ўрнида:

Чикқан товушинг шу бўлса,
Ўчокқа солиб ёқайин, —

дейиладики, бундан «мабодо сайролма қолса-я...» маъноси келиб чиқади. Йўқ! Асло! Истеъдодли бахши бундай ҳолга тушиб қолмаслик учун дўмбирани асраб-авайлаб доимо шайтаб юради. Бу деган сўз дўмбиранинг энг яхшисини танлайди, анъанага қатъий амал қилган ҳолда дoston куйи, поэтикаси, тили ва образлари устида бош қотиради, бадийий-тасвирий ва эмоционал воситаларга эътибор қилади, ҳар бир лавҳа, ҳар бир персонажга аҳамият беради. Қисқаси, элга манзур бўлиш йўлларини ахтиради. Шунинг учун биз «Дўмбирам» термасида мана оундай сатрларга дуч келамиз:

Дўмбирам, сени боқайин,
Бошингга полук тақайин,
Мен куйласам сен сайра,
Мақсадим элга ёқайин.

Бахшилар чолғу асбоблари (дўмбира, чанқовуз, сетор, дотор, кўбиз ва бошқалар) срдмида даврани қизитганлар, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатганлар. Демак, дўмбира дoston айтишда, бахши билан баб-баробар қатнашиб, яхшилик, мардлик, тантлилик, адолатлилик каби энг эзгу ниятларни мадҳ этган, «мақтай-мақтай қўрқоғини мард қилган», «турта-турта эшагини от қилган», «куйларман эл кўнглини шод қилган, инсон руҳиятига таъсир этиб эзгу ишларга йўналтирган».

Бахши дoston куйлаб, яхшилик ва ёмонлик борасида бахс юритар экан, сўз ва куй билан улар рухига эстетик таъсир кўрсатиш билан бир вақтда, адолатсизликка нисбатан қаҳр-ғазаб кўзғатади. Шунини алоҳида қайд қилмоқчимизки, биз учрашган дostonчиларнинг деярли барчасининг репертуарида «Дўмбирам» термаси мавжуд. Ҳозир ҳам Хушвақт Мардонакулов, Қаҳҳор Раҳимов, Шоберди Болтаев, ака-ука Қора ва Чори Умировлар, Абдуназар Поёнов, Шодмон Хўжамбердиев, Чоршанби Раҳматуллаев, Рўзи Қултўраев сингари барҳаёт бахшилардан дoston айтишни илтимос қилиб қанчалик шоширсангиз ҳам, дастлаб куй ижро этади, сўнг «Дўмбирам» термасини албатта айтади, шундан кейин дoston куйлашга ўтади. Тўғри, дoston айтишда бу бахшиларнинг ҳаммасини бир қаторга қўйиб бўлмаганидек, улардан ёзиб олинган «Дўмбирам» термаларини ҳам, дўмбира чертишларини ҳам ғоявий ва бадийий жиҳатдан бир меъёردа дея олмаймиз. Лекин шунга қарамай, ҳар қайси «Дўмбирам» термасининг маълум қиймати бор, албатта. Ҳеч бўлмаса, бахши дунёқарашини, руҳиятини, бадийий савиясини кўрсатади.

Шундай қилиб, дostonни дўмбира билан куйласагина, халқ уни чинакам санъаткор ҳисоблаган. Бугунги кунда ҳам Сурхондарё-Қашқадарёда бирон-бир дostonчи билан суҳбатлаша туриб: «Фалон жойдаги бахшини биласизми?» деб савол берсангиз, борди-ю, уни танимаса: «Дўмбирани қандай чертаркан?» деб сўрайди. Саволига ижобий жавоб олмаса: «Ҳа, бахши эмас, маталчи экан-да», деб кўя қолади. Дарҳақиқат, бахши анъана талабларидан келиб чиқиб, дostonни қойил қилиб куйлай олсагина, дoston матни билангина эмас, унинг куйи билан ҳам тингловчида кучли қизиқиш, эҳтирос, эстетик завқ уйғотолсагина ҳақиқий дostonчи ҳисобланади. Буюк шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли:

Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,
Йигирма хил нағма, дўмбира чертиб
Ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик—ҳар ким эшитса,
Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб, —

деганда ана шунини кўзда тутмаганмиди, ахир! Демак, дostonчининг санъаткорлиги, истиснододиди, маҳорати, айтган дostonининг сўзи билан куйининг қанчалик уйғунлашувини таъминлай олиши, куйининг хилма-хиллиги, дўмбирасининг нечоғлик «сайрата билиши» ва ҳоказо-ҳоказолар билан белгиланади.

Нақл: булбул дўмбира билан баҳслашиб қолиб: «Мен мингта куй, нағма биламан», деб мақтанибди. Дўмбира ҳеч нарса демай нағмасини чала бошлабди. Нағма минг бирга етганда, булбул дўмбиранинг қулоғига қўниб, шундай деган экан: «Бас қил, сенга қойил қолдим. Мендан кўра кўп ва ҳўп билар экансан». Шундан буён дўмбира тилга кирди-ми, бас, булбул куйлашдан тўхтаркан-да, секингина унинг ёнига учиб келиб, хомушгина куй тингларкан. Бу бир афсона, аммо уста дostonчи дўмбирасини чала бошладими, унга ишонгинг келади. Буни бахшилар гурунгида қатнашиб, дўмбира куйи ва унинг дилрабо сеҳрига шоҳид бўлган кишиларгина англай олади. Афсуски, халқ дostonлари бошдан-оёқ ички овозда, бир куй билан айтилади, дейдиганлар ҳам бўлган эди ва ҳамон учраб туради. Бу халқ асарларини, санъатини, демакки, бадий эстетик тафаккурини тушунмаслик ва етарлича баҳолай олмасликнинг натижасидир. Бундай фикрлар, бир вақтлар халқ дostonларида қофия факат феъллардан тузилади дейилган қарашлар каби асоссиздир.

Демак, дўмбира мадҳи бежиз тўқилмаган. Бу термада бахшининг ҳаёт йўли, эстетик тамойиллари, куйлаш услуби, дўмбира чертиш маҳорати ва ҳоказолар борасида маълумот бериши билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, истейдодли бахшилардан ёзиб олинган «Дўмбирам» термаси ғоявий жиҳатлари билангина эмас, балки бадий нафосати (куй, бадий-тасвирий ва эмоционал воситалар, жонлантириш, истиора, ўхшатиш, риторик сўрок, муболаға ва ҳ.к.) билан ҳам тингловчи қалбига тез етиб боради. Бахши ана шу ўзига хос бошламадаёқ тингловчи қалбига чўғ ташлайди ва бу чўғни дoston давомида тобора алангалатиб боради. Дўмбира чертилиб, мадҳ этила бошландими, бас, ўз-ўзидан даврага файз киради. Барчанинг нигоҳи бахшига қаратилади, унинг ҳар бир сўзини диққат билан эшитиб, ҳар бир хатти-ҳаракатини кузата бошлайди.

Бу борада сурхондарёлик мироб Аҳмад аканинг фикри бундай: «Дўмбира куйини эшитсам, бутун борлиғимни кучли хаяжон, қалбимни эса теран туйғулар эгаллайди. Кўз ўнгимда мўйсафид тоғ ва унинг бағридаги марварид булоқ жилоланади. Саратоннинг салқин оқшомларидан бирида ҳамқишлоқ дўстимизнинг уйида меҳмон бўлдик. Супа устида ёру биродарлар жамулжам. Сухбатимиз тобора куюклашиб борди. Уй эгаси дўмбира мухлиси, қўшиқ шайдоси эмасми гап орасида: «Меҳмонлар, менда шундай таклиф бор, Эшқобил

бахшини чақириб, шу оқшом бир дoston эшитсак, нима дейсизлар?», деб сўраб қолди. Хамма бу таклифни маъқулади. Кўп ўтмай, Эшқобил бахши қадрдон дўмбирасини қўлтиқлаб кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Бахши келди-ю, даврамизга файз кирди.

Эшқобил бахши қўлига дўмбирасини олди, шўх бир куйни чалгач, «Дўмбирам» термасини айтди. Биз сеҳрли соз садосини ҳам, қўшиқни ҳам мириқиб тингладик. Эшқобил бахши «Нима айтай?» дея сўраганда, кўпчилик «Алпомиш» дostonини эшитиш иштиёқи борлигини изҳор этди. Бахши дўмбирани черта-черта фикрини пишיתיб, дostonни айта бошлади. Бойбўри ва Бойсарининг тўйди изза қилинишини баён этаётганда, фарзандсизликдан соз ҳам ингради, ҳам йиғлади, сўзга қўшилганча уни етаклаб қўз ёши тўкди. Худо ака-укага ўғил ва қиз бериб, юрагига бир олам севинч солганда дўмбира оҳанглари ўйнади, яйради, дилларга шодлик туйғуларини солди. Бундай ҳолат биз дoston тинглаган уч соатда такрорланиб, тингловчилар қалбига гулув солиб турди. Эшқобил бахши «Дўмбирам» термаси билан руҳиятимизга таъсир этган, диққатимизни ўзига қаратган бўлса, дoston куйлаш даврида соз ва сўз билан тамоман сеҳрлаб олди.

Шундай қилиб, «Дўмбирам» термаси дoston айтиш санъатининг дебочасидир. Тўғри, дoston айтишнинг ўзига хос машқи бўлмиш «Нима айтай?» термаси ҳам бор. Унда бахши тингловчига мурожаат қилади, «Дўмбирам»да эса диққатни дўмбира ва унинг куйи таърифига қаратади. «Дўмбирам» термаси созга олқиш, уни улуғлаш, дoston матнини эшитувчига етказишдаги асосий восита сифатида шарафлаш, шунингдек, бахши ва соз орасидаги муносабатнинг ифодасидир. Дарҳақиқат, дoston айтиш ниҳоятда зўр санъат бўлиб, у бахшидан кучли эсда сақланиш қуввати, қувваи ҳофиза кучига эга бўлиши ва Худо берган истеъдоддан ташқари тинимсиз меҳнатни ҳам талаб қилади. Ахир, туни билан (баъзан, бир неча кеча-кундуз) дўмбира чертиб, дoston айтишни тасаввур қилинг. Шунинг учун ҳам бахшиларнинг вақти-вақти билан дўмбираларидан «шикоят» қилишларида ҳам жон бор, албатта. Нурмон шоир айтганидек:

Улфатларинг ҳар тарафдан жийилиб,
Узун торинг бу арқонга туйилиб,
Сени чертдим беш панжам қийилиб,
Тирноқнинг офати бўлган дўмбирам,

каби мисралар кўпчилик бахшиларда учрайди. Шунга қарамай бахши дўмбирасини қўлга олмай, куйламай тура олмайди, яшай олмайди. Сафардаги изланишимизда биз бунга бир неча бор амин бўлдик. Бу ўринда дўмбирага оид баъзи термаларга бир фурсат назар ташлайлик. Қора бахши Умир Сафар ўғли куйлайди:

Дўмбирам, сени боқайин,
Бўйнингга пурак тақайин,
Илҳом берсанг ўзима,
Селдай бўлиб оқайин.

Унинг укаси Чори бахши Умировда эса «Дўмбира»га мурожаатнинг ўзгача ҳолатини кўрамыз:

Отам сени тинмай чертган, дўмбирам,
Сенман қирқта дoston айтган, дўмбирам,
Мен олганда нега чикмас селларинг,
Бор сиригни ўзинг айтгин, дўмбирам.

Юқорида тилга олган Эшқобил Қўшоқ ўғлининг «Дўмбирам» термасида эса шундай мисралар бор:

Йигитлар кучли ор билан,
Ўйнайди гўзал ёр билан,
Мен дoston айтсам, дўмбирам,
Жўр бўлгин бир жуфт тор билан.

Бу сингари мисолларни ҳар бир бахши репертуаридан келтириш мумкин. Чунки дўмбира бахши билан доим бирга, ҳамиша унга ҳамроҳдир. Замонлар оша яшаб, устоздан шогирдга, ҳатто авлоддан-авлодга ўтиб хизмат қилган муסיқий асбоблар — дутор, дўмбира, чанқовуз бўлган.

Дарҳақиқат, бир-икки эмас, балки шоирлар ажодди авлодига хизмат қилган дўмбиралар ҳақида бахшиларнинг ўзлари мароқ билан сўзлайдилар. Айтишларича, Туркменистонда яшаб ўтган ўзбек дostonчиси Шабо бахшининг дўмбираси қарийб юз эллик йилдан ортиқ бахшилар қўлида янграб келган. Ёки Алим бахшининг (туркменистонлик) дўмбираси юз йилдан сўнг Қодир бахшига теккан. Яна бир шоир Хусан бахши устозларидан ўрганган дostonларини (унинг ижодий ҳазинасида кўплаб анъанавий дostonлар бўлган) бобосидан отасига, отасидан ўзига қолган ва уч мартаба Шарқ мамлакатларини кезиб, дуторда куйлаб кел-

ган. Достон ошиқлари бундай чолғу асбобларини табаррук деб қараб, ниҳоятда эъозлашади ва дутор ёхуд дўмбирада куй, достон эшитишни ўзлари учун шараф деб билишади.

Шунингдек, дўмбирани сеҳрли соз деб билган унинг оҳангларига ошуфта бўлган эл дўмбира ясовчи устозларни ҳам кадрлашади. Уларнинг меҳнати алоҳида эъозланади. «Гап соз — дўмбиранинг қандай ясалишида», дейди шўрчилик машҳур дўмбиракаш уста Хусан ота. Мен дўмбирани тутдан ясайман. Биринчидан, тут мустаҳкам ёғоч, иккинчидан, ундан хушбўй хид келади, учинчидан, у мевали дарахт. Шу уч хусусият тутдан ясалган дўмбиранинг сифатини таъминлайди. Аммо ҳар қандай тут дарахтидан соз ясала-вермайди. Дастлаб ўша дарахтдан соз чиқадими-йўқми — эътибор бериб, тўғри келса кесилади. Сўнг у сув бериб тўғриланади ва бир неча йил қурилади. Йиллар давомида тоб ташламосагина дўмбира ясашга яроқли топилади. Яна бир хусусияти шундаки, тутдан ясалган дўмбира куннинг истаган пайтида бир хил овоз чиқаради. Бошқа дўмбиралар кечаси овоз чиқарса, кундузи оҳанглар бермайди, эрталаб жўшиб куйласа, кечқурун мум созлайди. Дўмбиранинг илоҳийлигидан ҳам, Хусан ота дўмбира ясаш, унинг турлари, дўмбира куйларининг таъсир кучи, дўмбиракашлар ҳақида ўнлаб ҳаётий ҳикоялар, ривоятлар биледи. Дўмбиракаш устозлар, унинг ясалишидаги санъаткорлик ҳақида кейинги китобда сўз юритишни лозим топиб, фикримизни Қодир бахшининг куйидаги сатрлари билан тугатамиз:

Созлар билан сен ҳамиша баробар,
Сен кирган хонада ўйин-қулги бор,
Сени чертиб Қодир бўлди бахтиёр,
Озод юртда қанот қоққан, дўмбираман...

Қош қўяман деб...

ёхуд

2-фаслга хулоса

Мухтарам китобхон! Сиз иккинчи фаслда Сурхондарё бахшичилиги хусусида бир оз тушунчага, маълумотга эга бўлдингиз. Илк бор эълон қилинаётган бахшиларнинг поэтик мактаблараро устоз-шогирдчилик шажаралари 1953-1998 йилларда устоз фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров ва биз олиб борган кузатишлар, текширишлар, сўраб суриштиришлар асосида тузилган. Аммо унга Сурхондарёда яшаган, яшаётган барча бахшилар киритилган деб даъво

қилолмаймиз. Достончилик мактабини мукаммал ҳолга келтириш учун хали кўп изланиш керак. Воҳанинг бой оғзаки меросини ёзиб олиш, таҳлил этиш галдаги вазифалардир.

Биргина «Алпомиш» эпосининг ўзи билан боғлиқ кузатишлар, барҳаёт бахшилардаги вариантларни тўлиқми, парча ёхуд қисм ҳолида ёзиб олиш билан боғлиқ вазифаларнинг ўзи бир дунё. Ҳар бир бахши бир дунё, бир тилсим. Юз бахши бўлса «Алпомиш»ни (ўзга достонларни ҳам) дунёқараши, билими, тажрибаси, қобилияти, салоҳиятидан келиб чиқиб юз хил куйлайди. Сиз ҳозиргина ўқиб чиққан «Алпомиш» достонининг Қора бахши Умиров, Хушвақт бахши Мардонақулов, Абдуназар Поёнов, Чоршанби бахши Раҳматуллаев вариантларидаги достоннинг бошланғич қисмига қайта назар ташласангиз, фикримиз ҳақлигига ишонасиз. Бу ерда ҳеч қайси бахшига сиз айтган ўрин ноўрин, буниси тўғри деб бўлмайди. Улар бадиҳагўй ижодкор, шу боис бир ҳодисани ўзининг тафакқуридан келиб чиқиб уч хил таърифламоқда.

Бироқ фольклор асарларини таҳлил қилганда, бахшилар репертуари ёхуд достонлар ҳақида мақолалар ёзганда асл манбаларни аниқламасдан, минг йиллар мобайнида анъанада бўлган тасвир, таъриф ёки далилни билмасдан қатъий фикр айтиш хатодир. «Алпомиш»нинг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қароридан сўнг республика ва вилоятлар, туманлар матбуотида халқ эпоси ҳақида ўнлаб мақолалар чоп этилди. Уларда эпосни ўрганиш, талқин этиш борасида қизиқарли маълумотлар ўз аксини топди. Аммо муаллифлар турли савия ва касбда бўлгани боис, ўқиган ёхуд эшитган бир вариант асосида қатъий ҳукм чиқараётганлар ҳам йўқ эмас. Биз барча матбуот чиқишларини ўқиш ва умумий таҳлил қилиш имкониятига эга эмасмиз. Шундай бўлса-да, хабаримиз бўлган баъзиларига муносабат билдирсак. «Халқ сўзи» газетасининг 1998 йил 4 июндаги сониде журналист Норқобил Жалил уюштирган «Бахшили эл бсй бўлади» мавзусидаги гурунгда жуда долзарб муаммолар кўтарилган. Давра суҳбатида иштирок этган шоир Шафоат Раҳматуллаев Термизий янги фаразлар, далилларни баён қилган ҳолда, «Алпомиш» достонининг: «Сурхон нусхасида Қоражон Қалдирғочга зулм қилади. Бошига от солиб, кўпкарида улоқ қилиб чопиб юрганида

Алпомиш Култой чол қиёфасида бориб Қоражоннинг бутини суғириб кетади-ку!» — бу томонлари, яъни уларнинг дўстга айланиш воқеалари «советлаштирилган» деб, шоир Ҳ.Олимжонга даъво қилганда бир неча хатога йўл қўяди. Биринчидан, Алпомиш ва Қоражон юқорида ҳам айтилганидек, Худони ўртага қўйиб дўст тутинган. Бу эса ҳар нарсадан улуғ. Шу боис иккаласи ҳам бу дўстликни бузиши мумкин эмас. Исломий эътиқоддаги бу ўринни бахшилар ўз-ўзидан кучайтиришган. Қайсидир вариантда Ш.Раҳматуллаев айтган далил учрар, аммо бу сурхонлик бахшилар учун типик (умумий) характерга эга эмас. Иккинчидан, адашиш боиси шундаки, «Алпомиш» туркумидаги «Бева Барчин» достонида Қоралочин образи бор. Қоралочин, Ш.Раҳматуллаев таърифлаганидек, Қалдирғочга муносабати учун бир путидан ажралади ва ўлади ҳам. (Бу дoston— «Бева Барчин» ҳақида юқорида анча тўхталдик).

Бахшиларга хос хусусият шундаки (аввало, улардан узр сўраб қўяйлик — М.М., А.Э.), ҳеч қайсиси ўзини созда ё матнни билишда ёхуд овозда ёмон демайди. Қайсиси билан учрашиб суҳбатлашсангиз, айтишувда енгиб чиққанини, рақибнинг (ҳамкасбининг) яхши билмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун уларнинг зўрлиги халқнинг берган ҳақ баҳосида, матнлар қоғозга кўчганда намоён бўлади. Демокчимизки, бахшилар берган барча маълумотлар ҳам тўғри чиқавермайди. Улар чалғитиши ҳам мумкин. Масалан, «Сурхон тонги» газетасининг 1998 йил 10 апрелдаги Маҳмуд Абулфайзнинг «Булбулнинг завқи гул билан» номли мақоласида истеъдодли бадиҳагўй бахши Чори Умиров иккита хато далилни келтиради, муаллиф ҳам унга ишонади. Биринчиси, «Фармон бахши асосан Амир Темурнинг ёшлигини дoston қилиб айтгани учун отилган». Йўқ, Фармон шоир 1946 йилда Ғузурда ўз ажали билан вафот этган ва Амир Темур ҳақида дoston айтмаган. Чунки бу бахши ҳаёти ва ижоди ҳақида далилларни фақат биз ўрганганмиз. Иккинчиси, «Ўз даври замонида Шерна бахшига етти бахши эргашган. Еттови ҳам зўр бахши бўлган. Холиёр бахши, Мардонакул бахши, Шотўра бахши, Алим бахши ва бошқалар бир-бирига ўхшамайди». Бу кўчирмада қўпол хато ва чалкашликлар мавжуд. Шулардан: а) Шерна бахшига етти бахшигина эргашган десак, унинг руҳи олдида буюк хизматлариға хурматсизлик бўлади. Ўзбек фольклоршуносли-

ги тарихида у каби кўп шогирд этиштирган, шогирдлари уч республикада жавлон уриб ижод қилган бошқа бахши (Қодир бахши Раҳимовни мустасно этганда) маълум эмас. Унинг бу довуғи эллик йилдан буён илмда тан олиб келинади. Биз ҳам тўлиқ бўлмаган ҳолда, Шерна шогирдлари шажарасида, ўзларининг эътироф этишига кўра 23 бахшини келтирганмиз. Ҳали биз кўрмай, учраша олмаганлардан қанчаси бу оламдан ўтиб кетган; б) Алим бахши ва Холиёр бахши Шернанинг шогирди эмас. Алим бахши ёш жиҳатдан Шернадан ҳам каттароқ бўлган, у ҳам Шерна каби Қосимкўр юзбошининг шогирди. У ҳам Шерна каби дostonчилик мактаби — Бешкўтон бахшичилигига асос солган. Холиёр юзбоши эса шу Алим юзбошининг энг иқтидорли шогирдидир.

Матбуотда бундай чалкаш далилларни бериш, фанда исботини топган фикрларни рад этиш кўпол хатоликларга олиб келади. Ҳатто айрим қаламкашлар бахши бирон анъанавий дostonни куйласа, уни яратган улуг аждодларни унутиб, мазкур дostonни шу бахши яратган деб эълон қилишмоқда. Фикримизнинг исботи учун Ўзбекистон телевидениесида халқ оғзаки ижоди борасида берилаётган кўрсатувларга эътибор беринг. Шуни унутмаслик керакки, у ёхуд бу дostonни ижро этиш, куйлаш яратиш эмас. Бахши тайёр асарга қобилиятидан келиб чиқиб нимадир қўшиши ёки қисқартириши мумкин. Мана, XX асрда яшаган бирон-бир бахши «Алпомиш» дек, «Гўрўғли»дек, «Кунтуғмуш»дек, «Рустамхон» дек баркамол, ўқимишли дoston яратолмадику, ахир!

Хуллас, Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» эпоси тўғрисидаги қарори хатоларни тузатиш, камчиликларни тўлдириш, янги далилларни топиш, миллат қадриятларини юксалтириш, урф-одатларимиз, расм-русумларимизни тиклаб, замонга хизмат қилдириш, қадимий дostonчилик анъаналарини асраб қолишни назарда тутганини унутмаслик ҳам фарз, ҳам қарз. Бу йўлда қош кўяман деб кўз чиқармаслик учун чуқур ўйлаб, мушоҳада юритиб, далилларга суяниб иш юритмоқ шарт. Шу ўринда Шафоат Раҳматуллаев Термизийнинг жуда асосли бир фикрини таъкидлашни истар эдик, яъни: «Алпомиш» кўнғиротликларнинг ҳам дostonи (бу ерда кўнғирот талқини назарда тутилмоқда —

М.М., А.Э). Уларнинг этногенези жуда катта. Лекин биз энди унинг туғилган ё яшаган жойини излаб, талашиб юрсак, бу гўллимиз бўлади». Шунингдек, унинг беназир куйчилари ҳам барча ҳудудда яшаши мумкин. Бунга Шерна ёки Фозил шоир ёхуд Қодир бахши гувоҳ. Гап айланиб Қодир бахшига келган экан, навбатдаги учинчи фасл шу улуг инсон ҳақида эканлигини таъкидлаймиз. Чунки Қодир бахши, биринчидан, Шеробод дostonчилик мактабининг вакили, иккинчидан, у энг кўп дoston куйлаган ҳудуд Сурхондарё, учинчидан, Сурхондарёдаги бугунги дostonчиликнинг жонли жараёнда яшашига жуда катта таъсир этган.

3-фасл

ҚОДИР БАХШИ —
ШЕРОБОД
ДОСТОНЧИЛИК
МАКТАБИНИНГ
БУЮК ВАКИЛИ



*Оқшом бошлаб дostonни қирқ кечада битқариб,
Алпомишни Ойбарчиннинг висолига етқариб,
Ёш-қарининг қалбидан бор армонни кетқариб,
Тебраниб қуйлаётган Қодир бахши кўринмас*

Қаҳҳор бахши

3-ФАСЛГА ДЕБОЧА

Хотира—халқ бойлиги, миллатнинг улуғ, бебаҳо маънавий-руҳий мероси. Халқ хотирасида ўн саккиз минг оламдаги тасаввурлар, борликдаги нарсалар, воқеа ва ҳодисалар муҳрланган. У авлоду аждодлар ҳаётида, саъй-ҳаракатларию меҳнат, ижодларида яшаб келди. Ҳаёт бор экан, инсонлар яшар экан, табаррук хотиралар абадийдир. Дарҳақиқат, хотирот, хотира, бошқача айтганда, қуввайи хофиза иборасида олам-олам мантиқ бор. Хотирасиз киши манқурт, у на ўтмишни биледи ва на ҳозирги куню келажагини англайди. Демак, хотира ҳар бир инсон учун, хусусан, бахши-шоир учун ҳаво ва сувдек зарур.

Даставвал шуни айтиш лозимки, бахши хотираси—халқ хотираси, халқ хотираси—бахши хотираси. Халқнинг кечмиши, бугуни эртанги кун, ҳаёт, табиат, жамият, маънавият, руҳият ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари, кечинмалари бахши хотирасида мужассамлашади, абадул-абад муҳрланади. Бахшилар эса халқдаги ана шу хотирани зукколик ва топқирлик билан, худо юқтирган қобилият ила пайқаб олиб, термаларга, дostonларга кўчириб, уни жонлантиришади. Шу боис улар хотираси тиниқ ва мусаффо, айни чоқда илоҳийдир. Чунки уларга дoston ёдлашни, минг мақомда сўйлашни ва қуйлашни, ижод қилишни Аллоҳнинг ўзи юқтирган. Аллоҳ бермаса, юқтирмаса бахши бўлиш у ёқда турсин, бахшичилик кўчасига кира олмайди.

Қадим-қадимлардан ҳаёт сарвари — инсон учун жон, ҳаво, сув, нон-туз қанчалик керак ва зарур бўлса, дoston ва дostonчилик санъати шунчалик табаррук бўлган. Бахшилар ва уларнинг дostonлари халқ учун ҳамма вақт, барча шароит—вазиятда керак бўлган. Ёв босиб, юрт бошига оғир кунлар тушганда ҳам, халқ очарчилик, иқтисодий етишмовчиликларга дуч келганда ҳам, бахши-шоирларга муҳтожлик сезилган. Дарвоқе, «Бахши ўлса—ботир ўлар, ботир ўлса—халқ ўлар», «Бахшили эл—бахтли эл» каби пурмаъно хикматлар бежиз тўқилмаган. Ўзбек халқ дostonчиларининг,

жумладан, Қодир бахши Раҳим ўғлининг хотира кучи, қуввайи ҳофизаси, Аллоҳ берган ақл-идрокию ёдда сақлаш, яъни, ёдқашлиги қанчалар ҳайратли эканлигини, англаб олиш қийин эмас. Масалан, Қодир бахшига ҳам маънавий устоз бўлган Фозил шоир Йўлдош ўғли ҳар бири 18-20 минг наср ва назмдан иборат қирқдан ортиқ анъанавий халқ дostonларини ёдда сақлаган ва уларни юксак даражада маҳорат билан ижро этган, айнаи чоғда янгидан, янгиларини ижод этган. Ёхуд Пўлкан шоирни олиб кўрайлик. Одатда оддий бахшилар 5-10 та, энг қобилиятлилари эса 30-40 тагача асарни ёддан куйлаган бўлса, Пўлкан буларнинг ҳаммасидан фарқ қилиб, 70 дан ортиқ халқ дostonини мароқ билан ижро этарди. Унинг репертуаридаги биргина «Қиронхон» дostonи 20 минг мисра шеър ва қарийб шунча насрни ўз ичига олганини ҳисобга олсак, шоирнинг ижодий қудрати яққол кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларгача, ўзбек халқ ижоди, аниқроғи, дostonчилигимизда, қуввайи ҳофизаси кучли, ўзбек эпосининг ҳамма турларидан кўп билиши жиҳатидан Пўлкан олдига тушадиган бахши-шоир йўқ. Шоирнинг фарзанд-шоғирди Умаркул Пўлкан ўғлининг бизнинг қўлимизда сақланаётган отаси ҳақидаги хотираларида қайд этилишича, қуймақулоқлик, ёдқашлик, хотирада сақлаш, қисқаси, қуввайи ҳофизаси шу даражада эканки, дoston ҳажман қанчалик катта-кичиклигидан қатъи назар, бир бор эшитса, бошдан-оёқ ёдлаб олар экан-да, ўша заҳотиёқ «пўлканчасига» қойил мақом куйлаб кетаверар экан. Ҳафталаб дoston айтиб тутилиш нима, чарчаб толиқиш нима — билмас экан.

XX аср биринчи ярми Пўлкан шоир, Ислоом шоир, Эргаш Жуманбулбул, Шерна шоир, Абдулла шоир, Умир шоир, Мардонакул бахши сингари халқ хотираси боис яратилган маънавий-рухий қувват манбаи — ўлмас дostonларнинг даҳо ижрочи ва ижодкорларини берган бўлса, XX аср иккинчи ярми Қодир бахши Раҳим ўғлидек истеъдодли юзага чиқарди. Ушбу фасл 74 дostonни маҳорат билан куйлаган, 200 дан зиёд эртақ, ўнлаб анъанавий термалар билан замонамиз, яратувчи, бунёдкор халқимиз тўғрисида кўплаб термалар ижод қилган, ўзбек бахшисининг янграқ овозини, сеҳрли созини дунё миқёсига олиб чиққан Қодир бахши Раҳим ўғли ҳаёти ва ижоди ҳақида. Биз бахшининг узоқ йиллик ҳамфикри, ҳамнафаси, ҳамкори, ижодий маслақдоши бўлганимиздан унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳақиқатни бузмасдан ёзишни лозим топдик.

БОЛАЛИК АРМОНЛАРИ

Ота билан яшар ушбу башорат,
Фарзанд учун ота олтин иморат.
Ёмон бўлса ҳамки ота улуғдир,
Кетган бўлса қил қабрини зиёрат.

Ота кўрсатади жаҳон юзини,
Олтинга бит, ҳар бир айтган сўзини.
Бириси ой бўлса, биридир қуёш,
Тавоб айла босиб кетган изини.

Оқбош тоғлари — шарқдан Сурхондарёни, жанубдан Туркменистонни, ғарбдан Деҳқонобод, демакки, Қашқадарё воҳасини бирлаштириб туради. Унинг ёнбағрида узоқ вақтдан буён одамлар яшаб, чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланиб келишади. Инсоннинг яратувчилик меҳнатисиз ҳам бу жойлар ниҳоятда гўзал, сеҳрли, жаннат мисол. Неки шифобахш ўсимликлар, хилма-хил ҳайвонот дунёси, минг мақомда куйловчи қушлар олами билан ажралиб турувчи, асрларга гувоҳ ям-яшил арчаларла чўлганган Оқбош тоғнинг зилол булоқлари мадҳиғ қалам ожиз. Табиатнинг ана шу сеҳрли гўзаллигига инсон кўли билан яратилган боғ-роғлар қўшилиб, қушлар нағмасига қўй-қўзиларнинг маъраши уйғунлашиб кетади.

Оқбошдаги бу ҳайратланарли зеболикдан унинг ён бағридаги овуллар каби Хўжамаҳмуд кишлоғи ҳам бенасиб эмас. Бу ерда табиат ва инсон ҳамкорлиги, ҳамнафаслиги мужассам. Қишлоқ аҳолиси булбулу какликнинг сайрашларига, қадимдан созни, сўзни жўр этишган. Ёшу қари, эркагу-аёл неча юз йиллардан буён бетакрор табиатдан куч олиб, чорвачилик билан моддий яшаш тарзини йўлга қўйиб, думбира садоларидан, баҳши сўзидан рухий қувват олишган.

Эмишки, бу ерда бир дўмбиракаш бўлган экан. У саксон серкани Шаҳрисабз бозорида сотиб, пулига бир соз олиб қайтибди. Ҳар куни тоғнинг бир чўққисига чиқиб, уни чертиб ўтирар экан. Бир куни тоғ ёнида катта қарвон ўтиб, куй оҳангига сархуш бўлган туялар аввал секинланибди, сўнг юрмасдан ётиб қолибди. Қарвонбоши қанчалик бақириб чақирса ҳам, уриб ҳайдаса ҳам куй тинмагунча туялар жойидан бир қадам ҳам жилишмабди. Бу дўмбиракаш Қодир баҳши авлодларидан экан. Бобосими, тоғасими, отасими — буниси аниқ эмасу, лекин ушбу ривоят ҳаётий воқеа

асосида яратилганига шубҳа йўқ. Куйнинг сеҳри билан сути кўриб кетган бияларга сут келтириш, сигирни, кўйни, эчкини ийдириб соғиш, кўпқарида отларни тўхтатиб кўйиш ҳодисалари кўп рўй берган. Шундай истеъдодли дўмбирақашлар, чанқовузчилар, сибизикчилар Хўжамахмуд қишлоғида, унинг Чалка номи билан аталувчи овулида кўп бўлган. Шулардан бири, шубҳасиз, Қодир бахши туғилган хонадон эди.

Бухоро амирининг ағдарилиши, унинг чекка музофотларидан бўлган Ғузор тўралигига қарашли Тангихарам қишлоқларида ҳам ижтимоий турмушни алғов-далғов қилиб юборди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида тарихда «босмачилик» деб таърифланган миллий озодлик кураши, айниқса, тоғли ҳудудларда авж олди. Чорвадор оилада туғилиб ёшлиқданоқ етимлик азобларини тортган Раҳим Жаббор ўғли янги мактабда савод чиқарди, бир неча муддат Бухорода таҳсил олиб, Хўжамахмудга ўқитувчи бўлиб қайтди. Ўша вақтда мураббийларнинг нуфузи баланд эди. Зеро, халқимиз ҳамиша ўқимишли, илмий донишманд кишиларни қадрлаган, алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатишган. Қўнғирот уруғининг Қўштамғали шажарасига тегишли Кал шаҳобчасидан бўлган Раҳим, гарчи машҳур бахши бўлмасамуна, дўмбирани яхши чертар, унинг сеҳрли оҳангларидан руҳан қувват олар, гоҳо термалар ҳам айтиб турар экан. Халқ санъатига ҳавас, бахшичиликка иштиёқ унинг қонида бўлган эрсамуна, ўз даврининг машҳур бахшиси Турди шоирнинг қизи Норхолга уйланиши, қайнотаси, қайноғалари Ражаб бахши Нормурод ўғли ва Ҳазраткул бахшиларнинг бу хонадонда тез-тез бўлиши, тунни тонгга улаб айтган дostonлари туфайли янада кучайди.

Ёш оилада дастлаб икки қиз дунёга келди. 1937 йили ўғил кўришди. Шу ўринда айрим тадқиқотчиларнинг бу санани гоҳ 1940, гоҳ 1941, гоҳ 1942 йил деб хато кўрсатишларини таъкидлаймиз. 1937 йилнинг 16 апрелида туғилган бола кейинчалик Қодир бахши номи билан ярим дунёга танилган Абди Раҳим ўғлидир. Қодир бахши 1937 йил туғилган деган қатъий фикрга келишимизга икки сабаб бор. Биринчиси ва асосийси шуки, бахшининг онаси: «Абдуқодиржон сигир йили кирганда, баҳорда туғилган эди», дейди. Сигир йили эса 1937 йилга тўғри келади. Дарвоқе, бахшининг ҳужжатларида ҳам 1937 йил 16 апрель қайд этилган. Демак, бошқа саналарга ўрин қолмайди. Бахшининг ҳужжатда Абди, ҳаётда Қодир аталишига келсак, ўзбекларнинг кўпчилигида икки исм бор. Оилада биринчи исмини айтишмайди-да, ик-

кинчисидан фойдаланишади. Бу ёмон кўзлардан, офатлардан сақлаш ирими сифатида онгли ҳолда юз беради.

Ёш Абдининг она томонидан етти пушти халқ севган бахшилар, созандалар бўлишган. Онаси ҳам зуваласи зўр санъати, халқ кўшиқ ва дostonлари билан йўғирилганлардан. Қодир икки ёшга кирганда отаси Раҳим Жабборов ҳарбий хизматга чақирилади. Эндигина ширин-ширин гапира бошлаган бола шу билан ота меҳридан бенасиб қолишидан беҳабар эди. Фашистларга қарши курашда жасурлик кўрсатган Раҳим Жабборов жангда мардларча ҳалок бўлади. Вояга етмаган уч қизи бир ўғлининг тарбияси Норхол зиммасига қолади. Қодир эсини таний бошлаганидан сўнгги нафасига «ота» сўзи армон бўлиб қолаверди. Ўша оғир йилларда шаҳару кишлоқда очарчилик, йўқчилик ҳукмрон эди. Норхол она фарзандларини хор-зор қилмаслик учун қанчалар азоб тортди. Тўрт-беш эчкининг сути, гоҳо эти гўдаклар жонига оро кирди. Ёзда терилган бошоқни эплаб қишни ўтказиш, болаларга қарашгина эмас, ўша бир неча майда молни ҳам аёзлардан омон асраш осон кечмади. Ўша йилларда Норхол одамлар садоқатини синади. Бу оилага яқин бўлган баъзи кимсалар бева аёлнинг молига ҳам кўз олайтиришди. Аммо у ҳақини бермади. Гўдакларини хор қилмаслик учун бошқа турмушга чиқмади.

Ўша азобли йилларда қорни арпа нонга гоҳ тўйиб, гоҳ тўймаган, гоҳ оч, ялангоч бўлган Қодирнинг кўзларида мунг қолди. Ўша йилларда бир парча нон, бир оғиз ширин сўз Қодир онгига армон бўлиб битилди, ёши улғайган сари армонлар буй чўзиб борди, отасизлик азоб-уқубатидан тўкилган кўз ёши билан ўсиб улғайиб борди. Эҳтимол, ўша болалик давридаги ушбу сатрлар унинг онгига ўрнашгандир:

Оталининг айқиради юраги,
Отасизнинг бўлмас экан кераги,
Мен бўзлайман бўтадайин чирқираб,
Нега бўлмас азиз падар дараги?

Бу дард ҳамиша уни қийнайди. Фарзанд сифатида ўрта-ниб, кейинчалик отаси бўлган, жанг қилган ва шаҳид бўлган жойларни кездди. Ахир...

Орка тов деб суянгани,
Йиқилганда таянғали,
Кўкрак кериб сўз айттали,

Олдидан душман қайтгали,
Ота ҳам керак йигитга.

Ушбу сатрларни қайта-қайта айтаркан, юрагида жо бўлган қайғу-аламни, ҳаётда ота меҳриси, отадек суянчсиз яшаш нечоғлик оғир бўлганини ҳис этиш қийинмас. Бу жудолик бола қалбидан қанчалик жой олган бўлса, яхшиларнинг бир оғиз ширин сўзи, тасаллиси, берган бир бурда нони, табиатнинг гўзаллиги ҳам шу қадар ўрнашди. Шу боиски, ўзбек дostonчилигида ҳали ҳеч ким табиат ва инсон руҳиятидаги боғланишни, алоқани, яқинлик ва заруриятни Қодир баҳши қадар яхлитликда беролган эмаски, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

«ДЎМБИРАГА ИШТИЁҚ РУҲИМДА ЭДИ»

Дўмбирага меҳр руҳимда бўлган,
Эли юртим дарди оҳимда бўлган,
Алпомиш, Гўрўғли жангга отланса,
Дўстлар шод, душманлар ваҳимада бўлган.

Ривоят қилишларича, Лукмон ҳакимнинг биргина ўғли бўлган экан. Авайлаган кўзга чўп тушар деганларидек, шу ёлғиз фарзанд хасталаниб қолибди. Мингларнинг дардига дармон топган Лукмон ўғлини ҳар қанча уринса ҳам уни даволай олмабди. Ёлғизи вафот этгач, табиб хасталик боисини билмоқ учун унинг кўксини ёриб кўрибди. Қарасаки, биргина қил юрагига ўралиб қон оқишини тўхтатиб қўйган экан. Шунда Лукмон афсусланиб: «Э воҳ, ўғлимга шунча хунар ва илм ўргатибману на дўмбира чертишни, на отда чопиш-чавандозликни ўргатмабман», дебди. Боисини сўрашганда: «Ҳар икки ҳолда дўмбира чалганда ҳам, кўпкарида ҳам завқланишдан юрак кенгаяр, кучлироқ ҳаракатга келар ва қил узилиб кетган бўларди», дебди. Бу ривоят узоқ замонлардан қолган бўлса-да, ундаги ҳақиқат бугунги кунга ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Ушбу ривоятни эшитганми-йўқми, аммо Сурхондарёда, Қашқадарёнинг бир қисмида, хусусан, тоғли Деҳқонобод туманида яшовчи қўнғиротлар ҳамон шу икки нарсадан завқ олади, руҳланади. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, дўмбирани қойилмақом черта олмаса-да, уни тинглашни, кўпкарини чопмаса-да, томоша қилишни хуш кўришади. Ҳар оилада бир дўмбира, бир от бўлиши одат бўлган. Шу боис ҳам бу воҳаларда машҳур

бўлган Умир шоир Сафаров (1894-1966) тўйларга дўмбира кўтариб бормаган. Хонадондаги дўмбирани олиб, айтиб кетаверган.

Қодир униб ўсаётган оилада эса ота бу созни сайратган, бобою тоғалар оҳангига сўзни кўшиб эл кўнглини яйратганди. Демак, «дўмбирага иштиёк руҳимда бўлган» деганида Қодир бахши минг бор ҳақ эди. Бугунги кунда ҳам фақат ўғли ҳақидаги ёрқин хотиралар билан нафас олаётган Норхол момо эри Раҳим Жабборов фронтдан ёзган мактубларида ўғлининг тарбиясига эътибор беришни, дўмбирага бахшичиликка ихлос уйғотишни қайта-қайта такрорлаганини ҳикоя қилади:

— Абдиқодиржон тўрт ёшларида уйга акам Ражаб бахши келди. У термалар, дostonлардан парчалар айтиб кўнглимни кўтарди. Абдиқодиржон акамнинг кўшиқларини берилиб тинглаб турганини кўргач, отасининг ўғлим боболари, тоғаларидек бахши бўлсин деб ёзганлари ёдимга тушди-ю, акамга дўмбира ясаб беришни илтимос қилдим. Икки уч кундан кейин акам кичкина дўмбира олиб келди. Ҳали ёш бола эмасми, бир-икки кун чалиб синдириб қўйди. Сўнг иккинчисини ясаттирдим. Бу ҳам кўпга бормади, учинчиси, тўртинчисини... (Дўмбиранинг синавериши ёш Қодирга кўп ҳам боғлиқ бўлавермагани, бу ерда қандайдир илоҳий кучлар таъсири борлигига кейинроқ қайтамиз—М.М., А.Э.)

— Мен, — деб эслайди Қодир бахши, — 7 ёшларимда қишлоғимизда тўй бўлди. Биз ҳали барча болалар каби ўйинкулги билан машғул эдик. Шунда одамлар: «Бахши келди, бахши келди», деб қолишди ва уйдан гилам поёндоз чиқаришди. Қорабайир отдан қора соқолли, чакноқ кўзли, чиройли, қорин қўйган этдор одам тушиб, хуржиндан дўмбирасини олиши билан одамлар оёғи остига поёндоз тўшаб, уйгача оёғини қуруқ ерга бостирмай олиб кирди. Бахшининг атрофдагилар билан саломлашиб, кўришишига ҳам кўнишмади, поёндоз тўшашга қаршилигига ҳам қарашмади. Шу ердаёқ мурғак қалбимга бунчалик иззат-ҳурмат боси нима, катта бўлсам мен ҳам шундай эътиборли бўлармиканман, деган ўй келди. Бир зумда вужудимга ичкаридан таралаётган дўмбира оҳанглари кира бошлади. Аммо биз болаларни Қора уй (ўтов)га киритмагани сабабли эшикдан қулоқ солардик. Ёшу қари, эркагу аёл шунчалик кўпайиб кетдики, ўтовнинг чийларини олиб ташлашга тўғри келди. Бахши куйлар, куйлай-куйлай олдинга силжиб борарди. Нимани айтаётгани ёдимда йўғу, аммо садолар, гоҳ гулду-

росли жаранглаган овоз биз гўдакларнинг кўзига уйку эн-дирмади. Тонг пайти дoston тугаганда уйку ғолиб келиб уйга етмай яқиндаги хандак (лой олинган чуқурча)да ухлаб қолибман. Онам топиб олиб, ичкари киритиб ётқизиб кўйибди. Уйкудан уйғонсам бошимда чиройли туфак тақилган дўмбира турибди. Сўраб билсам, кечаги бахши донгдор дostonчи Умир шоир Сафаров бўлиб, тонгда бизникига кўноқ бўлган ва сози қолиб кетган экан. Турдим-у, уни чала бошладим.

Қодир бахши бир зум ўйга толди-ю, дўмбирани олиб, ўзича черта бошлади. Биз яна нима таъсир қилганини сўрайверамиз.

— Бунисига сиз, олимлар, ишонмайсизлар, — деди бахши. — Эшитганини айтаяпти ёки ичидан тўқияпти дейсизлар. Ҳа майли, кўп қўймадиларинг, айтайин. Ўша кунларнинг бирида одатдагидек тўрт-беш эчки, қўйни хайдаб ўтлатгани олиб кетдим. Ҳув, Сарғайота дарасида ўтлатиб, тошдан-тошга сакраб, у арчадан бу арчага осилиб чарчаб ҳориб ухлаб қолибман. Бир маҳал оппоқ соқолли, оқ кийинган, икки бети кипқизил бобо келди. Салом бердим, алиқ олдида эркалаб: «Қани болам айт, танглайингга берайми, манглайингга?», деб сўради. Сағирлигимнинг азобини кўриб, бир парча нонга зор бўлиб оч юрган эмасманми, танглайимга беринг десам, бирон егулик берар, қорним тўярди деб: «Бобо танглайимга беринг, танглайимга», дедим. Шунда бобо: «Иккисини ҳам сўрамадингга», деб оғзимга туфлади. Аччиёланиб жойимдан сакраб турсам, бобо ҳам, қўй-эчкилар ҳам йўқ. Моллар ҳу пастда кетаяпти менинг эса нуқул дўмбира чалгим, қўшиқ айтгим келаяпти. Таёғимни олиб, дўмбира қилиб қишлоққа қўшиқ айтиб кириб келдим. Ушанда нимани айтдим, қандай айтдим билмайман. Лекин шу дўмбира тулпоримга айланди.

Бахшидан бу хотираларни ёзиб олганимизда 70-йиллар эди. Ўзи айтгандек, халқ бахшиларидан шу каби деярли бир хил воқеани эшитиб, биз ҳам унчалик ишонмаган, ишонсак-да, фикримизни асослай олмас эдик. Бахшилар ҳаётига чуқурроқ назар солиш, уларнинг руҳий дунёсини англашга интилиш, Қодир бахши ёнида қарийб йигирма йил бирга бўлиш, ниҳоят замоннинг ўзгариб қадриятларимизнинг қайтиши, ўтмиш маданий меросимизга чуқурроқ назар ташлаш, коинот сирларини англашга интилиш туфайли бахшилар алдамаганига, улар илоҳий бир куч таъсирида яшашларига, ижод қилишларига ишонч ҳосил қилдик.

Юқорида Қодир етти ёшгача бир неча дўмбирани синдиргани айтилганди. Аммо у ёши улгайиб, ҳатто шуҳрат қозониб борганда ҳам дўмбира синиши барҳам топмади. Эҳтимолки, ҳеч ким Қодир бахшичалик дўмбирани хилма-хил мақомда сайрата олмаганидек, у каби кўп дўмбирани «қурбон» ҳам қилмаган. Бу, бир томондан, дўмбира-тулпорнинг, чавандоз-бахшининг чертиш маҳоратига, жарангдор овозига бас кела олмаганида бўлса, иккинчидан илоҳий кучларга, биз билмаган сир-саноатга боғлиқлигидир. Бахши 70-йилларнинг охирида Дехқонободнинг Янгиқишлоқ қишлоғида куйлар эди. Унг қўл дўмбиранинг бош қисмини айлантириб ушлаган ҳолда, бармоқлар торни чертар, чап қўл дўмбира дастасини ушлаган ҳолда, у ён-бу ён ўйноқларди. Шунда икки қўлда сайраб турган дўмбира тўсатдан отилиб кетди-ю, икки метр чамаси ерга бориб чаноғидан тарс ёрилди. Қандай куч, қай ҳолатда отиб юборди? Ҳамма хайрон, бахшининг сўзи оғзида қолди. «Урди-я, укағар», деб хомушланиб ўйга толди. Созни олиб чуқур хўрсинди. Бу дўмбирага ачиниш боиси шунда эдики, унинг ясалганига юз йилдан ошган бўлиб, бахши овозини янада очар, кечакундузнинг истаган вақтида соз овози «бўғилмас», бузилмас, унинг бахши мулкига айланиши ҳам қизиқ тасодиф билан рўй берган эди.

Қодир бахши Чоржуй вилоятидаги Қухитангда куйлаётганда XIX асрда яшаб ўтган Алим бахшининг (бу биз юқоридан айтган сурхондарёлик Алим бахши эмас— М.М., А.Э.) набираси бўлган қария унга бобосидан қолган дўмбирани чертиб кўришни таклиф этади. Бахши юз ёшдан ошган созни чертганда ниҳоятда жарангдор овоз чиқаради. Соз қадрини яхши билган дўмбирани сотишни сўрайди. Аммо бобо рози бўлмайди. Қодир бахши дўмбиранинг нархи нари борса 20-30 сўм бўлган ўша вақтда ўнта қўй, битта от, минг сўм пул берганда ҳам бобо рози бўлмай: «Бахши болам, ҳар қанча мол дунё берсанг ҳам бу дўмбирани бермайман, бобомдан қолган хотира», дейди. Шунда бахши бир зум тўхтаб, ташқарига чиқиб кетди, ўйланиб, «Бир дўмбирага кучим етмаса, бахшилигим қаёққа кетди?», дедида, қайтиб келиб ўша дўмбирани қўлга олди. Айтаётган «Гўрўғли» достонини давом эттирмасдан, «Кунтуғмуш» достонидаги Кунтуғмушнинг ёридан, икки фарзандидан ажралиши, яратганга муножотини куйлай кетди. Аввал даврадагиларнинг бир-иккиси, сўнгра деярли барчаси шўрқ-шўрқ йиғлашга тушди.

Бахшисевар ёридан, ҳам дил қувончи, таянчи умрининг давомчиси қўш боласидан айрилган Кунтуғмуш бўлиб нола чекаётган пайтда, ўзининг кўзидан ҳам ёш сизаётганда, Алим бахшининг набираси: «Тўхтат-а, болам, юракларни сел қилиб эзиб юбординг, дўмбира сеники, юз йилдан сўнг эгасини топди», деб дўмбирани ушлатди. Мол-дунёга бермаган созни совға қилиб, ўрнига бахшининг дўмбирасини олди. Қодир бахши ўша айтишни эслаганда: «Ўшанда бир келган экан-да, «Кунтуғмуш»ни минг айтсам ҳам шундай чикмади», деб юрарди. Синган, кўз тегиб синган дўмбира ўша Алим бахшидан мерос қолган соз бўлиб, бахши шунга ачинган эди.

Етти ёшдан меҳр қўйиб чертган, юрагида бор дарду ҳасратини, қувончу шодлигини у орқали баён этган бахши анъанага кўра «созини», тулпорини кўп бора мадҳ этди. Мана у минглаб ижро этган дўмбирага мурожаатлардан бири:

Сени чертсам кўнглим гулдай яйрайди,
Булбулдайин сайраб чикқин, дўмбирам,
Қўшша торинг қўшилганда сайрайди,
Кўксинг очиб яйраб чикқин, дўмбирам.

Қахрамонни кўрганингда мақтайсан,
Дангасага дуч келганда тўхтайсан,
Оҳангларга ўзинг куйларга бойсан,
Товушингни соз чиқаргин, дўмбирам.

Мақтай-мақтай кўрқоғини мард қилган,
Турта-турта эшагини от қилган,
Черта берсам эл кўнглини шод қилган,
Майин тордан ноз чиқарган, дўмбирам.

Қўшша торинг бир-бирига эшилар,
Товушингта қўш булбуллар қўшилар,
Сени билан булоқ кўзи очилар,
Бўлса қишдан ёз чиқарган, дўмбирам.

Созлар билан сен ҳамиша баробар,
Сен кирган хонада суҳбат, кулги бор,
Ўзинг чертиб Қодир бўлди бахтиёр,
Озод юртда қулоч чиқар, дўмбирам.

Дўмбира чертишни, кичик-кичик термалар айтишни, бахшичилик санъатига бўлган қизиқишни кўрган бобоси Турди бахши кексайган бўлишига қарамай невара билан

жиддийроқ шуғуллана бошлади. Аста-секин куйлар кўшиқларга, термаларга, достонлардан парчаларга камарбаста бўла борди. Ҳавас, иштиёқни изга соладиган, авлодлар қони орқали ўтган достончиликни шакллантирадиган устозга эҳтиёж туғилади. Устозлар эса бор эди.

«МАЁҚ БЎЛГАН УСТОЗДИР»

Ҳар хунарни ўрганмоқлик ёшдандир,
Устоз деган хазинадор бўстондир,
Ҳар хислатни ёзсанг ўнлаб достондир,
Ҳаётингда маёқ бўлган устоздир.

Халқимизда устоз ва шогирд муносабатлари қадимий анъаналарга эгадир. Устоз меҳр-муҳаббати, шогирдга бўлган ихлос-этиқоди, айтилиши вақтда шогирднинг устозга бекиёс эҳтироми, ишончи, хурмати шу қадар томир отиб кетганки, бу мавзу мақоллардан тортиб достонларгача бўлган оғзаки ижод намуналарида ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган. Бу бежиз бўлмай ҳаёт йўлини кўрсатган, яшаш учун маълум бир касб-хунарга йўналтирган кишини қадрлаш, эъзозлаш, бир умр миннатдорчилик билан ёдлаш халқимиз руҳига, қонига, жонига сингиб кетган. Шу боис «устоз — отадан улуг», дейишади. Устоз — шогирдлик анъанаси, айтилиши, бахшичиликда жуда кучли. Авлодларни ўзаро боғлайдиган, халқ бадиий ижодининг ўлмаслигини давомийлигини, халқчил анъаналарининг изчил ривожланиб боришини кўрсатадиган устоз ва шогирд муносабатлари, бу муносабатлардаги ўзаро садоқат, меҳр-муҳаббат, имон, эҳтиқод, ахлоқий поклик, ақлий баркамоллик, гоҳ рўй берадиган ўзаро келишмовчилик, садоқатсизлик ҳақида кўплаб ривоятлар, афсоналар тўқилган.

Нақл этишларича, ёши эликдан ошган моҳир дўмбиракаш, эҳтиборли бахшининг бир шогирди бўлган. Устоз шогирдга созда қирқ оҳангни, сўзда қирқ достонни, дўмбира ясашда қирқ усулни ўргатибди. Шогирд билганларидан мағрурланиб, устозини назарга илмай кўйибди. Бу ҳам етмагандек шоҳга арз қилибди: «Устозим менинг ютуғимни кўра олмайди. Одамларга ташвиқот қилиб, ўз даврасини кенгайтириш билан машғул. Мен билан устозим айтишувини ташкил этиб, куч-қудратимни ўз кўзингиз билан кўринг», дебди. Шоҳ халойиқни йиғиб устоз ва шогирдни айтишувга таклиф этибди. Анъанага кўра баҳс соз чертишдан бошла-

нибди. Шогирд ниҳоятда чиройли безанилган дўмбирада қирқ нағмани алса ҳам, одамларга таъсир этмабди Устоз уч-тўрт нағма чертгандан тингловчилар дастлаб йиғлабди, ўнгра шодон кулишибди. Шу ерга келганда шоҳ ҳайрон қолиб: «Эй кекса оқин, сенинг ёш ва навқирон шогирддэн устунлигинг сабаби не? Иккаланг ҳам бир куйни чалиб, икки хил таъсир этганларинг боисини айт», дебди. «Боиси шундаки, мен соз ясашда, сўз айтишда ва чертишда қирқ биттадан усул, йўл биламан. Шогирдларимга қирқини ўргатиб, бирини сир сақлайман. Чунки шу йўл билан хиёнаткор, манман, шуҳратпараст, устозга нонкўрлик қилувчи шогирдларимни синайман. Мен ўргатган қирқ усулни камтарлик билан, ихлос билан қўллаб эл ичида танилганларгагина сўнггисини ўргатаман. Бу шогирдим дўмбира ясашимнинг ўттизинчи усулини ўргангандаёқ ўзига бино қўя бошлаганини сезгандим. Шу сабабли қирқ биринчи усулим—дўмбирамни оловга тоблаб олгандан сўнг унга «уфф» деб нафас солишни, сўз айтишда эса «ох» деб ўрганишни ўргатмадим. Халқ куйимни оҳанграбодск тинглагани сабаби шундаки, «уфф» деганда дўмбирага инсон нафаси ўтади. Уста нафаси ўтган дўмбира сеҳрли куй таратади. Куйлашда «ох» дейишни билиш эса юракларни ўртайди. Сабаби шу», деб жавоб берибди. Воқеани эшитган шоҳ устозга маломат қилган шогирдни ўлимга буюрибди.

Қодир бахши бундай ривоятларни билишгина эмас, улардаги фалсафий-ахлоқий маънони чуқур тушунар ва шунга амал қилар эди. Шу боис ўзига бир куйни ўргатган ёхуд янги бир сўзни айтган, ўқитган ҳар бир кишини устоз сифатида кадрларди. Уларга хиёнат қилиш, ёмонлаш, бахшига батамом ёт эди. Эл орасида танилиб, ундан дoston матнларини ёзиб олганда ҳам шу эътиқодга, ҳурматга содиқ қолди. Устозларнинг репертуари ёзиб олинмаган, чоп этилмай қолган бўлса-да, улардан нимани ўрганганини тан олиб, номини абадийлаштиришга ҳисса қўшди. Жумладан, Темурийлар сулоласининг улуғ давомчиси, улуғ шоир ва шоҳ Бобур ҳақида фольклоршунослиқда ягона ҳисобланган «Ойчинор» достони сўнггида:

Бу дostonни ёшлиқда,
Турди шоир айтгандир.
Шундан бери ёдимда,
Йўқолмайин қолгандир, —

деб 1969 йили қайд этганди. Бу билан, аввало, Бобур ҳақида ўнлаб ривоятлар яшаб келаётган Дехқонободда дoston ҳам

куйлагани эътироф этади. Иккинчидан, бобоси Турди бахши ўз даврининг етук дostonчиси бўлганлигини тан олиб, хурматини жойига қўяди. Учинчидан, «Ойчинор»ни Қодир бахши ўзи яратган деган айрим фольклоршунослар фикрини рад этади. Шу ўринда Бобур ҳақида ўнлаб ривоятлар, дostonлар Дехқонободда яшаб қолишининг боисини эслаш кифоя. Яъни, Афғонистонга чекинаётган Бобур Мирзо Қодир бахши туғилиб вояга етган Хўжамахмуд қишлоғидан 6-7 чақирим узоқликда бўлган тоғ тепасида жойлашган Каттапой текислигида бирмунча вақт яшагани ўша кунлардан хотира бўлиб қолган кўрғон ўрни, сув чиқарган жойи, отлар турадиган майдон, кўрғонга чиқадиган йўл, қабристон ва янги очилган ер-кўрикнинг ҳозиргача мавжудлиги, «Шай-вали келди, Бобур қочди» ўйинининг сақланиб қолганини асослайди. Бир муддат Каттапойда яшаб, ерли халқ қалбида яхши из қолдирган Бобур ҳақида дастлаб ривоятлар, сўнгра дoston юзага келган*. Қодир бахши устози, бобоси Турди шоирдан эшитган «Ойчинор» дostonини ўз ижодий лабораториясида қайта ишлаб бизга етказди.

Қодир бахши устозларидан бири, Шеробод дostonчилик мактабининг вакили Шерназар (Шерна) Бердиназар ўғли (1855-1915)нинг шогирди Ражаб бахши Нормурод ўғли (1887-1990) бўлиб, у бахшига амаки тоғадир. Яъни, Ражаб бахши билан Қодир бахшининг онаси Норхол момо ака-уканиннг Нормурод бахши ва Турди бахшининг фарзандларидир. 1969 йил Жанубий Ўзбекистон халқ оғзаки ижодининг толмас тўпловчиси ва тарғиботчиси, таниқли фольклоршунос олим, Абдумўмин Қаҳқоров Қарши Давлат университети талабалари билан уюштирган фольклор этнографик экспедициясида қатнашиб, илк бор Ражаб бахши билан учрашганимизда, у 20-30 чоғли қўйни суғораётган ҳолда саломимизга шундай алик олган эди:

Ширин-шакар тилимиз,
Салом берди улимиз.
Ражаб бахши ўзимман,
Ўзбек, тожик элимиз.

Қўй суғориб турибмиз,
Меҳмон кутиб юрибмиз.
Душман қочсин панага,
Юрингизлар хонага.

* «Алломалар ибрати», Т., «Камалак», 1982.

Қария кўплан кўп шундай шеърый сатрлар тузган ҳолда сўрашганда биз ҳайратга тушган эдик. Ражаб бахши 20 дан ортиқ анъанавий дostonларни билар ва маҳорат билан ижро этарди. Қодирга тўрт ёшдан дўмбира ясаб берган, билганларини ўргатган иккинчи устоз шу киши бўлган. 1980 йил январда «Ёзи билан Зебо» дostonини илк бор яхлит ҳолда Қодир бахшидан ёзиб олишга киришар эканмиз, дostonнинг дебoчасида куйидаги иқрорномага дуч келдик:

... Эшитганман устозим,
Бахши Ражаб шоирдан.
Давраларда гап бошлаб,
Улардан ҳам тердим дон.
Умир шоир гоҳида,
Зебодан бошлар эди.
Яхши жойдан бошлаб,
Ёмонни ташлар эди.
Китоб бўлди ой Зебо,
Ҳали ками бор эди.
Ким тўлдиран экан деб,
Ёзи унга зор эди.
Ният қилдим дostonни,
Эшитганим ёзгай деб,
Ошиқлик денгизида,
Кема каби сузай деб.

Ушбу сатрларда Қодир бахши «Ёзи билан Зебо» дostonини илк бор тўлиқ Ражаб бахшидан эшитганини, Умир бахши ҳам бу дostonни куйлаганини, айна вақтда давралардан дон йиққани-эшитганини таъкидламоқдаки, бу ерда бахшининг эстетик идеали ҳам намоён бўлаётир.

Гарчи бахши сўз санъатининг шу соҳасида илк маълумотларни, сабоқларни бобоси ва тоғасидан олган бўлса-да, устоз-шогирдлик анъанасига кўра ўз оиласидан бўлмаган янада кучлироқ, маҳоратлироқ, машхурроқ бахшига шогирд тушиши лозим эди. Дарвоқе, ҳамма соҳада оиладаги ота, ака тоға ёхуд амакими, гарчи устозлик қилган бўлса-да, ўзга бегоналардан устоз излаш ханузгача мавжуд. Қодир бахши 16 ёшга кирганда оқ-қорани таниб бахшичилик қисмат эканлигини англаб етганда, 7 ёшида ҳавас қилган, мен ҳам шу кишидаё бўлар эканманми деб ихлос кўйган Умир шоир Сафар ўғлига шогирд тушди. Умир шоир Қашқадарё-Сурхондарёдагина эмас, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳам машхур бўлиб,

у Шернанинг шогирдларидан бири эди. Ниҳоятда бади-
хағўй, сўзга чечан, созга моҳир Умир шоир 40 дан ортик
анъанавий дostonларни ўта таъсирли куйлай олган замо-
навий мавзуда 30-йиллар бошидаёқ «Дастагул», «Қорақум»
сингари дostonлару термалар ижод қилган бўлиб, иқтидорли
Қодирга икки йил устозлик қилади. Қишлоқма-қишлоқ,
туманма-туман, вилоятма-вилоят устоз билан тўйларда, дав-
раларда бўлган Қодир бахши ундан «Ойпарча», «Болхувон»,
«Гўрўғлининг туғилиши», «Алпомиш», «Мозондора», «Фуп-
паной», «Зайдиной», «Гўрўғлининг болалиги» каби дoston-
ларни ўрганади.

Қодир бахши Умир шоир истеъдодини, дoston куйлаш
маҳоратини, шогирдга меҳр-муҳаббатини юксак баҳолайди.
Ўзи ҳам 4 ёшида отадан сағир қолиб, азоб-уқубатларнинг
барини тортган Умир шоир Қодирга алоҳида ихлос қўяди.
Бу содда, куйма кулоқ, итоаткор, ҳаётнинг қийинчиликла-
рини кўрган йигитчага тўй-давралардан нима (пулми, тўнми,
материалми) тушса тенг ярмини, баъзан борини бериб
моддий жиҳатдан ҳам қўллайди. Қодир бахши хотирасида
устознинг маънавий, руҳий ва моддий ёрдами умрбод сақ-
ланиб қолди. Шу боис 1984 йил устознинг 90 йиллигини
жумхурияг микёсида ўтказиш ташаббускори бўлди, алоҳида
«Устозимга» термасичи яратди:

Ҳали ҳали эсимдадир,
Дўмбиранинг созлари,
Нағмасига нола қилар,
Ғафиллар қўл ғозлари.

Икки торда майин овоз,
Сайхун билан Жайхундай,
Кўз олдимга келар эди,
Бепоен чўл пойма-пой.

Қуёш ботмай бошлар эди,
Кўзин юмиб дostonни,
Калит солиб очар эди,
Гўёки бир бўстонни

Кўрар эдим Алпомишни,
Бойчиборни қисташин,
Кўрар эдим Ойбарчинни,
Сулув қизлар устасин.

Саф-саф тортган лашкарлару
Қадди тоғдек полвонлар,
Ҳай-ҳайлаган чўпонлару
Савлат тўккан чўпонлар.

Тўқсон бошли оқ ўтовлар,
Кўз олдимдан ўтарди,
Чанқовузни ялаган қизлар,
Ўз ёрини кутарди.

Достондаги ғамли кунда,
Эл кетарди эшилиб,
Эл йиғларди, бахши йиғлар,
Алпомишга қўшилиб.

Озод бўлса эл ботири,
Бахши созни кўрардик,
Кулар эди саф одамлар,
Сўзга қойил қолардик.

Бошдан тўлғаб айтар эди,
Қўлда сози гул бўлиб,
Тез оқарди, ўтирган жой,
Усти боши хўл бўлиб.

Умир эдинг узоқ умир,
Абадийсан ҳаётда,
Шогирд Қора, Чори, Қодир,
Қамчи чотар Фиротда.

Бу терма фақат устозга мадҳия эмас, балки Жанубий Ўзбекистон дostonчиларининг дoston куйлаш ҳолатини, тингловчилар руҳиятини ифодаловчи, умумлаштирувчи тасвир ҳамдир. Республикамизнинг Қашқа-Сурхон воҳаларида яшовчи бахшилар куйлаш жараёнида кўзини юмиб олишади. Биз Қодир бахшидан бунинг сабабини сўраганимизда шундай изоҳлади: «Кўл дўмбирани олдами, бошда воқеалар оқими бошланади. Кўзни юмиб турса, воқеалар, ҳодисалар бахши кўз ўнгидан ўтаверади. Кўз очик турганда тева-рак-атрофдаги нарсаларга назар ташлаб, асосий дostonда акс эттирилган воқеалардан чалғийди. Бахши созини ча-либ айта бошладими, у ҳеч нарсани ўйламайди, воқеалар, ҳодисалар ўз-ўзидан тилга келаверади».

Устозга хурмат ва эҳтиром Қодир бахши ижодининг мангу мавзуларидан бўлиб қолди.

Чунки:

Тоғлар тоғ бўлмайди савлат бўлмаса,
Кушлар учолмайди қанот бўлмаса,
Инсон юролмайди даъват бўлмаса,
Булоқ бўлсанг кўзинг очган устоздир.

Хурмат-иззат кўрсанг устоз биландир,
Элга машҳур бўлсанг устоз биландир,
Гар қуёшга етсанг устоз биландир,
Дарё бўлсанг чўлғантирган устоздир.

Чўлда юрсанг соя солар бошингда,
Ғамда қолсанг маслаҳатгўй қошингда,
Гар йиқилсанг ҳассадиёр ёнбошингда,
Денгиз бўлсанг қирғоқ бўлган устоздир.

Ўзбошимча ишни қилсанг хато бил,
Кўлмак сувни ёз келганда адо бил,
Устоз улуғ зотдир, уни ота бил,
Сўри бўлсанг тиргак бўлган устоздир.

Ҳар ҳунарни ўрганмоқлик ёшдандир,
Устоз деган ҳазинадор бўстондир,
Ҳар ҳислатин ёзсанг ўнлаб дostonдир,
Ҳаётингда маёқ бўлган устоздир.

Қодир бахши устозлар ҳақида фақат қўшиқлару термалар тўкиб, ривоятлар айтиб қолмади. Балки фақат Жанубий Ўзбекистондагина мавжуд бўлган, шогирдлар учун синов дostonи ҳисобланган, бахшичилик санъати, устоз-шогирд муносабатлари, бахши эътиқоди, имони, диёнати ҳақидаги анъанавий «Олланазар-Олчинбек» номли дostonни ҳам қайта-қайта ижро этди. Уни муқаммаллаштирди. «Олланазар» дostonининг Мардонақул юзбоши, Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли ва Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан ёзиб олинган уч вариантни қиёслаш алоҳида мавзу эканлигини таъкидлаган ҳолда, Қодир бахши ҳам ўз ўтмишдошлари каби устозининг барча синовларидан ўтиб, ўн саккизга қадам қўйганда мустақил дostonчи-бахши бўлиш ҳуқуқини олиб, устозлар дуосини, насиҳатини ёдда сақлаб давраларга кирди. Ўрни келганда «Олланазар-Олчинбек» дostonидаги Қашқа-Сурхон воҳалари дostonчилигида шогирдга айтиладиган дуо-насиҳат намунасидан келтир-

сак, фойдадан холи бўлмас. Чунки бошқа фольклор асарларда бахшининг ахлоқий фазилатларини, бурчини таъкидловчи бундай дуолар учрамайди.

Шогирдни эл ичида синовдан ўтказган устоз: «Кел-э, болам, сенга бир дуо берайин. Назар тегмай бек бўлмас, Хидир кўрмай бой бўлмас. Сенга худонинг назари тийганга ўхшайди. Насиб бўлса, элда машхур бахши бўлиб кетасан, муродингга етасан. Қаерга хизматга борсанг шу ернинг бахшиларини даврага хурматлаб чақиртир. Ёши катта бахшилар билан бўлсанг, аввал кўлингга дўмбирани олма. Кўлингга дўмбира олишинг билан устозлар, қирқ чилтонлар ва азиз авлиёларни ёдга ол, ҳалол ва пок бўлиб дoston, терма бошла, болам. Хизматинг изига боболардан дуо ол», деб кўлига созни олиб, ҳам насиҳат, ҳам дуо бераётган жойи:

Кел болам, сенга бир дуо берайин,
Ҳеч қачон номарднинг хизматин қилма,
Олдиндан қишлоғинг рози айлагин,
Берган хизматингнинг миннатин қилма.

Беморни кўрганда кўнглини овла,
Сўз билан одамлар қалбини жовла.
Майга берилмагин кейинга тайла,
Кайф билан элингнинг хизматин қилма.

Тўйга чорлаганда имконини топ,
Ваъда берган бўлсанг кечикмасдан чоп,
Нафсингни авайла қилмасдан соп,
Ёмонга қўшилиб ёмонлик қилма.

Кўп билан ўйнашма майиб қилади,
Кўнглини топсанг гар сойиб қилади,
Ўғри ва ғарни эл айиб қилади,
Сен шу икки йўлни ҳеч ҳамро қилма.

Дўмбира, қўшиқни муқаддам деб бил,
Камтарликни доим фазилат деб бил,
Ким яхши, ким ёмон танлаб олар эл,
Ҳеч қачон ўзингни элга кўз қилма.

Дoston айтганингда чала ташлама,
Ҳар жойдан кемириб, чайнаб лошлама,
Билмасанг дostonни бузиб бошлама,
Сассиқ попушакнинг хунарини қилма.

Манманлик қилмагин душман кўпяр,
Ароққа берилсанг хонангни ўяр,
Нафсингни кўп қўйма бепичоқ сўяр,
Ўзингдан зўр чиқса манманлик қилма.

Иззатни пул билан топиб бўлмайди,
Тулпорга қўшилган чопиб толмайди,
Донолар ҳеч қачон элда ўлмайди,
Улуғлар номини беписанг д қилма.

Ўзингни ҳеч қачон бозорга солма,
Худони улуғ бил, Қуръондан қолма.
Осмонни кўзлама, тағи(н) онг қолма,
Шогирдинг ўтанда душманлик қилма.

Хизмат ҳақ бермаса бетига айтма,
Касбдош харингни ҳеч жойда сотма,
Тўйдан чиққанингда маст билан қайтма,
Саломатлик гавҳар ер ости қилма.

Номардга бермагин топган молингни,
Молингни еб хароб қилар ҳолингни,
Яхши кунда сайрат чечан отингни,
Созингни алмашиб қаллоблик қилма.

Қиз-жувон сесинга шайдо бўлади,
Сени қулатиш-чун пайдо бўлади,
Кейин хунаринг ҳам майда бўлади,
Кўз сузган жувоннинг хизматин қилма.

Навбат келса бир кун сендан ҳам ўтар,
Бузукқа қўшилсанг топганинг кетар,
Ҳар доим устозингни бошинга кўтар,
Ҳеч қачон устозга ёмонлик қилма...

Мана, Абдуқаҳҳор бахши Қодир ўғли айтган «Оллана-зар-Олтинбек» достонининг вариантдан олинган назмдаги устоз дуосининг ўзи ҳам бошловчи бахши учун дастуриламал, камолот асосидир. Қодир бахши унга тўлиқ амал қилиб яшагани, меҳнат қилгани, кишилар билан муносабатга киришгани боис элда танила борди.

**«ЭЛ ОРАЛАБ ТЕРДИМ ДОН»
ЁХУД
БАХШИ СУВ ИЧГАН БУЛОҚЛАР**

Ботирлар хайдайди минганда отди,
Элга-эл қўшилса бахтдир давлатди(р),
Ўн саккиз ёшимда дўмбира бериб,
Достон айт деб устозларим ўргатди.

Қодир Раҳим ўғлининг устозларидан фарқли жиҳати саводли эди. Ўз авлодлари шажарасини давом эттириб, соз чертиш ва сўз айтиш йўлларини ўрганиш билан биргаликда кишлоғидаги Бобур номли саккиз йиллик мактабда, IX-XI синфда Деҳқонобод қўрғонидаги 1-ўрта мактабда таҳсил олди. Китобга ихлос ёш Қодир истеъдодига сезиларли таъсир ўтказди. Ўзбек фольклоршуносларининг захматли меҳнати ҳисобига 50—60-йилларда халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса эртақлар ва достонлар кўплаб чоп этила бошлади. Энди Қодир бахши достон матнларини билишда фақат устозларидан ўрганиш билан чекланмади. «Алпомиш», «Кунтуғмуш», «Балогардон», «Ёдгор», «Рустамхон», «Гулнорпари», «Орзигул», «Муродхон», «Маликаи айёр» сингари, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Пулкан шоирдан ёзиб олиниб, чоп этилган достонларни ўқиш Қодир Раҳим ўғли репертуарини бойитибгина қолмади, айни вақтда маҳоратини оширди, асарлари бадииятини юксалтирди.

Халқимизда: «Аллоҳ: ҳаракат—сендан, баракат—мендан деган», ибораси кўп қўлланилади. Зеро, Қодирга бахшичилик санъатини Аллоҳ берган бўлса-да, достончилик унинг етти пушти қонидан ўтиб, ўттиз икки томирни жунбишга келтириб турган эрса-да, ўзи тинимсиз ҳаракат қилмаганда, нафақат устозларини, балки китобларни ўқиб, ёшлардан, ҳатто ўзидан ҳам кичикларни кузатиб турмаганда юксалликка кўтарилмас эди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек халқ достонлари ниҳоятда кўп, мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиб, улар барча ҳудудларда бир хилда тарқалмаган. Айни вақтда маълум поэтик мактаб вакилларининг достон куйлаш, уни соз билан ижро этиш усулларида, ҳатто созлари тузилишида ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Масалан, Самарқанд поэтик мактабида «Гўрўғли» силсиласига кирувчи катта «Гўрўғли» туркум достонлари машҳур бўлса, Сурхондарё-Қашқадарё шу силсилага тааллуқли катта «Авазхон» туркуми, «Авазхон» нас-

лий туркумига доир «Нурали», «Шерали» кенг тарқалган. «Хасанхон» туркуми унинг ўғли Равшанхон ҳақидаги дostonлар, шунингдек, «Кунтуғмуш», «Муродхон» дostonлари жанубий вилоятларда кўп ижро этилмаган. Бу каби дostonларнинг Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуаридан ўрин олиши боиси уларнинг китоб ҳолида кўп нусхада чоп этилганидир. Бу жараёни биргина Қодир бахши ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Мен «Кунтуғмуш» дostonини, — дерди Қодир бахши, — устозларимдан тўлиқ эшитиб ўрганганим йўқ. Дostonнинг китоб бўлиб чиққанини ўқиб ўзлаштирганман. Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли айтган бу дostonни ўқиб қойил қолганман ва бир ўқишдаёқ ёдлаб олганман. Умримда энг кўп айтган дostonларимдан биринчиси «Алпомиш» бўлса, иккинчиси «Кунтуғмуш». Лекин «Кунтуғмуш»ни қоғозга тушириб ўтирманглар, чунки уни Эргаш ота шундай мукамал, юксак даражада ижро этганки, мен бу даражада қиёмига етказиб айта олмайман. Эргаш отадаги гўзал шеърят, қахрамонлар дардини ёрита олиш менга ёқади.

Бу бахшининг мардона эътирофи. У ўзи айтгандай «Кунтуғмуш» дostonини қоғозга туширишни асло истамади. Биз эса бахши ҳар қачон бу дostonни меҳр-муҳаббат билан куйлаганда, ундаги қахрамонлар руҳий оламини янада чуқурроқ ёритишга интилганининг гувоҳи бўлавердик. Бадиҳағўйлик шу даражада камолга эришдики, Қодир бахши чоп этилган «Кунтуғмуш»ни ўқиб ўрганган бўлса-да, ўша воқеалар, ўша сюжет ривожини сақланган ҳолда барча насрий ва назмий ўринлар қайтадан тўқилади. Бутун бир эпосда фақат бир банд—тўрт мисра Эргаш Жуманбулбулдагидек айнан сақланади. Бу:

Икковимиз бирдай етим,
Боғда очилган гулдай етим,
Жаннатдаги хурдай етим,
Икки етим бир бўлайлик, —

сатрларидир. Бошқа барча ўринларда бир банднинг камида икки сатри қайта ишланган, ўзгаришга учраган. Қодир бахши «Кунтуғмуш» дostonи мисолида, аввало, Эргаш шоирдек халқ бадиий оғзаки ижодининг даҳоси ижодидаги бадииятни ўрганди. Эргаш шоир Жуманбулбул ўғлининг айнан шу дostonи халқ оғзаки ижодидаги шеърини тузилишни, ундаги маънодорликни, жозибани сақлагани билангина эмас, балки айна дамда мумтоз адабиётдаги ғазал, мурабба, мас-

навий, мухаммас жанрларига хос ниҳоят гўзал, қуйма мисраларни омухта қилгани билан ҳам Қодир бахшига ижодий мактаб бўлгани, шубҳасиз. Шу боис ҳам асосан Эргаш шоир маҳоратига тан бериб, айти вақтда уни такрорлаб қолишни эмас, устоз даражасида пурмаъно, бадий юксак бандлар тузига интилар, бу эса ижод пиллапоясидан илгарилашга имкон яратарди.

Қодир бахши ихлос қўйган, чоп этилган дostonларидан илҳомланган сўз санъаткорларидан бири машҳур Фозил Йўлдош ўғли эди. Унинг иқтидорли шогирди Шойкул бахши Қодир бахшининг: «Шойкулжон барҳаёт бахшиларни ҳам кўрган, аммо Фозил шоир, Эргаш шоирларнинг китобини кўпроқ ўқи. Мени одам бўлишимга (бахши бўлишимга демоқчи — М.М., А.Э.) шу иккиси кўп хизмат қилган», деган ўғитни таъкидладики, шу бир жумлада Қодир бахшининг эстетик қарашини, Самарқанд поэтик мактаби вакиллари муносабати акс этган. Зеро, у «Алпомиш» дostonини бир неча вариантда, икки версияда ҳам ижро этар эди. Бу дostonнинг Фозил шоир вариантини китобдан ўқиб, Шеробод, Бойсун вариантларини устозлардан ўрганиб, ҳар бирини маҳорат билан қуйларди. Қодир бахшининг Фозил шоир вариантига қандай унсурлар, воқеалар қўшганини, қайси ўринларига ижодий ишлов берганини таҳлил қилиш алоҳида тадқиқотни талаб этади. Аммо биз унинг бадий хофизасини, салоҳиятини, маҳоратини кўрсатиш учун Фозил шоир қуйлаган «Алпомиш» дostonидаги бир ўрин билан Қодир бахши ижодий лабораториясидан ўтган ўша ўринни қиёслашни лозим топдик.

Фозил шоирдан:

«.... Тарлон бия Бойчиборнинг энаси,
Чиборнинг довушини тўқайда билди,
Банди кетган Чибор эсига келди.
Ҳайвонзод кишнади, йўлларга кирди,
Қайтарсам деб не хизматкор иярди,
Қайтмай йўлда бия кетиб борарди.
Кўп югуриб бия чарчаб қолади.
Кийиндан югуриб йўлда толади,
От устида давлатли қуш қаради,
Бойчиборнинг энасини кўради.
Кишнаб шундай Тарлон бия келади,
Ҳайвонлар шундайин меҳрибон дейди.

Дийда гирён бўлиб ўпка тўлади
Ҳакимбекнинг кўз ёши сел бўлади,
Бу сўзни айтиб от устида боради:

— Менинг билан ҳамро бўлган Бойчибор.
Мендан бурун сен топишдинг, жонивор.
Солма юрагимга доғу аламини,
Мендан бурун сен кўргансан энангни,
Мен ҳам бориб кўрсам энамни,
Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Мендан бурун сен топишдинг жонивор.
Бу сўзни айтиб борар давлатли шунқор,
Бир-бирига етишганда ҳайвонлар,
Ҳаволаниб учган суксур шайланди,
Душманнинг ичига ғамлар жойланди,
Кўринг назаркарда Тарлон бияни,
Бойчиборни етти марта айланди.
Ўкраниб топишиб энди қолади,
Ҳайвоннинг тарзига Ҳаким қаради.
Бойчиборни кўриб шунда ийсиниб,
Биянинг ўркига сутлар келади.
Буни кўриб Ҳаким отдан қўнади,
От бошидан энди юганд олади,
Ҳайвонларни куп томоша қилади.

— Азамат мард эдим бўлмайин ночор.
Дўстга зор бўлмайин, душманларга хор.
Энангни ийдириб эмгин Бойчибор,
Етти йил бандлик захмин кўргансан,
Энангман топишиб бунда қолгансан,
Омон-эсон сен энангни кўргансан,
Ийдириб энангни эмгин, жонивор
Менга йўлдош бўлдинг Қалмоқ элларида,
Яқин қилдинг юриб сувсиз чўлларда,
Энанг билан сен топишдинг йўлларда.
Ўкраниб энангни эмгин жонивор
Мен ҳам борсам сендай кулбахонама.
Сендай бўп топишсам ғариб энама.
Сени кўриб ўт туташди танама,
Ийдириб энангни эмгин, Бойчибор.
Оҳ уриб тўкади кўздан ёшини.
Ёлвориб худога солган ишини,
Яна ҳам бу марднинг кўнгли чўқар деб,
Бойчибор эмчақдан олди бошини».

Мана шу ўриннинг Қодир бахши ижросида куйланиши:
«...Тарлон бия етти йилдан бери икки кўзи тўрт бўлиб,
қарай-қарай дармони кетган эди, туролмай жотган эди,
тумшуги ерга тиралиб, баданидан суяклари чикмиб кетган
эди. Шу вақт Бойчиборнинг товуши кулоғига келди. Тарлон
инграниб бошини кўтарди, гулдираб келаётган Чиборнинг
товушини билиб, соғанага дармон кириб, жойидан туриб,
ўкраниб товуш бериб, кўзидан ёш тўкилаётган жойи:

Икки кўздан ёши селдай қуйилди,
Қуйруқ жоли булутдайин жойилди,
Имтилиб ўзини отди жонивор,
Жотган жойи дарадайин ўйилди.

Тарлон йиғлаганда қошлар йиғлади,
Қуриб қолган азиз бошлар йиғлади.
Она йиғлаганда қийин эканда,
Сувлари сирқираб тошлар йиғлади.

Тарлон йиғлаганда боғлар йиғлади,
Гала бўлиб учган зоғлар йиғлади,
Она йиғлаганда қийин эканда,
Қорини ёш қилиб тоғлар йиғлади.

Етти йилда суяклари сирқираб,
Тумшугидан қуюлди ёш шарқираб,
Бошини кўтариб йўлга қарайди,
Қув желинга сутлар келди тирқираб.

Айрилиқдан сўнг юраклар жоради,
Дам ўтмайин ўкраниб қаради,
Қув желиндан окди сути тизиллаб,
Қора жерни икки ёриб боради.

Бек Алпомич от устида қаради,
Келаётган шу Тарлонди кўради.
Тош бадани кетаберди бўшашиб,
Воҳ аттанг,—деб пешонага уради.

—Одам эдим асло сенча бўлмадим,
Қалмоқ элда тўр зиндонда улмадим,
Отажоним бўзлаб чикди оғзимдан,
Оёғига бошгинамни урмадим.

Эҳ аттанга, Чибор сенча бўлмадим,
Қиёматим куйлаганини билмадим,
Танитмадим, лекин билди ўзимни,
Отажон деб қулоч очиб бормадим.

Оқтубадан бўзлаб чикди қора нор,
Топишмоқлик фарз деганда баякбар,
Алпон эдим шу Чиборча бўлмадим,
Украниб онангга топиш жонивор.

Отдан тушиб эгарини олади,
Қулиндайин ҳайвон тезлаб боради,
Қандай топишайкан, деди Алпомиш,
Разм солиб ҳайвонларга қаради.

Бедов отнинг қуйруқлари шайланди,
Шамолига жоли-жолга бойланди,
Қулиндайин кишнаб бориб жонивор,
Онасини етти марта айланди.

Фарзандининг ҳар ким умрини тилайди,
Жоли билан бўйинларини силайди,
Ўкраниб чопиб келди сағана,
Онасининг манглайдан жалайди.

Ёмон бўлсанг дунёнинг қаҳри бор,
Яхши бўлсанг қайда юрсанг меҳри бор,
Ўқсасидан искаб-искаб Чиборнинг,
Олчанлаб желинин тутди жонивор.

Айролик эритар тавнинг тошини,
Жафо деган мисли кўкнинг яшини,
Олчанглаб желини тутди шу тарлон,
Бойчибор желинига қўйди бошини.

Алпомиш оҳ деди, кўнглида ғубор,
Онангни ийдириб эмгин, жонивор,
Менам сендай бўлиб кўрай онамни,
Эртароқ олдимга келгин, Бойчибор».

Бир ҳолатни, воқеани икки даҳо бахшидан ёзиб олинган, шу икки вариантнинг ўзиёқ уларнинг иқтидорига, қобилиятига баҳо беришга етарли деб уйлаймиз. Кўринадики, Қодир бахши, гарчи Фозил шоир айтган «Алпомиш» достонини ўқиб ўзлаштирган вариантни айтаётган бўлса-да,

уни қайта-қайта куйлаш жараёнида бадий мукамаллаш-тирган, рухий таъсир кучини оширган, назмий сатрларни яна сайқаллаштирган. Унда ҳайвонлар она-бола Гарлон ва Бойчибор муносабати бир восита бўлган-у, аслида, инсонлар тақдири, қисмати, соғинчи, муҳаббати, изтироби, рухий олами бадий аксини топган. Фозил шоирдан ўрганишни Қодир бахши такрорлаш деб билмаган, балки уни эпик аънаналарга амал қилган ҳолда камолотга етказган.

Қодир бахшига яратган қанчалик иқтидор берган бўлмасин, у ўз меҳнати, тиришқоқлиги, интилувчанлиги, изланиши билан истеъдодини камолга етказди. У бахшичиликка ихлос қўйганда, устозидан дуо олиб, ёшлик шижоати, кучи, иқтидори, жўшқинлиги билан давраларга мустақил дostonчи сифатида кирганда, Қашқадарё, Сурхондарё бахшиларининг таниқли вакиллари Мардонакул Авлиёкул ўғли, Тошмурад Тўра ўғли, Эшмурад юзбоши Шердан ўғли, Фойим шоир, Жўра Эшмирза ўғли, Мамадраҳимхўжа шоир, Бўрибой Аҳмедов, Эшқобил бахши, Тоғой шоир, Қўзи шоир, Тўхли шоир, Нормурад Поён ўғли ҳаёт эди. Гарчи улар кексаликка юз тутган бўлсалар-да, ҳали икки воҳа бахшиларининг айтишувлари, баҳслари тинмаган, шогирд тайёрлаш аънанаси ўлмаган, дostonчиликни давом эттирувчи шогирдлар чиқишига умиди сўнмаган эди. Қодир бахшига улар ўз репертуари, айтиш усули, соз чертиш маҳорати билан ўрнак бўлишди. Ёш бахши ўта камтарлик, ҳокисорлик, ихлос билан уларнинг ҳар бири ижодини зимдан ўрганди, давраларда сукут сақлаб кузатди ва ниманидир илиб, юктириб олди.

1969 йилги фольклор-этнографик экспедицияси аъзолари сафида Қодир бахши ҳам бор эди. Ниҳоятда сермазмун ўтган ижодий сафарда бахши биз билан фольклор материалларини тўпловчи, бахшилар репертуарини ўрганувчи ва ёзиб олувчи, халқ оғзаки ижоди намуналари — қўшиқлар, эртақлар, дostonлар, афсона ва ривоятларни тингловчи сифатида иштирок этди. Қайси бахши ҳузурда бўлсак, у ўзини бахши деб танитмасликни, ўша ерда айт деб куйлатмасликни, хуллас, ўзининг дostonчи эканини кекса дostonчиларга сездирмасликни илтимос қилди. Мақсад ҳаётда кўп воқеаларни кўрган, билган, Қашқадарё-Сурхондарё бахши шоирларнинг, Шеробод, Бешқўтон, Кофрун, Чироқчи, Қамай поэтик мактабларининг асосчилари, донгдор куйчилари Шерна шоир, Алим юзбоши, Абдурасул юзбоши, Ражаб шоир, Абдукарим жуйруқларни кўриб қолган, уларнинг ижодий мактабидан таълим олган ҳамда ҳар бири ярим

асрлик ва ундан кўпроқ фурсат дoston айтиб, терма тўкиб, соз чалиб элга танилган кекса авлоддан ўрганиш эди. Бахши ўттиз беш кеча-кундуз оддий кузагувчи бўлиб, гоҳ ўзини шофёр, гоҳ ўқитувчи деб таништирган ҳолда биз номини юқорида зикр этган бахшиларни астойдил кузатди, берилиб тинглади. Шу жараёнда ўзи образли қилиб айтгандек, улар орасидан «дон терди». Қодир бахши «терган дон» ўзи билмаган дўмбира нағмалари, агъанавий термалар, афсона ва ривоятлар, мақоллар ва маталлар, эртақлар ва дostonлар эди. Хотирасининг кучлилиги, қуйма қулоқлиги ўзи учун зарур донни теришга, ижодини камолга етказишга кўмаклашди. Ангорда Чори бахши Қиёмов хузурида бўлганимизда, у ўн соатдан ортиқ ҳеч кимга навбат бермай гоҳ у, гоҳ бу дostonдан билганларини ижро этди. Экспедиция аъзоларининг чарчагани, уклаши, ўзининг ҳам дам олиши ёдига келмас эди. Кўзи илина бошлаган талабаларни кўшиққа кўшар, «Ангорда тонг отгунча» уйку йўқлигини, зиёфат устида дoston, терма давом этишини таъкидлар эди. Тонг ёриша бошлаганда, Чори бахши ташқарига чиқиб келишга эҳтиёж сизди. Шу вақтгача тинч ўтирган Қодир секин дуторни олди-да, ҳозиргина Чори Қиёмов ижро этган «Авазхон» дostonидан парчани куйлай кетди. Ўша воқеалар ёш бахши сасида қайта жозиба бахш этарди. Биз бир пайтда юз берган бу ҳолатдан лол қолиб, уни кузатиб турардик. Шу орада Чори бахши «шофёр»нинг сoзи сайратишидан хайратга тушганча, бўсағада тик туриб қолганди. Қодир тўхтагач, Чори бахши: «Ўзларингда шундай бахши йигит бор экану, мени нега синаяпсизлар», деб хафа бўлди ва сўнг куйламай кўйди. Қодир бахши эса: «Бахши бобо, мен билмайман, бахши эмасман, фақат қизиқаман. Ҳозир ҳам сиз айтганнингизнигина ижро этдим. Чунки сиз келгунча Тошкентдан келган меҳмон ухлаб қолмасин деб эрмак қилиб турибман», деди камтарлик билан. Биз бу ерда бахшининг дўмбиранигина эмас, дуторни ҳам сайрата олишига гувоҳ бўлдик.

1970 йили Абдумўмин Қаҳҳоров бошчилигида навбатдаги экспедиция уюштирилди. Қодир бахшини яна экспедицияга олиб чиқиш учун домла икки-уч кун олдин уч талабани юбориб, юмушлари бўлса кўмаклашишни, магнитофонга бахшидан «Малла савдогар» дostonини ёзиб олишни айтади. Талабалар экспедицияга тўрт кундан сўнг Шерободда кўшилди. Ҳалла ўрим-йиғими бўлаётган, кишга таралдуд кўрилаётганидан Қодир бахши кела олмаган, аммо талабалар магнитофон тасмасига дostonдан парчалар ёзиб

олишга эришган эди. Магнитофон кўйилганда, Қодир бахши эмас, Бўри бахши Аҳмедовнинг юракни сел қиладиган мунгли овози таралди. Жанубий Ўзбекистон бахшиларини овозидангина эмас, сзни кўлига олиб торларга кўл текизишидан фарклайдиган устоз фольклоршунос магнитофонни ўчирди-да, талабаларни: «Сизларга Қодир бахшидан ёзиб келингллар, дегандим. Бўри бахшидан эмас. Айтганини қилмай Бўри бахши овози ёзилган лентани кўтариб келибсизлар», деб койиди. Талабалар Қодир бахшидан ёзиб олиб, лентани ҳеч кимга кўрсатмай олиб келганини қатъий айтаверишгач, дсмла яна эшитишга тушди. Бутун диққатни жам қилиб тингллар экан, Қодир бахши Бўри бахши Аҳмедовга тақлид қилиб, овозига хазинлик бериб айтганини англаб қолди. Дарвоқе, Қодир бахши даврасида бўлган бахшиларнинг сзда, сўзда, ижро усулидаги ўзига маъқул жиҳатларини ўзлаштириб ола биларди.

Ўрганиш, ўзлаштиришда фақат кекса бахшиларни танламас, у ўз тенгдошлари Чори Умиров, Хушвақт Мардонакулов, бир оз каттароқ Қора Умиров, Чоршанби Раҳматуллаев, Алихон дўмбиракаш, Аваз дўмбиракаш, Сайхан дўмбиракашлардаги ижобий томонларни тез англлар, улар репертуаридаги нимадир Қодир бахшига ўтиб қолар ва янгича жилосини тспарди. Изланиш фақат Жанубий Ўзбекистон бахшилари ўртасида эмас, балки Тожикистон ва Туркменистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон бахшиларини, Самарқанд ва Хоразм поэтик мактаби вакилларини синчиклаб кузатиш орқали чуқурлашиб борди.

Айниқса хоразмлик бахшиларнинг сз жўрлигида достонлар, улардан парчалар куйлаши, очик (ташқи) овозда айтиши Қодир бахшида кизиқиш уйғотди. У яшиндай чакнаб бахшичилик борасида порлаган бир пайтда етакчи бахшилар кексайиб қолган, ёшлар радио, телевидение, кино таъсирида бўлиб, бахши айтган достонлар руҳидан бегоналашган эди. Уларни яна қадимий анъаналарга ошно этиш, эпос қатидаги қадриятларни сингдириш учун фақат анъана доирасида куйлаш етарли эмас эди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, хусусан, тўйларнинг уч-тўрт соат стол атрофида ўтиши, маросимда фақат кўшиқ куйлаб рақсга тушиш ҳам ёшлар даврасидан бахшиларни сиқиб чиқара бошлади. Бахшиларни ҳар қишлоқдаги ўн-йигирма кекса ва ўрта ёшлилар тинглашади. У 60-йилларнинг охирида етук фольклоршунослар ҳам достончилик сўнганидан ташвишга тушаётган эди. Худди шундай бир пайтда Қодир бахши элга

танила бошлади. Тўйларда, сайлларда, байрамларда, давраларда, оркестр жўрлигидаги санъаткорлар билан беллашишга қарор қилди. Шу мақсадда Хоразм дostonчилигидаги бир неча соз жўрлигида айтишни бошлади. Бу иш осон кечгани йўқ. Дастлаб дўмбира ичига микрофон ўрнатди, доирачилар билан келишиб, дўмбира ва доирада куй мослигига эришди. Даврага илк бор дўмбира ва доира ҳамкорлигида Қодир бахши шўх термалар, ҳазил қўшиқлар билан чиққанда ёшлар ҳам жунбишга келди. Тезда кексалар Қодир бахшини нечоғлик кўп ахтарса, ёшлар уни кўпроқ тинглашга иштиёқманд бўлиб қолишди. Энди тўйларда фақат бир чеккада ўтирган бахши муҳибларгина эмас, барча уни тинглашга ошиқ эди. Натижада санъаткорларга навбат тегмай қоладиган бўлди. Тўйларнинг бир қисмида халқ бахшисига айттириш 70-йиллар охирида одатга айланди ва Қодир бахши куйлаган бу усул Жанубий Ўзбекистон бахшиларига кўл келди. Улар шу йўл билан байрам ва сайллардан мустақкам ўрин эгаллади.

Фақат дoston матнини, дўмбира нағмасинигина эмас, балки халқдаги ҳар бир сўзни, иборани, яхши урф-одатни, ирим-сиримни, дostonчиликдаги ҳар қандай жиҳатни ҳам назардан қочирмаслик, Қодир бахшига хос фазилат эди. 1982 йил қорақалпоқ оқини Жақшибекдан «Не жомон» термасини эшитди ва ўзлаштириб олди. Қодир бахши репертуарида бу терма гўзал ахлоқий фазилатларни тараннум этувчи, ёвузлик ва қабохатни рад қилувчи асар сифатида мустақкам ўрин олди. Ундан Чори бахши Умиров ўзлаштирди. Бир куни бу икки дўст бахши баҳслашиб, бири «Не жомон», бири «Не жаҳши» деб навбатма-навбат айтишиб, яхши ва ёмон фазилатларнинг ҳар бирини юз йигирмага етказди. Айтишув:

Қодир бахши: Биринчидан, не жомон,
Раҳбари йўқ эл жомон.

Чори бахши: Биринчидан, не яхши,
Тарбияли ул яхши,—

тарзида давом этади ва унда ҳаётдаги, табиатдаги, кишилар муносабатидаги, ахлоқий қарашларидаги фазилатлару қусурлар бирма-бир кўрсатилади.

Қодир бахши ҳаётдаги бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳа, Қодир бахши қардош халқлар куйчиларининг, улар қайси бахши-шоирлар поэтик мактабига мансуб бўлмасин, ёши, мавқеи, иқтидоридан қатъи назар

хурмат-эътиборини жойига кўяр, ҳеч қайсисига беписандлик билан қарамас, уларни бирдек эъзозлар, дoston-термаларни бўлмайдиган тинглар ва ўз навбатида ўзи ҳам билганларини сидқидилдан ўртоқлашар эди. Айтишувлар, беллашувлар, бахшичилик кечаларида, ўлтиришлардаги ижодий мусобақаларда енгилса аччиқланмас, ғолибга тан берар, унинг ютуғини кунт билан ўрганишга интилар, енгиб чиқса, мағрурланмас, кеккаймак, ҳеч кимга кучлилигидан мақтанмас, кўлига соз тутган ёш кекса борки, барчасини хурматлар, ҳеч қайси ҳаваскорга сендан бахши ёки дўмбиракаш чиқмайди, демасди. Унинг бу фазилатини ўғли Абдуқаҳҳор шундай хотирлайди:

— Бир куни Қумкўрғон туманидан тўрт нафар йигит меҳмон бўлиб келди. Улардан бири жуда семиз бўлиб, чордана қуриб ўтира олмас, нафас олиши ҳам оғир, ҳатто дастурхондаги ноз-неъматларни эгилиб олиши ҳам малол келарди. Тўртта ёстикни ёнбошига кўйиб, ҳар замон, ҳар замонда термадан бўлсин, деб кўярди. Чойдан сўнг отам: «Хўш хизмат?» дегандан сўнг, бояги семиз меҳмон гап бошлади: «Қодир ака, мен сизнинг мухлисингизман, бахши бўлишга жуда қизиқман. Бир кеча сизни тушимда кўрибман. Дўмбира черттириб, кўшиқ айттириб кўрдингиз-да, дўмбирани синдириб ташладингиз-да: «Сендан бахши ҳам, созанда ҳам чиқмайди, ука. Аниқ айтсам, бўлмайди», деддингиз. Сизнинг олдингизга шу тушимни билгани келдим. «Бир ёрдам беринг», деб ялтоқлана бошлади. «Йўғ-э, деди бахши, қани дўмбирани олиб, куйлардан чалиб, бир терма бошланг-чи, кейин айтаман». Шунда семиз меҳмон отамнинг дўмбирасини олди-да, пала-партиш чертган бўлди. Термага овози етмади, нафас олиши оғирлашди. Отам ундан касбини, нега бахшиликка қизиқишини сўради. «Ўзим сувчиман. Аммо бахши бўлмоқчиман. Чунки биз томонда бахшига талаб катта, бахшичиликда пул кўп, уларнинг иззат-ҳурмати баланд», деди семиз киши гапнинг маъносини билиб билмай. Отам озроқ ўйланиб турди-да: «Оғам шунча бўйин эгибсиз, албатта, катта бахши бўлиб кетасиз. Тушингизда дўмбиранингизни синдирганимга келсак, сизни бахши бўлмайди деганиммас, дўмбиранингиз бўлмайди, носоз деганман», деб жавоб берди. Меҳмон жуда хурсанд бўлиб, раҳмат айтиб чиқиб кетди ва негадир кейин қайтиб келмади.

Хуллас, Қодир бахши ўта камсуқумлиги, камтарлиги, кўнгилчанлиги, мақсад йўлида тиниб тинчимаслиги, изланишдан эринмаслиги, ўрганишдан толмаслиги, одамлар-

га ишончи, эътиқоди, ўта соддалигию кенг фикрлилиги, ҳаётда чумолидан инсонгача, кичик майсадан улкан чинорларгача меҳр-муҳаббат билан ёндашгани боис иззат хурмат, шон-шухрат топа борди.

НЕЛАР АЙТИБ, ҚАЙДАН ҚАЙТАЙИН

Қодир бахши ҳар дам жўшиб бораман,
Айтай дейман селдай тошиб бораман,
Дўмбирамдан шод нағмалар келтириб,
Оҳангга маънони қўшиб бораман.

Халқимизнинг назм кучига, куй сеҳрига, сўз қудратига, бахшилар санъатига эътибори ҳамиша кучли бўлганини ифодаловчи афсона ва ривоятлар кўп. Бу афсоналар, хотиралар, ривоятлар заминидан эса ҳаётий воқеалар ётади. Айникса, Қашқадарё-Сурхондарёда ҳар бир эътиборли бахши ҳақида, дўмбира тўғрисида, сўз ва соз ҳақида ўнлаб, юзлаб ривоятлар яшайди. Бу эса поэзия, сўз санъати қадимдэн эъзозда бўлганини кўрсатади.

Қодир Раҳим ўғли репертуари бой ва ранг-баранг бахши шоирлардан эди. Бир томондан, қадим-қадимдан отабоболаримиз яратиб, авлоддан-авлодга, тилдан-тилга суяк суриб келган анъанавий халқ дostonларини устоз бахшилардан ўрганиб, уларни зўр маҳорат, юксак иқтидор билан қодирчасига куйлаб келган бўлса, иккинчидан, кучли бадиҳагўйлик ила янгидан-янги термалар, замонавий дostonлар яратиб, ҳатто уларга куйлар басталаб, тинглаган киши борки сел бўлиш даражасига тушадиган тарзда ижро этарди. Ҳа, Қодир бахши репертуарида ўзбек дostonчилигидаги жамики турдаги асарлар мавжуд эди. Қаҳрамонлик, ишқий, саргузашт, тарихий, дидактик мавзудаги дostonлар шулар жумласидандир. Қодир бахшининг бошқа биз кўрган, билган бахши-шоирлардан фарқли, ажралиб турадиган яна бир ўзига хос томони шундаки, унинг репертуарида, ўзбек халқ оғзаки ижодининг барча турлари, чунончи, термалар, афсоналар, ривоятлар, нақллар, эртақлар, мақоллар, топишмоқлар, афсонавий ва ҳаққоний ҳикоялар, латифалар, лофлар, меҳнат, мавсум ва маросим кўшиқлар (хўп майда турейтурей, чурей-чурей, хўш-хўш, «Бойчечак», «Барат келди», «Чой момо», «Наврўз кўшиқлари», «Ўсма кўйиш» кўшиғи, алла, ўлан, лапар, ёр-ёрлар, йиғи-йўқловлар, шамол чақиритиш кўшиқлари), болалар фольклорининг намуналари (бешиқ

қўшиғи, алла, юпатиш, овутиш, эркалаш, чандиш ва бошқалар), олқиш ва қарғишлар, айтимлар шулар жумласидан бўлиб, бу ҳол бахши ижоди ранг-баранглигининг исботидир.

Гап репертуарнинг бойлигию ранг-баранглигидагина эмас. Халқдан қабул қилинган, шунингдек ўзи ижод этган асарларининг маъно-мазмуни, бадий қудратию уларни қай даражада юксак ижросидадир. Бу борада ҳам Қодир бахши олдиға тушадиган, у билан беллаша оладиган халқ санъаткори йўқ эди, десак муболаға бўлмас. Дарҳақиқат, ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган, ёқа ушлаб ўзлитини йўқотадиган жойи шунда эдики, Қодир кадрдон дўмбирасини қўлга олиб, ўзича бир икки шердай ўқраниб олгач, черта бошладими, бас, сизни сеҳрлаб оларди. Вужудингизни ажабтовур хис-туйғулар чулғаб ҳеч қутилмаган ҳолатларға тушиб қолардингиз. Ҳа, Қодир бахши дўмбира чертиб қўшиқ айтса, кўз ўнгингизда шикорға кетаётган ёки ови бароридан келган қувноқ баҳодирнинг шўх (бу аснода дўмбира шўхчан сас чиқарарди), жангу жадал, ур-сурда эса халқ қаҳрамонини жасур (бу аснода эса дўмбиранинг жангари овози ҳаддан зиёд баралла янграйди), пойгада бўлса чавандозни югурук (бу аснода дўмбиранинг шиддаткор қуйи авжигача чиқади), ботир сафарға чиққанда отнинг дупир-дупир (бу аснода дўмбиранинг овози от туёқлари оҳангига мосланади), ботир бошиға мусибат тушганда бўлса, унинг суюкли ёри аламзада (бу аснода дўмбира мунгли садолар чиқаради) ҳолатда гавдаланади. Айниқса, Ҳасан чопсон, Тўлакботир, Жархун мастон, шунингдек, баҳайбат девлар, айёр мастонлар билан боғлиқ бўлган кулгили ҳолағларда дўмбира овози беқиёс даражада хилма-хил тарзда товланади.

Ана шундай пайтларда Қодир Раҳим ўғли нафақат моҳир дostonчи, ҳозиржавоб бахши-шоир, балки истеъдодли бастакор, етук созанда сифатида ҳам гавдаланади. Бахши репертуаридаги анъанавий дostonларнинг ҳар бирини уларға хос ва мос куй-нағма билан таъминлай олди. Халқ имизининг бой ва бетакрор асрий мусиқа меросидан, хусусан, Ўзбек дostonчилигининг битмас-туганмас куй-оҳангларидаги устамонлик билан моҳирона фойдаланибгина қолмасдан, ўзи ҳам хилма-хил куй-оҳанглар яратди. Қисқаси, терма ва дostonларға жўр бўладиган анъанавий куйлардан ташқари ўттиз қирқдан зиёд оҳанг-куй ижод этиб, уларни дўмбирасида қойилмақом тарзда жаранглата олди. Айтиш мумкинки, куй-оҳанг бахши учун бамисоли сеҳрли қанот эди. Ана

шу қанот уни ҳеч бир бахши кўтарилмаган чўққиларга кўтариб, миллион-миллион тингловчилар қалбидан жой олишга олиб келди. Улар орасида турли масҳаб ва миллат вакилларининг бўлиши хайратланарлидир.

«Дунёга тенгдош хазина» китобида ҳаққоний таъкидланиб ўтилганидек, Қодир бахши «Охува» куйини чертганда ёш қизларнинг, ёш ялангларнинг сой бўйида, сўлим дарахтлар соясида аргимчоқ учаётгани, бир-бирини қувлашиб ўйнаётгани кўз ўнгимизда намоён бўлади. «Иzzатой» куйини чалганда тингловчи нигоҳида таҳқирланган киз, эрки топталган аёл, дам эркаклардан тап тортмайдиган жасур хотин, дам даврага чиқиб эл обрўси учун курашаётган шижоатли хотин гавдаланади. У «Иқболой», «Ўғилой», «Кўй қайтариш», «Қизлар сайли» куйларини ижро этганда эса дўмбира торларидан сизиб чиқаётган гоҳ нолаю фиғон, гоҳ шодлик садолари киши қалбини беихтиёр аллаларди. Зеро, тор толаларида куй оқади, у бахшини даврага тайёрлайди, сўз айтишга чорлайди, куй оғушига чўмган бахши сўз уммонида сайрга чиқади. Куй энди шоирни ҳам, унинг сўзини ҳам бошқаради. Куй шоирга илҳом бахш этади, овозига овоз, парвозига парвоз қўшади.

Қодир бахшининг матн билан куйни омухта қилиши, айниқса, катта дoston куйлаётганда янада равшанроқ намоён бўлади. Ҳа, анъанавий халқ ижодини китобдан куруқ ўқиш кифоя қилмайди, балки дўмбира ижросида тингламоқ ўзга дунёдир.

Биз Қодир бахшининг дoston куйлашга тайёрланиши, дўмбирасини бўзлатиш учун созлаши, ҳолатта кириши, куйлаётган пайтдаги унинг руҳияти, имо-ишораси ва саъй-ҳаракатларини, қисқаси, «ўзлигини йўқотиш» ҳолатига тушишини кўп кузатдик, шундоққина ёнида ўлтириб уни тингладик. Ҳар хил ҳолат ва вазиятларда, шароитларда гоҳ ижод ва ҳаёт ташвишларидан маъюс, тушқинликка тушиб куйлашини кўрдик. Ва шунга амин бўлдики, Қодир Раҳим ўғлига дoston айтишни, кўшиқ-термалар куйлашни, соз чертишни Аллоҳнинг ўзи юқтирган. Бўлмаса, бунчалик куйиб, ёниб, жўшиб, тошиб куйлай олмаган бўларди. Бунчалик кучли, бекиёс хотира кучига эга бўлмас эди. Ҳа, Қодир бахшининг дўмбира чертишда, куй куйлаши дoston-термалар айтишда ўзига хос йўли, усули, қодирона қодирлиги бор эди. Бунга дoston ёки термани, дўмбира чертиш ва куйлашга алоҳида диққат эътибор бериши; халқ яъни тингловчи ва устозлар муносабатига, миллат ва Ватан тақдирини-

га алоҳида масъулиятни чуқур ҳис қилиши, ижод ва ижрога катта меҳнат самараси деб билиши каби омиллар ҳам сабаб бўлган, албатта. Дарҳақиқат, Қодир бахшида дoston, терма куйлаш, ижод қилиш, куй яратиш қон-қонига сингиб, қалб даъвати, иймон, эътиқодига айланиб кетганди. Шу боис бахшини тинглар эканмиз, гоҳ хандон уриб қаҳ-қаҳа отасиз, гоҳ эзилиб кетасиз. Тасвирланаётган воқеа ва ҳодисаларни, қолаверса, қаҳрамонларни томошабин каби кузатасиз. Ана шунда, сиз дoston қаҳрамонлари тақдирига, воқеаларга бeфapқ қарай олмайсиз, аксинча, уларга сингиб кетасиз. Қаҳрамонлар қувончию ғамини ўзингизда ҳис этасиз, изтироб чекасиз, кўз ёш тўкасиз, сўнг шодланиб, қаҳ-қаҳа отасиз. Абдуқаҳҳор бахши шундай ҳикоя қилади:

— Туркменистоннинг Чоршанби туманидаги тўйда мухлислар Қодир бахшига «Кунтуғмуш»ни айттирмакда. Бахши авж билан, илҳом билан тебраниб дoston куйлайверди. Холбека болаларидан ажралди. «Кунтуғмуш» ўн саккиз қават кийизнинг ичидан чиқиб болаларини излайди, ахтаради, тополмайди. Ерда қолган изларини кўриб зор-зор йиғлайди. Унга кўшилиб пурқивор тоғлар, яшнаган боғлар минг йиллик арчалар, чўлдаги қушлар, ердаги тошлар, қабрдаги қув бошлар, кўкдаги булутларгача кўз ёш тўкади. Воқеа шу нуқтага етганда уй ичидаги чоллар ҳам, овқат ташиб турган ўспиринлар ҳам йиғлаётганини сезмайди. Кунтуғмуш оху ноласига чидай олмай дўмбира торлари эшилиб, косалари тешилиб, сўз ва овозга кўшилиб обдон йиғлайди, йиғлайверади. Чоллар аввал кўз ёшларини секин-секин артиб сўнгра айримлари пиқиллаб, баъзилари овоз чиқариб йиғлайверади. Бахши ҳам, чолларга кўшилиб йиғлай-йиғлай, кўз ёшларини тизиб, кўнгилларини бузиб айтaveraди. Гўё ҳамма сеҳрланган, ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ, биров-бирова далда ҳам бермайди, ҳалакит ҳам. Ниҳоят, тонг отади, дoston тугайди. Тингловчилар: «Қодир-жон қойилмиз, истeъдoдни, Худо Сизга берган эвақ. Одамни энадан бир тувма қилдингиз. Раҳмат. Иш бўлмас», рўзғор ташвиши бўлмаса, шу ердан кўзгалмасак қанийди, деб тарқаб-тарқаб кетадилар. Шунда тўй эгаси: «Қодир ака кеча сиз ҳам йиғлаб юбордингизми дейман», дейди. «Ҳа», ука ёдимга ўзимнинг сағирлигим тушиб кетди. Кейин шунча элнинг сел бўлиб йиғлаганига чидай олмадим-да», деб чуқур нафас олиб кўяди бахши.

Ҳа, Қодир бахши қайси кўшиқ, терма дostonни сидқидилдан айтса, ўз атрофидагиларни сеҳрлай оларди. Шу боис

уни бир эшитган, бир кўрган киши доимий ихлосмандига айланарди. Достончи, етук бахшидаги созни чертиш маҳорати, қизиқарли сюжетни ёқимли, юракларга етиб бера оладиган тарзда ижро этиш салоҳияти унда мужассам эди. Репертуарининг ниҳоятда бойлиги, хилма-хиллиги жиҳатидан унга тенг келадиганини кўрмадик.

Анъанавий «Нима айтай» термасида ўзининг қанча дoston билишини бирмунча тўлиқ баён этган. Шуни қайд этиш керакки, Қодир бахшидан бу термани ҳеч ким ёзиб олгани йўқ. У ҳар даврда ҳар хил айтилган. Биз ҳам у айтган бир неча вариантни ёзиб олиб, 1982 йил 18 апрелда бахши назаридан ўтказиб, яхлитлаштирганмиз. Шу ўринда «Дунёда тенгдош ҳазина» китобида: «Қодир ака, умуман нечта дoston биласиз, деб сўраганимизда, у киши дўмбирасини қўлга олиб «Нима айтай» термасини тўқиб ташлади», деб даъво қилиши тўғри эмас. Муаллифлар биз ёзиб олган, аниқроғи бахши билан бирга ўтириб яхлитлаштирган ўша «Нима айтай»нинг тўлиқ бўлмаган машинкаланган нусхасини биздан олишган эди. Ёзиб олувчи ва айтувчи муносабатини, маълум термининг яратилишини бузиб кўрсатувчи ўринлар юқоридаги китобда кўп учрайди. Ун тўққиз тўртликдан ибрат «Нима айтай» термасидан бахши репертуарини англашга имкон берадиган ўринлар қуйидагилар:

«Ойша» ўтди озодликка ўч бўлиб,
«Омон» ўтди мажнунтолдай ирғалиб,
«Шқораман-Дўстқорадан айтайми.
Олишганда чикқан душмандан қолиб.

Сафда турар мана «Ширин ва Шакар»,
От устида қилич сермар «Гулқавсар»,
Ошиқ бўлиб. оҳ деб ўтди жаҳонда,
Ўтишолмай «Моҳна билан Ойқавсар».

«Бастам» утди икки кўз кўр бўлиб,
«Рустам» ўтди бу дунёда зўр бўлиб,
Ё айтайин қўнғиротнинг шеърдан,
Душманини сермаб отган нор бўлиб.

Айтайинми «Холбека»дай ошиқдан,
«Тоҳир-Зухра» гул узатган бешиқдан,
«Юсуф-Зулайхо» ҳам ўтган оҳ уриб,
«Лайли-Мажнун» зор йиғлаган ёшлиқдан.

«Гўрўғли»нинг ўзи ўттизта дoston,
Ун беш дoston бўлиб юрар «Авазхон»,

Икки ойда етолмаган устозлар,
Айтганда ҳам қолиб кетган «Гулнозхон».

«Хасанхон»дан сўйлайинми, «Равшан»дан,
Ё «Нурали» кезган боғу гулшандан,
«Кунтуғмуш»ми ёки «Ойчинор» бўлсин,
Ё давримиз қозонган доврўғи шондан.

Достонлар сафида турар «Зайдиной»,
Ундан қолишмайди асло «Ғўппоной»,
Барчасидан гўзалликда беназир,
Нафосатли, назокатли «Келиной».

Ботир билмас юрса товнинг ўрини,
Қўнғиротнинг «Алпомиш»дай зўрини,
«Барчин Бека» ўзи битта достондир,
Ё айтайми «Ёдгор»жондай шерини.

Аллоҳ дедим мен қўлимни қувширдим,
Темур ҳақда достонимни яширдим,
«Олчинбек»у «Ёзи Зебо» дардларин,
Куйлай-куйлай шогирдларга оширдим.

Ислон динининг меҳвари,
Тасаввуфнинг сарвари,
Туркистоннинг куёши,
Аҳмад бобомдан айтайми?

Туркман элининг асл фарзанди,
Турк дунёсининг буюк шоири,
Элга ёққан айтган ашъори,
Маҳтумқулидан айтайми?

...Қанча даврларда достон куйладим,
Инсон дардин бор вужуддан сўйладим,
Қайғу ғамлар қолган бугун орқада,
Олинг замон ҳақда достон жойладим.

Эртақлар ҳам ошар икки бир издан,
Термаю қўшиқлар ҳам юз-юздан,
Топишмоқ, мақоллар саногии йўқдир,
Қайсидан айтай деб сўрайман сиздан,

Қуёш эритади товнинг қорини,
Сизга айтай бисотимда борини,
Қайсисини агар маъқул десангиз,
Мақтай-мақтай айтай ўша зўрини.

Эл қайсисини зўр деса, эшитишни маъкул топса, Қодир бахши мақтай-мақтай куйлашга ҳозир. У барча турдаги қаҳрамонлик, ишқий, дидактик, тарихий дostonларни бирдай маҳорат билан куйлай оларди. У ҳаётлигида етмишдан ошиқ дostonни билади, деганимизда ҳатто айрим фольклоршунослар ҳам ишонмай, шубҳа билан қарашади ва бу ҳолат ҳамон мавжуд. Шу боис ҳаётлигида ўзи қайд қилган ва 1985 йилда рўйхатга олинган репертуарини келтиришни лозим топдик. Мана авлодлар томонидан яратилган ва Қодир бахши репертуаридан мустаҳкам ўрин олган дostonлар: «Алпомиш», «Бева Барчин», «Ёдгор», «Кунтуғмуш», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Муродхон», «Юсуф ва Аҳмад», «Вомиқ ва Узро», «Ойпарча», «Соҳибқирон ва Соҳибжамол», «Олланазар-Олчинбек», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Қасамёд», «Гўрўғли ва Юнус пари», «Райхоннинг Чамбил келиши», «Болхувон», «Маликаи айёр», «Париларнинг қочиши», «Санамгавхар», «Мозондара», «Бердиёр», «Гавҳаройим», ««Кўнғирбой», «Авазхон ва Узумкўз», «Ҳасанхон», «Малла савдогар» (2-талқинда), «Нуралининг туғилиши», «Жорхун мастон», «Нуралининг ютилиши» (Сулувхон), «Нурали ва 500 муллабачча», «Ғуппаной», «Соқибулбул», «Ўқтов-чўқтов», «Шерали», «Жаҳонгир», «Бозиргон», «Ошиқ заргар», «Қамбар полвон», «Яман дев», «Маликаи Хуббон», «Олтин кабок», «Хуморой», «Ота дуоси», «Махмудхон», «Хон Далли», «Таркистон», «Бектош араб», «Балогардон», «Мисқол пари», «Шониёз», «Авазнинг ота-онасини кўриб келиши», «Кундуз билан Сундуз пойгаси», «Авазнинг Хунхорга юриши», «Интизорнинг Чамбил келиши», «Равшанхон», «Айритоғ», «Қорамон ва Оламон», «Шаҳиднома», «Шоҳсувор», «Ойчинор» (Бобур ҳақида), «Жаҳонгир Темур», «Аҳмад Яссавий», «Махтумқули», «Келиной» сингари анъанавий дostonлардан қарийб олтмиштасини маромига етказиб ижро этиш билан биргаликда «Ойша», «Эшқора билан Дўскора», «Даврим фарзанди», «Отибақд полвон» сингари янги дostonлар ҳам ижод қилди. Бу дostonлар социалистик тузум, шўролар даврини акс эттирадиган асарлар бўлиб, уларни ижод қилгани учун бахшилар айбдор эмас. Замон тақозоси билан яратилган эди.

Ёзма адабиёт вакиллари ҳар куни турли туман газета-журнал саҳифаларида, кўплаб китобларда шўролар тузуми мавзуларини бетиним ёритиб турганда, радио-телевидение шу ҳақда жар солаётганда, ўтмиш тарихимиз, маданияти-

миз, урф-одатимиз, ўтган улуғ аждодларимиз ҳақида ёзиш, эпик қаҳрамонлар Алпомиш, Рустам, Гўрўғли довруғи тўғрисида куйловчиларга эътибор сусайган пайтда бахши шоирларга ҳам замонавий асарлар яратишни биз зиёлилар таклиф қилдик. Чунки ўша кезде матбуот саҳифаларида, нашриётларда, радио телевидениеда замонавий мавзуда мадҳу санодан иборат асарларгина дунё юзини кўрар эди. Аммо бу воқеалар эпосга етарли замин бўла олмаганидан ҳатто Ислом шоир, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Умир бахши Сафаров, Абдулла шоир сингари бахшилар яратган замонавий дostonларда ҳам зўрма-зўракилик, бадий саёзлик мавжудлиги сир эмас. Биз ҳам гоҳо Қодир бахшини вақтли матбуот, радио ва телевидениега чиқариб, кўпчиликка таништириш учун замонавий асарлар айтдириш йўлини танладик. «Гўрўғли», «Алпомиш» дostonларини эл орасида зўр маҳорат билан куйлаб, анча бунча танилиб қолган бўлса ҳам, аммо вақтли матбуот, оммавий ахборот воситаларида қатнаштириш, замонавий йўл билан яратилган дoston ва термалар куйлашни талаб қиларди. Шу боис Қодир бахшига Ленин ва партия ҳақида терма айтишни сўраганда рад этиб, «Алпомиш», «Гўрўғли»дан куйлашини айтиб, ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Сўнг ўйлашиб турганимизни кўриб, хафа бўлди шекилли деган ўйда: «Келингизлар, Лениндан куйламай, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Келиной» дostonларидан, Амир Темур бобомдан қанча десангиз айтай. Балким, Бобур Мирзо, Махтумқули, Соҳибқирон, Аҳмад бобом ҳақидагиларидан айтсам-чи?» деди. Биз эътироз билдириб: «Лениндан айтмасангиз бўлмайди, ҳеч қаякка боролмайсиз, терма ва дostonларингиз босилмайди. Элар, юртлар орасида машҳур бўлолмайсиз», деб туриб олдик. «Вилоятим, қишлоқ-овулим танийди, тан олади-ку. Шунинг ўзи етарли эмасми?» деди шоир ҳам бўш келмай. «Ўрта Осиё, қолаверса, бутун Шарққа машҳур бўлишингиз керак, дедик норози оҳангда. Дунё ўзбекни, ўзбекчиликни сиз орқали таниса ёмонми? Сиз ва сизнинг дostonларингиз, кўшиқ-термаларингиз ҳам ўзбекни дунёга олиб чиқсин-да». Бахши бироз бўшашди: «Кўрамиз», деб қўйди. Азон палласида, ҳали хўроз қичқирмай туриб бахши туртиб уйғотди. Қарасак бир қўлида чирок, бир қўлида дўмбираси.

— Туринг, холироқ жойга бориб, мен Лениндан айтман, сизлар ёзасиз,— деди. Хурсанд бўлиб кетдик. «Шундай

қилмасак бўлмайди, азизим», дедик ўзимизча. Ленинни аралаштирмасак, жаҳонга чиқа олмайсиз. Замон шунақа, Ленин, партия ҳақидаги асарлар чоп этилади. Ҳозирча «Гуруғли», «Алпомиш»га эътибор камроқ. Матбуотимиз ана шу мавзуларда, яъни халқлар дохийси Ленин ва партияни куйламаган бахшиларни, шоирларни ёритмайди.

Апил-тапил юз қўлимизни ювиб, бахшига эргашдик. Тол таги холироқ экан. Ултирдик, бахши дostonни бошлади, биз ёзишга тушдик. Шундай қилиб, ноўрин аралашув билан «Ленинни кўрдим, дўстларим» дoston-мадҳия дунёга келди. Дoston-мадҳия кизикарли сюжетта (Ленинни кўриш, у билан суҳбатлашиш, дунёдаги ленинпарастлар ила учрашув, мулоқот-бахс ва ҳоказо), кутилмаган бадий эмоционал тасвирларга бойлиги, шеърий баркамоллиги билан вақтли матбуот кишилари диққатини тезда ўзига тортди. Телевидение ва радиода аввалига парча, сўнгра эса тўлиқ берилди. Ҳатто йирик тадқиқотчилар ҳам бахши шайсияти, репертуари билан кизика бошладди. Олмаотадаги жаҳон халқлари мусиқаси конгрессида, Москвадаги кўрик-конкурсда, Париждаги халқаро мусиқа а.ғжуманида қатнашиб, олдинги ўринларни олишда туртки бўлди. Аммо шундан кейин Ленин ҳақида йирикроқ асар яратмади, Октябрь тўнтарилиши ва ўн беш иттифокдош республикалар ҳақида куйлади, холос.

Аммо ўша замонавий дostonлар қатида юзлаб минглаб бадий юксак мисралар яратилгани, бахши эпик анъаналардан ижодий фойдаланган ҳолда инсон руҳиятини очиб бера олганини эътироф этиш лозим. Қодир бахши маҳорати шундаки, у «Ойша» дostonидан қизил аскарларнинг кимлигини Дўсназар тилидан шундай фош этади:

Ҳеч ялинма, энажон,
Ватани йўқ гадога,
Сенинг ҳар бир сочингдан,
Бундайлар минг садага...

Буларга йиғлагунча,
Тошга йиғла, энажон.
Соя солар бошингдан,
Қушга йиғла, энажон.

Буларга йиғлагунча,
Сувга йиғла, энажон.
Яхшиларга йиғла ин,
Улар бўлар меҳрибон.

Ёки асар қаҳрамони Ойшанинг ўлган ўғли ёнига келиб,
қўлини ёзиб, ўқ еган қушдай бўлиб, эси кетиб боласининг
қошига йиғлаш ҳолатини тасвирлашда анъанавий дoston
ва термалардан фойдаланган ҳолда оғир рухий кечинмани
бера олишини куйидаги мисрадан билиш қийин эмас:

Дарёдай бўб ёш қуйилди кўзидан,
Ўтлар қовжиради босган изидан,
Бир оҳ урди, ўт чиқади овозидан,
Туриб-туриб Ойша кетди ўзидан.

Нортуялар йиқилади тойрилса,
Учолмас қуш қанотидан қайрилса,
Кўргандан юраги чикди отилиб,
Хазон бўлар гул япроқдан айрилса.

Бир оҳ урди, эриди сой тошлари,
Нураб борар катта товнинг бошлари.
Чидаб туролмади кўкда булутлар,
Жимма-жимма тўкилди кўз ёшлари.

Оҳ деганда бошин эгди кўк ўтлар,
Чумчуқлар фалакда айланиб додлар,
Ҳайвонлар ўтламай тик бўб қотдилар,
Ўқраниб кишнайди даштдаги отлар.

Сувлар чаппа бўлиб қайтди изига,
Булбуллар ёш олди оху кўзига,
Бир оҳ деган эди Ойша инграниб,
Қорлар эриб келмай кетди ўзига.

Боласи ўлигин она кўрмасин,
Агар кўрса бу жаҳонга келмасин,
Оҳ дегани куйдиради заминни,
Фарзанд кетиб ўзи зинда қолмасин.

Фарзанд кетиб аттанг ўчган чироғи,
Суянса тоғидир, ётса тераги,
Бир оҳ уриб, Ойша кетди ўзидан,
Чиқиб боласига борди юраги.

Подага ярашар дашт билан ёбон,
Дон кетса поядан қолади собон,
Она ўлиб бола кетса қошида,
Бўлар эди гамхўрим деб соябон.

Бу мисраларда онанинг, фарзандидан айрилган аёлнинг дардли дунёси, руҳий изтироби шу қадар табиий, шу қадар мукамал берилганки, уни ҳис этмаслик, ўрганмаслик мумкин эмас. Нортуюнинг тойиши, қушнинг қанотидан, гулнинг япроқдан айрилиши — ўлимнинг оғирлиги инсон вужудини ларзага солади. Бу дард шунчалик оғирки, онанинг оҳи сойнинг тошларини эритиб, асрларга чидаш берган товнинг бошларини нуратиб, булутларнинг кўз ёшларини тўкишга қодир. Бир оҳдан, онанинг фарёдидан тошлар эриб сув бўлди, тов бошларининг нурашида чанг-тўзон кўтарилиб, куёш юзини тўсди ва булутли кундан нур чекинди. Булутлар ёғмади, жимма-жимма ёш тўкди. Шатур-шутур эмас, жимма-жимма майдалаб ёғди. Аслида тошларнинг селга айланиши, тоғларнинг шовқин билан нурашига булутнинг жимма-жимма ёғиши зид. Бироқ дастлабки икки ҳолат тошнинг сел бўлиши ва тоғнинг нураши тўсатдан фарзанди жасадини кўрган онанинг юракларни ларзага солувчи «воҳ, болам» деган нидосига мос. «Воҳ, болам» деб ўзидан кетган она овоз чиқариб, ўқраниб, бўкириб йиғлашга қодир эмас. Аммо унинг кўзидан жимма-жимма, сизиб ёла оқмоқда. Булутнинг жимма-жимма йиғлаши шу боис.

Агар қутилмаган ўлим онани қанчалик ҳайратлантирса, лол қолдирса, қўрқитса, селнинг ва товнинг шовқини-табиатдаги бир вақтда рўй берган икки ҳодисаю она нолишидан ўтлар эгилиб, чумчуқлар чирқиллаб, ҳайвонлар ўтламай қолди: сувлар чаппа окди-ю, булбуллар йиғлади, қорлар эриб кетди. Руҳий оламини очишга бағишланган мисраларда тилга олинган ҳар бир нарса, предмет, ҳайвот, табиат ҳодисалари бир-бирига уйғунлашиб кетади ва шоир истеъдодини, бу олам ҳодисаларини яхлит тасвирлай олиш маҳоратини намоён қилади. «Қорлар эриб келмай кетди ўзига». Қанчалар топиб айтилган мисра. Соддагина бир мисрада, буюк ҳикмат, катта фалсафий хулоса бор. Қачон қор эригандан сўнг яна аслига ўшандай қайтган? Ҳеч қачон! Қор эримасдан ерга сингадими? Йўқ! Фарзанд вафот этди, у ҳам энди қор аслига қайтмаган мисол ҳаётга қайтмайди, ерга сингиб кетади қор каби. Бутун армон, бор йўқотиш, барча қайғу-алам шунда. Яъни суянса тоғидан, ётса терагидан айрилиб қолганиди.

Бу каби ўринлар Қодир бахшининг отаси Раҳим Жабборов хотирасига бағишланган «Даврим фарзанди» ёки рамзий дoston «Отибақд» (о-озодлик, т-тинчлик, и-иттифоқлик, б-бахт, а-абдийлик, қ-қардошлик, д-дўстлик) ва

бошқа янги дostonларидa ҳам истаганча топилади. У бу типдаги дostonларни 70-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда яратди. Ҳаётининг сўнгги ўн йилида эса асосан анъанавий дostonлар куйлашга эътибор берди. Айрим термаларни ҳисобга олмаганда замонавий мавзуларга қўл урмади. Ҳатто замонавий мавзуни дostonчиликда истиқболсиз деб баҳолашдан тортинмади.

1984 йил апрелда ойнаи жаҳонда халқ оғзаки ижодига бағишланган кўрсатув бериладиган бўлди. Бир кун олдин бахшидан замонавий мавзуда қандай янги асар айтишни сўрадик. Бахши ҳеч нарса айтмаслигини, чунки замонавий мадҳу санодан иборат дostonларни ҳам, термаларни ҳам тингловчилар яхши қабул қилмаслигини таъкидлади. Биз, Боборайим бахши, Хусан дўмбиракаш ўша кун асло фикримизни сингдира олмадик. Телестудияда ташвиқотимиз яна давом этди. Эшиттиришга ярим соат қолганда муҳаррир ҳам замонавий мавзуда бирон нарса айтсин деб ҳол-жонига қўймагач, бир неча дақиқа дўмбирани чертди-да «Кўймадингизлар, кўймадингизларда», деб аста-секин куйлай бошлади:

Онажон, қўй оппоқ қордек сочингдан,
Гуллар йиғласа ҳам сен йиғламагин,
Посбон бўлай доим кўзи қошингдан,
Чўллар йиғласа ҳам, сен йиғламагин.

Отамни эсладинг бағринг титилиб,
Кўзда ёшинг оқар селдай отилиб,
Холсирайсан юрак бовринг сутилиб,
Қушлар йиғласа ҳам, сен йиғламагин.

Сен йиғласанг она тоғлар бўшайди,
Пўлат юрак сувдай бўлиб шовшайди,
Сен йиғласанг қора тошлар қақшайди,
Тошлар йиғласа ҳам, сен йиғламагин.

Отам Ватан учун тўккан қонини,
Миллион шерлар-ла берган жонини,
Эшитмасин ёринг йиғлаганини,
Баҳор йиғласа ҳам, сен йиғламагин.

Уруш курсин битмас яра соб кетди,
Ҳар юракда унинг доғи қоб кетди,
Қонхўрларни ер қаърига об кетди,
Дарё йиғласа ҳам, сен йиғламагин,

Она жойдан турди сочи эшилиб,
Дуо қилди икки қўлин қувшириб,
Тинчлик бўлсин деди борлик бош уриб,
Боғлар йиғласа ҳам, сен йиғламагин.

Онажон, сен замин, сен ой офтоб,
Уруш ҳеч қаҳрингга беролмайди тоб,
Оналар бор экан нур сочар офтоб,
Қодир айтар, она, сен йиғламагин.

Кўз ўнгимизда бир зумда тўқилган бу терма ўша теле-кўрсатувда миллионлар қалбига етиб бёрди. Уруш жудолигини ўз бошидан кечирган, онаизорининг кўз ёшларини кўп кузатган, афғон уруши оқибатларини кўриб турган бахши бу термани ўта тинчликсеварлик руҳи билан, самимий, юракларни сел қилиб, эритадиган даражада ижро этгани боис кўрсатув ҳусусида хатлар оқиб кела бошлади. Уларнинг аксарияти фарзандидан, эридан, ака-укасидан ажралган, уруш кулфатини бошидан кечирганлардан эди. «Сизнинг онангиз бахтиёр экан, деб ёзади бир она. Чунки сунч, юпанч бўладиган, эл ардоқлаган Сиздай ўғли бор. ...Менинг эса якка-ю ягона ўғлим, иси чирогимнинг эгаси Азаматим афғон урушида вафот этди. Мен уни ёшлиқдан отасиз ўстирган, ҳалокатга учраб ёш кетган отасидан ёлғиз ёдгорим сифатида не-не умидлар билан вояга етказган эдим. Келин оламан, неvara кўраман деган орзу-умидларим ҳам барбод бўлди. Қодиржон, менга ким тасалли беради, ким онажоним деб юпатади, ким ўлигимга эга бўлади?...»

Юракдан битилган бундай мактублар нафақат Ўзбекистондан, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистондан ҳам олинди. Уларда бахши истеъдодига юксак баҳо берилган. Шу «Йиғламагин онажон» термасининг юзага келишини баъзилар «Отаси урушда мардларча жон олиб, жон бераётган бир пайтда қоракхат келган эди (Кимдан?—М. М., А. Э.). Энди дўмбира жўрлигида дoston, термалар айтишни ўрганаётган Қодир Бахши мунғайиб қолган онасига илк бор шундай қалда бергани», деб изоҳлашади ва терманинг биринчи ҳамда дчинчи бандларини келтиришади. Ҳолбуки, отаси вафот этганда Қодир 4 ёшда эди. Наҳотки, шу ёшдаги бола (онаси қора хатни яширган, отанинг вафотини ўғлига билдирмаган бўлса ҳам-а) гўзал шеърӣ сатрлар тўқиб онага тасалли бера олса? Негадир муаллифлар фольклорда ҳаёлот кучли деб реал ҳаётӣ далилларни ҳам бузаверса бўлади деб ўйлашади. Афсус...

Бахши репертуаридаги дostonлар ва термалар хайратланарли даражада кўп ва мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиб, афсуски, уларнинг жуда кам қисмигина ёзиб қолинди. Қодир бахшига (50—60-йилларда яшаган бошқа бахшиларга ҳам) эътиборсизлигимиз, 30—50-йиллардагидек тажрибадан ўтган котиб тайинламаслик. вақтинча уюштирилган экспедицияларнинг фурсати камлиги боис йигирмага яқин дoston, юзга яқин терма, бир неча эртақ ёзиб олинган, холос. Бу соҳада фольклоршунослар ва бахши ихлосмандларидан А.Қаҳҳоров, Хусан дўмбиракаш, Ҳожимурод бахши хизматини таъкидлаш лозим.

МИНГ КЕЧАГА ЕТГУЛИК ДОСТОН

Ботир билмас юрса товнинг ўрини,
Кўнғиротнинг «Алпомиш»дай зўрини,
«Барчин Бекач» ўзи битта дostonдир,
Ё айтайми «Ёдгор»жондай шерни.

Нафакат Қодир бахши, балки Жанубий Ўзбекистон бахши-шоирлари репертуарида «Алпомиш» дostonи мустаҳкам ўрин олган. Жумҳуриятимиз куйчилари ижро этган бу қаҳрамонлик дostonи тўғрисида таникли фольклоршунослар В.М. Жирмунский, Ҳ.Олимжон, Ҳ.Т. Зарифов, Т. Мирзаев, Б. Сағимсоқовлар йирик тадқиқотлар, илмий мақолалар эълон қилишган. Улар орасида профессор Т.Мирзаевнинг «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари монографияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда илк бор Жанубий Ўзбекистонда яшаган Мардонақул Авлиёқул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир Сафар ўғли, Бўрибой Аҳмад ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли, Ҳамро Эргаш ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonининг ўзига хос жиҳатлари, бошқа ҳудудда яшаб ижод этган бахшилардан ёзиб олинган вариантдан фарқли жиҳатлари етарли таҳлил қилинган.

Биз ушбу вариантлар ҳақида мулоҳаза юритиш фикридан узоқмиз, аммо Қодир бахши дастлаб шулар яшаган ҳудудда, улардан илк бор эшитиб «Алпомиш» дostonини ижро этганини назардан соқит қилиш мумкин эмас. Юқорида Фозил Йўлдош куйлаган ва ундан ёзиб олинган вариант ҳам Қодир бахшига кучли таъсир этгани ҳақида тўхталган эдик. Ўзи билан бир поэтик мактабга мансуб Мардонақул Авлиёқул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир шоир Сафаров, Бўрибой Аҳмедовни Қодир бахши кўрган, уларнинг дostonчилик кечаларида қатнашган, айтишган. Умир шоир Сафаров эса устозлик қилиб дуо берган. Бу

устозлардан эшитиб, улардан ўрганган вариантда Шеробод дostonчилик мактаби хусусиятлари сақланган. Айни вақтда Фозил шоир вариантыни ҳам яхши билган. Давраларда «Алпомиш» дostonини ҳар икки вариантда ижро қилар эди. Агар тингловчилар кекса бўлишса, Шеробод бахшилари вариантыни, ёшларга Фозил шоир вариантыни ижро этарди. Бундай ижронинг боиси шунда эдики, Шерна бахши, Алим бахши, Мардонакул бахши, Ражаб бахши, Умир бахши, Мамралим бахшиларни кўриб, эшитиб қолган мухлисларга Фозил шоир варианты ўзгача туюлар, улар ўзлари эшитиб юрган вариантни эшитмаса, ижрочини билмасликда, устозлар анъанасини бузганликда айбларди. Бир вариантни билиб, иккинчи вариантнинг мавжудлигидан беҳабар тингловчи Қодир бахшини беҳуда айбларди. Аксига олиб, бу ҳол айрим фольклоршунос ва бахшилар орасида ҳам учрарди.

1985 йил Шаҳрисабзда Абдулла шоир Нурали ўғлининг 110 йиллигига бағишланган вилоят бахши-шоирларининг кўрик танлови бўлди. Абдулла шоирнинг қишлоғи Қайнарбулоқда, зилол суви оқиб турган булоқ ёнида «Қайнарбулоқ булбули» термаси билан анжуман қатнашчиларини лол этган Қодир бахши, кечқурун шогирдларининг танловдаги иштирокини кузатди. Навбат ўзига келгач, Абдулла шоирга бағишланган термадан сўнг «Алпомиш» дostonидан парча айтди. Бу парча кўзлари кўр бўлган, манглайлари шўр бўлган Бойбўрининг фарзандини танимасдан зор қакшаб изидан чақириб турган жойи эди:

Қаторида гуркираган қора нор,
Қора норга ҳали дейман хору зор,
Бир пасилга тўхта дейман, йўловчи,
Сендай бекка айтадиган арзим бор.

Оҳ деганда олти тоғни қакшатдим,
Ёшим оқиб ҳарсанг тошни ушатдим,
Бир пасилга тўхтат отнинг бошини,
От добирин бир бедовга ўхшатдим.

Болам десам суякларим қакшайди,
Ингрансам темир, пўлат бўшайди,
Олиб келгин бир искайин жолидан,
Қалмоқ кетган Чиборимга ўхшайди.

Ола товнинг айланаси қормикан,
Булоғидан оққан суви шўрмикан,
Мендай шўрли йиглаб сендан сўрайди,
Шу бедовнинг айт эгаси бормикан...

Шу пайт қўтилмаган ҳол юз берди. Кўрик ҳакамларидан бўлган, фольклорнинг йирик тўпловчиларидан бири: «Тўхтат-э, Қодир, бундай эмас», деб ҳайқириб юборди. Ўзгалар сеҳрланган эди, Бойбўри нолишидан, фиғонидан қайғу чекарди. Бахши тўхтади. Ҳакам жойидан туриб, бахшига Фозил шоир вариантыни уқтира кетди. Бахши эса хафа бўлиб, «Тингловчилар-ку, тушунмаса, кечирса бўлади, аммо фольклоршунослар дostonни, сўзнинг маъносини тушунмаса, нима қилиш керак. Мен ёдлаб айтувчи қориманми, Фозил ота айтганини такрорласам», деб даврадан четга чиқди. Биз бахшини ҳимоя қилиб, ҳайъат аъзоларига хат йўлладик. Воқеани тушунган фольклоршунос олим Абдумўмин Қаҳҳоров бахшини ва тингловчиларни хафа қилган устозга гап уқтириб бўлмаслигини сезиб, ўзини четга олди. Шу орада 20-30 чоғли йигитлар бахшини ўраб олганди, ёшлар бахшини эмас, бахшини тўхтатган фольклоршуносни хафа қилишларини айтишди. Шунда Қодир бахши: «Оғалар, ҳаргиз ундай қилманглар, у улуғ одам. Фақат озроқ тезлик қилди. Менинг айтганимни қилсаларинг, истаганча айтиб бераман», деб турарди. Қодир бахши ёшларни четга чиқарди-да, дўмбирани қўлга олиб, уларга иккита шўх терма ижро этиб берди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам Жанубий Ўзбекистон халқ оғзаки ижодини тўплашга катта хисса қўшган фольклоршунос бир оз хиссиётта берилиб кетган эдики, натижада ёдини Фозил шоир варианты эгаллаб олганди. Зеро, Қодир бахши кўйлаган вариант Шеробод мактаби бахшилар репертуарига мос бўлиб, бу вариантда Қалдирғоч биябоқар, Бойбўри туябоқардир. Дарвоқе, Қодир бахши кўйлаган бу вариантни Умир бахшидан ўрганган. Профессор Т. Мирзаев ҳам Умир бахши Сафаров вариантыда туя орқасидан Бойбўри кетганини, унинг туябоқар деб тасвирланганини таъкидлайди.

Иккинчи бир воқеа 1987 йилда юз берганди. Устоз Абдумўмин Қаҳҳоров, файласуф Тоштемир Узоқов (мархум) билан Деҳқонободнинг Оқитрма қишлоғида яшовчи уста дўмбирақаш ва бахши Ҳайим Пиримкул ўғлини кўргани бордик. Ўзбек уруғларини мукамал билувчи, тарихий маълумотларни хотирасида муҳрлаб қолишда, дўмбира нағмаларини ўта кўп черта олишда тенгсиз хотирага эга бўлган Ҳайим бахши 80 ёшда эди. Ёшлигида кучли полвон ва моҳир чавандоз ҳам бўлган отахон оёқдан қолган, хотира эса жойида эди. Бухоро амири ҳузурида олти ой «Алпомиш»ни кўйлаб тугата олмаган Эрназар Қобондек бахшининг жияни, Умир Сафар ўғлининг шогирди Ҳайим бобо кекса бах-

шиларни хотирлар экан, Қодир бахшини тан олмади. Биз Қодир бахши ижросида магнитофон тасмасига ёзиб олинган «Кунтуғмуш» ва «Алпомиш» достонидан Ҳайим бобога эшиттирдик. Ҳайим бобо достон ижроси давомида созда Шерна нағмаси, Умир йўли, Мардонакул усулини мохирона қўллаб куйлаётган бахши овози таъсиридан ҳайратланар эди. Магнитофон тинди. Ҳайим бобо сунги 10-15 йилда Қодир бахши даврасида бўлмаганини, фақат тўйда айтганларини тинглаб, уни Умир йўлини шогирд сифатида давом эттирмади, деб юрганини сўзлаб афсусланди. Уни тинглашга энди кеч бўлган, бу вақтда Қодир бахши ҳаётдан кўз юмган эди...

Қодир бахши бошқа достонлар каби «Алпомиш» достонини ижросида ҳам ўзига хос йўл яратди. Унинг ижросида айтилган «Алпомиш»да Умир шоирдаги овоз ширадорлигию шўхликни. Бўри Аҳмедовдаги нолани, Абдулла шоирдаги қудратлиликни, Ражаб бахшидаги эркалаш оҳангини, Ҳайим бахшидаги билимдонликни кўриш, Эргаш Жуманбулбулдаги бадииятни сезиш қийин эмас эди. Улардан маълум ижодий, ижобий ҳолатни ўрганган Қодир бахшидаги қодирона айтиш маҳорати, соз сеҳри, сўз қудрати тингловчини ҳайратга сола оладиган даражага кўтарилган эди. Бахши биргина «Алпомиш» достонининг икки вариантини ижро этиб қолмади. У бизгача «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосининг узвий давоми «Бева Барчин» достонининг етиб келишига хизмат қилди. «Алпомиш» минг кечалик достон. Шунда ҳам сидқидилдан айтсанг тугамай қоларов. Тўлиқ айтишга вақт йўқлигидан сакратиб айтиб юрамизла», дерди у.

Ўнлаб, юзлаб марта Қодир бахшининг достончилик ўтиришларида бўлган, у билан ўн саккиз йиллик ижодий ҳамкорликда умр ўтказган биз у муболаға қилмаётганига ишончимиз комил эди. У ҳар бир ўтиришда «Алпомиш»дан, «Бева Барчин»дан, «Келиной» дан куйларди. («Ёдгор» достонини кўп ижро қилмасди, чунки ундан тингловчилар «Ёдгор»дан куйлашни талаб этмас эди.). Ҳар айтганда эса ниманидир кўшар, маълум бир воқеа ўзгача жилоланар эди. «Алпомиш»да Барчин шартини бажариш, Алпомиш ва Хадича воқеаси ёки Алпомиш ва Бодом бекач айтишуви. Қоражоннинг Алпомиш суягини Бойсунга келтириш эпизодининг ҳар бири бир кеча айтилишига гувоҳ бўлганда Қодир бахшининг ҳақлигини тан олмай илож йўқ эди.

Сурхондарёлик дўмбирани яхши чертадиган, овози ҳам ёмон бўлмаган бир бахши ўтиришларда: «Қодиринг ҳам,

Хушвақтинг ҳам бўлмайди», деб устозларни маломат қилишга ўтибди. Ҳар нарсани, воқеани, айниқса, бахшилар ҳақидаги гап-сўзларнинг ҳақ-ноҳақлигини айтишувлар, беллашувлар орқали синаб кўрадиган мухлислар бунга ҳам бепарк қарамайди. Термиз шаҳрида яшаб, бахшиларга ихлос қўйганлардан бири катта тўй қилиб, уч бахшини—Қодир Раҳим ўғли, Хушвақт Мардонакул ўғли ва ўша шогирдни таклиф этади. Шогирднинг гапини эшитган, аммо тишини тишига қўйиб юрган Хушвақт бахши даврага биринчи бўлиб чиқади-ю, «Алпомиш»дан Қоражоннинг ўз дўсти Алпомишни излаб қалмоқ юртига бориб, Алпомишни зиндондан чиқара олмай: «Бойсундагиларнинг бари Алпомишнинг йўлига интиқ бўлиб ўлиб кетмасин, кўнглини совутайин, душманларни синайин», деб, турли суякларни йиғиштиришидан бошлаб куйлайверади. Навбат Қодир бахшига етгач, у Хушвақт бахши тўхтаган жойдан бошлаб, суякни орқалаган Қоражонни Бойсунга жўнашини куйлаб, Бойсуннинг қораси кўрингач, айтишдан тўхтабди. Даврага ўзини зўр чоғлаган бахши чиқиб, ўзи билган чоғ эпизодидан бошлаганда Хушвақт бахши ёнида турган микрофондан: «Бахши воқеаларнинг давомидан айтинг, у ердан ўтиб кетдик», деб сўз ташлагач, тингловчилар ҳам воқеалар давомини айтишни талаб этишади. «Алпомиш» достонида бундай воқеалар борлигини билмаган мақтанчоқ бахши мулзам бўлиб изига қайтади...

Аслида, Термиздан Қодир бахши ва Хушвақт бахши куйлаган воқеалар «Алпомиш» эмас, балки «Бева Барчин» достонидан бўлиб шогирд бахши ундан бехабар эди. Кўпчилик бахшилар «Алпомиш» деб икки дoston воқеаларини бирлаштириб айтганидан, воқеалар эпик қахрамон Алпомиш ва Барчин билан боғлиқ бўлганидан тингловчилар «Алпомиш» ва «Бева Барчин»ни фарқламайдилар. Бундай ҳолат «Гўрўғли», «Аваз», «Нурали» туркумларига доир юздан ортиқ дostonнинг ижросида ҳам юз беради.

«Бева Барчин» дostonини «Алпомиш»нинг давоми сифатида ҳеч ким Қодир бахшича кўп айтмагани, сайқаллаштирмагани шубҳасиз. Аммо Қодир бахши куйлаган вариантларни жамлаш, уларни яхлитлаштириш, бадий ва тил хусусиятларини ўрганиш, бахши куйлаган бошқа дostonларга «Алпомиш» туркумининг таъсирини ўрганиш муаммолари ҳамон долзарб вазибалардан бўлиб турибди.

ЭЛ-ЮРТИМ ДЕБ ДУШМАНЛАРГА ДОРИДИМ

«Гўруғли»нинг ўзи ўттизта дoston,
Ўн беш дoston бўлиб юрар «Авазхон»,
«Ҳасанхон»дан сўзлайинма «Равшан»дан,
Ё Нурали кезган боғу гулшандан?...

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги раиси, бахшиларнинг ишқибози, дostonлар ихлосманди, Сулаймон ака радиодан «Қодир бахши қирқдан ортиқ дostonни биледи», деган гапни эшитгач, ошна-оғайнилари уйига чорлаб, яқин орада кимнинг тўйи борлигини сўрабди. Шунда бири яқинда келин олмоқчи бўлаётганини айтибди. «Майли, рухсат бераман, тўй камчиликларини ҳам ўзим тўғрилайман. Тўй кунини белгиланглар», дебди раис сахийлик билан. Тўй белгиланибди ва қудалар раисга хабар бергач, Сулаймон ака: «Хуш, бўёғи битибди. Яна бир иш бор. Сарфи харажати бўлса биздан, машина тайёр, ким Қашқадарёнинг Дехқонобод туманига бориб, Қодир бахшини олиб келади?», дебди. Гарчи, Қодир бахшини кўрмаган, аммо унинг довруғини эшитиб юрган Исмоил муаллим сафарга бел боғлабди. У Дехқонободга келиб, сўраб-суриштириб Қодир бахшини тўйга олиб борибди. Жамоа аъзолари Қодир бахшини илк айтдиришдан ёктириб қолишибди ва жамоада бўладиган ҳар бир тўйга олиб келишни одатга айлантиришди. Бироқ ҳар бир тўйда янги бир дoston айтишни талаб қилишар, олдин айтилганларини рад этишар экан. Хуллас, Қодир бахши ўттиз саккизинчи марта тўйга келганда, ўттиз саккизинчи дostonни тинглагач, Сулаймон ака сирни очибди. Яъни, раис бошчилик мухлислар Қодир бахшининг қирқ дoston билишига ишонмаган ва синаб кўрмоқчи экан. Қодир бахши синавдан аъло ўтибди. Шундан сўнг раис бахши билан тўн ёпишиб, дўст киришибди. Ўшанда Қодир бахши «Алпомиш», «Қунтуғмуш», «Ойпарча», «Ширин билан Шақар»дан ташқари дostonларни «Гўрўғли» туркумидан ижро этган экан.

Азиз ўқувчи, Қодир бахшининг қодирона куй-нағмалари, дўмбирани булбулдай минг бир оҳангда куйлата олиши ҳақида ўнлаб хотираларни келтирсак ва юзлаб саҳифаларни бағишласак камлик қилади. Шу боис биз улар ҳақидаги сўзимизни мухтасар қилиб, бахши репертуаридан, хусусан, «Гўрўғли» силсила дostonлари борасида бир оз фикр юритишни жоиз деб билдик.

Жаҳон фолькларида камдан-кам ҳодиса бўлган «Гўрўғли» туркум дostonлари ҳақида озми-кўпми ёзилган, бир қатор баҳши-шоирлардан ёзиб олинган дostonлар матнлари чоп этилди, улар ҳақида сўз бошилар, сўнгги сўзлар битилди, номзодлик ва докторлик тадқиқотлари олиб борилди. Жумҳуриятимизнинг турли-туман жойларида яшаган ва яшаётган баҳши-шоирлардан, шунингдек, Ўзбекистон ташқарисида истиқомат қилувчи ўзбеклар ва бошқа миллатлар, чунончи, тожиклар, қozoқлар, озарбайжонлар, қирғизлардан, жўғилар, уйғурлар ва бошқалардан ҳам озми-кўпми ёзиб олиниши мазкур туркум дostonларнинг нақадар кенг тарқалганини, халқларнинг нечоғлик сеvimли асарларидан бўлганлигининг исботидир. Дарҳақиқат, «Гўрўғли» дostonлари, машҳур баҳши-қиссахон Раҳматилло Юсуф ўғлининг қанотли ибораси билан айтганда, дostonлар зубдаси, халқ оғзаки ижодининг гултожи, қўшиқлар сараси, халқимизнинг қалбдан қуйилиб ва қуюқлашиб оққан шеърият қаймоғидир.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, «Гўрўғли» туркум дostonлари нафақат ўзбеклар, балки жаҳоннинг бир қатор халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган бадий юксак, гоъвий пухта асарлардандир. Бунинг учун озари, туркман, қozoқ, қорақалпоқ, турк, арман, грузин, тожик, курд, қрим татар, булғор турклари, шунингдек, қоракўз (гагауз), татар, хусусан, Сибир татарлари, уйғур, мўлтони каби халқлар, элатлар оғзаки эпик ижодиётини кўздан кечириш кифоя.

Туркумнинг айрим лавҳалари Ўрта Осиё (Бухоро) араblаридан ёзиб олинганлиги фанга маълум. «Бундай кенг ҳудудда асосан туркий элатлар ва қисман туркий бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган, туркумлашишнинг барча хилларини ўз ичига олган бунчалик кўп тармоқли бирор-бир эпик асарни дунё фольклорчилиги билмайди. Бундай улкан мерос орасида юзлаб халқ баҳшилари иштирокда яратилган ўзбек «Гўрўғли» дostonлари алоҳида ўрин тутади. Хўш, «Гўрўғли»нинг ўзбек дostonчилигида алоҳида ўрин тутиши, «дostonлар гултожиси», «қўшиқлар сараси» деб баҳоланишининг боиси нимада? Баҳши-шоирларимиз учун «Гўрўғли»га қўл уриш ўзига хос бир синов, маҳорат мактаби бўлишининг сир-асрори нимада? Бу, тадқиқотчилар таъкидлаганларидек ва бизнинг фикримизча ҳам, туркумнинг мукамаллиги, уни ташкил этган дostonларнинг хилма-хил-

лигию ранг-баранглиги, туркумлашишининг мураккаб жи-
хатларига асосланганлиги, унда қаҳрамонона ўтмиш мисл-
сиз романтик лавҳалар орқали кенг қўламда тасвирлан-
ганлиги, халқ ҳаёти, урф-қадриятлари, фалсафий, эстетик,
ахлокий дунёқараши ҳаққоний, ҳайратомуз бадиий
ифодаланганлиги, шунингдек, халқ пандномаси, ахлоқ-одоб
тушунчалари, ҳаёт сарвари инсонга хос фазилатлар кенг
тасвирланиши каби ҳамма даврлар учун долзарб, керакли,
зарур бўлган ғояларнинг юксакликдан туриб, бадиий
жихатдан гўзал тасвирланишидир. Ҳар томонлама етук,
мукаммал ибратомуз қаҳрамонларга мўл-кўл бўлишидир.
Қисқаси, умумбашарий ғоялар жаҳон халқлар оғзаки меро-
сида учрамайдиган тасвирлар, лавҳалар, образларга бойли-
гидир.

— Ўзбек «Гўрўғли»си ҳақида гап кетса, — деган эди
Қодир баҳши, — олимларимиз уларни қирк, нари борса қирк
беш-эликдан ошмайди, дейишади. Ёзишган ҳам. Бу нотўғ-
ри. Мен «Гўрўғли» дostonларининг деярли барчасини бах-
шилар, ошиқлар, жирчилар, гўяндалар, ўзанлар, шоирлар,
гўрўғлихонлар оғзидан эшитдим, босилиб чиққанларини
ўқидим. Авваламбор дангал айтганда, улардан ҳеч бири биз-
нинг баҳши-шоирларимиз билан беллаша олмайди.
Қолаверса, ҳеч қайси бир халқда ўзбек «Гўрўғли»сидай кўп
ва хўп эмас. Ҳажмда ҳам, сонда ҳам, ғоявий бадииятда ҳам.
Мен бошқа миллат ва элатларнинг ижодий иқтидорию
бадиий салоҳиятини, истеъдодию ижодкорлик-ижрочилик
куч-қудратини заррача бўлса-да камситиш ёки инкор этиш
ниятидан йироқдаман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос так-
рорланмас, беназир. Аммо улардан ҳеч бири ўзбек
«Гўрўғли»сига, юкорида ҳам айтганимдек, ета олмайди...
Бизнинг шў номдаги дostonларимиз сони юздан ортқ.
Уларнинг ҳар бири мустақил сюжетлардан иборат бўлиб,
баъзиси йигирма-йигирма беш минг назм ва насрдан ибо-
рат бўлса, энг кичигининг ҳажми эса икки-уч минг шерь-
рий ва шунга яқин насрдан иборатдир...

«Гўрўғли» дostonларини айтувчи баҳши-шоирлар би-
лан кўп йиллик ижодий ишлашимиз, кузатишлар олиб бо-
ришимиз натижасида, бу туркум дostonларнинг сонини
«қирк» рақами билан чеклаган касбдошларимизнинг фикр-
ларига ойдинлик киритиб, уларнинг сони юзга яқин деган
мулоҳазани, яъни, фаразни бундан йигирма йил олдин бил-
дирган, ҳатто, матбуотда чиқиш ҳам қилган эдик. Бизнинг
бу фикрларимизга баъзи олимлар қўшилишди ҳам. Аслида

«кирк» раками анъанавий бўлиб, у хақиқий ҳолни ифода этмайди. Аслида ўзбек элида тарқалган «Гўрўғли» дostonларининг сони юздан ошади. Ҳозирча фольклоршуносларимиз томонидан ёзиб олинган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти фольклор архивида сақланаётган «Гўрўғли» дostonларининг сони олтмишга боради. Туркумнинг вариантлари ва Хоразм «Гўрўғли»си бу ҳисобга кирмайди. Хоразм дostonларини махсус ўрганган профессор С.Рўзимбоевнинг фикрича, воҳада тарқалган «Гўрўғли» дostonларининг умумий сони йигирма тўрттадир. Шундан ўн саккизтаси ёзиб олинган. Бунга ҳалигача ёзиб олинмаган ва унутилиб кетган «Шодмонбек», «Дониёрхўжа», «Ойдиной», «Холдор бувиш», «Бектош араб», «Аҳмад сардорнинг суюғи», «Аҳмад сардор ва Ҳасаншоҳ», «Аҳмадсардор ва Аваз», «Шерали» каби ўнлаб дostonларни қўшсак, юкорида айтилган юз рақамига яқинлашиб қоламиз.

Ҳоди Зариф, Буюк Каримий, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби устоз алломалар томонидан минг-минглаб машаққатлар эвазига йиғилган ва шогирдларнинг ғайрат-шижоати билан тўлдирилган, жаҳон фольклор захираларидан беллашадиганлари кам топиладиган, ҳар қанча фахрланса арзийдиган мазкур миллий оғзаки ижод архивимизда, замонамизнинг донгдор дostonчи шоири, анъанавий дostonлар, хусусан «Гўрўғли» дostonларини кўп билган ва эл орасида гўзал куйлай олган Қодир баҳши Раҳим ўғлининг репертуаридаги асарларидан деярли бўлмаслиги ачинарли бир ҳолдир. Ҳа, Қодир баҳшидан айрим кишиларнинг куч-ғайрати ва шахсий ташаббуси билан баъзи бир асарлар олиб қолинган, холос. Булардан «Зайдиной», «Ғуппаной», «Жархун мастон» дostonлари қўлёмзада, «Нурали ва 500 муллабачча», «Малла савдогар» (1—2-талқинлар), «Алпомиш», «Бева Барчин», «Кунтуғмуш», «Бектош араб», «Ота дуоси», «Авазнинг хунхорга юриши», «Сулувхон», «Шониёз», «Таркистон», «Авазхон», «Авазхоннинг Узумкўзни олиб келиши» дostonлари тасмага ёзиб олинган. Холбуки, Қодир баҳши репертуаридан «Гўрўғли» силсиласига доир эликдан ортиқ анъанавий дoston қайд этилгани ҳолда бор-йўғи улардан ўн олтитасининг ёзиб олиниши етарли эмас, албатта. Магнитофонга ёзиб олинган дostonлар ҳам мукамал тарзда эмас, балки тўйда, даврада баҳшининг айтиш жараёнида шунчаки қайд этилган. Аммо бу ёзиш усулида гарчи матн кўп ҳолатларда қисқаришга (чунки бир тўйда,

бир кечанинг маълум вақтида дostonни тўлиқ ижро этиш имкони йўқ) учраган бўлса-да, соз ва сўз мослигини бахши овозидаги сеҳрли товланишларни англашга, бадииятни таҳлил қилишга имкон беради.

Биз эса Қодир бахшидан бошқа дostonчилар репертуарида учрамайдиган «Қасамёд», «Соқибулбул», «Яман дев», «Шахиднома», «Ҳайитқул овшар» сингари дostonларнинг ёзилмай қолганига афсусланиб қайт этсак-да, ушбу асримизда, ҳатто Қодир бахшидан ёзиб олинган асарларнинг барчасини таҳлил қилиш имконияти йўқлигини таъкидлаб, биргина «Зайдиной» дostonи ҳақида айрим мулоҳазаларни билдираимиз.

Умумўзбек дostonчилигида «Зайдиной» дostonи бўлиб, у Самарқанд поэтик мактаби вакилларида ҳам ёзиб олинган. Хусусан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Зайдиной» дostonи «Гўрўғлининг туғилиши» дostonига кўшиб юборилган ва шу ном билан ўзбек халқ ижоди туркумида 1967 йили чоп этилган. Жанубий Ўзбекистон дostonчилари, хусусан, Қодир бахши репертуаридан бу икки дoston алоҳида-алоҳида учрайди. Қодир бахши куйлаган «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи Пўлкан шоир вариантдан фарқ қилган ҳолда эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши қадимий асосларга эга. У отасиз, сув бетида келаётган кўпикдан она қорнида пайдо бўлади. Яъни, сув култи билан боғланган. Унинг оти Фиротнинг онаси ҳам шу култ билан боғлиқ. Эпик от ва эпик қаҳрамоннинг туғилишидаёқ илоҳийлик, ғайритабиийлик намоён бўлади. Воқеаларнинг ривожини, конфликтда қадимий асарлар етакчи ўрин тутаяди. Бироқ биз дostonнинг тўлиқ вариантини ёзиб олмаганимиз боис «Зайдиной» тўғрисида қисман мулоҳаза билдираимиз.

«Зайдиной» Гўрўғлининг болалиги, Фиротга эга бўлиши ва илк бор орини олиш учун курашга киришиши ҳамда ғалабасини кўрсатувчи асардир. У Аҳмад тоғаси оиласида тарбияланади. Етти ёшидаёқ қизилбошларнинг ва Оқтош подшолигининг талончилигига қарши тарқоқ туркий қабилаларни — туркманларни, ўзбекларни, қозоқларни бирлаштириш фикри билан уруғда эътибор қозонади, тоғаси диққатини тортади:

Курт тешади доим ёғоч бўшини,
Тошни тешар тушса кўкнинг яшини,
Бириктирса чўпни синдириб бўлмас,
Бириктирмоқ керак туркман бошини.

Худди шу ғояни амалга ошириш учун ақл-идрок, мард йигитлар ва тулпор от керак. Гўрўғели ўзининг мардлигига, уруғда ботир йигитлар борлигига ишонади, фақат мақсадни амалга ошириш воситаси от йўқ. У сув тулпоридан қочган бияга умид боғлайди. Аммо бу бия ҳам урғочи қулунлайди. Ўта қатъиятли, ўжар ва қайсар Гўрўғели шу қулунга эгалик қилиб, ундан Фирот туғилиб, вояга етгунча сабр этади. Гарчи Қодир бахши вариантыда ҳам воқеаларнинг умумий ривожини Пўлкан бахши вариантыдагидек кечса-да, ҳар бир воқеани изоҳлаш, ўзаро боғлаш, бадиийлик жиҳатидан Қодир бахши варианты устун туради. Фикримиз далили сифатида Гўрўғелининг чилтонларидан мақсад сўраши ва уларнинг Гўрўғелига берган дуосини келтириш ўринли бўлар. Пўлкан шоир вариантыда Гўрўғели бир йўла тўрт мақсадни—Фирқўқ отни, икки парини, Райҳон арабнинг қизи Зайдинойни хизматкор қилишни ва Туркман тахтига ўтиришни тилайди. Қодир бахши вариантыда эса биргина идеал мақсадни—Фиротга эга бўлишни, Фиротни беришни талаб қилади. Унинг кўзига ёруғ дунёда отдан бошқа нарса кўринмайди. Чунки ўз эл-юрти осойишталиги учун курашда, ўсмирлик орзуларини амалга оширишда, Райҳондан орини олишда, армонларининг ушалишида фақат от етишмайди. Яна шуни ёдда тутиш лозимки, эпик анъанага кўра ҳам эпик ҳомийлар, Хидир, чилтонлар бир мақсадни беради, холос. Бу жиҳатдан Қодир бахши вариантыдаги Гўрўғели тилаги ўринли. Пўлкан вариантыда Гўрўғелининг бир йўла ҳомийлардан тўрт мақсадни, сўраш унинг мардлигига, шижоатига соя солади.

Қодир бахшидан биз дostonни ёзиб олган 1976 йили мусулмончилик ақидаларига муносабат ўта салбий бўлишига қарамай, дostonда диний ғоялар билан йўғрилган мотивлар, эпик ҳомийлар билан боғлиқ ўринлар яхши сақланган, қадимий анъаналарга эътибор кучли. Пўлкан бахши вариантыда чилтонлар орасидан Эр Хидир бобо жойидан туриб, Гўрўғелига шундай дейди:

Шунча қилдим қадримни билмадинг,
Билганингдан ёш Гўрўғели қолмадинг,
Ёшлиқ қилдинг бу гапларни билмадинг,
Дунёда армонли бўлдинг, Гўрўғели.

Юз йигирма бешга кирсин Фирқўқинг,
Икковгинанг бирдай қари, Гўрўғели!
Соқибулбул сайис бўлсин, Гўрўғели!

... Мажлисда чалсин Соқибек созини,
Дарров босгин тарафингнинг изини,
Олиб қочгин ой Зайдиннинг ўзини,
Ўйнатгин Фирқўдай асбитозини,
Душмаңдан ўчингни олгин Гўрўғли.

Хукуматли тилинг бўлсин, Гўрўғли,
Чамбил, Чортоқ элинг бўлсин, Гўрўғли,
Ёв олмасин қиёматда сув олсин,
Аваз, Ҳасан ўғлинг бўлсин, Гўрўғли.

Чамбилнинг подшоси бўлдинг, Гўрўғли,
Охири армонли бўлдинг, Гўрўғли,
Мажлисдан қуруқ кетдинг, Гўрўғли.
Бир уядан ёлғиз учдинг, Гўрўғли...

Гўрўғлининг келажаги шу тарзда гоҳ тўртлик, гоҳ учлик, гоҳ бешлик, олтилик, еттилик, саккизлик бандларда, бир фикр гоҳ икки-уч такрорланиб айтиб берилади. Қодир бахшида худди шу башорат чилтонлар тилидан дуо-башорат тарзида, анъанавий тўрт мисралик банд тузишга қатъий амал қилинган ҳолда, асосий мақсад — бефарзандлик, пуштсизлик фожиасига урғу берилган ҳолда айтилади: «Шунда чилтонлардан биттаси гапираверади, қолганлари «овмин», «Илоҳи овмин» дейишиб, қўл кўтариб тураверади.

Ҳой аттанга, гап маъносин билмадинг,
Гап маъносин билиб ўйлаб кўрмадинг.
Тиззанга об қучиб-қучиб суймадинг,
Отинг қолсин ёруғи йўк, Гўрўғли.

Бу жаҳонда одамзоднинг дармони,
Йигитликнинг шижоати, хирмони,
Топмаганнинг айтиб бўлмас армони,
Отинг қолсин чироғи йўк, Гўрўғли,

Юрганда қуввати, турса тиззаси,
Ўзи кетса тирик қолган аъзоси,
Эл ичида ўтиб кетар иззаси,
Отинг қолсин давлати йўк, Гўрўғли.

Уруғингдан, авлодингдан баёнчи,
Тойрилганда ёнбошингдан суянчи.
Сурилганда катта товдай таянчи,
Отинг қолсин савлати йўк, Гўрўғли.

Об қолар деб қўрқдинг хайвон Фиротни,
Насиб қилсин сенга Чамбил элати,
Сендай шернинг энди бўлмас фарзанди,
Отинг қолсин авлоди йўк, Гўрўғли.

Адолатга юрсанг олдинг қайтмасин,
Олишса балонинг кучи етмасин,
Безгуничга Чамбил сендан кетмасин,
Отинг қолсин фарзанди йўк, Гўрўғли.

Ҳеч нарсадан бўлмагайсан хору зор,
Ушлаганинг олтин билан бўлсин зар,
Деву пари бўлолмасин баробар,
Отинг қолсин орқаси йўк, Гўрўғли.

Очкўз душман сендан кўрсин доду дод,
Шохлар ичра ўзинг бўлгин валамат,
Сенга таъсир қилмас ҳеч бир тилсимот,
Отинг қолсин таянчи йўк, Гўрўғли.

Чамбил юртинг доим бўлсин бир бўстон,
Номингни эшитсин ҳар бир тирик жон,
Қилган ишинг элга бўлсин юз дoston,
Отинг қолсин суянчи йўк, Гўрўғли.

Дostonларинг тилда абадий бўлсин,
Тинглаганлар мард бўлсин, сахий бўлсин,
Сени айтган уйда доим тўй бўлсин,
Отинг қолсин ардоғи йўк, Гўрўғли.

Дуо башоратнинг чилтонлари томонидан берилиши ҳам Қодир бахши вариантнинг қадимийлигини кўрсатади. Чунки эпик хомийлик кўриниши аввал пайдо бўлган ва бу эҳтимол кўп худолилик билан боғлиқдир. Айни вақтда чилтонлар, Эр Хидир, Қамбар чол бир хилдаги хомий эмас. Шунингдек, Пўлкан шоирда кўрсатилганидек, Хидир чилтонлар билан юрмайди, у чилтонлардан эмас. Гарчи уларнинг учаласи ҳам бир хил вазифани — қаҳрамонга кўмак бериб, уларни эзгу ишларга бошлаш, бошларига оғир кун келганда осонлаштиришга хизмат қилсалар-да, бу ёрдам ҳар бирига хос йўсинда кечади. Қодир бахши куйлаган «Зайдиной» дostonида чилтонлар Гўрўғли Фиротни талаб қилганда: «Олай десанг, Асқардайн тоғни ол, бошқа сўрамагин Фиротни. Дилбанд сўра, фарзанд сўра, авлод сўра, бек-

лик сўра, шерлик сўра, шоҳлик сўра, борлик сўра, бойлик сўра, шўхлик сўра, тўқлик сўра, умр сўра», фақат Фиротни сўрама дейиш билан бирга: «Шу Фиротнинг шаҳарларни бузади, қаҳри келса Қоратовдан ўтади. Сакрашидан ерга зарба етади, не ҳайвонлар армон билан ўтади. От ўтолмас босиб кетган изидан, жоду билан қутилолмас кўзидан, излаганни топар ернинг юзидан. Аста юрса қолдиради тозини, чопса чанги тутар кўкнинг юзини, деу пари қочар кўрса изини», деб Фиротнинг фазилатларини уқтиради. Асосийси шундай тулпор ёш Гўрўғлига тегса, ўйламай иш қилиши, яъни ҳовлиқиб уриш чиқариши мумкин.

Уруш кунда қиличдан қон тизилар,
Бўстон жойлар гулдай бўлиб бузилар,
Неча гуноҳсизлар боши кесилар,
Беклик сўра, сўрамагин Фиротни.

Бир ёмонга яхши ўтар қўшилиб,
Эналар болам дер кўкси тешилиб,
Аёллар тўрам дер сочи эшилиб,
Шерлик сўра, сўрамагин Фиротни.

Ўлим курсин, бевақт ўлим ёмона,
Инсон-инсонни еб борар ҳамона,
Сен ҳам солма элга охир замона,
Шўхлик сўра, сўрамагин Фиротни.

Чилтонлар қанчалик уринмасин, Гўрўғлига нечоғлик уқтирмасин, у фикридан қайтмайди. Ваъда-ваъда, чилтонлар унинг бир ниятини бажаришга сўз беришган. Аммо улар кўп мақсадни беришга тайёру, фақат Фиротни эмас. Ёш Гўрўғли учун эса танҳо от керак. Чилтонлар Гўрўғли бошқа нарсага кўнмагач, шарт қўйиб «ҳаммаси бирдай, баланд пасти йўқ, ҳаммаси темир кўк, ҳаммаси холдор, дутор бўйин ёлдор, бировининг қаерида белгиси бўлса, ҳаммасининг шундай белгиси бор» юзлаб отлар орасида Фиротни таниб олишни буюради. Гўрўғлининг:

...Курей дейман, курей дейман, дал Фирот,
Кўзга суртмай ёлингда бир хосият,
Энанг билан эмчакдошман қил иззат,
Оғам деб ёпайин устинга банот,
Шул кўрикқа келиб бўйнингни узат,
Сен келмасанг мен шурлиги қиёмат —

деб қилган илтижоларидан сўнг, уч бор кўриқ ташлаганда ҳам:

Сел келганда сиқар сойнинг тошини,
Ерни тешар тушса кўкнинг яшини,
Холсираб кеб Гўрўғлининг қошига,
Қуйи солиб эгиб турди бошини.

Аммо:

Хайвон билди, ҳай бетофиқ билмади,
Қарамади кўздан оққан ёшига,
Мард йигитнинг марди бўлсин кейнидан,
Марди йўқнинг яра тушар ийнидан,
Фирот билди шу бетофиқ билмади,
Тушган ипни олаверди бўйнидан.

Гўрўғлининг ҳар бир сўзи қатъиятли. Шу боис тўртинчи бор кўриқ отмайди. Насибасига қойил бўлиб отлар ичида ёмон кўринган шу отни — Фиротни олишга эришади.

Чилтонлар отга эгалик қилган Гўрўғлини шундай жўнатиб юбормайди. Балки 40 чилтон 40 насиҳат қиладики, унда халқ одобномасининг қаймоғи, мағизи жамланган. Бундай дидактик ўрин бошқа ҳеч қайси дostonда яхлит тарзда берилмаганидан тўлиқ келтиришни лозим топдик.

Тирикликда билгин даври давронсан,
Оқибатда бир жонзодга маконсан,
Бу жаҳонда саноғи йўқ инсонсан,
Шуни билгин бир-биринга меҳмонсан.

Буғдойга қарагин ўртаси тилик,
Чирокни ёндириб бўлмас бепилик,
Минг йил қилган ибодатдан яхшидир,
Қила олсанг бир инсонга яхшилик.

Ёмоннинг касоди тияр ҳар жойда,
Яхшининг ёрдами тияр танг жойда,
Ёмоннинг макони доим тор бўлар,
Яхшининг макони бордир ҳар жойда.

Худойим берибди инсонга калом,
Бемаврид иш қилиб тортмасин алам,
Яхши ҳам ёмон ҳам шундан билинар,
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом.

Ҳеч вақт тенг бўлмас олтин билан зар,
Биламан демагин билимдонлар бор,
Одамзод одамдан ўрганар доим,
Мўйсафид гапини бўлмагин зинҳор.

Ғийбат кўп ёмондир юракни доғлар,
Тўғрилиқ яхшидир дилларни боғлар,
Қилмасин одамзод асли манманлик,
Манманлик қилганнинг макони йиғлар.

Бир гап билан бузилар шох қалъаси,
Инграниб чиқади гўдақ ноласи,
Ўт балоси, сув балоси ёмондир,
Ундан ёмон билгин тухмат балоси.

Бировнинг бир кунда қилган ишини,
Биров қилолмайди яшаб ёшини,
Биров бир кунида минг йил яшайди,
Биров минг кунда ҳам йиғмас ҳушини.

Йигит дили очилади вафодан,
Бўйдоқ юрган яхши жабру жафодан,
Яхши хотин тенгсиз шаҳри азимдир,
Ёмон хотин ёмон тешиқ қападан.

Ҳар ким ғубор топар осмонда ойдин,
Биров калта, биров ортиқдир бўйдан,
Мардни номард қилар билгин ҳамсоя,
Билмай иморатни қурма ҳар жойдан.

Эриб-эриб адо бўлар бутқар қор,
Бир йилда бир марта келади баҳор,
Йигитликни билгин тошқин даредир,
Сувни тошлоққа бурмагин зинҳор.

Мол дунёнг беролмайди савлатди,
Одамзоднинг суянғичи фарзандди,
Ҳам белнинг қуввати, ҳам кўзнинг нури,
Ҳар биттаси адо бўлмас давлатди.

Нор туянинг нори бўлса тояма,
Оқ нарсани қизил қилиб бўяма,
Мард йигитга мингта дўст ҳам кам бўлар,
Дўстдан асло бор нарсангни аяма.

Менсимаслик келтиради аловат,
Йиғолмаган қилолмайди саховат,
Гадони кўрганда кулмагин зинхор,
Болани кўрсанг-да, айлагил хурмат.

Бедовга миндингми тушасан шундай,
Эл билан бир бўлсанг кечанг ҳам кундай,
Амалга минганда чиқма осмонга,
Осмондан тушгунча бўласан кумдай.

Бировнинг молини олма омонат,
Хизматинг ўзинга бўлади тухмат,
Кишининг кийими турмас устингда,
Одамсан, одамга қилма хиёнат.

Бир дарахт устида ҳар хил олма бор,
Еб кўрсанг барининг таъми баробар,
Бировнинг рўзгорини бузмайин, тузсанг,
Икки жаҳонда ҳам бўлмагайсан хор.

Нафсингдан келади ваҳми қиёмат,
Еёлмай кетганлар кимга қилар дод,
Тупрокдан бошқага тўймас бу кўзлар,
Инсоф ҳам одамга катта бир зийнат.

Донишманд бўлса ҳам бўлар хатоси,
Ишлаган бўлмайди йўқлик адоси,
Молни дер қўл кири, келар-да, кетар,
Одамзод бўлмасин фарзанд гадоси.

Осмонга тош отма бошингга тушар,
Ўлимтик қушни кўр мосликни тишлар,
Бир марднинг изидан қулиб камситма,
Қўлингдан келарми у қилган ишлар.

Ўтган кун қайтмайди бу шундай замон,
Кўз очиб юмгунча ўтади даврон,
Ахмоқлар бир-бирин асло кўролмас,
Одамзод одамни йиқитир ҳамон.

Ҳайвонни ҳайвон деб билмоқлик даркор,
Одамзод ичида ҳайвонсифат бор,
Ақли бўлмаган ахмоқ дўстингдан,
Қамчилаб урсанг-да, итинг вафодор.

Мард одам шул гапни айтса юзига,
Йўлбарс юриб ҳеч қайтмаган изига,
Гапга учиш билгил кўрлик белгиси,
Кўзи борлар учмас биров сўзига.

Ота билан яшар ушбу башорат,
Фарзанд учун ота олтин иморат,
Ёмон бўлса ҳамки ота улуғдир,
Кетган бўлса қил қабрини зиёрат.

Ота кўрсатади жаҳон юзини,
Олтинга бит ҳар бир айтган сўзини,
Бириси ой бўлса, бириси кўёш,
Тавоб айла босиб кетган изини.

Одамзодга берган худо кўзу қош,
Ўйлаб гапир деб берибди яна бош,
Ёлғиз отнинг номи чиқмас ҳеч қачон,
Ҳар жойда орттиргин ошна қариндош.

Кўрмагин бир ишнинг бўлмай шайдоси,
Катта билгин бўлса душман майдаси,
Балодан қутул деб берган ёлғонди,
Бошқага ёлғоннинг йўқдир фойдаси.

Тавоб қилгин ўйнаб ўсган ерингни,
Ўз халқингга тўккин меҳнат терингни,
Ҳар нарсадан мусофирлик ёмондир,
Ўзга элда дўстга айтма сиригини.

Олди-борди боғламасин йўлингди,
Бўйдоқ билмас рўзғорингди, ҳолингди,
Очдан ўлсанг олма қарз ёмондан,
Қарз берсанг, бер деб айтма молингди.

Одамзодда адо бўлмас ҳислат бор,
Билса зардир, билмагайсан хору зор,
Ширин ҳам тил, аччиқ ҳам тил билиб ол,
Тил билан тошни ҳам эритса бўлар.

Шоҳликда бўлади беҳисоб давлат,
Давлати қайтгансан бешиқ салтанат,
Ўз халқи, ўз эли давлат мисоли,
Агар қилар бўлса юртда адолат.

Феъли тор одамга дунё ҳам тор,
Донолар олади ғойибдан хабар,
Подшолар шошмайди ҳукм айтишда,
Ғуноҳсиз бечора бўлмас ғуноҳкор.

Абадий турмайди жонзоднинг жони,
Фаразгўй бўлмоқлик ўзи бемаъни,
Подшолар подшога қадимдан душман,
Душманни дўст қилар ақл султони.

Бир элга урушни қилма ихтиёр,
Ўлганлар қонига бўларсан хундор,
Юртингга келганни асло аяма,
Ўзи қилган ишга ўзи жавобгар.

Яхшидан, ёмондан бирдай ном қолар,
Ҳар ким қилганига ҳақини олар,
Ёмонга лаънатдир, яхшига раҳмат,
Яхшини бу олам ардоқлаб келар.

Боғбоннинг устаси гулдан билинар,
Шоҳликнинг шавкати йўлдан билинар,
Одамзод бир дарахт экиб кетса ҳам,
Қалбининг поклиги шундан билинар.

Билими бор жойнинг бўлар олими,
Олими бор жойнинг бўлар таълими,
Тартиб ҳам одоб ҳам шундан билинар,
Булари йўқ жойнинг кўпдир золими.

Икки нафс одамда бўлмайди барбод,
Кимлардир ундан шод, кимлар қилур дод,
Бу нафс балосига қўйма ўзингни,
Азалдан тўймаган, тўймас одамзод.

Уруш кўрмаганнинг элати тўқдир,
Инсонлар шодлигин бериш зўр бах(т)дир,
Осмонда юлдузга қара ҳисобсиз,
Ҳай аттанг бир ойча ёруғи йўқдир.

Гарчи узундан-узоқ кўчирма бўлса-да, бу ўғитларнинг қайсинидир тушуриб қолдириш умумийликка путур етказди, Қодир бахши маҳорати билан жамланган халқ одобномаси қоидаларининг бузилишига олиб келади. 40 чил-

тон томонидан айтилган, инсонни камолотга етиши йўлидаги тарбиявий фикрларни жамлаган қирқ тўртликда қирқмас, балки қарийб 160 ўғит ёки хулоса жам бўлган. Ҳар мисра бир фикрни уқтиради ва ҳар банднинг охирида янада теранроқ хулоса берилади. Истаган тўртликни кузатиш, чуқурроқ назар ташлаш, мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Биргина мисол:

Буғдойни қарагин ўртаси тилик,
Чирокни ёндириб бўлмас бепилик,
Минг йил қилган ибодатдан яхшидир,
Қила олсанг бир инсонга яхшилик.

Буғдой — тўқлик, чирок — ёруғлик ибодату дунёдан умидворлик, Аллоҳни тан олиш. Аммо инсон фақат қорин тўйдириб, чирок ёғдуси билан, ибодат қилиб яшаши кам. Унинг инсон бўлиши, худонинг севимли бандасига айланиши учун яхшилик қила олиш фазилати бўлиши шарт. Юқоридаги тўртликларнинг ҳар бири мустақил, бадиий тугал, афоризм даражасидаги асар. Улар жамликда халқ педагогикасининг мағзини ташкил этади. У мағзда эса олам ва одам муносабатлари, алоқаси, фазилатлари, қусурлари, яхшилиги ва ёмонлиги, диёнати ва хиёнати мужассам. Биргина шу 40 насихатнинг ўзиёқ «Зайдиной» дostonининг мукамаллигига, куйчи Қодир бахшининг беқиёс истеъдодига гувоҳлик беради. Холбуки, дostonдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса, образлар муносабати, уларнинг руҳий дунёси шу қадар теран маъно, юксак маҳорат билан куйланган. Афсуски, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси 1983 йилдаёқ бу дostonни нашр этишга тавсия этган бўлса-да, у ҳамон ёруғлик юзини кўргани йўқ.

Биз Қодир бахшидан «Зайдиной», «Ғуппоной», «Жорхун мастон» дostonларини ёзиб олгандан сўнг «Гўрўғли» силсиласидаги Гўрўғли таржимаи ҳоли туркумининг сўнгги икки дostonи «Ғарибнома» ва «Шаҳиднома»ни айтишни бир неча бор илтимос қилдик. Лекин бахши кўлига дўмбира ушлаб айтмади-да мазмунини ҳикоя қилиб: «Қачон пайғамбар ёшига кириб, пайғамбар тўйини ўтказсам айтаман. Шундай айтайинки, Сизлар ҳам, эшитганлар ҳам ҳайрон қолсин», деб жавоб берди. Сўнг ҳам бу мавзуга неча бор қайтмайлик, бахши унамади ва афсус «Ғарибнома» ҳам, «Шаҳиднома» ҳам ёзилмай қолди.

Барча бахшилар каби Қодир бахши Гўрўғлининг асранди фарзандлари Авазхон ва Ҳасанхон, набиралари Рав-

шан, Нурали, Шерали, Жаҳонгир тўғрисида дostonларни ҳам қиёмига етказиб айтарди. Айниқса, Авазхон ҳақидаги дostonлар машхур. Авазнинг ўзи, фарзандлари тўғрисидаги, Хусан, Нурали ҳақидаги дostonлари ниҳоятда кўп. Бу жиҳатдан «Нурали» туркумининг ўзида йигирмадан ортик дoston борлиги, Авазнинг иккинчи ва учинчи ўғли тўғрисида, «Шерали», «Амирқул» дostonининг учраши фольклоршунослик учун яхши маълумотлар беради.

«Авазхон» ҳақидаги дostonларни Жанубий Ўзбекистонда ҳар бир бахши ижро этар экан, улар бир эпик қахрамонга ўз эстетик муносабатларини турлича баён этишади. Қодир бахши Авазни ниҳоятда мард, шижоатли, Чамбил юрти ва элати осойишталиги учун курашчи сифатида таърифлатса, унга тенгдош, ниҳоятда билимдон Хушвақт Мардонақул ўғли Авазхон ҳақида ҳам кўп дoston билиб, қахрамонликларни таърифласа-да, кўп ёқтирмайди. Аҳмад Сардор ибораси бўлган бадқирдор, қул ибораларини кўп қўллайди. Қодир бахши: «Аваз садоқатли, асранди бўлса ҳам асли фарзанддан зиёд ота-онани кадрлайди, улар хизмати-ни сидқидилдан бажаргани сабаб макташга лойик», деб ҳисоблайди. Хушвақт бахши эса: «Ўзи ҳеч нарсани мустақил бажара олмайди. Изидан доим Гўрўғлини эргаштириб юради» деб, уни Гўрўғлидан кейинги ўринга қўяди. Зеро, худди шу ҳолатлар уларнинг устозлари Умир бахши Сафар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли репертуаридан ёзиб олинган дoston матнларида ҳам ўз аксини топган.

Қодир бахши «Гўрўғли» силсиласига мансуб дostonларнинг барчасидаги кодирона оҳангларни, маҳоратни таҳлил этиш Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуар бойлигини, бодиятини ўрганишнинг асосий манбаларидан бўлиб, уларни таҳлил қилиш алоҳида йирик тадқиқотларни талаб қилади.

БУЮКЛАРГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, жумладан, дostonчи. чғимизда буюк тарихий шахслар ҳақида катта-кичик асақлар яратилган ва яратилмоқда. «Туркистон мулкининг Шайхул машойиҳи (Навоий)» Аҳмад Яссавий, соҳибқирон Амир Темур, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, шоир ва шох Заҳириддин Муҳаммад Бобур, шунингдек, улуғ туркман шоири Маҳтумқули, каби султонлару шоирларга аталган афсоналар, ривоятлар ва терма-дostonлар шулар жум-

ласидандир. Бунинг учун ўзбек оғзаки темурномаси, навоийномаси, бобурномаси, маҳтумқулиномасининг турли йилларда ёзиб олиниб, эълон этилган ҳамда халқимиз орасида оғзаки анъаналарда яшаб, айтилиб, куйланиб келинаётган саҳифаларига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Дарҳақиқат, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Маҳтумқули» достони (афсуски, дoston ўз вақтида ёзиб олиб қолинмаганлигидан шоир билан бирга абадул-абад кетган), Қодир Раҳим ўғлининг Бобур Мирзога бағишланган «Ойчинор», шоир, туркий халқларининг буюк бобокалонлари Амир Темур ва Елдарим Боязидга аталган дostonлари, Рузи баҳши Қултура ўғлининг «Соҳибқироннинг туғилиши», Чори Умир ўғлининг «Соҳибқироннинг ёшлиги», Қаҳҳор Қодир ўғлининг «Темур ва Боязид», «Самарқанд таравоти» (А. Навоий ҳақида) «Туркман даҳоси» (Маҳтумқулига бағишланган) каби дostonлар, қанчадан-қанча термалару афсона-ривоятлар (уларнинг айримлари ёзиб олиниб чоп этилган, бошқалари йўқ бўлиб кетган ёхуд жонли анъаналарда оғзаки тарзда яшаб келмоқда) ўзбек халқ оғзаки ижодининг заррин саҳифаларидандир. Мазкур фольклор намуналарининг биз учун, қолаверса фан учун қимматли томони шундаки, уларда у ёки бу тарихий шахснинг ҳаёт йўли, фаолияти, эл-юрт йўлида кўрсатган кароматию ўзбек халқи тарихида тутган ўрни, келтирган фойда-зарари, бунёдкорлик соҳасидаги хизматлари, ҳатто босқинчилик сафарлари, яшаш тарзи, оилавий шарт-шароитлари, сарой муҳити, ахлоқ-одоби, инсоний фазилатларию саркардалик, шохлик салоҳияти, тadbиркорлиги, турли миллат, мазҳаб кишиларни биродарлаштириш, тинч-тотув яшаш, фаровон, тўқ, маъмур ҳаёт тарзини яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, фарзандлар тарбияси ва камолоти йўлидаги жонбозликлари ва ҳоказолар, фольклор анъаналари, табиати, талабалари ва ўзига хос бетакрор қонун-қоидалари асосида тасвирланади. Бундай асарларда халқона тасвир, халқона баҳони кўрамиз.

Ёзма адабиётдаги бундай асарларда муайян бир адиб ёки шоирнинг дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга, шахсларга нисбатан шахсий муносабати, баҳоси ва талқини акс этса, халқ оғзаки ижоди намуналарида эса уни яратган ва куйлаб ёки шунчаки айтиб диллардан-дилларга, тиллардан-тилларга кўчириб, авлодлардан-авлодларга суяк сурдириб келган бир бутун халқнинг орзу-умидлари, дунёқараши баҳоси қиёмига етказилиб ифодаланadi. Борди-ю, халқ сўзи — ҳақ сўз деган пурмаъно ҳикматга кулоқ солинадиган бўлса,

атоқли тарихий шахслар ҳақидаги ўзбек оғзаки ижоди намуналарида доно халқимизнинг ҳаққоний сўзлари, халқона баҳоси юқоридан туриб, юксак бадиийлик, чуқур маъно-мантиқлик билан айтилганлигини шоҳиди бўламиз. Улар дўмбира жўрлигида, ички овоз билан куйланганда эса таърифлаш қийин тарзда киши руҳиятига таъсир этади, етмиш икки томирингизда ажиб ҳислар, туйғулар, ҳолатлар пайдо қилади. Халқ асарларининг ўзига хос ажиб фазилатларидан яна бири улар юракдан отилиб чиқиб, юракдан жой олади...

Қодир Раҳим ўғли нафақат халқ анъанавий дostonларини ўта билағони, уларни ўта қиёмига етказиб куйлар эди, балки тарихий шахслар ҳақидаги бир-биридан гўзал ва дилрабо, бамисоли ширин қўшиқдай тингловчилар қалбини забт этиб, унда туғён урувчи тарихий дoston-термаларнинг ижрочиси ва айниқса ижодкори эди! Ҳа, Қодир Раҳим ўғли халқ дostonларининг ҳаётбахш анъаналаридан чекинмаган, улар йўлидан, сабоғидан унумли фойдаланган, таъсирланган ҳолда қатор тарихий пишиқ-пухта дostonлар ва термалар ижод қилган, уларни дostonсевар халқимиз орасида юксак бадиий маҳорат билан куйлаб, бу борада ҳам эл олқиш—дуосини олган ўзига хос бадиҳагўй бахши шоир эди. Қодир бахши билан бўлган ва «Йўлбитиклар» дафтарига битилган саҳифалардан:

— Мен халқимиз орасида жонли анъаналарда оғзаки тарзда яшаб, бахши шоирлар ёки бўлмаса оддий кишилар тилида айтилиб келинаётган Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Маҳтумқули каби шоирлар, озодлик ва мустақиллик учун жон фидо қилган Тўмарис, Широқ, Спётамин, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ҳақидаги катта-кичик асарларни кунт билан ўргандим, нусхаларини таққосладим. Шунда уларнинг ҳар бири ҳақида асарлар яратиш истаги туғилди. Тарихимизда ўтган бу улуг зотлар ҳақидаги асарларни ким ҳаяжонсиз тингламайди, ўқимайди, дейсиз. Сўзингни қиёмига етказиб айта олсанг, уни кадрдон дўмбиранг жўрлигида маромини кел ириб куйлай олсанг қани энди. Чунончи, буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг шеърятда арслондай наъра тортishi, Широқнинг эл-юрти мустақиллиги йўлида ўзини фидо қилиши, Темур Маликнинг боскинчи ёғийларга аждардек ташланиши, Бобур бобомизнинг ўз юртига сизмай ўзга юртларда сарсон-саргардон юриб изтироблар чекиши, соҳибқирон Амир Темурнинг эл фаровонлиги, юрт ободлиги

йўлидаги жон фидоликлари ҳақида асар яратиш, уни мух-
лисларга куйлаб беришдан ортиқ шавку-завқ, бахт-саодат
борми? Улар ҳақида асарлар яратаман. Бу дostonларим ҳам
минг-минг йиллардан буён айтилиб келинган, ҳеч бир за-
мон, ҳеч бир киши тинглаб зерикмаган «Алпомиш», «Гўруғ-
ли», «Рустам», «Кунтуғмуш», «Бобаравшан», «Авазхон», «Ну-
рали» дostonлари каби умрбоқий ва севиб тингланадиган
асарлар бўлишига аминман...

Аммо баҳши бу улкан холис айна чокда савобли, хайр-
ли ҳаммамиз учун керакли ниятига ета олмади. Қодир бах-
шидан биргина Бобур Мирзо ҳақидаги «Ойчинор» досто-
ни бадий ёдгор бўлиб қолди. Тўғри, у режалаштирган ва
ҳатто айрим парчаларини ижод қилиб, айтиб берган «Маҳ-
тумкули», «Темур ва Боязид», «Алишер Навоий» каби досто-
тонларни яратиш, демак отаси ва устози Қодир бахшининг
орзу-ниятларини амалга ошириш учун фарзанд шогирд-
ларидан Қаҳҳор, Абдумурод, Бахтиёр, Баҳромлар астойдил
киришганлар ва бу борада дастлабки ижодий муваффақи-
ятларни қўлга киритдилар ҳам... Қаҳҳор бахшининг Аҳмад
Яссавий, Маҳтумкулига аталган «Туркман даҳоси», «Темур
ва Боязид», «Темур ва Тўхтамиш» каби дostonларга қўл
уриши ва улардан айрим лавҳаларни эл орасида куйлаб
юриши барчамизни қувонтирмоқда. Шундай қилиб, Қодир
бахшидан бадий ёдгор бўлиб қолган «Ойчинор» дostonи
нафақат баҳши балки ўзбек халқ оғзаки ижодида, қолавер-
са бобуриқуносликда алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, бизда
ва хорижда Бобур Мирзо ҳақида ўнлаб оғзаки ва ёзма асар-
лар дунёга келган. Маълумотларга қараганда, Ҳиндистонда
Бобур Мирзо ҳақида бир қанча оғзаки ижод намуналари,
ҳатто туркумлашган дostonлар мавжуд экан.

Ўзбекистон ва унга ёндош жумҳуриятларда ҳам Бобур
Мирзо ҳақида дostonлар, термалар, афсона ривоятлар қўплаб
яратилган ва оғзаки тарзда айтиб келинган. Афсуски, улар ўз
вақтида шўролар томонидан пул берилмаганлиги туфайли
ёзиб олиниб қолинмаган. Жиддий эътибор берилганда Қо-
дир баҳши орқали «Ойчинор» тарихий дostonини бизгача
етиб келиши ва ёзиб олиниб «Ўзбек халқ ижоди» кўп жилд-
лик китоблар туркумида чоп этилиши (бунда фольклор-
шунос олим Абдумўмин Қаҳҳорнинг хизмати катта бўлди,
албатта) ўзига хос жасорат бўлди, дейиш мумкин.

«Ойчинор» достонининг ўзига хос фазилати, ўзига хослиги шундаки, биринчидан, асар тарихий шахс — ажойиб шоир ва саркарда, давлат арбоби ва гўзал, дилбар шахс Бобур Мирзога бағишланган. Демак, унда тарихий шахс, тарихий ҳақиқат фольклор анъаналари доирасида акс этган бўлиб, тингловчи ўқувчида бой ва бетакрор тарихимизга нисбатан ифтихор руhini уйғотади. Иккинчидан, Бобур Мирзонинг образи яратилиб, тингловчи ва ўқувчининг бу буюк шахс ҳақидаги билими янада оширилади, тасавури тагин ҳам ойдинлаштирилади. Бобур Мирзо ҳақида халқ оғзаки ижодида эпик асар—достоннинг юзага келиши, ёзма адабиётимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб эттиги, бу ҳол нафақат Қодир бахшининг қўлга киритган ютуғи, балки бутун ижодкорларимизнинг ҳам ўзбек ижодий оламининг ҳам муваффақияти бўлди, дейиш мумкин.

Даставвал шуни айтиш керакки, бахши Бобур Мирзодек улкан бир тарихий шахснинг бор бўй-басти ва қирраларини очиб бериш орқали унинг мукамал образини яратиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Бундай йўл тутиши мумкин ҳам эмасди. Бадиий ижод, шу жумладан халқ оғзаки ижодида у ёки бу тарихий шахснинг ҳар томонлама чуқур образини яратишнинг ўзига хос қийин ва мураккаб томонлари бор, албатта. Бунинг учун ана шу тарихий шахснинг бутун ижтимоий сиёсий фаолияти, саъй-ҳаракатлари, Бобур Мирзога ўхшаш бадиий адабиёт вакили ҳам бўлса, унинг абадий-бадиий соҳасидаги ишларинигина эмас, ўша тарихий муҳит, шароит ва воқеалари, ҳатто тил ҳамда этнографик ҳолатларга ҳам жиддий ёндашишни тақозо этади. Демак, бундай мавзу бир-икки асарга сифмаслиги табиий бир ҳолдир. Ана шундай мавзу кенглиги асар ҳажми ва вақт ўлчамини ҳисобга олиб, Қодир бахши «Ойчинор» достонида Бобур Мирзо шахсининг айрим нуқталарини очишга, хусусан, унинг инсонийлик фазилатларидан баъзи, бирларини бадиий тадқиқ этишга интилади. Қисқаси, Бобур Мирзодаги довураклик, мардлик, ботирлик, адолатпарварлик, саҳийлик, юртсеварлик, дўст-биродарлик, меҳнатсеварлик, донолик, яхшилик, тўғрилиқ, хушёрлик тадбиркорлик, адолат, инсоф, эпчиллик, уддабуронлик, фаросат, ғурур каби хислат-фазилатлар халқона ифодаларда, мукамал бўлмасида, кодирона очиб берилди. «Ойчинор» мазмуни билан чуқурроқ танишар экансиз, тасаввурингизда шоир ва шоҳ Бобур Мирзонинг халқона сиймоси пайдо бўлади ва уни янада чуқурроқ севиб қоласиз. Биз ҳам на ана шу севги-

мизни мазкур дostonнинг мазмунини батафсил таҳлил қилиш билан эмас, унинг айрим фазилатларига назар ташлаш орқали ўқувчига етказмоқчимиз.

Дostonнинг дастлабки қисмларида Ойчинорнинг ўз-ўзига айтган гўзал кўшиғига дуч келамиз. Мана, ўшандан бир тўртлик:

Тўда-тўда қизларга-я, охува,
Бир тўдана тол кераг-а, охува,
Заҳари бор замбирга-я, охува,
Ширин-шакар бол юраг-а, охува.

«Ойчинор»даги қаҳрамонлар образлари анча пухта, жозибали чиққан дейиш мумкин. Тўғри, дoston образларига ёзма адабиёт талаблари қонун-қоидалари ва табиатидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда баҳо бериб бўлмайди, албатта. Бундай йўл тутилса, хатоликка йўл қўйилган бўлади. Негаки, ёзма адабиётнинг ҳам, оғзаки ижоднинг ҳам бир-биридан ажратиб турувчи ўз табиати ва ўз қонуниятлари бор. Уларни бир-бирлари билан аралаштириш, қориштириш асло мумкин эмас. Тўғри, ҳар иккиси бадиийлик қонуниятларга амал қилиши, образлилик, шартлилик билан иш тутиши, ҳаётни, инсонни, унинг орзу-умидларию мақсад-ниятларини бадиий қонуниятлар асосида тадқиқ этишлари билан бир қозонда қайнайди. Аммо, юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, ўз табиати ва тасвирлари ва объектларига кўра фарқланади, ўзига хосликларга эгадир. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам «Ойчинор»да тасвирланган қаҳрамонлар образларининг ҳар бири ўзича бир дунё, ўзича бир олам. Айниқса, Бобур Мирзо, Ойчинор, Назарбой, Қайсар образлари Қодир бахшининг навбатдаги бадиҳагўйлик ва ижрочилик борасидаги маҳоратларидандир.

Бобур Мирзо образини олиб кўрайлик. Дostonда Бобур Мирзо, айтилгандек, бир томондан ҳукмдор шоҳ, қарам дарёси мавж урганда адолатли, саховатли, раииятпарвар, тинчликсевар, юртпарвар, ростгўйлик, ҳалоллик, покликни севучи, кадрловчи шунингдек, тенгсизлик, хушомадгўйлик, худбинлик, нодонлик, ёмонлик қўрқоқлик, ёлғончилик, эгрилик, бахиллик, ношудликка қарши бўлган юрт султони, шоҳ, иккинчи томондан, ғазаб отига минганда эса қаттиқ кўл, ғазабкор, қаҳрли. Бобур Мирзо феъл-атворидаги ана шу хислату фазилатлар воқеалар ривожидан Назарбой, Қайсар, Шайбоний, Ойчинор ва бошқалар билан муносабатларда, тўқнашувларда фольклор аъёналари доирасида очила боради.

Бобур достон воқеаларининг бошидан оёқ барчасида жисман иштирок этмай, гарчи икки ўринда кўринсада руҳан барча воқеа-ходисаларда қатнашади. Дастлаб Ойчинор қўйган шартларни бажара олмаган Назарбой одамларнинг гапи билан Каттапойга қўнган лашкарлар бошлиғидан ёрдам сўраб борганда, Бобурга дуч келамиз. «Бир ёш йигит тўрда чордона қуриб ўтирибди. Бошида тилла тож қўндирилган салла, устида зарбоб тўн, мурити лаб устида ўзига ярашиб турибди. Ўзи полвон сиёҳли, бургут қабоқли, ҳар ийни қирдай, қараши тўқайдаги шердай». Бобур самимият билан Назарбойдан аҳвол сўрайди. Назарбой ўзини ғарибликка олиб, бир бевага уйланмоқчи бўлганини, бева эса қалинига ўнта кўзи, йигирмата бўри, ўттизта арслон, қирқта қоплон, эликта айғир, олтмиш бешта ахта, саксонта сарка, тўқсонта тахта сўраганини, шу шартни бажариш кўлидан келмаётганини айтгач, вазирлар ҳам ҳайрон бўлишади. Бобур Назарбойдан ёшини сўраб билгандан кейин Ойчинорнинг қалини мазмунини қазабланиб баён қилади:

... Мол йиғибсан, нега ақл йиғмадинг,
Шу ақлман келиб бизни алдадинг,
Тенг-тенгига, тезак ола қопига,
Деган сўзни қариганда билмадинг.

Одамга қарасанг ақл келмасми,
Қелган билан бир хил бетак билмасми,
Ўн ёшга кирганда ўғил болалар
Беғамлиги кўзидайин бўлмасми.

Йигирмада йигит бўлар бўридай,
Ўттизида ҳайкиради арслондай,
Қикка борса қирқта товни отғудай,
Интилиши бўлмасмикан қоплондай.

Эллигида айғир отдай ўйнайди,
Майдон бўлса не ғанимни қийнайди,
Олтмиш бешда бошланади, ҳай дариф,
Отга минмай ўзин кейин тайлайди.

Саксонингда ҳеч саркадан фарқинг йўқ,
Уйтиб-буйтиб овқат есанг кўнглинг тўқ,
Ўлмасанг ҳам фарқинг қолмас ўлиқдан,
Инграйсан белга келиб тийган ўқ.

Тўқсонингда тўққиз тахт кейинга,
Лаҳадга элтарлар, тупроқ ойнинга...

тарзида қиз қўйган қалиннинг асли моҳиятини очиб берган Бобур, ҳали ўзи кўрмаган, танимаган қизнинг ақлига қойил қолиб: «Агар шундай бўлса эди вазирим, сарсон бўлиб кечмас эдим тахтимдай», деб пушаймон бўлади. Бобур Назарбойга: «Азиз каллам турсин, десанг жойида қиз қошига оламан деб бермагин», деб тайинлаб жавоб беради. Ҳудди шу ўринда Ойчинор таърифини эшитган вазир Қайсар Назарбой билан тил бириктиради ва қизни олиб қочади.

Достонда Бобур мағлубиятининг асоси сотқинлик, хиёнат эканлиги етарли далилланган. Бу айниқса, Амударёдан Афғонистон тараф ўтган Бобурнинг Шайбоний билан қилган савол-жавобида фақат икки ҳукмдоргина тушунадиган сирли тарзда юз беради. Бобур Шайбонийхонга уч савол беради. Қўлёзманинг машинка нусхасида саволларнинг ҳам захирий, ҳам ботиний маъноси кўрсатилган ҳолда нашр вариантыда фақат зохирий маъно ўз аксини топган. Шунда ҳам биринчи савол-жавобининг ботиний жавобига жой қўйилгани ёзилмаган. Бу савол жавоб қуйидагича (ботиний савол-жавобни қавс ичида келтирамиз—М.М., А.Э.):

Бобур:

— Ўнг қўлимда бир нарса бор: суюқдан қаттиқ бўлган. Отини айтса, қув калладан сув келади. Бу нима?

— Унинг номи қурут,—деди Шайбоний.

Бобур:

— Чап қўлимда бир нарса бор, ўзи бир юмалоқ, ичида минг юмалоқ бу нима? (Менинг кўп аскарим бор. Ҳаммаси қўлимда бирдай, у қандай қилиб жангда енгилиши мумкин?).

Жавоб:

— Анор. (Тўғри, аскаринг кўп, бари анор донасидай. Фақат бир анорга бириккан. Анорни бир сиқсанг суви тўкилади. Аскарларнинг бири кўрқса ҳаммаси кўрқади.)

Савол:

— Дарахтнинг силкиниши нимадан? (Мен тахтдан не сабабдан кетдим?)

Жавоб:

— Дарахтнинг силкинишини ўзидан чиққан қуртнинг таъсиридан. (Мен сени енгмадим. Сени ўзингнинг ичингдаги хиёнаткорлар енгди, тахтдан йиқитди.)

Бахши бир-бирига душман икки шахсни юзма-юз савол-жавоб тасвирида ҳам бирини ёқлаш, иккинчисини қоралаш усулини қўлламайди. Балки ҳар иккиси мард, кенг фикрли, ўйловли шахс сифатида кўринади. Бобурнинг мардлиги хатосини тан олишда, айбини англашда кўринса, Шай-

бонийники Амударёдан кейин сени таъқиб қилмайман, дейишда намоён бўлади. Ёш Бобур англаб етмаган нарсаларни Шайбоний билади.

Воқеаларнинг шу нуктасида, Бобур ўз ичидаги қурт-сотқинни сезса ҳам, айбини асослай олмай турганда Ойчинор вазир Қайсарни отга ўнгариб келади ва унинг Бобурга қилган хиёнатини фош этади. Ойчинор ва Бобур фақат шу ўринда юзма-юз келиб, ака-сингил тутинади. Достоннинг бошланишида Назарбой орқали Ойчинор ақл-идрокига қойил қолган Бобур, уни кўргач алоҳида меҳр-муҳаббат билан ўзига яқин олади. Ойчинор отасини топгач, изини излаб борилишини ақалли юртида қолган қўлэмаларини етказишни сўрайди.

Бахши халқона соддалик, сўзларнинг жилоланиши, маънодорлиги билан ҳар бир образнинг ўзига хос жиҳатларини чизишга интилади. Достоннинг асосий қахрамонлари Бобур, Ойчинор ҳам, уларга қарши қуч Назарбой, вазир Қайсар, ҳатто эпизодик образлар ҳам ўз характер-хусусиятига, феъл-атворига эга. Уларнинг ижобий ёхуд салбий жиҳатлари фольклорга хос муболағалар, ўхшатишлар, сифатлаш ва жонлантиришларда юксак бадиийликка кўтарилади. Қодир бахши «Ойчинор» достонини айтганда, гарчи ижодий тажрибаси кам, ҳали республика миқёсида танилмаган бўлса-да, қодирона оҳанг, қодирона руҳ сезилади. Бу у қўллаган бадиий воситаларнинг ҳаётийлигида, инсон ва табиат орасидаги уйғунлик, алоқадорликни бера олишда намоён бўлади. Мана вазир Қайсардан Бобурнинг сирларини фош этувчи мактуб олиб, Шайбоний ҳузурига кетаётган Бердиёр ва Келдиёр тасвири:

Кетаётир навкарлар,
Сўна қувган танадай,
Қабоклари уюлган,
Таёқ еган қобондай,
Эгарда ўтириши
Тубадаги ғажирдай,
Ранги оқариб кетган,
Кулни ташлаган ердай,
Гапирганда сўзлари,
Бол йўқотган зомбирдай.
Очганида оғзини,
Худди очилган гўрдай.
Тикка чиққан қулоғи,

Жардаги чакамикдай,
Бурнининг гудурлиги,
Ит тишлаган камикдай.

Махорат шундаки, ҳар бир ўхшатиш ҳаётий ва фавкулотда сеҳр кучига эга. Сигирларнинг сўнадан кўриқиб қочиши, сўна чаққанда уларни ҳеч бошқара олмай қолишини фақат уни кўрганлар билади. Бу ерда сигирмас тана. Тана сутдан ажралган, иккинчи оиладаги сигир боласи. У бузоқлик вақтида ҳовлида бўлган, соя жойда сўна нималигини билмаган, аммо иккинчи йил далага чиқиб илк бор сўнанинг захрига дуч келади. Шу пайт унинг кўзига она ҳам, боқиб юрган чўпон ҳам, бошқа нарса ҳам кўринмайди. Жонининг борича қочишга қочиб сўнадан қутулишига ҳаракат қилади. Навкарлар чопиши худди сўна қувган танадай. Чунки улар ҳам Қайсар захридан шу қадар кўрқади. Бу кўрқув ўз ҳукмдори Бобурга, юртига, элига хиёнат қилишга мажбур этади.

Халқ сотқинликни кечирмайди, уни энг оғир жиноят деб билади ва фольклорда бу ўз аксини топган. Шу сабаб хоин фақат ички томондан тубан эмас, ташқи жиҳатдан ҳам хунук. Дарвоқе, яна сўна чаққан тананинг бўкириб, ҳар хил хатти-ҳаракатлар билан қочишни кўз ўнгимизда келтириб, Бердиёр ва Келдиёр навкарнинг ҳолатини кузатсак, фикрий изчилликни мазмунан юксакликни, бадиий мукамалликни ҳис этиш, англаш қийин эмас. Улар ўхшатилаётган қобон (тоғ чўчқаси) ҳам, ғажир ҳам, зомбир ҳам, гўр ҳам, чакамик ҳам халқ ёмон кўрадиган, салбий маъно ташийдиган, бахтли яшашга ҳалақит берадиган ҳайвон, қуш ёки ўсимликлардир. Қобон мусулмонлар учун ҳаром қилинган, ғажир ўлимтикни хуш кўради, зомбир захар солади, ёмон одамларни худо қабрдан чиқариб отади ва гўри очик қолади, чакамик баданни тилади, жароҳатлайди. Буларнинг барчаси навкарларда мужассам. Парчадаги ҳар бир ўхшаш нарса ва ўхшатилаётган шахс орасидаги захирий ва ботиний алоқа, чамбарчас боғланиши ҳақида, уларнинг реал замини ҳақида истаганча ёзиш мумкин. Аммо бунинг барчаси баёнига имкон бўлмаса-да, «эгарда ўтиришга, тубадаги ғажирдай» ўхшатишига эътибор берайлик. Ғажир қаерда ўлимтик (ўликлар) бўлса ҳид олиб келади. Аммо у бирданнига ўлган мол ёхуд одам устига ёпирилиб келмайди. Узоқдан кузатади. Тепалик устида туриб разм солади ва қачонки ўзига хавф сезмаганда емиш (ўлимтик)га қўнади. Ғажир

ва у турган тепа. Энди от, от устида турган (текисликда турган тепаликдай) эгар ва ундаги икки хиёнаткор навкарни тасаввур этсак, бахши топиб айтганига қойил қолмай илож йўк.

Достон қахрамонларидан Ойчинор ёхуд Бобурнинг ҳам отда кетиш ҳолати ҳам берилган ўринлар бор. Лекин шоир, халқ ихлоси, меҳрини қозонган бу образлар тасвирида кўтаринкилик, мардлик ва эзгуликни улуғлаш ўз ифодасини топган. Биргина мисол:

Кетаётир Ойчинор,
Хайбати бир шердай бўп.
Киз бўлса ҳам хар эгни,
Иркиллаганда қирдай бўп.
Бургутдайин қабоғи,
Кўз устига уюлган.
Билаклари темирдай,
Қўққисдан куч йиғилган.
... Юраги бир қоплондай,
Ҳарба қилган тек кетмас.

Достонда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, диёнат ва хиёнат, ахлоқ ва ахлоқсизлик орасида мангу жанг анъанавий ҳолатда гўзал аксини топган. Бу жиҳатдан асар воқеаларининг ривожига сабаб бўлган Назарбой образи характерлидир. У очкўзлик, қурумсоқлик, хасислик сифатлари билан жаҳон ёзма адабиётида машҳур Гобсак, Қори ишкамба, Солиҳ маҳдум образларини эслатса-да, улардан фарқланади. Олти минг кўйи, минг туя, минг бия, минг ғупон, минг ғўнон, минг эшак, минг тойхор, минг товук, минг хўрозга эга Назарбой минишга отни, юк ортишга бир эшакни кўзи қиймайди. Устида минг жойидан ямалган чопон эди. Ёши 60 дан ошган эди, тиши тушган эди, иягида тўрт соқоли бўлиб, у ҳам носга ботган эди. Ўзи учун мол-мулкни сарфлашга нечоғлик ҳасис бўлса, оилага, хизматкорларга муносабатда ҳам шундай қурумсоқ. Унинг тўртта хотинида бир куйлак бўлиб, «эшикка чиққиси келган хотин уни кияр эди». Ана бу қодирона таъриф. Иккинчиси эса, у ўзгалардан қарз олиб, қарзини ҳўкиз тувар ва тошбақа толга чиқар вақтда беришида. Бу образнинг бутун жисмоний ва рухий ҳолати жуда мароқ билан ҳикоя қилинади. Унинг ёшига тўғри келмаган, ахлоқи, хотинбозлиги, 65 ёшда бўла туриб, ўн етти ёшли қизга кўнгли кетиши турли қулгили ҳолат-

ларга тушишига, оқибатда ўлимига сабаб бўлади. Бу образ ҳақида адабиётшунос Ў.Ўртаев ва шоир Отаёр «Дунёга тенгдош хазина» рисоласида (1995) яхши фикрлар айтган. Биз уларни такрорлаш ниятида эмасмиз, бу ерда фақат биргина:

Босиб кетган излари,
Кўк мунчоқдай тизилиб, —

мисраларини изохлаб: «Назарбойнинг излари мунчоқдай кичкина, чунки у Бобур қошига оёқ учида юриб бораяпти» (25-бет), деган фикрига муносабат билдирмоқчимиз. Чунки тадқиқотчилар, Қодир бахши ижодини баҳолашда у яшаган муҳитни, у мансуб уруғ урф-одатларини эътибордан соқит қилгани боис айрим чалкаш фикрларга йўл қўйгани каби бу ерда ҳам юзаки хулоса чиқаради. Аввало, матндан кўринадики, «Бўри қувган итдэй тили осилиб қолган» Назарбой оёқ учида юришга қодир эмас. Оёқ учида юриш куч, бардамлик талаб этади. Бой эса кўркувдан, кексалик таъсиридан кучдан ажралган. Гап бу ерда оёқ учида юриш эмас, оёқни секин босиш, қадамни жуда яқин қўйиш ҳақида. Асосийси бу эмас. Асосийси бахши қўллаган иборادا, «кўк мунчоқдай тизилиб» из қолишида. Нега мунчоқ оқ, қизил ё марварид, ёки қора эмас? Бу саволга жавоб бериш учун халқ этнографиясига, унинг урф-одатлари ирим-сиримларига диққат қилмоқ лозим. Бошқа жойни билмадигу, аммо Қашқадарё, Сурхондарёдаги ўзбекларнинг кўнгирот уруғида мутлақо кўк мунчоқни тақмайди. Аммо уни асраб олиб қўядилар. Чунки кўкйўтал деган юқумли, оғир касалик бор. Шу хасталик тарқалганда кўк мунчоқни сувга чайиб беморга ичирилади ҳамда ипга тизиб бўйнига ёки қўлига осиб қўйилади. Ерли халқнинг тасаввурида шундай қилинса бемор тузалади, Қодир бахши шу қадимий иримдан келиб чиқиб, Назарбойнинг қадами — изини кўк мунчоқнинг тизилишига ўхшатаяпти. Бу билан кўкйўтал бўлган одам ҳатто соатлаб тўхтовсиз йўталиш оқибатида қандай дармонсизланиб ҳолдан тойиб қолган бўлса, Назарбой ҳам шу ҳолда демоқчи. Иккинчидан, кўк мунчоқни чайиб ичирса ҳам, тизиб тақиб қўйса ҳам бемор тўлиқ соғайиб кетади, дегани эмас. Эҳтимол, уни шу хасталик олиб кетар. Назарбойни ҳам навкарлар салом бермагани учун уриб, «Бобур сени ўликларга тўқсобо қилиб қўйиши мумкин», деб янада юрагига гулгула солиб қўйган. Демак, кўкйўтал одам аҳволига тушган Назарбой Бобур ҳузурида ўзини ўлим кутаяп-

тими, нажот бунн билмайди. Шундан ташвишда, изтиробда. Худди шу руҳият жуда секин, яқин (мунчоқ, тизилиши, мунчоқлар бир-бирига яқин, тегиб турганидай) қадам босишга мажбур этмоқда.

«Ойчинор» достонидаги бундай ўринлар, образлар, воқеалар таҳлили тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо хулоса қилиб айтганда, «Ойчинор» достони гарчи бобосидан эшитган бўлса-да, Қодир бахшининг маҳорати ва дostonчилик-бахшичиликдаги тажрибаси, бадиҳагўйлик, ижодкорлик қобилиятининг гўзал ва бетакрор бир намунасидир. Достонда халқимизнинг асл фарзанди машҳур шир, атоқли саркарда, адолатли ва тадбиркор шоҳ Бобур Мирзога бўлган юксак ҳурмати, эҳтироми, иззат-икромни тасвирланган.

Асарда халқимизнинг урф-одатлари, удумлари, анъаналари, турмуш тарзи, адоб-ахлоқи, юртимиз табиати шарқона, хусусан ўзбекона ҳаёти, хулқи, дунёқараши, фалсафий, эстетик руҳий тушунчалари, дарди, қувончли онлари, шодиёна кунлари, маросимлари, шунингдек халқона иборалар, ҳикматлар ва тушунчалар кенг камраб олинishi таҳсинга сазовордир. Гўё Қодир бахши Бобур Мирзо баҳона бўлиб, унга бўлган муҳаббати, асрлар давомида сўнмаган халқ ихлосидан руҳланиб, дўмбира жўрлигида қалбидаги бор сўзларини, ниятларини, орзу-умидларини, дард-аламларини, панд ўғитларини, шоирлик ва салтанат соҳиблик, инсон ва шоҳлик, мартаба ва одамийлик ҳақидаги гапларини бир бора айтиб қолдирилгандай. Ҳар ҳолда «Ойчинор» ўзбек фольклоршунослигида тарихий дostonнинг бадиий юксак бир намунаси сифатида ҳали кўплаб тадқиқотларга асос бўлиши шубҳасиз.

ГЎЗАЛЛИКДА БЕНАЗИР — «КЕЛИНОЙ»

Келиной чикди кийиниб,
Кийинганига суюниб,
Икки шода кокили,
Кўкрагига тийиниб,
Кетаётир Ойпари,
Ҳамма киздан илгари.

Оқ ўтовнинг туйниги очиб қўйилган. Очiq чанғароқдан тоғларнинг оппоқ чўққилари, осмоннинг бир парчаси, чароқлаган юлдузлар шодаси мўралайди. Ўтов атрофида кўр-

қўр давра курган йигитлар, қиз-жувонлар кафтларини иякларига тираб навдадай тебраниб дoston тинглашди. Дўмбира куйларидан бепоён яйловлар таровати, севишган юраклар харорати, қўй-қўзиларининг жамраниб манграши, отларнинг кишнаши, балоғатга етган қиз-йигитларнинг ўтли хўрсиниши, Оқбош тоғларидан эшилиб тушаётган шалолалар насими, булоқлар мавжлари, куй садоси тебранаётган чечаклар рақси, арчазорлар шовуллаши мужассам. Қодир бахши уч-тўрт терма билан тингловчиларни ром қилиб, даврани қизитиб олгач, удум бўйича «Нима айтай?» термаси билан тингловчиларга разм солади. «Келиной» бўлсин. Шу пайтгача қариялар хурматига одоб сақлаб турган ёш-яланглар гал келганда ўз хоҳишларини айтишди. «Келиной»ни эшитган қариялар ҳам жонланиб қолишди. Ёнбошлаб турган уч-тўрт отахон қаддини тиклади, ўзини ўнглади. Гўё ёшлиги ёдга келди. «Ҳа, бахши, ўзимизнинг «Келиной»дан бўла қолсин, ёшларнинг сазаси ўлмасин», деди бири. Шуни кутиб турган бахши кексаларни ўтмиш хаёлга толдириб, ёшларни лол қолдириб, дўмбирасини елдириб, тингловчини гоҳ ўйлатиб-кулдириб, дoston сеҳрини билдириб «Келиной»га ўтди.

«Келиной» лақабли Норгулой ўн еттидан ошган, ўн саккизга етишган, икки муҳаббат гиёси янги кўкракдан ўсган, бошига зардўзи қалпоқ кийган. Қалпоқнинг айланасига тилладан кўнгирсқ таққан, юзига одам қараб туролмас, караганда ҳам куёшми, Норгулми билиб бўлмас, Норгулой эшикка чиқса сўфитўрғай, ғазалайлар олдидан кетолмас, каклик сайраб бўлар эди мас. Бошида ҳарир рўмоли, ўнг бетида доно холи, ўзи кўкракдор, химча эди бели, оёқда зарланган ичи майим кўк кавуши, ҳар қадам босганда кавушдан чиқар эди чанқовузнинг товуши. Норгулой соз чалишга уста эди. У чанқовуз чалганда булбуллар сайраб, туялар юрмай қотиб, қўйлар маърашиб, чўпонлар ингиллашиб, кичкина болалар бирдан қолар эди ухлашиб. «Йинилари кирдай, билаклари нордай, юраклари шердай» қиз ҳақидаги қўшиқлар Қашқадарё-Сурхондарёда шу қадар кенг тарқалганки, етти яшардан етмиш яшаргача у ҳақда ақалли икки-уч банд билмаган ўзбек топилмайди. «Келиной» номи билан, гоҳ тарихий қўшиқ тарзида, гоҳ дoston шаклида ҳар хонадонга, ҳар бир кексаю ёш, эркагу аёл қалбига кириб борган. Жанубий Ўзбекистонда ҳеч қайси эпос намунаси «Келиной»чалик машҳур эмас ва у қадар оммалашмаган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Достони ало-

ҳида ўрганилиши заруриятини уктириб профессор Ҳоди Зариф «...янги эпоснинг яратилишида Сурхондарё ва Қашқадарёда даъом этаётган жараёнлар фольклористика учун зўр қизиқиш туғдиради... Шунинг учун ҳам ўрганиш муҳимдир», деб ёзган эди*.

Яна бир устоз фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров эса «Келиной» ҳақида юздан ошиқ кишидан ҳар хил ҳажмдаги — эпик воқеалар ва лирик тарихий кўшиқлар ҳамда дoston шаклидаги вариантларни ёзиб олиб, чуқур таҳлил қилди ва 1972 йилда «Келиной» туркум дostonларининг ўзига хос хусусиятлари ва ғоявий асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Фольклоршунос Умир шоир Сафаровдан «Келиной», «Ташгул», Ражаб Нормурод ўғлидан «Иззатой», Ҳайим Пиримкул ўғлидан «Улуғой», «Иқболой», «Жумагул», Ҳазратқул шоирдан «Пардахол», Мамарайим шоирдан «Ойтошгул», Эшқобил бахшидан «Хонсулув», «Ойсихат» каби дostonларни ёзиб олиб, уларни ягона «Келиной» туркуми доирасида чуқур ўрганади, таҳлил этар экан, йигирмадан ортиқ вариант орасида Қодир бахши куйлаган «Норгулой» дostonи қизиқарли сюжети, яхлит композицияси, юксак бадиияти билан ажралиб туришини эътироф этади**.

Қодир бахши «Келиной» дostonини дастлаб «Машарой», иккинчи ва учинчи марта «Норгулой» деб ёздирган бўлиб, ҳар уч вариант бир-биридан мукаммал, мазмуни чуқур ва бадиий етук. Биз ёзиб олинган тўртинчи вариантда ўтов тикиш, ёрабазон айтиш, келин салом каби анъанавий тасвирларни киритадики, булар халқ урф-одатларининг маълум қирраларининг бизгача асраб қолинишида муҳим этнографик аҳамиятга эга.

Қодир бахши куйлаган «Келиной» асарнинг қаҳрамони Норгулойнинг юқоридаги тасвиридан бошланиб, «Шукуралибойнинг чўпонлари бойдан энчи улоқ қилмас, Норгулни бир кўрсак бўлгани деб тубдан келиб писиб қарар, қорасини кўрса, бу кун энчига олти кўй олдик деб юрар, бир хиллари Норгулнинг отини кўрқиб айтолмай «Келиной» деб кўшиққа кўшиб юрар эди» тарзида давом этади. Дастлабки гўзал, бетакрор портретдан тингловчини жалб этган бахши, уларни воқеалар оқимида олиб киради.

* Ҳ. Зарифов. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан. «Ўзбек совет фольклори масалалари» гўплами. Т., «Фан», 1970, 264-бет.

** А. Қаҳҳоров. «Янги дostonлар». Т., 1985, 41-бет.

Шу ўранинг катта ўғриси Сўлтоқнинг Норгулой чалган чанқовузни эшитиб, унинг сеҳридан лол қолиши асар воқеаларига туртки бўлади. Сўлтоқ чўпондан:

... Осмонимда юлдузим йўқ, ойим йўқ,
Ҳеч бир ерда турадиган жойим йўқ,
Куйга мастмас кетишга ҳеч райим йўқ,
Меҳрибон бўл, чанқовузни ким чалди.
Ул бўлса берайин унга тойимни,
Қиз бўлса ташлайин унга жонимни,
Қари бўлса бистомда боримни,
Бериб кетай, чанқовузни ким чалди.

Ёлғиз бўлса бўлай унинг йўлдоши,
Бобо бўлса суянчиғи қулдоши,
Тош меҳрдим окди кўзимнинг ёши,
Жоним айтган, чанқовузни ким чалди...—

деб чанқовуз чалгувчи сўраётир Қишлоқма-қишлоқ ўғрилик қилиш, одамларга озор етказиш билан кун кўрувчи йигит кўйнинг таъсиридан лол ва ҳайратда. У шу чанқовуз оҳанглари яна тинглаш учун борини беришга, ўзлигидан кечишга тайёр. Бахши унутилиб кетаётган чанқовузнинг таъсир кучини, дўмбирани чанқовузга монанд зорзорлатиб, Сўлтоқни ҳайратлантириб тингловчи қалбига қўймоқда. Аммо чўпон ҳам ўша куй оғушида. Сўлтоқнинг чанқовуз эгасини сўраши унга ёқмади. Чунки у куй эгасини билгани ҳолда унга шайдо, ошуфта. У саволга жавоб берар экан, ўз туйғуларини, кечинмаларини ҳам ифодалайди.

...Ўн саккизга қадам қўйгандир ёши,
Билмадим ким бўлар унинг йўлдоши,
Ҳуснига эгилар осмоннинг боши,
Чанқовузни юлдуз чалди, ноз чалди.

Ҳуснига мас(т) бўлар каклик, юлдузлар,
Меҳрига очилар боғдаги гуллар,
Бирдан жимиб оқар тошқин дарёлар,
Чанқовузни тўти чалди, гул чалди.

Қиш келса тутқазар ма, деб зарини,
Баҳор кеб сочади гуллар барини,
Саротон кеб берар шарбатларини,
Чанқовузни баҳор чалди, ой чалди.

Худо яратибди хусн бойига,
Юз ўтурса кўради жойига,
Қирк чўпон жонини берса бўйига,
Ғулом айғар жонон чалди, ёр чалди.

Ёзувчи Самар Нур ёзганидек: «Қариялар кўзларини юмиб куй-қўшиқ охангига енгил бош тебратар, йигитларнинг юрагига тушган чўғдек кўзлари яшнаб кетган. Қизу жувонларнинг яноқлари лоларанг, энглари учи билан лабларини бекитиб, 1 ўшангага кирган келиндайин ҳаё билан ёрига термулишган. Болакайлар эса ҳали бу қўшиқнинг маъносини тушинмайди. «Бахши хиёл кўзларини юмган ҳолда куйиб-ёниб «Норгулой»нинг ҳадсиз ҳуснини, ақлидроқини, хилма-хил хунарини, унга ошиқ бўлган қирк чўпон ва Сўлтоқнинг орзу-умидларини, севганига етишиш йўлидаги уринишларини куйлайверади. Норгулой мадҳи давом этаверади. У ўзбек қизларининг ёрқин юлдузи. Уни бир кўрган ҳар нарсадан кечади:

Қизлар кўтондан қий олар,
Қий бориб томдан жой олар,
Ой Норгул чиқса эшикка,
Кун туролмайди уялар.

Эркак бўлсам деб кўп қизлар,
Норгулойимни кўп излар,
Чиқса томоша қилади,
Кўкда милтиллаб юлдузлар.

Тикка тушган Ҳасан-Хусан,
Кийиниб келди бўп посон,
Норгулойни кўргансан,
Уялди кетди об-осон.

Муқоясани қарангки, ой, куёш, юлдуз лол бўлиб қайтгач, Норгулойни кўргани етти рангда товланиб Ҳасан-Хусан (Камалак) тушди. Бироқ Камалак нақадар товланмасин, Норгулойни кўргандан бу ҳусни малоҳат қаршисида лол бўлиб, уялиб изига қайтиб кетди. «Оҳ Норгул деб тубалаб, кўкракларини тешилган» ошиқ чўпон нолаеси, армони чексиз:

Тоғларда ўтлар човрима,
Қорлар эрийди ховрима,
Хамирлар бўлсанг Норгулой,
Тортиб бойласам боврима.

Рўмоллар бўлсам бошингга,
Тўшалиб турсам тўшима,
Қурисинда шу отанг,
Келтирмайди-да қошимга.

Юзингни кўрса баҳор деб,
Қўйлар тулайди, ой Норгул,
Агар ноз билан бурилсанг,
Чоллар йиғлайди, ой Норгул.

... Норгулой келар имиллаб,
Белида сочи қимиллаб,
Уни кўрган кексаям,
Олтой ётар ингиллаб...

Бахши Норгулой таърифида қўллаган ўринли ҳазил-мутойиба ёшларнинг кулгисига, кексалардаги жонланишга олиб келади. Достонда Норгулойнинг сочидан оёғигача, оддий юришидан меҳнатигача ўта назокат билан тасниф этилади. Достонда: «Бировни кутди, ой Норгул, кетма ҳам-мани куйдириб» деб илтижо қилган чўпонлар уни ҳар бири ўзларича мадҳ этадилар. Назар чўпон Норгулойнинг сигир соғишини, мохир тикувчилигини, Ражаб чўпон ўтов тикиш маҳоратини, Холиёр чўпон хулқи, феъли атрофи, хусни жамолини, Фулом чўпон ҳайитлаб юришини куйласа, Эргаш чўпон ўз муҳаббат туйғуларини дўмбира оҳанглари билан сўзсиз баён этади. Айтишувда Сўлтоқ голиб топилади:

Келиной, келиной дейишади,
Кўрганнинг ақли шошади,
Онаси ўрган жамалак,
Табонларига тушади.

Шонадан тушган зар кокил,
Сийнасида талашади,
Ҳайитлаб чиқса овулга,
Ҳамма чўпон эргашади.

...Кунда қарайман холига,
Ойдаи тўлган камолига,
Арикда сувлар мавж урар,
Елпинганда шамолига.

...Катта товларинг нуради,
Нурага кимлар юради,
Олти чевар қиз бир кунда,
Илла сочин ўради.

Зулфин тиллага ботирган,
Тоғ шамолига қотирган,
Эшикка чикса Норгулой,
Отмаган тонгни оттирган.

Есанг нонининг таъмини,
Камарда қотган мойча бор,
Манглайларининг кенглиги,
Ўн учда тўлган ойча бор.

Терма керилган киприги,
Саф тортиб турган камондай,
Икки кўзининг ёниши,
Булутдан чиққан яшиндай.

Қошгинанг ёйдай эгилган,
Ёйлар орқада қолгудай,
Учгинасини учирсанг,
Юраклар тўхтаб қолгудай.

Икки қошингни ҳидласам,
Чечак очилган баҳордай,
Зулфакларингдан қўнғирок,
Ёмғирда оққан наҳордай.

Зар қалпоқда чирозинг,
Ийновга тутган қурча бор,
Кулганда тишинг ялтирар,
Савдода тушган дурча бор.

Олтин сирғангда қўнғирок,
Олтмиш нор туя ўтгандай,
Бир кўриб қолсам бўйнингди,
Қирк йиллик дардим кетгандай.

Тақсанг латибанг нурига,
Боқилган тулпор суринар,
Икки юзингда кулгичдан,
Саккизта жаннат кўринар.

Оҳ деганда оғзимдан,
Бўрқсиб чиққан чангмикан,
Гардангинангни баҳоси,
Олтмиш минг қўйга тенгмикан?

...Қилиқсиганинг хутча бор,
Оқ баданларинг сутча бор,
Кўкрагингнинг тугмаси,
Жавзада пишган тутча бор.

...Эшик олдида булоғинг,
Ҳақкалаб ўйнар улоғинг,
Минг йигитларни нуратар,
Тиралиб турган билагинг.

...Ўнг юзида холлари,
Мисол арининг боллари,
Тол химичидай бўралар,
Сувга узалса беллари..

Яна бир 200 мисрада Норгулой жамоли, кийиниши, юриш туриши мадҳ этиладики, уларнинг барчасини келтиришга ҳожат йўқ. Достондан айрим парчаларни келтириш ва уларни таҳлилига илмий жиҳатдан кам тўхталишимиз боиси эса, биринчидан, бахши яратган ҳар бир тўртликнинг ўзи соддалиги, мазмундорлиги, бадиияти билан тушунарли бўлганида бўса, иккинчидан, ушбу китобнинг оммавий услубини ёдда сақлаш заруриятидандир.

Бахшининг ёқимли, гоҳ майин, гоҳ шиддаткор овозидан таралиб тингловчи қалбига сингаётган мисралар фақат Келиной мадҳи, унинг шўҳ-шодон кайфиятинигина эмас, азалий инсон қисмати, муҳаббатининг, муҳаббатга эришиш йўлидаги курашининг висол умидларию ҳижрон азобларининг, ишқ ҳомийлари ва кушандаларининг ҳам баёни. Ишқ туфайли ўғирликни ташлаб Шукуралибойга чўпон бўлган Сўлтоқ изтироблари тингловчини ўйлатади ҳам. Ҳижрон онларига чидай олмаган йигит, охир оқибат минг андеша, ҳадик билан Норгулойга кўнглини очади. Анъанавий эпос мотивларига хос равишда Норгулой Сўлтоққа ўзи билан кураш тушиш шартини қўйди.

Туш пайти ўтовда ҳеч ким йўқ. Қизнинг шартини тинглаган Сўлтоқнинг беписандлик билан «Энди астароқ, йиқитсак, ер қатида», дейиши ҳуснда тенгсиз қизнинг ориятини қўзғайди.

Кийимларин Норгул тўра уяди,
Қаҳирланса тов зарбига куяди,
Бошига тим қора сочин жияди,
Жулиб олиб жун чакмондан кияди.

...Сўлтоқ айтар йиқитмасам бўлмади,
Балки бизни назарига илмади,
Бир йиқилиб тияр бўлса шу Норгул,
Энди бизда сира армон қолмади.

...Силташади ерлар қолди қазилиб,
Зарбасига тов кетгудай бузилиб,
Бир-бирини силташганда куч билан,
Осмон титраб, кетар юлдуз узилиб.

Норгул энди ўз кўнглини хушлади,
Енгди кўйиб ёқасидан ушлади,
Бирор пасил ўтган эди орадан,
Сўлтоқни дустаман қилиб ташлади.

Мағлуб йигит бўйнини ҳам қилиб:

Душман бўлса якка майдон қурадим,
Силташганда шерни ерга урадим,
Мен юрмайман келиб сўйгин, Норгулжон,
Қизда ноз бор, кучи йўқ, деб юрадим...

дея қизга тан беради. Аммо Норгул ҳам Сўлтоқни зимдан кузатиб севиб қолгани боис унга далда бериб, курашни сир тутишни айтиб жўнатади. Удумга кўра қалин беришга Сўлтоқда ҳеч вако йўқ. Бой эса ўз чўпонига, у қанчалик мард, садоқатли, фидойи бўлмасин, якка-ю ягона кизини бермоқчи эмас.

Ярим тун. Ёзнинг туни бўлишига қарамай баданлар жўнжикади. Болалар катталар пинжига хиёл тикилишди. Аммо уйқи кўзга илмайди. Бахши айтаяпти. Чўпонлар, уларнинг доно маслаҳатчиси Доно безовта. Улар мард ва танги. Айтишувда Сўлтоқ қиёмига етказиб тарифлангани боис Норгулойни унгагина муносиб билиб тан беришган. Аммо Эрматбойдан Норгулга совчиларнинг келиши ва Шукуралибой ёлғиз кизини унга беришга изн билдирганидан чўпонлар ташвишда, чора излайдилар. Тингловчилар ҳам изтиробда. Наҳотки, ёш, тенгсиз зебо, ақл-идрокли, алп қиз тўрт хотин устига кекса Эрматбойга кета-

ди. Адолат борми, хақиқат қаерда? Севишганлар айри қолаверадими? Доно чўпон ниҳоят чора топди. Сўлтоқ уни узоқ-узоқларга олиб қочди. Аммо бой бақувват, таниқли, мол-мулки кўп. У қизи ва Султоқни Гиламбопдан излаб топди. Сўлтоққа аччиқ-аччиқ камчи солмоқда. Хурмат сақлаган Сўлтоқ жим. Аммо килич қиндан чикди. Шу топда Нор ут орага кирди:

...Мениям сотдинг отажон,
Шунчалар молинг озмиди,
Қазиблар олиб сотгани,
Қизлар кондаги тузмиди.

Қасамлар ичай тилимдан,
Кўшилиб чикди элимдан,
Сўлтоқда ҳеч гуноҳ йўк,
Ушлаган эмас қўлимдан.

Қизнинг қатъияти, Халил мергандек фидойи инсоннинг сўзлари, чўпонларнинг Сўлтоқни химоя қилиши Шукуралибойни инсофга келтирди. У ёлғиз фарзандидан кеча олмай Сўлтоққа беришга кўнди. Одамларда жонланиш. Ҳайрият дейди кимдир, ўзга биров худога шукур деб қўйди.

Бироқ воқеалар давоми бахши қўлида. Дўмбира уни қаёнга бошлайди. Саҳар бўлди. Бирдан тўй бошланиб, яна Келиной таснифига ўтса кайфият кўтариларди. Йўк, соз мунгли янграйди, соз йиғлайди. Чунки воқеани эшитган Эрмат чол Сўлтоқни ўлдиргани 14 йигитни қуроллантириб йўлга солди. Бойлик, мол-дунё олдида одамгарчиликни сарик қакага олмовчи ўн тўрт йигит қасд билан жўнади:

Қабоғи кирдай уюлиб,
Пул учун мушти туюлиб,
Юзида қилча меҳр йўк,
Кўзига қонлар қуюлиб,
Булбулга ҳаққа жўнади,
Қарғадай тикка жўнади.

Бурни оғзига уйрилиб,
Бўридай лаби жийрилиб,
Йўл четидаги лолалар,
Кўрса изига қайрилиб,
Ошиққа озор жўнади,
Худоям безор жўнади.

«Думи қайрилган чаёндай», «кутурган итдай», «қора илондай», «ошиққа озорлар», «худоям безорлар», «маъиғуққа мас-тонлар», «манглайи песлар», «йигитга зулумлар», «зулуммас ўлимлар», «ошга захарлар», «қайтган баҳорлар», «рахми йўқ тошлар», «ўйловсиз бошлар» бир бўлиб Сўлтоқни хийла билан ушладилар, аччиқ қамчи чор тарафдан тайладилар, қўлин маҳкам бойладилар. Тингловчилар хомушланди, Сўлтоқ ноласига чидай олмай айримлар кўзида ёш милтирай бошлади. Асаблар таранг. Энди мақсадга етдим деган, кўрган азоб-уқубатлари ўтди деган Сўлтоқнинг ёруғ оламдан умиди узилди. Боягина дарадан дарага от ўйнатиб:

... Учса булбулдан сўраган,
Кўрган тушини жўраган.
Севганим қачон келар деб,
Жопсарни ёриб қараган,
Юргин дилбарга борайлик,
Таксам туморга борайлик...—

деб, ширин хаёллар оғушида келаётган Сўлтоқ учун умид ришталари узилди. Изсиз, белгисиз ўлиб кетаверадимми, дўстлари, ёри-биродарлари, Норгулой ёри беҳабар қолавера-димми? Ёнидагилар не деб ялворса ҳам тингламайди. Уларда меҳр-шафқат йўқ. Аммо табиат, Оқбош тоғларидаги ҳар бир гиёҳ, жонивор, дову дарахт меҳрли, оқибатли. Қайдандир булбул ноласи кулоққа чалинди. Сахарги шабададан майсалар тебранмоқда. Ҳайқириб уйқудан уйғотиб шуларга дардини айтиб кетса изсиз, йўқолмас, улар ёру дўстларга Сўлтоқ тақдиридан, аччиқ сўнгги қисматидан сўзлар:

Эй кўринган қорли тоғлар,
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,
Кўкда учган сатта зоғлар,
Қонлар ютиб кетди денглар,
Тандан жонин сотди денглар,
Кўкда ойи ботди денглар.

... Беҳабардир қалам қошлар,
Ҳолимни кўрмади дўс(т)лар,
Сипо қилиб юзин тутган,
Сойда ётган ўткир тошлар,
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,
Қони томиб кетди денглар.

... Бошга душман камчи ташлар,
Қон чиқариб йиғлар тишлар,
Бошин чўзиб тиклаб турган,
Гўш(т) қарашиб ғажир қушлар,
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,
Емиш бўлиб кетди денглар...

Сўлтоқ шу тарзда «йиғлаб турган сатта гуллар», «ошиққа вафодор тоғлар», «сайраб йиғлаган булбуллар», «хўрсиниб турган заранглар», «урманглар деб шохин чўзган арчалар», «тиконларин олиб қочган қизамизлар», «фарёд уриб шовуллаб оққан сувлар», «бошда парвона бўлган муллатурғай, «баланд-паст қиялар», «чопишган қулин биялар», «ўйнашиб юрган туялар», «тоғда сайраган какликлар», «изғишган кўзи-улоқлар», «ғанғиллаб учган сўналар» дан нажот тилаб, уларга ўз дардини айтиб кетаверди. Сўлтоқнинг ноласига чидай олмай тун чекина бошлади, ой ботди, аммо қариялар бомдод намозини ҳам унутиб бахши ёнида қотди. Қодир бахшининг ўқраниши тоғ чўққиларига ҳам етди. Сўлтоқнинг ўлими олдидан чеккан ноласи юракларни шовшатди, тош дилларни ҳам эритди. Ўзиям бахши ярим соат уни зорзорлатди, тингловчини ҳам йиғлатди-да, бир зум тўхтади. Бир пиёла абжуш сўраб, нос отди. Нос эригунча дўмбирани олиб чала бошлади. Ўтирганлар кўз олдидан қат-қатда ўйнаётган улоқлар, кўм-кўк далалар, маърашиб чопаётган кўзичоқлар, кўза кўтариб ҳо-ҳолашиб кулаётган қизлар, оқ суяк, тикма ўйнаётган болалар, елдай югуриб бораётган қулун-тойлар, тоғ бағрида навбат бермай сайраётган какликлар ўтаверди. Хомуш чехралар ёришди, «Балли-э, Қодиржон», деб юборди қариялардан бири. Қодир бахши: «Ҳов яхшилар тонг ҳам отиб қолди, уч-тўрт бола уйкуга кетиб қолди, қуёшдан кўрқиб ой ҳам ботиб қолди, кампирдан кўркмаган чоллар шу ерда ётиб қолди, янги куёв бўлган анов укам уйга бормай совуққа сал қотиб қолди, дoston ҳам поёнига етиб қолди. Тугатмасак бўлмас Норгул ҳам бева қолмас», деди-да яна йўлга кирди.

Сўлтоқни олиб кетаётганини кўриб қолган Эргаш чўпон тезда ҳамкасбларини йиғди. Доно бошчилигида чўпонлар жам бўлиб тўйдан келаётгандай Эрматбойнинг золим навкарлари олдидан кесиб чиқди.

... Бедов отлар шашт билан,
Босиб келди устига,
Таёқ сермаб от солар,
Бир-бирининг қасдига...

Сўлтоқ билан дўслари,
Боғлаб олди барини,
Армони йўқ йигитнинг,
Энди олди орини...

Зор йиғлашиб нечови,
«Менда гуноҳ йўқ», деди,
«Алдаб мени юборди,
Эрмат кўзи кўк», деди.

Халил мерган, Доно чўпон, чўпонлар бир бўлиб Шукур-алибой билан келишиб яноқ кизартар, фотиҳа, никоҳ тўйини бир қилиб, барча расм-русумлар, анъаналар бўйича тўй бошлаб юборилди.

Оқ ўтовнинг ичига,
Ойдаин келин тушди,
Сўзининг ширинлиги,
Мойдаин келин тушди.

Тўшамчилар тўшалиб,
Дастурхонлар ёзилди,
Буғи чиқиб турган ош,
Лаганларга сузилди.

Бир томондан сузилиб,
Қайноқ гўш(т) лар тайланди,
Қари-қартанг олдига,
Уча тўшлар тайланди.

Оппоқ нонлар қошида,
Сариқ майиз айланди,
Диркиллаган бедовлар,
Уй ортига бойланди.

Бир томондан бахшилар,
Кўлга олди созини,
Тоҳир-Зухродан сўзлар,
Юмуб олиб кўзини...

Бу айнан шу бахши хизмат қилаётган тўй таърифи эди. Кўзини юмиб айтаётган Қодир бахши бўлиб, фақат дoston «Тоҳир-Зухро» эмас, «Келиной» эди. Қуёш уфқдан бош кўтарганда бахши Сўлтоқ ва Нoргулоу тўйи таърифини тугатди:

Оқ ўтовнинг устида,
Ўн олтига ойкучок,
Қариса ҳам Норгулой,
Эт оғзида келинчак...

Бахши кексалардан дуо олиб қўзғалганда, кампирлар келинни «келин салом»га олиб чиқаётган эди. Бу кеча юзлаб тингловчилар қалбида мангу мухрланиб қолди. Бўй кизлар орзуси, бўз йигитлар қалбида орзу-умид, кексалар дилида ёшлик армон бўлиб мухрланди. Биз эса яна кўп марта «Келиной» («Норгулой»)ни гоҳ тўлиқ ҳолда, гоҳ қисқарган тарзда тингладик. Ҳар даврада, ҳар ўтиришда Келиной ўловнинг ўзбекона зеболиги, кийиниши, ғайратшижоати, гўзал ахлоқи, нози карашмаси, мардлиги, меҳрмуҳаббати билан ўзига ром этаверди. Ўзбек қизининг хусни малоҳатини «Келиной» номи билан боғлаб ўнлаб бахшилар куйлаган бўлса-да, ҳеч қайси уни Қодир бахши қадар мукамал, яхлит, бетакрор тарзда қиёмига етказа олмадилар.

Қодир бахши куйлаган «Келиной» («Норгулой») ёшлар севгисини ўзига хос рухий ҳолатларда бера олгани, ўзбек қизларигагина хос феъл-атвори хусусият, фазилатларини, ибо-ҳаёни, курашчанликни ифодалагани билангина эмас, миллий урф-одатлар, расм-русумларни ўзида мукамал сақлагани билан ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Биргина ўтов тикишда керага, боғиш, чанғарок, тизма, кур, филдирувук, ўн тўрт отма бов, икки оқ бедов, тупак, ийнов, туйник, тўрт томонга боғланувчи бов, каштали чий сингари жиҳозларни қай тарзда жойлаштиришни назмий тарзда баён қиладики, уни эшитган ҳар ким бемалол ўтов тика олиши мумкин. Ёки яқингача қораланган «Ёрабазон»да эзгу ниятлар жамулжам этилгани; никоҳ тўйидаги фотиҳа тўйи, ялоқ кизартирар, дастурхон жўнатар, дастурхон қайтар, қалин, киз ота, вакил ота, ит ириллар, кампир ўлди, оёқ босар, соч сийпатар, ойна кўрсатар, кўйнига тухум солар, тонгни кутар, ўт айлантлар, ота дуоси, кўтан ташлар, бахмал тушар, тери ёпар, белга қўлдов боғлар, бўсағага бутун нон кўяр, чўнтакка ойна солар, ун элатар, қўлни мойга ботирар, юз кўрсатар, келин салом сингари ўттиздан ошиқ урф-одат, ирим-сиримларнинг сақланганиёқ бу дostonнинг миллий кадритларимизни, халқчил анъаналаримизни тиклашдаги ўрнини белгилашга хизмат қилади. Қодир бахши маҳорати шундаки, у ўзи яшаётган эл, уруғининг ҳар бир одатини яхши билади, уларнинг қатидаги эзгу мақсадини англаб етади ва

расм-русумлар, ирим-сиримларни дoston воқеалари мат-нига заргарона сингдиради. Уларнинг кўпчилиги ўз халқи-ни севган, кадрлаган, улуғ билган Қодир бахши маҳорати боис бизгача етиб келди.

Никоҳ, оила куриш шу қадар муқаддаски, юқоридаги одатларнинг бажарилишининг ҳеч қайсисида эл назари-дан қолган, эътиборли, хурматли кишилар қатнашмаслиги лозим. Хатто келин ўтовини тикишнинг ўз удумлари бор. Мана биргина мисол: «Тўртта керагасини «биздай қариб юрсин» деб тўртта кампир уюрди. Бўсағасини: «Меҳмон кўп бўлсин», деб меҳмон хотинларга курдиради... «Бола-ча-қаси кўп бўлсин», деб боласи кўп аёлга чанғароқни кўтар-тирди... Ўн олти отма бовни «бир-биридан совумасин», деб қизлар ойкучоқ қилиб ташлади. Кигизни ушлаб туриш учун иккита оқ бедовни ўтовнинг ийновидан тутиб бўсағага маҳкамлади. Чанғароқнинг устидан тўртта оқ ола ип билан боғланган туйнукни ташлаб, учта учини боғлади, биттаси-ни Норгулой боғлайди, деб бўсағага қўйди. Ундан кейин оппоқ чийни уюриб, ўтовини тайёр қилиб қўйди. «Бўсағаси мойли бўлсин», деб бўсағага семиз қўйдан бирини осиб сийирди».

«Норгулой» достонида миллийлик билан йўғирилган, кадриятларни ўзида жамлаган бундай ўринлар кўп. Аммо уларни кенгироқ таҳлил этиш имкониятига эга эмасмиз. Фақат хулоса тарзида далил ишонч билан Қодир бахши куйлаган «Келиной» («Норгулой») ўзбек дostonчилигида бетакрор бадиияти, мазмуни, гоъвий йўналишлари билан мустаҳкам ўрин эгаллайди, дея оламиз.

АЛЛОҲ ПАНОҲИГА ОЛГАН ОШИҚЛАР

От бойланса совумоққа уринар,
Шапоқ отлар нур тийганда суринар,
Ўзи билан Ой Зебони қарасанг,
Севишганлар юрагида кўринар.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиларидан устоз Ҳоди Зарифов: «Ўзи билан Зебо» ҳақидаги ривоят ўзбек-лар ўртасида кенг тарқалган бўлишига қарамай, ўзбек фольк-лористлари томонидан тўла ва тугалланган дoston ҳолида қўлга киритилган эмас, бироқ ёзиб олинган, тўла бўлмаган вариантлари, парчалари асосида у ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Илмий ходим О.Собиров унинг йиғма

вариантини тузиб, оммавий нашрга тайёрлади ва босилиб чикди. Бунинг қанчалик йиғмалиги ҳали кенг муҳокама талаб этади. Бу соҳадаги ишларни давом эттириш, янги вариантлари ёзиб олиш, нисбатан мукамал вариантлар тўпламини тайёрлаш зарур», деб кўрсатган эди. Биз профессор Ҳ.Зарифов таъкидлаган, «Ёзи билан Зебо» достонини яхлит сюжет ва композицияга эга ҳолда ота-бола бахшилар Қодир Раҳимов ва Қаҳҳор Қодир ўғилларидан ёзиб олишга муяссар бўлдик. «Ёзи билан Зебо»нинг янги варианты эпик анъаналарини ўзида мукамал сақлаган бўлса, 1967 ва 1972 йилларда фольклоршунос О.Собиров томонидан йиғма ҳолда нашр этирилган вариантда ишқий дostonларга хос қуйидаги анъаналарга амал қилинмаган:

1. Эпик қахрамонлар — Ёзи билан Зебонинг бир-бирини севиб қолишида туш кўриш ёхуд қизнинг сирли ҳолда ошиққа ўзини билдириши сақланмаган.

2. Эпик макон Маймоноқ ва Қуҳи Қофда туғилган Ёзи билан Зебонинг бир-бирини кўриги, топиши, бирининг юртига иккинчисининг излаб келишида эпик тўсиқлар, қийинчиликлар учрамайди.

3. Маъшуқа (Зебо) ошиққа (Ёзига) ҳеч қандай шартлар қўймайди. Ҳолбуки, анъана бўйича ёрга етишгунча эпик қахрамон маълум шартларни бажариши, шу орқали мардлиги, жасорати, уддабуронлиги, садоқатини кўрсатиши лозим.

4. Ёзи билан Зебо бир неча бор учрашиб, қайта-қайта ўзаро дил изҳор этиб, яна бошқа бир ўринда беҳуш йиқилиши анъанага зид.

5. Ёзи совчиларнинг Поёндабойдан қизини йўлда келинликка сўраш фақат эпик анъанага эмас, балки халқнинг этник қарашлари, урф-одатларига ҳам тўғри келмайди.

6. Эпик анъаналарга кўра ошиқ ва маъшуқа маликаю шахзодалардан, ҳеч бўлмаганда бири шу табақа вакиллари-дан бўлиши лозим.

7. Достонда кўплаб ўрин олган лирик қўшиқлар ва термалар асар композициясига сингишмаган.

8. Нашр этилган вариант халқнинг минг йиллик анъанаси, одобномаси, эътиқодини чилпарчин этувчи, севишганларни бачканалаштириб юборувчи уят-андишадан йироқ сатрлар (19-, 22-, 30-, 40-бетлар) талайгина.

Қодир бахши «Ёзи билан Зебо» достонини ёздиришга киришишидан олдин узоқ вақт тайёргарлик кўрди. Устозлардан эшитганини хотирада тиклади, нашр вариантини

ўқиб чиқди. Шу боис ҳам муқаддимадаёқ: «Умир бахши гоҳида Зебодан бошлар эди. Яхши жойини айтиб, ёмонини ташлар эди. Китоб бўлди ой Зебо ҳали ками бор эди. Ким тўлдиар экан деб Ёзи унга зор эди», дея ҳар икки ҳолатдан коникмай, уни ўз ижодий тафаккури билан қайтадан куйлайди.

Қодир бахши ва ўғли Абдуқаҳҳор бахши томонидан ёзиб олинган «Ёзи билан Зебо» эпик анъаналарини ўзида тўла сақлагани, қизиқарли сюжети, яхлит композицияси, чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик кўшиқларининг сақланганлиги, инсон ва олам алоқасининг бирликда тасвирланиши, бадииятнинг юксаклиги, севишганлар муҳаббатини илоҳий ишқ даражасида акс эттириш ва яна кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу дostonни ҳар жиҳатдан илмий таҳлил этиш фольклоршунослик олдидаги вазифалардан биридир. Биз эса «Ёзи билан Зебо» ишқий дostonларининг гўзал намунасидан бўлгани боис, дostonда тасвирланган ишқни, мумтоз адабиётида тасвирланган илоҳий ишққа қиёсий таҳлил этишга бир оз ҳаракат қиламиз.

Бунинг учун дастлаб А.Навоий ижодига назар солайлик. Маълумки, улуғ шоир «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида ишқни уч турга — авом ишқи, мажозий ишқ ва илоҳий ишққа ажратади. Илоҳий ишқни руҳнинг ақл ва вужуд устидан чинакам ғолиблиги деб кўрсатади. А.Навоий диний илмларни ҳам, Яссавий ва Нақшбанд сулукларини ҳам яхши билгани ҳолда шундай хулосага келади. Аммо халқ ижодкори бахши Навоийдек ўқимишли эмаслигини, диний ва илмий манбаларни мутолаа қилмаслигини унутмаслик керак. Бахши жамиятининг аъзоси сифатида дин, шариат қонун қоидаларини, ўзи яшаган давр кишиларининг дунёқараши, интилиши, билимидан беҳабар ҳам эмас. Фақат у ўз билимларини, тафаккурини хотира кучига асосланиб, эшитганларини онгида қайта ишлаб фикр юритади, хулосалар чиқаради. Шу маънода Яссавий, Боқирғоний, Нақшбанд, Жомий, Навоий, Машрабдек машхур шахсларнинг асарлари, диний мавзудаги дostonлар халқ ўртасида кенг ёйилганини, шуҳрат топганини ҳисобга олсак, уларнинг ишқини талқин этишлари халқ бахши-шоирларига ҳам таъсир қилган дейишга асос бор. Яссавий: «Тун саҳарлар Ҳақ уйғотиб қон йиғлатар, Бедор қилиб ўз ишқига дил боғлатар», деганда илоҳий ишқ дардини баён этади. Бу дард шундай оғирки, унинг давоси маъшуқа. Маъшуқа ўзининг ҳайратомуз гўзаллиги, тенгсиз хусни билан ошиқни ўзига ром этган. Бу

гўзаллик, хусн эгаси Аллоҳ бўлса-да, у замиридаги маъшуқа тимсолида ёхуд аксинча, ошиқ муҳаббат қўйган, аммо эришиш жуда қийин бўлган маъшуқа Ҳақ қиёфасида намоён бўлади. Шу нуқтадан «Ёзи билан Зебо» дostonида акс эттирилган ишқ талқинига киришсак, А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин», «Лисон-ут-тайр» дostonларидаги ишқ талқинига ўхшаш жиҳатларни илғаш қийин эмас. Мажнун руҳидан жой олган ишқ ўти билан Ёзи борлигини эгаллаган ишқ ёлқини бирдек илоҳийлик билан боғланган. Ёзи Зебони тушида кўриб, унинг қўли билан тикилган дўппини илоҳий ҳомийлар ёрдамида бошига кийгандан сўнг муҳаббатнинг кучли туғёни кўтарила бошлайдики, бу унинг руҳияти билан боғланади.

НВБ. ВАРЖ. 1993.

-ЭФН. 1993. Буғдой тушар тегирмоннинг тошига,

-НО. 1993. Ут кўқарар кўздан оққан ёшима,

-ЭТ. 1993. Қайда келиб сени кўрдим, нигорим,

ОШИҚЛИКНИНГ ДОҒИ ТУШДИ БОШИМА.

Э. 1993.

«Ошиқликнинг доғи тушди бошима». Ошиқликнинг доғи — «Маъшуқа (Ҳақ) ўз аксини кўрсатса — олам нур ва ёруғликка чўлғанади, бу нур Аллоҳ назари тушган кишининг юрагини куйдиради — ўз доғини қолдиради. Аммо бу доғ доғлигича қолмайди, балки Аллоҳнинг бутун вужуд-вужудига ишқ алангасини туташтирувчи чўғ ҳамдир. Бу юракдаги ишқ алангаси ошиқнинг уч юз олтмиш томирига титроқ солади, нурга чўлғайди. Тасаввуфда илоҳий жамол тимсоли — Нур»*.

Зебонинг етти қават ҳарир тўсган жамоли ҳам нур билан чулганган. Ошиқ Ёзининг юрагига ошиқлик доғини қолдирган ҳам ўша нурли сиймо. Зебо ўз жамоли — нур билан ошиқ Ёзи қалбига чўғ солади ва у ишқ алангасига айланиб ошиқни ёқади. «Кўйчилар кулишиб ишонмай: «Ошиқ бўлдим, куйиб бораётгирман дединг. Куйиб бораётган бўлсанг анави совуқ тошни кучоқлаб кўрчи исирмикан», деди. Ёзи бориб тошни кучоқлаган эди, тош сув бўлиб оқа бошлади». Бу Ёзининг ошиқлигига ишонмаган ҳамкасбларига жавоб бўлиши билан бирга, ишқ ўтида ёнаётган қалб кучоғида тош исибгина қолмай, балки ишқ ўти қудрати совуқ тошни ҳам эритишининг исботидир.

-ҚН. 1993.

Э. 1993.

«Иброҳим Ҳаққу». Тасаввуф ва шеърят. Т., «Фан» 1993.

Зебони излаб бориш жараёнида Ёзининг туяларга айтган сўровидаги:

Оҳ десам оҳимга бўлинар қоя,
Кўксим очсам қовжирайди гиялар.

дейишидан, ошиқнинг оҳидан чиқаётган ўт ёлқинидан қоянинг ҳам иккига бўлиниши, юраги ёлқинига эса гиёҳлар қовжираши уқтирилади. Ёзи ҳам ишқ йўлида оловга айланади. Юракка тушган чўғ уни тамоман алангага айлантиради.

Оҳ деганда юрак қуяр қадамим йўқ,
Боғ олдидан боғ яратсам бодамим йўқ,
Ошиқликдан ора чўлда куйиб кетсам,
Сув сепгали, дардлашгани одамим йўқ.

Кўринадики, Мажнун ора чўлда, чўл жазирамасида Лайли васлин истаб кезганидек, Ёзи ҳам ёлқинга айланган вужуд билан ишқ саҳросида танҳо. Маъшуқа ишқи — Аллоҳ ишқи ошиқ қалбини шу қадар алангалатса ҳам уни ҳеч ким англамайди, тушунмайди, ҳатто руҳиятини эгаллаган ишқ ўтини ўчирайин деганда ҳам сув йўқ. Бу дарддан қутулмоқнинг бир йўли бор. Бу висол, бу ёр жамоли. Висол — маъшуқа, маъшуқа — Аллоҳ. Бу Ёзи учун Зебо қиёфасида намоён бўлади.

Яна бир ҳолат, исломгача ҳам, ислом мафқурасида ҳам худо суйган бандасининг ўтда куймаслиги кўп ўринларда қайд этилади. Шу ўринда Мусо пайғамбарни Фиръавн зулмидан, қатлидан асраб қолиш учун ёниб турган тандирга солиб қўйилгани ёхуд Иброҳим пайғамбарни қатта гулханда уч кеча-кундуз ёққанда ҳам соғ-саломат тасбеҳ ўтириб ўтирганлиги ҳақидаги ривоятларни эслаш кифоя. Зеро, улар Аллоҳ жамолига эришган кишилар эканини, бутун борлигини шунга баҳшида этганликларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Ёзи ҳам илоҳий ишққа талпинар экан, шундай ҳолатга тушади. «Ёзи Зебонинг олдида куймаланиб юриб эди. Поёндабой шашт билан келиб қолди. Шошиб қолган Ёзи ёниб турган тандирга тушди. Етиб келган бой тандирга эгилиб «Қизим нонинг пишдимми?», деб қараса, қип-қизил чўғнинг ичида Ёзи кўнишиб ўтирибди». Чунки шу пайт ошиқларнинг пири етиб келиб, Ёзини бир ушқириб музлатди. Тандирнинг ичидаги қип-қизил чўғ Ёзига пахтадай тўшалди, иссиғи тандирнинг бетига ловиллаб ура бошлади.

Алқисса, жами саҳобалар кўзга кўринмай Ёзини оловдан сақлаб турди. Хидир бобо ҳозир бўлиб, Ёзининг оғзига сув томизиб чанқоқликдан сақлай берди. Чор тарафдан қирқ чилтон пайдо бўлиб, оловнинг рангини бор қилиб, иссиғини жиловлади. Ҳатто иссиқ тандирнинг иссиқ кесаклари оқариб, Зебонинг хурматига иссиқни ўзига юта берди. Олқишлаган жонивору қушлар тандирнинг устида «Ёзи даядил бўл, Ёзи тангирига сиғин», деб чарх уриб, чориллаб сайрай бошладилар, дала даштдаги жами ўсимликлар, тоғлару тошлар, дарёлар бир нафас жимликда қотдилар». Кўринадики, Ёзи борлиқ билан бирлашиб кетди. Бир лаҳза бу олам у дунё сингишиб яхлитлик касб этди. Икки олам сарварин эса Аллоҳдир. Унинг ишқи билан ёнган кишига (ошиққа) ўзга ҳеч қандай олов таъсир этмайди.

Тасаввуфда ҳақиқий ошиқ учун ишқдан маъшуқа васлидан ортик ҳеч нарса йўқ. Бойлик, мол-дунё, мансабу маке унга бегона. У эзгу ният, пок имон билан маъшуқага интилади. Шу боис Ёзи ҳам:

Яхши-ёмон кунда мен ҳам яйрайман,
...Кетиш-кетмаслигим сиздан сўрайман,
Хўп десангиз хизмат ҳақи не керак, —

деб Поёндабой берадиган ҳақини ҳам рад этади. Унга бойликдан кўра Зебо уйининг «ирга»си ҳам саждагоҳ каби муқаддас. Дарвоқе, мумтоз адабиётда ирга сўзи итлар ётадиган жой эканини, ошиқлар маъшуқа итига ва унинг жойига ҳам ҳавас қилиши кўп бор ишланганини эсласак, Ёзининг иргани саждагоҳ билиши беҳуда эмаслигини яхшироқ англаймиз.

«Ёзи билан Зебо» достонида Худо ва табиат бирлиги, ишқ ва инсон, инсон ва табиат яхлитлиги етарли талқин қилинган. Ёзи Зебо ҳажрида юриб, унинг баҳорги юртида ухлаб қолади. Гуллоланинг жазирама иссиғида ухлаб ётган Ёзининг қўлида бир лола сувга тегмаса ҳам яшнаб турибди, тепасида бир булбул сайраб турибди. Гул (лола) — тимсол. У табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлик моҳиятини ифода этади.

Жалолиддин Румий рубойларида айтилганидек, унинг лирик қаҳрамони: «Ишқ оби ҳаёт аст, дар ин обдаро — Ишқ оби ҳаётдир, шу сувга киргил», деб кўнгилга фармон беради. Юракнинг оби ҳаёти эса — қон, юрак қондан шундай мавж урадики, бу юрак эмас дарёдир»*.

* *Иброҳим Хаққул*. Тасаввуф ва шеърят. Т., 1993.

Бутун борлиғи ишқ оби-ҳаётига ғарқ бўлган Ёзи юрагида ҳам мавж ураётган қон қон эмас, оби-ҳаётдир. Томирларида оқаётган юрак дарёсига тегиб турган дёланинг сўлмай туриши аниқ. Бу ҳолни фақат тепадаги «аҳли висол» вакили булбул англайди ва сайраб туради.

Бутун вужуди ва руҳияти ишққа айланган Ёзига табиат ҳамдард. Оламнинг яхлитлиги — инсон ва табиат бирлиги — ҳайвонлар, қушлар, гуллар, ҳашаротлар, тоғу тошлар мисолида берилган. Ёзи билан Зебо муҳаббатига уларнинг бари ҳамдард, улар ишққа ҳомий, чунки бунинг барчаси Аллоҳ карами билан яралган. Туя, от, сигир, эчки каби ҳайвонлар, булбуллар, оқ каптар, чуғурчук, мулатўрғай, чупоналлағич, кўк каптар, жизилловук, турна, қалдирғоч сингари қушлар ва ҳашаротлар: қўзигул, бойчечак, чучмома, кизгалдоқ, лола, чирич, қоқигул, жупор, туятупон, буюдойик, нухатак. так-так каби гуллар ва шифобахш ўсимликлар ошиқ ва маъшуқа севгисига ҳамнафас. Ёзи ва Зебо муҳаббатидан улар ҳам ҳайратда. Шу ҳайрат боис Қўзигул:

Ошиқлиги рост бўлсин,
Кучоғинг гулга тўлсин,—

деб қувонса, Туятупон:

Дунёинг кенг берилган,
Бизларга танг берилган,
Зебожон ўйна, қувна,
Сизларга онг берилган,—

дея кенг дунёнинг қимларгадир торлигини, ўзи каби бир жойда сиқилиб яшасчилар борлигини таъкидлайди. Асли у туятупонмас, инсон. Аммо илоҳий ишқ насиб этмаган инсон.

Ёзи қалбида жўш урган муҳаббатни қарвонбоши, чўпонлар, деҳқон тушунмайди, ҳис эта олмайди, бироқ мавжудотлар бу ишқни олқишлайди. Шунинг учун:

Ҳамдардим йўқ биров келмас қошима,
Ошиқлик савдоси тушди бошима,
Девонаман келолмайман ҳушима,
Юрагимга ҳамдард бўлди гиялар,
Зебожонни биласанми туялар,—

деб Ёзи илтижо қилганда, забонсиз ҳайвонлар юришдан тўхтаб ётиб олади ва бош силкаб ёр манзилига ишора қилаверади. Ёзини ишқ, паришонликка, паришонлик ҳушдан ажралиб, девона бўлишига олиб келади. Девона ошиққа эса

ўсимлиқлар ва ҳайвонот дунёсининг ҳомийлиги, уларнинг ишқ йўлида ҳамфикрлиги илоҳий бирлик моҳиятини ифодалайди.

Ёзининг ошиқлиги охир-оқибатда уни ўзгалар англашига, бутун гўзал сурат ва сийратда улар кўз ўнгида намоён бўлишига олиб келади ва шу фурсатда у Ҳақга эришди:

Зебо учун Ёзи шунқор зорлади,
Муҳаббатдан сўм юраги порлади,
Ёлғончида кун бермайди Поён деб,
Саҳобалар чин дунёга чорлади.

Ошиқлар юраги, вужуди, ишқда ёниб порлаганда бу оламни тарк этиб боқийликка эришдилар.

Ёзи билан Зебонинг ёрда ғойиб бўлиши, ўлмаслиги улар ишқининг кучлилигини ҳам, қадимий эпос анъаналарини ҳам кўрсатади. Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида ғойиб бўлиш «Гўрўғли» биографик туркумининг сўнги достони «Ғойибнома»да ҳам ўз аксини топган. «Ёзи билан Зебо» дostonининг ғоявий мазмуни, бадиияти ҳақида, унинг ўзбек фольклоршунослигидаги ўрни тўғрисида кўплаб тадқиқотлар яратилиши аниқ. Аммо биз фақат биргина тасаввуфий ғояларнинг дostonда ёритилиши ҳақида бир оз мулоҳаза юритдик. Бу билан халқ эпосидаги тасаввуфий фикрларни чуқурроқ ўрганиш вақти келганини таъкидламоқчимиз, холос.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, «Ёзи билан Зебо» ота-бола Қодир бахши ва Қаҳҳор бахшиларнинг истъёоди, асар-бадиҳагўйлик маҳорати туфайли бизгача етиб келган асарлардан бири бўлиб, ўзбек дostonчилигидаги бир бўшлиқни тўлдирувчи эпос намунасидир.

СОЗ САЙРАЙДИ ҚЎЛИМДА

Шошмақомнинг ҳар бирида уч бўлим,
Оҳанглари дилларни айлар тилим,
Дўмбиранинг ўттизик мақомидан
Юздан ошиқ куй чиқиб яйрар дилим.

Инсон яратган бебаҳо мўъжизалардан бири шубҳасиз чолғу асбобларидир. Дуторнинг мунгли ноласи, танбурнинг ҳижронли навоси, найнинг хазин куйи, ногоранинг шўх овози, чанқовуз ва дўмбиранинг гоҳ ўйноқи, гоҳ ғамгин са-

доларини тингламаган ким бор?! Уларнинг ҳар бирида ўзгача оҳанг, ўзгача жаранг ва жозиба мужассам. Бу чолғу асбоблари устаси кўлига тушганда фақат овоз чиқармайди, чолғучи маҳорати билан инсон дардини айтиб йиғлайди, шодлигидан қувнаб ўйнайди. Оҳангларда бизнинг қайғу-аламларимиз, қувноқлигу бахтиёрлигимиз, ўй-кечинмаларимиз, орзу-армонларимиз, тарихимиз ва бугунимиз ўз аксини топади. Оҳанглар сўзлайди, оҳанглар бўзлайди. Шу боис бахшилар созсиз-дўмбирасиз куйлай олмайди, санъаткор чолғу асбобсиз маҳоратини кўрсата олмайди. Халқимизда, хусусан Жанубий Ўзбекистонда чолғу асбоблари, уни чалувчилар. айниқса, дўмбира ва дўмбиракашлар тўғрисида ўнлаб ривоятлар, афсоналар, кўшиқ ва термалар яратилган. Бу афсона ва ривоятлар, албатта, ҳаётини заминга эга. Дарвоқе, куйидаги ривоятни ҳам биз 1969 йилда ёзиб олган эдик:

Айтишларича, Ғўҷчи бахши Сайхон деган қишлоқда яшовчи Номозбойнинг тўйида шерободлик машҳур дostonчи Шерна билан учрашиб қолибди. Шерна Ғўҷчини аввалдан танир экану, аммо тан бермас экан. Шу боислан бир-бировини синамоқчи бўлиб, икки бахши дoston айтишиб беллашибди. Тун ярим бўлса ҳам улар дoston айтишдан тинмабди. Бир пайт қарашса, Шернанинг олдида битта ҳам одам қолмабди, Ғўҷчи шоирга оғиб кетибди. Ғўҷчи шоир дoston айтишдан тўхтаб: «Қалай, шоирлигимга энди ишонгандирсан?», дебди. Шерна: «Йўқ, тан бермадим», деб жавоб қайтарибди. Ғўҷчи қандай қилса дostonчи шоир эканлигига тан беришини сўраганда, Шерна шундай дебди: «Эрта бўладиган тўрт минг отлик кўпкарини чоптирмай тўхтаиб, чавандозларни олдинга энкайтириб олиб келиб қўйсанг, шундагина зўрлигинга қойил қоламан». «Хўп, сен айтганча бўлсин», дея Ғўҷчи тонг отишини кутибди. Тонг отдеч, Номозбой катта тана сўйдириб, тўрт минг кишилик чавандозлар орасига ташлаб кўпқари берибди. Кўпқари айни кизиган пайтда Ғўҷчи шу яқин орадаги тепа устига чиқиб, дўмбира чертиб кўшиқ айта бошлабди. Шунда шоир сати ва овозининг сеҳрига берилиб кетиб, тўрт минг отлик бирин-кетин келиб унинг атрофига йиғилибди. Тўй эгаси чошиб келиб Ғўҷчига: «Мақсадинг нима, тўйни бузишми? Кўшигингни тўхтат, кўпқари чопилмай қолди. Мен бу кўпқарига фалон сўм сарф қилганман», дебди. Бироқ бахши қулоқ солмай айтишда давом этгач, бой дўқ-пўписага ўтибди. Ниҳоят, Шерна Ғўҷчининг дostonчилик маҳоратига қойил қолиб: «Кўшигингни тўхтат, мен бахшичилигинга тан

бердим», деб имо-ишора қилгач, бахши айтишни бас қилибди. Ҳеч нарсадан беҳабар бой эса, шоир таклифимни бажариб, қўшиғини тамомлади деб, Ғўччиға бош-оёқ сарпо берибди. Қўпкари давом этибди.

Ривоят ёзиб олингандан ўн уч йил ўтгач, айна баҳор пайтида Қодир бахшининг таклифи билан Қашқадарё вилоятига йўл олдиқ. Сафаримизни Шаҳрисабзда ўтказиладиган республика бахши шоирлари танловидан уч кун аввалга мўлжаллаб, Қодир бахшини мириқиб тингламоқчи, унинг ижод уммонидан айрим дўстларни баҳраманд этмоқчи эдик. Биз билан таниқли фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов, фалсафа фанлари доктори Усмон Қорабоев, шоир Муҳаммаджон Раҳмон, рассом Чори Бекмиров сафарга отланди. Дехқонободга етиб келганда қош қорайган, ёмғир жим-жим томчилаб турар, шу боис Қодир бахши яшайдиган Хўжамаҳмуд қишлоғига бориш имкони йўқ эди. Бу кеча Дехқонободда тунаб, тонг отгач, йўлда давом этмоқчи бўлдиқ. Сухбат қизиган бир пайтда, ижодкорлар келганини эшитган Юсуф Раҳматов, Норсафар Ёқубов етиб келишди. Магнитофонда Қодир бахшининг термасини тинглаётган Ҳожиакбар Шайхов: «Эҳ, Қодир аканинг ўзидан шу қўшиқни эшитмадик-да, шу топда бўлсайди», деб қолди. Бу гапни эшитган Юсуфбек соат тунги ўн бўлишига, ер намгарчилигига қарамай, «Ёзувчи бово, бир соат ичида бахшини шу ерга етказамиз. Машина бор. Сизларни олиб борай десам ҳам кеч бўлди, ҳам «Жигули»га сиғмайсизлар», деб Норсафар иккаласи жойидан кўзгалди. Биз йўл лойгарчилик эканини, бормаслигини айтсак ҳам унамай кетишди. Бир эмас, икки соат ўтди ҳамки, улардан дарак йўқ. Тошкентдан Дехқонободгача автобусдан автобусга ўтиб юриб чарчаган меҳмонлар кўзи илина бошлаганда Қодир бахши кириб келди. Даврага қайта файз кирди. Бахшининг қўлига дўмбирани тутқаздик. Бахши созни олди-ю, созга сўзни жўрлай кетди:

Баланд товнинг қори бор,
Яхшининг дўст-ёри бор,
Уйқудайдим уйғотиб,
Деди: «Меҳмон зўри бор».

Кўнмай бахши додига,
Миндирдида отига,

Уйдан олиб жўнади,
Кулоқ сонг фарёдига.

Йўлларда кўп сой экан,
Ҳар селгада лой экан,
Ботиб қобди жийрон «от»
Лойда ҳоли вой экан.

Икков суриб изидан,
Тер томчилаб юзидан,
Амаллаб олиб келди,
Айт дўмбирам, созидан...

Қодир бахши ҳамишагидек бадихағўйлик йўли билан айтувчиларнинг бориши, етиб келиши ва даврадагиларнинг ўтириш-туришини ярим соатча куйлади. Термадан дoston-га ўтди. Ора-орада ижодий суҳбат давом этди.

Эртасига Дехқонободдан эллик чақиримча узоқликда бўлган Оқмачит қишлоғи томон йўл олдик. Бизни туман шифокорларидан бири Исмоил Махмудовнинг ўғиллари-га бераётган суннат тўйига Қодир бахши таклиф этиб: «Ўзбекнинг шаҳардамас, узоқ қишлоқдаги бир тўйини ҳам кўринглар, айниқса, чинакам кўпқари томошасидан баҳраманд бўлинглар», деб отлангирди. Ўт-майсалар, ёввойи гуллар, қип-қизил қизғалдоқзорлардан ўтганча, Дархон қишлоғи атрофидаги бу табиат гўзаллигидан хайратга тушиб, кўпқари бўладиган Оқмачит қишлоғи қирликлари (аслида тоғнинг қуй қисми бўлиб, тоғлик жойда бўлганимиздан бизга тепаликдай туюлар эди)га етиб келдик.

Кун чошгоҳга келиб бу ёғи Қашқадарё у ёғи Сурхондарё, Тожикистон ва Туркменистондан чавандозлар етиб келган, улоқчи баҳодирлар оҳиста отини созлаб, ўзгаси у ён-бу ёнга ҳайдаб кўпқарига тараддуд кўрар, тутушиб кетган учта тепаликдан юзлаб томошабинлар жой олган эди.

Ҳамма йиғилиб бўлгач, баковул кўпқари бошланганини эълон қилиб, сўйилган катта бир серкани ўртага ташлади, дастлабки соврунни (зотни) эълон қилди. Ўртада етти юз-саккиз юз от. Бир-биридан қолишмайди. Ҳар бири осмонга сакрайди. Улар кўпқарини, кўпқарида зиммаларига тушадиган оғир юмушни ҳис қиладилар. Зеро, моҳир чавандозлар бир-бирини яхши билгани каби, тулпор отлар ҳам бир-бирини англашади. Отларнинг ҳовридан осмонни булут қоплагандай бўлса, чавандозлар қийқириқларидан

дараю даштлар гумбурлайди. Кўпқари авжига чиққандан чиқиб борар, соврунларнинг қиммати ва миқдори кўтари-лар, отларнинг кишнашию Алпомиш, Гўрўели, Аваз, Нурали, Рустамбек келбат чавандозлар ҳайқирғи оламини тутарди. Ҳа, ҳамма ёқни отларнинг кишини ҳайратга солувчи дупур-дупури, улоқчи чавандозларнинг «Олҳо-ол», «Бўлха-бўл», «Кувха-кув» деган овозлари босиб кетди. Кулоқлар қоматга келди.

Тошкентлик меҳмонлар, Қодир бахши ва унинг мух-лислари қир ёнбағрига ташланган гилам устида ўтириб, кўпқарини зўр иштиёқ, фавқулодда завқ-шавқ билан бери-либ кузатардик. Бизнинг кўпчилигимиз яқин-яқинда бунчалик кўп чавандоз иштирок этган, ниҳоятда мардлик, сабот, чидам, ақл-идрок, илдамлик, кучлилиқ билан соврун айирадиган кўпқарини кўрмаган эдик. Вақти-вақти билан шу ерда ҳам меҳмондан хабарлашиб туришни унутмаган тўй эгаси ёки бахшининг дўстлари учқур отда бир зум елиб келиб аҳвол сўраб кетарди. Бир пайт даврамизга кириб қолган ўрта яшар одам: «Қодиржон, кўпқари ҳам бўлавера-ди. Уз оёғингиз билан келибсиз, бир-икки овуз терма ки-либ туринг. Мен Тожикистондан келганман. Сизни тўйга келади деб эшитиб, кечадан буён кутаёпман. Ҳозир Кенжа Холиқов кўрсатди», деди. Илтимосни йўқ демайдиган, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмайдиган Қодир бахши: «Ҳа, майли, сасингиз ерда қолмасин, меҳмон экансиз», деб соз-ни қўлга олди. «Отни ҳайдаш» нағмасини чертди. Энди ёнимизда дўмбирадан отлар туёғининг овози тарала бош-лади. Кўпқаридаги отлар дупури дўмбирага кўчдимиз, дўмби-радан отларга?! Ҳар иккиси уйғунлашиб кетганди. Бахши томоқ кириб олди-да тўйни, кўпқарини, биз меҳмонларни таъриф-тавсиф қилишга ўтди.

...Оқмачитда сайраб куйла, дўмбирам,
Кўпқарини яйраб сўйла, дўмбирам,
Тўй эгасин мақтаб-мақтаб айтмасанг,
Хафа бўлар ўзинг ўйла, дўмбирам.

Сен деб келган Тошкентдан кўп меҳмонлар,
Малик Мурод, Ҳожиакбар, Усмонлар,
Абдиолим ҳам Муҳаммад Раҳмонлар,
Чори Бекмир кўнглин очгин, дўмбирам.

Кўпқарига кўшиб сендай боримни,
Тарқатайин юрагимда черимни,
Ғанимлардан олай доим оримни,
Тўй эгасин зотин олгин, дўмбирам...

Қодир бахши ўзи сезмаган ҳолда овозига эрк берганди. Унинг сасини эшитган Дўса чавандоз айириб чиққан соврунни ташлади-да, бахши ўтирган жойга етишди. Бу вақт бахши авж пардада Авазхонни зор-зор йиғлатиб Нурали фарзандини, Гулнор жигарбандини, Узумқўз севар ёрини излатарди:

...Ой тувади нечалар-ей, нечалар,
Кўзасин кўтариб турган чечалар,
Жилик ошиқ ўйнаётган бачалар,
Қирғизми, қозокми, тили ғалчалар,
Онажон деб икки болам ўтдимми?

Соз инглаб, бахши бўзлаб турганда чинакам мўъжиза рўй берди. У ҳеч ҳам қутилмаганда содир бўлди. Атрофимизни сон-саноксиз отлар ўраб олди. Дўса чавандоз тулпоридан сўнг ўзга отлар ҳам чавандоз эгалари йўлига юрмай, эгасига жилов бермай бахши турган жойга кела бошлади. Энди тулпорлар кишнамас, чавандозлар хайқирмас, фақат улардан хил кўтарилар, чуқур-чуқур нафас олишлар узра бахши овози ва дўмбира оҳанги жарангларди. Шунда кўпкарининг боқовули келиб: «Жон бахши, айтишни тўхтатинг, кўпқари тўхтаб қолди», дегач, дўмбиранинг бўзлаши тинди. Аммо от устида турган бир чавандоз: «Қани Қодир ака, айтаверинг. Улоқ чопилаверади, Аваз болаларини топадимми, йўқми билайлик», деди. Даврада не қиларини билмай жим турган тўй эгаси: «Қодир ака кўпқаридан кейин бу кечаси билан куйлайди», дегач, Қодир бахши: «Ҳой элимнинг Алпомишлари. Гўрўғли-ю, Авазхонлари, Рустаму достонлари, айб менда. Бу кишининг кўнглини қолдирмай деб соз ва сўзга эрк берибману кўпқари тўхтаб қолибди. Ҳой паҳлавонлар, ор олиб юрган чавандозлар, улоқ улоқдай ўтсин, бахшини эшитаман деганлар улоққа етсин, мардлар олдинга ўтсин, чопқир отли чавандоз ютсин, йиғилган совринлар ҳам зўрга кетсин. Қани кўпқарига ташланглар олган олсин, олмаганам олсин, Исмоилжон хурсанд бўлсин, тўйидан кўнгли тўлсин, томошоларинг элга дoston бўлсин, овмин Аллоху акбар», деб юзига фотиҳа тортди. Бахши даъвати-ю фотиҳасидан сўнг чавандозлар яна кўпқари чопиш учун майдонга от сурдилар. Биз Қодир бахши маҳоратига, ижодкорлик салоҳиятига, сўз ва сознинг таъсир кучига, қандайдир илоҳий кудратига қойил қолиб, қайта-қайта офаринлар айтдик. Узоқ йиллар аввал Қодир бахшидан ёзиб олган ривоятларимизни бахшининг ўзи ҳақиқатта айлангирган эди.

Бу тўй барча учун, айниқса, тўй эгалари ва Қодир бахши учун бир умр ёдда қолашли таассурот қолдирди. Зеро, Ҳ.Шайхов ўша ердаёқ: «Бу мўъжиза олдида, дўмбира оҳанги ва Қодир бахшининг сеҳрли овози қаршисида нафақат биз ерликлар долмин, балки ўзга сайёраликлар ҳам ҳайратга тушган бўларди. Ҳатто улар бу сеҳр қаршисида ўз сайёрасидан воз кечиб ерда яшаб қолаверди», деб баҳо берди. Ҳақиқатан ҳам адиб шу кўрганлари таъсирида «Дархон кўшиги» ва «Эльфалик меҳмон» фантастик асарларини яратиб, ўзбек, қолаверса, умумтуркий адабиётда биринчи бўлиб бахшининг бадиий образини яратди. Усмон Қорабоев ўзбек миллий ўйинларининг тарғиботчиси ва ташкилотчисига айланди. Чори Бекмиров Қодир бахши сиймосини, кўпқари тасвирини бўёқларда жилолантиришга киришди.

Ҳайратланарли жойи шундаки, Қодир бахши дўмбирани ушлагандан қандайдир куч сизни тинглашга, кузатишга мажбур этарди. Бармоқ торга теккандан аллақандай сеҳрли садо ўзига жалб қиларди. Бунинг сирини, боисини ҳеч ким, биз ҳам англамасдик. У черта бошладими бас, вужудимизда ажиб ҳис-туйғулар уйғонарди. Бошқа чечан ўзбек достончилари сингари Қодир бахши ҳам дўмбира чертиб кўшиқ айтарди. Улардан фарқи дўмбирани кўп чертарди, хўп чертарди. Ҳар тонгда уйғонар экан, ҳали жойидан турмай дўмбирага қўл чўзиларди. Ўзининг кайфиятига қараб икки-уч куй чаларди хаёлга толиб. Бу куйлар кўпроқ «Келаной», «Лақай йиғлаш», «Хонимой», «Сарвиноз», «Охува» ёхуд ўзга бир қолирона бўларди. Куй таъсирида бугунги ҳаётга, ишга ёхуд ўзга хизматга отланарди. Бекор қолганда, албатта қўлида дўмбира бўларди.

Бахшини ижод қилмайди, анъанавий куйларни такрорлайди дейиш хато. Қодир бахши ҳар куни, ҳар лаҳзада ижод қиларди. У айтмоқчи бўлган ҳар бир термасига, достондаги ҳар бир ўринга мусиқа ахтаради. Унингча соз ҳам, сўз ҳам, бахши овози ҳам бирдек ё ғамгин, ё шодон, ё шўх, ё сокинликда бир-бирига мос бўлмоғи шарт эди. Шу боис у куйлаганда кўз ўнгингизда шикорга кетаётган ёки ови бароридан келган қувноқ баҳодирни шўх (бу аснода дўмбира шўхчан чалинади), жангу жадалда эса халқ қаҳрамонини жасур, (бу аснода дўмбиранинг жангари овози баралла янграйди), пойгада бўлса чавандознинг шиддатнок куйи авжга чиқади, ботир сафарга чиққанда отнинг дупур-дупури (бу аснода дўмбиранинг оҳанглари от туюқлари овозига мосланади), ботир бошига мусибат тушганда аламзада (бу

аснода дўмбира мунгли садолар чиқаради) ҳолатда гавдалантиради. Дўмбира оҳанглари юмористик ўринларни нақадар енгил, шўх ифодаласа, айрилиқ лаҳзаларида бўзлаб-бўзлаб йиғлайди. Бунинг барчаси айрим фольклоршунослар эътироф этгандек 20-30 ёки баъзи мусиқашунослар ўйлаганчалик 3-4 оҳанг, куй орқали рўёбга чиқмайди. Қодир бахши беҳудага «юздан ортиқ куй чалиб яйра дилим», демайди.

Фольклоршуносликда эътироф этилган дўмбиранинг ўттиз икки нағмаси ўттиз икки куй дегани эмас. Олий маълумотли педагог Қодир бахши Шашмақомдан ҳар мақомнинг уч бўтоққа бўлинишини, бўтоқларнинг ҳам кичик бўлакларга ажралишини яхши билади. Шу боис ҳам дўмбира куйлари ҳақида ифодали қилиб:

Шашмақомнинг ҳар бирида уч мақом,
Оҳанглари дилларни айлар тилим,
Дўмбиранинг ўттизик нағмасидан,
Юздан ошиқ куй чалиб яйрар дилим,—

дейдики, бунга ишонмоқ керак. Фикримизнинг далили сифатида фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров Ҳайим бахши Пиримқул ўғлидан дўмбирада ижро этилган 80 куйни магнитофонга ёзиб олганини айтиш кифоя. Ёки 1969 йили Шеробод дostonчилик мактаби вакили Қодир бахши ва Бешқўтон (Бойсун) поэтик мактаби намояндаси Аваз дўмбиракашнинг Шўрчида бир кеча фақат дўмбирада баҳслашганига гувоҳ бўлганмиз. Эътиборли томони шундаки, ҳар икки созанда бир-бирининг ижросини такрорламаган тарзда беш ярим соатда навбатма-навбат куй ижро этиб, бир-бирини мағлуб эта олмади. Ҳолбуки, шу муддатда 80 дан зиёд куй ижро этган эди. Бу далиллар дўмбирада нота бўлмаса ҳам, унинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини асослайди. Икки торда шу қадар хилма-хил садолар чиқишига ҳатто мусиқашунослар ҳам ишонмайди. Бошқа бир гуруҳ мусиқашунослар эса уни ўтмишдан ёдгорлик, замонавий оҳанглари мутлақо ижро этиш мумкин эмас, деб ўйлашади.

1982 йили Олмаотада Шарқ халқлари эпоси мусиқаси мавзуида Халқаро анжуман ўтказилди. Унда Қашқадарёдан Қодир бахши, Намангандан 103 ёшли Маҳмадрайим бахши, фольклоршунослар Тўра Мирзаев, Абдумўмин Қаҳҳоров ва шу сатр муаллифларидан бири ҳамда консерваториядан икки мусиқашунос иштирок этди. Иккинчи куни соат тунги 11 ларда «Олмаота» меҳмонхонасидаги биз турган хонага кел-

ган мусиқачилардан бири дўмбирани ушлаб: «Дўмбира нима, динғир-динғирда. Икки-уч куй чалинадими?», деди нописандлик билан. Буни эшитиб камдан-кам аччиғи чиқадиган Қодир бахши шу қадар ғазабландики, ўлжасига ташланадиган шердай хурпайиб, дўмбирани юлқиб олди-да: «Хўш, ўзга ерда ўзникини унутганлар, дўмбирада қандай куй чалайин? Қадимийми-замонавийми, шўхми-қайғули?!», деди-да «Чўли ироқ»ни черта қетди. «Ноталар бузилиб кетмадими, сизлар мусиқачику. Яхшилаб кузатинглар», деб «Андижон полкаси»ни ижро этишга ўтди. Озгина ширакайф мусиқашунослар хатосини англашди, шекилли, кечирим сўрашди. Аммо Қодир бахши хуморидан чиқмаса қўймас эди. У ўз рақибларининг бахшилардан беҳабарлигини, икки кундан буён зиёфатма-зиёфат юришини ҳажвиёт камчиси билан «савалай кетди». Улар шу окшом бахшидан қочиб кутулди ва эртаси эрталабдан уни тан олиб, халқ мусиқасини, дўмбирани эътироф этиб узр сўрашди. Ажабки, кейинчалик уларнинг бири халқ бахши-шоирлар кўрик-танловида дўмбира оҳангларига баҳо берувчи ҳакамга айланди. Фан доктори, профессор бўлди, аммо ҳамон дўмбира куйларини билмайди. Ўшанда Қодир бахши ўзига эмас, асрлардан буён бахшиларнинг дил таржимони бўлган, халқни қалбидан мустаҳкам ўрин олган дўмбирага хурматсизлиги, лоқайдлиги учун мусиқашунослардан қаттиқ ранжиган эди. Аслида бахши ўзини худа-беҳуда хурмат қилмаганларга, ҳатто ёмонлик қилганларга ҳам аччиқланмас, уларни кечириб юбораверар эди. Ўзи эса бирон мусиқа асбобини камситмас, хайратланарлиси, барча мусиқа асбоби: рубоб, дутор, тамбур, тор, доира, сибизик, чанқовуз, кўбиз, гитарау пионинани маҳорат билан чертарди.

1983 йилнинг баҳорида Фарғонанинг «Чимён» санаторийсига бахши билан дам олгани бордик. Йил ўн икки ой дўмбира чертишдан бахшининг тирноқлари ейилиб кетган эди. Шу боис йигирма тўрт кун дўмбира чалмасликка, айтмасликка аҳд қилиб, созни ҳам олмади. Аммо биринчи кундаёқ Қодир бахшини телевизорда кўрган икки, даврасида бўлган уч таниш чиқиб қолди. Бахши улардан дўмбираси йўқлигини, созсиз айта олмаслигини баҳона қилиб кутулди. Кўшни хонадаги икки аёл кундузи ҳам тунда ҳам баланд овозда ҳиргойи қилиб тинчлик бермай қўйди. Учинчи кун улар бошлаганда, Қодир бахши ҳам Комилжон Отаниёзов овозига тақлид қилиб баланд овозда куйлай бошлади. Бу икки томонлама «айтишув» кечкурун ҳам да-

вом этди. Ниҳоят эртаси куни опалар қўшиқ айтмай қўйишди. Бешинчи куни эса сайр чоғи Қодир бахшини йўқотиб қўйдик. Маданият уйининг иккинчи қаватидан шўх мусика ва ўйин кулги жарангларди. Чикиб борсак Қодир бахши пионина қаршисида ўтириб «Лазги»ни чалар, дам олувчилар қарсак билан жўр бўлар, ўртада ўйин кетарди. Шундан бошлаб зерикканида пионина ёнидан жилмайдиган бўлиб қолди. Албатта, бахши ташқи овозда санъаткорлар йўлида куйлаши, барча созларни черта олиши бизни қизиқтириб, бу ҳақда сўраганимизда шундай деди:

— Мен мактабда мусикадан дарс бераман. Биласизларки, бизнинг замонамизда ким кўп, текширувчи кўп. Уларнинг кўпчилиги дўмбиранинг минг йиллик соз экани, авлодларимиз унда ўз дард-армонларини ифодалаб келганини унутишиб фақат рубоб, гитара чалсанг мусикачи дейдиганлар хилидан. Шу боис ҳам мен уларни тез ўзлаштирадим. Ёшлик экан, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовларга ки зикиш эса мени очик овозда уларнинг йўлида қўшиқ айтишга ўргатди. «Қодир бахши болаларга 3-4 та дўмбира оҳанги ўргатиб-ўргатмай ҳақ олиб юрибди», деган текширувчилар ҳам бўлган. Улардан замонавий созлар билан артистлардек ашула айтиб қутилганман. Менимча, бир созни билган одам кунт қилса, бошқасини ўрганиш қийин эмас. Аммо барибир энг оғири дўмбирадир. Чунки унда ноталар йўқ. Дўмбиракашнинг сезгирлиги, бармоқлар топқирлиги ноталар ўрнини босади. Ноталарга ўрганган ўзга созандалар эса дўмбирани чала олмайдилар.

Бахши ҳақ. Ўзга созандалар дўмбирада ҳам инсон руҳиятининг хилма-хил товланишларини бера олишмайди. Бахши эса бу созни шу даражада сайратадики, нафақат одамлар сел бўлар, балки отлар чопишдан тўхтар, улоқдан бош тортар, қушлар сайрашдан қолар, туялар бош ирғиб ётиб олар, булбул хонишдан тинарди. Қодир бахши қўлида сайраган бу соз овозида ҳам сеҳр, биз тасаввур этмаган илоҳий қудрат бор эди. Етти ёшдан уни қирқ йил қўлдан қўймаган бахши ҳар куни дўмбирасига дардини айтар, ўзи айтганидек юрак черини у билан чиқарарди. Бу оламда ҳеч ким, ҳеч нарса дўмбираси қадар Қодир бахшига сирдош бўла олган, бахши дардларини тинглай билган эмас ва ҳеч ким, ҳеч нарса бахшига дўмбира қадар қувонч, қанотли умидлар бахш эта олмаган. Табиатан камгап, камсуқум, камтар инсон дўмбирани олиб, унинг қулоғини бурагандан, қўли торга теккандан фавқулодда чечан, сўзамол бўлиб қолардики,

ҳар бир гап маънодор сажъ билан, ҳар сатр куйма бадий юксак тарзда тилдан дилларга кўчарди. Бу ҳозиржавоблик, сўзамоллик боис дўмбираси-тулпори ҳақида Қодир бахши бир-бирини такрорламайдиган термалар, тўртликлар тўкиди.

Қодир бахши: «Дўмбирам нағмаси сувдайин оқди, юлдузлар шод бўлиб машъалин ёқди», дер экан, унинг садоси билан ўз сасининг уйғун келиши тенгсиз рухий куч-қудрат яратишига ишонар эди:

Дўмбиранинг кўшша тори,
Шошган Жайхун эди-ей,
Бахши савр жаласида
Тошган Сайхун эди-ей.

Қора тош ҳам қаршисида,
Бошин эгиб турарди,
Булутлар ҳам чўкиб тушар,
Кўз ёш тўкиб турарди.

Гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдириб,
Кексани — ёш қилди-ей,
Йўқ нарсани бор қиларди,
Тошдан ҳам ош қилди-ей.

Соз қудрати, сўз сеҳрини ифодалаш учун куйчи ўзи билган, қудратли деб ҳис этган табиатдаги жисмларни, ходисаларни олади. Бошқа бир ўринда дўмбиранинг кўш тори-дан бирини Сайхун, бирини Жайхун деб олса, ушбу ўринда сознинг икки торини Жайхуни жамлагани ҳолда бахшининг айтишини Сайхунга менгзайди. Яна қодирона маҳорат билан топилган қиёсларга дуч келамиз. Дўмбиранинг кўшша тори биргаликда сеҳрли садолар чиқаради ва ҳар бир садо узлуксиз давом этади. Жайхун суви ҳам узлуксиз шиддаткор оқмоқда. Сувнинг оқиши ва куйнинг торлардан парвози, сувнинг ҳаётбахшлиги ва куйнинг руҳбахшлиги, сувнинг тезлиги овози ва куйнинг тезлиги, янграши — булар ниҳоятда мос ўхшашликлар. Банднинг сўнгги икки мисраси — «Бахши савр жаласидай тошган Сайхун эди-ей» куйловчи ҳақида. Дўмбира оҳангида саврнинг жаласи ишлатилмайди. Чунки дўмбира оҳангига савр жаласини қиёслаш мумкин эмас. Боиси савр жаласи узоқ давом этмайди, қисқа, аммо қайта-қайта рўй беради. Жаланинг ўз шовқини, ёмғирнинг ўз овози бор. Бахши итҳом билан куйлар экан, унинг овози

дўмбира оҳангидек узлуксиз эмас. Куйловчи бандлараро, мисралараро киска ё узун пауза қилади, шунга мажбур. Бу нафас олиш тухталишларсиз бахши овозининг товланишини, таъсирини англаш мушкул. Савр жаласи гоҳ қиска, гоҳ узокрок муддатда ёғиши билан Сайхунни тоширса, бахши ўша маълум паузаларга риоя қилиб ижро этиш билан дилларни тоширади. Қодир бахши куйчи ва сознинг руҳий кудратини, инсонга таъсирини кўрсатиш учун сўнги бандларда фикрини изчил давом эттиради. Соз ва сўз сеҳридан Қора тош бош эгиб, булут кўз ёш тўкиб, тингловчига гоҳ кўз ёш тўкиб, гоҳ шодон кулиб турганда, онги, шуури ўзида бўлмаган, дoston ёки воқеаларни ўз бошидан ўтаётган воқеалар сифатида руҳиятга берилган тингловчи ўзини Алпомишдек, Аваздек, Нуралидек ёш, кудратли сезишга, тошдан ош бўлишига ишониб қолишига шубҳа қилмаса бўлади. Шу ўринда Қаҳҳор бахши Қодир ўғли айтиб берган куйидаги воқеани эслаш ўринлидир:

...Кунтуғмушнинг фарзандлари Моҳибой билан Гуркибойни уйкуда жаллодлар ушлаб, икки кўлини боғлаб аччиқ камчини елгага ташлаб ҳайдаб келаяпти. Бахши икки болани аро қақшатиб, жаллодларга мард бўлсаларинг кўлимни бир мартага ечиб, бир курашинглар деб ёлворишини, аммо душманларнинг баттар азоблашини ёниб, ўртаниб куйляпти. Болалар қанча ялинмасин жаллодлар шунча жабр қилмоқда. Дoston шу ўринга келганда Қодир бахши «Эй йигитлар, бир нос отиб, озрок дам олайлик», деб дўмбирани кўяди. Шу вақт уйнинг тўридан қаттиқ сўкинган овоз эшитилади. Ҳамма ўша ёққа қарайди. Қирк ёшлардан ошган меҳмон кўзида ёш билан жойидан турганча йиғлаб: «Ҳой Қодир ака, номард одам экансиз. Бир мартагина Моҳининг кўлини кўйиб юбормадингиз-а. Шу бир мартагина кўлини ечинг, қани нималар қилар экан? Сағир бола армон билан ўлиб кетаверадими? Ҳозир ўлдириб кўяди, бечорани кутқазинг», деб ялинар эди. Бу сўздан даврада жонланиш бўлди. Қодир бахши эса кулиб жувон сонига бир шаппатлаб уриб: «Ҳой оғам-ей, бу дostonку, дostonда ҳар хил воқеалар бўлади. Моҳибойга ичингиз ачиган бўлса ҳозир кўйиб юборамиз носни туфлайлик», деб дўмбирасини кўлига олди. Бошқаларнинг кулгисидан, бахшининг сўзидан меҳмон хижолат бўлиб: «Кечирасиз Қодир ака, Моҳибойнинг нолишига чидай олмадим, берилиб кетибманда», деб кўз ёшларини артди.

Ҳа, дoston воқеаларига тингловчиларнинг сингиб кетиш ҳоллари кўп бўлган. Туркманистонлик мезбон воқеа-

лар давомини эшитмай қолишдан чўчиб, тирик ҳисори кўйни думбасинигина кесиб куйруқ ёғ эритиб келган бўлса, деҳқонободлик мухлис Авазнинг қўлини боғлатиб, жодугар кампирга кўтартириб, уни ёғ қайнаб турган қозонга ташламоқчи бўлиб турган жойида айтишдан тўхтагани учун бахшини ҳақоратлаб юборгани ҳам ривоят эмас, ҳақиқат.

Қодир бахши дўмбирани қўлга олгандан созга, сўзга бериларди. У инсон сифатида ўз дардларини ўзгага айтишини, дoston қилишни тамом ёқтирмасди. Қайғусини ҳеч кимга айтмас, ичига ютар, ўзгаларни ўз ташвиши билан безовта этишни истамасди. Шундай ҳолларда, кимдир алдаганда, ўзга биров озор етказганда хаёлга толганда, ижодга берилганда дўмбира чертарди. Шодон ҳолларда ҳам уни тингловчиси соз эди. Куйлар бахши дарди, дунёсининг дўмбира торлари орқали янтраган садолари эди. Унинг бошқа бахшилардан фарқли жиҳати ўзи ижро этган ҳар бир дўмбира нағмасининг яратилиши ҳақида афсона ва ривоятни ҳам билар эди.

Қодир бахши хаёлга толиб, ижро этадиган куйлардан бири «Хонимой» бўлиб, уни ҳамма ижро эта олмайди. Қодир бахшининг бу кўйни ўрганиш тарихи куйидагича бўлган. Қизкудук деган жойдаги бир чўпоннинг тўйида дoston айтаётган Қодир бахшининг тингловчилар орасидаги саксон ёшлар чамасида момога кўзи тушади. Момо шомдан тонггача кўзғалмай, кўз ёшини тўхтатмай дoston тинглайди. Тонг отгач, асар тугаб, ҳамма тарқалганда ҳам момо кимирламайди. Момо бахшига узоқ дуо бериб, қайтишида бир пиёла чой ичиб кетишини илтимос қилади. Бахши тўйдан қайтаётиб, айтилган жойга киради. Мезбон бахшига чой-нон кўйгач, деворда осилиб турган халтани олади, ундан дўмбирани чиқариб, торларини бир-бирига мослайди-да, чала бошлайди. Ўша хазин, юракларни сел қилувчи бу нолаларни ҳали Қодир бахши эшитмаган эди. Шу боис кампир бармоқлари остидан таралаётган оҳанг бахшини ҳайратга солиб, кўзларига ёш эндиради. Куй тингач, момо эри Мардон зўр дўмбиракаш бўлганини уни оқ подшо мардикорликка олиб кетгач, қайтмаганлиги боис бева қолиб, азобукубатда яшаганини, ёрига бўлган соғинч ва айрилиқ азобидан шу кўйни яратганини ҳикоя қилиб беради. Қодир бахши момодан ўрганиб олган кўйни унинг исми билан «Хонимой» деб атайди. Шу-шу куй Қодир бахшининг севимли нағмасига айланиши билан бирга ўзга бахшилар репертуарига ҳам ўтиб яшай бошлайди.

Қодир бахшининг созандалик, дўмбиракашлик репертуарида қайд қилинганлардан ташқари, «Оҳ-воҳ», «Ҳала туям», «Кўй қайтариш», «Кўй сугориш», «Келиной», «Келиной нағмаси», «Иззатой нағмаси», «Келмади», «От хайдаш», «Айрилиқ», «Шерна куйи», «Умир куйи», «Мардонақул куйи», «Турди шоир куйи», «Хушвақт нағмаси», «Қора бахши сози», «Ражаб шоир сози», «Фарибнома», «Келинойнинг юриши», «Келинойнинг ўтовга кириши», «Охува», «Қахрамоннинг сафари», «Тўрғай ноласи», «Жангнома», «Чўпонча», «Қўнғирот», «Лақай», «Давра чертиш», «Дўмбирани синаш куйи», «От чопиши», «Шотўра куйи», «Омонниёз куйи», «Қилич бобо куйи», «Алихон куйи», «Алим бахши куйи», «Хайим бахши усли», «Йиғи-йўқлов», «Каклик овлаш» ва ҳоказолар бор эдики, уларнинг ҳар қайси маълум бир воқеа ҳодисани, у ёхуд бу туйғуни, рухий кечинмани акс эттиришга хизмат қилади.

Достон матнларини кўп билишда Қодир бахши қанчалик иқтидорли бўлса, достон воқеаларига мос куйлар ижро этишда ҳам шу қадар маҳоратли эди. Ҳеч вақт матнни шунчаки истаган куйга солиб ижро қилмасди. Балки аввал дўмбирада куй чалар, куйнинг авжига кўра терма яратилар эди. Қодир бахши бармоқнинг торга тегишиданок, унинг ижрочиси кимлигини аниқ айта оларди. Қодир бахши дўмбираси овозини эшитган ушбу нақлнинг ҳақлигига шубҳа қилмайди.

Булбул дўмбира билан баҳслашиб қолибди. «Мен мингта куй биладан», дебди булбул. Дўмбира ҳеч нарса демай нағмаларини чиқара бошлабди. Соз минг биринчи оҳангда сайраётганда, булбул унинг дастасига кўниб «Бас қил, сенга қойил қолдим. Мендан кўра кўп ҳам, хўп ҳам билар экансан», дебди. Шундан буён дўмбира тилга кирдими бас, булбул куйлашдан тўхтаркан-да, секингина унинг ёнига учиб келиб хомуш куй тингларкан.

«ҚИБЛАГОҲИМСАН — ХАЛҚИМ, САЖДАГОҲИМСАН — ВАТАНИМ»

Қодир Раҳим ўғли термаларидан бирида халқини қиблагоҳ деб атаса, Ватанини муқаддас саждагоҳ дея таърифлайди. Дарҳақиқат, Ватанни севишни, ардоқлашни, миллатга садоқатни ўзбек бахши-шоирларидан ўрганмоқ керак. Зеро, бахши-шоирларимизнинг каттадан-кичиги Ватаннинг ҳар қарич ерини, унинг ҳар бир гиёҳини, дов-дарахтларини,

тоғу тошларию дарё-кўллари азият ва табаррук деб билади, уларни тўтиё айлаб, кўзга суртишни кўшиққа солиди. Не бахти, ҳаёт бўлган ва ўзбек бахшичилик санъатини елкасида кўтариб келаётган замондош бахши-шоирларнинг деярли барчаси билан дийдорлашиб, мулоқотларда бўлиш, терма-донстонларини тинглаш, дўмбиралари садоларини эшитиш шарафига муяссар бўлди. Айниқса, улар билан Ватан муҳаббати, миллий қадриятларимиз, бахшичилик санъати, халқ оғзаки ижоди муаммолари, шунингдек, истеъдод, санъаткор масъулияти, бурчи, руҳий олам, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ борасида дилдан суҳбатлашди. Амин бўлдики, бахшиларимиз — миллати, Ватани тақдири, хусусан, ёшлар камолоти борасида кўпроқ қайғурадиган, ўйлайдиган, сўз, соз ва дўмбира билан хизмат қиладиган санъаткорлардир.

Авваламбор, бахши учун Ватан — бу унинг туғилиб ўсган гўшаси, кўни-ғушнилари, маҳалладошлари, қишлоқдошларию овулдошлари истиқомат қилувчи макон, қолаверса, ўзи мансуб бўлган давм, миллат яшовчи юрт. Шу боис гўшаси ва қишлоғини ҳеч нарса билан алмаштирмайдиган даражада яхши кўриш орқали бахши бепоён бир бутун Ватанини севади, ардоқлайди, кўшиққа салади.

Ўзбек дostonчилигида бирон-бир бахши-шоир йўқки, Ватан ҳақида жўшиб-тошиб кўйламаган, кўшиқ айтмаган бўлсин. Қодир бахши ҳам ана шундай Ватанини саждагоҳ билиб, бор истеъдоди, иқтидори билан кўйлаган, унинг муҳаббатини қон-қонига сингдириб юборган бахшиларимиздан бири эди. Қодир бахши илоҳий туйғулар билан Ватан, миллат муҳаббати ҳақида кўшиқ бошлади, қандайдир сеҳрли оламга кирарди, ўзини, ён-атрофидаги мухлисларни, борлиқни унутарди... Кўз олдингизга Ватаннинг жонли тимсолини келтирарди-қўярди: осмон ўпар тоғлар, ҳамиша уйғоқ қоялар, бепоён дашту далалар, қир-адирлар, улар бағридаги ғаллазору шолиторлар, боғ-роғлар, уфқи қуёш билан тутшиб кетган яйловларда яйраб-яшнаб ўтлаб юрган қўй-қўзилар, бамисоли заминни ташлаб, осмонга учмоққа тай турган от-йилқилар, осмону фалакда эмин-эркин парвоз қилиб юрган паррандаю-даррандалар...завқ-шавк билан кўйланарди.

Қодир бахши учун Ватан ўз оиласи, туғилиб ўсган Чалка, унга тутшиб кетган Сарғай ота тоғларидан бошланар, сўнг Дехқонобод, Қашқадарёю Сурхондарё, ҳатто бутун Ўзбекистон қадар кенглик, шу кенгликдаги заминю осмон, шу орадаги энг кичик майсалардан минг йиллик арчаларгача,

чумолидан сайроқи кушлару хайвонол дунёсигача бўлиб, бу ҳудуднинг барчаси, шу ҳудуддаги жониворлару яратувчи халқ азиз, қадрдон, эъзозли ва бабаррук эди. Бахши Ватан деб англаган шу муқаддас ҳудудни алоҳида эъзозлар эди.

1976 йилнинг ёзи. Биз кундузи Деҳқонобод туманидаги меҳмонхонада бўлиб, бахши билан (ўзга бахшилар билан ҳам) ишлар, дostonлар, термалар, ёшшиқлар, афсона ва ривоятларни қорозга туширар, кечқурунлари кундузи шоша-пиша ёзганларимизни кўчириш, гуруҳлаш билан банд бўлардик. Бир куни Қодир бахши эрталабдан биз билан бирга бўлди. Ётоқда чой қиламиз десак, чучук сув тугаб қолибди. (Уша нақт Деҳқонобод тумани марказида чучук сув оқмас, одамлар сувни узокдан келтириб, ховузига куйдириб ичар, биз ҳам ўшалардан келтириб турардик). Шу баҳона бўлдию, «Қодир бахши, сув телилмаган бундай жойни бир танқид қилиб терма тўқинг», дедик. Ҳамишагидек, бахши хўп дедию, биргаликда ишни давом эттирдик. Аммо эртаси куни Қодир бахши келиши билан: «Айтганларингизни бажардим, Деҳқонобод ҳақида терма тўқидим, айтмайми?», деди. Биз, албатта, тивглашимизни айтдик. Бахши бошлади:

Тилга олсам сенинг номингни,
Қалбим жўшган, Деҳқонободсан.
Кўрганимда ой жамолингни,
Илҳом тошган, Деҳқонободсан.

Тарихингни айтсам бир дoston,
Кундан кунга яшнаган бўстон,
Баҳор ёзинг доим гулистон,
Қадам босган, Деҳқонободсан.

Тўн ёпганда қабатма-қабат,
Деҳқон сени қилганда обод,
Шарбатларинг мисоли набот,
Олға юрган, Деҳқонободсан.

Бир гул ўзинг, бу она ерга,
Кучоқ очиб чиққандай қирга,
Юлдузлардан таққансан сирга,
Кундан тошган, Деҳқонободсан.

Бир томонда боғи роғларинг,
Бир томонда юксак тоғларинг,
Товланади ол чироғларинг,
Кўз қамашган, Деҳқонободсан.

Булбул сайрар сенга шеър ёзиб,
Олтин топар ерингни қазиб,
Бойликларинг кўксингдан узиб,
Элга берган, Деҳқонободсан.

Тарвузларинг ял-ял ёнади,
Қовунларинг тилни ёради,
Гулларингдан болни олади,
Шарбат тошган, Деҳқонободсан.

Узумларинг шода мисолдир,
Меваларинг қанду асалдир,
Раъно гуллар юзингда холдир,
Чирой очган, Деҳқонободсан.

Ҳаволаринг дард давосидай,
Кўйу кўзинг кўк юлдузидай,
Маърашганда шоир созидан,
Куйга тўлган, Деҳқонободсан.

Каклик сайрар кенг тоғларингда,
Зилол сувлар булоқларингда,
Меҳнатдан гул яноқларингда,
Баҳринг очган, Деҳқонободсан.

Қодир, сени жўшиб айтарман,
Завққа тўлиб-тошиб айтарман,
Ойдан нишон, қўёшдан орден,
Тақиб олган, Деҳқонободсан.

Бу шоирнинг ҳазилимизга росмана жавоби эди. «Шоир ўз юртини ёмонласа, шоир эмас, у туғилган жойини, ўсган камол топган элини олқишламаса, шарафламаса, гуноҳи азимдир. Менинг шундай гўзал, бебаҳо юртим бор», дея гурур билан кўшиб қўйди бахши. Бунга тан бермаслик, шоир-бахшининг ватанпарварлигига қойил қолмаслик мумкин эмас эди.

Қодир бахшининг «Қашқадарё», «Қарши чўли», «Қашқадарём», «Ўзбекистоним», «Нурли Ўзбекистон», «Ватаним» термалари айнан Ватанга қасида сифатида юксак пафос билан янграйди. Бу термалар матбуотда чоп этилди, тингловчилар қалбига етиб борди. Аммо уларнинг барчаси маълум бир турткидан сўнг доимо бадиҳа йўли билан яратилган.

Қодир бахшининг «Қарши чўли» термасининг яратилиши ҳақида ўғли Абдуқаҳҳор бахши куйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди: «Қашқадарё вилоятининг собиқ раҳбари, Қодир бахшини жуда ҳам ҳурматлар, вилоят миқёсидаги йиғинлар, курултойларга олиб келтириб, термалар, дostonлардан парчалар айттирарди. Уйига Хоразмдан меҳмонлар келганда чорлатиб, «Кунтуғмуш» ва «Гўрўғли» дostonларини тинглашдан завқланарди. Қашқадарё вилояти 1980 йилги пахта режасининг бажарилишига бағишланган ялпи ийғилишига Қодир бахшини ҳам чақиртиради. Хузурига кирган бахшига: «Қодиржон сенга уч соат рухсат, менинг «Волгам»да Қарши чўлини имкони борича айланиб кел. Таассуротларингни йиғинда зўр бир терма қилиб айтасан», деб бахшини машина ҳайдовчисига тайинлаб жунатибди. Кеча тўйда тонггача хизмат қилиб чарчаган Қодир бахши «Волга»нинг орқа ўриндиғига ўтириб, юмшоққина жой эмасми, уйкуга кетибди. Ҳайдовчи ҳам ойнадан бирикки қараб, мени а нима деб, чўлнинг борган жойига бориб, бормаган жойига бормамай, уч соатни ўтказиб қайтиб келибди. Қараса, бахши ҳамон ухлаб ётганмиш. Ҳайдовчи аччиқланиб: «Сизда ўзи инсоф борми, тушинг машинадан, қайтиб келдик», деб силтаб уйғотибди. Бахши воқеани тушуниб: «Раҳмат оғам, зўр экансиз, Алпомишдай шер экансиз, машинани ҳам бешик тебратгандай ҳайдар экансиз, яшанг», деб дўмбирани кўтариб кириб борса, мажлисхонада ёзган ёзиб, чизган-чизиб ётганмиш. Шунда минбар атрофида юрган киши: «Келинг, Қодир ака, вақтида келдингиз, яна беш минутдан сўнг бошланади», деб тайёргарликни давом эттирибди. Бахши беш дақиқани эшитиб, бир носдан тилнинг тагига ташлаб олибди-да, ўриндиққа ўтиб, дўмбирани қўлга ушлаб «Нималарни айтсам экан?», деб созини созлай бошлабди. Шу вақт раҳбар бирдан бахшига навбат бердирибди.

Қодир бахши даврага чиқиб, «Қарши чўлин чўл деманглар ёронлар» термасини бошлаб юборибди:

Қарши чўлин чўл деманглар ёронлар,
Булут кўчган кўллари бор бу чўлнинг,
Уюм-уюм қум деманглар, ёронлар,
Кучоқ-кучоқ гуллари бор бу чўлнинг.

Бундай ўлка ётсанг тушга кирмайди,
Бир қўрганнинг ҳеч кетгиси келмайди,
Юлдузлар термулар нари жилмайди,
Кошонадан уйлари бор бу чўлнинг.

Йигитлари бордир Фарҳод мисоли,
Қизлари бор гўзалларнинг гўзали,
Пайкалидан томар қанду асали,
Шоҳсувордай шерлари бор бу чўлнинг.

Бир ёқда шарбати, бир ёқда шони,
Бир ёқда олтину бир ёқда дони,
Лаззатларга макон, жавоҳир кони,
Кўзга суртар ерлари бор бу чўлнинг.

Яратган назари тушган бу чўлга,
Дехқоннинг меҳнати синган бу чўлга,
Давлат қуши келиб қўнган бу чўлга,
Донғи кетган доврўғи бор бу чўлнинг.

Гўзасига туя сўйиб осгудай,
Бир чаноғи бир тоннани босгудай,
Хирмонидан ўтолмай ой шошгудай,
Жаҳон аро рекорди бор бу чўлнинг.

Элбошидир бугун халқнинг йўлдоши,
Порлайверар бунда толе куёши,
Шунингчун эгилмас Қодирнинг боши,
Достонлардан дарғаси бор бу чўлнинг.

Қарши чўлини ўзлаштириш, боғ-бўстонга айлантиришга хизмати синган вилоят раҳбари Қарши чўлини шарафлаган бахшидан, бахшини «яхшилаб» айлантириб келган ҳайдовчисидан жуда миннатдор бўлиб, қарсақни бошлабди. Унга қўшилиб бошқалар ҳам бахшини роса олқишлашибди. Бахши ҳам ўз навбатида йиғиндан чиқиб мириқиб дам олдириб келган ҳайдовчига дуч келибди-да: «Яшанг оғам, меҳнатингиз беҳуда кетмади», деб ташаккур билдирибди. Ана шу тариқа янги бир терма юзага келган экан.

1981 йил сентябрнинг бошлари. Қўшни Тожикистон Республикасида ўзбек адабиёти ва санъати кунларини ўтказиб қайтаётган санъаткорлар, адиблар, шоирлар бир муддат Дехқонободда тўхтаб, тушлик қилишни лозим топишади. Улар сафида таниқли ижодкорлар: Сарвар Азимов, Зулфия,

Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Назармат ва бошқалар бор эди. Адабиёт ва санъат намояндаларининг Деҳқонободда тўхташини билган туман партия кўмитасининг иккинчи котиби Салим Алимов Қодир бахшини айтириб келтиради. Давра айна қизиган пайтда Салим ака: «Сарвар Олимқонович, бизда бир бахши бор, эшитиб кўрмайсизларми?», деб Қодир бахшини таништиради. Халқ оғзаки ижодининг яхши билимдони, болаликда Фозил шоирдек дostonчиларни кўп бор тинглаган таниқли адиб, драматург ва адабиётшунос, ўша вақтда республика Ёзувчилар уюшмаси раиси С. Азимов бу таклифни хурсандчилик билан маъқуллайди. Давранинг куйироғида ўтирган Қодир бахши дўмбирани кўлга олиб, меҳмонларга салом бериб, бир шўх куйни ижро этгач, «Қашқадарё» термасини бошлайди. Терманинг учинчи банди ўта кўтаринкилик билан ижро этилганда, давранинг тўрида ўтирган Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия яна қайтаришни сўрайди:

Тоғ бошида оппоқ қор,
Тинмай соғар сутини,
Бир томонда қашқанг бор,
Қамчилайди отини.

Барча хайрат билан «Қашқадарё» таърифини тинглагач, Зулфия юқоридаги сатрларни такрорлаб: «Қойил бахши, олтмиш йил ижод қилиб, бундай мукамал тасвири учратмагандим», дея юксак баҳо берди. Яна бахшини айттиришаверади. Эртаси куни вилоят маркази — Қаршидаги Ёзувчилар уюшмасининг кўчма мажлисида ҳали ҳеч қандай китоби чиқмаган бўлса-да, ўша вақтдаги анъанага зид ҳолда Қодир бахши Раҳим ўғли Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади. Уюшмага аъзо бўлиш учун эса Зулфия, Мирмуҳсин, Назармат тавсиянома беришади.

Биз эса кўп вақт Зулфиядек зукко, иқтидорли халқ шоирасининг Қодир бахшига унинг «Қашқадарё» термасидаги тўрт сатрга берган баҳосини узоқ ўйладик, унинг сабабини изладик. Ахир, шу тўрт сатрда биз англамаган улуғлик, бадият бордирки, у Зулфиядек шоиранинг назарига тушган-да... Ҳа, мушоҳада қилиб кўрсак, бахши маҳорати намоеён бўлади. Тоғ! Унинг ён бағри кўкаламзор, куйироқда хатто заъфаронлик. Лекин чўққиларда оппоқ қор. Чўққи битта эмас, бир нечта. Нигоҳимиз бир йўла яқиндан ўша чўққининг нечтасини илғайди, иккита, учта, тўртта, бешта.

Лекин ўнта эмас. Ўша чўкқилардан қор эриб, жилғалардан сой ҳосил қилади. Шу жилғалардан ҳосил бўлган сойчи қузатганмисиз? Кузатинг, ўшанда сув рангсиз эмаслиги, тошдан тошга сакраб оқаётган сувда оқ ранг устунлигини унинг кўпикланиб оқишини кўрасиз. Энди ўзга манзарани кўз ўнгингизга келтиринг. Яъни соғин сигир, хаёлан сигирнинг елинини тесқари қилиб, тасаввурга арк беринг-чи? Энди сизга таниш тоғ ва унинг тўрт чўққиси намоеён бўлмаётирми? Сигир елинидан соғилаётган, яъни тўрт жилғадан келаётган сугдан, унинг челаққа қуйилишидан сой ҳосил бўляпти. Қиёслашни давом этамиз. Сут ҳаёт манбаи, яшаш омили. Сув ҳам тирикликнинг асоси. На сувсиз, на сугсиз инсон яшай олади. Сут эмган инсон (ҳайвонлар) соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Тоза сув ҳам инсонгагина эмас, дала-даштларга, чўл-биёбонларга, барча жонли мавжудотлару ўсимликлар дунёсига ҳаёт бағишлайди Қодир бахши маҳорати шундаки, айтайлик, у «тоғдаги қор тинмай, эриб сув булар» демай, «тоғ бошида оппоқ қор, тинмай соғар сутини» дейди. Аммо бу жумла шундайгина фикрда жонланавермайди. Бунинг учун бахши хаёлида ўзи кўрган воқеалар, ҳодисалар яшин чакнагандек жонланган, умумлашган ва хулосага олиб келган. Биз ҳам кейин эсладик, 1969 йил июлдаги фольклор-этносграфик экспедицияси даврида Тожикистоннинг Хўжа Сбигарим деган жойида тоққа чиққан пайтида бахши билан қорнинг эришини, жим-жим оқаётган сувнинг сойга ҳар жилғадан қуйилишини ва сувнинг кўпикланиб оқ рангда шиддат билан илгариллашини кузатган эдик. Айни дамда бахши чорвадор халқ орасида, тоғ этагида яшаганидан энди эриган қорнинг оқишини ҳам, сигирнинг соғилишини ҳам кузатган. Кузатгангина эмас, ёзнинг жазирамасида тоғдан эриб тушаётган сув билан айтишган, сирлашган, аста-секин оқлигини йўқотиб рангсизланганидан ҳайратлангани рост, аммо ёшлигида кўй ҳам, эчки ҳам, сигир ҳам соққан. Худди шу хаёлда маҳкам ўрнашган икки ҳолат бир фикр сифатида — «Тоғ бошида оппоқ қор, тинмай соғар сутини» тарзида дўмбирани кўлга олгач, момоқалдиروقдай гулдураб, яшиндек чакнаб тилга қуйилган. Кейинги икки сатр — «Бир томонда Қашқанг бор, қамчилайди отини» ҳам дастлабки фикр давоми. Ўша шошқин сойлардан Қашқадарё ҳосил бўлди. Дарё суви янада шиддатлироқ. Йўқ сув эмас, балки суг — у! У — ҳаёт, у — нажот, у — бутун мавжудотнинг яшаш асоси. Шу боис тез оқмаса, тезроқ инсонга, беадад Қарши чўлига, қанчадан-қанча ўсим-

лигу гиёҳларга, паррандаю даррандаларга хизмат қилмоқ учун «отини қамчиламаса» бўлмайди. Яна бир эслаб қўяйлик, соғилган сут сақланадими? Йўқ, уни маълум муддат сақлаш учун ҳам, истеъмол учун ҳам тезроқ пишириш керак. Дарёдаги сув сокин тураверади? Асло! Ачиган сут зарари ва оқмаган, бир жойга сингаверган сувнинг не оқибатга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Эҳтимол, дунёга танилган шоира Зулфия онгида ҳам бир йўла биз айтган, балки ундан-да кўпроқ, мазмунлироқ ўй-кечинмалар ўтгандирки, шу сатрлар учун бахшини кучиб, кутлагандир, ўз юртининг манзарасидаги биргина детални юксак бадийликда ифодалай олгани боис уни Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш учун фидойилик кўрсатилгандир.

Биз Қодир бахши яратган, ижро этган учта «Қашқадарё» термасидан бирининг биргина банди ҳақида тўхталдик, холос. Аслида у туғилган қишлоғини, туманини ҳам, яшаган вилоятини, жонажон она сутидек покиза, ота тузидек муқаддас, табаррук Ўзбекистоннинг ҳам оташин куйчиси бўлиб, ҳар қайсисини жаннатнинг бир бўлаги деб билди, жаннатдек кадрлади, улуғлади. Бутун умрини эртадан шомгача, шомдан тонггача шу юртда яшовчилар учун, халқ учун бағишлади.

Бахши замонавий термаларни худа-беҳуда тўқийвермас, юраги тўлиб келмаса, дўмбира оҳангларига солиб ҳайқирмас эди. У «Тошкентим», «Самарқандим — қандимсан», «Менинг Сурхондарём», «Ўзбекистонимсан — Ватаним», «Ораласам, бўстони — нурли Ўзбекистоним» каби термаларида юрт гўзаллигини, келажагини ёниб куйлади. Замон шундай эдики, асрлар силсиласида даврлар бўронидан ўтиб келган анъанавий термалар матбуотда чоп этилмас, радио ва ойнаи жаҳондан берилмасди. Бахшининг ижоди халққа танилиб бориши учун шўро тузуми мавзуларидаги асарларни яратишга ундаш лозим эди. Биз шундай пайтларда Қодир бахшидан ватанпарварлик руҳидаги термаларни ундириб қолганмиз. 1977 йилда «Ўзбекистонимсан», 1982 йилда «Нурли Ўзбекистоним» термалари яратилди. Бу икки терма она диёримиз ҳақида икки мадҳия сифатида хотира бўлиб қолди.

...Ота-боболарга ризқ берган Ватан,—
Сув деса, сув бердинг, нон деганга нон,
Бойликлар макони бўлган эй маскан,
Ўзбекистонсан, бахтим, сурурим.

Турласам минг турдан ошар бойлигинг,
Шарқда машғалигинг, ёрқин ойлигинг,
Меҳнат шон-шухрати бу чиройлигинг,
Ўзбекистонимсан, бағр, маконим...

Бахши «оламга танилган олгинистон», «бир кунлик ҳим-
мати бўлган минг достон» юртини «кўзим», «қароғим», «бо-
ғим-баҳорим», «азиз падарим», «мангу бўстоним», дея фахр-
ифтихор туйғусини юракка туяди.

«Тупроқларин хидласа, хиди гулдан мазали, онадек меҳ-
рибони, тақдири азали» бўлган Ўзбекистонни севиш, қадр-
лаш, унинг истиқлолини кўра билиш Қодир бахшининг
кишини ҳайратга солувчи башоратларидан эди:

...Шер юрак ўғлонларинг,
Қизларинг ой мисоли,
Меҳмон келса уйига,
Сузган оши мазали.
Боғларининг меваси,
Асалларнинг асали,
Ораласам бўстоним,
Айтаверсам достоним,
Истиқлодинг муборак,
Менинг Ўзбекистоним.

Чўлларинг чирой очди,
Келинчақдай шайланиб,
Оқ олтиндан хирмонинг,
Қуш ўтолмас айланиб.
Келмаганлар кеб кўрса,
Бармоқ тишлар ўйланиб,
Ораласам бўстоним,
Айтаверсам достоним,
Нурли кунлар муборак,
Менинг Ўзбекистоним.

Сурхон билан Қашқанг бор.
Товланар сулув қиздай,
Андижону Фарғонанг,
Нурин сочган юлдуздай,
Самарқанду Бухоро,
Кечаси ҳам кундуздай,
Ораласам бўстоним,

Айтаверсам дostonим,
Истиклолинг муборак,
Нурли Ўзбекистоним.

Қаватингда қардошлар,
Қаддинг тикка самода,
Жахон сени билади,
Номинг дoston дунёда.
Она юртим, бўстоним,
Яна ҳам бўл зиёда,
Айтсам битмас дostonим,
Саждагоҳ гулистоним,
Нурли кунлар муборак,
Менинг Ўзбекистоним.

Ҳа, Қодир бахши учун Ўзбекистон саждагоҳ эди. Унинг Чалка деб аталган мўъжазгина қишлоғининг бир сиқим тупроғидан бошлаб бутун ҳудудигача бахшига азиз ва муқаррам бўлганига у яратган термалар гувоҳ. Қодир бахши дostonларида, термаларида жаннатмакон Ватанимизнинг келажаги, бугуни ва эртаси ўзига хос юксак эҳтирос билан куйланди.

Ўзини танитган, машҳур қилган она юртини, яратувчи халқини куйлаш умрининг мағзи, мазмуни бўлиб қолди. Мўъжазгина Чалка қишлоғи ҳам куйчиси билан буюклашиб, оламга танила борди. Бу ажиб қишлоқ ўз куйчиси боис минглаб меҳмонларни қабул қилди ва меҳр билан кузатди.

БАХШИ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Ҳақ бўлсанг ҳоқонлар таъзим қилади,
Тўғри сўз осмондан ойни олади,
Ширин гапга товлар юриб келади,
Яшасанг ҳақдайин яша, фарзандим.

1969 йилдаёқ ўнлаб анъанавий дostonлар билан бирга «Ойчинер»дек тарихий дostonни ҳам меъёрига етказиб ижро этган, «Эшқора билан Дўстқора», «Ойша» дostonларини яратиб қўйган Қодир бахшини республика миқёсида танитиш осон кечмади. Уни илк «кашф» этган, ижодий салоҳиятини кўриб тан олган, тан олдириш учун Тошкентга ҳам бир неча бор олиб борган Жанубий Ўзбекистон фольклорининг толмас тўпловчиси, тарғиботчиси ва тадқиқот-

чиси фольклоршунос устоз Абдумўмин Қаҳҳоров эди. Бироқ ўша вақтдаги айрим фольклоршунослар бахшини эътироф этишмади, тинглаб кўришмади, фольклоршунос ва бахши машинкаланган «Ойчинор» достони нусхасини ҳеч қимга ўқита олмай, қайтишди. Аммо А.Қаҳҳоровга ноумидлик ёт бўлиб, ўз фикрини исботлашда ниҳоятда ўжар эди. Югуюрлар натижасида, кеч бўлса-да, фольклоршунос Т.Мирзаев кўмагида «Ойчинор» достони «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» туркумида 1985 йилда чоп этилди. Бахши ўзи айтган дostonлардан фақат шунисини китоб ҳолида кўрди. Кўриб қанчалар қувонди. Сўнгги йилларда сўниб бўлган ишончи уйғона бошлади...

Ўша 1969 йилдан Қодир бахши мухлислари орасидан яна икки — киши ушбу «Алпомишнома» муаллифлари эътиборини ўзига тортди. Бунга ҳам ўша фидойи ва заҳматкаш инсон Абдумўмин Қаҳҳоровнинг бизни ва Қодир бахшини ўзи ташкил этган анъанавий фольклор-этнографик экспедицияга кўшиб олгани сабаб бўлди. Худди шу йилдан туман, вилоят, республика газета-журналларида Қодир бахши ҳақида «Бахтиёр бахши», «Қодир бахши Рахимов», «Бахши, мураббий, бастакор» каби мақолалар, термаларидан намуналар эълон қилина бошлади.

70-йиллар Қодир бахшининг ижодий камолотга қадам кўйган, эл-юрт олқишига эришган, фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Ўрта Осиё жумҳуриятларида танила бошлаган даври бўлди. Унинг репертуар бойлигини, ижродаги санъаткорлигини яқиндан билганимиз боис, 1977 йилда «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида «Бахшиларга эътибор керак» мақоласи билан чиқиш қилдик. Афсуски, на республика Ёзувчилар уюшмаси, на Маданият вазирлиги, на бошқа масъул ташкилотлардаги ўртоқлар бунга эътибор беришди. Қолбуки, бу пайтда собиқ Иттифоқда таниқли эди, Москвада, Парижда, ЮНЕСКО томонидан ўтказилган VII, VIII Халқ ижодиёти Халқаро конгресслари лауреати ва совриндори эди. Аммо бизда, афсуски, асарлари бадиий саёз деб четга суриляётган, халқ тан олган, севган, аммо айрим зиёлилар тушунмаётган, тушунишни истамаётган оддий қишлоқ одами эди. Минг бор узр сўраб, шуни айтмоқчимизки, ўнлаб газета-журналларда, нашриётларда хизмат қилувчи шоирлару адиблар, журналистлару олимларнинг кўпчилиги учун Қодир бахши ижодига ўтай кўз билан қараш давом этарди. Ажабки, ўша матбуотда эртақлар, дostonлар, халқ кўшиқла-

ри, мақолалару топишмоқлар чоп этилар, аммо шу жанрларда маҳорат билан ижод қилаётган ижодкорнинг асарлари эълон қилинмас эди. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Нурали», ё ўзга дostonни айтсак, «булар чоп этилган, илож йуқ», дейишарди. Аммо «Алпомиш» неча вариантдалиги, «Гўрўғли» силсиласидаги қайси дostonнинг худди шундай варианты чоп этилган, этилмаганлиги билан улар қизиқмас эди. Замонавий мавзу, босмачилик ҳаракати, чўлларни ўзлаштириш борасида дoston сўрар, бахши бунақа дostonлар куйчиси, уларни оғзаки ижодда ёзма адабиётдагидек яратиш мумкин эмаслиги «буюртмачилар» хаёлига келмасди. Қодир бахши баҳоли қудрат бу топшириқларни ҳам бажарди. «Отибақт полвон» сингари дostonларни ижод қилди. Бироқ улар халқ оғзаки ижодининг — дostonчилиқнинг 80-йиллар бошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги масъул кишилари томонидан турли йўллар билан рад этилди. Бизнинг қўлимизда «Шарқ юлдузи» журналида чоп этамиз деб олинган, аммо маълум вақтдан сўнг саҳифаларга ҳақдан кўра ноҳақ айблар ёзилган «Ойша» дostonининг нусхаси ва уни қайтарган шоирнинг тақриз тарзидаги хати сақланмоқда. Ўша шоир бахши вафотидан сўнг ёзди, олқишлаб ёзди, кўкка кўтариб ёзди. Афсус, энди кеч эди...

Ҳар ҳолда Қодир бахши ўз салоҳияти, иқтидори, истеъдоди билан, овозию сози билан бир кўрганни ўзига асир этиб бораверди. Умрининг охири тўрт-беш йилида Зулфия, Сарвар Азимов, Мирмуҳсин, Назармат, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Ҳожиакбар Шайхов, Келди Қодиров, Отаёр, Усмон Азим, Азим Суюн, Евгений Брезиков, Саъдулла Ҳаким, Икром Отамурод, Самар Нуоров ва бошқа бир қатор таниқли ижодкорлар давраларида бўлди. Бири билан кўпроқ, бошқаси билан камроқ мулоқотда барчасининг диққат-этиборини тортди. Лекин биронтасига ҳам менинг асарларимни чоп этишга кўмаклашинг демади. Айримларга айтиб, ваъдасига ишониб, кўнгли қолган эди. Улар ҳам бахши созига, сасига, бадиҳагўйлигига тасанно айтишди-ю, бироқ имкони борлари ҳам Қодир бахшидан ёзиб олинган асарларни чоп қилишга интилишмади. Бунинг учун уларнинг ҳеч қайсисини заррача айбламоқчи эмасмиз. Чунки ёзма адабиёт вакили асар ёзиб, уни чоп этиш учун югуришдан толгани ҳолда, индамас бахшининг айтганларини нашр қилиш зарурати ёдига келармиди?! Дарвоқе, Қодир бахши қанчалик истеъдодли бўлмасин, у фақат дўмбира олиб юрар-

ди. Унинг дафтари ҳам, қалами ҳам дўмбира эди. Қанчалик таниши, ихлосманди кўп бўлмасин, бутун умрида на бирон газетага, на журналга, на нашриётга бирон саҳифа, бирон тўртлик ёзиб юбормаган, эшик қоқиб бормаган эди. Шунингдек, вилоятнинг раҳбаригача бахши билан кадрдон бўлса-да, ҳеч қайси мансабдордан бирон нарса сўрамас, илтимос қилмас, ҳаттоки, асарларимни чиқаришга ёрдамлашинг демасди. Шу камтарлик, шу ҳокисорлик, ўз манфаати учун ҳеч вақт интилмаслик, ўзгаларга ёрдам бериш ҳисси билан яшаш, ўта кўнгилчанлик эътиқодига айланган эди. Аммо ўз кучини, қобилиятини, нимага қодирлигини ўзи яхши билар, ҳис этар эди. У республикамизнинг барҳаёт бахшилари, Қорақалпоғистон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистондаги халқ оқинлари, соқилари, жирчилари, манасчиларининг барчасини кўриб, даврасида бўлиб, соз ва сўзда айтишиб, ўз имконини уларга қийслаб, ўзлигини англаган эди. Аммо бирон катта ё кичик даврада ёхуд ўзаро суҳбатда мен зўрман демас, балки ўзгаларнинг кичкина бир ютуғини айтиб қувонишдан баҳра оларди. Шу билан бирга ўзини камситишга, ноҳақликка ҳам чидай олмасди...

1984 йил. Республика ойнаи жаҳонида Қодир бахши чиқиш қилгандан сўнг шоир Отаёр уйига олиб кетди. Зиёфат вақтида бир шоир: «Қодир ака, сал-пал ҳаракат қилсангиз телеконкурса биринчи ўринни олардингиз», деб қолди. Унинг нимага шаъма қилаётганини сезган бахши бир сўкинишнинг изидан: «Ука, биринчи ўринни берасизларми, пишириб ейсизларми, пора олиб сотасизларми, у сизларнинг ишларинг. Мен ўрин учун кўлимга дўмбира ҳам олмайман, айтмайман ҳам, доно халқим учун айтаман, сизларнимас, элим берган ўринни тан оламан. Менинг жюрим халқ, муносиб баҳони у айтади», деди ғазабланиб. Шу билан суҳбат бир лаҳза совиди. Бахши эса буни сезди-да, ўртадаги ноҳушликни кўтариб, даврага жон киритиш мақсадида кадрдон дўмбирасини қўлга олиб, даврага қараб терма айта бошлади.

1985 йил, май. Хоразмда бахшилар кўрик танлови якунланмоқда. Шовотда ўтказилган бу танловнинг сўнгги — ғолибларни мукофотлашга бағишланган йиғилиши арафасида Қодир бахши ҳакамлар ҳайъати ўзига иккинчи ўринни муносиб кўраётганини эшитиб қолади. У халқ чалган қарсақларда, даврага қайта-қайта чиқишларда қандай ўрин ўзига тегишини англаб олган эди. Шу боис якуний чиқиш қилиб, Алпомишдек қаддини тик тутиб, микрофон олдига

келди-да: «Оғайнилар, бу оламда адолат бўлсин. Ҳозир шундай тўлқинланиб турибманки, осмоннинг остида, ернинг устида зўрман, деб соз кўтариб юрган бахши билан сўз ва созда айтишаман. Истаганлар келаверсин, зўрни бу халқ билаверсин» деб, бадиҳа йўли билан «Шовот қизлари» термасини куйлай кетди. Бу бахшининг даврада биринчи ва сўнги ўз кучига ишончи, биринчи ва охири бор хизматига муносиб баҳо берилишини талаб қилиши эди. Ҳакамлар икки кишига биринчи ўринни беришга муяссар бўлишди, ўшанда. Бундай бахши онадан камдан-кам, юз йилда бир туғилиши мумкин.

«Қодир — халқ бадий даҳоси, халқ хотирасининг буюк дарғаси», деган эди ўшанда меҳмон, Озарбайжон ошиқлар уюшмасининг раиси, атоқли шоир Ориф Ҳусайн.

Қодир бахшига, унинг ижодига баҳо бериш, у ҳақда ёзиш тирик пайтида айримлар томонидан бошланган эди, вафотидан сўнг эса оммавий тус олди. Энди у кўплар учун хайратга айланди. Айримларга эса у ҳақда ёзиш одатий ҳолдек бўлиб қолди. Ҳар ҳолда ўша Қодир бахши ҳақида ёзганларнинг барчасида бахши руҳи олдида қарздорлик ҳисси бордек туюлади назаримизда. Биз шу ўринда адабиётшунос Б.Йўлдошевнинг «Қашқадарё булбули» («Насаф нафаси» тўплами, «Насаф», 1992), Н.Тилововнинг «Дараларни гумбуллатган дўмбира» («Шарқ юлдузи» журнали, 1988 йил, 12-сон), Ҳ.Ҳасанов ва Отаёрнинг «Бахшининг икки мулки» («Дунёга тенгдош хазина», Т., 1995.), ёзувчи Самар Нурнинг «Қўшиқли олам» («Қашқадарё ҳақиқати» газетаси, 1990 йил, 7-9-апрель) мақолалари ҳақида қисман тўхталамиз. Ҳар тўрт мақола муаллифи ҳам фольклор билан, фольклоршунослик билан шуғулланган, аммо бахшичилик санъати қонуниятларини яхши билмайди. «Дараларни гумбуллатган дўмбира» мақоласи фактик хатоларга тўлиб тошгани, фольклористик илмдан йироқлиги билан ажралиб туради. Биз ўз вақтида мақола юзасидан раддия ёзиб, муаллиф хатоларини кўрсатиб асослаб бердик. Бироқ ўз нуфузига тўғри келмайди, деб ўйлаган ўша пайтдаги «Шарқ юлдузи» журнали ходими мақолани чоп этиш, ҳақиқатни айтиш ўрнига бизни журналист Н.Тиловов билан бир фикрда бўлишга ундади. Аслида, биз журналист билан таниш эдик, келишмай қолган жойимиз йўқ эди. Фақат Қодир бахши ҳақида ҳақиқат айтилишини истаган эдик. Дарвоқе,

Қизиқ экан дунёнинг ишлари,
Баҳор келиб ёзда кетар қушлари,
Навбат кутмас экан қари ёшлари,
Қари ёшга, ота улга, ул отага меҳмондир, —

каби бир тўртликда ўн, ўн бир, ҳатто ўн беш ҳижолик мисрадан фойдаланса, Қодир бахшининг улуғлиги қаяққа кетарди. Аслида, бахши кўлига созини олганда ҳар қандай ҳолатда шеърин сатр қуйма тарзда тилга кўчардики, бунга қойил қолмай илож йўқ эди. Биз бахшининг шодон пайтларида ҳам, ўта тушкунлик онларида, ҳатто сархуш бўлган вақтида ҳам кўплаб айттириб, минг-минглаб метрли магнитофон тасмаларига ёзиб олиб, бу ҳолни кузатганмиз. Кўлёмалар ва магнитофон тасмалари ўзимизда сақланади ҳамон. Юқоридаги тўртлик, аслида, Қодир бахшининг индивидуал ижод маҳсули бўлмай, анъанавий «Меҳмондир» термасидан олинган. Биз уни Қодир бахшидан қайта-қайта ёзиб олганмиз. У барча ҳолатларда шундай такрорланади:

Қизик экан бу дунёнинг ишлари,
Баҳор келиб кузда кетар қушлари,
Навбат кутиб турмас қари-ёшлари,
Ёш қарига, қари ёшга меҳмондир.

«Бахшининг икки мулки» мақоласи Қодир бахши ҳаётлиги вақтида яратилган, «Ёшлик» журналининг 1985 йил 5-сонида чоп этилган эди. Ўшанда Қодир бахши мақолани ўқиб қувонгани ҳолда: «Ўрол билан Отаёр ҳам бахшилар билан юриб, бахши бўлиб кетганда, қаранг, «Йиғламагин, онажон» термасини беш ёшда яратди деб ёзибди. Баъзи мисралар таҳрир қилинибди», деб қўйган эди. Зеро, муаллифлар айрим ўринларда бахши ижодини ёзма адабиёт вакилини таҳлил этгандек тадқиқ этиши, матннинг таҳририда асл нусхани бузиш ҳоллари кўзга ташланади.

«Бахшининг икки мулки» мақоласида:

Отани осмон денг ёмғирли, қорли,
Онани ер десак баҳорли, ёзли,
Иккиси ҳурматин келтира олсанг,
Сеники ҳамиша фасллар асли, —

тўртлиги қуйидагича таҳрир билан эълон қилинган:

Ота осмон бўлса (?) ёмғирли, қорли,
Онамиз (?) заминдир (?), ёзли, баҳорли (?)
Иккисин ҳурматин эъозлай билсанг (?)
Сеники фасллар (?) баҳори (?), бори (?).

Бахши «сўз мулкини» аёвсиз ўзгартириб, ўз мулкига бўйсундирган таҳрирчи қофияга ҳам, маънога ҳам путур етказган. Ҳолбуки, машҳур фольклоршунос Ҳоди Зариф такрор-такрор: «халқ ижоди асарларини ҳар қандай «таҳрир» ва «қайта ишлаш» оқибатда уни сохталаштиришга олиб келади... Бирор сўзни бошқа сўз билан алмаштиришга йўл қўйилмаслиги шарт бўлганидек, сўзларнинг ўрнини алмаштириш ҳам жавобгарлик талаб қилади»,—деб уқтирган эди. Халқ оғзаки ижодида нафақат сўзни, ҳатто биргина товуш (ҳарф) ни ўзгартириш ҳам бадийликка ва маънога путур етказадик, буни «Бахшининг икки мулки» мақоласида «Норгулой» («Келиной») дostonидан берилган куйидаги парчада яна бир бор кўриш мумкин:

Норгулой чикди ҳимиллаб,
Бетида тери жимиллаб,
Бетидан оққан терига,
Латибалари қимирлаб (?).
Норгулни кўрган кекса-ёш,
Олти ой ётар инқиллаб (?).

Аслида, биринчи ва иккинчи мисрадаги «ҳимиллаб» ва «жимиллаб» сўзларига мос равишда тўртинчи мисрада «қимиллаб», олтинчи мисрада «ингиллаб» тўлиқ қофиядош бўлиб келган. Аммо таҳрир туфайли «қимиллаб» — «қимирлаб», «ингиллаб» — «инқиллаб»га айланиб қолган. Натижада «ҳимиллаб», «жимиллаб», «қимиллаб», «ингиллаб» даги товушлар уйғунлиги бузилиши қофияга ҳам, ҳис-туйғуга ҳам, маънога ҳам путур етказган. Зеро, «ҳимиллаб» чиққан Норгулойнинг «латибалари қимиллаб» турган экан, жим-жим тердан латибалар қимирламайди, балки қимиллайди. Бу гўзалликнинг қаршисида ошиқлар инқиллашга қодир эмас, балки ингиллаб ётади. Чунки инқиллашдан ингиллаш кўпроқ дard чекканликни, беморнинг овоз чиқариб инқиллашга мадори қолмаганлигини билдиради.

Адабиётшунос Б.Йўлдошевнинг «Қашқадарё булбули» мақоласида адабий-бадий таҳлил кўринмайди. Маълум далиллар қайд этилади. Биз олдинги саҳифаларда қандай яратилгани айтилган «Йиғламагин, онажон» термаси ҳақида: Бахши «Тоғлар йиғласаям, сен йиғламагин, онажон» (?) деган термасида ўзига оқ сут берган онасини улуғлайди. Терма матнида Дехқонобод фарзанди сифатида кўркам Оқтош ва Чак-чак баланд тоғларини, кенг яйлов кўй-қўзиларини ти-

ник булок сувларини мадҳ этиб, жўшиб куйлайди», деб ёзади. Биз бу ўринда имло ва услубий хатолар ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз, аммо муаллиф «Йиғламагин, онажон» термасини эшитмаган ва ўқимаган ҳолда, у ҳақда бутунлай ногўфри маълумот бераётганлигини таъкидламоқчимиз, холос.

Адиб Самар Нурнинг «Кўшиқли олам» мақоласи Қодир бахши ҳақида меҳр-муҳаббат билан холисона ёзилган. Муаллиф бахши ижодига журналист ва мухлис сифатида ёндашади, у билан бўлган учрашувларда тинглаган термалар, дostonлар матни, дўмбира оҳангларидан келиб чиқиб фикр юритади. Қодир бахшини куруқ олди-қочди сўзлар билан олқишлаш, ўзи билмаган, гувоҳ бўлмаган ҳолатларни тасвирлашга уриниш Самар Нур мақоласида йўқ. Таниқли ёзувчи сифатида ўзгалар айтолмаган гапни айтишга (бошқалар ёзса ҳам ўчириладиган жумлаларни саклаб қолишга) эришади. Биргина мисол: «Базмларига чорлаганда бормагани учун уни янтоқ чопишга юборган амалдорлар бир йил ўтмай (вафотидан — М.М., А.Э.), келаси йил тикон чопиққача бахшини эсдан чиқариб юбордилар».

Қодир бахши ҳақида ёзилган мақолалар ҳали унинг ижод уммонидан олинган дурдона асарларга баҳо беришда зарралар, холос. Бу уммоннинг ич-ичига кириб бориш, унинг дard билан йўғрилган ҳаётини, тафаккур қудратини англаш-ни талаб қилади. Бахши айтган ҳар бир тўртликда, терма, дoston ва афсона-ривоятларда чуқур маъно, халқ ҳаётининг, руҳиятининг у ёхуд бу қиррасини кўриш мумкин. Қодир бахшидан ёзиб олинган дostonлар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил шоир, Ислоом шоир Назар ўғли, Умир шоир Сафаров, Абдулла шоир Нурали ўғли ва бошқа ўзбекистонлик, қолаверса, Қашқадарё, Сурхондарё воҳасидаги бахши-шоирлар — даҳо сўз мулкининг суҳандонлари, эл оқинларидан ёзиб қолинган асарлар билан қиёсланганда, илмий-қиёсий тадқиқ этилгандагина унинг дostonчиликдаги бўй-басти, маҳорати, ижрочилиги ва ижодкорлиги яққол намоён бўлади. Ҳозирча эса айрим фольклоршунослар ҳамон унинг ижоди билан танишмай, рад этаётганликлари, тан олмаётганликлари у ҳақда илмий-тадқиқотлар олиб боришга имкон бермаётганлари ажабланарли ҳолдир. Аммо Қодир бахши ижоди ортиқча мақтовларсиз, куруқ офаринбозликсиз тадқиқ этилишига, ўзбек дostonчилигига қўшган улкан ҳиссаси муносиб баҳола-нишига ишонамиз.

БАХШИ ҲАМ ИНСОН ЭДИ

Одамзодда адо бўлмас хислат бор,
Билса зардир, билмагайсан хору зор,
Ширин ҳам тил, аччиқ ҳам тил билиб ол,
Тил билан тошни ҳам эритса бўлар.

Қодир бахши! Бу номни эшитганда кимдир улуғ бахши сифатида ёдлайди, ўзга биров саховат эгаси сифатида улуғлайди, бошқаси ҳомий деб тушунади, яна кимдир Аллоҳ назари тушган шахс сифатида дуо ололмаганидан ўкинади, бошқа биров оддий бир инсон сифатида хотирлайди...

Бизнингча, Қодир бахши инсон камолоти, ақл-идроки, тафаккури тимсоли. Биз анъанага қўра бахши ижоди, репертуари, бадиияти ҳақида тўхталдик. Унинг айрим фазилатлари ҳақида фикр юритдик.

Дарҳақиқат, Қодир бахши ҳақида, унинг сизу биз каби оддий инсонлиги тўғрисида нима дейиш мумкин? Соддалик, тўпорилик, камсуқумлилиқ, кўнгилчанлик, ишонувчанлик унинг қон-қонига сингиб кетган эди. Эсини танигандан вафотигача инсон зотини ёшига, мансабига, мавқеига қўра ажратмаслик, ёлғондан ҳазар қилиш унинг фазилати, одати, кўникмасига айланган эди. Уни юлдуз қадар юксакка кўтарган ҳам, гоҳ ташвишу қайғуларга шерик қилган ҳам шу фазилатлар эди.

Нима керак дўстим бировга кулмоқ,
Биттаси дарёдир биттаси қўлмақ,
Биз ҳам одамзотмиз, одам зотидан,
Насиб қилармикан дарёдай бўлмақ.

Бу—Қодир бахши фалсафаси. Ўзини одам билган бу инсон умиди қўлмақ бўлибмас, дарёдай жўшмоқ эди. У дарё бўлиб тошиб, чанқоқ лабларга ҳаёт улашмоқ, кишиларга маънавий озиқ бермоқ муддаоси билан яшади. Хаёлида инсон зотига заррача хиёнат қилиш, ёшдир, кексадир ҳеч кимнинг кўнглини қолдириш йўқ эди. Бир умр нега одамлар бир-бирига ғийбат қилиб, маломат қилиб, зимдан курашиб яшашини тушунишга интилди, шу жумбоқ кўп безовта қилди. Бировнинг борини ҳам, йўғини ҳам гап қилмайдиган ёш бола илтимос қилса-да, хўп деб кетаверадиган бу зот ўзининг бошига ҳам маломатлар ёғилишини ҳис этолмас,

сабабини ахтарарди. У нақадар раҳмдил, шафқатли, меҳрибон эди, аммо бўҳтонларга, шафқатсизликларга шу қадар чидамсиз эди. Шунинг учун бало-офатдан ҳам бахши учун оғири тухматдир:

Гар ўтда куйсанг-да, бордир чораси,
Сувдан омон қолсанг кетар қораси,
Даволаб ётсанг-да, кеча-кундузи,
Асло битмас экан тухмат яраси.

У ёши қирқ бешга кирганда, номи, шуҳрати оламни тутганда, бу шон-шуҳратга мутлақо бефарқ бўлди. Мақтаган кишига мийиғида кулиб кўяр, олқишлаш изида надомат, кўролмаслик туришини сезиб қолган эди. Энди ўз дарди, алами, қувончи тасаввурларини фақат дostonлар, термалар қатига сингдира олмай қолди. Уларни алоҳида фалсафий тўртликларда жамлади. Кўп эмас, фақат бир кеча-кундуз кўлига қалам олиб, шу муддатда қирқ тўртлик яратди. У «Зайдиной»да қирқ-чилтон тилидан, қирқ-чилтон бўлиб, ўзбек дидактикасининг гўзал ва бетакрор бўлган қирқ насихатини берган эди. Орадан ўтган йиллар, ўз бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар яна қирқ шарҳга асос бўлганди.

Бахши яратган ўша қирқ тўртликдан ўқиймиз:

Дунёнинг тутқасин тутиб юрмассан,
Ёки арча мисол кўклаб турмассан,
Кўлингдан гар келса қилгин яхшилик,
Ёмон деганни ҳам эрта кўрмассан.

Бу туман раҳбарларидан бирига аталган эди. У бахшини етти пуштининг тўйи, ўтиришларига айтавериб, мансаб баҳона буюравериб, ўз манманлиги, яхшилик туйғусидан бенасиблиги билан шу баҳога сазовор бўлганди. Лекин бахши ҳар тўртликка сабаб бўлган воқеадан умумий хулоса чиқара олган, адабиётшунослик тили билан айтганда, типиклаштира олган эди.

Ёмонлик ўзингга тоғ бўлиб келар,
Ямлаб ютиш учун чоғ бўлиб келар,
Яхшилик қилсанг ҳам қайтар бир куни,
Кичиги сояли боғ бўлиб келар.

Бахши шогирдларидан бири икки-уч бор ойнаи жаҳонга чиқиб элга танилгач, устозга хурматни йиғиштириб, уни қоралаш, зимдан маломат қилиш йўлига ўтди. Ҳатто бахши ва шу сатрлар муаллифларидан бирининг изига тушди. Бахшининг ўзига ошқора юзсизлик қилди. Доимгидек бахши босиқлик билан: «Оғам, мен сенинг нимангни кўролмайман. Сен на созда, на сўзда, на овозда мендан ўта олганинг йўқ. Мен ўзимдан зўрни кўрсам тан бераман. Сени газетага ёзган тадқиқотчи эса мендан сўраб иш қилмайди. У фольклоршунос сифатида хато қилсам, мени ҳам аямайди. Ўзингга қараб, яхшилиқни ҳам ўйла», деб жўнатиб юборди. Шу воқеа икки тўртликнинг юзага келишига сабаб бўлганди. Биз бахшига ҳар тўртликни изоҳлар эканмиз: «Кўйинг етади, фикрингизни кейин айтасиз, яхши бўлса, кўчириб газетага беринг», деди-да, бирини ўқиди:

Битмайди дунёнинг ўзи бири кам,
Биричун нечалар тортди алам-ғам,
Дўстлар даврасида ўтирсанг бир дам,
Жаҳон султонлиги сенда мужассам.

Ҳа, бахши бири кам дунё, ўткинчи дунёда ҳамиша одамлар даврасида, дўстлар ёнида бўлишга интилди. Унинг ишқивозлари кўп эди, аммо сирдош дўстлари кам эди. Унга ўзича ака бўлганлар, ука бўлганлар беҳисоб эди, бироқ лардини тинглайдиган, фикрини англайдиган, ёмонини яшириб, яхшисини оширадиганлар кам, жуда кам эди. Бу ҳақда жар солмас, юрагини ҳаммага очавермас, аммо тез-тез ҳақиқий туғишган ака-укаси йўқлигидан, ота дийдорини кўрмаганидан дostonлар қаҳрамони тилидан фарёд урарди:

Отадан тўртни ярат, бешни ярат,
Ёлғизни яратгунча тошни ярат.

Ёки:

Оталининг айқиради юраги,
Оғалининг кучли бўлар билаги.

Бу сатрлар шу туйғу натижасидир. Шу армонни ушатмоқ учун у ушбу китоб муаллифларидан бирини ака тутди, бирини — ука. Устоз деб эса ўзини илк бор «кашф» этган Абдумумин Қаҳҳоровни ушлади.

— Қодир чинакам қодир эди, — дейди Абдумўмин ака. — Қаршига келса, Қаршидан Самарқанд, Бухоро ё ўзга ерга ўтса, албатта бирга кетар, вақти зик бўлганда кўчадан бўлса-да, ахволлашиб ўтарди. Ундаги одамгарчиликни, диёнатни, садоқатни бошқада кўрмадим. Ижодда қанчалик юксалса, шу қадар ҳокисор бўлиб борди...

1979 йил. Қодир бахши тўнғич фарзанди Абдуқаҳҳорни уйлантирди. Бу ерда келиннинг олдига чиқиш одатга айланган. Келиннинг олдига чиққан, уни кутиб олган эру хотин шу келинга тутинган ота-она бўлади. Тутинганлик туғишганлик қадар эъозлидир. Қодир бахшининг келини олдига чиқишини ният қилганлар кўп бўлиб, улар орасида мансабдорлар ҳам, пулдорлар ҳам етарли эди. Набираси Абдуқаҳҳорни суйиб бағрида улғайтирган Норхол момо: «Абдуқодиржон келинни олдига палончи, палончи оғайниларингдан қайси бирини чиқарамиз?» деганда, Қодир бахши уларни рад этди-да: «Абдуолимни, у менинг укам, садоқатли. Шундай боғламасак, ғузорлик бу йигит узилиб кетади», деб туриб олади (Абдуолим — қўлингиздаги китоб муаллифларидан бири — *муҳаррир изоҳи*). Шу воқеа сабаб ҳам Қодир бахши хонадонига янада боғланиб қолдик...

Қодир бахшининг ўзига ихлос қўйган кишиларга садоқати, ҳурмати чексизлигини кўрсатиш учун айтилганлар етарли, деб ўйлаймиз. Аммо у ўзига одамларни нечоғлик яқин олиб, барчага яхшилик қилишни, эзгулик улашишни ният қилмасин, бахшини кўролмайдиганлар ҳам кўп эди.

Бор бўлсанг кўролмас баъзи одамлар,
Йўқ бўлса беролмас баъзи одамлар,
Ўртада юрсанг ҳам гоҳи-гоҳида —
Туртмайин туролмас баъзи одамлар.

Бор бўлиб давлати ошиб кетмаган, йўқ бўлиб оч қолмаган, сокин дарё бўлиб, бағрида сўз санъати хазинасини асраб-авайлаб яшаётган Қодир бахшини туртишлар кўп бўлди. Бу, аввало, унинг шухратпараст, гоҳ созига, гоҳ сўзига бино қўйган, аслида бир дostonни ҳам эплаб айта олмайдиган ўз шогирдларидан келди. Абдуқаҳҳор бахши бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Машхур дostonчиликда мактаб яратган сурхондарёлик Шерна бахшининг невараси, таниқли Мардонакул Авлиёкул ўғлининг фарзанди, созда ва сўзда Қодир бахшига тенглаша оладиган Хушвақт Мардонакулов элга катта тўй берди. Бахшининг тўйига бахшилар келади, дўсти Қо-

дир ҳам шу тўйда бўлади, деб эшитган одам борки, шу ерда. Икки воҳанинг бахши шоирлари: ака-ука Қора ва Чори Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев, Хуррам бахши, Боборайим бахши, Алим шоир, Шоберди бахши, Шомурод Тоғаев, Эрка Ўсаров, ота-бола Қодир ва Абдуқаҳҳор Рахимовлар, Абдуназар Поёнов, Шодмон бахши, биз — ота-бола бахшилар — баримиз шунда. Фақат биргина Ботир бахши безовта: «Нукул Сурхондарёнинг тўйида Қодир бахши шухрат топаверадими? Мен Хушвақтнинг тўйида уни иккинчи Сурхондарёга қадам босмайдиган қилмасам, Ботир бахши отимни чаппа қўяман», деб гап тарқатиб улгурган. У тўй куни ўзига ўхшаган қаланғи-қасанғи йигитлардан тўрттасини топиб: «Мен кечкурун, кун бота тўйга бораман. Сизлар тушга қолмай, тўйга етинглар. Қодир Хушвақт билан дўст, у тўйга эрталабдан келади, аввалги кеча келгандир. Сизлар: «Биз Қодир бахши билан ўтирмоқчимиз», деб олдиға нима бўлса ҳам кириб оласизлар. У билан базм бошлангунча тинмай ароқ ичасизлар. Ичмай қолса, ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам ичирасизлар. Қодир базмга, аввало, чиқа олмайдиган бўлсин ё чиқса ҳам аранг, гандираклар чиксин. У ёғини менга қўйиб берасизлар. Шу ишни уддаласаларинг катта совға бор», деб роса тайинлаб йўлга солади. Улар худди Ботир бахши айтгандай иш тутишади. Кечкурун базм бошланиб, одамлар чиқа бошлаганда, тўрт йигитнинг учови жойидан туролмай, қайд қилиб ётар, Қодир бахшининг ҳам бир оз кайфи бор эди. Аммо: «Қаҳҳорбой дўмбирани олиб юринг, дўст тўйига бир айттайлик», деб тўнини кия бошлайди. Қаҳҳор бахши: «Бир оз одам олиб базм яримлагандан кейин борсангиз, яхши бўлармиди?» деди. «Ҳов болам, ундан кейин кеч бўлади. Ахир, Хушвақт бўйинса, хафа бўлади. Қолган гапларни кейин айтаман», дея ташқарига чикди.

Базм майдонида тумонат одам. Бахшилар навбат билан микрофонда сайраяпти, кўнгиллар яйраяпти. Санъаткорлар навбат тегмаётганидан тажанг. Даврани бошқариб турган Жумабой чанқовузчи Қодир бахшини кўргандан бахши тар даврасига таклиф қилди. Ҳамма бахшилар: «Устоз келди и, устоз келди», дея кучоқлашиб кўриша кетишди. Бироқ негадир санъаткорлар даврасида хун тортган афғондай безовта ўтирган Ботир бахши кўзғалмади. Авваллари Қодир бахшини устозим, деб юрадиган Ботирбой ўзини кўрмаганликка олиб, ўйинчи қиз билан ҳиринглашиб ўтирар эди. Қодир бахшини кўрган халқ: «Қодир бахши айтсин, Қодир

бахшига навбат беринг», деб чувиллай бошлади. Шу вақт кимдир: «Қодир бахши зўр бўлса, Ботирбой бахши билан майдонга чиқиб айтишсин. Айтиша олмаса, тан берсин», деб ўкира бошлади. Бу бояги бахшини маст қилмоқчи бўлган тўртовнинг бири эди.

Қодир бахши қаддини тик тутиб, кулимсираб даврага чиқди. Мен тезда дўмбирани овоз кучайтиргичга улаб узатдим. Даврага ўзгача файз киргандай бўлди. Бахши шўх «Келиной» нағмасини чалди-да, «Ҳов, оғайнилар, қонқариндошлар, мен неча марта биринчи ўринни олган бўлсам, тилаб, сўраб, ялиниб, зиёфат бериб ё қуруғидан узатиб олганим йўқ. Менга биринчи ўриннинг кераги ҳам йўқ. Халқ омон бўлса, яхши кунларда хизмат қилсам, шу биринчи ўрин, шу етарли. Лекин битта илтимосим бор. Сизлар агар бахшиларни севсангизлар, уларни бир-бирига чоғишгирмангизлар, ўртасида ғараз уйғотмангизлар. Биламан, Ботирбой бахши хушовоз, истеъдодли. Балки у айтишаман демагандир. Агар чини билан айтишса, эл маъқул топса, мана, Алининг майдони, бир майдон айтишамиз. Одам тўртишиб турса, бўлмайди. Мен Хушвақт дўстим ва тўйи ҳақида бир терма айтгунча, бор бўлса, Ботир бахши тайёрланиб турсин», деб термага ўтди.

... Ҳамиша бунёдкор Сурхоннинг эли,
Боғ-роғга айланган Шеробод чўли,
Тўй берар ўғлига юз дoston куйлаб,
Толмаган Хушвақтдай зўр бахши ули...

Бахши селдай тошиб куйламоқда, эл сел бўлиб тингламоқда. Мен одамгарчилик юзасидан Ботир бахши билан кўришайин деб, томошабинларни оралаб у томон ўтсам, у бояги бақирган йигитни четда ҳақоратлар эди: «Пулим тешиб чиққурлар, тўртинг бир кишини маст қилолмабсизлар. Энди бу дев билан айтишиб бўладими? Бу ишларингта ижрокўмдан «мукофот»ни созлаб оласизлар», деган гапни эшитиб жойимда қотдим. Унинг қолган гапларини эшитмадим. Шу топда отамнинг: «Қолган гапларни кейин айтаман», деганини эсладим, соддалигимдан кулиб, отамнинг сезгирлигига қойил қолиб, жимгина изимга қайтдим. Бахши термани тугатгач, халқ талаб қилиб дostonга ўтказди. Унинг айтишича, ошуфта халқ Ботир бахшини ҳам, кечанинг салқин ҳавосини ҳам, туннинг узоклигини ҳам унутган эди. Менинг хаёлимда ҳозиргина отам тилидан янграган

«Тулкига менгзаманг ҳеч қачон шерни, номардга менгзаманг элсевар эрни» мисралари чарх урарди. Бу ҳикматни Ботир бахши эшитдими-йўкми, билмадим, аммо хўрознинг чўзиб қичқиришидан тонг отаётганини сездим.

Сурхондарёда Тожикистоннинг таникли санъаткори Мастона Эргашева анча машҳур бўлиб, у 80-йиллар бошида бахшилар билан даврада айтишишни одат қилган. Бу айтишувларда у ҳаваскор бахшиларни мағлуб қилиб, гоҳо одобахлоқ чегарасидан чиқиб кетиш ҳолларига ҳам йўл қўйди. Жарқўрғон туманига бир бригадирнинг тўйига Қодир бахшини чорлаб, Мастона олдинги тўйда бахшини енгиб кетганини, шу боис унинг орини олиб беришни талаб қилишади. Тўй раиси Мастона Эргашева ва Қодир бахши айтишувини эълон қилганда ҳар иккиси буни хушламай қабул қилишади. Қодир бахши ҳам меҳмон, ҳам аёл бўлган санъаткор билан айтишувни ўзига эп кўрмас, Мастона Эргашева ҳам бахши таърифини қайта-қайта эшитган эди. Санъаткор торини олиб, доирачисини эргаштириб даврада айтаётган бахши ёнига келади, эгилиб салом беради. Бахши:

Ҳой Мастона, Мастона,
Айтасанми ростдан-а,
Кел бўлмаса айтайлик,
Шамол турмай пастдана, —

дея беллашувни бошлайди. Мастона жим, доирачи безовта, тингловчилар нотинч. Бақирӣқ, қақирӣқлар. Бахши:

Ҳой Мастона, Мастона,
Номинг элда бўстон-а,
Бўлмаса мен айтайин,
Элга терма достон-а, —

дейиши билан Мастона торини юқорига кўтаради-да, таъзим қилиб, доирачисининг доирасини олиб дўмбирага жўғ чала кетади. Қодир бахши бир соат Мастонани шунчалик таъҷифлайдики, санъаткор лол бўлиб қойил қолади ва ака-сингил тутинади. Шундан сўнг Мастона Эргашева давраларда отарчи-бахшилар билан гоҳ маънили, гоҳ бемаъни айтишувларга чек қўяди. Қодир бахши бунга яхши сўзи, мақтов билан имкон яратди. Ахир, у бехудага:

Агар қаддинг тик бўлса-да, букилиши ҳам келади,
Аста юрсанг, қаттиқ юрсанг, қоқилиши ҳам келади,

Бургут бўлсанг, қанот ёйиб кетма одамдан йирок,
Қайга учсанг, қайга қўнсанг йиқилиши ҳам келади, —

деб айтмас эди-да! У бу ҳолатларнинг барчасини чуқур англагани боис парвози юксак бўлганда ҳам, одамлардан, эл-халқидан узоқлашмади. Аввало, етим-есирларни, бева-бечораларни, камбағалларни шодлантиришдан ўзини аямай яшади. Зеро, у етимликнинг азобини ўз бошидан ўтказган, бева аёлнинг чеккан машаққатларини онаси мисолида кўрган, ҳис этган, чуқур англаган эди. Қачонки, шуҳрат тожини эл бошига кийдирганда, Ўрта Осиёда уни тинглашга, кўришга, тўйига айтиб фахрланишга қизиқиш ҳаддидан ошганда ҳам у ўша офир лаҳзаларни унутмади, унута олмади. Атрофидагиларнинг аксарияти ўзининг довруғи боис вақтинча ҳамроҳлигини унутмади:

Қанча доно бўлса ҳамки, азиз бошинг, қариндошинг,
Ёмон кунда ҳолинг сўрмас бир йўлдошинг,
Гар қўлингга давлат қуши келиб қўнса,
Борган жойдан мингта чиқар қариндошинг.

Ўзи эса қариндоши йўқларга, қариндош бўлишга, сағирнинг бошини силашга, фарзандсизнинг тутинган фарзанди бўлиб ҳаёт кечирishга қарор қилиб умр кечирди. Қишлоғидан аскар йигит хизматни тугатиб қайтганда, ота-онаси боқий дунёга кетган эди. Аммо қариндош-уруғ тўпланиб, ўша куни тўйни бошлаб юборди. Шунда кимдир «Қодир бахши уйда бўлса, келармикан?» деб қолди. Бошқаси эса: «Келса ҳам пул бермасанг, кўнгил учун сал-пал айтиб кетади-да», деди. Орадан кўп ўтмай, Қодир бахши дўмбирани ушлаб кириб келди. «Ҳозир Тошкентдан келиб, аскар йигитни эшитдим-да, кийимимни ҳам алмаштирмай бу ёкка югурдим», деди очик чехра билан. Сўрашиб бўлгач: «Ҳой йигитлар, аскар шаънига бир айтмасак бўлмас», деб созини қўлига олди. Тонгга қадар даврага файз киритиб термаю дostonлар айтди. Ҳамма уйқусизликни унутиб, иш-ишига бориш учун кўзгалганда, аскар йигитнинг акаси келиб: «Раҳмат, Қодир ака, сизни нима билан рози қилишни билмай-миз», деб кўзида ёш милтиллади. «Мени рози қиламан десаларинг, бир дуо берайин», деб уларнинг ота-онаси ҳақиқа, ўзларининг элда таниқли бўлишига дуо қилди. Бир этак сағирлар шодликдан, бахшига меҳрдан кўзига ёш олиб қолавердилар. Йиллар ўтиб Қодир бахши кўз юмганда эса ўша

ака-укалар бахшининг ўғиллари қатори туриб кўз ёш тўкди. Қайтар дунё экан-да...

Қодир бахши кенжасига суннат тўйи қилиб, эл олди-дан ўтмоқчи бўлди. Узоқ йиғинди, ахир у ҳам тўйига борганларни, ошини еганларни, таниш-билишларни айтиши керак. Тўйда кураш, кўпқари бериш режалаштирилди. Чалканинг қирлари меҳмонлар оти билан тўлди, чавандозу паҳлавонлар туёғидан ер титради. Ўнлаб қурдаги одамларга ошу шўрва қўйиб улгуришга фурсат етмайди. Кечқурун кураш. Кураш тунда, салқинда яхши бўлади. Аммо ўша куни кураш бўлмади. Туман марказига ўн марталаб машина юборишса ҳам электр чироклари ёнмади. Ун саккиз километрли масофанинг қаерида қисқа туташув борлигини излаб топа олишмади. Ноилож кураш қолдирилиб, унинг совруни (зоти) га эртаси кўпқари ўтказилиши эълон қилинди. Юзлаб кишилар хомушу ҳайрон қайтдилар. Эрталаб қарашса, қурлардаги кўрпача кийизлар ҳам йўқ. Одамлар яхши ният билан ирим қилиб олиб кетишибди. Қодир бахши кетган нарсаларга қайғурмади, аммо кураш беролмаганига, Қашқа-Сурхон воҳаларидангина эмас, Туркманистон ва Тожикистондан ҳам келган полвонларнинг ноумид кетганига кўп изтироб чекди. Ўзини ҳеч бир душмани йўқ деб билган бахши электрни ўз қишлоқдоши кўролмаслик қилиб, бир чўққининг устидан ўтадиган жойда қисқа туташув ҳосил қилиб ўчирганини ўйламас эди. Тўй таркалаётганда Қодир бахши қишлоқдошининг: «Қодир менга тўйининг кўпқарисидаги баковулликни бермади, хали тўйини бузаман», деб юрганини эслаб қолди. Ҳақиқатан шу чавандоз тўйининг бир томонини бузган эди. Аммо икки кун ўтгач, ўша чавандоз бахшига одам юбориб уйига Жарқўрғондан меҳмонлар келиб Қодир бахшини сўраётганини айтдиради.

Абдуқаҳҳор ҳикоя қилади: «Чавандоз қайси юз билан отамни чақиртирибди, ҳамма ҳайрон, қани шунча алам етказгандан сўнг отам нима қилар экан деб жим турибмиз. Секин жойидан турди-да: «Қани дўмбирани ол, кетдик», — деди. Мен хаёл суриб, аммо гапира олмай эргашдим. Фикримни сизди чоғи шундай деди: «Бахши одамнинг ҳар турли кишилардан улфати бўлиши керак. Ёмондан ҳам ошнанг бўлса, яхшини дарров англайсан. Агар ҳозир бормасам, жарқўрғонликлар ҳам мени гап қилиб кеттилади. Кел-е, ёмоннинг уйида ҳам бир хизмат қилайлик. Жазосини эса худо беради». Шу кеча дoston айтиб ҳаммани, чавандозни

хам бўзлатди. У ҳар лаҳзада: «Кечир Қодир, кечир дўстим», деб илтижо қилар, бахши эса айтиши билан, хизмати билан уни янада руҳан мағлуб этарди.

Ҳа, Қодир бахши кек сақламайдиган, айтганни ноумид қилмайдиган одам эди. Дарвоқе:

Қарға ҳам учади қаноти билан,
Лочин ҳам учади қаноти билан,
Қарғанинг қўниши чўлда янтоқдир,
Лочиннинг қўниши юксалган тоғдир.

Лочин бўлганидан нигоҳи юксакларда эди. Ҳаётнинг майда, икир-чикирлари билан аралашиб қолиш, пастлар билан баҳс қилишни ёқтирмасди. Бўш пайтларида китоб, газета, журнал ўқир, мушоҳада қилар, футболга ўта ишқибоз бўлиб, Тошкентга «Пахтакор» ўйинига яқин кунларда боришга имкон изларди. У ўзининг эзгу мақсадини қуйидагича эътироф этганди:

Эй одамзот, гар йўл топсам дилинғизга,
Таёқ бўлсам, касов бўлсам қўлинғизга,
Бир лампочка ёруғича бўлмасам-да,
Шам сингари ёғду сочсам йўлинғизга.

Кимгадир, инсонга таёқ бўлиб, касов бўлиб хизмат қилиш эриш туюлар. Эҳтимол, Қодир бахшининг буюклиги шу икки (айримлар назаридаги паст) нарсага ўхшашликка интилишни орзу қилганидир. Таёқ ҳам, касов ҳам инсоннинг мадақкори, суянчи, мушкулини осон қилувчи. Таёқ чўпонга иш қуроли, ёлғиз кишига ҳимоя воситаси, кексайгач куч-қувват. Касов олов ёниб туришидаги асосий қурол. Олов ёниб турса, тандирда нон пишади, ўчоқда овқат қайнайди. Қозон қайнаб туриши, иссиқ нон пишиб туриши эса борлик, тўкин-сочинлик, ризқнинг бутунлиги. Олов касов бўлмаса, у ковлаб турмаса ёнмайди. Бахши учинчи истакни — шамдек ёғду сочишни ҳам ният қилаётир. Ҳар учала детал топиб айтилганига тан бермай илож йўқ.

Бахшилар ҳақида гапирганда уларнинг тўйма-тўй юриши, ўз хизматларига ошириб нарх қўйиши кейинги вақтларда тез-тез айтилиб қолди. Бахшилар ризқи-насибаси эл орасида. Қадимдан шундай бўлган. Ҳозиргача бу анъана бор. Етмишинчи йиллар охирига қадар тўйда хизмат қилган бахшига бир кўпқари ёки курашдаги ўртача соврун (улок, ё

кўзи, ёки тўн) берилган. Кейинги йилларда анъанадан бе-
хабар бахшилар хизматига ўзи нарх бичадиган бўлиб қол-
ди. Ҳозир улар бир соатлик, икки соатлик хизматига беш-
ўн минг сўрайдиган бўлиб қолишди, тўй эгаси бойваччами
ё камбағал, ёшми ё кексалигини унутиб қўймоқда. Бу жи-
ҳатдан Қодир бахши уларга ўхшамасди. У устози Умир бах-
шидек санъаткорни ёнида туриб, устозининг 4 метр алачага
икки кунлаб дoston айтганига гувоҳ бўлган, ўзи ҳам йўқ-
чилик, муҳтожлик азобини торта-торта вояга етган эди. Шу
боис тўйга боргунча ҳам, боргандан сўнг ҳам ўзига нарх
қўймасди. Тўй эгаси берган материални очиб қарамас, пулни
санаб кўрмас эди. Амаллаб тўй бераётган, ammo ният қилиб
бахшини чорлаган тўй эгаларидан иложи борица ҳеч нарса
олмасликка ҳаракат қиларди, дуо бериб кетаверарди.

1985 йил январь ойида бахшини Ғузорнинг Ўнолти
қишлоғидаги тўйга олиб боришди. Кун совук, изғирин. Уйга
одам сизмай ташқарига таклиф қилишди. Чорпояда бахши-
нинг елкасига чепкан ташлаб қўйишди. Бахши куйлапти,
совук тандан ўтпти. Ammo кечгача куйлади. Шомда яна
уйга кирдик, даҳлизгача одам тирбанд, Сангишкандан бах-
шининг мухлиси Амин полвон «Алпомиш»дан айтишини
сўради. Тунги ўн бирларда одам хиёл сийраклашди. Бир
зум тўхтаб, ташқари чиққан бахши даҳлизда: «Бахши бунчага
кўнмайди, йўқ бунча бўлади», деган гап-сўзни эшитиб қолди-
да, қовоғи уйилиб жойига ўтди. Тўй эгаси ўрта яшар чўпонни
ва унинг кекса отасини уйга чақиртирди. «Отахон, Сизга
рахмат. Мен тўйингизга пул учун келганим йўқ. Манови
бухгалтер ошнам қўймай олиб келганди. Мен учун ўелингиз
билан тортишманг, уят бўлади. Овмин, бошингиз тўйдан
чиқмасин, менинг ҳамма айтганларим Сизга тўёна», деди-
да, юзга фотиҳа тортди.

Бахшига пул тушдими, шуни ошна-оғайнига сарфламаса,
кўнгли тинчимасди. Бирдан меҳмон чорлаб қолар, зиёфат
берарди. Пул одамни бузади, бойлик йўлдан оздиради, деб
биларди. Ахир:

Шода-шода олтин йиғиб тўймаган бу кўз,
Дунёнинг барин олиб кўнмаган бу кўз,
Гар хароба қишлоқ томон бориб қолса,
Анжом ташлаб, кадам тайлаб келмаган бу кўз.

Кунлар ўтар, бахши номи қанот ёзиб узоқ-узоқларга
учарди. Фольклоршунослар, журналистлар, радио, ойнаи

жаҳон ходимлари бахшини йўқлар, кўпчилиги учун бахши экзотика эди гўё. Келган ҳар киши нимадир ваъда берар, эътибор қозонишга уринарди. Ҳатто Тошкентдан икки олим бахши лугатида Навоий ишлатган сўзларни қўлланар экан деб келибди. Аммо қайси сўзлар, қаерда, қайси терма ёки дostonда, ҳеч ким билмайди. Энди бахши камида бир ой ўз репертуарини айтиб чиқсинми? Ёки туманда, вилоятда катта мансабдорлар шу қадар кўпки, қайси бирининг тўйига, ўтиришига улгурсин. Изловчи мингта эди, бахши битта, китобингиз, термангизни чиқараман дегувчи ваъдабоз юзта эди, бахши ёлғиз, ўз манфаатига бахшини хизмат қилдирмоқчи бўлган ҳисобсиз эди, бахши танҳо эди. Аммо мансабдорлар уйини ёпиш учун пулига юзта шифр олиб беролмас, журналистлар у ҳақда эътиборлироқ, бир мақола ёза олмас, олимлар ёзиб олган дostonларини чоп қилолмас, йилида ўзининг бир-икки китобини чиқара оладиган, чиқараётган шоиру адиблар унинг бирон китобини чоп қилишга кўмаклашмас эди. Шу боис 1982-1985 йилларда дoston ёздиришдан ҳам, изловчилардан ҳам безди. Турли йўллар билан уларга кўринмаслик чораларини излаб қолди. «Худо балодан қутул деб берган ёлғонни. Шу балоларга кўринмайин», деб ўзини четта ола бошлади. 1985 йили «Ойчинор» дostonи чоп этилгач, яна умид учқунлари пайдо бўлди. «Ёзи билан Зебо» дostonи қўлёзма қилиниб, «Малла савдогар» магнитофон тасмасига ёзила бошлади...

Қодир бахши ҳаётда ёлғизликни ёмон кўрарди. Қаерга сафарга отланса, ҳамроҳ ахтарар, ҳамроҳи ҳам содда гап-гапга қўшиладиган бўлиши лозим эди. Шу хислати туфайли биз кўп пайт гоҳ узок, гоҳ яқин сафарларда бирга бўлардик. Сафар харажатлари кўпроқ бахши зиммасига тушарди. 1982 йил Олмаота шаҳрида Шарқ халқлари эпоси мусиқасига бағишланган халқаро конгрессга бахши таклиф этилди. Мактабда иш энди бошланганига, йўл харажатлар старли бўлмаганига ва бошқа турли важ-корсонларга қарамай, туман раҳбари — биринчи котиб орқали руҳсат олди. «Бир сизга йўл харажати топа олмасам, Қодир бахши деган номим қаёқда қолади», деди-ю, жўнадик.

Тошкентга келиб вокзал борсак, Олмаотага поезд йўқ экан. Аэропортда эса самолёт тунги иккида бўлишини айтишди. Кечқурун овқатлангани кирдик. Одатта қарши бахши кўпроқ ароқ буюрар, чиқишга шошилмасди. Тунги ўн иккигача ўтирдик. «Йўлда боряпсиз, кўпроқ отмаяпсизми?» дегандик, дардини айтди. Дунёда самолётда учишдан кўрқаркан, шу боис

доим поезд ёки машинада юришга одатланган экан. «Мен самолётга ўтиргандан ухлашим лозим, ўзимни шунга тайёрладим», деди. Тунги учда Олмаотага етиб келдик...

Бахшилар ҳақида гап кетганда улар саводсиз бўлганидан ёзмайди, ёзишмагин, дейишади. Бу гап унчалик тўғри эмас. Биз билган ҳозирги Хушвақт бахши, Чоршанби бахши, ака-ука Қора ва Чори Умировлар, Қахҳор бахши, Қодир бахшилар саводхонгина эмас, олий маълумотли бўлишса-да, ёзишни ёқтиришмайди. Асосий қисмига тўрт мисра ёз дегандан, тўрт ой тўхтовсиз куйла дейилса, енгил туюлади. Қодир бахши ҳам айтар, айтаверар эди-ю, ёзишга келганда ёқтирмас эди. Эҳтимол, ўзи ёзишда дўмбиранинг бўлмаслиги илҳом бермас, балки оғзаки ижрога ўрганган кишига бу оғир ташвиш бўлиб туюлар, билмадик. Шу нарса аёнки, тўрт қатор ёзган ёзма адабиёт вакили таҳририятма-таҳририят ёзганини чоп эттириш учун югурса, Қодир бахши (бошқа бахшилар ҳам) бирон газета-журнал ёки нашриётга ёзганимни ё ёздирганимни чиқаринглар, деб борган эмас. «Нега шундай?» деган саволга ҳануз жавоб топа олмаймиз.

Ўзига берилган илоҳий салоҳият, чинакам инсоний фазилатлари ва хислатлари билан Қодир бахши улкан сиймо эди. Бироқ ҳеч вақт улуғлик талаб қилмади, мукофот сўрамади, мансабдорга таъзим, куйиларга димоғдорлик қилмади. Фақат эзгулик, адолат, яхшилик, меҳр улашиб, шуларга ташна бўлиб яшади. Унинг учун меҳнатдан буюк қудрат, ҳалол нондан буюкроқ неъмат йўқ эди:

Меҳнат-ла одамзот улуғ дунёда,
Унинг шуҳрати-чун шоҳлар пиёда,
Меҳнатдан топилган бир туюр нонинг,
Меҳнатсиз неъматдан минг бор зиёда.

Кошки:

Ҳамманинг тилаги бир хилда бўлса,
Ҳамманинг юраги бир хилда бўлса,
Тухмат ҳам, ғийбат тугарди шунда,
Эшитар қулоғи бир хилда бўлса.

Бу бахши орзу қилган, аммо эриша олмаган эзгу ниятлар эди...

ҚОДИР БАХШИ — ҚАДРИЯТЛАР ЖАРЧИСИ

Қодир Раҳимов машҳур бахши-шоир, таълим-тарбиянинг атокли дарғаси бўлибгина қолмай, балки қадимий туркий, жумладан, ўзбек қадриятлари — расм-русумлари, урф-одатлари, удумлари, маросимларини байрамларининг ҳимоячиси, тарғиботчиси ва жарчиси ҳам эди. Бахшининг ўзбек қадриятларига бўлган муносабати икки йўналишга эга. Биринчидан, у дostonлари ва терма-қўшиқлари бағрида халқ анъаналарига муҳим ўрин ажратди, уларнинг халқ ҳаётидаги аҳамияти, турлари ва таълим-тарбия ҳамда ахлоқ-одобда тутган ўрнини бадиий образлар ва лавҳаларда тасвирлади...

Дарҳақиқат, бахши репертуарини ташкил этган дostonлар ва термаларни, бадиҳагўйлик йўли билан яратган асарларини кўздан кечирар эканмиз, ҳаёт сарвари инсоннинг дорилфанога келишидан тортиб дорилбақоғача бўлган давридаги қадриятлар кенг ва атрофлича бадиий талқин этилганининг шоҳиди бўламиз.

У биз билган-билмаган қадриятлар ҳақида бир ижодкор, бадиий сўз санъаткори — бахши сифатида теран фикрлар юритади. Фарзанд қадрияти, ота-она ҳурмати, қиз иффати, йигит шаъни, юрт садоқати, инсонлик бурчи, катгаларга иззат-икром, заминга муҳаббат, дўст-биродарлашиш оқибати, меҳнат секинчи, илм-фан, касб-ҳунар, яхшилик, камтарлик, мардлик, хушёрлик, тadbиркорлик, сахийлик, меҳмондўстлик, адолат, ҳаққоният, кадр-қиммат, муҳаббат, вафо ва садоқат, оила, одоб, тарбия, қариндош-уруғ, меҳроқибат, тақдир, омад, сабр-қаноат, ризқ-насиба, эпчиллик, уддабуронлик, вақт ва фурсат, фаросат, ғурур, тўй, марҳум, ёшлик ва қариллик, ҳайвонлар, шунингдек тўрт унсур билан боғлиқ халқона, ўзбекона виждон, миллий руҳ ва миллатий маънавият-маърифатга оид қадриятлар шулар жумласидандир. Ахир, доимо халқ орасида бўлиб, кўпни кўрган, дostonлари ва термаларида халқ дарди билан ёниб, куйиб, қувонч-шодликларга шерик бўлиб, қисқаси, оддий кишиларнинг яхши кунларини ҳам, ёмон кунларини ҳам елкалаб, дўмбира садосига, ёқимли овозига жо этиб яънаган, ижод қилган бахшининг халқ қадриятларини билмаслиги, асарларида тараннум этмаслиги мумкинмиди?! «Зайдиной», «Ойчинор», «Ғулпаной», «Жархун мастон», «Келиной», «Машарой», «Норгулой» каби дostonларини, қанчадан-қанча терма-қўшиқларини кўздан кечиринг, ундан ёзиб олинган бебаҳо хотиралар, бир қараганда майда-чуйдадай кўринган, аммо

муҳим илмий, тарихий, тарбиявий аҳамиятга молик нақллар, қайдлар, лавҳалар, иборалар, изоҳлар фикримизни қувватлаши мумкин. Иккинчидан, бахшининг қадриятларни бу қадар теран билиши, уларда бевосита иштирок этиши билан боғлиқдир. Одатда халқ бахши-шоирлари ҳақида сўз борганда, енгил-елпи: «Ҳа, бир дoston куйловчида, хириллаб қўшиқ айтувчида», деб қўя қоламиз. Ваҳоланки, иқтисодига, қуввайи ҳофизасининг кучлилигига, истеъдодининг беқиёслигига, қолаверса, халқ ҳаёти, турмуш тарзи, унинг феъл-атворини, дардини, қувончини, алам-қайғусию шодиёна кунларини яхши ҳис қилувчи, маълум маънода башоратчи, кароматгўй, табиб, айни чокда жонли тарих, тил, жумладан, шевалар, бадиий адабиёт, хусусан, халқ оғзаки ижоди, мусиқа санъати, халқ қадриятларини, таълим-тарбиясию дунёқарашини, бошқача айтганда, фалсафасини, эстетикасини жуда билагон, бадиий асарларида талқин ва тадқиқ этадиган санъаткор, буюк шахс эканлигини, беқиёс хотира кучига эга, демак, тарихчи, солномачи шахслигини билмаймиз, билсак ҳам тан олгимиз келмайди. Қодир бахши билан узоқ йиллик муносабат, борди-келди қилишлар, баҳс-мунозара, мулоқот ва ижодий ҳамкорликлардан шунга амин бўлдикки, у ҳамма нарсани биларди.

Доно халқимизнинг иссиқ-совуқ маъракасини, тўй-томошаларию мавсум-маросим одатларини, қадриятларими ё оғзаки ижод анъаналарими, халқ анъанавий педагогикаси, таълим-тарбияси қонун-қоидаларими, қисқаси, кийим-кечагидан тортиб уй жиҳозларигача, юриш-туришидан то ҳайвонот дунёсию ўзига хоё табиатигача, тўрт унсурга оид воқеа-ҳодисалардан тортиб инсон феъл-атворининг энг нозик қирраларигача — ҳамма-ҳаммасидан у хабардор эди. Қисқаси, Қодир бахшининг билмаган нарсасининг ўзи йўқ. Биз халқ оғзаки ижодига оид материалларни излаб, ёзиб олиш асносида, миллий қадриятларига тааллуқли кўп жилдлик китобга маълумот йиғишга ҳам ҳаракат қилдик. Ана шу жараёнда бахшиларимизнинг, жумладан, Қодир бахшининг кимлигию халқ, ҳаёт, ижод, қадриятлар борасида қанчалар билишини англаб, ҳайратга тушган кунлар кўп бўлган.

Шуни айтиш керакки, режалаштирганимиз «Ўзбек қадриятлари»* кўп жилдликка кирган, халқимизнинг унутилиб кет-

*Китобнинг биринчи жилди 1996 йили «Чўлпон» нашриётида чоп этилган.

ган ё унутилиш арафасида турган, ҳозирги кунларимизда яшаб келаётган қадимий, бебаҳо қадриятларининг кўпчилик қисми Қодир бахши тилидан қаламга олинган ёхуд бахшининг ўзи ёзиб берганлигини эътироф этиш лозим.

Ҳа, бахшига баҳо беришда бир ёкламаликка йўл кўйиб бўлмайди, унинг ижодию ижрочилигини, билимдонлигию укувлилигини — барча-барчасини эътиборга олиш, демак, серқирра жиҳатларини эсдан чиқармаган ҳолда ёндашиш талаб этилади.

Хўш, Қодир бахшининг халқи қадриятлари билимдони эканлиги нималарда кўпроқ кўзга ташланади? Бахшидан қадриятларимизга оид нималар ёзиб олиб қолинган?

Маълумки, Қодир бахши қадимий ва замонавий қадриятлар орасида яшаб, узоқ асрлик миллий урф-одаатлар, расм-русумлар, ирим-сиримларни кўп билган бахши-шоирлар оиласидан чиққан кайвони Нормул момо Турди қизи бағрида стилди. Бахши-шоирлар, жумладан, бобоси Турди шоир, тоғаси — машҳур дostonчи Ражаб бахши Нормурод ўғли ҳамда Умир бахши Сафар ўғли каби ўз замонасининг элда ном қозониб, эътибор топган атоқли бахшилари унга устозлик қилишди. Оила таянчлари, устоз-мураббийлар болалигидаёқ унга ўзбекона қадриятлар моҳиятини англаш, қадрига етишни ўргатишди. Халқимизнинг, хусусан, Жанубий Ўзбекистон аҳлининг меҳнат, мавсум-маросим байрамларини, тую маъракаларини, қувончли айёмларини, шодиёна онларини бахшилар билан биргаликда ўтказди. Қодир бахши ҳам умр бўйи ана шу халқ анъаналарига амал қилди. Ўзининг худо юқтирган, устозлар камол топтирган ҳар қандай кишини лол қолдирувчи ижодчилик ва ижрочилик санъати билан халқнинг тантаналарида қатнашиб, эл хизматида бўлди, улар қалбига нур, ёруғлик улашди. Халқдан ўрганди, халққа ўргатди. Демокчимизки, Қодир бахши эл орасида дoston-термалар куйлаш, дўмбира куи нималарни чертиш билан бирга, гоҳ зимдан, гоҳ ошкора халқ удумларини кузатди, ўрганди, қуввайи ҳофизасига жойлади.

Шундай қилиб, Қодир бахши бахшичилик санъатини мукаммал эгаллаб, устозлари мақомига етишгандан сўнг элма-эл, юртма-юрт кезиб, ўзбекчилигимизни ўрганди, ўргандигина эмас, бадиий тадқиқ этди. Халқ урф-одаатлари, удумлари, расм-русумлари, анъаналарини, маросимларини, турфа байрамлари, маиший лавҳалари, халқ ўйинларини асарларига кўчириб, жуда ишонарли ва ҳаққоний акс эттирди.

Зеро, «Бахшичилик энг қийин соҳалардан бири, деб ёзишади «Дуней... тенгдош хазина» китобининг муаллифлари. Негаки, у бирданига бир неча соҳани билиши, уддалаши шарт. Бадиҳагўйлик, кучли созандалик, чечанлик ҳамда яхши овоз. Аммо бу хусусиятлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди... Кимга насиб этган бўлса, унинг зиммасига залварли юк юкланади, у бу юкни фахр ва ифтихор билан елкасида ортмоқлаб, ўз навбатида уни бошқа авлодга етказмоғи лозим... Лекин елкасида масъулият ҳис қилмаган бахши ҳеч қачон бахши ҳисобланмайди. Бу юк халқ хазинасини янада бойитиб, келгуси авлодга етказмоқ демакдир. Зеро, бахшичилик санъатининг вазифаси ҳам ана шунда». Бинобарин, Қодир бахши елкасидаги юк, олдидаги масъулиятга яна бир нарсани қўшиш керак — бу юқорида ҳам қисман айтилганидек, халқона қадриятларни сақлаш, янада ривожлантириш ва авлоддан-авлодга ўтишига яқиндан кўмаклашиш эди. У бунинг ҳам уддасидан чиқа олган бахшидир.

Қодир бахшининг қадриятлар қадри борасидаги хизматлари, тенгдошларидан фарқланиб турадиган жойи шундаки, у она халқимизнинг неча минг йиллик тарбиявий тажрибаларини ўзида жамлаган анъаналар, урф-одатларда миллий руҳ, миллий қадриятлар, ранг-баранг халқ тарбиявий усуллари мужассамланганлигини ўзига замондош бахшилардан олдинроқ англаган ва уларни тўғри, ҳаққоний баҳолай олган эди! Халқ миллий қадриятлари асос-эътибори билан тарбия масалаларига қаратилган. Уларнинг шакл-шамойили, ифода услуби ва ижроси қандайлигидан қатъи назар, умумий мақсади ИНСОН тарбияси, мукаммал ахлоқ ва маданиятни таркиб топтириш экан. Қодир бахши масаланинг ана шу томонига чуқур аҳамият беради-да, уларни асарлари қат-қатига сингдириб юборади. Бунинг унинг дostonларидаги биргина тўй маросим тасвирига эътибор берайлик. Мана, «Жархун мастон» дostonидаги никоҳ тўйининг таъриф-тафсифи:

...«Сардорлар билан аскарлар, подшолар билан вазирлар бир бўлиб Қолдустон шаҳрига борди. Гўрўғли айтди:

— Энди қизингни тўй қиламиз.

Гапсаршоҳ жойидан туриб таъзим қилди ва:

— Эй султоним, буни қизнинг ўзидан сўраш керак, бизнинг қадамиз (одатимиз — М.М., А.Э.) шундай. Олдига хар ким бора олса, тийишга рози бўлади, — деди.

Гўрўғли:

— Бўлмаса, олиб бор, — деди.

Кўшкига олиб борди. Султоннинг ҳам эси кета берди. Шунда чилтонларга сизиниб, ўзига ўзи далда бериб, охириги кўшкига етиб киздан: «Келин бўласими?» деб сўради. Шунда Гулисанобар, сонсиз канизи бор, дутор бўйли, бели тор, баданлари қордай оппоқ бурилиб, рўмолини қия қилиб, султонга қараб бир сўз айтиб турибди:

Мен найлайн, такдиримда кўрайин,
Чамбил бўлса, майли Чамбил бораман,
Мен розиман, тўйни берсин элима,
Нурхон билан майли бирга юраман.

...Қирқ кеча-қирқ кундуз тўй бўлди. Карнай-сурнай, ноғора-наъма, ўйин-кулги, шоду хуррамлик бўлаётир...

Гулисанобар ҳам ота-онаси билан хўшлашиб, кўзига ёш келиб келиннинг қадасини қилиб, шўрқ-шўрқ йиғлаётир. Элатлари — ёши, мўйсафиди, қизи, момоси, ҳаммаси қўл очиб: «Борган жойинг давлатли бўлсин, ризк-рўзинг кўп бўлсин», деб дуо қилди...

Ана энди хўшлашиб, хайё-хайт деб Чамбилга жўнаб кетди, кеча-кундуз йўл тортиб Асқарга етди. Асад билан Шодмон суюнчига кетди... Келинни олиб бориб ўтовга киритди. Қирқ кеча-кундуз тўй берди. Кўпқарилар чопилиб, чавандозлар бойиб қолди, камбағаллар тўйиб қолди».

Никоҳ тўйининг бундай тасвири, «Норгулой» дostonнидаги халқ урф-одатлари, удумлари, хусусан, дoston сўнггида келин саломнинг жуда ҳам таъсирли ҳолатлар, лавҳалар ва мисраларда берилиши Қодир бахшининг халқ кадриятларини нақадар теран билиши, уларнинг маъно-моҳиятини чуқур англаши ва асарларида улардан ўринли фойдалана олишини тасдиқловчи ўринлардандир.

Қодир бахшининг ўзбек кадриятлари борасидаги қарашлари ва билими тўғрисидаги қисқача мулоҳазаларимизни яқунлар эканмиз, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Бу — бахшининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги саъй-ҳаракатлари ва серқирра ижодида кадриятларимизга катта эътибор бериш орқали халқимизга ўзлигини таниши, ўзбеклигини англашига кўмаклашиш эди. Дарҳақиқат, Қодир бахши Раҳим ўғли, устоз бахшилар каби, Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт фуқароси бўлганлигидан, ўзбек деб аталмиш буюк халқнинг фарзанди, куйчисилигидан фахрланиб яшади. Асарларини тинглаган, ўқиган, бахши билан

мулоқотда бўлган киши борки, унинг қалбига ва асарлари қатламига: «Ғиз беқиёс Ўзбекистон фуқаросимиз», «Ҳа, биз ўзбекмиз», деган пурмаъно фикр, гурур ва миллий ғоя сингиб кетганлигини англамаслиги мумкин эмас.

Дарҳақиқат, «ўзбек», «ўзбекчилик» каби муқаддас сўзларини онгимиздан, шууримиздан ўчириб, бутунлай йўқ қилиб ташламоқчи бўлиб турилган ўша пайтларда Қодир Раҳим ўғли каби бахшичилик санъатининг дарғалари ҳақни, ҳақиқатни қалб кўзи билан кўриб, дил сўзлари воситасида баралла овоз билан қуйлашлари ўзига хос жасорат эди. Қодир бахши бу фоний дунёдан дорул бақо сари йўл олгандан кейин сўнмас кадриятларга айланиб қолишининг боиси ҳам ана шунда.

Ҳа, Қодир бахши ҳам мустақилликни, истиқлолни орзумид қилиб, уни юксаклардан туриб қуйлаб, амалга ошишини кўролмай минг бир армонда кетган устоз дostonчиларимиз каби йиллар ва асрлар қаъридан машғалдай нур сочиб, авлоду аждодларни маънавий камолот сари етаклайверади.

ҚОДИР БАХШИ ЎГИТЛАРИ

Қодир бахши Раҳим ўғли — беназир ижрочи ижодкор бахши бўлибгина қолмай, балки таниқли мураббий-педагог, кўплаб бахши-шоирлар етиштирган устоз ҳамдир. Унинг мураббийлик фаолияти йўналиши, мазмун-моҳияти ва хусусиятларига кўра уч катта бўлимга ажратилиши мумкин:

Биринчидан, моҳир педагог, ажойиб тарбиячи отаси Раҳим Жаббор касбини, яъни ўқитувчилик касбини танлаб, ўрта мактабни тугатгач, ота изидан кетди. Бухоро педагогика институтининг бошланғич таълим факультетига ўқишга кирди ва уни тугатгач, умрини ўқитувчилик касбига бағишлади. Хўжа Махмуд қишлоғидаги Бобур номи ўрта мактабда ўқитувчилик қилиб, ёш авлод тарбияси билан астойдил шуғулландию Туман ва вилоят қолаверса, республикада халқ таълими тизимини мустаҳкамлаш, уни жонлантириш, миллий таълим-тарбияни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди.

— Қодир бахши мактабда ўқитувчилик қилиб юрган пайтларда асосий дарсларни музаффақиятли ўқиш билан бирга, — дейди педагог, Қодир Раҳим ўғли билан бирга ишлаган Болта Раҳмонов, — танаффус пайтларида, ҳатто

баъзан-баъзан дарс жараёнида ёзма ва оғзаки адабиёти-мизнинг улуғ дарғалари Султон Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Алишер Навоий, Тавалло, Хувайдо, Бобур Мирзолар ижодлари билан бирга, оғзаки ижоднинг буюклари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислон Назар ўғли, Абдулла шоир шеър-достонларидан ҳам ўқувчиларни хабардор қилиб турар эди. Широк, Тўмарис, Ойсулув, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Темур Малик каби баходирлар ҳақида соатлаб сўзлаб беришдан чарчамасди. Гўрўғли, Алпомиш, Авазхон, Нурали, Рустам, Кунтуғмушларни-ку, оғзидан туширмас, гоҳ оғзаки, гоҳ дўмбира билан айтиб, болалар онгига миллий ғурур, юртсеварлик, миллатпарварлик ғояларини сингдирар эди. Уша пайтдаги раҳбарларнинг уни куйлама, буни куйлама, агар айтганимни қилмасанг, ундок қиламан, бундок қиламан, деб дўқ-пўписи қилишларидан чўчимас, ўзининг айтганини қилар, деганини дер эди. Бахшининг тарихда ўтган буюк шоирлару миллий қаҳрамонларимизни қўрқмай, ҳайиқмай тилга олиши, ҳатто ўз дoston-термаларига солиши ҳаммамизни ҳайратга соларди...

Шундай қилиб, Қодир бахши, бир томондан, таълим-тарбия соҳасидаги умум қоида ва йўл-йўриқларга, кўрсатмаларга ҳамкасблари қатори амал қилиб ҳалол, пок фаолият кўрсатса, иккинчи томондан, мактабда ҳам бахшичилик санъатини қўймай, аксинча, ишга солиб, ўсиб келаётган авлодни кадриятларимиз, анъаналаримиз асосида тарбиялаб, уларда миллий онг, миллий ғурурни уйғотиш, шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилди.

Иккинчидан, репертуаридаги анъанавий дostonлар, термалар ва бошқа халқ ижодиёти намуналари, ўзи ижод қилган ранг-баранг асарлари билан нафақат республика ёш-ялангларини, балки бошқа республикалар, хусусан, Ўрта Осиё ёшларини, қолаверса, бутун туркий ва бошқа халқларга мансуб авлодни ватанпарварлик, дўстлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, донолик, яхшилик, тўғрилиқ, мардлик, ботирлик, ҳушёрлик, кадр-қиммат, муҳаббат, вафо, одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Айни чоғда у туркий ҳамда форсий халқ оғзаки ижодининг бойиши, тараққиётига ҳам ўзининг катта улушини қўшди. Биз учрашган, суҳбат-мулоқотида бўлган Р.Бердибоев, С.Қасқабасов, И.Уахатов, Р.Амонов, Б.Шермухаммедов, О.Бердимуродов, Ш.Шомухаммедов, Б.Қориев, Б.Мамбетназаров, Р. Қидирбоева, С.Каттатош, Т.Шинжан ва бошқа турли миллат олим-

ларининг Қодир бахши халқ оғзаки ижодига қўшган улуши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш нақадар мароқли.

Хўш, Қодир бахшининг халқ оғзаки бадиий ижодига қўшган ҳиссаси нималардан иборат? Биз бу ҳақда юқорида қисқача тўхталдик. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, бахши ижро ва ижодда шундай асарларга қўл урдики, улар маъно-мазмун жиҳатдангина эмас, балки тарбиявий томонлардан ҳам жозибали, ибратли, ҳамма давр учун зарур ва керакли бўлиб чиқди. Дарҳақиқат, Қодир бахши катта-кичик асарларининг тарбиявий томонига алоҳида эътибор берган, кишиларнинг, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг яхши хулқ-сифатларни эгаллашларини, одобли бўлишларини дилдилидан истаган. Уни амалга ошириш учун ҳам ижодда, ҳам ҳаётда курашган бахши эди. Қодир бахши тарбияни даставвал ўз оиласидан бошлар, кейин қўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, ҳамқишлоқларию ҳамюртлари билан қўшиб олиб борар эди.

Дарвоқе, тўққиз фарзандни одобли, фаросатли, сабр-қаноатли, меҳр-оқибатли ўрнига қўядиган, инсофли, тўғри, камтар, меҳнатсевар, дўстпарвар, ватанпарвар қилиб вояга етказди. Улардан тўрт ўғли ҳам — Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Бахтиёр, Бахромлар ҳам замонамизнинг таниқли бахши-шоирлари бўлиб элга танилганлар, ўзларининг хушхулқлари билан кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозониб, ҳурмат, иззат-икромга сазовор бўлган эканлар, бунда, аввало, падари бузрукзорларининг таълим-тарбияси биринчи ўринда туради.

Ҳа, Қодир бахшининг одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги ҳам бадиий, ҳам ҳаётий хизмати бениҳоя катта ва ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Шу жиҳатдан дoston ва термаларига сингдирилган одоб-ахлоққа, таълим-тарбияга оид қарашлар айниқса таҳсинга лойиқ. Уларни бир жойга жамлашдан каттагина одобнома, ибратнома китоби пайдо бўлди. «Қодир бахши ўғитлари» китобидан кичик бир парчаси «Гулхан» журналида эълон этилди ҳам.

Мана, Қодир бахшининг биргина достони — «Зайдиной»дан олинган ўшандай ўғитлар:

Кўп чумоли ҳар кимсани шоширар,
Ботмон донни олти товдан оширар.

Дўстлар, бўри қайга борса, бўридир,
Танҳо юрган мол зотининг шўридир.

Бир одамнинг ақли отча бўлади,
Кўп одамнинг ақли товча бўлади.

Қурт тешади доим оғоч бўшини,
Тошни кесар тушса кўкнинг яшини.

Бириктирса чўпни синдириб бўлмас,
Бириктирмоқ керак элнинг бошини.

Насиба тортганлар ойни олади,
Насиба тортмаган кури қолади.

Жала бўлмай сойнинг суви тошмайди,
Ботир орин олмай отдан тушмайди.

Ҳалак қилар иш буюрсанг болага,
Нодонни бек қилиб бўлмас қалъага.

Ким қўрқади ёлғиз отнинг чангидан,
Мусофирнинг фарқи бўлмас бангидан.

Ёмон хаёлларни бошдан учиргин,
Доно бўб ахмоқнинг сўзин кечиргин.

Биринчи фарзандлар давлатнинг боши,
Биринчи мол бўлар йигит йўлдоши.

Яхшилик зиёси юрсин юзингда,
Ёмонлик кулфати қолсин изингда.

Тов шамол эритар товнинг қорини,
Яшириб бўлмайди гапнинг борини.

Гўрўгли деб баён бердинг отингди,
Ўлсанг-да номардга қилма додингни.

Камайтириб бўлмайди Ойни тўлганда,
Давлатни қайтариб бўлмас келганда.

Тилини билмаган молни боқмайди,
Чаёнга тегмасанг, асло чақмайди.

Ҳар хилда бўлади тоғнинг лоласи,
Ёмондир, гар бўлса ишнинг чаласи.

Сувни сотса, олиб бўлмас зар билан,
Кўрмай-билмай, тенгман дема зўр билан.

Номард юрар ниятини пуч қилиб,
Бир қилган ишини қайта уч қилиб.

Навбат етса, тош учади қолокдан,
Мазах қилиб, кулиб бўлмас чўлокдан.

Сув чиқмасми бир қуриган булокдан,
Элдан-элга бир кун давлат ўтмасми?

Охир бориб букчаймасми кора нор,
Шамолнинг шаштига тош ҳам яланар.

Мол таласанг, билгин, молинг таланар,
Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтмасми?!

Тўғри гапнинг тўрт томони йўл бўлар,
Ёлгон сўзнинг айланаси кўл бўлар,
Бошга бало, охир бориб тил бўлар.

Бу дунёнинг, болам, тошу тарози,
Насиб қилсин, бўлмас молнинг кўп-ози,
Гадоликнинг бир кун беклиги бордир,
Хизмат қилган бўлмаган ҳеч норози.

Арча кесилганда тана чирийди,
Томири қирқилса, барги қурийди,
Етим йиғлаганда ерлар эрийди.

Сахроларда иш беради, бўлса хум,
Соясидан баҳра беради гужум.

Салом бериш бўлар гапнинг калити,
Эй яхшилар, ассалому алайкум!

Эр йигитнинг бўлар доим савлати,
Ғаразғўйдир ғаразғўйнинг авлоди.

Юқоридаги ва баъзи ҳолларда улардан-да гўзал, улардан-да сермаъно, сержило мисралар, қуйма иборалар, ҳикматнамо жумлалар бахшидан ёзиб олиб қолинган «Жар-

хун мастон*», «Гуппаной», «Келиной», «Норгулой», «Ойчинор» каби достонларида, ўнлаб терма-қўшиқларини безаб туради. Достонлар, термалардан, шунингдек, ўзимиз суҳбатлар, мулоқотлар, баҳс-мунозараларда бахши тилидан эшитган ва «Йўлбатик» дафтарларига қайд қилган панд-ўғитномаларидан айримларини келтирамиз (зеро, улар Қодир бахши фалсафаси, дунёқарашининг чуқурроқ англашда, ижодининг ғоявий йўнгиши ва бадиий кўламини тушунишда, қолаверса, у мансуб халқнинг даҳоси, тафаккур доирасининг нақадар кенглиги ва теранлигини билиб олишда муҳим манбалар бўлиб хизмат қилмоғи мумкин).

«Қуриган дарахтга сув куйган билан кўкармайди», «Қовуннинг яхшисини ит ейди доим», «Ёмон отга ёл битганда эгасини тепади», «Кўп одамнинг ақли тоғча бўлади», «Кўп фикрни кўл дейишар, ёронлар», «Ботир орин олмай қўймайди, юртига меҳнат қилиб тўймайди», «Кетмон бўлиб тегсанг гулга, қайтиб чиқиш қийин йўлга», «Йилдан-йилнинг тафовути бор, одамдан одамнинг фарқи бор», «Осойишталик барча эллар тилаги», «Тинчлик деган охир етар муродга, уруш деган қолар бир кун уятга», «Қари ўлса қора ерлар тинади, йигит ўлса шох чинорлар синади», «Чўл сирини ўз бўриси билади, юрт севгисини чин ўғлони», «Чилла кирса нор туялар маст бўлар, мард гапирса айтган сўзи рост бўлар», «Бадфёълнинг белгиси — дўст кадрини билмайди», «Бели бўлганинг босган изи чўл бўлар», «Ширин тилнинг иши доим шириндир», «Заҳар тилнинг иши доим заҳардир», «Қалтис сўздан кўз ёшларинг кўл бўлар, ўринли айтган сўздан обрўйинг мўл бўлар», «Тилинг остонада ётган нақ арслон» ва бошқа ҳикматли сўзларнинг пурмаъноларини чақинг-а. Ёхуд бахшининг қаҳрамонлар тилидан:

Ота осмон бўлса ёмғирли, қорли,
 Онамиз заминдир ёзли, баҳорли...
 Иккисин ҳурматин эъзозлай билсанг,
 Сенгадир фаслар баҳори, бори... —

деган ҳолда, ота-она ҳурмат-иззатини жойига қўйиш, шундай қилган инсон ҳамиша фаслар кўрки, жамоли баҳордай гўзал, ёқимли ва ардоқли бўлишини таъкидлайди.

*Жархун мастон. Айтувчи: Қодир Раҳимов. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчилар: Малик Муродов, Абдуолим Эргашев, Нурали. Достонлар. Т., Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 46-117-бетлар.

Қодир бахши ижодининг бош йўналишини ЯХШИ-ЛИКни мадҳ этиш, эъзозлаш уни ИНСОН учун энг олижаноб фазилят, одоб либоси деб билиш, ёмонлик эса инсон учун доғ, жуда катта, кечирилмас гуноҳи азим эканлигини уқтириш энг муҳим хусусиятлардандир. Дарҳақиқат, ЯХШИ-ЛИК, ЯХШИ сўз, ЯХШИ хулқ-атвори, саъй-ҳаракатларни улуғлаш Қодир бахши ижодининг бош мавзуи, қон ришта-ларидир. Яхшилик, эзгулик — Одобнинг бош томири, ёнар шам чироғи, йўлчи юлдузи.

Олтинни одамлар мақташар нукул,
Ва нодон одамлар унга бўлар кул,
Аслида олтиндан хирмон уйгандан,
Одобинг, ахлоқинг бўлгани маъкул.

Бахши: «Тоғда юрган кийикларни ҳуркак деймиз, андишали одам бўлса кўрқоқ деймиз», дейдики, унда ифодаланган маънони, фалсафани англаб олиш қийин эмас. ИНСОН ҳаёт сарвари, ҳаёт кўрки. Бас, шундай экан, инсонга баҳо беришда шошилма, етти ўлчаб бир кес қабилида иш тут. Обдан ўйлаб, ҳар томонлама тарозига солгач, бир хулосага келгин.

Ҳа, Қодир бахши умумбашарият номус-ори, ифтихори ва маърифатнинг чароғон юлдузларидан бири эди, десак муболага қилмаган бўламиз. Қодир бахшига ўхшаш санъат-корлар эътиқоди кишанлаб ташланган инсонларни, маънан қашшоқлашиб, қорни тўйса — эрк ва бахт деб тушунадиган кишиларни сеҳрли сози га овози билан уйғотиб, ўзлигини танишга, тан олишга чорлаб, жар солиб кетишади. Қодир бахши ҳам ўз вақтида ёлқинли чакмоқдай чакнаб келиб, тошқин селдай гуркираб кетди. Шу боисдан машҳур шоири замонамиз Абдулла Ориповнинг «Қодир бахши XX асрнинг энг чўнг бахшиси эди. Ҳали бунақанги иқтидорли, ҳофизаси қудратли, сеҳрли соз ва сирли овоз соҳиби яна йигирма асрда туғилиши дарғумон», деган баҳосига қўшилмоқ лозим.

Қодир бахшида битмас-туганмас илҳом, адо бўлмас иқтидорли, қудратли куч-қувват, илоҳий санъат бор эди. Бахши дoston-термалар айтмасдан, ижод қилмасдан бир нафас ҳам тура олмасди. Унга бахшичилик, созандалик иқтидори Аллоҳ томонидан юқтирилганини шундан ҳам билса бўлардики, наср, назм ва навонинг ҳамма турларида баб-баравар ижод қила олар, ижро эта олар, янгидан-янгиларини ижод қилар

эди. Ҳа, Қодир баҳши ўзини ёзма ва оғзаки ижоднинг қайси бир турида синаб кўрмоқчи бўлса, муваффақиятларга эриша оларди. Чунончи, янги дostonлар ижод қилишни синаб кўрмоқчи бўлди — ўндан ортиқ янги тарихий, ишқий, саргузашт, хотирлаш мавзуларидаги дostonларни яратиб, элга манзур бўларли даражада куйлади. Турли мавзуларда терма-қўшиқлар, масаллар, тўртлик — рубойлар, туюқлар, маснавиларга қўл урди ва кишини ҳайратта солувчи намуналарни яратди. Куй-нағмалар, яъни мусиқа соҳасидаги ижодкорлигига эътибор беринг-а.

Ўзимиз шоҳиди бўлганимиздек, Қодир Раҳим ўғли ўтмиш ва замонавий халқ чолғу-асбобларининг деярли барчасини қойилмақом қилиб чала олар, улар жўрлигида қўшиқ-термаларини ижро эта олар эди. Дўмбира, дутор, чанқовуз, пианино, доира, тор, уд, чанг, най, карнай, сурнай... Масаланинг кишини ҳайратта соладиган жойи яна шундаки, баҳши халқ чолғу-асбобларининг ҳар бирига уларнинг ўзига хос хусусиятларини шундоққина англашиб, кўз олдингизга келтириб қўювчи термалар ҳам яратган эди.

Шундай қилиб, гарчи нотага солинмаган ва ёзиб олинмай қолган бўлса-да, Қодир баҳши катта санъаткор-бастакор эди, деб аташимизга асос бор. Унинг куй-нағмалари қандайдир халқларнинг мусиқалари билан уйқаш, аралашқуралаш бўлмай, соф миллий, ўзбеконалиги ҳар қанча ҳамду саноларга, мактовларга сазовордир. Қодир баҳши сўз санъати билан қанчалик қалбларга олов ёққан бўлса, мусиқа соҳасидаги саъй-ҳаракат, ижодлари билан ҳам шунчалик оташ ёлқинларини олиб кирган бетакрор санъаткордир. Ёш авлоднинг юксак идеаллар руҳида тарбия топтиришда мусиқанинг роли ва ўрнига катта аҳамият бериш, халқ мусиқаси орқали кишилар, хусусан, ёшларга энг олижаноб инсоний фазилатлар, хислатларни юктириш, уларда бу илоҳий санъатта қизиқтириш, мусиқий кўникмаларни ҳосил қилиш ва бу соҳада етук санъаткорлар қилиб тарбиялаш ҳам Қодир баҳши ижодкорлик ва ижрочилик фаолиятининг ажралмас қисми, улкан тармоғи бўлган. Дарвоқе, баҳшининг шогирд танлашда, унинг эшитиш, ёдда сақлаш, дўмбира ёхуд бошқа бир халқ чолғу-асбобини чала билиш қобилиятини биринчи ўринга қўйиши, овозини синаб кўриши ва ҳоказолар ҳам унинг баҳшичилик санъатида мусиқа-куй, мусиқа асбоблари қанчалик ўрин олишига эътибор беришининг ёрқин далил-исботидир. Кези келганда биз Қодир

бахшидан бир қанча бахши-шоирларнинг дoston куйлаш маҳорати, дўмбира чалиш санъати, умуман, халқ муסיқаси ва чолғу-асбоблари, хусусан, дўмбира билан боғлиқ бир қатор афсона-ривоятлар ёзиб олганимизни эслатиб ўтмоқчимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Қодир бахшининг дostonлари, дoston айтиш, дўмбира чертиш санъати, халқ педагогикаси ҳамда профессионал таълим-тарбия соҳасидаги хизмати, кишилар, хусусан, ёшлар тарбияси борасидаги мақтовларга сазовор хизмати бамисоли очилмаган кўрик, ёзилмаган китоб. Ана шу кўрикни очиш, китобни ёзиш, уни халқимизга етказиш галдаги муҳим вазифалардандир.

ТОЙЛАР ТУЛПОР БЎЛАР ЁХУД УСТОЗГА МУНОСИБ ШОГИРДЛАР

Қодир бахшининг Қашқадарёю Сурхондарёда, Хоразму Самарқандда, қолаверса, Тожикистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистонда, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча шогирдларию мухлислари бор. Дарвоқе, Абдурахмон, Нортोजи, Рашид бахшилар Рўзи Қўлтураев, Мусурмонқул, Маматмурод, Бобораҳим Маматмуродов, Гулбой, Омон, Абдурашид, Шодиқул, Бойқул бахшилар, Ёдгор Хўжаев, Шодмон Хўжамбердиев, Муҳаммад Эшбоев, ака-укалар — Қаҳҳор ва Абдумурод, Баҳодир, Баҳром ва бошқа йигирмадан ортиқ ёш ҳамда ўзи тенги бахши-шоирлар ана шу машҳур Қодир бахши дostonчилик мактабининг (агар шу иборани кўллаш жоиз бўлса) вакиллари дир. Қодир бахшининг шогирд тайёрлаш йўли, услубининг ўзига хос томонлари бўлиб, у қадимий анъанага асосланган ҳолда такомиллашди. Уни бахшининг ўзи шундай таърифлар эди:

— Мен бахши тайёрлаш, яъни шогирд етказишда устозим Умир бахши Сафар ўғли анъанасига амал қиламан. Яъни узоқ муддат ҳар томонлама синовдан ўтказиб, кейин бахшичилик санъатини ўргатаман. Ҳозирча йигирмадан ортиқ шогирд чиқардим, улар эл олдида бемалол дўмбира жўрлигида кўшиқ айта олишади.

Қодир бахшининг шогирдлари кулоғига доимо қуядиган панд-ўғитлари кўп бўларди. Мана, ўшалардан бири:

— Ҳов, йигитлар, лочинларим, кулоқ солинглар! Нима учун суви оз бўлса-да, ариқ шалдираб оқади, биласизларми? Бўлмаса, эшитинглар, ариқда озгина сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ, у шунинг учун бир фасл шалдираб оқади. Исик келиши билан эса қурийди. Денгиз-чи, денгиз?! Денгизда

сув ҳам мўл, унинг тагида қанчалаб қимматбаҳо тошлар, марварид, гавҳарлар, олтинлар, чексиз-чегарасиз бойликлар мавжуд. Боз устига, унда баҳайбат жониворлар ҳам бор. Шул сабаб денгиз жимиб оқади, у ҳеч қачон қуримайди. Ҳа, денгизнинг ичи ҳар хил дурларга тўла. Асрлар оша эл-юртга об-ҳаёт беради. Сиз шогирдлар ҳам унча-бунчага қуриб қоладиган «арик» бўлмай, «денгиз» бахши бўлинглар!..

Қодир бахшининг шогирд-устозлик, бахши-шоирлар етказиш ҳақидаги бағоят ибратли панд-ўғитларидан, ўзининг ҳаётидаги саъй-ҳаракатларидан яна ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Манз, суҳбатлашган пайтларимизда «Тундалик» дафтаримизга қайд қилинган бахшининг шогирд-устозлик мақоми ҳақида айтганларидан яна бир шингили:

— Ҳа, шогирдларим кўп. Улар орасида келажаги бор, буюк ўзбек бахшилари қаторидан жой оладиганлари ҳам, ўрта-миёна, бахшимисан деса дегуликлари ҳам, шунчаки дўмбирани тингиллатиб, дostonлардан икки-учта парчани ёдлаб олиб, уларни бир-бирига улаштириб юрадиганлари ҳам бор. «Жаби от улоққа ярамади», деганларидек, баъзи шухрат излаб соз ушлаган ёшларда на қобилият, на истеъдод бор. Шогирдларим орасида сурхондарёлик Шодмон Хўжамбердиев анча иқтидорли, хунёр, қуйма кулоқ. У бахшилик санъатига жуда барвақт қадам қўйди. Шодмон сўзга чечанлиги, дўмбира чертишга моҳирлиги, бир сўзни дарров илиб олиб, хотирасида узоқ сақлай олиши, халқ услубида катта-кичик термалар ярата олиш салоҳияти, қисқаси, ижрочилик ва гўждор-бадихагўйлик қобилияти билан бошқа шогирдларимдан ажралиб туради. Шу боис халқнинг назарига тушди, тез кунда меҳр-муҳаббатини қозонди. Нафақат шогирд дедим уни, балки фарзандимдай кўрдим. Репертуаримдаги бор дostonларим билан термаларимни унга ўргата бошладим. Бошқа шогирдларимни камситмайману, у садоқати, дostonчиликка ихлоси, қобилияти билан бахши деган табаррук номни оқласа, шу шогирдим оқлайди... Зотан, Шодмон анча ёш бўлишига қарамай, шу кунгача ўн бешга яқин халқ дostonларини ўрганиб олди. Дўмбира чертиши ҳам ёмон эмас, айтса арзигулик. Ўзи ҳам бир қатор термалар тўқиди. Куй-нағмалар басталади. Булар ҳар қандай ёш бахши ҳавас қилса арзигулик жиҳатлар. Шодмондаги менга жуда маъқул тушадиган, умид уйғотадиган яна бир фазилати шундаки, у доим изланишда, ўз устида тиним билмай ишлайди. Қаердаки, бахши чиқибди дейилса бас,

мендан изн сўраб, ўша жойга боради, дoston-термаларини ўрганиб қайтади. Шунингдек, у ҳар бир термани ўз куйи ва ўз овози билан айтишга ҳаракат қилади. Достонлар айтганда эса сўзнинг, воқеанинг келишига қараб дўмбирасини йўрғалатади...

Қодир бахши янглишмади. Шодмон бахши Хўжамберди ўғли устозининг умиди, ишончини оқлади. У авваллари ўз устози Қодир бахшига тақлид қилар, у яратган куйлар асосида дoston-термалар куйлаган бўлса, ҳозир унинг ўз куйи, ўз овози бор. Устозидан ўрганган ва ўзи яратган асарларни шодмончасига ижро этади, ўзига хос термалар яратади. Эл орасида обрў-эътибори етарли, мухлислар ишончини ҳам оқлаяпти. «Йўлбитик»дан кўчирма:

«Бир пайтлар Қодир бахшидай машҳур дostonчи назарига тушган, унда умид ғунчаларини пайдо қилган Шодмон Хўжамбердиевни суриштирдик. Ўшанда ҳар қандай кишини ниҳоят даражада ҳаяжонга соладиган бир воқеани сўзлаб беришди. Шодмон ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, Сурхондарёга, яъни ота-онаси олдига бормаи, Хўжамахмудга — устози Қодир бахши абадий уйқуда ётган қабристонга қараб йўл олибди. Қодир бахшидан «хабар олиб» унинг руҳига дуо-фотиҳа қилгач, Норгулмомога учрашибди. Момони зиёрат қилиб, ундан дуо-олқиш олгандан сўнг қишлоғига қайтибди.

Ҳа, Қодир бахши шогирдлар танлашда янглишмаган экан!! Буни бахшининг фарзанд-шогирдлари мисолида ҳам янада равшанроқ кўриш мумкин.

Азиз китобхон! Сизнинг ижозатингиз билан шу ўринда Қодир бахши ҳақидаги ҳикоямизга унинг фарзанд-шогирдлари тўғрисидаги қисқача маълумотни илова қилиб ўтмоқчимиз.

Юқорида Қодир Раҳим ўғлидан қолган бир этак фарзандлар ичида тўрт ўғлони — Қаҳҳор, Абдумурод, Бахтиёр, Баҳром оталари изидан бориб, унинг дўмбирасини чанг ботирмадилар, овозини ўчирмадилар, дoston-термаларини «етим» қилмадилар, дедик. Дарҳақиқат, номлари қайд этилган фарзандлари ота-устозлари ишончини сидқидилдан оқладилар, унга содиқ фарзандгина бўлиб қолмай, муносиб шогирд ҳам бўла олдилар.

Айрим далилларга мурожаат қилайлик. Икки-уч йил бурун Тошкентдаги Муқимий номли мусиқали ва комедия театрида Республика бахши-шоирлари ва оқинларининг

навбатдаги кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Бахшиси бор юрт — бахтли юрт» шиори остида Ўзбекистон истиқлолининг 5 йиллигига бағишланган бу бахши-шоирлар ва оқинлар кўрик-танловида нуфузли ҳайъат аъзолари ака-ука бахшилар Қаҳҳор билан Баҳромга бир овоздан I-II ўринни беришди. Бу хушxabарни кўп сонли тингловчилар — бахши-шоирлар мухлислари ҳам, бахшиларнинг ўзлари ҳам зўр хурсандчилик ва мамнуният билан қарши олдилар. Сабаби аён эди: Қаҳҳор бахши ҳам, Баҳром бахши ҳам бахши-шоирлик соҳасидаги салоҳиятлари, маҳоратларини юксак даражада намойиш қила олдилар. Донгдор бахши Қодир Раҳим ўғлининг фарзанд-шогирдлари эканликларини, муносиб ворисликларини, ўзларининг дўмбирани моҳирона сайрата олишлари, ёқимли овозлари ва дoston-терма куйлаш маҳоратларини кўрсатдилар, қолаверса, ахлоқ-одоблари билан барча мухлисларни мафтун этдилар. Ўзбек бахшилик санъати дostonчилик соҳасидаги билимларини, ўқувларини ва зукколикларини амалда исботладилар. Бундан кувонмай, фахрланмай бўладими? Бу тасодифийми? Йўқ. Бу — Қодир бахшининг устозлик таълими, маҳоратининг натижасидир.

Дарҳақиқат, шогирдлару фарзандлар дostonчилик борасида, бахши-шоирлик соҳасида неники қўлга киритибдилар, нимага эришибдилар Қодир Раҳим ўғли таълими, йўл-йўриғи, мураббийлик салоҳияти ва маҳорати туфайлидир.

Қаҳҳор бахшини олиб кўрайлик. Доно халқимизда: «Ўғли борнинг ўзи бор», «Фарзандлар камолоти — оталар давоми», «Яхши шогирд — отангдан улуг» каби пурмаъно нақллар бор. Ҳа, ўғли борнинг ўзи бор, ўрни бор. Қодир бахшининг тўрт санъаткор ўғли унинг орамизда йўқлигини билдирмайди, анъанасини гоъят муваффақият билан давом эттириб, юқори чўққисига олиб чиқмоқда. Элга бадий-маърифий хизмат қилишда, жамоат ишларида қатнашишда, келажак авлодларга таълим-тарбия беришда отаси изидан бориб, ҳалол, ибратли ва намунали фаолият кўрсатишмоқда. Ҳам фарзанд, ҳам шогирд сифатида Қодир номига раҳматлар, ташаккурлар олишмоқда... «От ўрнини той босади», деганларидек, оталари Қодир бахши ўрнини босмоқда, унинг номини ҳамду саноларга буркашяпти. Бинобарин, Қодир Раҳим ўғли, биринчидан, ёзиб қолдирган дostonлари, термалари ва дўмбира куй-нағмаларда, иккинчидан, шогирдларида, учинчидан, фарзандларида иккинчи умрини яша-

моқда, эл-юртга хизмат қилишни давом эттирмоқда. Уларни кўриб Қодир бахшининг барҳаётлигига, эл-юртига, ўзи айтгандай, ҳапқириб, ҳайқириб, куюб, ёниб хизмат қилаётганлигига ишониб, иймон келтирамиз.

Ҳа, Қодир Раҳим ўғли, юқорида таъкидлаганимиздек, бор истеъдодини, салоҳиятини, иқтидорини, катта ҳаётий тажрибасию буюк инсонийлик фазилатларини шогирдларига, фарзандларига бахшида этди! Бугунга келиб шогирдлари ҳам, фарзандлари ҳам бетимсил устозлари ва оталарининг ишонч-эътиқодини оқладилар. Сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бахши фарзандларининг ҳаётларига, бадий хизмат кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларига, қодирона маҳоратларига бир назар ташлайлик. Даставвал шуни айтиш керакки, Қодир бахшидан қолган фарзанд-шогирдлар — Қаҳҳор, Абдумурод, Бахтиёр, Баҳром бугунги кунда янги номда, янгича талқин-усулларда ўзбек халқ оғзаки ижодини, хусусан, бахшичилик санъатияу дostonчилигимиз анъаналарини республикамизга, қолаверса, жаҳон афкор оmmasига, биринчи навбатда, дostonсварларга, фольклор мухлисларига манзур бўларли даражада давом эттириб келишмоқда.

Қодир бахшининг катта ўғли Қаҳҳор бахши ёш бўлсада, мана, бир неча йил бўлдики, кўпсонли тингловчилар қалбининг тўридан ўз дostonлари, термалари ва куй-нағмалари билан чуқур жой олган. У бир неча бор республика радио-телевидениеси, газеталарияу журналларида ўз асарлари билан қатнашиб келмоқда. Қўшни мамлакатлар, жумладан, Туркманистоннинг қишлоқ-овулларида ҳам беғараз кўшиқлар айтиб, қардошлар дилини равшан этмоқда. Қаҳҳор бахши Ўзбекистон Республикаси бахши-шоирларнинг 1987, 1989, 1993, 1996 йилларда бўлиб ўтган кўриктанловларининг ғолибидир. 1988 йилда Ўзбекистон Республикаси ойнаи жаҳонида ўтказилган бахши-шоирлар кўрик-беллашувларининг, 1989 йилда Озарбайжоннинг собиқ Кировобод шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё, Қозғистон ҳамда Кавказолди ва Болтиқбўйи халқлари халқ оғзаки ижоди фестиваллари соврундоридир.

1991 йилда эса Москва, Ирландия, Канада ва Америка Қўшма Штатлари бўйлаб ижодий сафарда бўлди ва халқимизнинг қадимий, бой, серқирра оғзаки ижодини, биринчи навбатда, «Алпомиш» ва бошқа ўлмас даҳоси маҳсули анъанавий дostonларияу ранг-баранг термалари билан таништирди, бебаҳо дўмбира куй-нағмалари билан ошна қилди. Бошқача айтганда, Қаҳҳор бахши сўз билан таърифлаш

кийин бўлган ижроси ва бадиҳагўй-иҷодкорлик истеъдо-ди, тили, яшаш шароити, турмуш тарзи ва урф-одатлари, удумлари ҳамда анъаналари бутунлай ўзгача халқларнинг қалбларига йўл топиб, сўзи, сози, саси билан уларни бир умрга мафтун этди. Бу ҳақда ўзбек ва жаҳон бақтли матбуоти бонг урганлиги ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

Қаҳҳор бахшининг ҳозир авжи ижодий куч-қувватга тўлган, дoston ва термалар айтиб, эл-кертга сидқидилдан хизмат қиладиган пайти. У отаси ва устози Қодир бахши каби ижодий изланишлар, янгидан-янги асарлар куйлаш ва куй-нағмалар ижро этиш, яратишдан чарчамайди. Айни чоқда ўз атрофига бахшилик санъатига ихлосманд, иқтидорли ёшларни, биринчи навбатда, Абдумурод, Бахтиёр, Баҳром каби укаларини тўплаб, уларга устозлик қилмоқда, дostonчилик сиру асrorларини, дўмбира чалиш, куй-нағмалар ижро этиш сирларини ўргатаётир. Жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. Республикамизда маданий-маърифий ишларни ўрнига қўйиш, истиқлол мафқурасига ҳисса қўшиш йўлида жонбозлик кўрсатяпти. Отаси ишлаган Бобур номидаги мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб, ёшларга шарқона, хусусан, ўзбекона ахлоқ-одобни ўргатмоқда...

Бўлажак бахши 1957 йилда Хўжамахмуд қишлоғида туғилган. 1975 йили ўрта мактабни, 1978 йилда эса Қарши дорилфунунининг (собиқ пединститут) филология куллиётини тамомлаган, айни чоқда, юқорида айтилганидек, ўрта мактабда келажак авлодга таълим-тарбия бермоқда. Қаҳҳор бахшининг ёшлиги қадимий бахшичилик анъанаси сақланиб қолибгина эмас, отаси ва устози Қодир бахши у асос солган дostonчилик мактаби вакиллари томонидан янада ривожлантирилаётган бир пайтга тўғри келиши, отасининг ҳам оталик, ҳам устозлик муруввати ва саховатининг кучли бўлиши унда ёшлиқдан, аниқроғи, беш-олти ёшдан бахшилик ва дўмбиракашликка ҳавас уйғотди. Қодир бахши ўғли Қаҳҳордаги бу ҳавасни тез пайқайди ва дostonчилик, дўмбира чертиш сирларини унга ўргата бошлайди. Қаерга борса, бирга олиб боради. Дostonхонлик, бахшихонлик ўлтиришларида, кечаларида қатнаштиради.

Дарҳақиқат, Қаҳҳор отаси билан халқ сайилларига, маърака ва йиғинларига бориб, қўлига дўмбира олиб давраларда дostonлар, термалар айтди, синовдан ўтди. Шундай қилиб, Қаҳҳор бахшининг дostonчи бахши, халқ йўлида катта-катта асарлар-термалар яратувчи бадиҳагўй-шоир бўлиб

етишувида, аввало, отаси Қодир Раҳим ўғли сабабчи бўлади. Буни бахшининг ўзи чин юракдан эътироф этади ва қалбдан чуқур ҳис қилади. Бахшининг отасига атаб яратган марсия-термалари, жумладан, «Кўринмас»да ҳам, «Бахши» деб номланган янги достонида ҳам кўриш мумкин.

Мана, «Кўринмас» термасидан бир парча:

Чўлда карвон келяпти, олдида нор кўринмас,
Осмонда булутлар кўп, тоғларда қор кўринмас,
Давом этар йиғинлар атрофларга қарайман,
Келбатли, салобатли ОТАЖОНИМ кўринмас.

Карвон юрса йўлларда йўл бошлаган нор эди,
Бахшилар бел боғлашса, ҳар йиғинда зўр эди,
Ҳурматли эди элда, барча баробар эди,
Ор талашган САРДОРИМ эл ичинда кўринмас.

Оқшом бошлаб дostonни, қирқ кечада биткариб,
Алпомишни, Ойбарчиннинг висолига еткариб,
Ёш қарининг қалбидан бор армонни кеткариб,
Тебраниб куйлаётган денгиз ОТАМ кўринмас.

Гўрўғлини ўйнатиб долғир отга миндириб,
Боғ эрамда Мисқолнинг юрагини ёндириб,
Зарба қилса арчанинг танасини синдириб,
Сел каби оқаётган тошқин дарё кўринмас.

Овозидан қув оғач мева-боғлар шоҳига,
Ҳай-ҳай деган товуши етар Куйтан товига,
Мамизига Гўрўғли ташлар эди ёвига,
Чин берилиб куйласа, тоғ-тошлар йиғларди.

Тўлғаниб куйлаганда музлар оқар сел бўлиб,
Гар ёғочни мақтаса очиларди гул бўлиб,
Даврадаги чолларнинг кўз ёшлари кўл бўлиб,
«Кунтуғмуш»ни айтганда нор отам ҳам йиғларди.

Достон айтса баланд тоғ силжиб келар қошига,
Ҳавас билан кўп булут соя солар бошига,
Ҳатто метин тошларни келтирарди ҳушига,
Гоҳ хўрланиб куйласа полвон тошлар йиғларди.

Минг нағмада чертарди қўлидаги созини,
Тоғдай маънога буркаб гапирарди сўзини,
Овозга соз қўшарди қўй топгандай кўзини,
Жимиртаб айтганда кўкда қушлар йиғларди.

Боғбон эди гулларга гуллар ўсиб барқ урар,
Қодир бахши номини асрларга топширар,
Фарзанди, шогирдлари сел мисоли жўш урар,
Улуғ бахшини эслаб гўдак ёшлар йиғларди.

Норинг ўлса норчанг бор юкинг ерда қолмайди,
Бегинг ўлса бекчанг бор соз эгасиз бўлмайди,
Қаҳҳор бахши отланса мисол яшин келмайди,
Ҳафа бўлма ўзбегим, жоним Ўзбекистоним.

Мазкур термани уқиб ўқиш зарур. Қолаверса, уқиб ўқишгина эмас, бахшининг дўмбира жўрлигида бўзлаётганини тинглаш керак. Аммо бунинг учун бағир бутун, юрак жойида бўлиши лозим. Ушбу марсия-термани илк бор тинглаганимиздаги ҳолатимизни сўз билан ифодалай олмаимиз...

Қаҳҳор бахшининг репертуарида қирқдан ортиқ анъанавий ва замонавий дostonлар, юзга яқин термалар бор. Ҳар бири минг-минг мисра назм ва шунга яқин насрдан ташкил топган. Шунча дostonларни хотирада сақлаш ва айкаш-уйқаш қилмай, тартиб билан дўмбира жўрлигида, сулики (ички) овозда куйлашнинг ўзи бўлади, дейсизми? Бунинг учун Аллоҳ берган истеъдод, қобилият ва хотира бўлишдан ташқари, куч-қувват, ғайрат-шижоат ҳам, қунт, сабр-тоқат, бардош ҳам талаб этилади. Шуниси ҳар қандай кишини ҳайратта соладики, Қодир бахшида ҳам, унинг фарзанд-шогирдлари, жумладан, Қаҳҳор бахшида ҳам Парвардигор юқтирган беқиёс қуввайи ҳофиза ҳам, кучли хотира ҳам, айна чокда дoston куйлаш, терма айтиш салоҳияти, маҳорати ҳам, қолаверса, жисмоний куч-қувват ҳам керагича бор эди!

Қодир бахшининг ҳам, Қаҳҳор бахшининг ҳам дoston куйлашдаги ҳолатларини кўп кузатганмиз ва уларнинг ижро пайтида шердай бўлиб кетишларининг шоҳиди бўлганмиз. Масалан, Қодир бахши Алпомиш ёхуд Гўрўғлининг рақибларига ташланиш, жанг майдонидаги «урҳо-сурҳо» пайтлари тасвирланаётган лавҳаларга келганда арслон каби бўкириб, шердай наъра тортиб юборарди. Қаҳҳор ҳам отаси каби баҳодирларнинг марду-майдонликлари намоён бўлаётган эпизодларда бамисоли йўлбарсдай хапқиради, гўё баҳайбат

дев ҳолатига тушади. Мана буни ҳеч бир муболағасиз маж-
рат, санъаткорлик деса бўлади. Қаҳҳор баҳши ўттиздан ор-
тиқ турдаги анъанавий эпосни, чунончи, қаҳрамонлик, иш-
кий романтик, тарихий ва саргузашт дostonларни отаси ва
бошқа баҳши-шоирлардан ўрганиб, репертуарига киритган-
дан ташқари, халқ оғзаки ижоди анъаналари ва услубидан
четга чиқмаган, яъни халқ анъанавий дostonчилигини буз-
маган, аксинча, янада бойитган ва янада кенгайтирган ҳолда
бадиҳагўйлик асосида янгидан-янги эпик асарлар ҳам ярат-
ган. Зеро, устоз баҳши-шоирларда ҳам кузатиб, гувоҳи бўлган-
нимиздек, улар ҳам ҳаёт оқими, тингловчи-мухлислар та-
лаб-эҳтиёжларига кўра ҳозиржавоблик йўлини тутганлар.
Устозлари, салафлари айтган анъанавий дoston ва терма-
ларни куйлаш билангина чекланиб, кифояланиб қолмай,
истеъдодларини, иқтидорларию бой ижодий тажриба-
қўникмаларини ишга солиб, бадиҳагўйлик асосида янгидан-
янги асарларни ҳам ижод қилганлар.

Дарҳақиқат, етакчи ўзбек баҳши-шоирларининг ўзига
хос хусусиятлари ва халқ оғзаки ижоди олдидаги таҳсин-
ларга сазовор хизматлари шундаки, улар ижро ва ижод, ижод
ва ижрода маҳоратларини ҳозиржавоблик билан намоён
қила олганлар. Шу ўринда истеъдодли фольклоршунос олим,
шоир Муҳаммадали Қўшмоқовнинг топиб айтган куйидаги
фикрини келтириш жоиздир: «Бадий оғзаки ижоднинг
яшаш қонунини англашга ҳаракат қилар эканмиз, халқнинг
фазилатларидан бирини ҳамиша эътиборда тутмоғимиз жо-
из. Бу халқнинг, таъбир ўринли бўлса, ижтимоий ҳаётга,
тинчлик, аҳиллик, тенглик муҳитда барчанинг уйғун меҳнати
ва ижодига нисбатан туғма эҳтиёждир. Инсон ўрмон каби
бирга ва ўрмондаги дарахт каби ёлғиз яшасин, дейди шоир.
Бу образлар, назаримизда, инсоният ҳаётининг моҳиятини
бадий тушунтириб бера олади. Жумладан, халқ ўз бадий
ижодчини ўрмон каби биргаликда яратади, айна вақтда, унда
ҳар бир халқ вакилининг — шоирнинг, баҳшининг, эртак-
чининг, қўшиқчининг ёки оддий фольклор ташувчисининг
— ўрмондаги муайян дарахт каби ўз умри-улуши мавжуд
бўлади. Демак, ўрмон ҳақида ўйлаганимизда, уни ҳосил қил-
ган ёлғиз дарахтлари, ёлғиз дарахтлар тўғрисида ҳаёлга тол-
ганимизда эса, ўрмонни нутиб қўймайлик».

Бинобарин, ўзбек халқ оғзаки ижоди, жумладан, анъа-
навий дostonчилик ва унинг етакчи вакиллари Қаҳҳор Қо-
дир ўғлини ижрочи ва ижодкор сифатида шакллантирди,

оёққа турғизди ва бахши-шоирлар қаторига қўшди. Айни чоқда, у ўзининг индивидуал ижрочилик ва ижодчилик иқтидори, салоҳияти ва маҳорати билан ўзбек дostonчилиги хазинасига отаси Қодир бахши каби муносиб ҳиссасини, унинг янада бойишига ўз улушини қўшди. У «Ойпарча», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Малла савдогар», «Авазнинг олиб келиниши», «Зайдул», «Қайтмас», «Оллоназар-Олчинбек», «Ёзи билан Зебо», «Бева Барчин» каби дostonларни ўзига хос, яъни Қаҳҳорона куйлаш билан бир қаторда «Темур ва Боязид», «Туркман даҳоси», «Бахши», «Самарқанд таровати» каби бир қатор янги дostonлар ҳам яратди.

Ўзбек халқ дostonларининг табиати, оғзаки анъаналарида жонли яшаши ва ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини узоқ йиллик ўрганиш ва фольклорий кузатишлар шуни кўрсатадики, муайян бир дostonнинг у ёки бу етақчи бахши қўл урган нусхаси, дostonчилигимизнинг умумий анъаналари ва қонуниятларидан чекинмаган ҳолда яратилган мустақил асардир, деган хулосага келиш ҳуқуқини беради. Шу ақидадан келиб чиқиб қараладиган ва баҳоланадиган бўлса, Қаҳҳор бахши репертуаридаги дostonлар ҳам муайян маънода янги, оригинал асарлардир. Дарвоқе, уларда Қаҳҳор бахшининг ижрочили ва ижодкорлик истеъдоди акс этган, ижодий улушлари қўшилган. Қисқаси, Қаҳҳор бахши ижодий қозонида «қайта»дан қайнаб, пишган ва қиёмига етган бадий юксак, гоёвий пишиқ асарлардир.

Қаҳҳор бахшининг истеъдоди терма жанрида ҳам намён бўлдики, бу ҳол унинг тилга тушган, эл эъзозини қозонган таниқли бахши-шоирлар рўйхатидан ўрин олишига ҳуқуқ беради. Бахшининг «Кўринмас», «Истиклолга», «Мустақилликка шараф-шон», «Амир Темур бобомга», «Соҳибқирон бобом», «Олтин воқеа», «Сурхондарё», «Қашқадарё», «Қашқадарё қизлари», «Собир қаҳрамон», «Отам», «Бўйдоқларга», «Кекса тулки», «Моможоним — онажоним», «Нонни эъзозлайлик», «Машғал чўпон», «Устозлар» каби ўнлаб термалари ҳам унинг халқ йўлида яратган бадихағўйликнинг намуналаридир. Муҳими, Қаҳҳор бахши отаси донгдор Қодир шоир каби чин маънода бадихағўй, серқирра ижодкордир. Бир томчи сувда куёш акс этганидек, Қаҳҳор бахши ижодида ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, дostonчилигимизнинг бутун қирралари ўз ифодасини топган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Қодир бахшининг фарзанд-шогирдлари Абдумурод, Баҳодир, Баҳромлар ҳақида

ҳам, уларнинг келгуси ҳаётлари, ижрочилик-ижодкорлик сс ҳасидаги саъй-ҳаракатлари, орзу-умидлардан келиб чиққан ҳолда, улар ҳақида ҳам ана шундай фикрларни билдириш мумкин. Бу бахшилар меҳрибон ва жонкуяр оталаридан кейин акалари Қаҳҳор бахши пинжига кириб олиб, аллақачонлар эл назарига тушдилар.

Шундай қилиб, Қодир бахшининг шогирдлари, фарзандилбандларининг бахшичилик санъати ҳақида яна ва яна ёзиш мумкин. Аммо мавзудан чиқиб кетмаслик учун гапни шу ерда мухтасар қилиб, арабларнинг бир мақолини келтиришни жоиз, деб биламиз. «Хайрул каломи мо қалла ва далла», яъни: «Гапнинг энг яхшиси қисқа, лекин мазмунлисидир».

Ҳа, Қодир бахшининг фарзанд-шогирдлари нафақат фарзандлик бурчини ҳалол, пок, муносиб оқлаб келмоқдалар, балки катта, илоҳий, мўъжизали санъат — халқ дostonчилик санъатига зўр ихлос, мустаҳкам эътиқод билан қадам қўйиб, унда ўз ўринларини топиб, дoston ва термаларни ижро этиш, янгидан-янгиларини яратиш ва улардан халқимизни баҳраманд қилишда, ота-боболардан қолган буюк меросини чашма сувидек доимо пок сақлаш, халқ бахшиси деган табаррук номга доғ туширмасдан келмоқдалар. Шунингдек, падари бузрукворлари Қодир Раҳим ўғлидай ўзбек дostonчилигининг улуғ дарғасига ҳам муносиб фарзандлар, ҳам унинг этагидан тутиб, қўлидан дўмбирасини, оғзидан сўзини олган содиқ шогирдлар сифатида ном қозониб келмоқдалар. Бундай ҳол, ҳеч шубҳасиз Қодир бахшидай забардаст бахшиси, чин фарзандини йўқотиб қўйган халққа, минг-миллионлаб дostonсевар мухлисларга тасалли беради.

МАҚТУВЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ, ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Биз тан олганими-йўқми, хатлар ҳам ҳаёт кўзгуси, ҳақиқат жарчисидир. Ҳаётимиз, саъй-ҳаракатларимиз, тайлаган соҳада қўлга киритган ютуқларимизу камчиликларимизнинг таҳлил ойнасидир. Эҳ-ҳе, Аллоҳ берган умримиз давомида ёзган-ёзилган хатларни жамласакми, жилд-жилд китобларни ташкил этиши турган гап. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олтмишинчи-етмишинчи йилларга келиб, ўзбек халқ оғзаки ижодини, шу жумладан бахшилик санъатига эътибор бир оз жонланди. Атоқли бахши-шоирларимиз руҳини шод этиб, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни, унчалик мукаммал бўлмаса-да, очиқ-ойдин айтиш, яъни улар ҳақида

катта-кичик мақолалардан иборат тўпламлар чиқариш Фозил Йўлдош ўғли ҳақидаги «Фозил шоир», Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳақидаги «Эргаш шоирнинг дostonчиликдаги ўрни», Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан тўғрисидаги «Пўлкан шоир» китоблари, шоир Отаёр томонидан тўпланиб, нашр этирилган «Ислom шоир замондошлари хотирасида» каби китоблар халқимизнинг бой, бетакрор бахшичилик санъати тадқиқотининг дастлабки ютуқларидан эди. Ана шундай ютуқлар каторига Эргаш шоирнинг беш ва икки жилдлик асарларининг наشري ва унга бир гуруҳ фольклоршунослар (Ҳоди Зариф, Музаяна Алавия, Мансур Афзалов, З.Хусаинова, Ш.Шоабдурахмонов, Т.Мирзаев)га Беруний номидаги Давлат мукофотининг берилиши, «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» кўп жилдлик китобларининг нашрга тайёрланиши ва дастлабки айрим жилдларининг чоп этилишини ҳам қўшиш керак. Ўзбек халқ оғзаки ижодини, хусусан, бахшилар меросини элга кенгрок таништириш, унинг гўзаллиги, нафосати ва жозибасини намойиш этишда республика радиоси «Ёшлар» муҳарририяти бошлаган савобли иш — «Чашма» номидаги туркум радио эшиттириш жуда катта ишларни амалга оширди. Бундай хайрли иш, яъни бахши-шоирларимиз ҳақидаги тадбир республика ойнаи жаҳонига кўчиб, барчани хурсанд этди. Ўзбек бахшилари, дostonчилик санъати ҳақидаги радио-телевидение эшиттириш ва кўрсатувларини бошлаб берганимиздан бахтиёрмиз. Уларда биринчилардан бўлиб, Қодир бахши чиқиш қилиб ўзбек бахшиларининг мўъжизавий мероси — дostonчилигимизнинг ўзига хос қирралари ва нафосати билан таништирган эди. Ўша кунларда дostonсевар халқимиз томонидан «Чашма» ва «Халқ ижоди» радио эшиттириши билан, телевидение кўрсатувининг ҳар бирига аталган минг-минглаб дил сўзлари изҳор этилган мактублар олинган эди. Ташкилотчилар ва бахшиларга миннатдорчилик изҳор этилган сим қоқишлар, шошилиночномалар йўллашлар бўлган эди. Қизиғи шунда эдики, миннатдорчилик билдирилган бундай мактублар ва сим қоқишлару шошилиночномалар мазмун-маъно жиҳатидангина эмас, балки минтақавий, яъни жуғрофий жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшамас, фарқли бўларди. Республика радиоси ва Ўзбекистон ойнаи жаҳонидан берилган ҳамда ўтказилган «Чашма» ва «Бахши-шоирлар конкурси»дан мамнун бўлиб битилган хатлар нафақат республикамиз вилоятларидаги шаҳар, қишлоқлардан, балки қардош, қўшни республикалар, хатто Афғонистон, Хитой, Эрон каби мамлакатлардан ҳам

анча-мунча бор эди. Биз удар орасидан фақат Қодир Раҳим ўғлининг чиқишларига аталганларигина танлаб олиб, улар мазмуни билан ўртоқлашмоқчимиз, холос.

«Радиода берилаётган «Чашма»да Қодир Раҳимов деган бахшининг чиқиши менда зўр таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам зўр айтаётган кўшиқларининг мазмуни ҳам, гуркираб, наъра тортиб чиқаётган овози ҳам, дўмбирасининг садолари ҳам мўъжиза. Мен бахши-шоирлар ватани бўлмиш кўхна Самарқандда — қишлоқ хўжалик институтида 5 йил ўқиганман. Шу давр мобайнида халқ оғзаки ижодига, хусусан, бахшилар санъатига жуда қизиққанимдан кўп бахшилар билан мулоқотда бўлганман. Улар ижросида термалар ва дostonлар эшитганман. Дўмбира куйларини жуда севаман. Аммо Қодир бахшидай жозибали овозга, дўмбира чертишу кўшиқлар айтишда моҳир бахшини кўрмагандим, эшитмагандим. Шундай эшиттиришни ташкил этиб, ўзбек халқининг ўзига хос, бошқаларда учрамайдиган дostonчилик санъатининг мўъжизаларидан бахраманд қилган ижодкорларга ҳам кўпдан-кўп ташаккур ва тасанно.

Бахшичилик санъатимизни жаҳонга кўз-кўз қилса арзиғулик. Салом ва ҳурмат билан Абдуваҳоб Муродилла ўғли. Наманган вилояти, Чортоқ тумани».

Мана, яна бир мактуб: «Биз уруш ногиронлари, пенсионерлар Юсуфжон Маматов, Дадахон Юсупов, Каримжон Солиевлар Ўзбекистон радиосида берилган «Чашма» бахши-шоирлар чиқишларини доимо эшитиб бормоқдамиз. Очиғини айтсак, олам-олам қувонч-шодлик олмоқдамиз. Бахши деса биз юйўвчи, боқувчи, қоқувчини тушунар эдик. Бахши — мўъжизали, Худо берган одам экан-ку? Бахшичилик эса кишиларни мардликка, довюракликка, жангу жадалларда енгилмасликка чорловчи соҳа эканлигини энди тушундик. Айниқса, биринчи эшиттириш, унда Қодир Раҳимов деган бахшининг чиқиши жуда ёқди. Унинг дўмбирани сайратишига қойил қолдик. Шундай эшиттиришлар қани энди тез-тез уюштирилиб турилса».

ҚОДИР БАХШИ ЎТДИ ДЕНГЛАР

Қодир бахши! Бу номни эшитган, эслаган ҳар бир инсон онгида соз ва сўзни янграқ овоз билан камарбаста қилиб куйлаган улуғ санъаткор намоён бўлади. Унинг вафотидан буён ўтган йиллар мобайнида бахши шухрати ўз улуғворлигини

йўқотмади, балки янада юксалди. Тоғлиқлар унинг заминга нисбатан қанчалик пурвиқорлигини ҳис эта олмагани каби Қодир баҳши биз билан ёнма-ён яшаганда, даврамизда куйиб, ёниб, ўртаниб куйлаганда, шодон кулдиргандаю ўйга толдирганда ёхуд сел қилиб йиғлатганда бу нодир истъодни етарли даражада англаёлмадик. Мана, энди ундан узоқлашганимизда, пастдан баланд чўққига, қояга назар ташлаб, унинг юксаклигини ҳис этганимиз каби, баҳши рухиятини, унинг беқийёс маҳоратини, қудратини, сози сеҳрини ва овозидаги оҳангдорликни англаб етяпмиз...

Биз халқ назари тушган баҳшиларнинг илоҳий қувватга эга эканлигини, юз минглаб мисралардан ташкил топган дostonларни юзга яқин турдаги дўмбира куйларида ижро эта олиш лаёқатини тан олмадик. Баҳшиларнинг бу илоҳий санъатга фавқулodда сиру синоатлар туфайли эришганини рад этдик. Аммо уларнинг бир неча авлоди даладашtda, тоғу тошда ухлаб туш кўрганини, тушларида бир мўйсафид: «Манглайинга берайинми, танглайингга?» деб сўрагани-ю, ниятини берганида ўша туш кўрувчи кўлига чўп олиб, айтиб кетавергани ҳақидаги хотираларини алжираш деб тушундик. Шулардан бири Қодир баҳши Раҳим ўғли (1937 йил 16 апрель — 1986 йил 29 август) эди. Қодир баҳши туш кўриб дўмбира ушламаган, балки дўмбира ушлаб, ҳатто бир неча дўмбиранинг бошига «сув куйиб», сўнгра туш кўрди. Зеро, дўмбира чертиш унга бобомерос, отамерос, тоғамерос эди. Она томондан етти пушти баҳши ўтган Қодирга онаси тўрт ёшида илк бор дўмбира ясатиб берди.

Қодир баҳши элга танилиб, шуҳрати ошиб боргач, чертишига дўмбира чидамай қолди. Унинг чертган қўлларида, овозининг ширадорлигида, айтган матнларида бир илоҳий сир, жозоба бўлгани ҳолда, сознинг тез-тез синиб туришида ҳам қандайдир бир ғайритабиийлик бор эди...

Баҳши эса бир елкасида раҳмоний, бирида эса шайтоний рух борлигига ишонар, ўзи ҳам раҳмоний рух тарафида бўлиб, шайтоний рухга қарши курашарди. Зеро, Қодир баҳши билан ўн саккиз йил ҳамкор яшаганимиз туфайли ундаги илоҳийликка ишонччи чуқур ҳис етардик. Шунчалик кўп воқеаларга гувоҳ бўлдикки, уларнинг барчасини ёзиш имкони йўқлигидан айримларинигина қайд этаётирмиз.

Баҳши сеҳр зўрига, тумор кучига, унинг бало-офатларни даф этишга зўр ихлос қўйган, яхши дуонинг қудратига, ёмон кишиларнинг қарғиши тегиши, суки қириши, кўзи тегишига, пирлар, азиз-авлиёларнинг суянч бўлишига жуда ишонар, садақани радди бало, деб билар эди ва унга қаттиқ амал қиларди...

Марказдан келган бир дахрий эшонларни ёмонлаб терма яратиб беришни ундан илтимос қилади. Одатий кўнгилчанлик билан бахши бояги олимга уч кун индамайди, охири: «Эшонлар сизга нима ёмонлик қилди? Эшону авлиёларга тил теккизсангиз ҳеч нарса айтмайман», деб қатъий жавоб қилади.

Қирғизистонда бир кеча тинмай достону терма айтган, «Ҳа қирғиз-а, ҳа қирғиз» термасини бадиҳа йўли билан тўкиб, уларни хурсанд қилган Қодир бахшига тўй эгаси анча пул беради. Поездга чиқиб санасак, 1000 сўм экан. Ҳали ҳеч жойдан бунча пул олмаган бахши ҳайрон бўлади ва 500 сўмини ажратади-да, тўрт бобога 50 сўмдан талабаларга 20-25 сўмдан тарқатиб дуо сўрайди. Ҳа, Қодир бахши Аллоҳ таоло йўлига ҳайр-эҳсондан чарчамайдиган, топган-тутганларидан закот улашишдан толмайдиган зот эди.

Қодир бахши яхши-ёмонни тез фарқлар, аммо ёмоннинг ёмонлигини айтмас, яхши гап, мақтов билан уни ҳам тўзатишга интилар эди. Ҳатто, у ўз бошига тушадиган фалокатни авлиёларга ўхшаб аввалдан сезган, ўзини шу сўнгги кунга руҳан тайёрлаб борган, бу ҳақда барча яқинларини ҳам огоҳлантирган эди. Афсуски, на яқин дўстлари, на садоқатли шогирдлари ва на фарзандлари унинг бу огоҳлантиришларини англаб етмадилар. Қачонки, у бу оламни тарк этгандагина айтганларини англадик. Афсус ва надоматлар бўлсинки, энди кеч эди...

Ўлимига бир неча кун қолганда яқинларига фожиани куйидагича айтиб чиққан:

Ўғли Қаҳҳор бахши ва садоқатли шогирди Шодмон бахшига: «Менинг таваллуд тўйимни ўтказасизларми?» дейди. Улар, ҳа ундай ўтказамиз, бундай ўтказамиз дегач, машина бошқариб кетаётган Қодир ака:

Бегим ўлса бекчам бор,
Юрт эгасиз бўлмайди.
Норим ўлса норчам бор,
Юк эгасиз қолмайди, —

дейдики, нега бундай деганини мулоҳаза қилиш ҳеч ким чинг хаёлига келмайди...

Фожиадан уч-тўрт кун олдин Фузорнинг Сангишкон қишлоғига тўйга бориш керак эди. Тўй эгаларига «Абдулим* бормаса бормайман», деган шарт қўйиб олди. Ҳарчанд

*Ушбу китоб муаллифларидан бири — муҳаррир изоҳи.

ялинса, илтимос қилса ҳам қолишга рухсат этмайди. Илк марта шу куни уни «сен» деб атайди (Гарчи, 15 ёш кичик бўлса-да, авваллари бирон марта сен демаган). Кумбел деган жойга машина зўриқиб чиқаётганда: «Абдуолим, 50 ёшлик тўйим, тантанам ўтадимиз?», деган. «Ҳа, ўтади, зўр бўлади», деб жавоб бердик. Шунда бахши: «Бўлмаса яхшилаб эшит, Абдуолим, сенга керак бўлади. Менинг айтганларимдан энг кўпи туркменистонлик Ҳожимурод бахшининг ва сурхондарёлик Эшонбобонинг магнитофонида ёзилиб қолган», дейди. Сўнг носдан отади-ю, сукутга кетади. Тўйга етиб келгач, ёнбошлаб, чой ўрнига эриган куйруқ мой ичар, шаробдан кайф қилишга йўл бермасди. Аммо ўша куни уч-тўрт соат дoston айтилса, кифоя бўлган. Бахши аввал мойни ичади, сўнгра шароб куйишни буюради. Тезда даврага чиқади, дostonга киришишдан олдин одатдагидек термалар айтади. Халойиқ «Кунтуғмуш» дostonини айтишни сўраганда «Эй халойиқ, билмадингиз, гапга кулоқ солмадингиз, айтилмаган зўрини айтмоқчийдим, қўймадингиз. Қайта эшитмасликни англаб олмадингиз», деди-ю, «Кунтуғмуш»ни куйлашга киришади. Нима экан ўша айтилмаган зўри? Бу ёғи энди армон...

...Эртаси куни онасининг қишлоғи, тоға юрти Тўда-чорбоғ қишлоғидаги тўйда куйлайди. Бу тўйда айтган термада нафақат қариндош уруғлар билан, балки тоғ-тошлар, қир-адирлар, дову дарахтлар, қушу жониворлар билан ҳам хушлашиб, видолашиб чиқади. Ва афсуски, яна юзлаб тингловчи бахши сасидан лолу хайратда-ю, нега у бу қадар нола қилишидан бефарқ...

Баланд-баланд паст қиялар,
Чопишган қулун биялар,
Холи кўриб кўзин юмиб,
Ўйлашиб турган туялар.
✓ — Бундан бахши ўтди денглар,
Белдан дармон кетди денглар...

Ҳали бахши юрагида дард пинҳон, армонлар кўп эди. Ҳали унинг шогирдларига айтар фикрлари, бахшичилик санъатининг нозик, айтилмаган сирлари ҳисобсиз эди. Билган етмишдан ошиқ дoston матнлари, дўмбиранинг гоҳ янғроқ, гоҳ нолакор ўнлаб куйларини издошларига сингдира

олган, куй билан сўйлаб беролган эмасди-ку?! Вақт эса оз қоляпти. Бутун республикадаги, шунингдек, Тожикистон, Туркменистондаги шогирдларни тўплашга имкон йўқ. Сўнгги имкон туғилиб ўсган, бутун меҳрини берган, ҳар бир гиёҳию қурт-кумурсқасигача кўшиққа қўшган Хўжа-махмуд қишлоғидаги шогирдларига, издошларига бир неча усулда куйлаш имкони қолган Қодир бахши шу имконни ишга солади. Қишлоққа келиб шогирдларини тўплайди, тўкин зиёфат ташкил этади. Қаҳҳору Шодмон, Бойкулу Шойкул, Муҳаммадю Жовлини чорлайди. Уларни ҳам тинглайди, ўзи ҳам минг оҳангда, минг сасда жўшади. Дунё ўткинчилигини, фурсат етганини айтади:

...Азвайишда бўлган бу тананг,
Қора ерда ётар-а,
Силаблар юрган азиз бошни,
Қора қуртлар ютар-а,
Санаблар берган беш куни,
Бизларданам ўтар-а,
Кетмасдан имкон қолмади...

Юрақдан йиғлаб айтади, жигар-бағрини доғлаб айтади, лекин тилини юзаки шодликка чоғлаб айтади...

Ниҳоят, машғум 1986 йилнинг 28 августи етиб келади. Бахши шу куни Тошкентга жўнаши лозим эди. Қатъий келишилган, чипта олинган. Соат кундуз ўн иккида дўстининг иш жойига излаб келади. Эрталаб нонуштага бор-магани учун сал койийди. Кейин муддаога ўтиб шундай дейди: «Жуда чарчаганман, Тошкентга боргим йўқ!». Бахшининг ранги ўчганроқ, кўзида ҳорғинлик билан қандайдир маъюслик акс этарди. Ҳамроҳи уни чарчоққа йўяди, бироқ бахшининг илтижоларига қарши бора олмайди... Рози бўлиб, хайрлашишдан бошқа иложи қолмайди.

Ўша фожеа рўй берадиган куни бахшининг онаси Норхол момо Турди кизи ўғлиникида бўлган, хотини Гўбия бону эса уйи билан ёндаш шифохонада кизи билан дўвланишда эди. Бахши рафиқасига дарвозанинг орқасидан кулфлаб қўйишни, уйда эканлигини ҳеч кимга айтмасликни тайинлаган ва ташқи оламдан узилиб, қоронғулаштирилган уйда ётишни ният қилган. Аммо кўзига уйку келмайди. Хаёллар... Бахшининг хаёллари не ҳақда эди, нималарни ўйлади, бу бизга қоронғу. Балки пайғамбар ёшидан сўнг айта-

ман, деб режалаштирган «Ғарибнома» ю «Шоҳиднома», эхтимол, ҳали қоғозга ва магнитофон тасмасига тушиб тугалланмаган «Ёзи билан Зебо», «Махтумқули», «Малласавдогар», «Бева Барчин», «Темур ва Боязид» дostonлари ёки боболаридан мерос қолган, фақат яна ўзигина биладиган ўндан ортиқ эпос, юзлаб термалар, эртақлар, афсона ва ривоятлар хаёлидан ўтгандир.

Эхтимол, фарзанд-шоғирди Қаҳҳорнинг бахшиликдаги келажаги, ўзи айрича ихлос қўйган, бахшичиликда зўр бўлади, деб каромат қилган ҳарбий хизматдаги Абдумурод сиймоси ёки Баҳодиру кенжаси Баҳриддиннинг ёхуд дўмбира оҳангига бешикдаёқ жим кулоқ тутадиган саккиз ойлик Дилнозанинг тақдири кўз ўнгида гавдалангандир.

Билмадик. Бирок шуни сий аёнки, ёта олмай, ором тополмай, сўнги бор онасига: «Эна-я, сиз мен учун жуда кўп азобукубат чекдингиз. Емай едирдингиз, киймай кийдирдингиз. Ҳам ота, ҳам она бўлдингиз. Бу яхшиликларингизнинг мингдан бирини ҳам қайтара олмадим-у, аммо бир армоним борда», дейди. Она юраги ниманидир сезиб, безовта ура бошлайди. Шу безовталиқ қишлоқдаги уйдан невараларидан ўғлиникига бошлаб келгандир ўшанда, балки...

Норхол момо:

— Абдуқодиржон, нега ундай дейсан? Худога шукур, отанг орзу қилгандай бахши бўлдинг. Ҳамма хурмат қилади, — деб ҳайрон бўлади.

— Эҳ эна-я, мен ёлғиз ўғилман. Оғир бўлсаям айтай: Сизни иззат-хурмат билан у дунёга жўнатиб ўлсам армоним йўқ эди, — дейди бахши.

— Болам, нега ундай дейсан? — деган саволга она жавоб олгунча эшик очилади ва икки миршаб чақираётганини хабар қилишади. Гарчи, бахши ҳеч кимга уйда эканлигини айтмасликни тайинласа-да, дарвоза олдида ички ишлар бўлими ходими турганини кўрган Робия бону шифохонадан чиқиб келади-да, бахши уйда, деб эшикни очади. Меҳмонлар эса Шўрчидан бўлиб, бахшини тўйга айтишга келишган экан. Қодир бахши улардан тўй вақтини ёзиб олиб, хайрлашиб уйга кираётганида аввал ҳам бир неча бор излаб келиб учрата олмай кетган синфдош дўсти, ҳамиша ичиб машина бошқариб юрадиган Г. келиб қолади. Ҳаммадан осонликча қутилган бахши ундан асло қутила олмайди. Юраги нимани сезмасин, дилидан не фикрлар ўтмасин, тилда не, деб рад қилмасин синфдоши уни Нишон туманидаги бир мансабдор танишининг тўйига олиб жўнайди...

Қодир бахши тўйда нечоғлик қайнаб тошгани, дарёдай жўшганига тингловчилар гувоҳ бўлган. Соат тунги иккиларда эса Дехқонободдан «УАЗ—69» машинасида бахши-ни излаб келишади. Бахши қайтмоқчи бўлганда, кайфи ошиб қолган дўсти Г. унга рухсат бермайди ва ноилож машинада келганлар изига қайтишади...

Сахар соат бешларда Г. машинани ҳайдашга ўғлига ҳам, бахшига ҳам рухсат этмай, ўзи ҳайдаб йўлга тушади. Кайф зўр, бу ёғи уйқусизлик ўз таъсирини кўрсатади. Кетмон деган жойга яқинлашганларида йўл четида турган 10-15 одамни кўрган бахши машинани тўхтатади. У машинадан тушиб, турганлар билан сўрашиб, уларнинг орасида машина ҳайдашни биладиганлар бор-йўқлигини сўрайди, ким машинани Дехқонободгача ҳайдаб борса, 1000 сўм беришини айтади. Бироқ бахтга қарши ҳеч ким бу вазифани уддалашга қодир эмас эди.

Бир оз юришгач, йўл четида турган танишини кўриб, бахши яна машинани тўхтатади. Бу киши асли дехқонободлик бўлиб, чўлга кўчиб келиб яшаётган мулла эди. Мулланинг Дехқонободга олиб кетинлар, деган таклифини Қодир бахши рад этиб:

— Мулла бобо, Дехқонободга-ку кетамиз, аммо етиб борамизми-йўқми... Ҳамроҳим дам олишга кўнмаяпти, машина чамбарагини менга бер десам ҳам унамайди. Нима қилишга ҳайронман, хафа бўлмайсиз, энди, — деб йўлга тушишади ва бир чақирим ҳам юрмай... «Жигули» қаршидан келаётган автобусга урилади.

Бу бахтсиз тасодифмиди? Фалокатмиди? Йўқ, аён воқеа эди. Бахшига бу қисмат аён эди. Аммо қисматдан қутулиб бўлмайди. Сўнгги вақтларда ҳатто пиво ичган ҳайдовчининг машинасига минмаган бахши нега кайфи ошган дўстининг машинасига тушди.

Бир куни бахши дўмбирасининг кўп бор синиши воқеа-сини Кенжа бобога айтиб бердик, отахон:

— Ҳа, жигарларим, аввалдан бахшига кўз дориган эканда, ёмон кўз ҳамиша созига таъсир қилиб келган кўринади. Шу сафаргиси созига эмас, ўзига урибди. Агар мен айтгандай бўлса, созига ҳеч зарар етмаган, — деди. Ҳайрон бўлиб, бахши вафотидан сўнг дўмбирани олиб кўрдик. Во ажаб, бир жойи ҳам дарз кетиш у ёқда турсин, чизилмаган, тирналмаган.

Гўё соз отадан фарзандга, устоздан шогирдга мерос қолиши тақдири азалдан бўлгандай... Шу соз Қахҳорга, Ба-

ходирга, Бахриддинга отадан мерос бўлиб ўтди. Фарзандлар, йигирмадан зиёд шогирдлар Қодир бахшидан ўрганган сўзни мослаб, унинг дostonчилик йўлларини, усулларини хотирга олиб, бугун давраларга киришди.

Абадийликка сафар... ёхуд 3-фаслга хулоса

Мухтарам китобхон, маълумингизки, шу фаслнинг «Маёк бўлган устоздир» бўлимида Қодир бахшининг Бобо шоир ўғитларига ҳамиша амал қилганини таъкидлаган ҳолда, «бир бор унутганда эса...» деб тўхталган эдик. Бахши нимани унутди? Ўша маъшум кунда: «Тўйдан чиққанингда маст билан қайтма», деган ўғитни ёддан чиқарди. Эҳтимол, санаб берган куни ўшанда тўлгандир. Нима бўлганда ҳам бахши бу дунёдан кўз юмди...

Ўтган йилларда эса бу ёруғ оламда Қодир бахши номи аввалгиданда кўп такрорланадиган, у ҳамма ерда, ҳар куни армон билан изланадиган бўлиб қолди. Хатто унга шуҳрат учун ўзини рақиб билганлар ҳам дўстиман, дейишдан тоймади, гоҳо ноқобил шогирдлар бахши берган, ўргатган йўлларни ўзим кашф этганман, деб чиқди. Маҳаллий раҳбарият эса ҳамон унинг номини абадийлаштириш ҳақида ваъдаларини тўлиқ бажаришни ўзига эп кўришмади. Аммо Қодир бахши юлдуздек порлаб яшайверди. Сурхондарёнинг қайси тумани, қишлоғида бўлмайлик, у ҳақда гапиришди, уни алқашди, ундан айрилиқдан афсусланишди.

Ҳозир Қодир бахшининг овози ёзилган магнитофон тасмаси бор хонадон омадли ҳисобланади. Хатто кимлар дostonларини ёзиб олган бўлса, нусха олдириб, тижорат қиляпти. Бироқ ҳали ҳеч ким Қодир бахшидан ёзиб олинган дурдона асарлар қаерда, улар қачон чоп этилади, деб қизикқан эмас. Матбуотда эса «Қодир бахши мактаби», «Дехқонобод дostonчилик мактаби» деган иборалар тез-тез қўлланилмоқда.

Ҳа, Қодир бахши мактаб яратди, йигирмадан зиёд шогирди бор. Аммо у яратган мактабнинг ижро усуллари ва йўлларидаги ўзига хослик нимада? Бу ҳали илмий асосланиши лозим. Журналистларнинг «Дехқонобод дostonчилик мактаби» деб, дехқонободлик 4-5 бахши номини такрорлаб бонг уришига ҳам ҳали эрта. Аввало, ҳар бир бахши

ёхуд ҳатто юз баҳши ҳам поэтик мактаб яратавермайди. Борди-ю, яратган тақдирда у ўз исботини топмоғи лозим.

Қодир баҳши истеъдоди, иқтидори, қобилияти ҳеч қандай кўтар-кўтарларга, ортиқча олқишу мадҳияларга муҳтож эмас. Қўлимиздаги бор манбалар-қўлёзмалар чоп этилса, ундан ёзиб олинган магнитофон тасмасидаги дostonлар термалар қоғозга туширилса, Қодир баҳши ҳақидаги хотиралар тўпланса, бу йўлда унинг чинакам мухлислари фидойилик кўрсатса, нур устига аъло нур бўларди.

Зотан, Қодир баҳши дейилганда, бу номни эшитганда юракнинг бир парчаси узилиб тушгандай бўлади, вужудни аламли оғриқ чўлғайди. Бироқ унинг номи ўзи айтган дostonлар, термалар қатида яшашини, умри Алпомишдек, Гўрўғлидек, Рустамдек узун эканлиги тасалли беради дилга.

ЯНГИ САФАРЛАР САРИ

(Хулоса ўрнида)

«Юрган дарё» дейди донишманд халқимиз. Биз дарё бўлмасак-да, дарё инсонларни кўрдик, уларнинг дардлари шодликлари, қувончлари, ингилишларию ташвишларига гувоҳ бўлдик. Сурхондарё деган қадим элда яратувчи ва бунёдкор халқ истиқлол йўлидан урф-одатлари, расм-русумлари — миллий қадриятларини эъзозлаган ҳолда истиқбол сари ишонч, кўтаринки кайфият билан бораётганлигини кўрдик. Полвонлари даврада, чавандозлар пойгадаю улоқда, бахшилари давраларда юрт орини олиб, эл номуси учун курашда эканлигига шохид бўлдик. Вилоят, туман ва жамоалар раҳбарларининг маънавият, маърифат бобида фидойилик кўрсатаётганликларини англадик. Буюк эпосимиз «Алпомиш» баҳона бўлдию, Сурхондарёда:

Боғлар кездик, чўллар кездик,
Қиш ва ёзда тинмадик,
Маломатлар қилди рақиб,
Ён бермадик, кўнмадик.

Излаб элнинг оқинларин,
Кездик қишлоқ овулни,
Ҳаёт экан ўтказдик ҳам,
Бошдан қанча довулни.

Бахшилардан ёзиб дoston,
Олиб қолдик элим деб,
Қўшиқ, эртақ битмоқ учун,
Гоҳ ялиндик хилим деб.

Шукур бугун ўнлаб дoston,
Мақол, матал кўп қолди,
Мустақиллик боис бўлиб,
Қадриятлар кеп қолди.

Халқ ижодин қатларида,
Билдик халқнинг ўйини,
Англай олдик дўмбиранинг,
Энг ҳаётбахш куйини.

Ва шуларнинг бир қисмини,
Ёздик, бизга толе ёр.
Таъзим бирла деймиз халққа,
Оллоҳ бўлсин мадаккор.

Хурматли китобхон! Сиз «Алпомиш» дostonимизнинг улкан тўйи муносабати билан Сурхондарёга қилган сафарларимиз натижаси билан бир қадар танишдингиз. «Алпомишнома»нинг навбатдаги китоби «Алпомиш»нинг Қашқадарё талқинида эса Қашқадарё дostonчилик мактаблари, шу воҳа бахшилари ҳақида тўхталамиз. Сиз Қашқадарё фольклори ҳақида, бу воҳада сафарлар чоғида рўй берган кизиқарли, сирли воқеалар тўғрисида ўқийсиз. Машҳур фольклоршунослари Абдумўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамроларнинг «Алпомиш» ва бошқа дostonлар ҳамда оғзаки ижод намуналарини тўплашдаги жасоратлари ва фидойиликларидан огоҳ бўласиз. Қодир бахши тўғрисида замондошларнинг дил сўзлари, «Алпомиш» дostonининг Абдулла шоир, Умир шоир, Қаҳҳор бахши, Исмоил бахши, Рўзи бахши, Шомурод бахши Бекназар бахши, Абдумурод бахши ва бошқалар ижодлардан ёзиб олинган вариантларидан парчаларни мутолаа қиласиз.

Ушбу китобга сўнгги нуқта қўйилар экан, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» дostonидан илҳомланиб, дил сўзлари (Абдуолим Эргашев дил сўзлари — *муҳаррир изоҳи*) шеърый мисраларда куйилиб келаверди:

Тугар экан ушбу китоб,
Бир зум ўйга толаман,
Устоз меҳри улуғлигин,
Эслаб ўйда қоламан?

Яралгандан ушбу замон,
Яралгандан одамзод,
«Устозларни буюк» деган,
Ҳикмат бўлган элга ёд.

Зеро, дерлар: «Авлодларни
Боғлар шогирд ва устоз!»
Кимдир алқар, ёмонлар, ким,
Мадҳиялар эмас оз!

Устоз-шогирд орасида,
Турар эмиш бир Аллоҳ,
Бизлар эса бу ҳикматдан,
Бўлолмасмиз кўп огоҳ.

Мен эса-чи англаб шуни,
Устоз ҳақда сўзладим,
Бунинг билан шогирдларга,
Садоқатни кўзладим.

Кўп ҳам эмас, нақ ўттиз йил,
Бидим дея қанотни,
Шу йўлда сирдош билдим,
Ўзга Малик Муродни.

Оғир кунлар ғамдош бўлдим,
Кувончида яйрадим,
Устозимга раҳмат учун,
Қалам учун қайрадим.


Аллоҳ турди орамизда,
Не сирларни сирлашдик,
Халқнинг буюк ижоди деб,
Бу ҳаётда бирлашдик...


Истиклолнинг йўлларида
Парвардигор қўласин,
Олимларнинг оламаро,
Кашфиётга йўласин.

АЙРИМ СЎЗЛАР ИЗОҲИ

Сорилмасин — сарғаймасин
Сап бўлиб — қаторлашиб
Чақа — чақалок
Чупорон — суннат тўй
Шойдам — илдам
Эмин-ғамин — эмин-эркин
Хунопча — а) пишмаган қовун, б) шўр, в) барги
Халтиндан — ҳозирдан
Душ бўлди — дуч бўлди
Мегажин — бузук
Дигар — бегона
Качфаҳмлик — калтафаҳмлик, ўйловсизлик
Хит билибди — оғир олибди
Лодон — нодон
Қўшоқ — кўзи-улоқларни қаторлаштириб боғлайдиган
ҳалқали арқон
Мамиз — рағбат
Тоналар — таналар, сигирнинг боласи
Сийир — сигир
Жутамасам — емасам маъносида
Ошув — тепалик
Шанпати — кўринарли жой
Ийамталаш — уддалаш
Ҳиласлапа берди — кўрина берди
Энги — чўпон ҳақи
Кайвони бўл — эга бўл маъносида
Морқа — а) эрка, б) семиз
Тобағи — таънаси, маломати
Собаси — овози
Габаси — боласи
Қалбини жавла — қалбига йўл топ
Иркилганда — тенг олганда
Хилим — қариндошим

ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ ШАЖАРАСИ









19	Омонниёз лўли
20	Кенжа лўли
21	Бўрон лўли
22	Жўра лўли
23	Уста Норқобил Авлиёкул ўғли

Алисаид Халим-назар ўғли (1902 - 1983) Шеробод	Хушвакт Мардонақул ўғли (1942) Қизирик	Юсуф Ўтаган ўғли (1915-1978) Шеробод	Тошмурод Тўра ўғли (1894-1989) Кофрун-Дейнов	Улаш Ғози ўғли (1892-1969) Кофрун	Абдимурод Хожимурод Ангор	Шердонақул Мардонақул ўғли	Қосим Мардонақул ўғли
--	--	--------------------------------------	--	-----------------------------------	---------------------------	----------------------------	-----------------------


Қодир Бўриев	Абдуназар Поёнов Қизирик	Шоберди Болтаев Бойсун	Абдусалим Эргашев Қизирик	Саид Хушвакт ўғли Қизирик	Боборайим бахши Денов
--------------	--------------------------	------------------------	---------------------------	---------------------------	-----------------------




БОЙСУН (КОФРУН) ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ




БЕШКЎТОН ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ




ШЕРНА ШОГИРДЛАРИ




**ШЕРНАЗАР БЕРДИНАЗАР ЁЎЛИНИНГ
ОИЛАВИЙ БАХШИЧИЛИК ШАЖАРАСИ**
(Қариндочилиқ Шернага нисбатан олинди)




МАРДОНАКУЛ АВЛИЁКУЛ ЁҒЛИНИНГ УСТОЗ-ШОГИРДЧИЛИК ШАЖАРАСИ




ҚОДИР БАХШИНИНГ УСТОЗ-ШОГИРДЛИК ШАЖАРАСИ



Ражаб Нормурад ўғли



КОДИР БАХШИ «СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР»



МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	5
----------------	---

1-ФАСЛ. АЛПОМИШНИ ИЗЛАБ...

Яхши сўзнинг қаноти бор	12
Хайрли ниётлар йўлдош	28
Ўқтам кишилар даврасида	33
«Йўл бергин, Оқсув ўтайин»	39
Ўзинг қўлла, улуғлар руҳи!... ..	44
Бойсарининг яйлови ёхуд қўлқамиш афсонаси	47
Хушвақт бобо ривоятлари	55
Ойтовканинг эли	59
Изланишлар давом этади	68
Аёллар ҳам куйлайди дoston	73
Алпомиш авлодлари — хомийларимиз	77
«Кундаликлар», «Тундаликлар», «Йўл битиклар»дан	99
Бирни кўриб фикр қилдик... ёхуд 1-фаслга хулоса	110

2-ФАСЛ. АЛПОМИШНИНГ СУРХОН ТАЛҚИНИ

Воҳа дostonчилигининг ўрганилишига бир назар	112
Сурхондарё дostonчилик мактаблари	114
«Алпомиш» куйчилари	118
«Алпомиш» туркуми	122
Қора бахши Умир ўғли. «Алпомиш»	130
Хушвақт бахши Мардонақул ўғли. «Алпомиш»	158
Чоршанби бахши Раҳматулла ўғли. «Алпомиш»	186
Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Бева Барчин»	192
Чори бахши Умиров. «Ёдгор»	211
Абдуназар бахши Поён ўғли. «Алпомиш» дostonидан бир майдон	228
Абдуназар бахши Поён ўғли. «Турсун мерган»	254
Сайроқи соз садолари	272
Қош қўяман деб... ёхуд 2-фаслга хулоса	288

3-ФАСЛ. ҚОДИР БАХШИ — ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИНИНГ БУЮК ВАКИЛИ

3-фаслга дебoча	294
Болалик армонлари	296
«Дўмбирага иштиёқ руҳимда эди»	299
«Маёқ бўлган устоздир»	304
«Эл оралаб тердим дон» ёхуд бахши сув ичган булоқлар	313
Нелар айтиб, қайдан қайтаман	324
Минг кечага еттулик дoston	337
Эл-юртим деб душманларга доридим	342

Буюкларга муносиб эҳтиром	357
Гўзалликда беназир — «Келиной»	369
Аллоҳ паноҳига олган ошиқлар	383
Соз сайрайди қўлимда	390
«Қиблагохимсан — халқим, саждагохимсан — Ватаним»	403
Бахши ижодини ўрганиш йўлида	413
Бахши ҳам инсон эди	421
Қодир бахши — қадриятлар жарчиси	434
Қодир бахши ўғитлари	439
Тойлар тулпор бўлар ёхуд устозга муносиб шогирдлар	447
Мактублар — ҳаёт кўзгуси, ҳақиқат жарчиси	457
Қодир бахши ўтди денглар	459
Абадийликка сафар... ёхуд 3-фаслга хулоса	466
Янги сафарлар сари (хулоса ўрнида)	468
Айрим сўзлар изоҳи	471
Шажаралар иловаси	472

Малик МУРОДОВ, Абдуолим ЭРГАШЕВ

АЛПОМИШНОМА

(*Биринчи китоб. Сурхондарё талқини*)

«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 1999

Рассом С. Силка
Бадий муҳаррир Л.Дабиха
Техник муҳаррир Ж.Бекиева
Мусаҳҳонлар Ф.Исмоилова, С.Бадалбоева.

Босишта руҳсат этилди 20.04.99. Бичими 84x108 1/2. № 1 қоғозга
«Таймс» ҳарфида офсет усулида босилди. Босма табоғи 32,0. Нашр бос-
ма табоғи 30,5. 1800 нусха. Буюртма № 3011
Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 65-98.

Андоза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компьютер бўлимида тайёр-
ланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахона-
сида босилди. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.